

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожда алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.


Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК



“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ - 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ЖИЛД

*** **

Олимжон ДАВЛАТОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА
ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ ВА ҲАДИСЛАР

МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ

*Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ


Муслиҳиддин Муҳиддинов, Муҳаммаджон Имомназаров,
Сирожиддин Саййид, Иброҳим Ҳаққул, Шухрат Сирожиддинов,
Баҳром Абдуҳалимов, Мирзо Кенжабек, Жаббор Эшонқул, Нурбой Жабборов,
Афтондил Эркинов, Исажон Султон, Ваҳоб Раҳмонов, Шухрат Ризаев,
Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Каромат Муллахўжаева

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ОЛИМЖОН ДАВЛАТОВ

**АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА
ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ ВА ҲАДИСЛАР**



قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ
قُلْ أَتَى الْبَشَرَ نَاقُوسٌ
قُلْ أَتَى الْبَشَرَ نَاقُوسٌ
قُلْ أَتَى الْبَشَرَ نَاقُوسٌ

قُلْ أَتَى الْبَشَرَ نَاقُوسٌ
قُلْ أَتَى الْبَشَرَ نَاقُوسٌ
قُلْ أَتَى الْبَشَرَ نَاقُوسٌ
قُلْ أَتَى الْبَشَرَ نَاقُوسٌ

**Муҳтарам устозим Нажмиддин Комиловнинг
порлоқ хотирасига бағишлайман**

КИРИШ

Жамиятнинг диний-руҳий асосларини, халқимизнинг ўн тўрт асрлик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган ислом маданиятини тиклаш ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихий хотира, миллий ғурур ва маданий-тарихий ягоналикка эга бўлиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Қолаверса, ҳар қандай миллий адабиёт диннинг руҳониятига доимо кучли эҳтиёж сезади, ундан озиқланади. Кечаётган миллий ҳамда биз учун муқаддас бўлган диний қадриятлар ва анъаналарни ўзаро боғлиқликда қайтариш ва тиклаш жараёнида мумтоз адабиётимизнинг муқаддас манбалар – Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан олган таъсири, диний мавзуларнинг адабиётда ифодаланишини тадқиқ этиш ўз ечимини кутаётган масалалардан саналади. Шу билан бирга, бутун ўзбек мумтоз адабиётини фақат динга боғлаб тушунтириш ҳам биртомонламалик, нохолислик ва адабиётни янги сохта ўзанларга солишга олиб келади. Шунинг учун ҳам ўрта асрлардаги дин ва адабиёт муносабати мезонларини аниқлаш ва таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўз навбатида Навоий шеъриятини ана шу нуқтаи назардан таҳлил ва талқин қилиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири эканлигини кўрсатади.

Адабиёт сўз санъати бўлганлиги боис Қуръон ва ҳадис маъноларини шеърда сингдириш ҳам турли бадий санъат ва баён воситалари орқали амалга оширилади. Бу хулоса илк бор мумтоз араб адабиётшуноси Абдуллоҳ ибн ал-Муътазнинг “Китоб ул-балоға” асарида қайд қилинган. Умуман олганда, мумтоз адабиётшуносликка оид барча манбаларда шу мавзуга алоҳида боб ажратилган. Замонавий адабиётшуносликда эса А.Ҳожиаҳмедов ва Ё.Исҳоқовнинг китобларидаги иқтибос санъатига берилган мухтасар таърифлардан ташқари ушбу йўналишда махсус тадқиқот олиб борилмади.

Навоий ғазалларининг таҳлили шуни кўрсатдики, талмиҳ қилинган образларнинг аксарият қисми Қуръони каримда зикр этилган қиссалар қаҳрамонларидир. Мазкур образлар шу пайтгача адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганилмаганлиги, диний образларнинг генезиси ва шаклланишида Қуръон ва ҳадиснинг роли ва аҳамияти тадқиқ қилинмаганлиги ҳам мумтоз шеъриятни тўлиқ англашни мушкуллаштиради. Қолаверса, Навоий шеъриятида диний сиймолар ислом дини таълимоти асосида талқин қилиниши эътироф этилса-да, лекин талмиҳ қилинаётган ҳодиса ва воқеалар айнан қайси оят мазмунига ишора эканлигини ўрганишда оқсоқлик сезилмоқда. Бу ҳолатларнинг барчаси биз тадқиқ этаётган мавзунинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодиёти бўйича истиқлолгача бўлган даврда амалга оширилган тадқиқотларда¹ ушбу масала давр тақозоси билан деярли дахл қилинмади, зарурат бўлганда эса, Навоийнинг динга бўлган муносабати биртомонлама талқин қилинди.

1 О.Шарафиддинов. Алишер Навоий. –Т.Бадий адабиёт нашриёти, 1971; С.Айний. Танланган илмий асарлар. – Т.: Фан, 1978; А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси. –Т.: Ўзбекистон, 2016; Ё.Исҳоқов. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Т.: Фан, 1965; И.Султон. Навоийнинг қалб дафтари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2010; А.Қаюмов. Асарлар. 1-жилд. –Т.: Мумтоз сўз, 2008; С.Эркинов. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. –Т.: Фан, 1971; А.Рустамов. Навоийнинг бадий маҳорати. –Т.Адабиёт ва санъат, 1979; С.Хасанов. Роман о Бахраме. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.

Мустақиллик йилларида Навоий ижодининг янги таҳлил ва талқинлари дунё юзиде кўрди¹, етмишдан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Ушбу тадқиқотларда Навоий ижодиётини истиқлол даври мафкураси ва холис илмий мезонлар асосида таҳлил қилиш, ирфон ва тасаввуфнинг Навоий ижодида тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаш жараёнида Қуръон ва ҳадиснинг таъсири ҳамда роли ҳақида муайян ишораларни ҳисобга олмаганда, бу мавзу бўйича ҳали бирор яхлит тадқиқот амалга оширилмади.

Ҳ.Кароматовнинг “Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари”² докторлик диссертацияси, З.Ғаффорованинг “Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари”³ рисоласи ҳамда Н.Бекованинг “Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва “Рух ул-қудс” қасидасининг бадиияти”⁴ номли номзодлик диссертациясини ушбу муаммонинг ечими йўлида дастлабки қадамлар деб баҳолаш мумкин. Ҳ.Кароматовнинг тадқиқотида асосий эътибор Қуръони каримнинг таржималарига қаратилган бўлиб, қуръоний мавзуларни ёритишда ўзбек шоирларининг бадий маҳорати масаласи етарлича очиб берилмаган. Шунингдек, бу диссертацияда ҳадисларнинг бадий адабиётга кўрсатган таъсири ҳақида тўхталмаган. З.Ғаффорова рисоласи анча мухтасарлиги ҳамда информацион характерга эга эканлиги билан аҳамиятлидир. Н. Бекова диссертациясида эса “Ҳазойин ул-маоний” девонидаги ҳамд ғазаллар ғоявий-бадий таҳлил қилинган. Аммо бу ишда ҳам Қуръон оятлари ва ҳадиснинг Навоий ижодиётини тутган роли ва аҳамиятини очиб беришда асослар етарли эмас. Чунки, Навоий фақат ҳамд ва наът ғазалларидагина эмас, балки фарддан тортиб, йирик дostonларигача – қайси мавзуда қалам тебратмасин, Қуръон ва ҳадис у учун асосий сарчашмалардан бири бўлган. Шунингдек, оят ва ҳадисларнинг маъно ва матндан қай усуллар ёрдамида фойдаланганлиги ҳам ушбу тадқиқотда ёритилмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур монографияда ушбу вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди:

– Навоий шеърини айнан келтирилган оят ва ҳадис матнларининг манбаларини аниқлаш, мазкур байтларнинг ғоявий-бадий моҳиятини очиб бериш, асл матнни туркий мисраларга сингдириш усулларини белгилаш;

– бадий санъатлар ёрдамида Қуръон оятлари ва ҳадислар маъноси сингдирилган байт ва мисраларни таҳлил қилиш, улардаги маъно қатламларини очиб бериш, ушбу шеърлар учун Қуръон ва ҳадис қай даражада асос бўла олганини аниқлаш;

– дostonлардаги дидактик-ахлоқий ҳикояларни яратиш жараёнида илоҳий оят ва набий ҳикматларнинг роли ва аҳамиятини белгилаш, бирламчи манба вазифасини бажарадиган оят ва ҳадисларни аниқлаш, уларнинг ҳикоятлар мазмун-моҳиятига қай даражада мувофиқ тушганини таҳлил қилиш;

1 М.Муҳиддинов. Икки олам ёғдуси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991; Ҳ.Қудратуллаев. Навоийнинг адабий-эстетик олами. –Т.Ғафур Ғулом нашриёти, 1991; Ҳ.Кароматов. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993; А.Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1995; Ш.Шарипов. Лисон ут-тайр ҳақиқати. –Т.Маънавият, 1998; С.Ғаниева. Навоий насри нафосати. –Т.:2000; Н.Комилов. Хизр чашмаси. –Т.: Маънавият, 2005; М.Муҳиддинов. Комил инсон – адабиёт идеали. –Т.: Маънавият, 2005; И.Ҳаққул. Навоийга қайтиш. –Т.Фан, 2007; Ш.Сирожиддинов. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. –Т. Академнашр, 2011; Д.Салоҳий. Навоий назмиёти. – Самарқанд:Зарафшон, 2013; Б.Тўхлиев. Алишер Навоий ва ёшлар тарбияси. –Т.: Баёз, 2015. М.Имомназаров. Навоийшуносликка кириш. –Т.: 2015.

2 Ҳ.Кароматов. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари. Фил.ф.д... дисс. –Т.: 1994.

3 З.Ғаффорова. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. –Т.: Маънавият, 2001.

4 Н.Бекова. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва “Рух ул-қудс” қасидасининг бадиияти. Фил.ф.н. дисс. –Т.:2003.

– Навоий шеърлятидаги Қуръони каримда зикр этилган қиссалар қахрамонлари – пайғамбарлар, ҳакимлар, валий зотлар ҳамда залолатга юз бурган кимсаларнинг тасвирини тадқиқ этиш;

– ҳадислар асосида яратилган, аммо “Арбаъин”га киритилмаган қитъаларни матний-қиёсий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ҳадислар мазмун-моҳиятини очиб беришдаги роли ва аҳамиятини кўрсатиш;

– комил инсоннинг олий намунаси бўлган Муҳаммад пайғамбар (сав)нинг Навоий шеърлятидаги сиймоси тасвирида қўлланилган оят ва ҳадислар манбасини аниқлаш ва бадий талқинини яратиш.

Ушбу монография дастлаб диссертацион тадқиқот сифатида марҳум устозимиз, аллома Нажмиддин Комиловнинг бевосита раҳбарлиги ва кўрсатмалари асосида тайёрланган эди. Бизга боғлиқ бўлмаган турли сабабларга кўра ҳимояга тайёр бўлган диссертация билан ўн беш йил турли илмий кенгашлар эшигида сарсон кезиб, ҳимояга рухсат ололмадик. Ва ниҳоят, 2017 йили Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислоҳотлар шарофати билан йирик навоийшунос, профессор Муслиҳиддинхон Муҳиддинов илмий раҳбарлигида диссертацияни ҳимоя қилиш имконига эга бўлдим. Қўлингиздаги китоб ана шу тадқиқот асосида тайёрланди.

Азиз ўқувчи! Инсон боласи хато қилувчидир. Инсонийлигимизга бориб, бирор нуқсон ва ё камчиликка йўл қўйган бўлсак, олдиндан узр сўраймиз. Китобдан бирор манфаат олган бўлсангиз, Парвардигорнинг карамидан деб билиб, аҳли байтимиз ҳамда устозларимизни дуоларингизда эслашингиздан умидвормиз.

БИРИНЧИ БОБ. НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ОЯТ ВА ҲАДИСЛАР МАТНИНИ КЕЛТИРИШ УСУЛЛАРИ

Навоий ижодиётида арабча сўз ва иборалар қўлланилишининг даражаси, арабизмларнинг роли ва ўрнини лексик ҳамда семантик жиҳатдан аниқлаш йўлида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур ишларда арабизмлар, асосан, тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилган бўлиб, тадқиқотчилар шоир қўллаган сўз ва ибораларнинг фақат ана шу қирраларини очиб беришни мақсад қилишган¹. Шунингдек, 20-томлик “Мукаммал асарлар тўплами” да илова тариқасида тушунилиши қийин бўлган сўз ва иборалар (мазкур ибораларнинг асосий қисмини арабизмлар ташкил этади)нинг ҳам изоҳи келтирилган. “Навоий асарларининг изоҳли луғати”нинг 4-жилдида ҳам икки юздан ортиқ арабий ибора ва бирикмаларнинг изоҳи ҳамда талқини берилган, аммо уларнинг манбалари аниқ кўрсатилмаган. Ҳолбуки, мазкур ибораларнинг ҳатто сўзма-сўз таржимаси билан ҳам арабча иборалар истифода этилган байт ва мисраларнинг моҳиятини тўғри англаш анча қийин кечади. Мисол учун “Назм ул-жавоҳир” муқаддимасида келтирилган мана бу рубойни олайлик:

*Ул Тенгрики жовид бақо келди анга,
Ончаким бақо жуду сахо келди анга,
Бир дўстга нукта “Ҳал ато” келди анга.
Ким зот аро васфи “Ло фато” келди анга².*

“Ҳал ато” ва “Ло фато” иборалари Алишер Навоий мукаммал асарлари тўпламининг 15-томида “Ўтдими (бердими)” ва “Ўтмадими (бермадими)” тарзида таржима қилинган³. Агар мазкур рубой ўша “таржима”лар воситасида ўқилса, мантиқ меъёри ҳам, таносуб шартини ҳам бузилади ва оқибатда Навоий назарда тутган маъно келиб чиқмаганига гувоҳ бўламиз.

Аслида рубойнинг биринчи байти Ҳақ таоло ҳамдида бўлиб, унинг зоти азалийлиги ва абадийлиги, жуду саховат ҳамда бошқа сифатлари мангу эканлиги ҳақида сўз юритилади. Учинчи мисрада “Инсон” сурасининг биринчи оятидан “Ҳал ато” ибораси келтирилган. (Бу оят рубойдан олдинги жумлада тўлиқ келтирилган, аммо нотўғри ёзилиб, таржима қилинган. Тўғриси эса қуйидагича:

{هَلْ أَتَى عَلَى الْإِنْسَانِ حِينٌ مِّنَ الدَّهْرِ لَمْ يَكُنْ شَيْئًا مَّذْكُورًا}

– Аниқки, инсон узра қачондир тилга олгулик нарса бўлмаган вақт (муддат) кечган⁴. “Бир дўст” – Аллоҳнинг ҳабиби, сарвари коинот Муҳаммад Мустафо (сав)дир. Дунё яратилган, аммо инсон ҳали мавжуд бўлмаган замонлардан хабар бераётган бу оятни келтиришдан Навоийнинг мақсади нима бўлган? Аллоҳ бу дўстига кўп “нукта”ларни нозил қилган, аммо айнан шу оятни келтиришда не сир, не мурод бор?

Бир гуруҳ сўфийлар (жумладан, ваҳдат ул-вужуд таълимотининг издошлари) ақидасига кўра, Аллоҳнинг илк яратган нарсаси “нури Муҳаммадий” ёхуд “ҳақиқати муҳаммадия”-

1 - Бу ҳақда қаранг: Нишоннов А.Х. Фонетико-морфологический и лексико-семантический анализ арабизмов в языке Навои. Дис. ... канд. фил. наук. – Т.: 1990.-228б.

2 Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. – Т.: Фан, 1999.– Б.123.

3 Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. – Т.: Фан, 1999.– Б.228.

4 Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001.-Б.-578.

дир¹. Улар ўз ақидаларига асос сифатида, кўпинча, “أول ما خلق الله تعالى كان نوري” (*Тангри таолонинг илк яратган нарчаси менинг нурумдир*) ҳадисини келтирадилар². Бу нурдан Аршу курси, етти фалак, дунё ва ундаги жамийки мавжудот, умуман бутун Борлиқ ёришиб, инсон яшаши учун қулай қилиб яратилди. Олам пайдо бўлганидан Одам алайҳиссаломни яратиб, унга жон ато этгунга қадар орадан маълум бир муддат ўтган эди. (Юқорида келтирилган оятда ҳам ана шу муддатга ишора қилинган). Аммо ана шу муддатда ҳам, инсонсиз Оламнинг замирида ҳам ҳақиқати муҳаммадия бор эди, унинг жавҳари, моҳиятини ташкил этарди. Навоий тили билан айтсак:

*Оламу одам фидонг ўлсунки, борсан, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондир ғараз³.*

Таҳлил қилинаётган рубоийнинг тўртинчи мисрасидаги арабча ибора эса машҳур “لا فتى الا على لا سيف الا ذو الفقار”⁴ (*Алидек жўмард паҳлавон ва унинг зулфиқоридек бурро шамшир йўқ*) ҳадисидан олинган бўлиб, Навоий бу нозик ишора орқали пайғамбар наътидан ҳазрат Али васфига ўтади. Арабча ибораларнинг таҳлилидан сўнг рубоийнинг насрий табдили қуйидаги кўринишга келганига шоҳид бўламиз: Ул Тангрики, боқийлик сифати унга абадийдир; Унинг жуд ва сахо сифатлари боқийлик сифати каби мангудир. Аллоҳ бутун башариятнинг йўқдан бор бўлиши Ўз дўсти – Муҳаммад расулуллоҳ (сав) туфайли бўлганини хабар бергани каби, бу дўстига Алидек жўмард паҳлавонни сафдош ва ҳаммаслак қилиб яратди.

Хулоса қилиб айтганда, улуғ Навоий арабча ибораларни келтириш орқали тўрт мисрада ҳамд, наът ва васфдек учта улкан ва шарҳи юз рисола бўлғуси мавзуга қўл урган ва кўзлаган мақсадига эришган ҳам.

Алишер Навоий ижодиётида мазкур рубоийга ўхшаш яна бир қанча шеърлар ҳам борки, улардаги арабча сўз ҳамда иборалар тўғри таржима ва талқин қилинса, маънолар эшиги ҳаммамиз учун кенг очилади.

ИҚТИБОС САНЪАТИ : ТАЪРИФ ВА ТАЛҚИН

Бадиъ илмида турли тилларда ёзилган шеърларни **муламмаъ** ва бу маҳоратни **талмиъ** (араб.-*ранг-баранг этиш, равшан қилиш*) санъати дейдилар⁵. Навоийнинг туркий тилда битилган ғазалларининг арабча ибора ва сўз туркумлари ишлатилган байт ва мисраларини тўплаб, кўздан кечирганимизда шу нарса аниқландики, бу сўз ва ибораларнинг аксарияти Қуръон ва ҳадислар матнидан олинган. Мумтоз адабиётшунослигимизда шеърда Қуръон ва ҳадис сўзларининг ишлатилиши алоҳида санъат ҳисобланган, яъни, ўша байт ё мисрада талмиъ санъати эмас, балки бошқа бир мустақил бадий санъат–**иқтибос санъати**дан фойдаланганлиги қайд қилинади.

Филология фанлари доктори Анвар Ҳожиаҳмедов ўзининг “Шеъринг санъатлар ва мумтоз қофия” асарида иқтибос санъати ҳақида шундай дейди:

“Илм ўзлаштирмақ” маъносидаги бу сўз Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларини шеър ичида келтириш ёки уларнинг мазмунини шеърда ифодалаш санъати номидир. Мусулмон мамлакатларининг шоирлари бу усулга кенг мурожаат қилиб, ўзларининг лирик ва лиро-эпик асарларида оятлар ва ҳадисларни келтирганлар. Ҳадисларга бағишлаб ёзилган “Арба-

1 أبو نصر سراج. اللمع في التصوف. بيروت 1983. ص 121

2 بديع الزمان فروزانفر. احاديث مثنوي. تهران. امير كبير 1370. ص 241

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж.1: Ғаройиб ус-сиғар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б.299.

4 بديع الزمان فروزانفر. احاديث مثنوي. تهران. امير كبير 1370. ص 104

5 محمد ابن عمر رادويافي. ترجمان البلاغة. تهران. نشر زمان 1372. ص 342

ин”лар ҳам иқтибос усулида яратилган...”¹ Бу ўринда, бизнинг фикримизча айрим баҳста-
лаб ва ислоҳ қилиниши лозим бўлган фикрлар ҳам мавжуд.

“Иқтибос” сўзини, кўпинча, кўчирма маънода тушунамиз ва ишлатамиз. Аслида, бу сўз
кўп маъноли бўлиб, Деххудо “Луғатнома”сида қуйидагича ифодаланади:

“Иқтибос” – оловни қамраб олмоқ (“Тоғ ул-масодир”), олов олмоқ, чунки қабас сўздан
олинганим, икки фатҳа билан олов парчаси маъносини билдиради (“Ғиёс ул-луғот”), ёнмоқ
 (“Таржумон ул-Қуръон”), зиё олиш (Аллома Журжонийнинг “Таржимон”и), илм ўзлаштир-
моқ (“Тоғ ул-масодир”), билим олмоқ; фойда бериш (“Нозим ул-атиббо”), бировдан илм ўр-
ганмоқ (“Фарҳанги Онандроғ”)..²

Мумтоз форс адабиётшунослигининг илк обидалари – “Таржумон ул-балоға”, “Ҳадойиқ
ус-сеҳр”, “Ал-мўъжам”, “Ҳадойиқ ул-ҳақойиқ”да иқтибос алоҳида санъат сифатида кўрса-
тилмаган. Лекин ислом олами адабиёти, жумладан, форс ва туркий адабиётларнинг илк
даврлариданоқ шеърда соф арабча ибора, мисра ва байтлар ишлатилиши ҳолатлари учраб
туради. “Таржумон ул-балоға”нинг муаллифи Муҳаммад Родуёний (ва умуман, форс адаби-
ётшунослари) ўз асарида бу мавзуда алоҳида фасл-боб ажратган.

Родуёний фикрича, агар шеърнинг бир байти форс, иккинчи байти араб (агар форсча
байтнинг таржимаси бўлмаса) тилида ёзилса, муламмаънинг талабларига жавоб беради³.
Рашид Ватвот агар байтларнинг ўрин олиш тартиби, вазн ва қофияси бузилмаса, бир ми-
срадан ўн байтгача бир тилда ва яна шунча байт ё мисрани бошқа тилда ёзиш мумкин-
лигини таъкидлаган⁴. Ҳаловий ҳам бу фикрларни қўллаб-қувватлайди ва шуни қўшимча
тарзда айтадики, бу усулни фақат форс ва араб тилида эмас, балки ҳамма тилларда ҳам
қўллаш мумкин. Балким, ўша даврлардаёқ бизгача етиб келмаган илк туркий муламмаъ-
лар мавжуд бўлиб, Ҳаловийнинг бундай фикрга келишига асос бўлгандир. Кошифий эса
муламмаъни шундай таърифлайди: “Шоир шеърининг бир қисмини форс тилида, қолган
қисмини бошқа тилда ёзади”,⁵ яъни форсча ва арабча байтларнинг нисбати ва навбатига
риоя қилиш шарт эмас. Шунингдек, бир байтнинг ўзида икки-уч тил элементларини ишла-
тиш мумкин.

Устоз Садриддин Айний Шайх Саъдийни талмиъ санъатининг асосчиси деб билади,
аммо бу санъат форсийзабон шоирлар ижодида X-XI асрлардан бошлаб кенг қўлланилган.
Маликушшуаро Баҳор бу даврдаги форс тилини энг тоза ва арабизмлардан холи, деб ха-
рактерлайди ва унинг тадқиқи бўйича, арабизмлар бу даврдаги адабий тилда 5-10 фоизни
ташқил этарди, холос⁶. Форсий-дарий тили адабий тил сифатида муомалага кирган бўл-
са-да, араб тили Хуросон ҳамда Мовароуннаҳр ўлкаларида илм ва адабиёт тили сифатида
ўз нуфузини йўқотмаган эди. Саолибийнинг “Ятимат уд-даҳр”ида бу ўлкаларда яшаб ижод
қилган 119 нафар арабийзабон шоирлар ҳақида маълумот берилган⁷. Бу шоирларнинг ак-
сарияти маҳаллий тилларда ижод қиладиган замондош ижодкорларга ҳақорат кўзи билан
қараганлар ва уларни араб тилини мукамал билмаслиги сабабли авом тилида шеър ёзиш-
га мажбур бўлган нозим сифатида баҳолаганлар. Бир гуруҳ форсийзабон бунган жавобан
шоирлар ўзларининг бадий салоҳият ва шоирлик маҳоратларини кўрсатиш учун ҳар икки
тилда баравар ва сермаҳсул ижод қилганлар. Талмиъ санъатининг пайдо бўлиши ва қўлла-

1 Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатлари ва мумтоз қофия. Т.: Ўқитувчи, 1999. –Б.60-61.

2 علي اكبر دهخدا لغتنامه روايت چهارم انتشارات علم ج ۲ ص ۳۵۲

3 محمد ابن عمر رادويافي. ترجمان البلاغة تهران نشر زمان ۱۳۷۲ ص ۴۰۲

4 رشيد الدين وطوات حدايق السحر في دقايق الشعر قوم ۱۳۶۹ ص ۶۷۳

5 حسين واعظ كاشفي بدايع الافكار في صنایع الاشعار موسكو ۱۹۷۷ ص ۱۱۳

6 ملك الشعرا بهار سبك شناسي وتاريخ تطور نثر فارسي تهران زمان ص ۵۸

7 ذبيح الله صفا تاريخ ادبيات ايران ج ۱ ص ۳۱۷

нилишининг яна бир сабаби – бир шеърда икки тилни ёнма-ён ишлатиш ҳамда бу билан ҳар бир тилнинг ўзига хос файзу таровати борлиги, маҳаллий тиллар ҳам араб тилидан балоғату фасоҳат бобида қолишмаслигини кўрсатиш эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, иқтибос алоҳида санъат сифатида Родуёний, Ватвот, На-сириддин Тусий, Ҳаловий, Ромий асарларида учрамайди. Бу ҳақда илк маротаба Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ ус-санойиъ”и ва Ҳусайн Войиз Кошифийнинг “Бадойиъ ул-афкор фи санойиъ ил-ашъор”ида маълумот берилган. Жумладан, Кошифий иқтибосга шундай таъриф беради:

“Иқтибос луғатда оловни қамраб олмоқдур ва истилоҳда улдурким, шоир калом таркиби ҳамда сўз тартибида Қуръондан бирон оят ё аҳолиси набавийдан бирон ҳадис ёхуд фикҳий масалалардан бирон масалани табаррук ва тамайюн этиш йўлида эрод қилса. Шайх Саъдий дейдиким:

*Маро шикеб намебошад, эй мусулмон,
Зи рўйи хуби лақум дийнуқум ва лиядин.*

*(Менда сабру тоқат қолмади, эй мусулмонлар,
Лақум дийнуқум ва лиядин (Сизларнинг ўз динларингиз бор ва менинг ўз диним бор – Кофи-рун, 6 оят)нинг гўзал чеҳрасидан)*

Ҳазрат расулуллоҳ (сав) ҳадисларидан иқтибос:

*Гар жон диҳам аз ишқ, чи давлат беҳ аз ин аст
Ман мота мин ал-ишқ фақад мота шаҳидан.*

*(Агар ишқингда жон берсам, бундан ортиқ саодат йўқ,
Муҳаббатдан ўлган киши шаҳид ўлибдир)
Фикҳий масалалар иқтибосидан мисол:*

*Дил бурдиву қасди жон гарат ҳаст,
Ал-абду ва молуху лимаvloҳ (у).*

*(Дилимни олдинг, агар жонимга қасдинг бўлса, майли,
Қул ва унинг моли хожасиникидир).*

Ва бу санъатни шу жиҳатдан иқтибос дерларким, оловни қамраб олганда нур ва ёруғлик ҳосил бўлганидек, иқтибос бўладиган сўздан (яъни, Қуръон ояти ё ҳадисдан–Д.О.) шеърда нур ва зиё ҳосил бўлур¹.

Иқтибос адабий манбаларда алоҳида санъат сифатида гарчи XV асрда қайд қилинган бўлса-да, аслида у шоирлар томонидан бир неча аср олдин қўлланиб келинаётган усул эди. Санойий, Яссавий, Юсуф Боқирғоний, Саъдий, Мавлавий, Ҳофиз, умуман, қайси шоир девонини очсангиз, Қуръон ояти ё ҳадис матни айнан келтирилган байт ёки мисрага дуч келасиз. Аммо оят ё ҳадис матнини шеърда келтиришдан мақсад муламмаъ ёзишдан мутлақо фарқ қилади. Агар муламмаъда арабча байтлар ёзишдан мақсад шоирлик қудрати ҳамда маҳаллий тилнинг ҳам фасоҳат бобида араб тилидан қолишмаслигини кўрсатиш бўлса, оят ё ҳадис иқтибосидан мақсад Аллоҳ ва унинг пайғамбари (сав) сўзига тенг қалам тебратиш эмас, балки Кошифий таъкидлаганидек, қудсий каломни келтириш орқали “шеърга нур ва зиё бағишламоқ”дир.

Оят ва ҳадис иқтибос қилинишининг яна бир сабаби сифатида XI асрдан бошлаб, адабий жанрларнинг мавзу доираси кенгайиши, нафақат ишқий-тасвирий, балки ахлоқий-дидактик, илмий-фалсафий, сиёсий-ижтимоий, диний-тасаввуфий ғоя, тимсол ва истилоҳлар ҳам шеърда кенг қўллана бошланганини кўрсатиш мумкин².

1 حسين واعظ كاشفي? ص ۱۱۰

2 زين العابدين مؤتمن? تحول شعر فارسي? تهران ۱۳۷۸ ص ۲۲۶

Шоиру ёзувчилар ўз нуқтаи-назарларини баён этиш жараёнида Қуръон ва ҳадисга мурожаат қилардилар ҳамда мувофиқ пайтларда тегишли оят ё ҳадис матнини айнан келтирардилар. Бу ҳолат, айниқса, диний-мазҳабий ҳамда фалсафий-тасаввуфий мавзуларда битилган асарларда кўпроқ учрайди.

Иқтибос санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг яна бир муҳим омили, бу – Қуръони карим ва пайғамбаримиз (сав) ҳадиси шарифлари жамият маънавиятининг ажралмас ва муҳим бир қисмига айлангани, одамларнинг онгига сингдирилгани ва кундалик ҳаётининг ҳамма соҳаларида бир дастуруламал каби қўлланилганидир. Қуръон қироати ва уни ҳифз этиш исломнинг илк даврлариданоқ мусулмонлар учун вожиб бўлган эди. Ҳар бир ишда – оила қуриш, ахлоқ меъёрларидан тортиб, сиёсат ва давлатни бошқариш усулларигача Қуръон ва ҳадисга мурожаат этиш, ундаги амру наҳйга мувофиқ иш тутиш, маърифатли одамлар учун сўзни Қуръон ва ҳадис жавоҳирлари билан безаш одатга айланганди. Шариат илмларининг билимдонлари ўзларининг асарлари, хутба ва ваъзларида Қуръон услубидан фойдаланишга интилардилар, ҳар бир фикр ё амални Қуръон ва ҳадис аҳкомлари билан асослар эдилар. Фақат шаръий илмларда эмас, ҳатто, филологик илмларда ҳам Қуръон оятлари далил вазифасини ўтаган. Масалан, машхур араб тилшунос олими Сибавайҳи ўз китобида грамматик қоидаларни тушунтириш ва сўз тузилишини амалда кўрсатиш учун Қуръон оятларига 300 мартадан ортиқ мурожаат қилган¹. Бора-бора Қуръон ва ҳадис илмини ўзлаштирамоқ шундай бир юксак поғонага кўтарилдики, маълум оят ё ҳадиснинг тўла матни ва маъносини англашда айрим одамлар учун бир сўз ёки бир ишора кифоя эди. Қуръон ва ҳадис заминидан шаклланган айрим ибора ва жумлалар жонли тил таркибига шу даражада сингиб кетганки, уларнинг асл манбасини аниқлаш анча қийин кечади. Мисол тариқасида “қайд қилиш” иборасини олайлик. Луғавий маъноси “боғламоқ”, “жиловламоқ” бўлган бу ибора кўпинча аниқ ва нисбатан янги фикрларни баён этишда қўлланилади. Тадқиқот жараёнида шу нарса маълум бўлдики, бу ибора аслида “*قيّدوا العلم بالكتابة*” (Билимни китобат – ёзиш билан боғлаб қўйинг) ҳадиси асосида қурилган².

“Айнан келтирилган оят ва ҳадислар” деб, шеърда араб тилидан олинган оят ва ҳадисларни тушуниш лозим, чунки Навоий шеърнинг ички талабларига мувофиқ кўпгина оят ва ҳадисларни қисман келтириб, ҳатто, айримларини шаклан ўзгартиради. Шу сабабдан оят ва ҳадислар матнининг шеърга “айнан ўтиши” муайян даражада нисбий маъно касб этади. Мисол тариқасида мана бу уч байтни олайлик:

I. *Эй деб сифатингда аҳли идрок.*

*Лав лока ламо халақтул-афлок*³

II. *Навоий хуш кўрар оламни отинг зикридин, йўқса*

*Анга дўзах аро ўтдек дурур дунёву мофиҳо*⁴

III. *Дўст чун жон ичрадур, қўй наҳну ақраб сўзини*

*Тут бўюн баским яқинроқ келди мин ҳаблил-варид.*⁵

Биринчи байт пайғамбаримиз наътига бағишланган ғазалнинг матласи бўлиб, унинг

1 - Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв). – М.: Наука, 1974.-260б.

2 الجامع الصغير في احاديث البشير و النذير مصر 1321 ص 404

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.-Б.291.

4 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Бадоеъ ул-бидоя. – Т.: Фан, 1987.-Б. 87.

5 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.148

иккинчи мисрасини машхур илоҳий (қудсий) ҳадис ташкил қилади. Илоҳий ҳадис “аҳли идрок” тилидан айтилган бўлиб, Навоий идрок аҳли деб, Тангри таолони назарда тутмаган, чунки Аллоҳга нисбатан кўпчилик нисбатини ишлатиб бўлмайди. Шунингдек, Аллоҳ каломини бошқа киши тилидан айтилиши ҳадиснинг қудсийлиги ва саҳиҳлигини шубҳа остида қолдиради.

Орифларнинг тасавурида оламнинг моҳияти, жавҳарини “нури муҳаммадий” ёхуд “ҳақиқати муҳаммадия” ташкил қилишини айтиб ўтдик. Аммо олам асрори тилсимини очиш, унинг моҳиятини англаш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Бу йўлда инсоний ақл-тафаккур ёрдамида эришилган билимлар билан ҳам бирор натижага эришиш гумон, дейди орифлар. Аммо кашф ва мужоҳада орқали эришилган билимлар (тасаввуфда бундай билимларни “ғайри иктисобий билимлар” деб атайдилар) олам асрорини англашга йўл очиб бериши мумкин. Навоий ҳам ана шу ғайри иктисобий билим эгаларини “аҳли идрок” деб атайди. Идрок аҳли оламнинг моҳиятини, пайғамбаримизнинг улуғлиги ва инсонлар орасида мислсиз эканлигини тўлиқ англаб, Тангрининг мазкур каломидек хотамуланбининг буюклигини ўзида тўла тажассум эта оладиган бошқа тавсиф топа олмайдилар. Зотан, Ҳақ ҳар бир бандасини, жумладан, ўз ҳабибини ҳаммадан кўра яхшироқ билади ва энг тўғри баҳони ҳам фақат унинг Ўзи бера олади.

Иккинчи байтнинг қофиясини таъминлаган сўзлар мана бу ҳадисдан олинган: *الدنيا ملعونة و ملعون ما فيها الا ذكر الله تعالى* (Дунё ва ундаги нарсалар лаънатлангандир, фақат Аллоҳ таоло зикри бундан мустасно).

Мазкур ҳадис “Арбаъин”да ҳам мавжуд бўлиб, Навоий уни шундай таржима қилган:

*Дунёву ҳар не андадур мавжуд.
Бўлди Ҳақ лаънати гирифтори.
Ғайри Ҳақ зикриким, эрур зокир
Тангрининг раҳмати сазовори².*

Дунё ва мофиҳо сўзлари айнан шу ҳадиснинг маъносига далолат қилади, байтнинг маъноси ҳам ҳадиснинг мазмун-моҳиятига мос тушади. Лекин Навоий буни шундай маҳорат билан бажарганки, мазкур байт мажозий маъшуқ васфида айтилган дейишга ҳам тўла асосимиз бор. Умуман олганда, “Навоийнинг ишқ масаласидаги концепциясининг асосий моҳияти шундан иборатки, бир қатор мистик шоирларда бўлганидек, мажозий ишқ (инсонга, реал борлиққа бўлган севги) ҳақиқий ишқ (вужуди мутлаққа, Ҳаққа бўлган муҳаббат)дан алоҳида олиниб унга қарама-қарши қўйилмайди. Балки мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич сифатида баҳоланади. Муҳими шундаки, Навоийнинг ўзи масаланинг муҳимлигини ҳис этгани учун бўлса керак, ўз позициясини бир неча қитъа ва ғазалларда махсус изоҳлайди. Масалан:

*Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема,
Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.³*

“Қоф” сурасининг 16 оятида шундай дейилган:

{ وَ نَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ }

1 احيا علوم الدين' لامام ابي حامد محمد بن محمد الغزالي' مصر ١٩٦٩ م' ص ٢١٩

2 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Арбаъин. – Т.: Фан, 1999.-Б. 208.

3 Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983.– Б. 25.

(*Биз унга (яъни инсонга) жон томиридан ҳам яқинроқдирмиз*)¹. Навоий мазкур оятнинг икки қисми – наҳну ақраб (биз яқинроқмиз) ва “мин ҳаблил-варид” (жон томиридан)ни айри ҳолатда ишлатади, “илайҳи” сўзини эса умуман келтирмайди, чунки байт шакли ва мазмуни талабига биноан бу сўзга жой ҳам, эҳтиёж ҳам қолмайди:

*Дўст чун жон ичрадур, қўй “наҳну ақраб” сўзини
Тут бўюн, баским яқинроқ келди “мин ҳаблил-варид”*

Кўриниб турибдики, Навоий оят ва ҳадислар матнини шеърда келтиришда турли усуллардан фойдаланган. Биринчи байтда ҳадис матнини ҳеч қандай ўзгаришсиз, тўлиқ келтирса, иккинчи мисолда ҳадиснинг бир қисмини қофия ўрнида ишлатган. Ҳадис сўзларидан айнан “мофиҳо” иборасини келтиришнинг сабаби шуки, иқтибос санъати талаботига мувофиқ, агар оят ё ҳадис қисман келтирилса, айнан қайси оят ё ҳадисдан олинганлигига далолат қиладиган сўз ё иборани танлаш лозим. Учинчи байтда эса оятдаги сўзлар икки жойда алоҳида-алоҳида келтирилган ва шу тариқа байтнинг мавзунлиги таъминланган.

Қайд қилиш лозимки, оят ва ҳадислар матнини шеърда келтиришни исломнинг ҳамма мазҳаблари ҳам ёқламайдилар. Хусусан, моликия мазҳабининг фақиҳлари шеъриятда заиф ҳадислардан фойдаланишни маъқул кўрмаганлар. Аммо ҳанафия ва шофия мазҳабининг пешволари бу масалага ижобий ёндашиб, ўзларининг ваъз, хутба ва рисоаларида Қуръон оятлари ва пайғамбар (сав) ҳадисларидан иқтибос келтиришни ўтмиш файзидан баҳраманд бўлиш, дея баҳолаганлар ҳамда мазкур амал агар тарбия ва таълим, амри маъруф ва наҳйи мункар мақсадида қилинган бўлса савоб бўлади, деб фатво берганлар².

Мазкур мазҳаб издошлари учун мавжуд бўлган нисбатан озод муҳит олимлар ва шоирларнинг дадилроқ фикр билдириш ва эркинроқ қалам тебратишларига имкон берган. Айниқса, тасаввуф намояндлари ва бу таълимотдан кенг баҳра олган шоирларнинг ижодида Қуръон ва ҳадисга бўлган муносабат муфассир ва муҳаддислар ҳамда расмий шариат пешволари муносабатларидан бирмунча фарқ қилади. Сўфий шоирлар учун Қуръоннинг сўзидан кўра, унда акс этган маъноларни англаш ва англатиш муҳимроқдир. Улар учун бир оятнинг яширин хазинасини очиб бериш бутун Қуръонни ёдлаб, маъносини тушунмасдан такрорлаш ва бундан фахрланиб юришдан афзалроқ туюлган. Мавлоно Жалолиддин Румий бу ҳақда “Маснавий” да ажойиб бир далил келтиради: Пайғамбаримиз (сав) саҳобалари ичида Қуръонни тўла ёдлаб олган ҳофизлар саноқли эди, чунки муайян миқдорда оятлар моҳиятини англаб етгандан кейин уларнинг тафаккурлари бундан ортиқ билимни қамраб олишга ожизлик қиларди. Осмонга юксалган (фалак томига чиққан) одамга нарвон излашнинг ҳожати йўқдир, дейди Мавлоно. Унинг ўзи ҳам зоҳирпарастларга қарата шундай дейди:

*Ман зи Қуръон мағзро бардоштам,
Устухон пеши сагон бигзоштам³.
(Таржимаси:
Мен Қуръондан мағзини олдим,
Суягини итларга қолдирдим⁴.)*

1 Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б. 519.

2 جلال الدين سيوطي 'الاتقان' ج 2 'مصر' 1989 م' ص 721

3 بديع الزمان فروزانفر 'شرح مثنوي شريف' ج 3 'ص 119

4 - форсий байтлар таржимаси монография муаллифига тегишли.

Айнан қўлланилган оят ва ҳадисларни мазмун ва мундарижаси ҳамда контекст мазмуни билан алоқадорлигига қараб, қуйидаги шаклда таснифлаш мумкин:

- 1) Аллоҳ ҳамди ва пайғамбар наътига бағишланган оятлар;
- 2) Оламу одам яратилиши ва инсоннинг оламда тутган ва тутиши лозим бўлган мавқеи ҳақидаги оят ва ҳадислар;
- 3) Саҳобалар ва олимлар васфидаги оят ва ҳадислар;
- 4) Реал, тарихий шахсларга бағишлаб ёзилган шеърлардаги оят ва ҳадислар;
- 5) Ахлоқий-дидактик, фалсафий-ижтимоий, ишқий-ирфоний мавзулардаги ҳадис ва оятлар.

Ҳамд, муножот ва наът мавзусидаги оятлар, асосан, дostonларнинг муқаддимавий бобларида қўлланилиши билан бирга, уларни туюқ ва қитъаларда ҳам учратиш мумкин. Шу сабабдан, бундай оят ва ҳадисларни Навоий шеърлятида энг кўп қўлланилган оят ва ҳадислар, деб ҳисоблаш тўғри бўларди.

Адабиётшуносликда Навоий дostonларини салафлари ижоди билан қиёсий равишда ўрганиш ва талқин этишни биринчилардан бўлиб, Е.Э.Бертельс бошлаб берган эди. Бертельс навоийшунослик йўналишида бажарган илк тадқиқоти – “Навоий ва Аттор” мақоласида, асосан, матний-қиёсий таҳлил методологияси масаласини ёритиб, тадқиқот принциплари ва йўналишларини белгилаб берди. Бошқа бир қатор тадқиқотларда муқаддима бобларни қиёсий равишда ўрганиш аҳамиятсиз ва бу боблар анъанавий бўлгани сабабли, бир-бирини мазмун ва ғоявий жиҳатдан такрорлайди, дейилган бўлса-да, Бертельс ҳар бир ижодкорнинг индивидуал хусусиятлари асарнинг биринчи мисралариданоқ намоён бўлишни исботлаб, “Мантиқ ут-тайр” ҳамда “Лисон ут-тайрни”ни қисм-қисм қиёсий таҳлил қилади. Биринчи боб таҳлилида шундай ёзади: *“...Атторда ҳам, Навоийда ҳам биринчи бобга сарлавҳа қўйилмаган ва анъанавий Аллоҳ ҳамди мавзуси оламнинг яратилиши, шайтоннинг илоҳий ғазабга учраб, лаънатга учраши, Одам (а)нинг жаннатдан ҳайдалиши ҳақида умумий тарзда сўз юритилади. Навоий, умуман олганда, ўз салафига издошлик қилади, аммо сўзма-сўз таржима қилишга унчалик истак билдирмайди ва муайян ўзгаришлар киритишни ўзига жоиз деб билади...”¹*

Дарҳақиқат, бу муайян ўзгаришларни байтларнинг ташқи тузилишидан бошлаб, маънолар силсиласигача кузатиш мумкин. “Мантиқ ут-тайр”да оламнинг яратилиши ҳақида батафсил сўз юритилган. Бу тафсилот Бертельснинг “Суфийская космогония у Фаридаддина Аттара” мақоласида таърифланган концепцияга мос келади. “Мантиқ ут-тайр” да ҳам олам яратилиш силсиласи қуйидагича тавсифланади:

Аллоҳ – нури муҳаммадий – Ақли аввал – Нафси кулл – тўрт унсур – етти иқлим – наботот олами – ҳайвонлар – инсон – Муҳаммад (с). Аттор яратилиш замонини назмий йўсинда ифодалаш жараёнида кўп марта лирик чекинишлар қилади – гоҳида пайғамбарлар қиссасига мурожаат қилса, баъзида унинг ҳамдига муножот оҳанги омухта бўлади.

“Лисон ут-тайр”да бундай лирик чекинишлар деярли йўқ. Шу сабабдан, “Лисон ут-тайр”нинг биринчи боби “Мантиқ ут-тайр”нинг биринчи бобидан анча қисқа. “Мантиқ ут-тайр”нинг биринчи боби 216 байт, “Лисон ут-тайр”ники эса 60 байтдан иборат. Навоий ҳам биринчи бобда ҳамд мавзусини олам яратилиши ҳақидаги исломий қарашлар билан қувватлантиради. Унинг ҳар бир байти бевосита Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида шаклланган. Аммо асосий масала – оламни яратишдан Аллоҳнинг асосий мақсади ҳақида Навоий ва Аттор ҳамфикрдирлар:

1 - Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М.: Наука, 1965. –Б.376.

Офаринишдан қилиб инсон ғараз
Они айлаб халқ ичинда беиваз
Айлаганда розининг ганжини арз
Не само айлаб қабул они, не арз
Ғайри инсонким, қилиб они қабул
Ҳам **залум** айлаб хитобин, ҳам **жухул**¹.

“Залум” (ўзига зулм қилувчи) ва “жухул” (нодон) инсон томонидан қабул қилинган Тангрининг “асрор хазинаси” ҳақида “Аҳзоб” сурасининг 72-оятда хабар берилган: “*Биз бу омонатни (чин бандалик омонатини) осмонларга, Ерга ва тоғларга таклиф этдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат у (ўзига) зулм қилувчи ва нодон эди...*”² Абдулазиз Мансур изоҳидаги “чин бандалик омонати” ҳақида “Кашф ул-асрор” муаллифи қуйидагича фикр билдирган: “*Тангри таоло бир ҳовуч тупроқ яратди ва муҳаббат оловида куйдирди... Кейин уни омонат деб, сурат оламига кўндаланг қилди, осмонлар, ер ва тоғу тошлар (уни кўтаришдан) бош тортдилар. Одам Сафияллоҳ эранларча одимлади ва бу омонатни сўради! Айтдилар: сенга таклиф қилмадик, нега (бу қийин ишни) ўз бўйнингга олмоқчисан? Деди: Куйган менман ва куйдирилган фақат куйганга керакдир*”³.

Алишер Навоий ҳам инсоннинг ашрафи махлуқот ва сарвари коинот бўлишини ушбу Муҳаббат оловида куйганидан деб билади. Ишқ шундай бир ноёб гавҳарки, Яратган уни фақат инсонга инъом этган. Навоий назарида ишқ покбозликдир, яъни: “**пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдир ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маъшуқи ҳақиқийдин баҳра олмоқ**”⁴. Демак, тасаввуф аҳли қарашларига қўшилган Алишер Навоий “омонат юки”ни ишқ деб билади.

Оятда зикр этилган “омонат”ни асрор хазинаси деб таърифлайди ва буни қуйидаги илоҳий ҳадис билан боғлайди⁵: كُنْتُ كَنْزًا وَ أَحَبُّتُ أَنْ أَعْرِفَ (Мен бир махфий хазина эдим ва танилишни истадим). Кейинги байтлардаги фикрни янада аниқроқ ифодалаш учун юқоридаги ҳадисдан “Кунту канзан” иборасини иқтибос қилади:

Чун халойиқдин они мумтоз этиб,
Кунту канзан сирриға ҳамроз этиб.
Бошиға қўюб ҳидоят тожини,
Қисмати айлаб шараф меърожини⁶.

“Шараф меърожи” қисмати бўлган ва меърож шарафига нойил бўлган киши – бу Муҳаммад Мустафодир. Бу ибора инсон яратишдан Тангри таолонинг асл мақсад-муддаоси ҳам хотамул-анбиё бўлгани, қолаверса, энг комил инсон ҳам ўша зот эканлигига билвосита ишора қилади.

1 Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 12-том. Лисон ут-тайр.. – Т.: Фан, 1996.-Б. 9.

2 -Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. Т.: – Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. –Б.384.

3 خواجه عبد الله انصاري كشف الاسرار جلد ٢ ص ٢٦٦

4 -Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. Махбуб ул-қулуб. – Т.: Фан, 1998.-Б. 34.

5 دقائق الحقائق من شيخ احمد رومي باهتمام محمد شيرازي ص ٥٧

6 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 9: Лисон ут-тайр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б. 8.

Саҳобалар ҳақидаги оят ва ҳадислар, шунингдек, ҳикоят ва ривоятлар Навоий ижодиётида жуда кам учрайди. Фақат “Лисон ут-тайр” муқаддимасида Мустафонинг чор ёри бо-сафоси ҳақида муфассал сўз юритилиб, ҳар бир саҳоба васфида махсус боблар ажратилиб, уларнинг руҳия ва мазмун-мундарижаси “Мантиқ ут-тайр” билан ҳамоҳанг. Бу бобларнинг илк сатрлари форсча “оригинал”нинг қарийб сўзма-сўз таржимаси сифатида кўзга ташланади:

Абубакр ҳақида:

Аттор: *Хожайи аввал, ки аввал ёр ўст,*

Соний иснайн из ҳумо фил-ғор ўст (406 байт)

Навоий: *Ул ки султони русулга ёрдур,*

Соний иснайн из ҳумо фил-ғордур

Умар ҳақида:

Аттор: *Хожайи шаръ, офтоби жамъи дин,*

Зилли Ҳақ, Форуқи аъзам, шамъи дин

Навоий: *Улки пайғамбарға ҳамдам эрди ул,*

Шубҳасиз, Форуқи аъзам эрди ул.

Усмон ҳақида:

Аттор: *Хожайи суннат, ки нури мутлақ аст,*

Бал худованди ду нури барҳақ аст.

Навоий: *Ул ҳаё коники нурулайн эди*

Ўйлаким, айнайни Зиннурайн эди¹

Кўриниб турганидек, ушбу байтларда оят иқтибос қилишда ҳам Навоий Атторга издошлик қилади. Абу Бакр ҳақидаги байтларда иккинчи мисра “Тавба” сураси 40 оятининг бир қисмидан таркиб топган. Ушбу оят пайғамбаримиз (сав)нинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилишлари ҳақида. Макка мушриклари мусулмонларга нисбатан қанча зулму зўравонлик қилинмасин, уларни исломдан қайтаришга илож тополмаганларидан сўнг пайғамбарнинг жонларига қасд қилиш пайига тушадилар. Шунда у зотга Тангри таоло тарафидан Мадинага ҳижрат қилиш – кўчиш амр этилади ва бир қоронғу кечада Тангрининг ёрдами билан ўлдирмоқчи бўлиб, тайёрланиб турган кофирларнинг ёнларидан соғ-саломат ўтиб, ҳамроҳлари Абу Бакр Сиддиқ билан бирга Макка яқинидаги бир ғор ичида яширинадилар. Мушриклар бир изқувар билан уларнинг ортидан тушишади. Лекин улар ғорга етиб келишгач, из йўқолади ва:

Хасмидин ўлғонда анга парда ғор,

Оғзида ўргамчи бўлуб пардадор.

Айламасун деб ел ила парда сайр,

Байзасидан тугма тақиб анда тайр²

Шундай қилиб, улар ғорда уч кун беркиниб ётишгач, бир йўл бошловчи этагида Мадинага етиб оладилар. Ана шундай таҳликали, хатарли дамларда ҳам хотамуланбиёга ҳамроҳлик қилган, ислом динининг мустаҳкамланишига беқиёс хизматлар кўрсатган Абу Бакр

1 - Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М.: Наука, 1965. –Б. 348.

2 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.34.

Сиддиқ ҳақида ушбу оят нозил бўлган. Кейинги мисраларда эса Навоий Аттор оҳангини сақлаган ҳолда янги-янги тасвир ва баён воситаларини қўллайди. Бу нарса ислом тарихига оид манбалар, Қуръон оятлари ва ҳадислар матнидан фойдаланишда ҳам яққол кўзга ташланади. Жумладан, мазкур бобнинг учинчи байтида ҳам Қуръон оятидан иқтибос қилинган, лекин бу оят Аттор достонида учрамайди:

*Ул эди олам элига раҳнамун
Келди чун “вассобиқун ассобиқун”¹.*

“Вассобиқун ассобиқун”ни Абдулазиз Мансур (*Учинчи тоифа эзгу ишларда*) ўзиб-ўзиб кетган зотлардир деб таржима қилган (“Воқеа” сураси, 10-оят)². Мазкур оятни иқтибос қилиш билан шоир пайғамбарга биринчилардан бўлиб иймон келтирган ва у кишининг ёнларида туриб Аллоҳ таоло буюрган динга даъват қилишда ёрдамчи бўлган Абубакр Сиддиқ (раз) охиратда ҳам буюклар ва биринчилар қаторида туришини таъкидлайди. Умар Форуқ (раз) ва Усмон Зиннураинга (раз) бағишланган бобларда айнан қўлланилган оят ва ҳадислар матни учрамайди. Бу бобларда Навоий қуръоний маънолар ва ҳадисларни ўзлаштириб шоирона тилда ифодалаганки, бу ҳақда келгуси бобда батафсил тўхталамиз.

Тўртинчи халифа Али ибн Абутолиб (раз) ҳақидаги бобда ҳадисларнинг асл матни юқоридаги учта бобга нисбатан кўпроқ ишлатилган.

Жумладан, Ҳазрат Али (раз) ҳақидаги “*انا مدينة العلم و علي بابها*”³ (Мен илм шаҳридирман ва Али унинг эшигидир) ҳадисидан **мадинат ул-илми** ибораси таржимаси (*илм шаҳри* таъбири)дан истиора сифатида фойдаланиб, ҳадиснинг иккинчи қисмини айнан келтиради ва шу тариқа иккинчи мисранинг қофиясини таъминлайди:

*Илм шаҳри, анбиёга интиҳо
Васфида айтиб Алийю бобаҳо⁴.*

Пайғамбаримизнинг Али ибн Абу Толиб васфида айтган бошқа бир ҳадис мазмуни қуйидаги икки байтда ифодаланган:

*Иттиҳодида нубувват шамъининг,
Сўзи буқим, сен менингсен, мен сенинг.
Лаҳмака лаҳми ҳам онинг шонида,
Дамъака дамъи ҳам истиҳсонида.⁵*

Мазкур байтлар қуйидаги ҳадис заминида яратилган:

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 9: Лисон ут-тайр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.19.

2 Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур/ –Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. –Б.534.

3 *يا عليّ انا منك و انت مني لحمك لحمي و دمأك دمي*

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 9: Лисон ут-тайр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.24.

5 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 9: Лисон ут-тайр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.24

الرسالة العلية في الاحاديث النبوية: القاهرة: دار الكتاب، ١٣٦٢ ص ٥٧ (Мазмуни: Эй Али, мен сенданман ва сен менадандурсан, сенинг гўштинг-менинг гўштим, сенинг қонинг-менинг қонимдир).

Демак, Навоий биринчи байтда ҳадисни бир қисмининг таржимасини бериб, иккинчи байтда қолган икки қисмини мисраларнинг биринчи рукнларида иқтибос келтириш билан бирга тарсиъ санъати имкониятларидан ҳам тўлақонли фойдаланган.

Тасаввуфий-ирфоний оҳангда ёзилган ғазал ва бошқа лирик жанрларда агар оят ё ҳадис матни учраб қолса, таҳлил ва талқин қилишда асл манба-Қуръон ва ҳадисдан ташқари тасаввуф таълимоти ҳамда сўфиёна оҳангда битилган тафсир ва шарҳларга ҳам таянмоқ керак. Мисол тариқасида “Фавойид ул-кибар” девонидаги 121-ғазални кўздан кечирайлик:

*Ишқ аро куймак ишим, қайда мену қайда хирад.
Бўйла ўт ичра кирарга хирад аҳлиға не ҳад²...*

Ғазалнинг тўртинчи байтигача жаҳонсўзу жаҳонсоз, фано мактабининг устози, баҳор келтирувчи жонбахш насим – Ишқ офтобини зуҳд хуффоши ва муҳаббат мактабида абжад-хон тифлдек ночор Ақл билан қиёслайди. Ишқ мақоми нақадар юксак эканлиги ва Ошиқ ҳам “хирад ва зуҳд аҳли”дан мумтозлиги таъкидланади. Бешинчи ва олтинчи байтлар эса бевосита Аллоҳ таоло ҳамдига бағишланган:

*Асли бир зот келиб, чунки маротибиға ўтуб,
Бениҳоят ўлуб ижоду сифат ичра адад.
Асли бир зот келиб, чунки маротибға ўтуб,
Гар адад юз туман ўлса, тузатур бирга санад.³*

Навоий куйлаган Ишқ шундай бир қудратли Муҳаббатки, унда санавият-иккиликка ўрин йўқ, бу ишқ камолотга етганида Ишқ, Ошиқ ва Маъшуқ ягона оламини яратадилар, унда Сен ва Мен йўқолади, касрат олами ўзининг асли-бирлик ва ваҳдоният оламига қайтади. Навоий бу бирликнинг асрори ва далилини “Ихлос” сурасининг биринчи оятларидан излайди:

*Эй Навоий, десанг ихлос ила бу сирни билай,
Қул хуваллоҳу аҳад, сўнградур Аллоҳу-с-самад.⁴*

Умумий тарзда олсак, ғазал Ишқ ва Ақл, Ошиқ, Зоҳид ва Оқил образлари ўртасида кескин қарама-қаршилик руҳида ёзилган. Шоир Ақл ролини камситмаган ҳолда Ишқнинг нечоғлиқ ноёб гавҳар ва бебаҳо неъмат эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Байтма-байт фикрлар тадрижий равишда ривожланиб, ғазалнинг мақтаъида Навоий якунловчи хулоса ва қатъий далил сифатида Қуръонга мурожаат қилади. Ишқнинг Ақлдан, Ошиқнинг оқилдан улўғлиги сиррини Ихлос сураси биринчи ва иккинчи оятининг маъносидида билади.

Абдулазиз Мансур бу оятларни қуйидагича таржима қилган:

1 - آيات احاديث و لغات مثنوي معنوي ص ٤٤٧ -

2 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 4: Фавойид ул-кибар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.126.

3- Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 4: Фавойид ул-кибар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.126.

4 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 4: Фавойид ул-кибар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.126

1. (Эй Муҳаммад), айтинг: У– Аллоҳ ягонадир.

2. Аллоҳ беҳожат, (лекин) ҳожатбарордир.¹

Кўриниб турибдики, фақат таржима билан кўзланган натижа ҳосил бўлмайди. Аллоҳнинг яккаю ёлғизлиги ва ҳеч кимга муҳтож эмаслигидан хабар берувчи оятларнинг сўз-ма-сўз таржимасидан бу оятлар Ишқ ва Ақл ўртасидаги “можаро”да далил-ҳужжат ва-зифасини ўташини илғамоқ қийин. Бунинг учун таъвил усулига ёндошган тафсирларга мурожаат қилишга тўғри келади. Бундай тафсирлар орасидан Навоийга бағишлаб ёзилган ва ўз замондошлари томонидан юксак баҳо олган “Мавоҳиби алия”да мазкур суранинг сўфиёна тафсири анча муваффақиятли чиққан. Жумладан, Кошифий мазкур сурада баён этилган илоҳий сифатларнинг хусусиятлари ҳақида қуйидагича мулоҳаза юритади: **Кимки** (Ихлос сурасида зикр этилган – Д.О) **хуванинг ифोरини кашф этса, вола** (ҳайратзада ошиқ – Д.О)**дир, улким, Аллоҳни билса, олим ва ориф эрур, ҳар кишики “аҳад”ни топса, муҳиб(севган)дир, Кимки “самад”ни таниса, орифдир, “Лам ялид ва лам юлад”ни эътиқод қилган киши оқилдир. “Ва лам якун лаху куфуван аҳад”ни тасдиқлаган мўминдир. Бу маъниларининг ҳаммасини жамъ этган киши хос муваҳҳид эрур...²**

Ушбу тафсирдан маълум бўладиким, биринчи оятнинг ҳақиқатини англаган киши Ҳақнинг муҳибби, ҳайратзада ошиғидир. Аллоҳнинг самадиятини идрок этган эса орифдир.

Қисқа қилиб айтганда, Навоий Ихлос сурасининг биринчи оятларини далил сифатида келтириб, уқтирадики, “Қул хуваллоҳу аҳад” оятининг ҳақиқатини англаган банда “Аллоҳуссамад”нинг моҳиятини тушунганлардан кўра маърифати ва Аллоҳ олдида мартабаси улўғроқ бўлганидек, Ҳақ ишқи оловида ёнаётган Ошиқ Яратганнинг улўғлигини эътироф этганга нисбатан кўзланган манзилга яқинроқдир.

Ҳар қандай диндор ҳам диёнатли бўлавермаганидек, ҳар қандай бадий асар ҳам адабиётнинг асл мезонига жавоб бера олмайди. Худди шундай, Қуръон оятлари ва ҳадислар матнини адабий йўсинда ифодалаш ҳам турли мақсад ва ғаразлар билан амалга оширган. Мисол учун, XI асрда яшаб ижод қилган Фаррухий Систонийнинг исломий далилларни қўллашда тутган йўли билан Алишер Навоийнинг исломий манбаларга бўлган муносабатини ягона мезон билан ўлчаб бўлмайди. Фаррухий Султон Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаган бир қасидасида шундай бир фикр баён этади: “Каҳф” сурасида унинг ҳақида оятлар нозил бўлган Искандар Зулқарнайннинг Маҳмуд Ғазнавийдан тафовути – охирзамон пайғамбаридан аввал яшаб ўтганидир, холос. Агар, дейди Фаррухий, ислом пайғамбаридан кейин ваҳй эшиклари ёпилмаганида, Қуръоннинг камида учдан бир қисми Маҳмуди Ғозийнинг қахрамонликлари ҳақида бўларди.

Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг дебочасида таъкидлаганидек, шеър ёзишдан асосий мақсад – ўқувчиларга эстетик завқ бағишлаш билан бирга инсоний хислатларни тарбиялаш ва уларни тўғри йўлга ҳидоят қилиш ҳамдир. Улуғ шоир нимаки ёзмасин – хоҳ у салмоқли дoston бўлсин, хоҳ фард ёки туюқ – бу принципга қатъий риоя қилган. “Хамса”нинг дostonларида айрим фазилатлар таърифида алоҳида боблар ажратилган. Жумладан, “Садди Искандарий” дostonида тўғрисўзлик – “Тузлук таърифи”даги бобда шундай ёзади:

*Биров даҳр аро давлатойин эрур,
Ки ҳар сўзким ул айтқай, чин эрур...*

1 --Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. –Б.604.

حسين واعظ كاشفي مواهب عليه لاهور 1992 ص 1312

*Ки ҳар этса қилғай вафодин адо
Ки Юфуна бин-назри дебдур Худо.¹*

Охирги мисрадаги арабча ибора “Инсон” сураси 7-оятининг бошланиши бўлиб, оятнинг таржимаси қуйидагича:

Улар (дунёда ўз зиммаларига олган) назрларини тўла адо қилурлар ва ёмонлиги (даҳшатлари) кенг ёйилувчи Кундан кўрқурлар².

Тўғрисўзлик, ваъданинг устидан чиқиш-солиҳ кишиларнинг хислатидир ва бу фазилат эгалари Яратган олдида ҳам юксак мартабага эгадирлар, дейди Навоий.

Инсонларни мукамаллик ҳамда ахлоқ ва эзгулик мазмунлари сари даъват қилишда шоир фақат ахлоқий-дидактик парчалар билан қаноатланибгина қолмай, балки ишқий-та-свирий ва мадҳиявий шеърларда ҳам оят ва ҳадислар ёрдами билан қўйилган мақсадини амалга оширади. “Ҳайрат ул-аброр”нинг Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган бобида шундай бир байт бор:

*Хутбаи жоҳинг қадар иншо қилиб
Яъмуру бил-адл ила туғро қилиб.³*

“Яъмуру бил-адл” ибораси Қуръоннинг икки оятида учрайди. Бири “Наҳл” сурасининг 76-ояти бўлиб, А. Мансур бу оятни шундай таржима қилган: **“Аллоҳ яна икки киши ҳақида мисол келтирур: улардан бири ҳеч нарсага кучи етмайдиган соқовдир. У эгасига (ортиқча) юк бўлиб (хожаси) қаерга юборса, бирон яхшилик (фойда) келтирмайди. Ўша кимса билан ўзи Тўғри йўлда бўлган ҳолда, (ўзгаларни ҳам) адолат-ҳақиқатга буюрадиган киши баробар бўлурми?!”**

Иккинчи оят ҳам “Наҳл” сурасидан бўлиб, 90-оятни ташкил этади:

Албатта Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зулмдан қайтарур. (У) шояд эслатма олурсизлар деб, сизларга насиҳат қилур.⁴

Оятларнинг мазмунига қараб, байтни икки хил шарҳлаш мумкин. Агар 76-оятнинг мазмунига таяниб шарҳласак, у ҳолда Навоий Ҳусайн Бойқарони ўзи тўғри йўлда бўлган ҳолда бошқаларни ҳам саодат ва ҳақиқатга буюрадиган инсон сифатида тавсифлаган, деган тушунча ҳосил бўлади. Иккинчи томондан, Навоий 90-оятда ҳам учрайдиган иборани иқтибос қилиш орқали Ҳусайн Бойқарога адолат билан иш тутиш, эзгу ишларга бош-қош бўлиш, бузуқлик, ёмонлик ва зўравонликлардан парҳез қилиш Тангри буюрган солиҳ амаллардан эканлигини эслатади. Бу билан шоир иқтибос санъати ёрдамида ийҳом санъати унсурларини ҳам байтда сингдиришга эришган.

Юқорида таъкидлаганимиз каби айрим ҳолларда Навоий ҳадис матнини, башарти улар шеър вазнига мувофиқ тушса, тўлиқ келтиради. Бунга қуйидаги байт ҳам мисол бўла олади:

1 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.330.

2 - Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. –Б.579.

3 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б104

4 Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б.277

*Дунйи эрур мазрааи фохира
Ад-дунё мазраат ул-охира¹.*

“Фохира” сўзининг луғавий маъноси “ўзидан мағрур бўлиш, мақтанмоқ”дир. Бу байтда Навоий тазод санъатини қўллаган. Биринчи мисрада “Ад-дунё матоъ ул-ғурури” (дунё мағрурланиш–такаббурликнинг матоҳидир) оятининг мазмунини сингдирган. Бу, аслида ҳар куни, ҳар қадамда кўзга ташланадиган одатий ҳолдир. Кўпчилик бу дунёда кўзга чиройли бўлиб кўринадиган мол-дунё, бойлик, бебақо гўзалликдан имкон борича баҳраманд бўлиш ва ушбу йўлда эришган “муваффақиятлар”идан мамнун бўлиб яшашни ҳаёт мазмуни, деб биладилар ва уларнинг назарида бундан бошқа ҳақиқат йўқдек. Аммо, аслида, иккинчи мисрада келтирилган ҳадисда таъкидлангандек, дунё – охират экинзоридир. Ҳалол ва тўғри яшаш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, ҳақ йўлида курашиш, қолаверса, ИНСОН бўлиб умр кечирмоқни дастуруламал қилган одамни икки дунёда ҳам ажри беҳисоб. Фақат шундай одам охиратда ҳам “буғдой ўраш”га умид боғламоғи мумкин. Навоий бу байтда оят мазмуни ва ҳадис матнини келтириб, нафс қуллари ва пок қалб эгалари ҳаёти бир-биридан кескин фарқ қилишини, уларнинг амаллари оқибати ҳам шунга мувофиқ бўлишини таъкидлайди.

“**Хайрул-умури авсатуҳо**” ҳадиси ҳам жуда кенг тарқалган ҳадислардан. Қолаверса, ушбу ибора ҳам ҳадисларда, ҳам Қуръон оятларида келади. “Меҳробдан чаён” романининг бир боби ҳам ана шу ҳадис билан номланган. Ушбу ҳадис Навоий шеърятини бир неча ҳолатларда безаган–гоҳида ахлоқий фикр талқинида келса, баъзида ҳаётий хулосанинг тасдиғи сифатида хизмат қилади, айрим пайтларда ижтимоий фикрлар тажассум топган байтлар таркибида келади.

“Садди Искандарий”нинг XXVIII бобига шундай сарлавҳа қўйилган: *“Зобитаи русуми шоҳийдаким, корхонаи илоҳийдин намудордур, анингдекки ул боргоҳда хоҳ малойик хайли, хоҳ русул маъшари, хоҳ авлиё гуруҳи, хоҳ сойири нос алоқадори маротибиҳим ҳар бири ўз ерида мураттабдур, бу коргоҳда ҳам ҳамул дастур била бўлса яхшироқ сурат, балки заруратдур.”*

Бу бобда Алишер Навоий шоҳлар ҳар бир кишини салоҳияти ва қудратига қараб, иш буюрмоқ, мартабасига қараб мурожаат қилмоғи лозимлигини уқдиради. Одамларни уч даража – улуғ, кичик ва авсат (ўрта)га ажратиб, улуғларга марҳамат ва саховат, кичикларга эса мурувват ва шафқат билан муомала қилишни тавсия беради. Навоийнинг жамиятдаги ўрта табақа ҳақидаги фикрлари алоҳида эътиборга сазовор. Унинг фикрича, “васатлик йўлинда” зухур этган кишиларга муносабат ҳам эътидолда бўлиши керак. Жамиятнинг ўрта бўғинидаги кишилар, агар Хайём ибораси билан айтсак, кимгадир ходим-хизматкор бўлса, кимгадир маҳдум-хўжайин ҳамдир. Уларга ходимларга бўлган муносабатни қилишса нафсониятига тегади. Маҳдумларча муносабат ҳам тўғри келмайди – ходимлигини эсдан чиқариб қўяди. Шу сабабдан, ўрта бўғиндаги кишиларга муносабат **Хайрул-умури авсатуҳо** принципи асосида шаклланмоғи лозим:

*Ким этса васатлиқ йўлинда зухур
Анга тутса ойини Хайрулумур*

1 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.131.

*Не тутса улуғни қошинда кичик
Не қилса кичикни улуғ чарғалик.¹*

Ҳадисдан “хайрулумур” ибораси иқтибос бўлиб, байтнинг қофиясини таъминлаган. Юзаки қараганда, бу ибора байтнинг бошқа қисмлари билан ҳеч қандай мантиқий алоқаси йўқдек туюлади. Аслида, “хайрулумур” маъно жиҳатдан “васатлиқ йўли” ибораси билан мантиқан алоқадор бўлиб, бу санъатни адабиётшуносликда “**таносуб ийҳоми**” дейдилар. Мана бу байтда иккита ҳадисдан иқтибос қилинган:

*Ишингга солиб, “акраму-з-зайфа” нур
Тутиб маръи ойини “хайрул-умур”.²*

Биринчи мисрада меҳмондорчилик фазилати ҳақидаги ҳадисдан “**акраму-з-зайфа**” ибораси олиниб, меҳмонни иззат-икром қилиш дунёда ҳам, охиратда ҳам инсонга яхшилик келтириши таъкидланади. Аммо меҳмондорчиликда ортиқча сарф-харажат қилиб, “саховат”ини обрў олиш воситаси қилиш дуруст эмаслигини “**хайрул-умур**” ҳадисидан иқтибос келтириш билан янада аниқроқ, теранроқ таъкидлайди, меҳмондорчиликда ҳам меъёр билан иш тутиш лозимлиги айтилади.

Умуман олганда, бадиъ илмига оид мумтоз намуналарида иқтибос санъати ҳақида бир-бирдан бирмунча фарқ қиладиган таърифлар берилган. Жумладан, Атоуллоҳ Ҳусайний ва “Ғиёс ул-луғот” муаллифи оят ва ҳадис матнини тўғридан-тўғри, яъни уларнинг оят ва ҳадис эканлигига ишора қилинмаган ҳолда келтирилиши лозимлигини бу муштарак (ҳам лафзий, ҳам маънавий) санъатнинг асосий шарти сифатида баҳолаган бўлсалар³, “Фарҳанги Онандроҳ”да оят ва ҳадиснинг тузилишига шаклий ўзгартиш киритиш жоиз деб ҳисобланган⁴. Мазкур масалада Алишер Навоий замондоши, машҳур муфассир Ҳусайн Воиз Кошифийнинг иқтибос санъатига берган таърифи таяниб иш кўрдик. Бу, биринчидан, XV асрнинг адабий-эстетик мезонларига мувофиқлиги зарурати билан изоҳланса, иккинчи томондан, ўн бешта илмда, жумладан, адабий илмларда ўз замонасининг забардаст олимларигагина тафсир ёзишга рухсат берилгани ҳам Ҳусайн Воиз Кошифийнинг бевосита диний матнлар билан боғлиқ адабий санъатлар ҳақидаги қарашлари мўътабарлигини кўрсатади. Кейинги бобларда ҳам ушбу тамойилга риоя қилинди, яъни баҳсталаб нуқталарда Кошифийга таяниб иш кўрилди.

ШАКЛИ ЎЗГАРТИРИЛГАН ОЯТ ВА ҲАДИСЛАРНИНГ НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎРНИ

Навоийнинг ғазал ва дostonларида шундай байт ва мисралар ҳам учрайдики, оят ва ҳадис сўзлари шаклан ўзгартирилган, аммо бунини китобат вақтида йўл қўйилган хато ёки Навоий иштибоҳи деб ҳисобламаслик керак. Шоир бундай ҳолатларда мазкур оят ё ҳадиснинг мазмун-моҳиятини очиб бериш ва ўқувчига етказишни асосий мақсад қилингани боис оятнинг ташқи тузилишига камроқ эътибор қаратади. Мана бу байтлар эса оятнинг

1 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.178.

2 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.358.

3 علي اكبر دهخدا لغتنامه روايت چهارم انتشارات علم ج ۲ ص ۳۵۲

4 Ўша жойда.

композицион яхлитлигини сақламасдан ҳам ундаги маънони ўқувчи зеҳнида акс эттириш мумкинлигига далилдир:

*Эй етти манзар тарҳиға меъмори сунъунгдин бино,
Маснуълар фоний, вале маслуби сонийдин фано.
Чекмай фалак лутфунг туну жуз зикр ила тасбиҳуни,
Одам дебон қаҳринг куну ҳар дам заламно раббано.¹*

Арабча ибора келтирилган охириги байтни филология фанлари номзоди М. Абдулхайров куйидагича изоҳлайди: “Шоир ушбу байтнинг иккинчи мисрасида “заламно раббано” (“заламно раббано анфусано” – эй раббим, биз ўзимизга зулм қилдик) иқтибосини келтиради. Бундан мурод Тангри таоло Одамга жон ато этаётганида унинг (Одам) биринчи бор акса уриши ва барча малоиклар истиғфор келтириши, шайтон алайҳиллаъна эса мен нурдан, Одам балчиқдан яралди деб, сажда қилмай кибрга кетганлиги каби илоҳий маъноларга ишорадир²”.

Ҳазрат Навоий замондоши, машҳур “Тазкират уш-шуаро” муаллифи Давлатшоҳ Самарқандий эса мазкур оятни бошқача йўсинда талқин қилган: «Оламда шеър айтган илк зот Одам Сафий алайҳиссалом эди. Покларнинг поки бўлмиш Одам Худонинг иродаси билан заминга тушганидан кейин фоний зиндон зулмати кўзларига нохуш кўринди: олам теграсида пушмон ва мотам билан кезинди. Деди: «Раббано, заламно...» (Эй, Парвардигоримиз, зулм қилдик...) Яратгувчи Одамнинг тавбасини қабул қилди. Одам Ҳаввонинг илоҳий дийдорига етишди, фарзандлар кўрди. Дунё кўзлари ўнгида ўзгача ранг ва тусда намоён бўлди...»

“Заламно раббано” сўзлари “Аъроф” сурасининг 23 оятидан олинган бўлиб, у: **“Қоло раббано заламно анфусано”** деб бошланади. Ушбу оят, М.Абдулхайров шарҳлаганидек, Одамнинг яралишига боғлиқ бўлган воқеаларнинг баёни эмас, балки у Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннатдан ҳайдалгандан кейин Тангрига қилган тавбасининг мазмунидир: **Иккиси айтдилар: “Эй, Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз”.**³ Навоий шеър вазни талабига мувофиқ “раббано” ва “заламно” сўзларининг ўрнини алмаштиради, аммо бу усул оятнинг маъносини ўзгартириб, ўқувчи фикрини чалғитмайди. Оят ва ҳадис сўзларини жузъий ўзгаришлар билан шеърда келтириш усулини Атоуллоҳ Ҳусайний иқтибос санъатининг бир тури деб ҳисоблайди⁴, аммо Кошифий буни алоҳида санъат – **ақд** деб атайди. Атоуллоҳ фикри бўйича ақд (ар.-тугун боғламоқ, жавоҳирларни ипга тизиш) наср жавоҳирларини назм риштасига тизмоқ бўлса, Кошифий иқтибос ва ақд ўртасидаги тафовут ҳақида шундай ёзади: **“Иқтибос – Қуръон (оятлари) ва ҳадисни айнан келтиришдир ва ақдда сўз ўзгартирилади. Масалан, расули акрамнинг “Малок уд-дини ал-вараъ ҳадисини шоир шундай назм қилибдур:**

1 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 4: Фавойид ул-кибар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.6.

2 – Манзар Абдулхайров. Сўз махзани // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2007 йил, 24 август. –№ 34.

3 Қуръони карим маъноларининг таржимаси // Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б.153.

4 Атоулло Ҳусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. – Душ.: Адиб, 1985. – Б.108

*Ба вараъ кўш, з-он ки шоҳи амин
Гуфтааст, ал-вараъ малок-уд-дин.
(Таржимаси:
Парҳезкор бўл, чунки аминлар шоҳи
Дебдиким, парҳезкорлик диннинг асосидир.)¹*

Ислом динининг барча мазҳаб ва фирқалари яқдиллик билан Қуръон оятлари ва ҳадис сўзларини кўчма маънода ишлатиш ёки раббоний ва набавий каломни бировни ҳақорат қилиш ёхуд камситиш қуролига айлантиришни маън этганлар ва бу амални ҳаром ҳамда куфр, деб билганлар. Шунинг учун ҳам, ақд санъатини қўллаш шоирлар зиммасига катта масъулият юклайди ва ҳамма ҳам бундай жасоратга қўл уравермайди. Оят ва ҳадисларга киритиладиган ўзгаришлар ҳам, юқорида қайд қилганимиздек, жузъий бўлиб, бу ўзгаришлар, асосан, шеърнинг вазн ва қофиясига мувофиқ амалга оширилади.

Навоий шеъриятида айнан келтирилган оят ва ҳадисларни кўздан кечирганимизда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, айрим байтлардаги сўз бирикмалари тузилишига кўра соф арабча лингвистик хусусиятга эга бўлса-да, сўз бирикмасининг биринчи қисми иккинчи қисми билан форсий изофа талабига кўра боғланган. Бунга икки омилни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин: биринчиси, ўша даврда ўзбек лексик қатламига араб тили билан бир қаторда форс тилининг ҳам кучли таъсир этганлиги бўлса, иккинчи омил шеърнинг ички талабларидан келиб чиқади. Масалан, қуйидаги байтларнинг икки жойида оят ва ҳадис сўзлари мавжуд:

*Нафъдин эл вирди дуо жонинга
Ямқусу фил-арзи сенинг шонинга
Қайда адо айлагасен бу сипос
Ким сени деб хайри башар хайри нос.²*

Биринчи байтда қуйидаги оятдан **“ямқусу фил-арзи”** ибораси иқтибос қилинган: { *وَأَمَّا مَا يَنْفَعُ النَّاسَ فَمَا كُنَّا فِي الْأَرْضِ لَنَنْفَعَهُمْ شَيْئًا كَذَلِكَ يَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْثَالَ* } (Одамларга фойдали бўлган нарса эса, Ерда қолур. Аллоҳ мисолларни шундай баён қилур – Раъд сураси, 17-оят). Иккинчи байтда маълум ва маъмул бўлган *خير الناس من ينفع الناس* (Одамларнинг энг яхшиси – бировларга манфаати тегадиган кишидир)³ ҳадисидан *خير الناس* ибораси форсий грамматик қолипга туширилган, яъни, мазкур музоф ва музофунилайҳ (қаратқич ва қаралмиш) форсий изофа муносабати ёрдамида боғланилган.

Қуйидаги мисраларда учрайдиган **“асҳоби фил”** ҳамда **“тайри абобил”** сўзлари эса “Фил” сурасидан олинган:

*Кўрки, не бир лаҳзада бўлди қатил
Тайри абобил ила асҳоби фил.
Қилди адам манзили кошонаси
Ҳар бирисин биргина қуш донаси.⁴*

1 حسين واعظ كاشفي 'بدايع الافكار في صنایع الاشعار' موسكو 1977 ص 110

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.205.

3 آيات احاديث و لغات مثنوي معنوي ص 47

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.282.

“Тайран абобил” ибораси ҳам “хайри нос” иборасидек форсий изофа талаби билан боғланган. “Асҳоби фил” сўз туркуми биринчи оятда, “тайран абобил” эса, учинчи оятда келтирилган, аммо Навоий достонида бу иборалар ўрин алмашади.

Умуман олганда, Навоий бу икки байтда сура мазмунини баён этади, аммо оятларнинг тартибига риоя қилмайди (*Таққосланг*:

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан (бошлайман).

1. **(Эй Муҳаммад), Раббингиз фил эгаларини не қилганини кўрмадингизми?**
2. **(У) уларнинг макрларини чалғитиб қўймадимми?**
3. **Уларнинг устига тўда-тўда қушларни юборди.**
4. **(Улар) сопол тошлар билан уларни отар эдилар.**
5. **(Шундай қилиб) уларни (чайнаб) ташланган сомондек қилиб ташлади).**¹

Биринчи байтда 1 ва 3-оятларнинг мазмуни баён этилган. Қайд қилганимиздек, биринчи оятнинг сажълилигини таъминловчи охирги сўзлари иккинчи мисрада қофия вазифасини ўтаган ҳамда учинчи оятдан “тайран абобил” ибораси қисман ўзгартирилиб, келтирилган. Иккинчи оятнинг мазмуни гарчи баён этилмаган бўлса-да, лекин унинг руҳи шеърда сезилиб турибди. Иккинчи байтда 4,5-оятларнинг мазмуни баён этилади. Бу ерда ҳам биринчи мисрада 5-оят, иккинчи мисрада эса, 4-оятнинг маъноси акс топган. Байтнинг мантиқий урғуси “биргина қуш донаси” иборасига тушиб, Навоий бу билан Аллоҳ олдида ўзини қудратли билиб, унинг раъйига хилоф иш тутмоқчи бўлганлар аслида асҳоби фил каби нота-вон эканликларини таъкидлайди.

Шоир айрим байтларда бирор оят ё ҳадисни қисман таржима қилиб, иккинчи қисмини айнан келтиради. Муфассир ва муҳаддислар таржимасидан фарқли ўлароқ, бу ерда таржима сўзма-сўз бўлмай, балки эркин таржимадир. **“Аслини олганда, эркинликнинг ўзи ҳам нисбий маъноли тушунчадир. Таржимоннинг асл нусхага нисбатан ўзини бутунлай боғлиқ тутиб, унинг барча элементларини кўр-кўрона кўчиришга қарама-қарши қўйсак, унда бу ижодийлик тушунчаси билан маънодош бўлади: бордию, таржимон асл нусхага нисбатан ҳаддан ташқари “эркинлик” қилиб, унинг бутун руҳи, образлар системаси, образли тили, бадиий қиймати, услуб ва концепциясини ўз мақсади, ғоя ва дидига мослаб батамом ўзгартирса – бу энди ижодий қайта яратиб эмас, балки қайта ижод қилиш бўлади”.**²

Энди мана бу байтга диққат қилайлик:

*Нафсга чун ориф ўлуб мў ба мў,
Фойиз ўлуб “қад арафа раббаҳу”³*

Мазкур байт учун “**من عرف نفسه فقد عرف ربه**”⁴ ҳадиси ғоявий асос бўлиб хизмат қилган. Ҳазрат Навоий биринчи мисрада ҳадиснинг бош қисмини ўзлаштира гап шаклида беради. Аслига мутлақ боғлиқ бўлмай, таржимага ижодий ёндашса ҳам ҳадис руҳини сақлаб қолишга ҳаракат қилади – арафа сўзи ўрнига ўзакдош бўлмиш ориф сўзини ишлатади: мў

1 - Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржимон ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. –Б.602.

2 - Н.Комилов. Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати. –Фил.ф.н. ... дис. – Т.:1970. –Б.160.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.82.

4 خواجه محمد باسما' شرح فصوص الحکم تهران ۱۳۷۰ ص ۵۲۱

ба мў ибораси эса ўзликни англамоқ шунчаки номига ёхуд юзаки эмас, балки мукаммал бўлиши лозимлигини уқтиради. Иккинчи мисрада эса, ҳадисни айнан келтиради. Байтнинг охирида келган ҳадиси шариф кенг қамровли бўлгани учун бадиий матнга жило бериб, ички маънога кўпоҳанглилик ва теранлик бағишлаган.

Шеърнинг вазн ва қофиясига мувофиқлаштириш учун Қуръон оятлари ва ҳадисларга ўзгартириш киритиш йўлида юқорида қайд қилинган икки усул – сўзларнинг ўрнини алмаштириш ҳамда арабча сўз бирикмаларини форсий изофа талаби билан боғлашдан ташқари, оят ё ҳадисдан аниқ бир фикр акс этган қисмини олиб, *инна, анна, ва, лақад, фа...* каби боғловчи ва кўмакчи сўзларни ихтисор қилиш усулидан ҳам кенг фойдаланилган. “Садди Искандарий” дostonининг 53-бобида Навоий меҳмондорчилик одоби ва меъёри ҳақида сўз юритиб, “шуҳрат ва худнамолиғ учун” ҳотамтойлик қиладиганларга шундай хитоб қилади:

*Худо молиға қилмоқ исроф не?
Жунун аҳлидек мунча итлоф не?
Ки Ҳақ гарчи дебдур: Кулу ваишрабу
Валекин демиштурки: Ло тусрифу.¹*

Биринчи байтда исрофгарчилик “жунун аҳли”нинг иши, деб одамийлик чегарасидан чиқишга олиб келишини таъкидлайди ҳамда орттирилган бойлик ҳам аслида Худо моли эканлигини эслатади. Иккинчи байтда оят таркибидаги ҳамоҳанг сўзлардан фойдаланиб, байтнинг қофиясини таъминлайди. Асосий урғуни “валекин” сўзи ёрдамида иккинчи мисрага бериб, ўқувчи диққатини оятнинг иккинчи қисмига жалб қилади. (Ушбу иборалар Аъроф сурасининг 31-оятидан олинган бўлиб, оятнинг тўлиқ матни қуйидагича:

{يَا بَنِي آدَمَ خُذُوا زِينَتَكُمْ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا وَلَا تُسْرِفُوا إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ}

(Эй, Одам авлоди! Ҳар бирингиз масжид (намоз) олдидан зийнатларингиз (кийимларингиз)ни (кийиб олингиз)! Шунингдек, енглар ва ичинглар,(лекин) исроф қилмангизлар! Зеро, У исроф қилувчиларни севмайди)². Ҳазрат Навоий бу ерда боғловчи “ва” сўзини умуман келтирмасдан, оят мантиғи ва ёрдамчи ифода воситалари кўмагида сўз яхлитлигини таъминлай олган.

Тўртинчи усул – икки келишкли сўзлардан ташкил топган арабча сўз бирикмаларининг грамматик шаклини ўзгартириб, шеърнинг ички талабига мослаштирган. Мана бу байтда “*كنت نبيا و كان آدم بين الروح و الجسد*”³ ҳадисидан “кунту набиян” сўзи аслиятда қандай бўлса, шундай иқтибос қилинган:

*Бўлди санга Одами сабқатнамо,
Аввал ўғул, сўнгра гар ўлса, ато.
Кимки мунга даъвийи хужжат этар
“Кунту набийян” анга хужжат этар.⁴*

1 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.357.

2 Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. –Т: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б.153.

3

4 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.26.

Навоий “Садди Искандарий” да ҳам Одам (а) аслида маъни юзасидан Муҳаммад пайғамбар (сав)нинг ўғли эканлигини таъкидлайди ва уни асослаш учун ушбу ҳадисга мурожаат қилади. Аммо бу ерда сўз негизини олиб, қофия ўрнида ишлатади ҳамда сўз тушумини ихтисор қилади:

Ажаб йўқ сан ўлмоқ ато, ул сабий
Бу маънигадур долл “**кунту набий**”.¹
Ақд санъатига мана бу байт ҳам яхши мисолдир:
Чу Ҳақ дедики **маъал-усри юср мужда санга,**
Не шиддат ўлса аён қил талаб сўнгинда **фараж**

Ҳақ таоло Шарҳ сурасининг 5-6 оятларида шундай буюради:

{فَإِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا} {5} {إِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا}

(Бас, албатта ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир)². Юқоридаги оятларда ҳар бир машаққатдан кейин эмас, балки ўша машаққат билан бирга енгиллик борлиги икки бор таъкидланган. Буни икки хил тушуниш мумкин. Биринчиси – ҳар бир қийинчиликдан кейин шу қадар тез осонлик келадикки, гўё улар иккиси бирга, ёнма-ён тургандек бўлади. Демак, қийинчиликка рўбарў келганда ноумидликка тушишнинг асло ҳожати йўқ. Иккинчи маъно–бир кишининг бошига имон-эътиқоди сабабли бирон оғирлик тушса, у бундан ҳаргиз қайғурмаслиги лозим. Зеро у охиратдаги осонлик – мангу саодатга мана шу дунёда тортаётган қийинчилиги сабабли эришиши мумкин. Демак, у киши тортаётган муваққат машаққатнинг ўзида унинг учун мангу бахт-саодат бор экан.

Навоий байтнинг вазнига мувофиқлаштириш учун оятларнинг эмоционал таъсирини кўпайтирувчи **фа** ва **инна** юкламалари ҳамда тушум келишигини белгиловчи алифни қисқартиради. Иккинчи мисрада оятнинг мазмунидан келиб чиқиб, ҳар қандай шиддат-мусибат зоҳир бўлганда ҳам талаб йўлидан оғишмасликка ундайди. Байтнинг қофиясини таъминловчи фараж сўзи машҳур ва маълум бўлган **الصبر مفتاح الفرح** (Сабр – шодликлар калитидир)³ ҳадисига ишорат ҳамдир. Аммо бу байтда собирлик эмас, балки талаб ҳақида сўз боради. Талабнинг сабрга ва сабр ҳақидаги ҳадисга қандай алоқаси бор?

Одатда, собирлик дейилганда мусибат ва мушкул вазиятларда бардошли бўлиш тушунилади. Аммо сабрнинг маъно қамрови ниҳоятда кенг бўлиб, нафс қутқусига учмаслик, Аллоҳ қазосига ризолик билан бош қўймоқ, қувончли ҳоллар шукронаси, ёмон ҳоллардан изтироб чекмаслик ва ноумид бўлмаслик каби тушунчаларни англатади.

Сабр – қуллик ва қарамликнинг бир кўриниши эмас. Сабр – муайян воқеа ё ҳодиса натижасида бир-бири билан ихтилофда бўлган туйғу ва кечинмалардан юзага келадиган инсоний фазилат. Бир умр ҳақиқат йўлида собитлик ила курашган Навоий бу йўлнинг оғирлик ва машаққатлари, эзгу мақсад-муддаоларга эришишнинг қийинчиликлари, нафс деган ашаддий душмани мавжуд кўнгил ҳамма вақт ҳам бу қийинчиликларга чидамаслиги, маҳзун бўлиши ва ҳатто айрим ҳолларда, ирода заифлик қилиб, виждонга хилоф иш тутиш ҳолатлари ҳам рўй бериши мумкинлигини теран англаган. Дунёнинг барча ишларига басират кўзи билан назар солишга ўрганган шоир ҳар қандай ҳолатда эзгулик талаби йўлидан

1 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.18..

2 Қуръони карим маъноларининг таржимаси./ Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б.596.

3 Ўз ФАШИ, Р-10792-рақамли қўлёзма. تفسير الغزوني يعقوب بن عثمان بن محمود الغزوني

чекинмаслик, шу орқали гўзал сабр –кўнгилинг изтироб ва умидсизликдан холи бўлиши, ҳар қандай шадид мусибат ва кулфатларга бардош бериши, алалоқибат, сурур ва шодликка эришиш лозимлиги, бу йўл оғир бўлишига қарамасдан, Ҳақ таоло ва унинг расули томонидан ҳидоят қилинган йўл эканлигини оятлар ва ҳадис ёрдамида асослаб берган. Навоий сабрнинг фақат назарий аҳамиятинигина эмас, балки амалий жиҳатини ҳам ёритиб берувчи муборак ҳадис воситасида ояти кариманинг иккала маъносини ҳам шеърда инъикос этишга эришган.Зеро бундай муваффақият фақат улуғ сўз санъаткорларигагина насиб этади.

Айрим оят ва ҳадисларда наср ва назм учун умумий бўлган санъат ва баён воситаларидан ташқари мавзунлик ҳам учраб туради, яъни улар вазнининг маълум бир қолипига мос тушишлари мумкин. Ана шундай мавзун оят ва ҳадислар Навоий шеърлятига ҳам зеб берган. Оят ва ҳадислардан келтирилган иқтибос кўпинча мисранинг бир-икки рукнини, гоҳида эса бутун мисрани ташкил этади. Мисол:

*Улдамки, йўқ эрди буду нобуд,
Маълум эди эмди ҳар не мавжуд,
Ҳар қавмға солмамиш эди пай,
Коналлаҳу лам якун мааҳ шай.¹*

Тўртинчи мисра олам яратилиши ҳақидаги ҳадисдан олинган бўлиб, Навоийнинг насрий асарларида ҳам учрайди: **Коналлоҳу ва лам якун мааҳу шайъан.**² Мазкур ҳадисдан араб тилининг ички имкониятларидан фойдаланилиб, тахфиф усули билан дoston вазнига мувофиқлаштирилган ва бу ҳам ақд санъатининг бир намунаси.

Албатта, Навоий шеърлятида учрайдиган барча арабча сўз ва иборалар Қуръон ва ҳадисдан олинган деган даъводан йироқмиз. Шоир ояти карима ва набавий ҳадислар матнини шеърда асл ҳолатида келтириш баробарида араб тили имкониятларидан ҳам кенг фойдаланган. Навоий ижодида арабча зарбулмасал ва мақоллар ҳам муайян даражада қўлланилган. Шунингдек, талмиъ санъати ёрдамида ўзи ижод қилган арабча мисра ва байтлар ҳам учраб туради. Бироқ, бу мисралардаги сўзлар таркиб ва қувватига диққат қилинса, уларда ҳам Каломуллоҳнинг таъсири анча сезиларли эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” дostonи матласининг биринчи мисраси араб тилида ижод қилинган бўлиб, “Сенинг ҳамдинг билан маънолар эшиги очилади” маъносини билдиради:

*Биҳамдик фатҳу абвобил-маоний
Насиб эт кўнглума фатҳ ўлмоғ они³.*

Тадқиқотнинг аввалги қисмларида қайд қилганимиздек, дostonларнинг биринчи бобини “басмала боби” дейдилар. Бисмиллоҳ эса, шофий ва моликий мазҳаблари бўйича “Фотиҳа” сурасининг биринчи оятидир. Алоуддин Мансур бу суранинг фазилятлари ҳақида шундай ёзади: **“Қуръондаги сураларнинг жойлашиши тартибда аввалги ўринда**

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Лайли ва Мажнун. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.26.

2 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. Вақфия. – Т.: Фан, 1998.-Б.237.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.306.

тургани ва қисқа бўлишига қарамасдан Қуръоннинг асосий маъно-моҳиятини ўзида мужассам этгани учун ҳам у Қуръон мазмунини “очувчи” деб номланган.”¹

“Фотиҳа” сурасининг оятлари миқдори тўғрисида тафсир аҳли орасида ихтилоф бор. “Тафсир ан-Насафий”да ёзилишича, ҳанафия мазҳабининг пешволари “бисмиллоҳ” “Фотиҳа” сурасининг биринчи ояти эмас, балки сураларнинг бир-биридан ажратувчи фосила вазифасида келади, деб ҳисоблайдилар². Уларнинг фикрича, сура, “Алҳамду лиллоҳи Раббил-ъоламин” ояти билан бошланади. Мақсаддан узоқлашиб кетмаслик учун яна “Фарҳод ва Ширин”нинг матлаъига қайтамиз. Биринчи мисрада қуйидаги сўзлар келтирилган: ҳамд, фатҳ, абвоб, маоний. “Фатҳ” сўзи “фотиҳа” билан ўзакдош бўлиб, “фатаҳа” феълидан иштиқоқ қилинган. “Ҳамд” эса “Фотиҳа” сурасининг аввалги сўзидир. Шу сабабдан, “Фотиҳа” сурасини кўпинча илк сўзига ишора қилиб, “Алҳамд” сураси ҳам дейишади. Жумладан, Навоий “Сирож ул-муслимин”да “Намоз вожиблари” бобида “Фотиҳа” сурасини “Алҳамд” номи билан ёд этган:

*Бурун Алҳамд-ни қилмоқ қироат
Яна сура анга қилмоқ изофат³*

Қуръоннинг “Очувчи” сураси Тангри ҳамди билан бошланганидек, Навоий маънолар хазинаси калитини ҳам Унинг ҳамди деб билади ва унинг билан бошлайди. “Фотиҳа” сураси Қуръоннинг бутун мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган бўлса, “Фарҳод ва Ширин”нинг бошланғич бобида ҳам бутун дostonнинг ғояси ва руҳи акс эттирилган.

Юқорида келтирилган мисоллар таҳлилидан шу англашилдики, Алишер Навоий ўз фикрини қувватлаш ва далиллаштириш учун иқтибос санъати имкониятларидан фойдаланса, ақд санъати қўлланилган байтларда оят ва ҳадислар замирига яширинган маъно-моҳиятини ойдинлаштириш ҳамда ушбу мангу барҳаёт ғояларни шеърий йўсинда ифодалашга асосий эътибор қаратилган. Иккинчидан, Навоий араб ва форс адабиётида анъана ҳукмига кирган ушбу ифода воситасини туркий тилда ҳам қўллаш мумкинлигини исботлаган.

НАСРИЙ АСАРЛАРДАГИ ШЕЪРИЙ ПАРЧАЛАРДА ИЛОҲИЙ ҲИКМАТЛАР

Ҳазрат Навоий насрий асарларига ҳам назм дурдоналари билан зеб берган ва табиийки, бу дурдоналарнинг маълум бир қисми Қуръон ва ҳадис уммонида етилган. Бу ҳолатни, хусусан, “Маҳбуб ул-қулуб”да кўпроқ мушоҳада қилиш мумкин. “Маҳбуб ул-қулуб” бадий услубига хос хусусиятлардан бири, бу – фасл, боб ва танбиҳларни фикр негизида турган Қуръон ояти ёки ҳадис намунаси билан якунлашдир. Масалан, асарнинг “Қаноат зикрида”ги тўртинчи боби расулуллоҳнинг **“Азза ман қанаъ ва залла ман тамаъ”**(**Қаноат қилган иззат топар, таъмагир эса хор бўлар**) ҳадиси ғояси асосида яратилган. Етмишинчи танбиҳ эса тўлиғича мазкур ҳадис шарҳидан иборат бўлиб, ушбу байт билан хулоса қилинган:

*Хорлиғлар боши тамаъ билгил
Доимо “азза ман қанаъ” билгил.⁴*

1 -Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. Т.: Чўлпон, 1992.- Б.5.

2 عبد العزيز الغنيم. تفسير ابن كثير. استنبول 1992 ص 45

3 - Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Сирож ул-муслимин. – Т.: Фан,2000.-Б.289.

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 9: Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.525.

Ушбу байтда шоир аслиятдаги ҳадиснинг иккинчи қисми мазмунини биринчи мисрага олиб чиқади. Тамаъни жамийки тубанлик ва пасткашликларнинг асоси, деб талқин қилади. Ҳадиснинг бош қисмини сўнгги мисрага кўчириб, ўқувчининг бутун диққат-этиборини расул сўзига қаратади. Шунингдек, ҳадиснинг сажъ унсурлари Навоий байтида қофия ва-зифасини бажарган.

Навоий ижодиётига хос яна бир фазилат – мумтоз адабиётда шаклланган анъаналарга риоя этиш ва уларга нисбатан ижодий ёндашишдир. Шарқ дostonчилиги анъаналарига мувофиқ, ҳар бир дoston ҳамд, наът ва муножот сингари муқаддимавий боблар билан бошланиши талаб қилинади (буни ўтмишда “тасниф одоби” ҳам деб аташган). Навоий мазкур анъанани “Хазойин ул-маоний” да ҳам жорий эттирган. Қайси бир ҳарф билан тугашига қараб, ҳар бир туркумнинг бошига ҳамд, наът ва муножот мавзуларда ёзилган ғазалларни жойлаштириш девон тузиш тарихида янги ҳодиса эди. Навоий насрий асарларида ҳам тасниф одобига риоя қилган. Шу сабабли, улардаги рубоий, қитъа ва маснавийлар ҳам Қуръон ва ҳадис маънолари билан бойитилган. “Назм ул-жавоҳир”нинг биринчи рубоийси ҳақида мазкур бобнинг бошида сўз юритган эдик. Иккинчи рубоийда ҳам Қуръон ояти ва ҳадисдан иқтибос қилинган:

*Ул шамъки “Ваз-зуҳо” қуёши юзидур,
“Мо зоғ” била сурма чекилган кўзидур.
Анинг сариким, ўзи улу ул ўзидур
Барча инни минка анта минни сўзидур.¹*

Биринчи байтда Қуръондаги икки оят (“Ваз-зуҳо” ҳамда “Ан-нажм” сураларининг биринчи ва 17-чи оятлари) иқтибос қилинган. Пайғамбаримизнинг “шамъ” дея сифатланиши ҳам асоссиз эмас. “Аҳзоб” сурасининг 45-46 оятларида Аллоҳ таоло ўз Ҳабибини шундай тавсифлайди: **45. Эй, Пайғамбар, дарҳақиқат Биз Сизни (қиймат кунда барча умматларга) гувоҳ бўлувчи, (жаннат ҳақида) хушхабар берувчи ва (дўзах азобидан) огоҳлантирувчи қилиб юбордик. 46. Аллоҳнинг изни билан Унга (диниға) даъват қилувчи ва (йўл кўрсатувчи) нурли чироқ қилиб ҳам**.² “Мо зоғ” ояти ҳақида кейинги бобда батафсил тўхталамиз. Энди “Ваз-зуҳо” ояти ва бу оятнинг расулуллоҳга алоқадорлиги хусусида тўхталсак, чунки “зуҳо” сўзи “чоштгоҳ вақти” маъносини билдиради ва пайғамбарнинг юзига қандай алоқаси борлиги шарҳ талаб этади.

Муфассирларнинг ёзишларича, “Ваз-зуҳо” сураси пайғамбаримизга нозил бўлган учинчи сурадир. “Алақ” ҳамда “Нун вал-Қалам” суралари туширилгандан кейин ваҳий келмай кўяди. Мушриклар “Муҳаммаднинг Худоси ундан юз ўгирди”, деб фитна чиқарадилар. Пайғамбар Буқийс тоғи тепасига чиқиб, Аллоҳга астойдил муножот қилиб ёлворади. Шу пайтда ер қимирлаб, пайғамбаримиз юзларида ваҳий асари зоҳир бўлади. Жаброил (а) пайғамбарнинг кўнгил қулоғига етказадиким, эй Муҳаммад, Биз сени унутмадик ва қаҳр-ғазаб ҳам қилганимиз йўқ.³

Маълум бўладики, “Ваз-зуҳо” қасамидан мурод-ваҳий баракотидан нурли бўлган пайғамбарнинг юзидир. Иккинчи байтда пайғамбаримизнинг Ҳазрат Али васфида айтган ҳа-

1 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. Назм ул-жавоҳир. – Т.: Фан, 1999.-Б.123.

2 Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б.424.

3 خواجه عبد الله انصاري 'تفسير ادبي و عرفاني' ج ٢ ص ٦٢٤

дисидан иқтибос қилинган¹. Навоий “Лисон ут-тайр” да ушбу ҳадис маъносини қуйидагича ифодалаган:

*Ижтиҳодида нубувват шамъининг
Сўзи буқим, сен менингсен, мен сенинг.*

“Навоий прозасида наср билан назм биргаликда ҳам ғоявий ҳам бадий жиҳатдан узвий алоқада қўлланилади. Назмий парчалар прозаик баёнда маълум мақсадларда истифода этилади, бинобарин улар наср таркибида муайян ролларни ўтамайди. Навоий асарларида назмий парчалар насрий баёнда ифодаланган фикрни хулосалаш, яқунлашда, шунингдек, муаллифнинг асарларидаги ғоявий ниятини янада бўрттириб, эмоционал таъсирчанликни, бадий таъсирни янада ошириб бериш учун ҳам хизмат қилади...

Навоий насридаги назм ҳар бир асарнинг, ижодкорнинг дунёқараши билан мутлақо боғлиқдир, айтиш чоғда шоир лирик меросининг ўзига хос бир қисмидир”². Қўшимча тарзда шуни айтиш лозимки, Навоий насридаги шеърий парчалар нафақат асар контекстига мос тушади, балки улар ўртасида ўзаро мантиқий боғлиқлик ҳам мавжуд. Масалан, “Назм ул-жавоҳир” муқаддимасидаги рубоийлар ҳам ўзаро боғлиқ бўлиб, иккинчи рубоий биринчисининг мантиқий давомидир: биринчи рубоий ҳамд, наът ва васфдан иборат бўлса, иккинчи рубоийда наътдан васфга ўтилган. Учинчи рубоийда эса, фақат васф куйланган, яъни хулафойи рошидин тавсифи берилган:

*Авалғини фазл дурриға уммон бил,
Сонийсини сулҳ гавҳариға кон бил,
Солисни ҳаё гулбуниға бўстон бил,
Робиъни ҳидоят баданиға жон бил.³*

Бу учта рубоий бир-бирини мазмун ва маъно жиҳатидан тўлдиради, бири иккинчисини мантиқан давом эттиради. Уларни ҳазрат Али васфи бирлаштириб туради, боғлайди ва айтиш пайтда асарнинг асосий мавзусига алоқасини таъминлайди. Шеърларнинг мавзу, мазмун ва ғоя жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги Навоийнинг барча насрий асарлари учун умумий бўлган хусусиятлардандир. Шеърий парчаларда иқтибос қилинган оят ва ҳадислар ҳам асарнинг руҳига мос равишда танланган.

“Хамсат ул-мутаҳайирин” асари эса мана бу рубоийлар билан бошланади:

*Ул олими алломға юз ҳамду сано
Ким Одам ила тузди чу бу дайри фано
Илмиға малак сурмади бир ҳарф яна
Жуз нуктайи субҳанака ло илма лано*

*Юз наът ангаким, хулқи карим ўлди фани,
Яъники карам кони расули мадани.*

1

2 Ғаниева С. Навоий насри нафосати. – Т: 2000. –Б. 179.

3 Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 15-жилд. Назм ул-жавоҳир. –Т.: Фан, 1999. – Б. 123.

*Мундоқ деди илм аҳлини айларга ғани
Ман акрама олимани фақад акрамани ¹*

Биринчи рубоий, одатдагидек, Тангри таоло ҳамдига бағишланган бўлиб, Аллоҳ “олими аллом” сифати билан ёд этилади ҳамда Одам (а)нинг яратилиш қиссасига ишора қилинади. Тангри таоло Одам (а)ни ерда ўзига халифа қилиб яратиш нияти борлигини билдирганда, фаришталар Унга эътироз қиладилар. Аллоҳ айтди: **“Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан”** (Бақара сураси, 30-оят). Одамга аввал барча нарсаларнинг исмларини ўргатиб, кейин бу нарсаларни фаришталардан сўрайди. **“Улар дедилар: “Зоти покнинг ҳаққи, бизда ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир. Албатта, Сен илм ва ҳикмат соҳибидирсан”** (Бақара сураси, 32-оят). Тўртинчи мисрадаги арабча ибора фаришталарнинг узрхоқлик билан айтган ушбу жавобидан олинган.

Навоий “Мезон ул-авзон” муқаддимасида шундай ёзади: **“Аммо билгилким, аруз фанниким, назм авзонининг мезонидур, шариф фандир... Андоққи, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг Каломи мажидида кўп ерда назм воқеъ бўлубдурки аруз қавоиди била ростдур... Ва расул (сав) а ҳадисида дағи ҳам бу тариқ тушубдур. Ул жумладан бири будурким: Ман акрама олимани фақад акрамани ким вазни мафоулу мафоилун мафойилу фаулдур ва рубоий вазнида ҳазажи ахраби мақбузи макфуфи махбуб воқеъ бўлубдур².** Рубоий вазнида воқеъ бўлган бу ҳадис “Хамсат ул-мутаҳаййирин”даги иккинчи рубоийнинг тўртинчи мисрасида келтирилади. Ушбу ҳадис Аллоҳ ҳамдига бағишланган рубоийни асарнинг асосий қисми билан мантиқан боғловчи кўприк вазифасини ҳам ўтайди. Қолаверса, Навоий мавзун илоҳий каломни келтириш орқали сўздаги сеҳри ҳалол – эъжоз яратишга муваффақ бўлган. Шоирнинг ўзи айтганидек:

*Бўлмаса эъжоз мақомида назм,
Бўлмас эрди Тенгри каломида назм.*

1 Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 15-жилд. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Т.: Фан, 1999. – Б.7.

2 - Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Мезон ул-авзон. – Т.: Фан, 2000.-Б.153.

БАСМАЛА БОБИ – ИСЛОМИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ШОИРОНА ТАҲЛИЛИ

Достоннавислик тарихида “Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим” сўзини аруз вазнига мувофиқлаштирган, тўғрироғи, биринчи мисрасини “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” билан бошлаб достон ёзган илк ижодкор Низомий Ганжавий ҳисобланади. Унинг “Махзан ул-асрор”и шундай бошланади:

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим
Ҳаст калиди дари ганжи ҳаким
Фотиҳайи фикрату хатми сухун
Номи худой аст, ба ў хатм кун.¹

(Таржимаси:

*Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим
Ҳаким (Аллоҳнинг сифати) хазинаси эшигининг калитидир.
Тафаккурнинг ибтидоси-ю, сўзнинг охири
Тангри номи эрур, унга бағишла).*

“Махзан ул-асрор”нинг биринчи боби 55 байтдан иборат. Низомий унда Аллоҳнинг ягоналиги, буюклиги ва ҳар ишга қодирлиги ҳақида шоирона сўз айтиб, қуръоний маъноларни гўзал бир тарзда назм либосига ўрайди. Декин қайд этиш керакки, Низомий расмий шарият доирасидан четга чиқмайди: ҳар бир байт замирида Қуръон оятларининг маъно-мазмунини сингдирилади. Аммо бу оддий шеърини талқин эмас, балки Қуръон таъсирида ёзилган олий шеър намунасидир. Низомийнинг мақсади фақат Аллоҳ сифатларини санаб, оламу одам қандай ва нима учун яратилганини таъкидлашгина эмас, балки бу ўлмас ва барҳаёт ғояларни мумтоз шаклда ифодалаш, имкон даражасида бадиий-тасвирий воситалар билан безашни ҳам назарда тутган.

Биринчи байтда Аллоҳнинг “Ҳаким” сифатини эслатиш ва “Бисмиллоҳ” сўзини унинг ҳикмат хазинаси учун калит, деб ҳисоблаш ҳам Низомийнинг умумфалсафий таълимотлар ва диний-исломий ғоялар чўққисидан туриб ҳакимона мулоҳаза юритиши натижасидир.

“Бисмиллоҳ” ҳақида муфассирлар орасида турли хил фикрлар мавжуд. Айрим мазҳабларда “Бисмиллоҳ” “Фотиҳа” сурасининг биринчи ояти деб ҳисобланса, бошқа бир гуруҳ муфассирлар эса, “Бисмиллоҳ”ни сураларни бир-биридан ажратиш учун нозил этилган оят, деб аташади. Шунингдек, Қуръоннинг азалийлиги ёхуд кейин яратилганлиги – халқ қилинганлиги ҳам баҳсталаб муаммолардан бўлиб, ислом фирқалари бу масалада ҳам икки гуруҳга бўлинганлар. Амир Хусрав Дехлавий ўзининг “Матлаъ ул-анвор”ини Қуръонни қадим ва азалий ҳамда “Бисмиллоҳ”ни “Фотиҳа” сурасининг биринчи ояти, деб ҳисоблайдиган мазҳаб ва тариқатлар тушунчасидан келиб чиқиб, шундай бошлайди:

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим
Хутбаи қудс аст ба мулки қадим
Шамсаи нуҳ манзари ҳарду сарой
Матлаъи дебочаи ваҳйи Худой.²

1 – Низомий Ганжавий. Куллиёт. 1 чилд. Махзан ул-асрор. –Душ.: Ирфон, 1983. –Б.9.

2 – Амир Хосроу Дихлавий. Матлаъ ул-анвор. Пред. и примечания Т.А.Мухаррамова. – М.Наука, 1975. –С. 22.

*(Таржимаси:
Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим
Қадимийлик мулкида қудсият хутбасидир.
Икки дунёнинг тўққиз манзаридаги қубба,
Тангри ваҳйи дебочаси (фотиҳа сураси)нинг матлағидир).*

Амир Хусрав ҳам “Матлаъ ул-анвор”да устози каби Аллоҳнинг барча сифатларини тўла билиш ва англашда инсон тафаккури ожиз эканлигини эътироф этиш билан ўзининг теократик ва космогоник нуқтаи назарини баён этади. Бу эса Низомийнинг дунёқарашидан деярли фарқ қилмайди. Айниқса, Аллоҳ ҳамдида ёзилган байтларнинг маъно ва моҳияти Низомий достони билан бир хил. Амир Хусрав бу ерда, асосан, шоирлик маҳоратини намоян этишни мақсад қилган.

Шу билан биргаликда, борлиқни тасаввур ва тасвир этишда Хусрав Деҳлавий мавқеи ва сўз юритиш услуби Низомийдан бирмунча фарқ қилади. “Махзан ул-асрор”да космогоник яхлит тизим бўлмаса-да, лекин тун ва кун, нур ва зулмат, ер ва осмонлар, тўрт унсур, наботот, ҳайвонот, умуман, жамийки мавжудот Аллоҳ иродаси билан яратилгани шоирона ифода этилган. Агар Низомий осмонни 7 қават деб билса, Амир Хусрав тўққиз фалак ҳақида сўз юритади.

Оламнинг саноғи фалакиётга оид манбаларда турли миқдорда кўрсатилган. Ибн Сино диний китобларда “оламнинг миқдори ва саноғи етмиш мингдан уч юз мингтагача” келтирилганига гувоҳлик беради. Мир Сайид Али Ҳамадоний “Хилофот ул-маноқиб”да оламнинг саноғини олтмиш минг деб айтган экан.¹

“Басоир” соҳиби айтибдурки, – дейди “Ғиёс-ул-луғот” муаллифи, – жаҳоннинг шарқу ғарб, шимолу жанубдаги ҳар рубъида тўрт минг беш юз олам бўлиб, жами ўн саккиз мингдур”.

Хусрав Деҳлавий ҳам “Басоир” соҳиби каби оламнинг миқдорини 18 минг деб билади:

*Аз ду рақам ҳафту чаҳор офарин
Як рақамашрот ҳазор офарин.*

*(Таржимаси:
Икки етти ва тўрт рақам
Ҳар бир рақами мингтага тенг миқдорда (олам) яратди.)*

Қайд этиш керакки, Қуръонда оламнинг миқдори аниқ кўрсатилмаган, аммо тафсир ва бошқа диний, фалсафий ҳамда тасаввуфий китобларда бу ҳақда турли фикрлар билдирилган. Шу сабабли, Низомий учун оламнинг яратилиши ҳақида асосий манба – Қуръон, Амир Хусрав Деҳлавий учун эса Қуръони Каримдан ташқари фалакиётга оид асарлар ва оламнинг яратилиши ҳақида бир қатор диний тасаввурлар ҳам сарчашма вазифасини ўтаган, деб ҳисоблаш мумкин.

Амир Хусравнинг достонида ҳам “Махзан ул-асрор”даги каби Аллоҳ яратган энг буюк мўъжиза – инсон ва унга берилган неъматлар ҳақида сўз юритилади. Амир Хусрав Деҳлавий услуби ва тили нисбатан содда ва равон бўлиб, Низомийнинг бадиий жиҳатдан гўзал, аммо тушунилиши нисбатан қийин бўлган услубидан фарқ қилади.

Навоийнинг “муршиду устоду пири” бўлмиш Абдурахмон Жомий “Тўхфат ул-Аҳрор” аса-

1 Ҳаққул Иброҳим. Тасаввуф ва шеърият. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1993.

рида на Низомийга ўхшаб ҳақимона қалам тебратади, на Амир Хусрав каби мусулмонларнинг ички ихтилоф ва зиддиятларига сабаб бўлган масалаларга дахл қилади, балки сўфиёна оҳангда “Бисмиллоҳ”ни Аллоҳнинг бандаларига берилган лутфу қарам юзасидан улут бир неъматидеб ҳисоблайди:

*Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим
Ҳаст салои сари хони карим¹
(Таржимаси:
Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим
Қарамли Тангри хонига даъватдир)*

Низомий ва Амир Хусравда биринчи бобнинг мазмун ва оҳанги иккинчи, яъни Тангри ҳамдига бағишланган бобдан деярли фарқ қилмайди. Аммо Жомийда биринчи боб мустақил “басмала боби” бўлиб, муаллиф унда ўзининг ижтимоий-фалсафий фикрларини “Бисмиллоҳ” оятини шарҳлаш орқали баён этади. Унинг шарҳи анъанавий Қуръон тафсиридан фарқли ўлароқ, “Бисмиллоҳ”нинг ички мазмунини очиш, уни мажозий талқин қилишга ҳаракат қилади. Бу усул таъвил деб аталади. Тасаввуф уламлари оламни таъвил ёрдамида тушунишни билишнинг асосий усули дейишган. Уларнинг тасавури бўйича, борлиқ алоҳида рамзлар мажмуасидан иборат бўлиб, унинг асл мазмунини билиш учун асосан таъвил усулига таяниш керак. Жомий ҳам ана шу усулни қўллаб, “Бисмиллоҳ”нинг шакл ва мазмундан яширин маъноларни излайди. Унинг талқинида “бо” ҳарфи жаннат эшигига ўхшайди, “син” эса Жаброил алайҳиссалом қаноти шамолидан мавж ураётган Салсабил ҳовузига далолат, “мим” жаннат булоғига ишорат, “алиф”лар охирада ваъда қилинган мевали дарахтлар, “лом” ҳуруфиларнинг тимсоли... ва ҳоказо. Шунингдек, Жомий “Бисмиллоҳ” оятидаги ҳарфлар айрим сураларнинг номлари ёки дастлабки оятларига мувофиқ тушишини инобатга олиб, басмалада бир қанча сураларнинг сирлари яширинган, деб, шарҳлайди. Унингча “ё” ва “син” ҳарфлари Қуръоннинг юраги – “Ёсин” сурасига, “ар-раҳмон” сўзи “Раҳмон”, “ҳо” ва “мим” ҳарфлари “ҳо”, “мим” ояти билан бошланадиган етти та сурага, шунингдек, “ал-раҳмон” ва “ал-раҳим” сўзларнинг бошланғич уч ҳарфи – “алиф”, “лом” ва “ро” “Алиф, лом, ро” ояти билан бошланадиган иккита сурага ишорадир. Жомий бундай зоҳирий ўхшашликлар тасодифий эмаслигини, балки “Бисмиллоҳ”нинг ички, яширин маъноларига урғу беришини таъкидлайди.

Мумтоз адабиётимизда арабча ҳарфларга “жон бағишлаш”, ҳарфлар ва тасвирланаётган нарса ўртасида муштарак жиҳатларни топиш ва ифодалаш ўзига хос шеърини санъат саналган. Агар ҳарфларнинг шакли тасвир воситасига айланса, китобат санъати дейилади. Китобат санъати биринчи марта ким томонидан қачон қўлланилгани номаълум ва буни аниқлаш унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Муҳими – китобат санъати вужудга келишига сабаб бўлган омилларни ҳисобга олиш.

Сўзни улуғлаш ва илоҳий даражага кўтариш насронийларнинг динида ҳам учрайди. Юҳанно Инжилида сўз ва ҳарфларнинг қудсийлиги ҳақида шундай дейилган:

*Азалда Қалом бор эди
Қалом Худо ҳузурида эди,*

1 -Абдуррахман Джами. Тухфат ул-Ахрор. Пред. и примеч. А.Афсахзада. – М.: Наука, 1983. –С.21

*Калом – Худо эди.
Азалданоқ У Худо ҳузурида эди.¹*

Мусулмон сўфийлар ҳам ҳарфлар асрори ва сўз сеҳри ҳақида жуда кўп фикрлар билдирганлар. Жумладан, Мансур Ҳаллож девонида рақам ва ҳарфларнинг борлиқ сирини англашда тутган ўрни ҳақида бир қанча далиллар мавжуд.

Муҳйиддин ибн-ал-Арабий ўзининг “Футухоту Маккия”сида ҳарфларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида қатор фикрларни билдиради. Шунингдек, машҳур “Фусус ул-ҳикам” асарини ҳам 27 бобга ажратади ва унинг ҳар бир боби “бо” ҳарфидан бошланиб, “йо”га тугайди. Ҳар бир ҳарф алоҳида рамзга эга, Қуръонда исми зикр этилган бир пайғамбар ҳамда унда тажассум топган Аллоҳ сифатларининг тимсолига айланган. “Алиф” эса, ягона Аллоҳнинг рамзи бўлгани сабабли (абжад ҳисобида ҳам “алиф” бир рақамини билдиради) боблар тақсимоти “бо” ҳарфидан бошланган; бундай таснифот ҳам “Бисмиллоҳ”нинг таъсири остида вужудга келган, деб ҳисоблаш мумкин.

Сўфийларнинг ҳарфлар моҳиятига таважжуҳ зоҳир этиши ва уларни илоҳий асрор хазинаси, деб билишларининг асосий сабаби – бу, Қуръони Каримдир. Қуръонда бир қанча суралар алоҳида ҳарфлар билан бошланади. Бу ҳарфлар (тафсир илмида уларни ҳуруфи муқаттаот дейдилар) муайян лексик маънога эга эмас, шу сабабдан, муфассирлар уларга нисбатан таъвил усулини қўллаб, масалан, “Бақара” сурасининг биринчи оятидаги “Алиф, лом, мим”ни “алиф” – Аллоҳ, “лом” – Жаброил (а), “мим” – Муҳаммад (с.) нинг мухтасар аталиши деб, бу ҳарфлардан маъно чиқармоқчи бўлсалар, айримлари бу ҳарфларнинг моҳияти фақат Аллоҳнинг ўзигагина маълум, инсонларга қиёмат кунида маълум бўлади, дейдилар².

Қуръонда келтиришича, бутун Борлиқ Аллоҳ “Кун!”, яъни “Бўл!”, деб амр қилгандан кейин вужудга келган. Навоийнинг тили билан айтсак:

*Дайри муқайяд била озодаси,
Барча эрур “коф” ила “нун” зодаси³.*

Ушбу далилларга асосланиб, Фазлуллоҳ Астрободий XIV асрда ҳуруфия таълимотига асос солди. Унинг таълимоти бўйича, инсон ва Тангрини бир-бирига боғловчи ва бирлаштирувчи ягона восита бу – сўз ва ҳарфларнинг моҳиятига етишдир. Инсон чехрасида Қуръон оятлари ва “Аллоҳ” сўзи мужассам, шу сабабдан, инсон ҳам Аллоҳ китоби ва Қуръондек азиз ҳамда мукаррамдир. Фазлуллоҳ бу ҳақда шундай деган: “Мен Аллоҳнинг сўзлагувчи китоби ва “Бисмиллоҳ” – даги “бо” ҳарфининг нуқтасидирман”⁴.

Ҳуруфийлик таълимоти бўйича, бутун Борлиқнинг маъно ва моҳияти икки қолип-арабча (28 ҳарф) ва 32 форсий ҳарф қолипига туширилган. Биринчи қолип, яъни, араб алифбо-сида ёзилган Қуръоннинг моҳияти хотамуланбиёга маълум бўлган. Аллоҳ Муҳаммад пайғамбар (с.)дан кейин яна 4 ҳарф ҳақиқатини Фазлуллоҳга англатди ва у мазкур ҳақиқатни форс тилида ёзилган “Жовидоннома”сида баён қилган.

Ҳуруфийлар адабиётга тарғибот қуроли ва одамларнинг руҳига кучли таъсир қилувчи

1 -Инжил. – Стокгольм, 1995.-Б.356.

2 Ўз ФАШИ, Р-2039-рақамли қўлёзма. معاني الحروف عند الحكماء محمد بن الحسين السلمي ص ۳۰۹

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.47.

4 Ўз ФАШИ, Р-2039-рақамли қўлёзма. محمد بن الحسين السلمي معاني الحروف عند الحكماء ص ۳۱۲

асосий восита сифатида қарар эдилар. Фазлуллоҳнинг ўзи ҳам Наимий тахаллуси билан шеър ёзарди (Айтмоқчи, “Жовидоннома” форсий манзумадир). Наимий ва унинг издошлари, жумладан, Озарбайжон шоири Имодиддин Насимийнинг ижодиётида китобат санъати жуда кенг қўлланилган ва бу омил кейинги аср адабиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Албатта, XV аср адабиёти намояндалари, жумладан, Жомий ва Навоий ижодиётида китобат санъати қўлланилишини ҳуруфийлик таълимотининг таъсири, дейиш бир томонлама қараш бўларди. Аммо ҳар бир адабий ҳодисанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабабларини аниқлаш учун уни ўша замоннинг тарихий-ғоявий муҳити мантиқи билан асослаш керак. Ҳар бир адиб фикрларини ўзи яшаб ижод қилаётган муҳитдан олинган образ ва бадиий тасвир воситалари ёрдамида ифодалайди. Масалан, Жомий ваҳдат ул-вужуд таълимоти ғояларини ғазалларида ифодалаш учун габр, пири муғон, муғбача, оташкада каби зардуштийлик динига мансуб образлардан фойдаланган.

Покистонлик машҳур шоир, Румий ё Жомийнинг икки байтини ҳикмат қасрининг калити, деб билган Муҳаммад Иқбол эса, шеърларида ўз ғояларини, асосан, “Сўминот, барҳаман, бут” каби образлар орқали ифодалайди. Шоҳрух Мирзонинг Аҳмади Лур исмли ҳуруфий таълимот вакили томонидан пичоқланиши, машҳур сўфий шоир Шоҳ Қосим Анворнинг ҳуруфийликда айбланиб, Самарқандга бадарға қилиниши, Навоийнинг замондоши, “Ахлоқи Жалолий” муаллифи Жалолиддин Даввонийнинг “Рисолат ал-ҳуруф” (Ҳарфлар ҳақида рисола) деб номланган асар ёзиши Хуросон ва Мовароуннаҳрда XV асрда ҳам ҳуруфийлик таъсири анча кучли бўлган, дейишимизга асос бўла олади.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг Жомий васфидаги бобида қайд қилинишича, Навоий уни яратишда Низомий ва Амир Хусрав дostonларидан кўра “Тухфат ул-аҳрор”дан кўпроқ таъсирланган:

*Боштин-аёқ гавҳари шаҳвор эди,
Қайси гуҳар, “Тухфат ул-аҳрор” эди.
Ул икки топса бўлур мунда-ўқ,
Мунда туҳаф кўпки, ул иккида йўқ¹.*

“Ҳайрат ул-аброр”даги басмала бобининг оҳанг ва руҳи ҳам Жомий достонига жуда ҳам яқин. Шу билан бирга Навоийнинг ўзига хос услубини биринчи байтларидаёқ сезиш қийин эмас:

*Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим,
Риштаға чекти неча дурри ятим.
Ҳар дур анга жавҳари жондин фузун,
Қиймат аро икки жаҳондин фузун².*

Навоий бундан кейинги байтларда ҳам ташхис санъатидан фойдаланиб, “Бисмиллоҳ” оятининг зоҳирий кўринишини тавсифлайди. Унинг талқини бўйича, бу сўздаги ҳар бир нуқта жон жавҳаридан ҳам ортиқроқ. Хат тизмаси эса бутун Борлиқ ва ҳатто Руҳ оламини бир тизимга соладиган риштадир.

Шайх Нажмиддин Кубро таъкидлаганидек, бутун Борлиқ асрори Қуръонда, Қуръоннинг барча сирлари “Фотиҳа” сурасида, Фотиҳа сурасининг жамийки сирру синоати бисмил-

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.6.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.6.

лоҳдаги “бо” ҳарфи ботинида яширинган. Кимки абадий ва заволсиз хазина – Мутлақ Ҳақиқатга эришмоқчи бўлса, ана шу сўзни сидқидилдан ўзлаштириши ва англамоғи даркор:

*Ганжи бақо зикрига улким этиб,
Бу дур ила риштани тасбиҳ этиб¹.*

Насроний динига эътиқод қилувчилар ўз сўз ва амалларини муқаддас учлик номи билан бошлайдилар. Бисмиллоҳ эса “ваҳдат махзани” – Аллоҳ ягоналиги, бирлигини англатувчи энг олий ҳақиқатга элтувчи “асру яқин йўл” ҳисобланади. Аммо бу йўл текис ва равон эмас. Бу йўл – иймон йўли. Иймон йўли ҳар бир инсон учун турлича ниҳоя топади. Бу йўлни ҳар ким ҳам эсон-омон босиб ўтиши маълум эмас:

*Лекин эрур ҳам қатиқу ҳам махуф
Ўйлаки ожиздурур андин вуқуф.*

“Ваҳдат махзани”га “асру яқин” бўлган йўлдан бориш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, чунки Аллоҳ “Наҳл” сурасининг 9 оятида башорат қилганидек, “Тўғри йўлни қасд қилиш (унга ҳидоят қилиш) ёлғиз Аллоҳ зиммасидадир. (Зотан, йўллар) орасида қинғири ҳам бордир”².

Навоий тўғри йўлга ҳидоят топганларни “аҳли қабул”, гумроҳлик ва залолатга учраганларни “аҳли рад” деб атаб, “аҳли рад” учун “Бисмиллоҳ” қандай азоблардан хабар бериш мумкинлигини санаб ўтади:

*“Бо”си ибодин урар аввал сало,
“Бо”ки дегайлар, не бўлур жуз бало.
“Син”и наҳанг арқасининг арраси
Юз кеманинг офати ҳар парраси...
“Мим”и йилони дамидин ўт сочиб
Йўл бошида ётибон оғиз очиб³.*

“Мим” ҳарфини оташнафас илонга ўхшатиш фақатгина истиора бўлмай, балки талмиҳ санъати ҳамдир⁴. Навоий бу истиора орқали Мусо пайғамбарнинг ҳассасига ишора қилади. Мусо (а.) таёғи ҳам ерга қўйилганда, илонга айланиб Фиръавн жодугарларининг уйдирмаларини ютиб юбориб, оғзидан ўт сочиб, кофирларнинг дилига ларза соларди. Ташбиҳ ва тавсифларни, асосан, Қуръон, ҳадис ва диний қиссалардан олиниши шеърнинг адабий қимматини бир неча баравар оширган.

Навоий гумроҳлар йўли нақадар машаққатли ва хатарли эканлигини таъкидлаб, “Бисмиллоҳ” “аҳли қабул” учун қандай хушxabар етказиши ҳақида сўз юритади:

*“Бо”си бурун “бо”и башоратдурур,
Касраси кирмакка ишоратдурур.*

1 Ўша жойда.

2 Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи А. Мансур. – Т: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б.268.

3 Ўша жойда.-Б.11.

4 Талмиҳ санъати ҳақида иккинчи бобда батафсил сўз юритамиз.

*“Син”и саломат йўлининг зинаси
Балки саодат юзи ойинаси
“Мим”и очиб манзили мақсадға йўл
Балки бу манзил аро сарчашма ул...¹*

Хожа Муҳаммад Порсо “Фусус-ул-ҳикам”га ёзган шарҳининг муқаддимасида шундай дейди: **“Билгил, эй азиз... агар (Аллоҳ) сифатлари унинг лутфу карамидан далолат берса, жамолий сифатлар дерлар, ва агар қудрат ва қаҳрини тавсифласа, жалолий сифатлардан билурлар...”**² Демак, биринчи қисмдаги “Бисмиллоҳ”нинг тавсифи “аҳли рад” учун Аллоҳнинг жамолий сифатларидан хабар берса, иккинчи қисмидаги “аҳли қабул” жалолий сифатларнинг баракотидан баҳраманд бўлиши ҳақида сўз юритилади:

*Ҳикмати ул қаҳр аро, бу лутф аро,
Ушбуки тўлғай икки меҳмонсаро,
То агар ўт солса жалолияти
Лутф ила урғай сув жамолияти.³*

Навоийнинг бундай услубни қўллаши, яъни биринчи жалолий, кейин жамолий сифатлардан сўз юритиши Қуръоннинг бир қанча сура ва оятларидаги сўз услубини эслатади. Қуръонда биринчи мушрикларга бериладиган жазо, сўнгра солиҳ бандаларга ваъда қилинган мукофотлар ҳақида хабар берувчи оят ва сураларни кўп учратиш мумкин. Масалан, “Вал-ъаср” сурасида инсоннинг бу дунёдаги ҳолати, ҳақиқий бахт-саодатга қандай йўл тутиши лозимлиги ҳақида шундай дейилган: **Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман) 1-2. Аср (вақти)га қасамки, (барча) инсон зиён-бахтсизликдадир. 3. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ (йўли)ни тавсия этган ва бир-бирларига (мана шу ҳақ йўлида) сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина (нажот топгувчидирлар).**⁴

Мазкур бобда баён этилган фикрларни мухтасар қилиб, қуйидагича ифодалаш мумкин:

Қуръон оятлари ва ҳадислар матнини шеърда айнан, ўзгаришсиз қўллаш усули мумтоз адабиётшунослигимизда иқтибос санъати номи билан қайд қилинган;

ҳозирги замон ўзбек адабиётшунослигида Қуръон ва ҳадис мазмунини шеърда сингдириш усули ҳам иқтибос санъатининг бир тури ҳисобланиб келинмоқда. Аслида, иқтибос санъатининг бирламчи шарти матнни айнан, ўзгаришсиз келтиришдир;

Навоий турли масалаларни ёритишда Қуръон ва ҳадис иқтибосларидан фойдаланган. Иқтибосларни, айниқса, ҳамд ва наът оҳангидаги шеърларида кўплаб учратиш мумкин;

Агар араб тилидаги оят ва ҳадислар бадий асарларда жузъий ўзгаришлар билан келтирилган бўлса, ақд санъати дейилади. Ақд санъатининг талаб, чегара ва турлари Навоий шеърятти мисолида билан таҳлил қилинди;

Тадқиқот жараёнида маълум бўлишича, эркин тарзда ёзилган арабча байт ва мисра-

1 Ўша жойда. –Б.12.

2 Давлатов Олим. Ибн ал-Арабий ва унинг ваҳдат ул-вужуд фалсафаси. – Т: Фан, 2007. – 38-бет.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.9.

4 Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима/Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. –Т: Чўлпон, 1992. –Б.649.

ларнинг бир қисми маълум даражада оят ва ҳадислар таъсирида шаклланган. “Фарҳод ва Ширин” достонининг биринчи байти ана шу асосда таҳлил қилинди ва манба вазифасини ўтаган оятга аниқлик киритилди.

Маълумки, “Ҳайрат ул-аброр”нинг биринчи боби “Бисмиллоҳ”нинг шоирона талқинидир. Бу боб М.Имомназаров ва А.Рустамий каби олимлар томонидан таҳлил қилинган. Мазкур таҳлилнинг бошқаларникидан фарқи шундаки, бунда асосий эътибор Қуръон ва ҳадис Навоийгача ёзилган “Хамса”ларнинг басмала боблари учун қай даражада манба-асос вазифасини ўтаганига қаратилди. Айни вақтда, анъанага риоя қилган улуғ ўзбек шоирининг туркий тилда бу мавзунга гўзал бир усулда, ўзига хос санъаткорлигини очиб беришга ҳам эътиборни қаратдик.

ИККИНЧИ БОБ. ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ ВА ҲАДИСЛАР МАЗМУНИНИ ШЕЪРДА ИФОДАЛАШ УСУЛЛАРИ

Адабиёт, аввало, сўз санъати бўлганлиги боис, Аллоҳ ўз Ҳабибига инъом этган энг буюк мўъжиза – Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан одамлар кўпроқ баҳраманд бўлиш нияти ва иштиёқида бўлган шоиру ёзувчилар биринчи бобда кўриб чиққанамиз – иқтибос ва ақд санъатидан ташқари қуръоний мавзулар ва набавий ҳикматлар мазмунини бадий асарларда сингдириш учун катта имконият ва восита бўла оладиган талмих, ишора ва таржима каби санъатлардан ҳам кенг фойдаланишган. Ушбу бобда мазкур шеърий санъатлар Навоий шеъриятида қай даражада қўлланилгани, оят ва ҳадислар маъно-мазмунини очиб бериш, мангу ғояларни шеърда акс эттиришда қандай рол ўйнаганини таҳлил қиламиз.

ТАЛМИХ САНЪАТИ ВА ҚУРЪОНИЙ ТИМСОЛЛАР

Талмих (ар. – яшин чақнаши, кўз қирини ташлаш, ялт қилиб қараш)– мумтоз адабиётда энг кўп қўлланиладиган шеърий санъатлардан. Шоир тасвирланаётган объект, воқеалик ёки образ ҳолатини янада ёрқинроқ ифодалаш мақсадида диний, мифологик, тарихий воқеа, ҳодиса ёки шахсиятларни ҳам йўл-йўлакай эслатиб ўтади. Талмих санъатини қўллашда маълум воқеа ёки типнинг конкрет шароитдаги аҳволи қадимги ёки яқин ўтмишдаги маълум ва машҳур ҳодисалар фонида янада аниқроқ, тўлароқ ва муболағалироқ қилиб гавдалантиришдан иборат.

Адабиётшунос Т. Зеҳнийнинг ёзишича, *“агар талмиҳни ислоҳ билан тамлиҳ шаклига келтирсак, маъноси бирор нарсага туз солишга тўғри келадими, бу ҳам тўғридир. Чунончи, бадий адабиётда тарихий воқеалар, ривоятлар, қисса, афсоналар ва ҳоказоларга ишора қилишга талмих санъати дейдилар”*.¹ Зеҳний бу фикрни Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойири ашъорил-Ажам” асаридан олганлигини қайд этади. Шамс Қайс Розий тамлих ҳақида шундай ёзади: *“Тамлих – улдурким, мухтасар калом била кўп маъноларга далолат қилинса. Малаҳ – яшин чақнашидир: ва малаҳанинг маъноси бир назар ташламоқдир. Агар шоирнинг мўъжаз баёни кўп маъноли бўлса – уни тамлих дейдилар”*.²

Лекин бу таърифда тарихий ва афсонавий шахс ҳамда ҳодисаларга ишора қилиш ҳақида ҳеч қандай фикр билдирилмаган. Ҳолбуки, талмих бошқа шеърий санъатлардан ана шу жиҳати билан фарқ қилади. Аслида, сўз ва маъно мутаносиблиги, мухтасар сўз билан серқатлам маъноларни баён этиш ҳақида балоғат илми баҳс юритади, талмих эса шеърий санъат сифатида бадиъ илмида ўрганилади.

Шамс Қайс Розий балоғатнинг турларидан бўлмиш ийжоз ҳақидаги таърифи ҳам тамлихга уйқаш: *“Ийжоз улдурким, калом мухтасар ва маъно бисёрдур”*.³ Шу сабабдан, талмихни тамлих билан бир санъат деб билиш, ёки тамлихни алоҳида санъат ё баён воситаси деб ҳисоблаш мақбул эмас.

“Бадойиъ-ус-санойиъ”да талмихга шундай таъриф берилган: *“Калом мазмунида машҳур бўлган бирор қисса ё шеър ёки масалга ишорат қилишдан иборатдир. “Изоҳ” ва “Табён” муаллифлари масалга ишорат қилишни талмихга киритмайдилар. Ва Аллома Шерозий дейдиким, айрим олимлар масалнинг айрим сўзларини каломда баён этишни иқтибос ва масални ўзгартиришсиз тўлиқ келтиришни “тазмин” дейдилар”*.⁴

1 Зеҳни Т. Санъати суҳан. – Душ.: Ирфон, 1965. –Б. 234.

2 حدائق السحر' شمس فيس راضي' ص ٤٧

3 Ўша асар, 129-бет.

4 Атоулло Маҳмуд Ҳусайни. Бадоеъ ус-саноеъ. – Душ.: Адиб, 1983.-Б.78.

Ҳусайнийнинг талмиҳга берган қоидасини юқорида қайд қилинган таърифлардан фарқланувчи хусусиятлардан бири шундаки, у бирор машҳур шеърга ишора қилишни ҳам талмиҳ деб билади. Бу борада у ўзининг бир байтини мисол қилиб келтиради:

*Пеши ман ҳосили кавнайн бувад чун як жав,
Мазраъи чарх чаро бинаму доси маҳи нав.*

(Таржимаси:

*Икки оламнинг ҳосили менинг олдимда арпачалик қадри йўқ,
Фалак экинзори-ю янги ой ўроғига нега назар солайин?!)*

Буни Ҳофиз Шерозийга мансуб бўлган қуйидаги машҳур байтнинг талмиҳи деб билади:

*Мазраъи сабзи фалак дидаму доси маҳи нав
Ёдам аз киштаи хеш омаду ҳангоми дарав.*

(Таржимаси:

*Фалакнинг яшнаган экинзори-ю янги ой ўроғига назарим тушди,
Ўз экинзорим ва ўрим-йиғим фурсати эсимга тушди).*

Фикримизча, Ҳусайний келтирган мисол талмиҳдан кўра, кўпроқ назирайи жавобия талабига мувофиқ тушади. Шу сабабли машҳур шеърга ишора қилишни талмиҳ деб билиш учун асосли далиллар етарли эмас.

Талмиҳ очик, яширин, содда ва мураккаб бўлиши мумкин. Бундай тасниф талмиҳнинг маъно ва тузилишига қараб амалга оширилади. Очик ва содда талмиҳларда бирор адабий, тарихий, диний ёки мифологик асардаги шахсга назар ташланади. Навоий шеърятини кўздан кечирганимизда, талмиҳнинг бу тури нисбатан кенг ва кўп қўлланилганига гувоҳ бўламиз. “Ҳазойин ул-маоний”да талмиҳ сифатида келтирилган образларнинг нисбати қуйидагича:

“Ғаройиб-ус сиғар”да: 26 та қуръоний образлар, 7 та “Шоҳнома” қаҳрамонлари, 11 та тарихий шахсиятлардан;

“Наводир уш-шабоб”да: 27 та қуръоний, 9 та “Шоҳнома”дан, 15 таси тарихий шахсиятлар;

“Бадойиъ ул-васат”да: 19та қуръоний, 9та “Шоҳнома” образлари, 9та тарихий;

“Фавойид ул-кибар”да: 15та қуръоний, 11та “Шоҳнома”, 36та тарихий шахслар ва тимсоллар тилга олинган.

Кўриниб турибдики, талмиҳ қилинган образларнинг кўпи Қуръон ва ҳадисда зикр этилган шахслардир. Фақат “Фавойид-ул-кибар” девонида тарихий шахслар Қуръони каримдагига нисбатан кўпроқ зикр этилган. Аммо унинг 36 нафаридан 30 нафари “Соқийнома”да зикр этилган Навоий замондошлари эканлиги ҳисобга олинса, бу девонда ҳам диний қиссалар асосида яратилган образлар анча салмоқли эканлигига гувоҳ бўламиз. Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Вомиқ ва Узро каби бадий образларни юқоридаги таснифда ҳисобга олмадик. Мазкур образлар энг кўп учрайдиган талмиҳлар бўлиб, Навоий улар воситасида турли ғоя ва фикрларни баён этади. Мажнун, Фарҳод ёхуд Лайло ва Ширин образлари қўлланилган байт ва мисраларни одатда, инсоний ва мажозий ишқ тараннуми деб, қабул қилиш ва шу оҳангда талқин ва таҳлил этишга кўникиб қолганмиз. Аммо қуйидаги мисралар бу масалага сал бошқачароқ ёндашишга ундайди:

*Навоий аҳли жунун зумрасиға кирди, илоҳий,
Чу айладинг ани Мажнун, ўзунгни қил анга Лайло ¹*

¹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 2: Наводир уш-шабоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.7.

Яна бир мисол:

*Сенинг нашъанг эди Ширин ила Лайлодаким, Фарҳод
Ўлуб, Мажнунға бўлди юз туман ранжу ано пайдо¹*

Бадий образлар ёрдами билан диний-тасаввуфий маъноларни баён этиш ҳақида, айниқса, таниқли адабиётшунос И. Ҳаққул билдирган фикр аҳамиятлидир: **“Албатта, таъвил йўли билан фақат Қуръондан ёки бошқа динлардан ўзлаштирилган рамзий, мажозий образлар билангина кўпчиликнинг кўнглини ишғол этиш анча қийин эди. Шунинг учун тасаввуф асосчилари ва улкан вакиллари ўз эътиборларини кўпроқ ишқий образлар олами ва тасвир воситаларига қаратган эдилар. Бу икки жиҳатдан жуда қулай эди: биринчидан, бу – кенг халқ оммаси билан фикрий-ҳиссий ва руҳий алоқа боғлашнинг энг ишончли ва энг самимий йўли эди. Иккинчидан, асрлар мобайнида қўлланиб, сайқалланиб келган ва ўқувчиларга маъқул ҳамда манзур бўлиб қолган шеърий образларнинг маъно қатламларини кўпайтириш, яъни уларга қўшимча фикрий нагрузка юклаш унчалик қийин эмасди. Оқибатда, Н.И.Пригарина айтмоқчи, бир бадий асарда гўё икки мустақил текст пайдо бўлганки, улардан бири – тасвир тамойилига мансуб шеърий текст бўлса, иккинчиси мазмун талқини заминидан ҳосил бўлган тасаввуфий матн эди”².**

Навоий шеъриятида энг кўп мурожаат қилинган образ – бу Исо Масихдир. У фақат вужудига Илоҳий Руҳ пуфланганлиги сабабли отасиз туғилган мўъжизакор пайғамбар сифатидагина эмас, балки, тирилтириш – уйғотиш тимсоли, Исо игнаси талқини, Қуёшга фанолик рамзи, хуффош образи тасвири, бошқа пайғамбарлар билан мувозий қўлланувчи сиймо, тажрид тимсоли, поэтик функция ва мазмун ижрочиси, бадий, тасвирий-таъсирий восита ифодачиси, абадийлик рамзи, хаста кўнгиларни даволовчи табиб ва бошқа кўплаб ғоявий-бадий вазифаларни бажаришга хизмат қилган. Мазкур образнинг бадий талқини Ҳ.Кароматовнинг “Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари” номли докторлик, Қ.Очиловнинг “Ўзбек адабиётида Исо Масих образи талқини” номли номзодлик диссертацияси, исломий талқини эса Раҳматулло қори Обидовнинг “Қуръони каримда Ийсо Масих” монографиясида атрофлича таҳлил қилинганлиги сабабли, шу мулоҳазалар билан кифояланамиз.

Навоий шеъриятида кўп учрайдиган пайғамбарлардан яна бири Хизр (а) образидир. Қуръони каримда Хизр ёки Хидир деб аталувчи пайғамбар номи зикр этилмайди. “Каҳф” сурасининг 59-81 оятларида “мажмаъ ул-баҳрайн” – икки денгиз қўшиладиган жойни излаб юрган Мусо (а) ва унинг хизматкорига ҳамроҳлик қиладиган донишманд ҳақида нақл келтирилса-да, унинг номи айтилмайди. Ривоятлар, тафсирлар ва ислом асотирларида бу донишманд Хизр эканлиги баён қилинади. Айтишларича, Мусо (а.) Тангри таолога муножот қилиб: “Бандаларинг орасида мендан илми зиёдароқ бўлган киши борми?” деб сўраганида, Аллоҳ таоло: “Ҳа, Хизр сендан олимроқ” дея жавоб қилган экан. Шунда Мусо (а.): “У зотни қандай қилиб топурман” деганда “Денгиз соҳилидаги қоя олдидан топурсан”, деган жавоб бўлибди. “У ерга қандоқ борилур?” деб сўраганида, Аллоҳ таоло айтган экан: “Бир балиқни саватга солиб, йўлга чиқарсан. Қаерда уни йўқотиб қўйсанг, Хизрни ўша ердан топурсан”.

“Қисаси Рабғузий”да нақл қилинишича, **“Хизр маъноси яшил бўлур. Қаю тош узра Хизр (а.) ўлтурса, ул тош яшарур эрди. Анинг учун Хизр аталди. Айтмишлар: “Қаю ерда ўлтурса, ул ер кўкарар эрди. Баъзилар айтдилар: Хизр ялавоч эрди. Баъзилар**

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 2: Наводир уш-шабоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.8.

2 Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. Фил.ф.д. ... дис. Т.: 1993.- Б.289.

айтдилар, ялавоч эмас, солиҳ муслим эрди. Бани Исроилда улкарди. Мангу суйин ичиб, тирик қолди, аммо Илёс мурсал ялавоч турур”.¹

Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Хизрни пайғамбарлар қаторида келтиради. Бу асардаги Хизр ва Мусо ўртасида бўлган воқеаларнинг тасвири “Каҳф” сурасида зикр этилган ҳодисаларга мувофиқ келади: Хизр дарёнинг нариги соҳилига етгандан кейин, қайиқни тешиб қўяди; ўйнаб юрган бир болани ўлдиради. Антокия шаҳрида бир бузуқ деворни бошқадан қуради. Мусо бу ғайриодатий амалларга уч марта эътироз билдиргандан кейин Хизр Мусони тарк этади ва ажралишдан олдин уч ишнинг ҳикматини Мусога баён этади.²

Хизр халқ орасида ҳам машҳур сиймолардан бири. Ривоятларга кўра, Хизр Искандар билан ҳаёт сувини қидириб, зулмат мамлакатига етиб келибдилар. Хизр бир йўлдан, Искандар иккинчи йўлдан кетибди. Хизр ҳаёт суви булоғини топиб, ичибди, Искандар эса тополмабди.

Профессор Ш. Шомусаров Хизр билан Искандарнинг ҳаёт сувини ахтариш ҳақидаги афсонанинг сюжети “Қиссаси Рабғузий”га бориб тақалади, деб ҳисоблайди³. Бу сюжет аслида Рабғузий асаридан олдин ҳам тафсир ва бадий адабиётларда аксини этган бўлиб, шубҳасиз, халқ орасида ҳам кенг ёйилган эди. Жумладан, Замахшарийнинг “Кашшоф”и ҳамда Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Искандарнинг оби ҳаёт қидириши ҳақида батафсил сўз юритилган.

Исломда Хизрдан ташқари Исо, Илёс ва Идрис ҳам барҳаёт пайғамбарлар саналади. Илёс (а) ҳам “чашмаи ҳайвон”дан сув ичган. Шу сабабдан айрим “Қисас ул-анбиё”ларда Хизр билан Илёснинг саргузаштлари биргаликда баён этилган. Жумладан, Рабғузийнинг айтишича Илёснинг оти аслида **“ал-Ясаъ турур, илми кенглиги учун баъзилари айтмишлар Хизр билан иккилари мангу суйин ичдилар, қиёматга теги ўлмаслар. Хизр дарёларда юрар, Илёс саҳроларда йўлдан озганларга ўл кўргузурлар”**⁴. Бошқа бир манбаларда эса аксинча, Хизр – қуруқликда, Илёс эса сувда инсонларга раҳнамолик қилиши тилга олинади.

Хизр образининг генезиси ва тарихий эволюцияси ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Брокгауз ва Ефроннинг қомусида қайд қилинишича, Хизр – қадимги Эрон диний эпосининг мифик образларидан бири. У одамларни яхшиликка ундайди, эзгу ишларга ҳомийлик қилади. Шу боис, денгизчилар уни кемачиларнинг пири деб ҳисоблайдилар. Одамларни ёвузликдан ҳимоя қилиб, ҳамиша шайтоний кучларга қарши курашувчи Хизр образи эроний мифология маҳсулидир.

В. В. Бартольд ҳам Хизр образини фақатгина ислом мифологияси маҳсули эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, Хизр тимсолида турли халқлар фольклорининг эзгу кучлар хусусидаги мифологик тасаввурлари ўз ифодасини топган. Хизр образининг айрим талқинлари Гилгамеш тўғрисидаги Бобил асотирларига бориб тақалади. Худди шу фикрни тасдиқлаган Дж. Бибби ҳам Хизрга сиғиниш табиат кучларини муқаддаслаштириш билан боғлиқ қадимий мифологик тасаввурлар асосида юзага келган, деб ҳисоблайди. Айрим тафсирларда қайд қилинишича, Хизрнинг асл исми Балийё бўлиб, отаси эронлик, онаси Румдандир. Бундай қарашлар зардуштийлар замонидаги табиат ҳодисаларининг ҳомийлари ҳақидаги мифологик қарашлар асосида вужудга келган бўлиши мумкин.

1 Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990.-Б.159.

2 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том.Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Т.: Фан, 2000.-Б119

3 Шомусаров Ш. Хизр каби мангу суйин ичсам...//Шарқ машъали. №1. 2000.- Б.34

4 Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990.-Б.174.

Албатта, бундай қарама-қарши ва ихтилофли фикрлар борлигини эътироф этган ҳолда, шеърятда Хизр тимсоли ҳақида фикр юритганда энг аввало Навоий ихлос қўйган ақида мактаблари ҳамда таълимотларга таяниш лозим бўлади. Қолаверса, профессор Ш. Шомусаров тўғри таъкидлаганидек: **“Хизр образининг генезисини ёритишда ислом мифологиясининг характерини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу образ исломдан аввалги даврларга хос эътиқод ва қарашлар, барҳаёт табиатни тимсоллаштириш, ажодлар руҳининг абадийлиги, ҳомий кучлар мадади, шунингдек, оламдаги борлиқнинг тирик-лигини таъминловчи ҳаёт суви тўғрисидаги мифологик тасаввурлар асосида келиб чиққан. Аммо тўлақонли образ сифатида ислом мифологияси бадиий анъаналари заминида шаклланган”**¹.

Мусулмон Шарқида ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган Хизр ҳақидаги қарашлар ва унга нисбат берилган хислатлар, асосан, Қуръон ва тафсирлар негизида шаклланган, десак, хато бўлмайди. Назаримизда, юқорида кўрсатилган манбалардан ташқари Хизр ва оби ҳаёт афсонасининг шаклланишида Каҳф сурасининг 63-оятини ҳам муайян рол ўйнаган: **“У (хизматкор) айтди: Буни кўринг, биз (денгиз соҳилидаги) қояга бориб (ором олган) пайтимизда, мен балиқни унутибман. (Буни сизга) айтишни фақат шайтон ёдимдан чиқарди. У (балиқ) денгизга ажиб (ўйсинда) йўл олган эди”**.²

Хизрни кемачилар пири деб аталиши унинг Мусо билан денгиз сафарига чиқиб, кема-ни тешиб қўйишига ҳам боғлиқ жиҳатлари бор, деб ўйлаймиз. Хизр бу ишни Мусога ажралишидан олдин шундай изоҳлаб беради: **“Кема ҳусусига келсак, у денгизда ишлайдиган мискинларники эди. Бас, мен уни айбли қилиб қўймоқчи бўлдим. (Чунки) уларнинг ортида барча (бутун) кемаларни тортиб олаётган бир подшоҳ бор эди”** (“Каҳф” сураси, 79-оят).

Ривоятларда Хизрнинг айнан Искандар билан “ҳаёт суви”ни қидиришга бориши ҳам Қуръон оятларига боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки Хизр билан Искандар ҳақидаги оятлар “Каҳф” сурасида кетма-кет келтирилган. Искандар ҳам Хизр каби исми Қуръонда зикр этилмаган, аммо аксар муфассирларнинг фикри бўйича, 83-98-оятлар айнан Искандар Зулқарнайн ҳақидадир. Албатта, мазкур оятларда зикр этилган Зулқарнайн ҳақида бошқа қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, ҳиндистонлик олим Абулқалом Озоднинг баҳсли бир фикри бўйича, Зулқарнайн деб, Қуръонда Аҳамонийлар давлати асосчиси – Кир назарда тутилган.³

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Навоий Хизрни қўйидагича сифатлайди: **“Ва баъзи дебдурларким, Ҳақ таоло Хизр (а.)га илми ладунни насиб қилди...”**⁴Хизр “Садди Искандарий-”да халоскор пайғамбардан кўра, илоҳий илмдан хабардор одам сифатида кўпроқ кўзга ташланади.

Хизрнинг солиҳларга Ҳаққа восил бўлганларигача қадар ҳамроҳлик қилгани, уларни қўллаб-қувватлагани тасаввуф тарихида кўп учрайдиган ҳодисадир. Жумладан, Аҳмад Ясавий шундай дейди:

*Ўн тўққизда етмиш мақом зоҳир бўлди,
Зикрин айтиб ичу тошим тоҳир бўлди.*

1 Шомусаров Ш. Хизр каби мангу суйин ичсам...//Шарқ машъали. №1. 2000.- Б.34

2 Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А. Мансур.–Б.301

3 Пригарина Н.М. Поэтика творчества Мухаммад Икбала. – М: Наука, 1978. – С.27.

4 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Т.: Фан, 2000.- Б.134.

*Қайда борсам, Хизр бобом ҳозир бўлди.
Ғавс ул-ғиёс май ичурди, тўйдим мано.¹*

Қуръони каримда “энг гўзал қисса” дея таърифланган Юсуф алайҳиссалом саргузаштини назм силкига тортиш ва туркий халқларни Буюк Муҳаббат қиссаси билан янада яқинроқ таништириш Навоийнинг амалга ошмай қолган орзуларидан эди. Жумладан, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” да бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзади: **“Юсуф алайҳиссалом қиссаси андин машҳурроқдурким, эҳтиёж анинг тафсилина бўлғай, невчунки ғаробат ва ширинлиги учун ақобир ҳам назм ва ҳам насрда анинг шарҳин тузубдурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубдурлар... Бовужуди булар бу бибизоатки, ҳам иборат роқимидур, коми хотирға бу орзуни кечурурким, иншооллоҳ умр омон берса, турк тили била-ўқ кофурчун варақ узра хомайи мушкин шамомани сургай. Ва бу қисса назмин ибтидо қилиб, интиҳосига еткургай...”**² Навоий лирик мероси ва дostonларини кўздан кечирганимизда ҳам Юсуф шоирнинг севимли тимсолларидан бири бўлгани аниқланди. Бу пайғамбарнинг саргузашти Навоий ижоди учун фақат илҳом манбаи бўлиб қолмасдан, балки унинг давлат арбоби сифатида фаолият юритиши, қолаверса, комил инсон каби ҳаёт кечиришида ҳам ўрнатки бўлган. Бежиз эмаски, Мавлоно Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонида сўнги боб “Бу дostonдаги Юсуф тимсолидан мурод – Мир Алишер Навоий эканлиги баёнида” деб номланган.

Қуръонда Юсуф (а) кўйлаги ҳақида уч жойда сўз боради. Биринчиси, Юсуф (а)нинг ўғай биродарлари рашк ва ҳасад туфайли уни алдаб, сайрга олиб бориб, қудуққа ташлаб, ёлғондан “Юсуфни бўри еб кетди” деб, қонга бўяб, оталари – Яъқуб (а) олдиға олиб келган кўйлак тасвири (Юсуф сураси, 7-18-оятлар). Иккинчи кўйлак қиссаси эса, қўйидагича: Юсуф (а)ни қуллар бозоридан сотиб олган Миср шаҳри ҳокимининг хотини Зулайхо унга ошиқи беқарор бўлиб, йўлдан урмоқчи бўлади. Юсуф(а) рад этиб, ёпилган эшик томон қочади. Зулайхо Юсуф (а)ға етиб олиб унинг кўйлагини орқа томонидан йиртиб юборади (Юсуф сураси, 20-29-оятлар). Учунчи кўйлак эса, Яъқуб (а)нинг фарзанд ғамида йиғлайвериб оқарган кўзларининг очилишиға сабаб бўлган (Юсуф сураси, 93-96-оятлар). Қўйидаги байтда эса, Яъқуб (а)нинг олдиға келтирилган икки кўйлак – бири кўзи кўр бўлишиға, иккинчиси кўзини ёруғ дунёни яна кўришиға сабаб бўлган кўйлак қиссасиға талмиҳ қилинган:

*Ёр ҳажриға даво гулдин эмаским, бермас
Кимсаға Юсуф иси қон аро ҳар пора қамис³.*

Қамис – кўйлак демак. Байтнинг насрий табдили “Қонга бўялган ҳар қандай кўйлақдан Юсуф иси келмаганидек, ҳижрон дардиға мубтало бўлган ошиққа қизил гуллар даво бўлмас” шаклини олади. Унда лирик қаҳрамоннинг руҳияси Яъқуб (а)нинг ҳолати билан қиёсланмоқда. Яъқуб (а) қиссаси – хузн ва хусн, ҳижрон ва висол, ғусса ва шодлик, кўрқув ва умид каби қарама-қарши туйғулар уйғунлашган қисса. Қонли кўйлак – фироқ нишонаси бўлса, Юсуф юборган кўйлак – шодлик ва висол белгиси. Ўз ёридан айро тушган лирик қаҳрамоннинг кўнгил дардиға баҳор фасли ва гулзор сайри ҳам даво бўлолмайдди. Аксинча,

1 Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т.: Камалак. 1990. –Б.176.

2 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Т.: Фан, 2000. –Б.122.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 2: Наводир уш-шабоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.278.

Юсуф биродарларининг қонга бўялган ёлғонларини умри қисқа бўлганидек, гулюзли ёр фироғида гулнинг қизил ранги ўткинчи ҳавас, бебақо гўзаллик нишонаси сифатида кўзига ташланади. Гул – моддий оламнинг ёлғон жилвалари. Кўзга чиройли кўрингани билан Ҳақиқий Ёр ишқига мубтало бўлган кўнгил уйида унга жой йўқ. Ишқ кўйида дардманд бўлган кишига қизил гулни кўриб, гўзал сабр қилишдан ўзга чора йўқ, чунки Дард ҳам, Даво ҳам, Вафо ҳам, Жафо ҳам фақат Ундан. Ҳақиқий ишққа ёлғонни аралаштириб бўлмайди. Бундай гўзал дардга мубтало бўлган кўнгилни ҳеч қандай ботил ҳақ йўлидан адаштиролмайди. У Юсуфнинг нажотбахш ҳидини бошқа кўйлақлардан топиш мумкин эмаслигини жуда яхши англайди. Аммо қизил гул қайсидир жиҳати билан маҳбуб жамолини эслатиши унинг кўнглига таскин ҳам беради:

*Ҳабибим истаю гулшан аро ҳар дам гул ислармен,
Мени Юсуфдин айру қилди қонлиғ кўйлаги хурсанд.¹*

Ўғиллари Юсуфнинг бирор жойи ҳам йиртилмаган кўйлагини қонга бўяб, олиб келиб кўрсатганларида Яъқуб (а) шундай дейди:

{ قَالَ بَلْ سَوَّلَتْ لَكُمْ أَنْفُسُكُمْ أَمْراً فَصَبْرٌ جَمِيلٌ }

(Йўқ! Сизларга ҳавойи нафсларинг бирон ёмон ишни чиройли қилиб кўрсатган.Энди менинг ишим чиройли сабр қилмоқдир.-Юсуф сураси,18-оят).

Яъқуб (а)нинг фарзанди Юсуфнинг бошқа фарзандларидан кўра кўпроқ яхши кўриши, еру кўкка ишонмаслиги – шунчаки ота ва ўғил ўртасидаги муҳаббат эмас. Унинг муҳаббати айрим ота-оналарнинг қайсидир фарзандига “бошқача” меҳр кўрсатишларига ҳам ўхшамайди. Яъқуб алайҳиссалом – Аллоҳнинг барҳақ пайғамбари. У зот Юсуф сиймосида Ҳақнинг жамолини мушоҳада этарди, унинг нурли истиқболи, ўз қавмини ҳидоят йўлига бошловчи зот – пайғамбар бўлишидан бохабар эди. Яъқубнинг муҳаббати атрофидагилари, жумладан, бошқа ўғиллари учун мутлақо бегона эди. Бегоналик, билмаслик – заифлик нишонаси. Рашк, ҳасад, кўрқув, хиёнат ана шу заифликдан келиб чиқадиган ҳодиса. **“Парвардигор Юсуф биродарларига унинг зоҳирий хуснини кўрсатди, ундан ортиғини кўролмадилар, шул сабабдан, қул сифатида арзимас баҳога сотдилар. Аммо Парвардигор Юсуфнинг гўзал сийратидан озгина қисмини Миср Азизига кўрсатганидан у хотинига: “Уни яхшилаб жойлаштиргин,” – деди. Бас, олам аҳли билсинким, Парвардигор олдида зоҳирий чирой эмас, балки ботин гўзаллигининг қадр манзалати юксақдир.”²** Шу сабабдан, йиртилмаган кўйлақни кўрган Яъқуб (а) фарзанди Аллоҳ таоло паноҳида эканлигини билиб, бир томондан фироқ ўтида куйса, иккинчи томондан, бу кунлар ҳам ўткинчи эканлиги қалбида умид чироғини ёқади.

Навоийнинг пок назари мажозий гўзалликда айни ҳақиқатни кўради, дунё гўзалликларига басират кўзи билан қарайди. У ҳам гулнинг чиройи, табиатнинг мафтункорлиги сирини Парвардигор нурунинг тажаллийси туфайли, деб билади. Ишқ ўтида ўртанган кўнгли Мутлақ Гўзаллик нишоналарини кўрганда таскин топгандай бўлади. Зотан, Жалолиддин Суютий айтганидек, “Илоҳ мўъжизалари кўзга кўринмасдир, улар суюкли бандаларига кўрсатилур.”³ Навоий ботин гўзаллиги мўъжизаларини кўриш саодатига мушарраф бўлган қалб кўзи очик зотлардан эди.

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 2: Наводир уш-шабоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.120.

2 معين الدين مروي – تفسير حدائق الحقائق' دانشگاه تهران' ۱۳۶۴ ه. ش

3 جلال الدين سيوطي' الاتقان' ج 2' مصر' دار الكتابة' ۱۹۸۹ م' ص ۱۷۱

Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Кашф ул-асрор”ида кўнгил ҳақида шундай дейилади: “**Кўнгилнинг беш қават пардаси бор: биринчиси, кўкрак қафаси пардасиким, ислом аҳди қарор топган жойидир, иккинчиси – қалб пардаси иймон нури маҳаллидир, учинчи парда фуод (юрак) пардаси бўлиб, бу парда Ҳақ назаргоҳидир, сир пардасида ихлос хазинаси жойлашган, бешинчи парда шағоф (кучли эҳтирос) пардасидирким, Ишқ ва Муҳаббат кўнадиган макондир**”¹. Муҳаббат – кўнгил амри, қалб иши. Қалб (арабчада кўнгил маъносини ҳам билдиради) ҳақида хотамуланбийёнинг куйидаги ҳадислари машҳур: “Қалб ўзгариб турганлиги сабабли қалб деб аталган. Қалб мисоли саҳродаги бир дарахтнинг танасига ёпишган бир паркуга ўхшайди. Шамол уни гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ағдаради”². Навоий лирик қаҳрамонининг Қалби ҳам Ишқ саҳросида Вафо дарахтига ёпишган парку каби беқарор; гоҳ умид насими, гоҳ ҳижрон самуми уни ҳар кўйга солади. Шу сабабдан, “Ёр ҳажридин даво гулдин эмас”, дея гулзор сайридан воз кечган кўнгил гоҳида ўз гулрух нигори исини гулдан топади ва Юсуф ҳидини кўйлақда топган Яъқуб каби кўзи равшанлашади:

*Гулдин ул гулрух исин топқач Навоий очти кўз,
Ўйлаким, Яъқуб кўнглактин маҳи Канъон исин.*³

Қуръонда келтиришича, карвон Мисрдан чиқиши биланоқ Яъқуб алайҳиссалом байт ул-эҳзон (Юсуф фироқида қурилган ғамхона)да туриб, ҳузуридаги кишиларга:

{إِنِّي لَأَجِدُ رِيحَ يُوسُفَ لَوْلَا أَن تَفْقَهُونَ {94} قَالُوا تَاللَّهِ إِنَّكَ لَفِي ضَلَالِكَ الْقَدِيمِ {95}}

(“Мен Юсуфнинг бўйини туймоқдаман. Агар мени ақлдан озган демасангизлар (Юсуф тирик, деган бўлур эдим)” дейди. (Улар) айтдилар: Аллоҳга қасамки, сен ўша эски хатойингда турибсан.)⁴ Ушбу оятни Хусайн Воиз Кошифий “ишқ ояти” деб атайди⁵. Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳам ғазалларининг бирида ана шу “эски хато”га нозик ишора қилиб ўтади:

*Ишкро Эзад залоле хонд дар Қуръон қадим,
Эй муфассир, шарҳ кун, ин нуктаро таъвил чист?⁶
(Ишқни Тангри залол айтмиш Қуръонда қадим,
Эй муфассир, бер изоҳ, бу нуктага таъвил надир?)*

Кошифий тафсирида Юсуф биродарлари ҳақида яна куйидаги фикрларни ўқиймиз: “**Бу ўн бир юлдуз (Юсуф тушида кўрган ой, қуёш ва ўн бир юлдуз ҳақида гап кетмоқда – О.Д) Юсуфнинг ўн бир оға-иниларига ишоратдир. Юсуф биродарларида ҳам пайғамбарлик нури зоҳир эди, аммо ўз иниларига нисбатан қилмишлари пайғамбарлар ва уларнинг аҳлларида содир бўладиган гуноҳлардан эди. Бунинг ҳикмати шундирким, айбсиз фақат Биру Бор сифатли Парвардигорнинг Ўзидир, қолган барча мав-**

1 خواجه عبد الله انصاري 'كشف الاسرار' ج ٢ ص ١٦٥

2 Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. –Т.:Камалак, 1991. – Б.72.

3 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 3: Бадое ул-васат. – Т.: F.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.126

4 -Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. –Т.: Чўлпон, 1992. –Б.208.

5 Ўз ФАШИ, P-5269-рақамли қўлёзма. حسين بن علي الواعظ الكاشفي المواهب العلية

6 - Абдураҳмони Чомй. Осор. Дар 8 чилд. Чилди 2. Воситат ул-иқд. –Душ.: Адиб, 1990. –Б.83.

жудот гуноҳкор ва нуқсонлидир.¹ Уларнинг бу хатоликлари, юқорида айтиб ўтилганидек, зоҳирбинликларидандир. Юсуфни оталари кўзидан йироқлашиш мақсадида арзимас баҳога савдогарларга сотиб юбориб, ўзлари Яъқуб олдида Юсуф мақомини эгалламоқчи бўладилар. Аммо бу Юсуфни Миср бозорида “бир калоба ип била” сотиб олишдек самарсиз уриниш эди. Юсуфсифат кишиларнинг ҳақиқий баҳоси ҳақида Навоий ёзади:

*Керак қуёш дирами танга бўлса байъона,
Чу Юсуфумни ики даҳрға баҳо қилсам.²*

Навоий шеъриятида зўрма-зўраки киритилган бирор образ, тимсол, сўз ёки ибора йўқ. Мутлақо алоқасиз кўринган деталлар ҳам аслида бир-бири билан кучли мантиқий таносуб ёрдамида боғланган. Тимсоллар таҳлили ва талқинида ҳам энг аввало, байтлар ўртасидаги мантиқий муносабат ва ғазалнинг умумий руҳини ҳисобга олиш зарур. Ўшанда талмиҳ қилинган образ айнан қайси поэтик функцияни бажаргани ойдинлашади. Акс ҳолда, “юлиб олинган” байтдаги образ ва тимсолларнинг манбаини кўрсатиш ҳамда байтни фақат ўша манбага таяниб, таҳлил қилиш яна бирёқлама қарашларга замин бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Албатта, қуръоний образлар, дунёвий маъноларни ифодалаш воситаси сифатида қўлланган тақдирида ҳам ўз диний моҳиятидан узоқлашиб кетолмайди. Аммо диний оҳангдаги талқинни барча ҳолатларда биринчи планга чиқариш ва шоирнинг бутун ижодини диний мезонларда баҳолаш уни диний ақидаларнинг оддий тарғиботчисига айлантириб қўйиш хавфини ҳам туғдиради. **“Навоийни дин ва тасаввуфга атайин яқинлаштириш ҳам саёзлик, бир ёқламалик, шеърхонни чалғитишдан ўзга натижа бермайди. Шоир шеърларида тасвирланган ғоя, туйғу, образ, руҳий манзараларни ўз номи билан айтишга эришиш, улар бағридаги яширин маъно ва бадий сирларини таҳлил тилида ифодалаш – ҳақиқатнинг бош мезони мана шудир.”**³ Юсуфнинг образи ҳам фақат тасаввуфий-ирфоний маъноларни ифода этувчи восита эмас, балки тириклик гўзалликлари, ҳаёт маҳбубаси ҳусну жамолини тавсифлашда ҳам қўл келганига мана бу тахлит байтлар далил бўла олади:

*Тарк этиб савдо, анинг савдосиға тушмиш улус,
Киргали Юсуфжамолим сайр учун бозорға.⁴*

Навоий қуръоний талмиҳлардан шунчаки бадийликни ошириш, лирик ифоданинг эмоционаллик хусусиятини кучайтириш учун эмас, балки ижтимоий-сиёсий, ирфоний-фалсафий, тарбиявий-ахлоқий ғояларини янада ёрқинроқ, янада таъсирчанроқ ифода этиш йўлида ҳам изчиллик билан фойдаланган. Унинг талқинида, Юсуф қиссаси фақат муҳаббат достони эмас, балки ибрат намунаси ҳамдир. Жумладан, иззат-икром топиш, умум эътирофига эришиш чексиз машаққат ва тинимсиз меҳнатнинг самараси экани Юсуф тақдири воситасида ифода этилган:

1 Ўз ФАШИ, Р-5269-рақамли қўлёзма. حسين بن علي الواعظ الكاشفي المواهب العلية

2 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.457.

3 - Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. –Б. 131.

4 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 4: Фавойид ул-кибар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.544.

*Мисри иззат истабон зиндони ғамдин қочмаким,
Моҳи Канъон тахтиға боис мазаллат чоҳидур¹.*

Биринчи назарда байтни ҳар қандай роҳат-фароғат қийинчилик ва кулфатлар эвазига ҳосил бўлиши, халқ ибораси билан айтганда, “жон куйдирмасанг, жонона қайда”нинг шоирона ифодаси сифатида талқин қилиш кифоядек туюлади. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, барчага маълум бўлган ҳақиқатларни турли йўл ва усуллар билан ифода этиш Навоий даҳоси учун мутлақо бегона ҳодисадир. Қолаверса, мумтоз шеърят, жумладан, Навоий ижодиёти билим даражаси саёз китобхонга эмас, балки ўша давр тафаккур хазинасидан етарлича баҳраманд бўлган, фикри теран, тасаввури дақиқ ўқувчига мўлжалланган. Навоийдек тенгсиз мутафаккир шоирнинг шеърини жўн хулосалар билан умумлаштириш “ўзинию халқни гумроҳ этиш” билан баробар.

“Мисри иззат” истиораси – Юсуфнинг Мисрда топган шон-шавкати, Миср шахрининг азизи-ҳукмдорлигига эришган даврига талмиҳ бўлса, “зиндони ғам” ибораси орқали Зулайхонинг тухматлари туфайли хиёнатга айбланиб, етти йил зиндонда ётганига ишора қилинади. “Мисри иззат” ибораси шаклланишида пайғамбаримиз (сав)дан ривоят қилинадиган қуйидаги ҳадис ҳам асос–манба сифатида хизмат қилган: “...**Одамларнинг (Аллоҳ таоло қошида) энг иззат-икромдиси (Иброҳим) Халилуллоҳ ўғли (Исҳоқ) набиюллоҳ ўғли (Яъқуб) набиюллоҳ ўғли Юсуф набиюллоҳдурлар.**”² Иккинчи мисрада “мазаллат чоҳи” – оға-инилари томонидан қудуққа ташланган “моҳи Канъон” – Юсуфнинг пайғамбарлик рутбасига мушарраф бўлгани ва кўрган туши қирқ йилдан сўнг ҳақиқатга айлангани фикр тасдиғига хизмат қилади.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Юсуф қиссаси қуйидаги воқеа билан бошланади: **“Юсуф (а) бани Одам жинсининг жамилроғидур. Бир кун ўз юзин кўзгуда кўруб, андоқки ҳусн истиғною ғурурға муқтазодур, кўнглига кечтиким, оё агар мен қул бўлсам эрди, менинг баҳомни ким бера олғай эрди. Чун бу хаёл далолат бемислликка қилур, улким, “лайса камислиҳи шайъун ва ҳува самиъул-басир” анинг шаънидадур. Ҳақ таоло ғайрат кўргузуб, андоқ қилдиким, оғолари Юсуфни ўн ети қалб дирамға соттилар... Ул қофиланинг улуғи... Молик бу савдодин масрур эрдиким, Мисрда анинг баҳосидин суд мутасаввар эрди. Юсуф (а)да заъф ва шикасталиқ ул мартабада эрдиким, Моликнинг ул сўзини эшитиб, ўз-ўзи била айтур эрдиким, бу мусулмонким менинг баҳомдин ўзин хуррам қилибдур, бу ҳол билаким менмен ики оқчаға олғайларкин ул олибдур.”**³

Юсуф (а)нинг “мазаллат чоҳи”га тушиши ғурур ва истиғноси боис бўлди. Аммо унинг кейинги ҳаёти ҳар қандай бало келганда ҳам сабр қилган ва Худони эсдан чиқармаган банда учун ҳар бир хорлик ва қийинчилик интиҳосида, шубҳасиз, илоҳий мукофот, ажру савоблар борлигининг исботидир. Мавлоно Яъқуб Чархий буюрганидек, **“Бало – Илоҳий имтиҳондир, кимки балога сабр қилса, Парвардигор иноятидан бенасиб қолмағай... Парвардигор Фиръавнга Миср подшолигини имтиҳон тариқасида берди, алалоқибат ширкка юз бурди, Юсуфни Яъқуб дийдоридан бенасиб қилди, қудуқ ичида илоҳий**

1 - Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 2: Наводир уш-шабоб. – Т.: Ё.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.162

2 -Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомиъ ас-саҳиҳ. 2-жилд. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997. –Б.421.

3 -Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Тарихи анбиё ва ҳукамо. –Т.: Фан, 2000. –Б.122-123.

вахий саодатига мушарраф айлади ва балоларга кўрсатган сабрининг мукофоти тариқасида Мисрда азиз этди”¹.

Демак, ҳақиқий обрў-эътибор, иззат-эҳтиром “зиндони ғам” асирлари, “ўз нуқсини исбот айлаган” ориф кишиларга насиб этади. Аксинча, осонлик билан эришилган машхурлик аслида, қаллоблик, маънавий муфлисликнинг мисини чиқаришда бир воситадир. Юсуфнинг тахт соҳиби бўлиши ҳам Ботин Олами асроридан хабардор бўлгани туфайли эканлигига ишора қилиш орқали шоир маънавий камолот халқ ва Ҳақ олдида эътибор топишнинг бирламчи шарти эканлигига алоҳида урғу беради. Навоий учун пайғамбарлар – энг аввало, маънавий баркамоллик, илоҳий руҳониятдан файз топган зотлар, комиллик намуналари. Инсон номини шарафлаган бу буюк шахсларнинг ҳаёти, фаолияти, сўзлари барча учун ибрат намунасидир. Шунинг учун, Шарқ шеърияти, жумладан, Навоий ижодиётининг ажралмас қисми сифатида шаклланган пайғамбарлар образини таҳлил ва талқин этиш, шубҳасиз, бу ноёб хазинанинг маънавий дурдоналаридан янада кўпроқ баҳраманд бўлишга ёрдам беради.

Биз Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмунини сингдириш усул ва воситаларини ўрганишга махсус боб ажратган бўлсак-да, бу масаланинг бутун қирралари, ички боғланишлари, ҳақиқатларини қамраб олдик ва ёритдик, деган даъводан тамоман йироқмиз. Бу фикр айна пайтда монографиянинг ўзига ҳам тегишлидир. Чунки унда ҳам айрим камчилик, бир томонламалик ёхуд мунозарали ўринлар бўлиши мумкин ва бу табиийдир.

1 - Ўз ФАШИ, Р-10792-рақамли қўлёзма. تفسير الغزنوي 'يعقوب بن عثمان بن محمود الغزنوي

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ОЯТ ВА ҲАДИСЛАРНИНГ ШОИРОНА ТАРЖИМА ВА ТАЛҚИНИ

Имом ат Термизийнинг Зайд ибн Собитдан ривоят қилиб, саҳиҳ, дея шаҳодат этган бир ҳадисда: “Менинг сўзимни эшитиб ёд олган, сўнгра уни қандай бўлса, шундайлигича бошқаларга таблиғ этганларнинг юзини Аллоҳ ёруғ қилсин, зеро, неча кимсалар борким, ҳомил бўлганлари фикҳни ўзларидан ҳам анча фақиҳ бўлганларга етказадилар”, дейилган.

“Баллағу ʻанни ва лав оятин” (Мендан бир оят бўлса-да, бошқаларга етказингиз) тарзидаги амр ва ташвиқоти набавийя туфайли дин олимлари ўз илм ва кучлари етганича аҳодиси набавийяни инкишоф этиб оммалаштирганлар.

Ҳадиси шарифни ўргатиш ҳамда расулуллоҳнинг ваъда қилган шафоат ва хайрли дуоларига эришмоқ умидида “Ҳадиси арбаъин” (Қирқ ҳадис) ёзган уламо ва муҳаддислар асарларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Биргина Ҳожи Халифанинг “Кашф уз-зунун”и ва унинг иловаси бўлган “Изоҳ ул-макнун”да 95 та ана шундай асарлар хусусида баҳс юритилади.¹

Муҳйиддин Нававийнинг “Ҳадиси арбаъин” асари муқаддимасида баён этилишича, арбаъиннавислик анъанасининг асосчиси Абу Абдураҳмон Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий (737-797)дир.

Кимдир диннинг асосларига, кимдир ибодатга, кимдир аҳкомга, кимдир мавъизаларга, кимдир Қуръоннинг фазилатига, кимдир адолатга, кимдир ҳажнинг фазилатига оид ҳадислар тўпламини яратган.

Масалан Шом мударрисларидан Муҳйиддин Нававий диннинг усул ва фуруъига, Байҳақий ахлоққа, Шайн Абдуллоҳ ибн Сувайдоний ал-Мисрий рамазон фазилатларига, Айнулқуззот Ҳамадоний, Саъдиддин Тафтазоний, Абулфутуҳ Розий кабилар ахлоқий-ижтимоий ва бошқа мавзуларга доир арбаъинлар тартиб этишган.

Кубравия тариқати пешволаридан бири Мир Сайид Али Ҳамадонийнинг бир ўзи эса 5 та “Арбаъин”нинг муаллифидир.²

Абдураҳмон Жомийнинг “Арбаъин”и ва Навоий қаламига мансуб бўлган таржима энг машҳур ва кенг ёйилган “арбаъин”лардан бўлган. “Арбаъин” кенг миқёсдаги таҳлилни тақозо этиб, бизнинг тадқиқот доирамизга кирмайди. Фақат шуни қайд қилиш керакки, А.Ҳожиаҳмедовнинг *“Арбаъин”лар иқтибос санъати асосида ёзилган*,³ дейишлари асоссиздир. Чунки Мавлоно Жомий ҳам, Мир Алишер ҳам, умуман жамийки “Арбаъин”-навислар бу амални таржима деб билганлар. Жумладан, Жомий “Арбаъин” муқаддимасида шундай ёзади: *“Аммо баъд ин чиҳил калима аст, ки суҳулати фаҳм ва ҳифзро ба форсий таржима карда меояд. (Бу қирқта калима тушуниш ва ёдлаш осон бўлиши учун форсчага таржима қилиниб, келтирилди).*⁴ Пуроний “Арбаъин”и муқаддимасида шундай сатрлар бор: *“Шайх ибн Нуриддин Муҳаммад Пуроний чиҳил ҳадис аз сиҳоҳи ахбори Мустафавий таржима намуд, то ҳифзи мақосиди он бар толибон осон гардад” (Шайх ибн Нуриддин Муҳаммад Пуроний Муҳаммад Мустафо ҳадисларидан 40 та саҳиҳ ҳадисни таржима қилди, токи ундаги маъноларни ўзлаштириш толибларга осон бўлгай).*⁵

Таржима санъати фақатгина “Арбаъин” яратишда қўлланилмаган. Ҳадисларда акс этган ўлмас ва барҳаёт фикр-ғояларни оддий ўқувчига етказиш учун Навоий ҳам “Хамса” ва

1 Қудсий ҳадислар. – Т.: Мовароуннаҳр, 1998.- Б. 9.

2 Ўз ФАШИ, Р-3020-рақамли қўлёзма. مير سيد علي همداني' كليات آثار.

3 Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатлари ва мумтоз қофия. –Т.: Фан, 1999.-Б.64.

4 جهل حديث' جامي' نواني' نابي ترجمه لري' استنبول' ۱۹۱۲

5 جهل حديث مع ترجمه شيخ احمد بن نور الدين بوراني

“Ҳазойин ул-маоний” да бир қатор ҳадисларни таржима қилиб келтиради. Ҳадислар турли ғояларни ифодалашга хизмат қилган. “Ҳайрат ул-аброр” да “Ал-валаду сирру абиҳи” ҳадисининг иқтибоси билан валиаҳд Бадиъуззамонга насиҳат қилган бўлса (*Ишда агар шаҳга шабиҳ ўлғасен, Ал-валаду сирру абиҳ ўлғасен*), мана бу байтда ҳадиснинг таржимаси лирик образнинг характерини янада ёрқинроқ очиб беришга хизмат қилган:

Жафода бор ул ой гардунға монанд.

Атоға ўйлаким, хислатда фарзанд¹.

Юқоридаги байтда ҳадис соф ўзбек тилига ўгирилган. Мана бу байтда эса, ҳадисда кесим вазифасини бажарган “яржиъу” сўздан иштиқоқ қилинган рожий сўзи байтнинг қофиясини таъминлаш билан бирга, ҳадиснинг асл матнига ҳам ишорадир:

Лабингга жон бўлур мойил, таним хоки раҳинг бўлса

Ажаб эрмас, бўлур чун барча ашё аслига рожий².

“Садди Искандарий” нинг бир боби тўлиқ ҳадислар асосида яратилган, десак хато бўлмас. Бу бобга Навоий шундай сарлавҳа қўяди: “Адолат маърифатидаким, салотининг зулумоти зулми орасида “айн ул-ҳаёт” и жовидоний дурур ва ичганға зулоли зиндагоний еткурур”.

“Шоҳлар – Худонинг ердаги сояси” дейдилар. Шу маънодаги мажҳул ҳадисни рўқач қилиб, халққа кўп жабру жафо етказган золим шоҳларни тарихнинг ҳар бир саҳифасида учратиш мумкин. “Зилли илоҳ” – зулми илоҳ эмас, дейди Навоий. Тангри зот ичра ягона бўлса ҳам унинг сифатлари беададир. Муайян бир сифатини англатувчи исми борки, бу исмларни “асмо ул-ҳусно” дейдилар. Аллоҳни карампешалигини англатувчи “карим”, раҳмлилигини билдирувчи “раҳим” каби исмлари борлигини биламиз. Адолатпарварлик сифатини билдирувчи исми “одил” эмас, балки “ал-адл” дир. Адолат билан иш тутадиган шоҳ ал-Адл, яъни Худо билан иш тутади, унга Худо ёрдир. Шу сабабдан, адолатпарвар шоҳни одил дейдилар. Фақат одил бўлган шоҳ Тангрининг ердаги сояси бўла олади:

*Не шаҳким, анинг адл кирдоридур
Десам, йўқ, ажабким Худо ёридур.
Бу маънидин эркинки, оламда шоҳ
Ки дерлар ани халқ зилли илоҳ
Эрур адлким, қодири зул-жалол
Қиёмат кунин андин айлар савол.³*

Фикрини асослаш учун Ануширвони одилни мисол келтиради. Ануширвон гарчи кофир бўлса ҳам, бошқа мушриклар каби дўзахий бўлмади. Уни дўзах оловидан одилна сиёсати қутқарди. Адолат тимсоли бўлмиш Ануширвон ҳақида расуллулоҳ (с.) шундай хабар берадилар:

*Манга чун валодат замони эди
Улусқа адолат замони эди⁴.*

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 4: Фавойид ул-кибар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.128.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.312

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.107.

4 Ўша манба, 117-б.

Юқорида мазмунан келтирилган ҳадис “Маҳбуб-ул-қулуб”нинг “Одил подшоҳлар зикрида”-ги фасли дебوحасида айнан келтирилган: “Бу ким одил подшоҳ рифъати таърифидан бийикроқ эрур. “Вулидту фийзамани-с-султони-оидили” андин хабар берур”. Ушбу ҳадисни “Маҳбуб-ул-қулуб” тадқиқотчиси Ш.Ҳайитов қуйидагича шарҳлаган: **“Арабий матндаги “султони одил”-дан мурод оламлар Подшоҳидир... Султони одил энг аввал Муҳаммад нурини яратди. Кейин оламлар ва одамларни яратиб, адолат мезонини ўрнатди. Барча сайёраларни мувофиқ ўлчовда қилиб қўйди. Ерни инсон ҳаёти учун мослади... Муҳаммад ҳамма нарсани илоҳий адолат ила яратган ва ҳар бир муаммони илоҳий адолат ила ҳал қилувчи мана шу Подшоҳ замонида нур шаклида барчадан олдин туғилган эди. Кейинчалик султони одил уни инсон суратида бор қилди. Ва пайғамбар сифатида танлаб, Қуръон ва Муҳаммад (с.) орқали ҳақиқат ва адолат низомини ўрнатди”**.¹

Албатта, ҳадисни бу йўсинда талқин қилишда Ш. Ҳайитовда асос бор – бу фикрлар фақат унинг тафаккури маҳсули бўлмай, балки ўрта асрларда бир гуруҳ фалсафа ва илоҳиёт олимлари ҳадисни ана шундай тушунганлар ва талқин этганлар. Аммо дуч келган талқин ва ғояни Навоий ижодиётидан излаш ва уни турли позициялардан туриб, талқин қилиш ҳаммиша кутилган натижани бермайди. Навоийнинг Қуръон ва ҳадисга бўлган муносабатини ўрганишда XV асрнинг тарихий муҳити, Навоийнинг диний дунёқараши, шунингдек, асарларининг ўзаро боғлиқлик жиҳатларини ҳисобга олиш керак. Ўшанда ҳар бир нуқта ва нуқтани асарнинг умумий маромидан келиб чиқиб тўғри баҳолаш имкони пайдо бўлади. Чунки Навоий ижодиёти уйғун бир тизимни ташкил этади. Ана шу ягона тизимга сиғмайдиган ёхуд унга зид фикр илгари сурилган бўлиши мумкин эмас. Шу сабабдан, одил подшоҳ ҳақидаги ҳадисни таҳлил этишда бошқа изоҳларга эмас, балки Навоий инонган Анушервон одил ҳақидаги талқинга таянмоқ лозим.

“Маҳбуб-ул-қулуб”да “Мен одил подшоҳ замонида туғилдим” ҳадисидан кейин мана бу ҳадис иқтибос қилинган. “Улки унинг зоти била мубоҳидур хожайи кавнайн деб ким: Адлу соатин хайрун мин ибодатис-сақалайн”. Ушбу ҳадиснинг таржимаси “Садди Искандарий”да ҳам биринчи ҳадиснинг мантиқий давоми сифатида келтирилган:

*Ҳадисида ҳам бу башоратдурур,
Ки адл аҳли сори ишоратдурур.
Ки адл ичра ўтганча бир соате
Эрур беҳки жинну башар тоати.*²

Навоий адолатни кенг маънода тушунади, уни инсоннинг ахлоқий фазилатларининг юксак шакли сифатида талқин қилади. Унинг таъкидлашича, адолат энг яхши фазилат бўлиб, айниқса, жамиятнинг илғор қисми – ҳукмдорлар табақасида бўлиши шарт. Аслида, адолат – бу кишилар ўртасидаги тенгликни назорат қилишдир. Бир тоифа иккинчи тоифа устидан тазйиқ ўтказмаслиги, зўравонлик қилмаслиги лозим. Адолатнинг ҳуқуқий томони Қуръон ва шариат қонун-қоидаларига сўзсиз амал қилишдан иборат, деб тушунган. Юқорида келтирилган мисол шуни кўрсатадики, исломда адолат билан иш тутиш Тангри тало олдида намозу рўза, закоту ҳаждан афзалроқ ҳисобланади. Шоир адолат тушунчасини фақат ахлоқий, ҳуқуқий талқин қилиш билан чекланиб қолмасдан, унинг сиёсий томига ҳам эътибор беради. Адолат сиёсий тушунча сифатида давлатни оқилона бошқаришни

1 Ҳайитов Ш. “Маҳбуб ул-қулуб”да тасаввуфий жилолар. – Т.: Фан, 1996.-486.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.108.

билдириб, давлат бошлиқларининг сиёсий фаолиятига баҳо беришда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Навоий адолатни мамлакат фаровонлиги, хазинанинг маъмурлиги, бойликнинг кўпайиши, шаҳар ва қишлоқларни гуллаб-яшнаши билан боғлайди. Бу фикрларни эса саҳиҳ ҳадис билан қувватлаб, шундай ёзади:

*Яна ҳам ҳадиседурур бу саҳиҳ,
Ки айлабдур они баёни фасиҳ:
Қолур қуфр аро қолса обод мулк,
Бўлур зулм, агар бўлса барбод мулк.¹*

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 33-қитъа “**Ан-носу ғало дини мулук**” ҳадисининг тафсири билан номланган. Ҳақиқатан ҳам, бу ҳадисни эшитган ёки ўқиган одам таржимадан кўра, кўпроқ шарҳу тафсирга эҳтиёж сезади. Навоий давридаги диний илмлардан озгина хабардор бўлган киши ҳам бу ҳадисни бемалол таржима қила оларди, чунки мазкур ҳадис қисқа ва маълум сўзлардан таркиб топган. Бироқ, “Раият шоҳларнинг динидадирлар” маъносини билдирувчи бу ҳадисдаги “дин” сўзи алоҳида изоҳни талаб қилади. Чунки агар биз бу сўзни омма орасида маълум бўлган маъносида қабул қилсак ва тушунсак, у ҳолда мамлакат ҳукмдори мусулмон бўлган юртда ғайридинлар бўлиши ёхуд аксинча, султони ғайридин бўлган давлатда мусулмон яшаши мумкин эмас, деган жўн ва мантиқсиз хулоса чиқади.

Ҳужжатулҳақ Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий “Насиҳат-ул-мулук” асарида шундай ёзади: *“Донишмандлар буюрганларким, раиятнинг хулқ-атвори султонларининг кирдорларидан шаклланади: омманинг очқўз ва ёмон хулқли бўлиши улардандир... Ҳамма замонда одамлар нимагаки уларнинг бошлиқлари рағбат кўрсатсалар, ўшанга майл зоҳир этадилар. Ёвузлик ва ҳақоратомуз гапириш, ҳавою ҳавасга берилиш ва беҳосил орзулар кетидан югуришни улардан ўрганадилар. Бизнинг замонамиз амирларига ҳам бу сўзлар тааллуқлидир. Бизким бадкирдор, хиёнаткор ва тўғрилиқдан йироқмиз, амирларимиз ҳам ситампеша ва золимдирлар. Бу сўзга: Ва камо якунуна ювалла ғалайкум” (Сиз қандай бўлсангиз, сизга уларнинг амали ўхшаш-яқиндир) ояти тўғри келади... Шунингдек, ҳадисда ҳам келганким: “Анносуну ғало дини мулукиҳим”..². Навоий ҳам юқорида келтирилган парчанинг асосий ғоясини биринчи мисрага жойлаштириб, дин сўзи ўрнига “афъол”ни ишлатади ва иккинчи мисрада далил сифатида ҳадисни айнан келтиради:*

*Шаҳнинг афъоли этар хайлу сипоҳига асар,
Чун наби дедики “Ан-носу ғало дини мулук”³*

Иккинчи байт амиралмўъминин Алининг (раз) ушбу ҳикмати таржимасидир: *Подшоҳ катта бир дарё кабидирким, ундан ирмоқлар ҳосил бўлар, агар суви чучук бўлса, улар (яъни ирмоқлар)нинг суви ҳам чучук бўлур ва агар шўр бўлса, ирмоқларда ҳам сув шўрдир.⁴*

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.108.

2 Ўз ФАШИ, Р-1850-рақамли кўллезма. نصيحت الملوك. للغزالي محمد بن محمد بن محمد

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.717

4 امير المؤمنين علي ابن ابي طالب نهج البلاغة ص ٧٩

Навоий мазкур ҳикматни ҳадиснинг ғоявий давоми сифатида иккинчи байтда келтиради ва сўз таъсирини янада оширади:

*Ҳукамо ҳам дедилар, шаҳни тенгиз, хайли ариқ
Ул ачиғдур, бу ачиғ, ул чучук ўлса, бу чучук.*

Ҳикматни Али номидан эмас, балки ҳақимлар тилидан келтириш ҳам тасодифий эмас, албатта. Бу саволга ҳам Навоийнинг ўзидан жавоб топа оламиз.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида ўқиймиз: **“Аристотолис ҳақим. Афлотуннинг шогирдидур. Искандарнинг вазири эрди. Анинг сўзларидан буким, подшоҳ улуг рудға ўхшар ва атбои ариғларгаким, ул руддин айрилдиларким, ул руд суйиға ҳар хол бўлса, ариғларға ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук: ул ачиғ бўлса, буларда ачиғ: ул соф бўлса, булар соф: ул лой бўлса, булар лой. Пас, подшоҳға вожибдур ғояти ҳикмат ва эътидол била маош қилмоқ, то хайл ва умами анга мутобаат қилгайлар.**

**Шеър: Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор
Икисининг суйиға бир маза бор¹.**

Маълум бўлишича, юқоридаги ҳикмат ўша даврларда икки кишига нисбат берилган. Навоий бундан яхши хабардор эди. Шунинг учун ҳам, бу фикрни айнан Арасту ёхуд Али номиданмас, балки назм тилида умумий тарзда баён этган. Зотан, Навоий учун сўзнинг эгасидан кўра, унинг мазмун-моҳияти ва таъсирчанлиги муҳимроқ эди. Бу фикрни у бир қитъасида шундай ифодалаган:

*Чун ғараз сўздин эрур маъни анго
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини
Кўрма ким дер ани, кўргилким не дер.²*

Шундай қитъалар ҳам борки, улар маълум бир оят ё ҳадиснинг шеърый таржимаси бўлмай, балки муайян бир ҳадиснинг таъсири остида ёзилган ва айни пайтда, ўша ҳадис Навоий томонидан аниқ кўрсатилган. Жумладан, “Ғаройиб ус-сиғар”да 42-қитъа қуйидаги сарлавҳа билан келтирилган: “Қониъ васфидаким **“Ал-қаноъату канзун ло юфно”** мазмуни била амал қилур ва ҳар неча нафъ топса, қаноат қилмас:

*Қаноат гўшасин тутқилки, чун Анқо бу даъб этти
Анга қушлар ичинда қурб қофинда нишимандур
Чу парворий тобуғнинг оғзи тинмас туъмадин гарчи
Ўлар охир анга аввал каттак зиндони маскандур.³*

“Арбаъин”да мазкур ҳадис қуйидагича таржима қилинган:

1 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Т.: Фан, 2000.- Б.193.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 3: Бадоеъ ул-васат. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.685.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.719.

*Ҳирсдан кечкил, ул ғамедурким
Ҳадду ғоят эмас анга пайдо
Тут қаноатки, ул эрур моле
Ки ниҳоят эмас анга пайдо¹*

Кўриниб турибдики, “Арбаъин”даги қитъада ҳадис мазмунини акс эттириш асосий мақсад қилиб қўйилган бўлса, “Ғаройиб ус-сиғар”даги қитъа ушбу ҳадиснинг навоиёна талқини сифатида кўзга ташланади. “Арбаъин”даги қитъанинг биринчи байтида қаноатнинг антитезаси – очкўзлик хислати мазаммат қилиниб, унинг беҳад ғам-ташвиш эканлиги уқтирилади. Иккинчи байтнинг биринчи мисрасида эса қаноат ва мол сўзи айнан келтирилиб, “ло юфно” феъли иккинчи мисрада шоирона таржима қилинган.

Қониъ васфидаги қитъада ҳам тазод ва муқобала санъати қўлланилган. Аммо бу ҳадисда мавжуд бўлган қаноат ва унинг антитезаси – ҳирс эмас, балки қаноат ва очкўзликни касб қилган анқо ва товук тазодидир. Анқо қуши суякка қаноат қилиб, бировга озор бермайдиган, нафсини мурдор ва ўлаксадан тиядиган қуш сифатида танилган. Шу сабабдан, Анқо “қурб қофини нишиман қилган” ягона олиймақом қушдир. Товук эса, бир умр нафс бандаси бўлганлиги сабабли, ўлгунича катак зиндонидан чиқмайди. Яна бир нуқтага диққатни жалб қилмоқни лозим кўрдик: Анқо қаноат тимсоли эканлигидан ташқари, ҳурлик, эркинлик, ўзлигини йўқотмаганларнинг рамзий ифодаси ҳамдир. “*Анқо шикори кас нашавад, дом боз чин*” (Анқо бировнинг сайди бўлмайди, беҳуда дом-қапқон қўйма), дейди лисонулғайб Ҳофиз. У бундай ҳурликка нафсини енга олмаганлиги туфайли эришган. Товук бўлса, аксинча, ўзлигини йўқотган, қуш эканлигини эсдан ҳам чиқарган, нафс катагида қамалган бир махлуқдир. Аммо, афсуски, ҳаётда нафсини жиловлайдиган кишилар анқонинг тухми-ю, тамаъгир ва товуктабиат кишилар эса беҳисоб...

Маълумки, Алишер Навоий қитъаларининг ҳар бирига алоҳида сарлавҳа қўйган. Сарлавҳалар муайян ғоявий-эстетик вазифани адо этиш билан бирга ўша қитъанинг асосий мазмунини изоҳлашга ҳам қаратилган. Шу сабабдан, ҳадисларнинг таржимаси бўлган қитъаларда сарлавҳа қўйишда ягона принципга риоя қилинмаган.

“Бадойиъ ул-васат”даги 4-қитъа ҳам ҳадис таржимасидир. Аммо у бошқа қитъалардан бирмунча фарқ қилади. Биринчидан, ҳадиснинг асл матни умуман келтирилмаган. Сарлавҳада ҳам унинг ўзбекча таржимаси берилган: “Ҳадис таржимаси сахийнинг ўтдин нажоти бовужуди убудият ва бахилнинг жаннатдан ҳирмони бовужуди сиёдат”.

Иккинчидан, қитъа хафиф баҳрида “Арбаъин” вазнида ёзилган. Балким, бу қитъа ҳам “Арбаъин”лар яратилиши даврида иншо бўлгандир.

Қитъа муқобала санъати асосида яратилган. Ундаги сўзлар тазод жуфтликларини ҳосил қилади: кирмағай-бормағай, жаннат-дўзах, бахил-сахий, сайид-банда, қураший-ҳабший:

*Кирмағай жаннат ичра ҳеч бахил
Гарчи ул бўлса саййиди Қураший
Бормағай дўзах ичра ҳеч сахий
Филмасал бўлса бандаи ҳабший²*

1 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. Арбаъин. – Т.: Фан, 1999.-Б.269.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 3: Бадоеъ ул-васат. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.685.

Ҳадисда қул ва хожа антонимлари умумий тарзда ишлатилган, аммо Навоий бу сўзларга қурайший ва ҳабаший сифатларини қўшиб, тазодни янада кескинроқ, янада аниқроқ ифодалашга эришган. Қурайший ва ҳабаший сўзлари фақат қофияни таъминлайдиган сўзлар эмас, албатта. Навоий шеъриятдан биронта тасодифий, ёхуд вазн эҳтиёжи, қофия талабига мувофиқ зўрма-зўраки келтирилган сўзни топиш мушкул.

Тарихдан маълумки, исломнинг илк даврларида Қурайш қабиласининг пешволари пайғамбаримиз (с.) ни ёлғончига чиқариб, турли усуллар билан уни янги динни тарғиб қилишдан қайтармоқчи бўладилар. Қабиладошлари охирзамон пайғамбари билан ана шундай совуқ муносабатда бўлган пайтларда Билол, Салмон, Суҳайб каби қуллар янги динга (исломга) биринчилардан бўлиб имон келтирдилар ва умрларининг охиригача ислом динининг ривожи йўлида астойдил хизмат қилдилар. Агар Қуръонда ислом динининг ашаддий душмани, Қурайш қабиласининг сайид-пешволаридан бири Абулаҳаб ҳақида “Масад” сурасида **“Абулаҳабнинг қўллари қуригай ҳалок бўлгай. (Аниқки) у қуриди-ҳалок бўлди”** дейилган бўлса, пайғамбаримиз банди ҳабаший – Билолни “Жаннатнинг эшигини очувчи” деб таърифлаганлар.¹

Умумий тарзда олганда, “Хазойин ул-маоний” даги қитъаларда сўфиёна оҳанг, аниқроғи, нақшбандия тариқатининг руҳи кучли. Буни А. Ҳайитметов ва Н.Маллаев тўғри англаб, асарларида зикр этганлар. Таниқли адабиётшунос С.Олим “Нақшбанд ва Навоий” ҳамда “Луқмайи ҳалол” китобларида бир қатор қитъаларни нақшбандия таълимоти асосида шарҳлаган. “Нақшбанд ва Навоий” асарида “Ғаройиб ус-сиғар” даги дастлабки етти қитъа талқинига бағишлаган бобга “Нақшбандия тариқининг адоси” деб сарлавҳа қўйган. Қитъалар ўртасидаги мантиқий боғлиқлик ва фикрий изчилликнинг мустаҳкам эканлигини таъкидлаб, муаллиф шундай ёзади: **“Ҳар бир ифодада уйғунликнинг олий даражасига интилиш – Навоий ижодининг бир муҳим фазилати. Ҳатто, ана шу қитъаларни бир девонда кетма-кет жойлаштириш замирида ҳам кучли бир мантиқ ётади”**.²

С.Олим “Навоий қитъалари бошқа-бошқа девонлардан ўрин олганига қарамай, мазмун ва мантиқ жиҳатидан бир-бирини тўлдириб боришини” ҳисобга олиб, машхур “Камол эт касбким...” қитъасининг сўфиёна талқинидан сўнг “Бадоеъ ул-васат” даги “Ҳадис мазмуни-ким “Ал-косибу ҳабибуллоҳ ҳазрат Хожайи Нақшбанд қуддиса сирруҳу мундоқ баён қилиб-дурким” сарлавҳаси остидаги қитъага эътиборни жалб қилади:

*Нукта асносида Ҳабибуллоҳ
Деди “Ал-косибу ҳабибуллоҳ”
Маъни айтур бу сўзга пири комил
Ким сўзи эрди Ҳақ сари шомил
Ғараз эрмас бу касбдин дунё
Бал эрур касбдин мурод фано.*

“Ҳабибуллоҳ” – жаноб Муҳаммад расулуллоҳ (с.). Пири комил ҳазрат Нақшбанд Баҳоуддин ҳадисни: кишининг касб ўрганишни бу дунёга ружу қўйишидан эмас, аксинча, бу – Оллоҳга интилиш, фанога эришиш учун керак, дея талқин этганлар.³

Дарҳақиқат, “нақшбандия ғояларининг қўпи бадий тарзда ифодаланган, шиорлардаги аксар сўзлар ўз маъносида эмас, кўчма маънода ишлатилган, улар бир тим-

1 Ўз ФАШИ, Р-2131-рақамли қўлёзма. الاحاديث النبوية في الفضائل المختلفة.

2 Олим Султонмурод. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996.-186б.

3 Олим Султонмурод. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996.-192 б.

СОЛ ЯНГЛИҒ ЭДИ¹. Нақшбандия аҳли, кўпинча, таъвил усули билан талқин қилишни маъқул кўрганлар. Уларнинг шарҳ ва талқинларида қўлланилган ифода воситалари – ташбиҳ, истиора, рамз ва таъбирлар бадиий асарга кўчганда, шеърнинг ғоявий-бадиий таркибини кучайтиришига хизмат қилади ёки ёрдам берадиган “белги” кўрсаткич вазифасини бажаради. “Ал-косибу ҳабибуллоҳ” сўфиёна талқинининг ботиний маъносини очишга ёрдам берадиган кўрсаткич бу “фано” сўзидир. Учинчи байт агар насрга ўгирилса, ҳазрат Баҳоддин Нақшбанд ҳикмати “Бу касбдан мақсад дунё эмас, балки касбдан мурод фанодир” шаклига эга бўлади. Мазкур талқинни ҳадис билан боғлайдиган сўз – касб сўзидир (касб косиб билан ўзақдош бўлиб, “ўзлаштирмақ” маъносини билдиради). Демак, фанони касб қилган косиб фонийдир. Фоний бўлган, фано бодиясида бошини фидо қилган солиқ Тангрининг суюкли бандаси, ҳабибидир, дейди Хожайи Нақшбанд. Косиб, аслида, кўчма маънода ишлатилиб, фоний маъносида келтирилган.

Навоийнинг таржима санъатига асосланган қитъаларининг “Арбаъин” даги қитъалардан фарқланувчи умумий хусусияти шундаки, бу қитъаларда ҳадис мазмунини ёритиб беришдан ташқари шоирнинг кечинмалари, ҳадисдан чиқарган хулосалари, сўфиёна талқинлари ҳам ўз ифодасини топган. Шоир саховат, адолат, қаноат каби мавзуларда қалам тебратганда пайғамбаримизнинг ана шу мазмундаги ҳадисларини таржима қилиш баробарида янги қирраларини ҳам очиб беришга эришган.

1 Ўша асар. – Б.194.

СЎФИЁНА ҲИКОЯТЛАРДА ОЯТ ВА ҲАДИСЛАР

Маълумки, Навоий расмий шариатга нисбатан тасаввуф ва сўфиёна қарашларга кўпроқ майл кўрсатган. Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, тасаввуф намояндалари расмий шариат доирасидан фарқли ўлароқ, Куръонни фақат зоҳирий-ташқи маъносини тушуниш ва шарҳлаш билангина чекланиб қолмасдан, ундаги ички, яширин ҳам маъноларини ахтариб, таъвил усули ёрдамида шарҳлашга киришганлар. Улар учун ҳадиснинг саҳиҳ ё заифлигини аниқлашдан кўра, унда акс этган ғояни халққа етказиш муҳимроқ эди. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида турли усуллар қўлланилган –гоҳида мавжуд бўлган бадиий образларга рамзий жило берилса, гоҳида муайян бир оят ё ҳадис мазмунига монанд бирор ҳикоят келтирилди. Тасаввуфий адабиётда ҳикоятлар сюжети хилма-хил: куръоний қиссалардан тортиб, одоб доирасидан ташқари бўлган латифаларгача учратиш мумкин. Шунингдек, пайғамбарлар ҳаёти ҳақида шундай нақлу ривоятлар ҳам борки, бугунги кунда уларнинг асл манбасини аниқлаш жуда қийин. Чунки бу воқеалар ҳақида муқаддас китобларда умуман сўз юритилмаган.

Тасаввуфий ҳикоятларда айрим тарихий шахслар ҳам ҳақиқий қиёфасини йўқотиб, шоирлар тахайюли ёрдамида сўфиёна хислатлар касб этади. Тасаввуф адабиётининг ана шундай тарихий-афсонавий образларидан бири – Султон Маҳмуд Ғазнавийдир.

Тарихдан маълумки, Маҳмуд Ғазнавий ибн Сабуктегин (998-1030 йилларда ҳукмронлик қилган) Ғазнавийлар сулоласининг ҳукмдори бўлиб, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида турли фикр ва қарашлар мавжуд. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки ҳар бир поэтик деталь ёхуд образ муайян адабий оқим ёхуд индивидуал поэтик услуб доирасида ўзининг хилма-хил функционал имкониятларини намойиш этиши мумкин. Султон Маҳмуд образи ҳам ана шундай мураккаб ва кўпқиррали образлардан ҳисобланади. Умуман олганда, Султон Маҳмуд образи XI асрдаёқ тасаввуф шеъриятига кириб келган эди. Ғазнавийлар дарборида хизмат қилган Санойи шеъриятида ҳам бу шоҳ образи тарихий шахс сифатида эмас, балки сўфиёна маъно ва матлабларни ифода этишга хизмат қилган. Кейинги асрларда ҳам шоирлар Султон Маҳмуд образига кўп мурожаат қилганлар. Биргина Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонида Султон Маҳмуд ҳақида 12та ҳикоят мавжуд. Бу ҳикоятлардан “Султон Маҳмуднинг у дунёдаги аҳволи” ҳикояти биз учун кўпроқ аҳамиятлироқдир, чунки Султон Маҳмуднинг нариги дунёдаги аҳволидан ҳикоя қилувчи нақл “Садди Искандарий” да ҳам бор. “Мантиқ ут-тайр” даги ҳикоятнинг қисқача мазмуни шундай: бир “огоҳдил ориф” султон Маҳмудни тушида кўриб, ундан у дунёда ҳолинг нечук, бу дунёдаги шоҳлигинг нариги дунёда бирор имтиёз бердим, йўқми? – деб сўрайди. Жавобида Султон Маҳмуд бу фоний дунёда шоҳ бўлганидан бениҳоят пушаймон эканлигини айтади. Чунки у боқий дунёда Оламнинг ҳақиқий Шоҳи-арзу самовот Илоҳини таниганини, Ҳақиқий Шоҳни билганидан кейин бир парча ерда қисқа муддат ўзини ҳукмрон этиб тасаввур қилганидан шарманда бўлганини изҳор этади.¹

“Садди Искандарий” да ҳам адолат таърифидаги бобдан кейин “Маҳмуди ғозий” ҳақида бир ҳикоят бор. Унда Султон Маҳмуд номаълум бир орифнинг эмас, балки ўзининг ўғли Масъуднинг тушига киради. Масъуд ундан шоҳлик даврида қилган қайси амали учун жаннат боғида сайр қилиб юрганини сўрайди. Султон Маҳмуд жавоб берадиким:

*...Ул замонким жаҳондор эдим
Адолат қилур фикрида бор эдим².*

1 فرید الدین عطار نیشابوری، منطق الطیر، تهران ۱۳۶۲، ص ۱۲۲

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.111.

Ҳиндустонни фатҳ қилгандан кейин фармон бердимки, сипоҳийлар тинч аҳолига ҳеч қандай зиён-заҳмат етказишмасин. Фармон қандай бажарилаётганини кўрмоқчи бўлиб, сайрга чиқдим. Бир ўрмонни кезаётганимда, қашшоқ ҳинд қабиласига дуч келдим. Шу аснода бир аламли фарёдни эшитиб, ўша томонга от қўйдим. Кўрдимки, қўшинимдан бир аскар ёғочу қамишдан ясалган бир бечораҳол кампирнинг уйига бостириб кириб, уйдан неча шох айириб, бир қоп сомон ҳамда кампирнинг бирдан-бир бойлиги бўлган яшил сопол косани тортиб олиб чиқаётган экан. Золим аскар олган ёғочлар, сомон тўрваси ва сопол косани кампирга қайтариб, кулбасини тузаттирдим. Аскарни бошқаларга ибрат-сабоқ бўлиши учун ўша кампирнинг уйи олдида дорга осишга буюрдим. Фоний дунёни тарк қилганимда ғайбдан нидо келдиким, жамии гуноҳларинг бир муштипар кампирга қилган адолатинг туфайли кечирилди ва қилган ҳар бир риёсиз амалинг учун ҳадсиз-ҳисобсиз мукофот берилди.

Сен ҳам, дейди Маҳмуд ўғлига, нариги дунёда гумроҳлар қаторига қўшилмасдан, абадий фароғатда яшашни истасанг, бу дунёда иложи борича яхшилик қилгин, адолатни ҳаётингни мазмуни деб бил. Тушдан тўғри сабоқ чиқарган Масъуд умрининг охирига қадар адолат билан ҳукмронлик қилади.

“Садди Искандарий”нинг муқаддима бобларидан бирида Навоий ўз салафлари ижодиётига муносабатини қуйидагича ифодалаган:

*Маалқисса, айтурда ул маснавий
Агарчи бор эрдим алар пайрави
Кам афсона килк этти таҳрир анга,
Ки йўл топмамиш хатти тағйир анга.*

Зеро, Султон Маҳмуд ҳақидаги ҳикоят ҳам “хатти тағйир йўл топган” ҳикоятлардан дир. Юқорида “Мантиқ ут-тайр”даги ҳикоят Навоий учун қай даражада сарчашма вазифасини ўтаганини билвосита кўрсатиб ўтдик. Е.Э.Бертельс ушбу ҳикоят Низомийнинг “Маҳзан-ул-асрор”даги Султон Санжар ва кампир ҳақидаги ҳикояти таъсири остида шаклланган деб ҳисоблайди¹. Қўшимча тарзда шуни айтиш мумкинки, мазкур ҳикоят сюжетида Аттор ва Низомий ҳикоятларининг айрим унсурларидан ижодий тарзда фойдаланилгани билан бирга, Қуръоннинг айрим оятлари бу ҳикоят учун асосий ғоявий манба бўлиб хизмат қилган.

Ҳикоятнинг иккинчи байтида қуръоний оятнинг иқтибосига учраймиз:

*Эшиттимки Маҳмуди ғозийға даҳр
Чу жоми ҳаёт ичра ҳал қилди заҳр
Қилиб “иржиъи” нағмасин истимоъ
Ружу этти оламга айлаб видоъ*

“Иржиъи” сўзи “Фажр” сурасининг 28-оятидан иқтибос қилинган. 27-30 оятлар яхлит, ягона маънони ифодалайди ва А.Мансур бу оятларни шундай таржима қилган:

27. “Эй хотиржам-сокин жон!

28. (Ато этилган неъматлардан) рози бўлган (ва Аллоҳ таоло томонидан ҳам) рози бўлинган ҳолингда Раббинг (хузури)га қайтгин!

29. Бас, (солиҳ) бандаларим (сафи)га қўшилгин.

1 Бертельс Е.Э. Навои и Джамии. М.: Наука, 1956. –Б. 401.

30. ва жаннатимга киргин¹.

Оятларнинг маъно-моҳияти Маҳмуд ҳикоятига мос тушади. Шоир оятни ҳикоят мазмунига мувофиқ аввал келтириб, ўқувчини уни ўқишга руҳан ҳозирлайди. Бироқ дoston сатрларини беаган бу илоҳий каломнинг матндаги бадий-ғоявий вазифаси шу билангина чекланиб қолмайди. Муаллиф бу иқтибос воситасида эзгу амал, эзгу фикрат ва эзгу каломни ҳаёт шиори қилиб олган бандаларни охиратда ҳадсиз-ҳисобсиз мукофотлар кутаётганини, зарра мисқолчалик яхшилик қилган кишига охиратда бир неча баравар кўпроқ мукофот берилишига эътибор қаратади. Султон Маҳмуднинг кампир кулбасини қайта тиклагани учун жаннат боғи, иккита шох эвазига тубо дарахти, синган сопол идиш бадалига зумуррад ҳовуз мукофот олганини батафсил тасвирлаш ҳам тасодифий эмас. Бу манзара Қуръонда қайта-қайта таъкидланган *“ҳеч бир амал жавобсиз қолмас ва ҳар бир яхшилик у дунёда мукофотланур”*, оятини кўз ўнгимизда гавдалантиради.

Кўриб турганимиздек, бу ҳикоят оят ва ҳадислар заминига шаклланган бўлса ҳам адолатни тарғиб қилувчи бобдан кейин келгани сабабли, ҳикоятда қайси мавзудаги ҳадис ва оятларнинг мазмуни акс топганини илғамоқ унчалик мушкул эмас. Аммо рамзий-тамсилий ҳикоятларда айнан қайси оят ва ҳадислар манба ё асосий ғоя бўлиб хизмат қилганини аниқлаш бир мунча қийин кечади. Бу ҳол нафақат ҳикоятларда, балки бадий образлар устунлик қиладиган барча шеърларга хосдир. Чунки бундай шеърларда маъно қатламдорлиги рамз ва таъбирлар воситасида амалга оширилади, ҳатто шоир кўзлаган ёки ўйлаганидан ҳам кўп ва кенгроқ мазмун акс этади.

Қуръон ва ҳадис булоғидан озиқланган, тўғрироғи, улар асосида яратилган қиссалардан бири, “Лисон ут-тайр”нинг 119 бобидаги Мажнун ал-Ҳақ ҳақидаги ҳикоятдир. Бу ҳикоят ҳақида биринчи маротаба Е.Э.Бертельс маълумот берган, аммо унинг аниқ манбасини кўрсатмаган эди.² Ҳикоятнинг мазмуни қуйидагича:

Ҳақ йўлига кирган Мажнун ал-Ҳақ деб номланган бир девона бор эди. У бир куни ўзи каби бир “лоғар эшак”ка миниб, Каъба сари сафарга отланади. Қоронғу тушиб, ёмғир ёға бошлайди. Мажнун ал-Ҳақ йўл бўйида бир вайронани кўриб, ўша ерда тунамоқчи бўлади ва Худодан эшагига қараб туришини сўраб, ўзи вайрона ичига кириб ухлайди. Томдан чакка ўтиб, девонани уйғотади ва у ярим тунда яна йўлга чиқмоқчи бўлади. Ташқарига чиқиб, эшагини тополмай фиғони фалакка чиқади ва Худони маломат қила бошлайди: “Эй Худо, мен сенга эшагимни топширган эдим, нимага асрамадинг. Агар одамлар сенинг уйингга бормаганларида сенда бундай мақому манзалат йўқ эди. Эшаксиз уйинг (Каъба)га қандай бораман. Ярим тунда менга қаердалигини кўрсатмаяпсан. Менинг эшагимга қараб туришга ор қилдинг, ҳолбуки сенга топширган омонатимни асраш вазифанг эди”. Шу аснода бир ажиб чакмоқ чақиб, Мажнун ал-Ҳақнинг йўлини мунаввар этади ва у узоқда ўтлаётган эшагини кўриб қувонади. Телба эшаги топилганидан кейин ҳам Худо билан муомалани давом эттиради, аммо энди унинг сўзларида ғазаб эмас, балки лутф ва меҳрибонлик устувор эди: “Эй менинг жоним ичида, балки юз жондан ортиқ Тангрим, сен менинг ҳақиқий дўстимсан. Албатта, бошида сен менинг эшагимни бўйнига арқон боғлаб, сақламадинг, шу сабабли, менда “ бир ажиб ошуфталиғ” юз берди, аммо сен менинг бу аҳволимни кўриб, тадбир айлаб, эшагимни кўрсатдинг ва бу ишинг билан мени сенга нисбатан айтган сўзларим ту-

1 Қуръони карим маъноларининг таржимаси /Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. –Б.594. “Мадорик тафсири”да ёзилишича, бу хитоб Аллоҳ таоло томонидан жон эгасига вафоти олдидан ёки жаннатга кириши арафасида ёки қиёматда қабридан туришида айтилади.

2 Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. –М.: Наука, 1965. –Б. 321.

файли шармисор этдинг. Мен сенинг бу нотўғри қилмишингни батамом унутдим, сен ҳам менга ўхшаб, жаҳл устида айтган гапларимни унутсанг, яхши бўларди. Мен сени кечирдим, сен ҳам мени кечир”.

Девона шу алфозда гоҳ ўзини мақтаб, гоҳ Тангрини улуғлаб йўлида давом этарди. Навоий бу ҳикоятдан шундай хулоса чиқарадики, гарчи телбанинг сўзлари шариат мезони бўйича мутлақо нотўғри ва куфр бўлса-да, лекин у Ҳаққа дўст тутинган одамнинг тилидан айтилгани учун ҳам айна ҳақиқатдир.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: мазкур ҳикоятда бирон оят ё ҳадис айнан ёки мазмунан берилмаган бўлса, сюжети ҳам бирон пайғамбарнинг ҳаёти ёки бошқа диний ривоятларга боғлиқ бўлмаса, унинг Қуръон ва ҳадисга қандай алоқаси бўлиши мумкин? Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ушбу боғлиқликнинг бор ё йўқлигини аниқлашдан иборат.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафодан шундай бир ҳадисни ривоят қилишган: **“Уч киши бор, Аллоҳ уларнинг дуосини қабул қилмайди:**

1. Хароба уйга кириб ётган кишини (паноҳингда асрагин, деган дуога қулоқ йўқ). 2. Йўл устида ётган кишини (ўзинг асра деганини). 3. Уловини қўйиб юбориб, Аллоҳдан йўқолмаслигини сўраган кишини”¹.

Мажнун ал-Ҳақ, айнан, ана шу учта мустасно ҳолат, яъни Аллоҳнинг мадади кафолатланмаган амалга қўл урганини кўрамыз. Қоронғу тушиб, ёмғир ёғаётган вақтда уловини Аллоҳга топшириб, йўл устидаги вайронага кириб ётади. Аммо Аллоҳ уни ва уловини муқаррар бўлган бало-қазолардан сақлайди ва, ҳатто, Мажнун ал-Ҳақнинг қилмишидан ғазабланмасдан, уловини топишга ёрдам беради. “Фатҳ” сурасида келтирилганидек, **“Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини мағфират қилур ва Ўзи хоҳлаган кимсаларни азоблар. Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир”**.

Умуман олганда, “Лисон ут-тайр”нинг 63та ҳикоятидан 12 таси Аттор асаридан ижодий фойдаланилган, қолган 51 тасини Навоий Қуръон қиссалари, ҳадислар, авлиёларнинг ҳаёти, араб ишқномалари ҳамда форс шеърляти асосида ёзган. Шу сабабли, ҳар бир ҳикоятни манбаларини аниқлаш, бу манбаларнинг Навоий достонига кўрсатган таъсирини аниқлаш Навоийга хос бўлган буюк ижодий салоҳиятни янада теранроқ англашда ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Бу хусусият фақат “Лисон ут-тайр” ҳикоятларига эмас, балки бошқа достонларга ҳам хосдир.

ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ ВА ҲАДИСЛАР ТАЛҚИНИДА ИШОРА САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

Машҳур шарқшунос Шиблий Нуъмоний “Шеър ул-Ажам” китобида шундай ёзади: **“Ғарб ҳам ўз адабиёти латофати билан фахрланади, аммо бу адабиёт намояндалари ўз фикрларини тўлиқ баён этиш учун энг камида уч-тўрт мисра яратишга мажбурдирлар, ҳолбуки Ажам шеърляти тарихида бир мисра ёки байтга икки-уч ва ҳатто унданда кўпроқ маъноларни сингдириш одатий ҳолга айлангандир”²**. Шарқ шоирларининг сўз санъатида бундай улкан муваффақиятга эришганликларига, бир томондан, тилнинг ички имкониятлари ва сўзларнинг кўпмаънолиги, иккинчи томондан, тасвир воситалари, адабий усул ва шеърини санъатлардан маҳорат билан фойдалана олганликлари сабаб бўлган.

Араб адабиётшуноси ал-Аскарининг (XI аср) машҳур ибораси бор: **“Шеърлятда энг муҳими-янги мавзу топиш эмас. Чунки бунга араб ҳам, ажамий ҳам, шаҳарлик ҳам, кўчманчи ҳам бир хилда қодир. Муҳими – қай тариқа ифодалаш”³**.

1 Минг бир ҳадис.-Б. 145.

2 شيبلي نعماني. شعر العجم. كتاب 2. تهران انتشارات سخن 1368 ص 38

3 ابن هلال الحسن بن عبد الله بن سهل العسكري. كتاب الصناعتين الجزء 1 ص 273 قاهرة 1952

Сўзни “қай тариқа ифодалаш”да жуда қўл келадиган, аммо адабиётшунослигимизда ҳали яхши ўрганилмаган шеърӣй санъатлардан бири– **ишора** санъатидир. Ишора арабча сўз бўлиб, бармоқ билан бирор нарсани кўрсатмоқни англатади. “Навоӣй асарлари учун қисқа изоҳли луғат”да бу сўз “имо”нинг маънодоши сифатида изоҳланган. Имо, ишора ва ғамза каби маънодош сўзлар маълум жиҳатдан бир-бирига яқин бўлса ҳам, аслида улар ўртасида муайян фарқ мавжуд: имо юз ифодаси ва бош ҳаракати билан амалга оширилса, ғамза кўз ва қошни ноз-карашма, инкор ва тасдиқ, руҳлантириш ва мазах-масҳара қилиш каби маъноларни пайдо қилиш учун ҳаракатга келтиришни англатади.

Бадий адабиётда ишора мўъжаз ва ихчам сўзларга кенг қўламли маъноларни сингдириш ва бу маъноларни тафаккур қилиш ҳамда англаш учун уларга нозик белги бериш вазифасини бажарган. Бадийят илмига бағишланган рисолаларда бу санъат ҳам Қуръонда истиора, тамсил, тажнис, тавсиф, мутобақа, илтифот каби кенг қўлланилгани қайд этилади. Жумладан, ал-Аскарӣй бу санъатни шарҳларкан, ушбу санъат Қуръон оятлари негизда шаклланганлигини таъкидлаб, Қуръон оятларидан мисоллар келтиради. Мазкур санъат туридаги қисқа сўзлар билан катта маъноларни ифода эта олиш имконияти борлиги учун ҳам мумтоз шоирларимиз диққатини жалб этган. Улар бу санъат турини ҳам ривожлантириб, фалсафӣй-дунёвий ва диний-ирфонӣй маъноларни ифода этишда кенг қўллаганлар.

Масалан, Навоӣйнинг қуйидаги байтини кўздан кечирайлик.

*Эй Навоӣй, истасанг баргу наво бу боғ аро,
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул каби бедор субҳ¹.*

Академик А.Рустамов тўғри таъкидлаганидек, **“бадий жиҳатдан етук асарнинг, воқеӣй, мантиқӣй, тасвирий ва нутқӣй ранго-ранг, шу билан бирга, бир-бирига жуда мос бўлади. Мосликни бўлақлар орасидаги нисбат таъминлайди, нисбат эса, уйғунлик ёхуд зидликдан ёхуд ҳар иккаласидан иборат бўлади. Бўлақлар орасидаги нисбат қанча кўп бўлса, асар шунча пишиқ бўлади. Асар қанча пишиқ бўлса, унинг қиймати шунча ортиқ бўлади”**². Бу хусусият Навоӣйнинг барча асарлари, жумладан, юқоридаги байтига ҳам тааллуқлидир.

Мазкур байтдаги боғ, барг, наво, гул, булбул, субҳ сўзлари лирик асарларда кенг қўлланилади. Фақат рокиъ сўзи бадий адабиётда кам учрагани, аслида диний адабиётга мансублиги боис, биринчи қарашда юқоридаги сўзлар силсиласига мутаносиб кўринмайди³. Ва ана шу “номутаносиблик” ўқувчини байтда яширинган маънони излаб топишга ундайдиган ишорадир. Демак, “рокиъ” сўзи ушбу байтда ишора-белги вазифасини ўтайди.

Барг–япроқ, наво–куй, оҳанг; бу сўзлар ягона ибора (баргу наво) шаклида келганда кўчма маънода йўл озиғи маъносини билдиради. Боғ– дунё рамзи. “Бу” кўрсатиш олмоши орқали шоир маънони янада кучайтирган. Навоӣй айтмоқчи, боғ – дунёдан ўзинг билан бирор нарса олиб кетмоқчи бўлсанг, кечалари куёшни қўмсаб, эгилиб турган гул каби рокиъ–намозхон, тонгда эса, ҳақиқӣй матлубинг висолига эришмоқ учун булбул каби уйғоқ ва навосоз бўлишинг керак. Зеро, **“тонгдаги Қуръон қироати фаришталар ҳозир**

1 Алишер Навоӣй. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғвр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.125.

2 Рустамов А. Навоӣйнинг бадий маҳорати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –Б.89.

3 Рокиъ сўзи арабча “ракаъа” феълидан олинган бўлиб, намозда эгилган кишига нисбатан айтилади.

бўладиган вақтдадир” (Бани Исроил сураси, 78-оят). Шоир диний-фалсафий маънони ифода этиш учун табиий рамзлардан фойдаланиши бежиз эмас. Биринчидан, **“адабий асарнинг, жумладан, унинг бадиий жиҳатининг етуклигига асос воқеийликдир. Бу ўринда воқеийлик деганда борлиқ тақозоси билан содир бўлишини назарда тутамиз. Инсон табиатнинг бир бўлаги бўлгани учун соғлом киши таъбига ғайритабиий нарсалар ёқмайди. Шунинг учун киши яратган нарса инсон учун фойдали бўлиши ва унинг мижозига мувофиқ тушиши учун у табиат қонунларига мувофиқ бўлиши зарур”**¹. Иккинчидан, гулнинг рокиъ бўлиши ва эрталабки Қуръон қироатининг булбул навосига ўхшашлиги фақат зоҳирий жиҳатдангина мувофиқ бўлмай, балки бу унсурлар ўртасида ички муносабат, ботиний уйғунлик ҳам мавжуд. “Ҳаж” сурасининг 18-оятида шундай дейилган: **“ (Эй Муҳаммад), осмонлардаги ва Ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўп инсонлар (ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми?”**² “Ал-Исро” сурасининг 44-ояти ҳам шу мазмунда: **“Етти осмон, Ер ва ундаги бор жонзот Унга тасбиҳ айтур. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамд билан Унга тасбеҳ айтур. Лекин сиз уларнинг тасбеҳларини англамайсизлар...”**³ Бу ҳолни, яъни бутун Борлиқ ўзининг Парвардигорига саждада эканлиги, ҳамиша унинг ҳамди ва тасбиҳида бўлганлигини мушоҳада этиш учун қалб кўзи бино бўлиши керак. Навоий басират кўзи билан табиатга назар солиб, ундаги муайян бир манзара билан Инсоннинг руҳий кечинмалари ўртасидаги уйғунлик, мутаносиблик, ўхшашликни кўради ва юқоридаги табиий манзара тасвири орқали чуқур фалсафий-ирфоний маъноларни баён этади. Яна бир мисол:

*Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиқ дами дилдорсиз*⁴.

Мазкур байт машҳур “Навбаҳор айёми бўлмиш” ғазалидан олинган. Ғазални таниқли олим И.Ҳаққул байтма-байт таҳлил этиб, қатор ғоявий-бадиий сир-асрорларини очиб беришга муваффақ бўлган. Олим Навоий назарида **“инсоний ишқнинг ҳосиласи Аллоҳ севгиси бўлганидек, ҳақиқий ишқнинг меваси олам ва одамга муҳаббат”** эканлигини таъкидлаб, тўртинчи, яъни юқорида келтирилган байтда **“замин гўзали эмас, балки олий гўзаллик рамзи ҳисобланмиш Ёри азал ҳақида сўз юритилган”**⁵, деб ҳисоблайди. Чунки, бу байтда бундан олдин келган уч байтдан фарқли ўлароқ, жаннат манзараси ошиқнинг руҳий кечинмаларини баён қилиш учун қўлланилган. Тазод қуръоний қиссани ёдга солади. Ишора ва талмиҳ бир-бирига қоришиб, шоирнинг асл муддаосини равшанроқ баён этиш учун хизмат қилади.

“Ёри азал”нинг ошиқ шайдоси-Иброҳим Халилуллоҳ билан боғлиқ ибратли бир ҳодиса “Анбиё” сурасининг 51-72 оятларида қисқача баён этилган. Иброҳим(а) отаси-буттарош

1 Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –Б.116.

2 Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б.334.

3 Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б. 286.

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғвр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.225.

5 Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Т.: Маънавият, 1998. –Б.106.

Озар ва қабиладошларини ягона Аллоҳга эътиқод қилишга чақиради. Аммо улар Иброҳимнинг гапларига қулоқ солишмайди. Отаси уни бу йўлдан қайтариш учун ўзларининг йилда бир бўладиган диний маросимларига олиб бормоқчи бўлади. Лекин Иброҳим(а) оёғи оғриётганини баҳона қилиб, бормайди. Бутхонадаги бутларни (катта бутдан ташқари) парча-парча қилиб, болтани катта бутнинг бўйнига илиб қўяди. Қабиладошлари Иброҳим (а) ни сўроқ қилганида, у катта бутни гуноҳкор, деб кўрсатади. Иброҳимнинг ҳақли савол ва таъналарига жавоб топа олмаган Намруд бошчилигидаги мушриклар улкан ўтин ғарами ҳозирлашиб, унинг тўрт томонидан ўт қўядилар ва Иброҳимнинг қўл-оёғини боғлаб, бир манжаниққа солишиб, оловга отадилар...

“Нақлдурким, ўтқа етмасдан бурун Жабраил(а) келиб сўрадиким, ҳожатинг недур? Иброҳим(а) дедиким, санга ҳеч ҳожатим йўқтур, анга ким ҳожатим бор, Ул воқиғдур. Ҳақ таоло малоикага Иброҳим(а)нинг сидқу таваккулин кўргузиб, ҳар ойинаким, ўтни анга гулистон қилди...”¹

Илоҳий Муҳаббат ана шундай қудратга эга. Ёлғиз Унга сиғиниб, суянган, уни ягона Дилдор, ҳақиқий Ёр деб билган киши ҳеч қачон марҳаматидан бенасиб қолмагай. Ҳақиқий муҳаббат оташида куйган ошиқлар учун жамийки оловлар **“салқин ва омонлик”** бўлади. Навоий тесқари қиёслаш йўли билан Иброҳим(а) қиссасига ишора қилиб, Аллоҳнинг содиқ бандаларига муҳаббати нечоғли улғу эканлигини уқтириш билан бирга, яна бир ирфоний ғояни илгари суради: Охиратда ҳақиқий мўмин банда учун ваъда қилинган жаннатнинг ўзи камлик қилади, чунки жаннат ҳам дунё каби яратилгандир. Асл мақсад – Ҳақ дийдори. Қиёмат куни Аллоҳ таоло ўзининг солиҳ бандаларига ўз жамолини кўрсатишга ваъда берган (**Жаннатга киргувчилар Аллоҳ таолони кўрадилар**–Юнус сураси, 26-оят). Ҳақиқий ошиқ ана шу дамлар орзусида энтикиб яшайди. Борди-ю, ўша куни Маъшуқи азал дийдорига мушарраф бўлмаса, жаннат унинг назарида намрудий гулхандир. Дўзахийлар учун жаннат энг буюк армон бўлганидек, жаннат аҳли олдида унинг “кўйи” ушалмоғи қийин бўлган ширин бир истакдир:

*Жаннат аҳлиға эрур лаҳза кўюнг орзу
Дўзах аҳли, ўйлаким, жаннатни қилғайлар ҳавас.²*

Қуръон ва ҳадисдаги маъно ва образлар оламидан ижодий тарзда фойдаланиб, контраст-тесқари қиёслаш усули билан оят ва ҳадислардаги маъно ва мазмунларнинг янги қирраларини очиб бериш ва уларнинг шоирона талқини Алишер Навоий ижодиётида кўп учрайди.

“Ман ҳадама қалбу мўъминин фақад ҳадама байталлоҳи таъоло”³ (Кимки бир мўъминнинг кўнглини бузса, Байтуллоҳни бузган киши каби (гуноҳкор)дир)⁴ ҳадиси асосида ҳазрат Навоийнинг қўйидаги машхур байти яралган:

1 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Т.: Фан, 2000.- Б.116.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғвр. – Т.: Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.251.

3 Ўз ФАШИ, Р-2131- I - рақамли қўлёзма. *الإحاديث النبوية في الفضائل المختلفة*

4 Ўша асар, 48а-варақ.

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Ончадирким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай¹.*

Навоий шеърлятида ҳаётлий ҳақиқатлар, фалсафий-ирфоний мулоҳазалар кўпинча рамз ва ишоратлар, тимсол ва ташбиҳлар тилида баён этилган. Асрлар давомида тадрижий ривожланиб, турли ранг ва оҳанг касб этган образлар ҳамда мазкур сўз ва истиорали ибораларнинг маъно қатламлари кўпайиши муайян бир байт ё шеърда айнан қайси маънода келганини тўғри белгилаш учун фақат шеърлий матннинг ички талаби ёхуд бош моҳиятинигина ҳисобга олиш етарли эмас. Бунинг учун турли луғатлар, диний, илмий, бадий асарларга ҳам мурожаат қилишга тўғри келади; айти пайтда, бу асарлардаги маълумотларга таянишда шоирнинг дунёқараши, эътиқоди, руҳий оламини ҳам ҳисобга олиш зарур. Акс ҳолда шоир кўзлаган асл мақсаддан узоқлашиб, зоҳирий ва нотўғри хулосалар чиқариш ҳеч гап эмас. Мисол тариқасида мана бу байтни олайлик:

*Талх майдин, соқиё, топти чучук жоним ҳаёт
Эй басо макруҳким, зимнида бир беҳбуд эрур².*

“Бақара” сурасининг 219-оятда шундай буюрилган: **“Сиздан май (маст қилувчи ичимлик) ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун (баъзи) фойдалар бор...”**³ Кўриниб турибдики, байтнинг иккинчи мисраси бу оятнинг шоирона талқини сифатида вужудга келган. Юқоридаги оят ва байтнинг бирламчи мазмунига таяниб, хулоса чиқариш мумкинки, мазкур байт риндона оҳангга эга бўлиб, Навоий чоғирни жонга дармон ва ҳаёт бахш этувчи неъмат сифатида куйлаган ва далил сифатида юқоридаги оят мазмунига ишора қилади. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор: ичкилик ҳақида Аллоҳ таоло томонидан уч марта оят нозил бўлган. Уларнинг биринчиси юқоридаги оятдир. Иккинчиси “Нисо” сурасининг 43-оятда шундай дейилган: **“Эй, имон келтирганлар! Токи гапираётган гапларингизни (ўзларингиз) биладиган бўлгунча маст ҳолларингизда намозга яқинлашмангизлар!”**⁴. Бу оятларда ичкиликнинг ҳалол-ҳаромлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Чунки ислом келган даврда ичкилик ичиш, қимор ўйнаш каби иллатлар жамиятда чуқур илдиз этган оддий иш эди. Шунинг учун булар Қуръонда дафъатан ҳаром қилинмади–зотан бундай иллатларни фақат буйруқ воситасида йўқотиш имконсиздир–балки, аввало, одамларга бу ишлардан келадиган фойда-зарарни кўрсатиш, сўнгра муносабатларини ўзгартириш лозим бўлади. Буюк Қуръон ҳаром нарсаларни муслмонларнинг қўлидан тортиб олишдан аввал, кўнгилларини поклаб олди. Кейинроқ “Моида” сурасининг 90-оятда ичкилик ҳаром эканлиги ҳақидаги қатъий оят (ҳукм) нозил бўлди: **“Эй, имон келтирганлар! Албатта, май (маст қиладиган ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтон ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланингиз! Шояд, (шунда) нажот топсангиз.”**⁵

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 3: Бадоеъ ул-васат. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.626.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғвр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.158.

3 Қуръони карим маъноларининг таржимаси / Таржима ва изоҳлар муаллифи А. Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б.34.

4 Ўша асар, 85-бет.

5 Қуръони карим маъноларининг таржимаси/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. – Б.123.

Бу оят нозил бўлгандан кейин ичкилик ичиш, шунингдек, оятда келтирилган бошқа амаллар ҳақида нозил бўлган бурунги ҳукмлар мансух-бекор қилинди. Мусулмонларнинг сўнги ҳукмга амал қилишлари фарз. Навоий бу ҳукмдан хабардор бўла туриб, ичкиликни васф этиш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Навоий “бода”си ўзга бир майхонадандир:

*Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.¹*

Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Кашф ул-асрор”ида майнинг зарарлари кўп, аммо фойда-си ҳам борлигидан хабар берувчи оятнинг ирфоний тафсирида шундай дейилган: **“Ғафлат аҳли шароби ва уни ичганларнинг оқибати оятда қандай зикр этилган бўлса, шундайдир. Аммо, Илоҳий, Ер юзида шундай бандаларинг ҳам борки, маърифат бодасидан сипқорурлар ва муҳаббат жомидан мастдирлар. Ул шароб ҳақиқатидан бўлак ҳеч нарса йўқ, чунки бу дунё зиндондир; аммо зиндон бўлса ҳам ўткинчи-фоний зиндон эрур. Ҳар ҳолда, ҳозир бўл (яъни маърифат шаробидан қудрат ва имконинг борича баҳраманд бўл), эртага руҳ бирлашуви ва ҳамда Ҳабиб ва Муҳиб висолининг абадий дамлари сенга интизордир”².**

Инсон орзу-умид билан тирик. У хоҳиш-истакларини рўёбга чиқариш учун ўзига ва эртасига ишониб яшаши керак. Акс ҳолда, руҳий тушкунликка тушиб, ҳаётда ўз ўрнини тополмаслиги ҳеч гап эмас... Тафаккур соҳиби бўлмиш инсоннинг асосий мақсади-Моҳиятни англаш, Ҳақиқатга эришиш (*Умр эрур тақвию тоат учун, Тенгри буюрғонга итоат учун*). Аммо моҳиятлар Моҳияти, ҳақиқатлар Ҳақиқатига етиш осон иш эмас:

*Сени топмоқ баса мушқилдурур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо³.*

Изланиш йўлида “топмаслиғ”дан руҳи афтода бўлган ошиқнинг жонини, маърифатнинг “талх майи” қутқаради, унинг ҳаётига мазмун ва лаззат бахш этади; ишонч ҳиссини мустаҳкамлаб, қатъият ва умид бағишлайди. Шу сабабдан, маърифат майхонасининг “дурдқаш”и ҳолати хушёрлар ва хушёрликдан юқорироқ мақомга эгадир, дейиш ҳам мумкин.

Ушбу байтда белги – очқич вазифасини бажарувчи сўз “макруҳ”дир. Кўриб чиққанимиздек, бу сўзнинг “Бақара” сурасидаги ичкиликнинг **“катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор”**лиги тўғрисидаги оятга алоқаси йўқ. Имом ал-Бухорийнинг “Ал-жомий ас-саҳиҳ”ида ушбу ҳадисни ўқиймиз: **“Жаннат макруҳ – қилиниши қийин бўлган нарсалар билан ўралгандир ва дўзах иштиёқ оловини кучайтирадиган нарсалар билан ўралган.”⁴** Демак, маърифатнинг “талх майи” (аччиқ шароби) руҳга ҳаёт бағишлайди, абадий ором топиш маскани – жаннатга йўл топишда ёрдам беради. Навоий талқинида, фақат маърифатли одамгина жаннат аҳлидан бўлиши мумкин. Жаҳолат ва худбинликка мубтало бўлган кимсалар эса абадий саодатдан бенасибдирлар.

Шайх Абдуллоҳ Ансорий мастлик ва мастлар ҳақида шундай дейди: **“Мастликларда тафовут бор ва маст ҳам ҳар хил бўлади. Бири бодадан маст бўлса, бошқаси масти**

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғвр. – Т.: Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.22.

2 *خواجہ عبد اللہ انصاری 'کشف الاسرار' تفسیر ادبی و عرفانی قرآن کریم ج ۱ ص ۲۲۱*

3 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Бадоеъ ул-бидоя. – Т.: Фан, 1988.-Б.27.

4 Имом ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992.-Б.320

ғафлат, бири мол-дунё кўплигидан маст бўлса, бошқа биров ўзига бино қўйган худбинлик майи мубталоси. Бу мастликлардан энг зарарлиси ва жамики қоронғуликларнинг асли-ўзига бино қўйган, такаббур кишининг мастлигидир... Хамр (ичкилик)дан маст бўлган киши қилмишидан пушаймон бўлиб, охират жазосидан қўрқиб яшайди, ёхуд Тангри марҳаматига умид боғлайдиким, шояд унинг гуноҳлари ҳам кечирилар. Аммо ўзига бино қўйиш ҳавосига маст бўлган кишининг иши (оқибати) хатарли ва Тангридан узилиш хавфи бир умрлидир...”¹

Ана шундай ўзининг қудратига қаттиқ ишонган, халқ таъбири билан айтганда Худодан қайтган, такаббурлик, манманликка гирифтор бўлган кишиларга қарата Навоий ёзади:

*Қўй тавонолиғ сўзин, ёд эт ажал хоринки, бил,
Пашшалар ниши қошинда нотаवоне беш эмас.*²

Бу байтда ҳам Иброҳим пайғамбарни оловга ташлаган золим подшоҳ Намруд қиссасига ишора қилинган. Айтишларича, бутун ер юзига якка ҳукмронлик фақат тўрт кишига муяссар бўлган. Булардан иккитаси Сулаймон(а) пайғамбар ва Искандар бўлиб, иккитаси золим ва худосиз Намруд ҳамда Бухтуннасрдирлар. Намруд Иброҳим(а)ни Бобилдан ихрож қилиб, унинг каромат ва мўъжизаларига ишонмади. **“Ва гумроҳроқ бўлуб, тенгрилик даъвосин кўпрак қилди... Оқибат Иброҳим(а) дуоси била Намруднинг сипоҳин пашша хайли ҳалок қилди, еллар дағи азоб била ани ҳалок қилди. Ривоятдуркум, ул пашша Намруднинг мағзиға қасд қилса эрди, анинг манглайиға анинг нима урсалар эрди, таскин топар эрди. Иш бир ерга еттиким, тўқмоқ ясатти. Муттасил анинг бошиға биров урар эрди ва анинг ҳавосининг яхшироқ хизмати бу эрдиким, ул тўқмоқни анинг бошиға бир карак урғай, то бу азоб била жаҳаннамға борди”**³.

Навоий ижодиётида айрим ҳолатларда ишора санъати таржима билан қоришиб кетган. Шоир гоҳида бир байт ё мисрада оят ё ҳадиснинг мазмунини қисман келтириб, таъбир жоиз бўлса, эркин таржима воситасида айнан қайси оят ё ҳадис манба сифатида хизмат қилганига нозик ишора қилади:

*Эшиттим, телба ит қўйида қатл айлар эмиш, онинг
Ким ул қўй итларидин эрди бу девона ҳам бир кун.*⁴

Ҳадисда шундай дейилади: **“Бешта ёмон ҳайвон бор. Улар ҳажда ҳам, ташқарида ҳам ўлдирилаверади: 1. Илон. 2. Олақарға. 3. Сичқон. 4. Қутурган ит. 5. Калхат”**⁵.

Биринчи мисрада ушбу ҳадис мазмунига қисман ишора бор. Иккинчи мисрадаги ит образи эса, ошиқ садоқатининг рамзий ифодасидир. “Девона” сўзи тасаввуф адабиётида машҳур бўлган бошқа бир ҳадис мазмунига ишора бўлиб, айни пайтда юқорида келтирил-

1 خواجه عبد الله انصاري 'كشفا الاسرار' ج ١ ص ٢٢٣ 1

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғвр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.244.

3 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Т.: Фан, 2000.- Б.116.

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғвр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.522.

5 Имом ал-Бухорий. Ал-жомийъ ас-саҳиҳ.1-жилд –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992.-Б.239

ган ҳадис билан муштарак: **“Одамлар телба-девона ҳисобламагунча, киши ўз имонини комил деёлмайди”¹.**

Навоий айтмоқчи, Ёр кўйининг содиқ итига айланиб, бу муқаддас остонага бегоналарни қадам босишига йўл кўймайдиган муҳаббат девонаси ўз жонини нисор этишга тайёрдир. Итнинг вафодорлиги, ошиқнинг девоналиги ҳамда телба итнинг Байтуллоҳда ҳам ўлдириш мумкинлиги мантиқий бирликни ташкил этиб, зоҳиран бир-бирига мутлақо алоқаси бўлмаган фикрлар ягона ва яхлит ғояни образли тилда ифодалаш учун восита бўлиб хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, улуғ Навоий Қуръон ва ҳадисда баён этилган мангу барҳаёт ғояларни ўз асарларига сингдириб, уларга янги жило ва руҳ бағишлаш йўлида ишора санъати каби жуда кўп бадий воситалар, санъат ва адабий усуллардан маҳорат билан фойдаланган.

1 نجم الدين راضي' مرصاد العباد. باهتمام امين رياحي' تهران: بنكاه ترجمه' نشر كتاب' ۱۳۵۲' ص ۴۹

УЧИНЧИ БОБ. МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР (С.А.В.) СИЙМОСИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Маълумки, илоҳий китобларда зикр этилган воқеа ва ҳодисалар, асосан, пайғамбарлар ва уларнинг қавмлари ҳақида, уларга эргашиб, нажот топганлар ҳамда залолатга юз тутиб, ҳалок бўлганлар ибрат қилиб келтирилади. Шунингдек, ҳар бир илоҳий китобда Худонинг хитоби асосан унинг расулига қаратилган. Аммо Қуръонда бошқа динлардаги китоблардан фарқли ўлароқ, ислом пайғамбари Муҳаммад (сав)нинг исмлари атиги тўрт марта (3:144, 33:40, 47:2, 48:29) зикр этилган (Аҳмад исми эса бир маротаба Саф (61:6) сурасида келтирилган). Бунинг сабаби шундаки, араб қабилалари ўртасида ҳар бир кишининг бир неча исми ёки лақаби, куньяси ёки тахаллуси бўлиши расм бўлган. Бу одат ислом оламида кейинроқ кенг ёйилган. Масалан, “Навоий” Мир Алишернинг тахаллуси, “Низомиддин” куньяси бўлган. Пайғамбаримиз (сав)ни ҳам рисолат замониғача ҳалол савдогар ва одамлар ҳаққиға хиёнат қилмаганлари учун “Амин” лақаби билан чақиришган. Шунингдек, “Абулқосим”(Қосимнинг отаси) лақаби ҳам арабларнинг урф-одатлари бўйича қўйилган исмлардан бири эди. Пайғамбаримизнинг ўз исмлари ҳақидаги қуйидаги ҳадислари машхур: “Менинг (илгариги умматлар яхши биладиган) беш исмим бор: Мен Муҳаммад ва Аҳмадман, мен ал-Моҳийман, (яъни) Аллоҳ таоло менинг воситам била куфрни маҳв этар, мен ал-Ҳоширман, яъни (қиймат куни биринчи бўлиб) оёққа турганимда одамлар менинг қадамларимдан тирилур ва мен ал-Оқибман (яъни пайғамбарларнинг энг сўнггисиман).”¹ Қуръони каримда ҳазрат рисолатпаноҳ турли исмлар билан ёд этилганки, уларни қуйи-роқда тегишли оятлар ҳамда зарурат туғилганда таржимаси билан келтирамиз. Пайғамбаримиз ҳаёт бўлганларида ҳам саҳобалари исмларини айтиб эмас, балки “расулуллоҳ” дея мурожаат қилишган. Ҳадис ровийлари ҳам иснод қисмидан сўнг ҳадис матнини “Расулуллоҳ (сав) шундай деганлар” ёки “Набий (сав) айтганлар” дея бошлайдилар. Бу ислом оламининг ўз расулига бўлган чексиз ҳурмат ва муҳаббати нишонасидир. Бу гўзал анъана бугунгача сақланиб қолган бўлиб, адабиётда ҳам ўзига хос инъикосини топган. Шу сабабдан, Навоийнинг лирик меросида ҳам Исо Масиҳнинг исми 200 маротабадан кўпроқ зикр этилгани ҳолда Муҳаммад расулуллоҳнинг исмлари жуда кам – атиги тўрт маротаба учрайди. Буни, яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг исмларини айнан тўрт марта зикр этилишини ҳам Қуръоннинг ўзига хос таъсири деб ҳисоблаш мумкин.

ҚУРЪОНДА ЗИКР ЭТИЛГАН ВА ЎЗГАРИШСИЗ КЕЛГАН ИСМ ВА СИФАТЛАР

Юқорида айтганимиздек, Аллоҳ каломида расулуллоҳ турли исм ва сифатлар билан ёд этилган. Биз Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Мавоҳиби Алия”, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Кашф ул-асрор” номли тафсирилари ҳамда Абдулазиз Мансурнинг “Қуръони карим маъноларининг таржимаси” га таянган ҳолда, қуйидаги исм ва сифатлар расулуллоҳ(сав)га тегишли эканлигини аниқладик:

1. **Аҳмад** – Саф сураси, 6-оят;
2. **Муҳаммад** – Оли Имрон сураси, 144-оят; Аҳзоб сураси, 40-оят; Муҳаммад сураси, 2-оят; Фатҳ сураси, 29-оят;
3. **Шоҳид** (қийматда барча умматларга огоҳ бўлувчи) – Аҳзоб сураси, 45-оят;
4. **Мубашшир** (жаннат ҳақида хушxabар берувчи) – Аҳзоб сураси, 45-оят;
5. **Назир** (дўзах азобидан огоҳлантирувчи) – Аҳзоб сураси, 45-оят;
6. **Доъий** (даъват этувчи) – Аҳзоб сураси, 46-оят;
7. **Сирожии мунир** (йўл кўрсатувчи нурли чироқ) – Аҳзоб сураси, 46-оят;

¹ Имом ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-саҳиҳ, 2-жилд, 469-бет

8. **Хотам** (пайғамбарларнинг мухри) – Ахзоб сураси, 40-оят;
9. **Мунзир** (огоҳлантирувчи) – Раъд сураси, 72-оят;
10. **Ҳодий** (тўғри йўлга ҳидоят қилувчи) – Раъд сураси, 72-оят;
11. **Шаҳийд** (барча умматларга гувоҳ бўлувчи) – Нисо сураси, 41-оят;
12. **Бурҳон** (ҳужжат) – Нисо сураси, 174-оят;
13. **Рауф** (мўминларга мушфиқ) – Тавба сураси, 128-оят;
14. **Раҳим** (имон келтирганларга раҳмли) – Тавба сураси, 128-оят;
15. **Нур** – Моида сураси, 15-оят.
16. **Мубин** (аниқ, шак-шубҳадан холи) – Зухруф сураси, 29-оят;
17. **Валий** (Аллоҳ дўсти) – Нисо сураси, 75-оят;
18. **Насир** (Аллоҳ ёрдамчиси) – Нисо сураси, 75-оят;
19. **Музаммил** (кийимларига ўралиб олган) – Музаммил сураси, 1-оят;
20. **Мудассир** (либосларига бурканиб олган) – Мудассир сураси, 1-оят;
21. **Музаккир** (эслатувчи) – Музаккир сураси, 21-оят;
22. **Ҳақ** (тўғрилиқ, ростлик) – Юнус сураси, 108-оят.
23. **Аввал** (Аллоҳ буйруқларига таслим этувчиларнинг аввали) – Анъом сураси, 53-оят;
24. **Уммий** (хат-саводсиз) – Аъроф сураси, 158-оят;
25. **Башар** (инсон боласи) – Фуссилат сураси, 6-оят;
26. **Сожд** (сажда қилувчи) – Ҳижр сураси, 98-оят;
27. **Мурсал** (пайғамбар) – Ёсин сураси, 3-оят;
28. **Тоҳо** (тоҳир ва ҳодий) – Тоҳо сураси, 1-оят;
29. **Нажм** (юлдуз) – Нажм сураси, 1-оят;
30. **Раҳматан лил-олабийн** (бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган) – Анбиё сураси, 108-оят;
31. **Баййина** (ҳужжат) – Баййина сураси, 1-оят;
32. **Ҳарис** (қаттиқ хоҳловчи) – Тавба сураси, 128-оят;
33. **Шокир** (шукр қилувчи) – Анъом сураси, 53-оят;
34. **Ёсин** (Эй саййид) – Ёсин сураси, 1-оят.

Булардан ташқари, Ҳусайн Воиз Кошифий “Мавоҳиби Алийя” тафсирида Баллиғ (Анфол сураси, 67-оят), Зикр (Талоқ сураси, 10-оят), Карим (Духон сураси, 17-оят), Муборак (Анбиё сураси, 31-оят), Ҳаниф (Юнус сураси, 105-оят), Исро (Ал-Исро сураси, 1-оят) каби сифатларни ҳам пайғамбаримиз (сав)га тегишли деб ҳисоблайди. Аммо биз истифода этган бошқа тафсир китобларида бундай талқинни учрамадик. Ушбу қуръоний сифатлардан Навоий ўз шеърларида Муҳаммад алайҳиссалом сиймосини яратишда моҳирлик билан фойдаланган. Мисол тариқасида айнан келтирилган исм ва сифатларни кўздан кечирайлик:

Аҳмад:

Эсланг, Исо ибни Марям: “Эй Исроил авлоди! Мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган **Аҳмад** исмли бир пайғамбар ҳақида хушхабар берувчиман,” – деган эди... (Саф сураси, 6-оят)

*Навоий айлади ҳамдингга номалар ирсол,
Ани рад айламагил ҳаққи Аҳмади мурсал.¹*

¹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 2: Наводир уш-шабоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.369.

Муҳаммад:

Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда **Муҳаммад** (алайҳиссалом)га нозил қилинган нарсага (Қуръонга) – ҳолбуки у Парвардигорлари томонидан келган Ҳақиқатдир– иймон келтирган зотларнинг эса ёмонлик-гуноҳларини ўчирур ва ишларини ўнглар. (Муҳаммад сураси, 2-оят)

*Муҳаммади арабий бармоғи ишорат ила
Сипеҳр хонида ой қурси ул сифат осон
Ики ойирдики, бир нонни хони ичра Халил
Анингдек икки ушатмоқ эмастурур осон.¹*

Сожд:

Бас, Сиз Раббингизга ҳамд билан унга тасбиҳ айтинг ва **сажда қилувчи**лардан бўлинг. (Ҳижр сураси, 98-оят)

*Сени чунки сожд қилиб кирдигор,
Анга сажда қилмоқ бўлуб ошкор.²*

Хотам:

Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасига ота эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг **хотами** – муҳридир. Аллоҳ барча нарсани билгувчи зотдир. (Аҳзоб сураси, 40-оят)

*Эй нубувват хайлиға хотам бани Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.³*

Аввал:

Унга (ҳеч қандай) шерик йўқлир. Мана шу (ақида)га буюрилганман ва мен (Аллоҳнинг буйруқларига) таслим этувчиларнинг **аввалиман**. (Анъом сураси, 163-оят)

*Анбиё хайликим, эрур мурсал,
Ҳам сен охир аларға, ҳам аввал.⁴*

Мурсал:

Ҳақиқатан, Сиз **пайғамбар**лардансиз (Ёсин сураси, 3-оят).

*Малоик аро келди руҳуламин,
Русул хайлида саййид ул-мурсалин.⁵*

Расул:

Айтинг (эй Муҳаммад): Эй одамлар! Мен сизларнинг барчангизга (юборилган) **Аллоҳнинг расули** (элчиси)дирман... (Аъроф сураси, 158-оят).

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 4: Фавойид ул-кибар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.722. .

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.19.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғвр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.27.

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Сабъаи Сайёр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.288.

5 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 9: Вақфия. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.637.

*Эй Навоий, чорайи дардингни қилғай улки, бор
Ҳам расулу ҳам амин, ҳам Мустафо, ҳам мужтабо.¹*

Умий:

... Бас, Аллоҳга ва Унинг расулига имон келтирингиз! У (расул) Аллоҳга ва Унинг калималари (илоҳий китоблари)га ишонадиган **саводсиз** пайғамбардир. Унга эргашингиз, токи ҳидоят топгайсиз! (Аъроф, 158-оят)

*Чу раҳши икинчиға қўйди қадам
Аторидға синди давоту қалам.
Кўриб умийи илмлар маҳзани
Равон касб илм этмак ўлди фани.²*

Нур:

Эй аҳли китоблар! Сизларга расулимиз (Муҳаммад) келиб, Китобдаги кўпгина сиз яширган (оят)ларни баён қилмоқда ва (хатоларингизнинг) аксариятини афв этмоқда. Аллоҳдан сизларга **Нур** ва равшан Китоб келди. (Моида сураси, 15-оят)

*Замонеки нурунға бўлмай зухур,
На зулмат бўлуб зоҳир ул дамки нур.
Чу Ҳақ айлаб ул нурни шамъи жамъ,
Анинг нуридин ёрутуб жамъи шамъ.³*

Раҳматан лил-оламин:

(Эй Муҳаммад!) Биз Сизни (бутун одамларга) **айни раҳмат** қилиб юборганмиз. (Анбиё сураси, 108-оят)

*Зоти олам буржида дурри самин,
Балки Ҳақдин раҳматан лил-оламин⁴.*

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 2: Наводир уш-шабоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.12.

2 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 10-том. Сабъаи сайёр. – Т.: Фан, 1992.-Б.29.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.18.

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б..

ҲАДИСЛАР АСОСИДА ПАЙДО БЎЛГАН ВА НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ИСМ ВА СИФАТЛАР

Ҳазрат Навоий Шайх Аттор ёки Мавлоно Жалолиддин Румий каби шеър ёзишдан асосий мақсади “асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий имлоси”¹ бўлмаса ҳам, эътиқоди ва дунёқараши асосини ислом дини ва тасаввуфий-ирфоний ғоялар ташкил этиши, унинг гуманизми айнан ана шу мангу ва барҳаёт ақидалар асосида шаклланганлиги ҳам инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Муҳаммад пайғамбар(сав) сиймоси Навоий шеъриятида янги диннинг асосчиси, мўъжизакор ёки ўзининг гўзал ахлоқи билан ҳаммага намуна бўла олган пайғамбар сифатидагина эмас, балки комиллик тимсоли бўлган Ҳазрати Инсон қиёфасида гавдаланади. Биринчи бобда таъкидлаганимиздек, орифлар ақидаси бўйича, олам яралишида “нури муҳаммадий” ёки “ҳақиқати муҳаммадия” асос қилиб олинган. Улар бунга “Аввалу мо халақаллоҳу таоло кона нури” (Аллоҳ таоло яратган илк нарса –менинг нуримдир) ҳадисини далил келтирадилар. Навоий ғазал ва дostonларида Муҳаммад пайғамбар (сав)ни барча одам ва оламлардан олдин яралган зот, дея талқин қилади:

*Қидмат ичра барчадин бўлдунг муқаддамроқ, валеқ
Улки сендиндур муқаддамроқ,эрур ҳайи қадим²*

“Ҳайрат ул-аброр”даги биринчи наът “Ул ҳазратнинг нури қидамиятидаким, зот баҳрининг аввалғи жунбушида ул дурри бебаҳо ламъаси хало риштасин узди ва ул гавҳари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржға интиқол этти то Сафиюллоҳдин Абдуллоҳға етти” деб номланади. Унда нури муҳаммадий азал чироғини ёритгани, оламда вужуд сифатини касб этган барча нарсалар шу нур файзи туфайли мартабага етишгани, инсоният аслида унинг фарзандлари экани турли усуллар воситасида исботлашга ҳаракат қилинган. Жумладан, Одам сўзи аслида “Аҳмад” сўзидаги уч ҳарфдан таркиб топганлиги, “Ҳо” (ه) ҳарфи эса Аҳмади мурсалга берилган Илоҳий муҳаббат экани ва Ҳақ шу туфайли уни ўз Ҳабиби деб башорат этгани қуйидагича тасвирланади:

*Ўзга далил истаса табъи сақим,
Басдурур Одамда “алиф”, “дол”у “мим”.
Борчаси Аҳмадда топиб иззу шон,
Ўғлида уч ҳарф атодин нишон.
“Ҳо”и муҳаббат санга-ўқдур насиб,
Ким сени Ҳақ деди ўзига ҳабиб.³*

Қуръони каримга мувофиқ, оламдаги барча мавжудот Аллоҳ таолонинг “Кун!” (Бўл!) амридан сўнг йўқлик олаmidан пайдо бўлган. Ҳақиқати муҳаммадия ана шу амрнинг асоси – моҳиятидир:

1 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: Фан, 1998.-Б.25.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 3: Бадоеъ ул-васат. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.398.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.26.

*Муҳаммад кофу нунға қурратулъайн,
Туфайли кавн ўлуб, йўқ-йўқки кавнайн.¹*

Бунга сабаб, Аллоҳ таолонинг ушбу оламни яратишдан асл мақсади Муҳаммад пайғамбар эди. Мавлоно Жалолоддин Румий “Маснавийи маънавий”сида “Лав лока ламо халақтул-афлок” (Сен бўлмаганинда оламни яратмасдим) қудсий ҳадисининг шарҳида (бу ҳадис тўғрисида монографиянинг биринчи бобида қисқача тўхталиб ўтганмиз –О.Д.) айтишича, Муҳаммад пайғамбар олам яратилгандан анча кейин туғилса-да, оламдаги барча мавжудот ва, ҳатто, оламнинг ўзидан ҳам муқаддамроқ эканлиги мева ва дарахт таноқузи (парадокс) кабидир. Инсон мевали дарахтни келажакда берадиган меваси учун парвариш қилади. Унинг агар келажакда берилиши керак бўлган меваси бўлмаганида эди, ўтиндан фарқи қолмасди. Шунингдек, мевали дарахтнинг бошқа дарахтлардан афзаллиги ҳам унда ана шу меванинг моҳияти мавжудлиги, мева бериш қобилияти борлиги, қолаверса, мева унинг кўкаришига сабаб бўлган данакнинг асоси эканлигидадир². Муҳаммад пайғамбар (сав) ҳам оламнинг яралишида данакнинг маъзи каби нур сифатида барчадан бурун бор эди:

*Нури мавжуд офаринишдин бурун,
Ким эди халқиға муддат олти кун...
Нур йўқким, Ҳақ таоло сояси,
Ложарам ўтти қуёштин пояси³.*

Одатда шоҳни Ҳақ таолонинг ердаги сояси –“зилли Илоҳ” дейишади. Навоий ўз шеърларида пайғамбаримизни “шоҳ”, дея васф этади. Аммо унинг шоҳлиги одатдаги подшоҳликдан фарқ қилади. Унинг раъйига нафақат мусулмонлар, балки барча мавжудот бош эгган. У нафақат ўз замондошлари ва қаламравида ҳукмрон, балки унинг дини байроғи остида барча пайғамбарлар саф тортажаклар. Бадеуззамон Фурузонфар “Аҳодиси Маснавий” китобида шу маънода пайғамбаримиздан қуйидаги ҳадисни келтиради: Қиёмат куни Одам(а) ва ундан кейинги барча набийлар менинг байроғим остида саф тортажаклар⁴. Навоий шунга асосланган ҳолда пайғамбаримизга ибтидоси йўқ азалдан интиҳоси йўқ абадгача шоҳликни мусаллам, деб билади. Агар Искандар Зулқарнайн каби жаҳонгирлар ўз қиличи ва тадбири билан бошқа шоҳлар салтанатини забт этиб, ўзининг сиёсатини бутун оламга бир муддатгина жорий қилишган бўлсалар, хотамуланбие эса ўзигача бўлган барча шаритатларни насх – бекор қилиб, Аллоҳ таоло томонидан юборилган янги динни қиёматгача мўминлар қалбида мустаҳкам ўрнатишга эришди. Демак, унинг шоҳлиги инсониятнинг руҳий олами ва уларнинг қалбида шаҳодат калимаси ўрнашгани билан тасдиқланади:

*Фалакка бу бахшиш қилурға не ҳад,
Сени Ҳақ шаҳ этмиш азал то абад.⁵*

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.315.

2 مولانا جلال الدين رومي' مثنوي معنوي' دفتر سوم' باهتمام كريم دمايي' تهران' ۱۳۸۸' ص ۲۹۱

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.13.

الرسالة المعراجية: ابو علي ابن سينا' ص ۱۲۹

4 رسالة في النفخ و التسوية و الروح' الغزالي' بهيغ الزمان فروزانفر. احاديث مثنوي. انتشارات دانشگاه تهران' ص ۱۹۰

5 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.20.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ҳам азалий ҳодиса. Унга ваҳий қирқ ёшидан бошлаб келганига қарамасдан, пайғамбарлик рутбаси ҳали Одам Сафияллоҳ яралишидан анча олдин насиб этган. Ибн ал-Арабий таъбири билан айтганда, бу зот “Замон нуқтаи назаридан барча анбиёдан кейин туғилганига қарамасдан, барча салаф пайғамбарлар унинг нубувват мушкотидан баҳраманд бўлганлар”¹. Шу сабабли, барча пайғамбарлар ўз умматларини аслида унинг динига даъват этганлар. Бундан Одам Сафияллоҳ ва ундан кейинги барча инсоният унинг фарзандлари ҳисобланади, деган хулоса чиқади. Сўфийлар бу ақидани асослашда Пайғамбаримизга нисбат берилгани “كنت نبيا و كان آدم بين الماء و الطين”² (Ҳали Одам сув ва тупроғи қоришмаганида мен пайғамбар эдим) ёки “كنت نبيا و كان آدم بين الروح و الجسد”³ (Мен пайғамбар бўлган замонларда Одам руҳ ва жасад ўртасида эди, яъни ҳали яралмаган эди) ҳадисига таянадилар. Буни Навоий ўз дoston ва ғазалларида турли ранг ва оҳангда баён этган. Жумладан:

*Зиҳи тақаддумунг Одамға бас ҳадиси саҳиҳ,
Бу нуқта “кунту набийян” ишоратида сариҳ.⁴*

Ёки “Садди Искандарий” достонида Булбашар, яъни Одам Атони пайғамбаримизнинг фарзанди экани баёнида ота ва фарзандлик муносабати “ҳақиқати муҳаммадия” туфайли содир бўлганини қайд этади:

*Бу сабқатки, зотингға берди аҳад,
Санга Булбашар тонг йўқ ўлмоқ валад..
Ажаб йўқ, сен ўлмоқ ато, ул сабий,
Бу маъниғадуру долл “Кунтун-набий”⁵*

Исломиё нуқтаи назардан олиб қараганда, барча пайғамбарларнинг салафи ва отаси бўлган хотамуланбиё учун бошқа пайғамбарлар томонидан одамларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилиш мақсадида кўрсатган мўъжизалари ҳам унинг камолоти ва тенгсиз салоҳиятини кўрсатувчи амаллар ҳисобланади. Қолаверса, бу зотнинг мартаба ва даҳоси бошқа пайғамбарлардан анча баланд туради. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таъкидлаганидек, **“бошқа пайғамбарларга улкан мўъжиза бўлиб хизмат қилган ҳодисалар Муҳаммад алайҳиссалом учун оддий бир иш эди. Деярли ҳамма пайғамбарларга берилган мўъжизаларга ўхшаш ишлар Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётларида ҳам бўлиб ўтган. Бу ҳақдаги хабарлар ҳадис китобларида бор. Лекин бу нарсалар такрорланавериб, оддий бир ҳолатга айланиб қолганидан катта шов-шув қилинмасди”**.⁶ Навоий ҳам ўзининг бир қанча шеърларида қатор жойларда Муҳаммад алайҳиссаломни

1 Ўз ФАШИ, Р-7741-рақамли қўлёзма. مراتب وجود وبيان حقيقة ابتداء كل موجود عبد الكريم جبلي

2 Ўз ФАШИ, Р-2039-рақамли қўлёзма. الحقائق في التفسير محمد بن الحسين بن محمد السلمي

3 Ўша асар.

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 3: Бадоеъ ул-васат. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.106.

5 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.18.

6 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Нубувват ва рисолат китоби. –Т.: Мовароуннаҳр, 2006. –Б.176

бошқа пайғамбарлар билан қиёслайди ва унинг нубувват хайлида мислсиз эканлигини исботлайди. Жумладан, ўзининг гўзал қиёфаси билан машҳур бўлган Юсуф (а) пайғамбар ҳақида “Қисас ул-анбиё”да ушбу ҳадис келтирилган: “Одам (а)нинг хуснини иккига бўлдилар: ярмини Юсуф (а)га бердилар, қолган ярмини эса олам халқига улашдилар”¹. Аммо шундай мислсиз гўзаллик соҳиби бўлган Юсуф (а) ҳам малоҳатда Муҳаммад алайҳиссаломга тенг келолмайди. Чунки Юсуфнинг гўзаллиги ҳам Одам алайҳиссалом жаннатда бўлганида Аллоҳ таоло томонидан берилган хусннинг даврлар оша зоҳир бўлган бир кўриниши, холос:

*Юсуф эрмас чун малоҳатда жамолингга шабиҳ,
Хуснунгга ани малиҳ ўлмағай этсам ташбиҳ,
Одам асрорининг ижмолини қилди тафсил,
Мундин эркинки дединг ал-валаду сирри абиҳ².*

“Ал-валаду сирру абиҳ”, ўтган бобда кўриб чиққанимиздек, пайғамбаримиз ҳадисларидан бўлиб, Навоий уни келтириш орқали Юсуф (а)нинг хусни Одам Ато хуснининг “тафсили” эканлигига урғу бериш билан бирга Одам ҳам аслида ўз отаси – Муҳаммад алайҳиссаломга ўхшаш эканига нозик ишора қилади. Биринчи байтда Юсуф (а)нинг хусни малоҳат бобида хотамуланбиё жамолига тенглашолмаслиги ҳақида сўз юритилади. Ушбу қиёс ҳам саҳиҳ ҳадис негизида шаклланган. Хабарда келтирилишича, Ойиша онамиз (раз) бир куни расулуллоҳдан хусн бобида ким гўзалроқ – у кишими ё Юсуф алайҳиссалом? – деб сўрайдилар. Пайғамбаримиз шундай жавоб берадилар: Биродарим Юсуф мендан гўзалроқдир, аммо мен у кишидан малоҳатлироқман. Зероки у кишининг хусни оламга фитна солди, аммо мен барча оламдагиларга раҳмат қилиб юборилганман.³ Шу маънони Навоий бошқа бир ғазалида қуйидагича назмга солган:

*Эйки Юсуф бирла сўрмишсен ҳабибим хуснидин,
Ул сабиҳ ўлди латофат ичра, аммо бу малиҳ⁴.*

“Саҳиҳи Бухорий”нинг “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатлари хусусида”ги бобида хотамуланбиёнинг сиймолари тўғрисида қуйидаги ҳадис мавжуд: **Абу Исҳоқ: “Бародан: “Расулуллоҳ (сав)нинг юзлари қилич каби (жилвали, порлоқ) эрдими?” – деб сўрашди. Шунда Баро: “Йўқ, балки ой (қамар) монанд эрди,” – деб жавоб бердилар,” – дейдилар⁵**. Мумтоз Шарқ шеъриятида гўзал ёрни ойга нисбат беришда ушбу ҳадис сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Навоий қуйидаги байтда Муҳаммад алайҳиссаломнинг Қуръонда “Нажм” (юлдуз) сифати билан келтирилганлигини ҳисобга олиб, салаф пайғамбарлар ҳамда хотамуланбиёнинг Илоҳий Саодатга эришувини қиёслашда ой ва юлдуз таносубидан маҳорат билан фойдаланган. Агар бошқа набийларнинг толеъ осмонида бахт юлдузи каби порлаган бўлса, хотамуланбиё барча пайғамбар ва башарият оламининг бахт-саодат юлдузи ҳисобланади. Қо-

1 Қисас ул-анбиё. – Душ.: Адиб, 1983.-Б.135.

2 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 2-том. Наводир ун-ниҳоя. – Т.: Фан, 1987.-Б.463.

3 Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990.-Б. 124.

4 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 2-том. Наводир ун-ниҳоя. – Т.: Фан, 1987.-Б.84.

5 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997, 472-бет.

лаверса, нужум илмида толеънинг саъд ёки наҳс келишини аниқлаш ойнанинг қайси осмон буржида қарор топганига боғлиқ:

*Нубувват авжида кўп толеъ ўлди ахтари саъд,
Бири сен ойдек эмас эрди ахтари масъуд¹.*

Ислом тарихидан маълумки, чеҳраси илоҳий файз тажаллийсидан ойдек порлаб турган сўнгги пайғамбарнинг шариатини қабул этмаган Макка мушриклари ундан мўъжиза талаб қиладилар. **“...Шунда ул зот ойни иккига бўлиб кўрсатдилар, ҳатто одамлар Ҳироъ тоғини ойнанинг икки бўлаги орасида кўришди”²**. Ушбу ҳодисани Навоий қитъаларидан бирида ўзига хос маҳорат билан тасвирлаган. Навоий талқини бўйича, бу мўъжиза Аллоҳнинг инояти билан шунчалик осон амалга ошганки, ҳатто меҳмонсиз овқатланолмайдиган Иброҳим Халилуллоҳнинг дастурхонида ҳам нонни ушатиш бунчалик осонлик билан муяссар бўлган эмас:

*Муҳаммади арабий бармоғи ишорат ила
Сипеҳр хонида ой курси ул сифат осон
Ики ойирдики, бир нонни хони ичра халил
Анингдек икки ушатмоқ эмастурур осон³.*

Исо алайҳиссалом билан Муҳаммад Мустафо (сав)нинг ўхшаш томонларидан бири – иккаларига ҳам Сўз эъжози насиб этган. Исо алайҳиссалом ўз нафаси билан ўликларга жон киргизгани ҳамда дардмандларга шифо бергани тўғрисида диний адабиётларда қатор қисса ва ривоятлар мавжуд. Муҳаммад пайғамбарга эса бутун олам асрорини ўзида мужассам этган Сўз – Қуръони карим берилган. Агар Исо Масиҳнинг мўъжизаси жисмлар оламига оид бўлса, хотамуланбиё мўъжизаси абадий барҳаёт руҳоният оламига тегишлидир. Исодан шифо топганлар ёки у туфайли қайта тирилганлар эртами-кеч фоний дунёни тарк этишга маҳкумдирлар. Зеро, бу мўъжизавий кўмак нариги оламда ҳеч нарсага ярамайди, аммо Муҳаммад алайҳиссалом сўзидан баҳраманд бўлган жонлар икки дунё саодатига эришиши муқаррар:

*Берур ул бир ўлукка жон сўзидин,
Тан аро киргузур равон сўзидин.
Муни дерлар: “Муҳаммади арабий”
Ул бирининг “Масиҳ” эрур лақаби⁴.*

Навоий Исо Масиҳ мўъжизалари тўғрисида ҳам “ҳақиқати муҳаммадия” таълимотига мувофиқ мулоҳаза юритади. Унинг фикри бўйича, Исо Масиҳнинг ўликни тирилтирувчи мўъжизаси ҳам Юсуфнинг ҳусни каби хотамуланбиёнинг “нубувват мушкоти”дан баҳра-

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 3: Бадоеъ ул-васат. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.119.

2 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-саҳиҳ, 2-жилд. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.-Б.562.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Фавойид ул-кибар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.722.

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Сабъаи Сайёр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.298.

манд бўлгани туфайлидир. Бу ақида расмий диндорлар томонидан унчалик мақбул кўрин-
маса ҳам, сўфийлар ҳалқаси, айниқса, ваҳдат ул-вужуд назарияси тарафдорлари ичида кенг
тарғиб қилинади:

*Гар такаллумдин ўлукни тиргузурлар хўблар,
Барчасиға маҳвашим гўё қилур талқин ҳадис.¹*

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, ваҳдат ул-вужуд назариясининг асосчиси Муҳйид-
дин Ибн ал-Арабий барча оламлардан олдин вужудга келган Муҳаммад билан ислом ша-
риатини жорий қилган Муҳаммад (сав) пайғамбар ўртасида фарқ бор, дейди. Унинг ақи-
даси бўйича, “ҳақиқати муҳаммадия” илоҳий асрорнинг бироз конкретлашган кўриниши,
Муҳаммад эса шу ҳақиқатнинг моддий оламдаги ифодаси, холос. Аммо Навоий тавсифла-
ган Муҳаммад қандайдир мавҳум, умумий тушунча эмас, балки:

*Қураший асл, Абтаҳий маҳмил,
Ҳошимий кеш, Ясрибий манзил.²*

Етимликда ўсиб-улғайиб, бир муддат савдогарлик билан шуғулланган, тижорат аҳли-
нинг ишонч ва ҳурматига сазовор бўлган, одамийликнинг олий намунаси ҳисобланган энг
гўзал фазилатлар соҳиби, Аллоҳнинг сифатлари билан зийнатланган инсон:

*Деб лақабин аҳли тажаммул Амин,
Андин ўлуб ҳамдами Руҳул-амин.³*

Пайғамбаримиз (сав)дан ривоят қилинадиган ҳар бир ҳадис у кишининг “камол аҳли
ичра энг акмали” эканлигига гувоҳлик беради. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Умар (раз)дан
қуйидаги ҳадис ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (сав) ўзлари ҳам шалоқ сўзларни сўзламас,
ўзгаларни ҳам шалоқ сўзламоғига йўл қўймас эрдилар ва ул зот “Дарҳақиқат, сизларнинг
яхшингиз–хулқи яхшингиздур!”– деб марҳамат қилар эрдилар”⁴. Гўзал ахлоқ соҳиби бўл-
ган шоирни ўз дини билан гўзал ахлоқни ҳам тарғиб қилган ва унга оғишмай амал қилган
пайғамбаримиз даҳосининг бу қирраси ҳам мафтун этганди, албатта. Жумладан, ғазалла-
рининг бирида шундай деб ёзади:

*Зиҳи азалда карам айлабон санга халлоқ,
Карими хилқат ичинда макорими ахлоқ.⁵*

1 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 2-том. Наводир ун-ниҳоя. – Т.:
Фан, 1987.-Б.84

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Сабъаи Сайёр. – Т.: Ғ.Ғулом
номидаги НМИУ, 2011.- Б.285.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом
номидаги НМИУ, 2011.- Б.29.

4 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ, 2-жилд. –Т.:
Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.-Б.476.

5 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Бадоеъ ул-бидоя. – Т.:
Фан, 1987.-Б.269.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида қайд қилиш лозимки, ислом дини заминиди шаклланган барча таълимотлар (албатта, динни ўзининг ғаразли ниятларини рўёбга чиқариш учун нотўғри талқин қиладиган айрим бузғунчи тоифалар бундан мустасно) Муҳаммад пайғамбарни камолотнинг тимсоли ва комил инсоннинг юксак намунаси деб эътироф этадилар. Аллоҳ таоло барча мавжудотдан аввал Комил Инсон – Муҳаммад Мустафонинг нурини яратган экан, демак, камолотга интилиш, ҳайвоний хислатлардан покланиб, макори-ми ахлоқ – гўзал хислатлар билан зийнатланиш ва хотамуланбиё каби тўғри сўз, эзгу амал ва пок ният билан яшаш ҳар бир инсоннинг бу дунёдаги энг олий мақсади бўлмоғи зарур. Навоийнинг ўз шеърларида Муҳаммад пайғамбар сиймосини яратиши ҳам одамларни ана шундай олий мақсад ва улуг ғоя сари чорлашнинг ўзига хос ифодасидир.

“Сунани Термизий”да Аббос ибн Абдулмуталлибдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, бир куни саҳобалар пайғамбарни кутиб ўтирардилар. У зот чиқиб, саҳобаларга яқинлашганларида, улар Иброҳим Халилуллоҳ, Мусо Нажиюллоҳ¹, Исо Рухуллоҳ, Одам Сафийллоҳ каби пайғамбарларни эслашиб, сифатлаётганларини эшитиб қоладилар. Салом бериб, улар суҳбатига қўшилган пайғамбар уларнинг сўзларини тасдиқлаб, илова қиладилар: **“Огоҳ бўлингким, мен Аллоҳнинг Ҳабибиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни ҳамд байроғини кўтарувчи ҳамда биринчи шафоат сўровчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни биринчи шафоат қилинувчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен жаннат ҳалқаларини биринчи ҳаракатга солувчиман. Бас, Аллоҳ уни (айнан) мен учун очар ҳамда мени ва менинг умматимнинг фақирларини унга киргизар. Мен аввалгилар ва охиргиларнинг энг мукаррамиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ.”** Ушбу ҳадис пайғамбаримиз шаънига айтилган сўзлар, юқорида келтирилган ҳадисларнинг хулосаси ва қаймоғидир. Шундай улуг пайғамбарнинг уммати бўлган Навоийнинг:

*Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла
Магар расули алайҳиссалом қилди ҳадис.³*

– деганида ҳам ҳеч қандай ортиқча фахрланиш йўқ, балки воқеликнинг айнаи ўзидир.

“ҲАМСА” ДОСТОНЛАРИДА МЕЪРОЖ ҲОДИСАСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

“Навоий асарларининг изоҳли луғати”да “меърож” сўзининг биринчи маъноси шоти, нарвон, иккинчи маъноси юқорига (кўкка) кўтарилиш, учинчи маъноси Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Қуддусга бориши ва Қуддусдан кўкка чиқиши, деб изоҳ берилган⁴. Меърожнинг биринчи маъносида ишлатилган байт ё мисрани Навоий асарларида учратмадик, аммо пайғамбаримизнинг самовий сайри – Аллоҳ таоло ҳузурига кўтарилган муқаддас кеча тасвирланган шеърлар талайгина.

Ўтган бобларда таъкидлаганимиздек, “Хазойин ул-маоний”нинг ҳар бир ҳарф туркуми-

1 Мумтоз адабиётда Мусо (а)ни одатда, Калимуллоҳ сифати билан эслашади. Ушбу ҳадис матнида бу пайғамбарнинг Нажиюллоҳ – Аллоҳ томонидан юборилган халоскор, деган сифатлари борлиги ойдинлашади.

2 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Нубувват ва рисолат китоби. –Т.: Мовароуннаҳр, 2006. –Б.17.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 1: Ғаройиб ус-сиғвр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.110.

4 Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-томлик/ Э.Й. Фозилов таҳрири остида. 3-том. – Т.: Фан, 1984.-Б.432.

га оид ғазалларнинг деярли ҳаммаси ҳамд ва наът ғазаллар билан бошланади. Тадқиқотчи З.Ғаффорова наът ғазаллари тўғрисида қуйидагича фикр билдирган: **“Ҳазрат Навоий наът ғазалларида пайғамбаримизнинг сифатлари, хусусиятлари, шафоатлари, нурларини васф этади...Мазмунига кўра, наътларни, шартли равишда, иккига бўлиш мумкин: 1. Васф наътлар; 2. Меърожнома наътлар.**

Васф наътларда пайғамбаримизнинг умумий сифатлари қаламга олинади... Навоийнинг меърожнома наътларида пайғамбаримизнинг Маккадан қуддусга боришлари ва Қуддусдан кўкка чиқишлари, яъни юқорига кўтарилишлари, Аллоҳ ҳузурига сафарлари- меърож туни дейиладиган парвозлари таърифу тавсиф этилади”¹.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг муқаддима қисми басмала боби, ҳамд, тўртта муножот, тўртта наът ва меърожномадан иборат. Аллоҳ ҳамдига бешта боб бағишлангани, пайғамбар наътига ҳам шунча миқдорда боб ажратилгани ҳисобга олинганда, “Ҳайрат ул-аброр”нинг муқаддима бобларини “Хамса”нинг барча дostonларига оид, деб ҳисоблаш мумкин.

Меърож боби 53 байтдан иборат. Олти байти меърож кечасининг таърифига бағишланган. Шоир қоронғу кечани ҳаёт чашмасининг макони – зулмат мамлакатига ўхшатади. Сиртдан осуда кўринаётган бу кечада ҳузурбахш насим эсиб, улуғ бир хушxabардан нишон берарди. Жаннатдан келаётган роҳатбахш бир насим ер юзини фасод ва чиркиндан тозалаётганини тасвирлаш аслида Ибн Аббос (раз) ривоят қилган ушбу ҳадис мазмунига ишорадир: **Расулуллоҳ (сав) дедилар : Мен сабо (шарқдан эсадирган шамол) бирлан ғолиб қилиндим ва Од қавми дабур (ғарбдан эсадирган шамол) бирлан ҳалок қилинди**²:

*Тун қилибон гардини анбарсиришт
Бутратибон ерга насими биҳишт*³

“Сойири улвиймақом” – Жабрайил (а) келиб, Ҳақ муждасини етказганидан сўнг шавқ асрори хазинаси– Муҳаммад пайғамбар жаннатдан келтирилган “маркаби фархундафол” – Буроқ отига миниб, коинот сайрига отланади. Бир қадамидаёқ фалакка чиқиб кета оладиган бу отнинг туёғи гардидан ақл кўзи “Ъимо”ни мушоҳада этарди:

*Гарди била бораи суръатнамо,
Еткурубон ақл кўзига Ёимо*⁴.

“Расулуллоҳ (сав)дан сўралди: Халқни яратишидан олдин Раббимиз қаерда эди? Бас, Расулуллоҳ (сав) буюрдиларким, устида ҳам, остида ҳам ҳаво бўлмаган бир Ёимо–юпқа булут устида эди.”⁵ Кўк сайрига чиққан пайғамбар етти фалак ва ўн икки буржни бирма-бир босиб ўтади. Шундан сўнг арш сори азимат қилиб, Лавҳ ул-маҳфузни кўради. Рафраф маконида Жабрайил ва Буроқ билан хайрлашади:

1 Зиёда Ғаффорова. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари.Т.: Маънавият, 2001, 11-12-бетлар.

2 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ.3-жилд. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.-Б.232.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.35.

4 Ўша манба, 45-б.

5 Сойиниддин Али бин Муҳаммад Тарака Исфаҳоний. “Шарҳи ҳадиси Ёимо”.Техрон, 1351 ҳ.ш., 284-бет

*Рафраф уза пўя қилиб чун кушод,
Ҳамраҳу раҳравға этиб хайрбод¹.*

Бутун борлиқни сайр этиб чиққан пайғамбарнинг камолот йўли шу билан ниҳояланмайди. У энди Ломакон водийси сайрига чиқади. Бу олам ўзгарувчанлик хусусиятидан бегона, собит ва барқарор олам. Маълумки, моддий олам ҳаракат туфайли муайян вақт ва маконда миқдор ва сифат ўзгаришларга учрайди. Аммо Ломакон олами вақт ва фазо билан чегараланмаган жой. Унда модда оламига хос бўлган меъёрлар ўрнига руҳоният оламининг ўлчамлари мавжуд бўлганлиги ва бу меъёрлар фақат Аллоҳга маълум эканлиги сабабли, Ломакон оламидаги сафарни батафсил тасвирлаш имкони йўқ. Буроқ ва Жабрайил бу йўлда унга ҳамроҳ бўлолмагани сабаби, жаннат ва жаннатийлар ҳам, фаришталар ҳам азалийлик хусусиятига эга эмаслар. Демак, улар замон ва макондан ташқарида мавжуд бўлган Йўқлик оламига сафар қилолмайдилар. Бу ерда Йўқлик олами одатий тушунчадан анча кенгроқ талқин қилинади. Навоий талқинида Йўқлик олами, яъни Ломакон водийси фазо ва вақт, замон ва макон каби моддийлашган оламга хос бўлган хусусиятларга эга эмас. Ломакон – Илоҳий олам. Унинг борлиғига далолат қилувчи хусусиятларни инсон ақли англаёлмайди. Бошқача қилиб айтганда, Ломакон – биз унга қандай хусусият ва қандай таъриф бермайлик, ундан-да кенгроқ, инсон ақли учун мавҳум, ёлғиз Аллоҳга хос ва ёлғиз Унга маълум бўлган мақом. Бу мақомга тупроқдан яралган бадан ва моддий оламини идрок этиш учун берилган бешта ҳис билан етиб бўлмайди, чунки бу мақомда аслан йўл ҳам, қадам ҳам йўқ – у моддийликдан хориж бўлган олам. Пайғамбар ҳам тўрт унсур – сув, ҳаво, тупроқ ва оловдан хориж бўлиб, Аллоҳ йўлида фано бўлади:

*Ўзлугидин нақшу намудор йўқ,
Нақшу намудоридин осор йўқ.²*

Меърож кечаси тўғрисида Шарқ фалсафий тафаккури тарихида турлича фикрлар билдирилган. Жумладан, Ибн Сино бу сайрни пайғамбар руҳониятига оид, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, пайғамбар Буроқ билан Байт ул-ҳарамдан Ақсо масжидигача бўлган сафари жисмоний бўлиб, осмонга уруж этишида руҳ баданни муайян вақтда тарк этиб, яна ўз ватани – бадан мулкига қайтган³. Ғаззолий бошчилигидаги бошқа бир гуруҳ мутафаккирлар эса, Ибн Синонинг ушбу фикрини кескин рад этиб, меърожга оид саҳиҳ ҳадисларга таянган ҳолда, хотамуланбиёнинг меърож сафарини жисмоний, деб ҳисоблашади⁴. Алишер Навоий ҳам бу сафарни жисмоний деб ҳисоблайди. Унинг ақидаси бўйича, пайғамбаримиз (сав) жисмининг таркиби ҳисобланган тўрт унсур нурга қоришган эди. Оламдаги барча нарсалар нури муҳаммадийдан яралган бўлса, демак, ломакон мақомига етишгандан сўнг Муҳаммад (сав) жисми ҳам ўз асл моҳияти – нури муҳаммадийга айланган. Шу сабабдан унинг Ҳақ висолига етишган жисмини “қолаби хокийнасаб” деб атайти:

*Ҳамраҳ анга ҳамраҳи хокийнасаб,
Гар десалар, бор эди, йўқтур ажаб.⁵*

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.37..

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.38.

3 Ўз ФАШИ, Р-2385-рақамли қўлёзма.

4 Ўз ФАШИ, Р-2485-рақамли қўлёзма.

5 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.38.

Умумий тарзда олганда, Навоий барча шеърларида тавҳид масаласида ислом шариати нуқтаи назаридан фикрлайди ва шариатдан айри бўлган барча нарса Аллоҳга ширк келтириш, деб ҳисоблайди:

*Эйки дебсенким, билай тавҳид сирридин хабар,
Шаръдин неким тажовуз айлади, илҳод бил¹*

Хотамуланбиё фанога етишгандан сўнг “бақо кўзгуси”ни мушоҳада қилишга эришади. Ва Абадий Ҳақиқатга етишиб, ўзи ҳам Ҳақ дарёсига томган томчидек сингиб кетади. Шу сафарида икки олам раҳматини қозониб, Ерга барча оламдагиларга айна раҳмат бўлиб қайтади:

*Икки жаҳон раҳматини қозғониб,
Ҳар нимаким қозғониб, олиб ёниб.²*

“Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам меърож кечаси шу йўсинда таърифланади. 68 байтдан иборат ушбу боб ҳам тун тасвири билан бошланади. Фарқи шундаки, шоир бу достонда “жаҳоннинг асру фаррухфол шомини”ни тасвирлашда достоннинг умумий мазмунига мос тушадиган тасвир воситаларини қўллайди. Тунни Чин санамига ўхшатишига сабаб достоннинг асосий қаҳрамони – Фарҳод Чин мулки хоқонининг ўғли эди. Тасвир воситалари ва сюжет деталларининг бир-бирига уйғунлигини достоннинг ҳар бир байтида учратиш мумкин. Жумладан, меърож кечасини қуйидагича таърифлайди: “Ул шаҳсувор васфидаким, қоронқу тунла тийра хокдондин Буроқ барқваш узра чиққони “Мин аз-зулумоти илан-нур”дин мухбир эрди, балки ул рокибнинг пок зоти остидағи пок оти била “нурани ало нур”дин хабар берди ва бу нурлар малакут шабистонини мунаввар ва малак бўстонини рашки сипеҳри ахзар қилди”³. Йигирма бешинчи бобда Фарҳоднинг Хизр билан мулоқот қилиб, унинг суҳбатидан ғам зулумотидан чиқиб, кўнгли жоми жаҳоннамога айланиб, маърифат майидан тўлганини тасвирлайди. Яъни, бу ерда пайғамбаримизнинг меърожи нодонлик, жаҳолат, ғазаб, ҳасад, макр... бир сўз билан айтганда ёвузлик ин қурган тупроқ оламидан чиқиб, Илоҳий нурга фарқ малакут ва лохут оламларини сайр этгани ва оламдаги осий бандаларга айна шафоат, шафқат ва раҳмат бўлиб қайтгани Фарҳоддек Илоҳий Ҳақиқат ва Муҳаббат йўлидаги солиқларга ибрат намунаси сифатида талқин қилинган. Қолаверса, пайғамбаримизнинг: “Балоларнинг энг каттаси пайғамбарларга ёғилади, ундан сўнг авлиёларга ва шунга ўхшашлари бошқа кишиларга”⁴ мазмунидаги ҳадисига асосланиб, “Илоҳий раҳмат, мағфират ва муҳаббатларнинг энг улуғи ҳам энг аввало, пайғамбарларга насиб қилган”, деб айтиш мумкин. “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам “Ҳайрат ул-аброр”даги каби Жабройил ва Буроқ истиора санъати ёрдамида тавсифланган. Меърожнинг биринчи босқичи, яъни Ер қуррасини сайр этгани бир байт билан тасвирланган:

1 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Бадоеъ ул-бидоя. – Т.: Фан, 1987.-Б.324.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Ё.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.38.

3 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 8-том. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991.-Б.20.

4 امام مسلم صحیح مصر: محمود توفيق الكتبي 1349 هـ. ق. ص 201

*Ҳам аввал ҳамла раҳши барқхўдин
Ўтуб туфроғу елу ўту сувдин¹.*

Иккинчи босқичда етти фалакни бирма-бир кезиб чиқади. Фалак муваккиллари тартиби қуйидагича берилган: Қамар-Аторуд-Зухра- Қуёш- Баҳром-Муштарий:

*Қолиб еттинчи қўрғон посбони,
Ўтуб чобуксавори осмоний.
Кириб чун секкизинчи торам ичра,
Тоғиб ҳардам ўзин бир олам ичра²*

Саккизинчи фалак (25-32 байтлар)да ўн икки буржни айланиб чиқади. Бу ерда ҳам достоннинг кейинги бобларида Фарҳод бошидан ўтказган можароларни тасвирлашда қўлланган тасвир воситалари талайгина. Арш,Курси, Лавҳ ул-маҳфуз ва Қалам макони бўлган тўққизинчи фалакни кезиб чиққандан сўнг ундан-да юқорироқ бўлган маконга от қўяди:

*Юқорироқ қўргузуб чун раҳши новард,
Чиқориб ломакон майдонидин гард.³*

“Имом Аҳмад Имом Масъуддан қилган ривоятларида Исро кечаси Пайғамбар алайҳиссалом тугаш дарахтига бориб етдилар, у еттинчи осмонда эди. Ердан чиққан нарсалар ҳам, юқоридан тушган нарсалар ҳам унга етиб тўхтайти”⁴. “Ҳайрат ул-аброр”даги меърожномада айтилганидек, ломакон оламини пайғамбар бир ўзи, йўлдошсиз кезиб чиқади. Бу ерда ломакон сайри анча батафсил берилган, яъни ломакон оламининг тугаш дарахти – Раф-раф мақоми ҳамда Буроқ ва Жабрайил (а) унга сафардошлик қилолмасликлари тасвирланган:

*Тушуб андин бийик чун иттифоқи,
Бориб андоқки тебранмай Буроқи.
Самандин ташлагач ул маънавий ганж,
Самандидек тутуб пайкин доғи ранж⁵.*

Ўзлиги ва, ҳатто, ўздан фард бўлган пайғамбар Ёри азал дийдорига ошиқади. Меърож кечаси тасвирига бағишланган бир қатор диний-ирфоний асарларда Аллоҳ билан Муҳаммад пайғамбар (сав) мулоқоти чоғида ўрталарида етмишта нурли ҳижоб-парда бор эди, деб ёзилган. Улар бунга Муслим “Саҳиҳ”ида келтирилган қуйидаги ҳадисни асос қилиб олганлар: **Аллоҳнинг нур ва зулматдан етмишта ҳижоби бор, агар улар очилса, Унинг**

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.319.

2 Ўша манба, 22-бет.

3 Ўша жойда.

4 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Нубувват ва рисолат китоби. Т.: Мовароуннаҳр, 2006.Б.-194

5 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 6: Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.321.

халқидан кимки назар солса, муҳаққақки, юзи ва кўзи куйиб кетгай.¹ Навоий бу пардани “шодурвони ваҳдат” (ягоналик пардаси) деб атайди:

*Чу қилди жилва шодурвони ваҳдат,
Насими васл очиб домони ваҳдат.²*

Тасаввуф фирқалари Ҳаққа етишишни турли хил таърифлаганлар. Кимдир иттиҳоддан сўз очса, кимдир ҳулул назариясининг тарафдори. Ҳанафия мазҳаби негизида шаклланган нақшбандийлик тариқати тарафдорлари эса бу ҳолатни ваҳдат – бирлик, деб атайдилар. Навоий ҳам шу тариқатнинг намояндаси сифатида меърожни ваҳдатнинг олий намунаси сифатида таърифлайди:

*Иноят илги оламдин ниҳони,
Ҳарими ваҳдат ичра чекти они...
Вужуди кўрмади жуз Ҳақ вужуди,
Тузулди Ҳақ каломидин суруди.³*

Агар “Ҳайрат ул-аброр” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” дostonлари меърож кечаси тасвири билан бошланса, “**Лайли ва Мажнун**” дostonининг меърож боби муаллифнинг руҳий кечинмалари ва дoston ижод қилинаётган “ғам кечаси”нинг тасвири билан бошланади. Муаллиф саккиз байтда умрнинг бефойда ўтган лаҳзаларидан пушаймонлик, эртанги кун изтироби, руҳий тушкунлик ва умидсизликдан қутулмоқ йўлларини ахтариш каби ҳолатларни тасвирлаган. Тўққизинчи байтдан бошлаб эса, меърож кечаси таърифи бошланади:

*Бу шомға истасанг ниҳоят,
Ул шомдин айлагил ҳикоят⁴.*

Ўн олти байтда башарият тарихидаги энг улуғ мўъжизалардан бирининг содир бўлиши арафасидаги ҳолат тасвирланади. Тун ранги мушки нобдек қоп-қора, аммо бу қоронғулик дилга сурур бағишлайди. Ишроқ назарияси асосчиси Шиҳобиддин Сухравардий оламдаги барча ёруғликларнинг асоси қора нур, деб ҳисоблайди⁵. Меърож кечаси ҳам ана шундай нур билан фарқ бўлган. Ер юзини ғам гардидан поклаган шабнам осмондаги юлдузлар каби шуъла таратади. Нур сочаётган шудринглардан Ер ҳам осмоннинг кўзгусига айланган гўё. Бутун борлиқ Аллоҳ ҳамдида тасбиҳ айтмоқда. Жумладан, осмондаги юлдузлар “Вал-лайл” сурасини ўқимоққа машғул:

*Атфоли нужум айлабон майл,
Ўқурғаву ўқумоғи “Вал-лайл”⁶*

1 امام مسلم صحیح مصر: محمود توفيق الكتبي ۱۳۴۹ هـ. ق. ص ۵۱۹

2 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 8-том. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991.-Б.24.

3 Ўша жойда.

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Лайли ва Мажнун. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.19.

5 فرهنگ مستلحات عرفا سيد جعفر سجادي ص ۳۰۹

6 Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 9-том. Лайли ва Мажнун. – Т.: Фан, 1992.-Б.22.

“Вал-лайл” ибораси Қуръоннинг шу номдаги сурасининг биринчи оятидан иқтибос қилинган бўлиб, мазкур бобнинг сарлавҳасида келтирилишича, Аллоҳ таоло Борлиқни ўз зулматига ўралиб келаётган кеча билан қасам ичаётганида меърож тунини назарда тутган: “Ул шоми висолнингким, “Вал-лайли изо яғшо” ояти бўла олғай анинг шони саводида ёзилмоғи...”

Пайғамбар (сав) бу пайтда Уммаҳоний манзилида Маҳбуб васли орзусида барча олам ташвишларидан озод бўлиб, ибодат билан машғул эди. “Бариди нурбахш” – Жабройил келиб, пайғамбарга Ҳақ унинг васлига орзуманд экани хабарини етказади. Бу хушхабарни эшитган пайғамбар “барқи гармрав”, “нурдан яралган”, “жаннат фариштаси” дея сифатланган Буроққа миниб, меърожга кўтарилади. Бунда ҳам сафар Ердан бошланиб, тўққиз фалакни сайр этиш билан давом этади. Филология фанлари доктори И. Ҳаққулов таъкидлаганидек, “тасаввуф аҳли учун Буроқнинг саноқсизлиги қатъий ишончга айланган. Ва бу образ моддий оламдан маъно оламига ўтиш воситаси сифатида характерланган”¹.

Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ”ининг “Меърож ҳақида”ги бобида Молик ибн Саъсаа ривоят қилган ҳадисда келтирилишича, Муҳаммад пайғамбар осмоннинг ҳар бир қаватида бир ё бир неча пайғамбар билан кўришадилар. Фалакнинг биринчи қаватида Одам Сафияллоҳ, иккинчи қаватида Яҳё ва Исо Масиҳ, учинчи қаватида Юсуф пайғамбар, тўртинчи қаватида Идрис пайғамбар, бешинчи қаватида Ҳорун пайғамбар, олтинчи қаватида Мусо пайғамбар, еттинчи қаватида Иброҳим Халилуллоҳ билан мулоқот қиладилар². Тасаввуф манбаларида эса, бу кетма-кетлик бирмунча бузилади. Жумладан, сўфиёна ривоятларда келтирилишича, Аллоҳ таоло Исо Масиҳни ўз ҳузурига чорлаганда, чўнтагида Биби Марямнинг игнаси қолганлиги сабабли тўртинчи осмонда қолади³. Марям игнаси образи тасаввуфий адабиётда мол-дунёга кўнгил боғлаган одам тимсолида жуда кўп қўлланилади. Навоий меърожномаларида ҳам хотамуланбиёнинг салаф пайғамбарлар билан мулоқот қилгани тасвирланмаган. Фақат “Лайли ва Мажнун”даги меърожномада тўртинчи осмонга кўтарилганда Исо Масиҳ билан шу осмонда мулоқот қилганлигига ишора қилинган:

*Исоға етиб чу кимиёси
Зарбафт бўлуб қуёш либоси⁴.*

Пайғамбаримиз (сав) тўққиз оламни кезиб, Рафраф мақомига кўтарилганидан сўнг ўзидан фано бўлиб, ёлғиз Илоҳ ҳузурига “бехудона равона” бўлади:

*Бир ерга етибки, ақл етмас,
Ул важҳ ила ақл бовар этмас⁵.*

1 Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти. Фил.ф.д. ... дис. Т.: 1993.-Б.258

2 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ, 2-жилд. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.-Б.576.

3 Нурбахш Дж. Исус глазами суфиев. –М.: Юрайт-М, 2002. –Б.95.

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Лайли ва Мажнун. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.22.

5 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Лайли ва Мажнун. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.23.

“Ислом энциклопедияси” да мўъжиза– инсон ақли ва қудратидан хориж бўлган амаллар, дея таърифланади¹. Меърож мўъжизаси ҳам ана шундай инсон ақли қабул қилолмайдиган ҳодисалардан. Инсон ўз ақли билан англолмайдиган ҳодисани таърифлашга тил ҳам ожиз. Шу боис, Навоий Аллоҳ ва пайғамбарининг бевосита мулоқотларини тасвирлашда, одатда, Қуръон оятларидан иқтибос келтиради. Бу – Навоий қаламига мансуб бўлган барча меърожномаларнинг умумий хусусияти:

*Поя топиб анда “қоба қавсайн”,
Дийдор ўлуб анга қуррат ул-ъайн.
Тун анбари зулфини қарортиб,
“Мозоғ” кўзига сурма тортиб.
Очқоч басарин бу тўтиёдин,
Равшан қилибон “ва мо тағо”дин.²*

Ушбу меърожнома муаллифнинг руҳий кечинмалари тасвири билан бошланишини қайд қилиб ўтдик. Ҳақ висолига етишган пайғамбарнинг Ерга қайтишини тасвирлашда қўлланган тантанали ва шукуҳли оҳанг бобнинг охирида муножот ва тазарруга айланади. Навоий “улус нажоти” ҳуқуқини қозонган пайғамбарга мурожаат қилиб карам ва лутф ила уни ҳам ўз шафоатидан бенасиб этмаслигини сўраш билан сўзини тугатади:

*Эй ғамзада қалблар давоси,
Мотамзада жисмлар шифоси...
Элга назаринг чу чорарасдур,
Мен хастаға бир кўз учи басдур.³*

“Сабъаи сайёра” достонидаги меърожнома сарлавҳасида юқоридаги уч достондан фарқли ўлароқ, Қуръон оятлари ёки ҳадисдан иқтибос қилинмаган. Бу боб ҳам туннинг таърифи билан бошланади. Навоийнинг тасвири бўйича, бу кечада “юз туман сабзпўши руҳоний” – фаришталар Ер юзига нузул қиладилар:

*Ер юзига малак бўлуб нозил,
Чарх абвоби фатҳ ўлуб ҳосил⁴.*

Меърож кечасига оид бўлган оятларда малакларнинг ерга нозил бўлиши ҳақида ҳеч қандай ишора йўқ. Фақат Қуръони карим нозил бўлган қадр кечаси таърифидаги сурада фаришталар ўз Рабблари амри билан ерга нузул этиши тўғрисида оят мавжуд⁵. Навоий таъвил йўли билан бориб, меърож кечаси ҳам ўз аҳамияти ва мўъжизавийлиги билан қадр кечасидан кам эмаслигини ҳисобга олган ҳолда фаришталарнинг ерга тушишларини та-

1 Ислом энциклопедияси/ З.Хуснидинов умумий таҳрири остида. –Т.: ЎЗМЭ, 2003.-Б. 260.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Лайли ва Мажнун. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.23.

3 Ўша манба, 29-бет.

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Сабъаи Сайёр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.289.

5 Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима/ Таржима ва изоҳлар муаллифи А.Мансур.–Т.: Чўлпон, 1991. –Б.642.

свир этган. Бундай гўзал ва файзли кечада пайғамбар аммаси Умму Ҳониънинг Каъба ёнидаги уйида хилват тутган эди:

*Даҳр шўру шаридин осуда,
Кўнгли уйғоғу кўзи уйқуда¹.*

Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” тўпламида Шарик ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинган меърож кечаси ҳақидаги ҳадисда, жумладан, шундай дейилган: “... Шунда Расулulloҳ (сав)нинг кўзлари уйқуда бўлса-да, қалблари уйғоқ эди. Пайғамбарлар ана шундай бўладилар, кўзлари ухлайди-ю, аммо қалблари ухламайди. Сўнг, Ҳазрат Жаброил Жаноб Расулulloҳни осмонга олиб чиқиб кетдилар”² Муҳаммад пайғамбар сиймосини гавдалантиришга бағишланган шеърларнинг муҳим хусусиятларидан бири – тавсиф ва талқинлар ҳамда шоирона ўхшатмаларнинг барчасига бевосита ёки билвосита муайян оят, ҳадис ёки тарихий воқеа асос қилиб олинган. Масалан, таҳлил қилинаётган меърож бобидаги ушбу байтни олайлик:

*Топмайин ўзда хожайи сафарий,
Ўту туфроғу елу сув асари.³*

“Хожайи сафарий”дан мурод – Муҳаммад расулulloҳдир. Бу зотдан қуйидаги ҳадис ривоят қилинади:

من بشرني بخروج سفر فبشرته بجنة عدن

(Кимки менга сафар оyi чиққани хабарини етказса, мен унга жаннат хушхабарини етказаман)⁴. Мавлоно Жалолиддин Румий талқини бўйича, сафар ойини чиқишининг бунчалик интиқлик билан кутилишига сабаб, Аллоҳ дийдорига сафар оyi чиққандан сўнг мушарраф бўлган пайғамбар яна Дўст висоли яқинлашганини сезаётган эди. Шунинг учун ҳам сафар оyi чиққанидан сўнг, аниқроғи, рабиулаввал ойининг иккинчи кунида дорулбақога реҳлат қилган пайғамбар сафар оyi чиққани хушхабарини биринчи бўлиб етказган Уккоша исмли саҳобага жаннатий бўлгани ҳақида башорат берган⁵.

“Сабъаи сайёра”даги меърожномани Навоийнинг бошқа дostonларидаги меърожно-малардан фарқ қиладиган яна бир жиҳати шундаки, унда пайғамбар (сав)нинг Аллоҳ тало билан дийдорлашганларидан сўнг яна Маккага қайтиб келиш жараёни батафсил тасвирланган. Рафраф мақомида пайғамбар(сав)ни икки ҳамроҳи –Жаброил ва Буроқ кутиб олади, аммо расулulloҳнинг сурат ва сийратида пайдо бўлган катта ўзгаришлар уларни ҳайратга солади. “Лайли ва Мажнун” дostonида “Йўқ жисмиға кимса ҳамлидин дард” дея сифатланган Буроқ ул зотнинг Илоҳий ҳикмат ва раҳматдан тўла жисмини кўтарганида бели букилиб қолади:

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Сабъаи Сайёр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.290.

2 Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ, 2-жилд. –Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.-Б.579.

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Сабъаи Сайёр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.292.

4 بديع الزمان فروزانفر 'احاديث مثنوي' انتشارات دانشگاه تهران' ص ۳۵۹

5 بديع الزمان فروزانفر 'بحر در كوزه' ص ۴۰۰

*Маркаби орқасини айлаб хам,
Ким, анга юкланиб ики олам.¹*

Мазкур байтда Борлиқнинг барча сир-асрорини ўзида мужассам этган “суғро олами” – Ҳазрати Инсоннинг шукуҳ ва жалоли ифода этилган. Ваҳдат олаmidан касрат оламига қайтишда малаклар ҳар бир фалақда унинг истиқболига чиқиб, шоҳларни кутиб оладиган қўшиндек икки томонда саф тортиб, ер ўпишади:

*Ҳар саф ул ергача бўлиб ҳамроҳ,
Ки қуйи амр қилмай андин Илоҳ².*

Меърож сайри Каъбанинг ёнида тугайди. Сафарда жисм ўзи билан бирга бўлгани билан лекин унинг туфроғи пок нурдан иборат эканлиги қуйидагича талқин қилинган:

*Қайдаким, бўлди сайри афлоки
Ҳамраҳ эрди анга тани хоки.
Ким анга жисм гарчи хок эрди,
Лекин ул хок нури пок эрди.³*

Мумтоз бадиъ илми талаблари бўйича, бир неча қисмдан иборат бўлган ва катта ҳажмдаги жанрларда мавзу ва оҳанг жиҳатидан турлича бўлган қисмларни бир-бирига мантиқий боғлаш ва янги мақсадга қўчиш учун бир ёки бир неча тахаллус байти ёзмоқ лозим бўлган. Масалан, қасиданинг биринчи қисми баҳор ёки гўзал ёр васфида бўлса, асосий қисм – мадҳ қисмига ўтишда бир ёки бир неча байт мантиқий кўприк вазифасини бажаради. Достонларнинг муқаддима бобларининг охирида ҳам келгуси боб учун дебоча вазифасини бажарувчи байтлар келтирилган. Меърож наът бобларидан кейин келгани сабабли, наътнинг сўнгги байтларини ҳам меърож ҳодисасига тааллуқли, деб ҳисоблаш мумкин. Жумладан, “**Садди Искандарий**” достонидаги наът боби қуйидаги байт билан яқун топган:

*Рикобингда човуш ўлуб Жабраил,
Бу маъниға меърож шоми далил.⁴*

Маълумки, “Садди Искандарий” ҳажм жиҳатидан “Хамса” таркибидаги энг йирик достон ҳисобланади. Шу боис ундаги меърожнома ҳам бошқа меърож бобларига нисбатан анча йирик: у 122 байтдан иборат. Сарлавҳада “мо зоғал-басару ва мо тағо” ҳамда “қоба қавсайни ав адно” оятлари далил сифатида иқтибос қилинган. Воқеалар ривожу бу достонда ҳам “Сабъаи сайёра”га ўхшаш. 9-байтга келганда тун тасвирланади. Жабраил билан Буроқнинг келиши ва тавсифига 7 байт ажратилган. Агар “Сабъаи сайёра”да Буроқ оти кўз етар жойни

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Сабъаи Сайёр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.293.

2 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 7: Сабъаи Сайёр. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.294.

3 Ўша манба, 29-бет

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.22.

бир қадамда билан боса олади, деб тавсифланса, “Садди Искандарий” да муболаға игроққа айланиб, унинг тезлиги кўз назаридан юз маротаба тезроқ, дея талқин қилинади:

*Қаёнким солиб гом пайки назар,
Юз онча қилиб гоми онинг гузар¹.*

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Ҳадис ва ҳаёт” туркумидаги “Нубувват ва рисолат китоби” да меърож ва исро ҳодисаси тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтиради: **“Муҳаддислар ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу васаллам хуфтон намозидан сўнг Умму Ҳониъ бинти Абу Толибнинг уйида ухлаб ётганларида Исро ҳодисаси бошланди. Ўша кечада Байтул Мақдисга Буроқ номли ҳайвонга миниб бордилар. Сўнгра у ердаги катта харсангтош устида турганларида Меърожга кўтарилдилар.”** “Садди Искандарий” достонида ҳам самовий сафарнинг биринчи босқичи Байт ул-ҳарамдан Ақсо масжидигача бўлган масофани қамраб олади:

*Чу отланди рокиб, нечукким дарахш,
Бурун сурди Байт ул-ҳарам уза рахш.
Яна пўяда қўйди Ақсоға юз,
Не ақсога юз, чархи аълога юз.³*

Етти фалакни сайр этишда фалак муваккиллари– Қамар, Аторид, Зуҳра, Қуёш, Баҳром, Муштарий ва Зуҳал Муҳаммад пайғамбарнинг файз дарёсидан баҳраманд бўладилар. Жумладан, ой унинг абадий нури қувват олиб, даражаси Қуёшдан ҳам баланд бўлади. Бошқача қилиб айтганда, у Қуёш нурининг сарчашмасидан бевосита озиқланади. Асотирларда қалам аҳлининг ҳомийси саналадиган Аторид сайёраси илмлар хазинаси бўлган уммий – хотамуланбийёга дуч келганидан сўнг иктисобий – ақлий билимларни қўйиб, равон илми – руҳоният илми билан шуғуллана бошлайди:

*Чу рахши икинчига урди қадам,
Аторидға синди давоту қалам.
Кўруб уммийи илмлар махзани,
Равон илми касб этмак ўлди фани.⁴*

Навоий коинот мушоҳадасига тўсиқ бўладиган ҳижоблар мажмуини “ваҳдат саропардаси” дея талқин қилади. Бу “ваҳдат саропардаси” етмиш минг зулмат ва нурга қоришган ҳижобдан иборат бўлиб, улар ҳам Аллоҳнинг инояти билан бартараф бўлади:

*Бўлуб рафъ ўзлук аро пардаси,
Падид ўлди ваҳдат саропардаси.*

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.23..

2 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Нубувват ва рисолат китоби. –Т.: Мовароуннаҳр, 2006. 176

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.24..

4 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.24.

*Ниқоб анда етмиш минг этти зухур,
Анинг кўпраги зулмат, озроғи нур.
Ки, рафъ этти борин ҳидоят ели,
Ҳидоят ели, йўқ, иноят ели¹.*

Тасаввуф адабиётида Ҳаққа етишиш, Унинг висолидан баҳраманд бўлиш ҳолати саҳв, Ҳаққа етган солиқнинг Илоҳ висолидан кейинги ҳолати эса сукр, деб аталади. Навоий меърожномаларида Муҳаммад пайғамбарнинг Ҳақ сари қилган сафари ва Ҳақдан халққа қайтиш йўли ана шу икки ҳолатнинг олий намунаси сифатида тасвирланган. “Садди Искандарий” достонидаги меърож боби ҳам муножот оҳангидаги байтлар билан яқунланади. Бу ҳам сабабсиз эмас, албатта. Ислом тарихидан маълумки, меърож ҳодисаси нубувватнинг 12-йилида содир бўлган. Бу йиллар ислом пайғамбари учун энг оғир йўқотишлар (Хадича онамиз ҳамда амакилари Абу Толибнинг вафоти) рўй берган, мушриклар таҳдиди кучайган давр эди. Ана шундай оғир пайтда умидсизлик кайфиятини сўндириш мақсадида “Исро ва Меърож орқали Аллоҳ таоло Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам оддий йўлбошчи эмас, анбиёлар жамоасининг аъзоси эканларини эълон қилди. У киши баъзи давлат ёки баъзи халқ учун курашадиган бошлиқ эмас, самовий таълимот орқали бутун дунёни икки олам саодатига бошловчи хотимуланбиё эканликларини эълон қилди.

Исро ва Меърож Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳзунликдан чиқишлари учун туртки бўлди.”² Бу маҳзунликнинг шодлик ва сурурга айланганининг асосий сабабларидан бири – уммати шафоатини қозонгани ва бутун оламга айни раҳмат қилиб юборилганидир. Имон аҳли ҳамиша Аллоҳ раҳмати ва пайғамбар шафоатидан умидвор бўлиб яшайдилар. Навоий ҳам шафоати набавий ва раҳмати илоҳийдан умидвор эканлигини қуйидагича таърифлаган:

*Навоийға бўлса гунаҳ беҳисоб,
Анга ҳам гуноҳиға ҳам неҳисоб.
Шафеъ ўлғон ўлса бу янглиғ расул,
Ҳақ ул навъ ани қилғон ўлса қабул,
Иши неча журм ичра мушқилдурур,
Бағишланғон эл ичра дохилдурур³.*

“Хамса” дostonларидаги меърожномаларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

– меърож ҳодисаси Навоийни ҳамиша инсон камолотининг юксак намунаси сифатида ҳайратда қолдириб келган ва буни ҳар дафъа қалам тебратганида турли воситалар билан баён этган;

– меърож кечасини тасвирлашда шу ҳодисага оид бўлган барча оят ва ҳадислар Навоий учун бирламчи манба ва илҳом сарчашмаси сифатида хизмат қилган. Бошқача қилиб айтганда, меърож кечасига оид бирорта оят ё ҳадис йўқки, Навоий унга мурожаат этмаган бўлса;

1 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.27.

2 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Нубувват ва рисолат китоби. –Т.: Мовароуннаҳр, 2006. -Б.197

3 Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж 8: Садди Искандарий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.- Б.30.

- Навоий бу бобни ёзишда ўз салафлари – Низомий, Амир Хусрав ва Жомийга изидан боради. Яъни, меърож ҳодисасини сўфиёна талқинда беришга ҳаракат қилади;
- “Хамса”даги меърожномалар Навоийнинг диний-фалсафий дунёқарашини ўрганишда очқич вазифасини бажариши шубҳасиз. Чунки бу бобда ислом фалсафасининг асосий масаласи – Инсон ва Худонинг ўзаро муносабатлари таҳлил қилинган;
- меърожнома гарчи анъанавий мавзу бўлса-да, лекин ҳар бир шоирнинг ижодкорлик салоҳияти ва тафаккур даҳосини намоён эта оладиган ўзига хос бир майдондир. Навоий “Хамса”сидаги меърожномаларни ҳар бирининг ўзига хос оҳанги, услуби ва тили бор. Масалан, осмондаги ўн икки бурж дostonларда қуйидагича номланган:

Т/Р	Ҳайрат ул-аброр	Фарҳод ва Ширин	Лайли ва Мажнун	Сабъаи сайёра	Садди Искандарий
1	Ҳамал	Ҳамал	Ҳамал	Ҳамал	Ҳамал
2	Ассор	Савр	Савр	Савр	Савр
3	Жавзо	Икки пайкар	Жавзо	Жавзо	Ик(к)и пайкар
4	Саратон	Харчанг	Саратон	Саратон	Харчанг
5.	Шер	Шери нар	Шер	Асад	Шер
6	Сунбула	Хўша	Хўша	Сунбула	Хўша
7	Пала	Каффа	Тарозу	Мезон	Мезон
8	Ақраб	Чаён	Ақраб	Ақраб	Чаён
9	Қавс	Ёй	Ёй	Қавс	Ёй
10	Жадй	Жадй	Қўчқор	Жадй	Ўчку
11	Далв	Далв	Қўбқа	Далв	Қўбқа
12	Хут	Хут	Хут	Хут	Хут

Кўриниб турганидек, мазкур буржлардан фақат иккитаси – Ҳамал ва Хут буржларининг номлари ўзгаришсиз келган. Қолган буржларни тавсифлашда Навоий форс ва туркий нужум илмида қўлланиладиган атамалардан моҳирлик билан фойдаланган. Ёки меърож кечасида хотамуланбиёга ҳамроҳлик қилган Жабраил ва Буроқ образларини олайлик. Жабраил “сойири улвий мақом”, “қосиди қудсий”, “пайк”, “ҳамраҳ” (“Ҳайрат ул-аброр”), “бариди ҳомили роз”, (“Фарҳод ва Ширин”), “бариди нурбахш”, “йўлдош” (“Лайли ва Мажнун”), “қосиди жаҳонпаймо”, “тез ҳамроҳ”, “ҳорғон малак”, (“Сабъаи сайёра”) “тойири барқсайр”, “Арш айвонининг тойири”, “Жабраили амин”, “паём овари раҳнавард”, “раҳбар”, “ҳамқадам”, “пайки афлок гард” (“Садди Искандарий”) деб сифатланса, Буроқ оти “тойири улвий хиром”, “рахш”, “маркаби фархундафол”, “бораи суръатнамо”, “тавсан”, “раҳрав” (“Ҳайрат ул-аброр”), “Буроқи барқпарвоз”, “гармрав”, “рахши новард”, “саманд” (“Фарҳод ва Ширин”), “маҳзи нур рахш”, “равандаи самовий”, “барқи гармрав”, “Буроқи барқдав”, “фариштаи биҳишти”, “маркаб”, “маркаби сабукпай” (“Лайли ва Мажнун”), “рахши осмонпаймо”, “маркаби ҳумоюн бол” (“Сабъаи сайёра”), “барқтайр”, “хулд бўстонининг сойири”, “товуси хулди барин”, “Буроқи сабук сайри қудсий сиришт”, “рахши гардуннавард” (“Садди Искандарий”) каби образли иборалар билан тавсифланган. Бизнинг назаримизда, “Хамса” дostonларини қиёсий таҳлил қилиш, уларнинг оригиналлик даражаси ва новаторлик маҳоратини аниқлашда ана шундай истиора ва ташбиҳларга алоҳида эътибор қаратиш фойдадан холи бўлмайди.

ХУЛОСА

Умумий тарзда баҳолайдиган бўлсак, ўзбек адабиётшунослиги улуг Навоий меросини тадқиқ қилишда бугунги давр талабларидан келиб чиқиб, янгича қараш ва янгича изланишлар сари дадил илдамламоқда. Айниқса, Навоий шеърини бадиий оламининг ранг-баранглиги, диний-фалсафий дунёқараши, мангу ва барҳаёт ғояларнинг қай йўсинда ифода этилиши кенг миқёсда ўрганилмоқда. Ана шундай кенг қамровли жараёнда, табиийки, ўз ечимини кутаётган янги муаммо ва масалалар, долзарб вазифалар пайдо бўлмоқда. Мазкур монографияда тадқиқ этилган масала ҳам ана шу табиий жараённинг маҳсулидир.

Тадқиқот жараёнида ҳосил бўлган хулосаларни мухтасар қилиб қуйидаги тарзда ифода этиш мумкин:

1. Адабиёт сўз санъати бўлгани боис ҳар бир воқеликка, энг аввало, бадиият нуқтаи назардан қарамоқ лозим бўлади. Шу сабабли монографияда Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг маъно-моҳиятини шеърга сингдириш усуллари тасниф қилинди ва шу асосда қўлланилган иқтибос, ақд, таржима, талмиҳ, ишора каби бадиий санъат намуналарининг моҳияти очиб берилди.

2. Алишер Навоий ўз асарларида Қуръон оятлари ва ҳадис матнидан қуйидаги усул ва воситалар орқали фойдаланганлиги исботланди:

- оят ва ҳадис матнини айнан, ўзгаришсиз келтириш;
- аруз вазни талабига мувофиқлаштириш йўлида оят ва ҳадислар матнига жузъий ўзгаришлар киритиш;
- оятлар ва ҳадисларнинг маъноларини таржима қилиш;
- ислом дини таълимоти ҳамда дин тарихига оид шахслар ва воқеаларга ишора қилиш орқали фикрни қувватлантириш;
- муайян фикрни ифода этиш жараёнида Қуръон оятлари ва ҳадис мазмунига ишора қилувчи деталларни қўллаш;
- оят ва ҳадислар маъносини ҳикоялар замирига сингдириш, улар асосида яхлит сюжетлар яратиш;
- пайғамбарлар, фаришталар, илоҳий мавжудотлар ҳамда залолатга юз тутган диний-тарихий шахсларни улар ҳақида нозил бўлган оятлар ва ривоят қилинган ҳадислар асосида сифатлаш.

3. Айрим тадқиқотларда Қуръон оятлари ва ҳадисларни ўзгаришсиз – айнан келтириш тазмин ёки муламмаъ санъати ёрдамида амалга ошган, деб ҳисобланган. Мумтоз адабиётшунослигимизга оид манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида оят ва ҳадисларнинг асл матни шеърда тазмин ва муламмаъ санъати воситасида эмас, балки мустақил маънавий санъатлар – иқтибос ва ақд санъати воситасида қўлланилганлиги кўрсатилди. Шунингдек, иқтибос ва ақд санъатининг вужудга келиш шарт-шароити ҳамда зарурати мухтасар таҳлил қилинди.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида иқтибос санъати ҳақидаги таърифларда таржима санъати хусусиятлари ҳам унга нисбат берилган. Иқтибос, ақд, таржима, талмиҳ ва ишора санъатлари қиёсий равишда тадқиқ қилиниб, Навойдан келтирилган мисоллар воситасида уларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари кўрсатилди. Қуръон оятлари ва ҳадислар матнини айнан келтириш ислом минтақасидаги адабиётда анча олдин шаклланган бўлса-да, лекин иқтибос алоҳида санъат сифатида XV аср Ҳирот адабий муҳити адабиётшунослигида қайд қилинган. Бадиъ илмига оид манбаларда келтирилган иқтибос ҳақидаги маълумотлар қиёсий тарзда ўрганилиб, шу хулосага келиндикки, иқтибос муламмаъ санъати негизда шаклланган бўлиб, шеърда Қуръон оятлари ва ҳадиснинг асл матнини айнан келтириш

баёни воситаси ҳисобланади. Агар оят ё ҳадис шакли ўзгартирилган ҳолатда келса, ақд санъати, мазмуни берилса – таржима санъати сирасига киради. Иқтибос, ақд ва таржима санъати ёрдамида қўлланилган оят ва ҳадислар шеърда ифода этилган муайян фикр ё ғоянинг инкор ёки тасдиғи учун далил сифатида хизмат қилиши билан биргаликда бошқа адабий-эстетик вазифаларни ҳам бажариши мумкин. Навоий шеъриятида қўлланилган оят ва ҳадислар кўздан кечирилганида шу нарса аниқландики, бу оят ва ҳадисларнинг аксарияти ўрта аср ислом оламида ҳикмат ё мақол даражасида маълум ва машҳур бўлган. Жумладан, “Хайр ун-носи ман янфаъ ун-нос” ёки “Хайр ул-умури авсатуҳо” ҳадислари аслиятда омма орасида кенг ёйилган ҳикматлардан бўлиб, улуғ Навоий бу ҳадисларнинг турли қирраларини моҳирлик билан очиб беришга эришган. Бу, бир томондан, Навоий шеъриятини англашда Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмунидан хабардор бўлиш лозимлигини билдирса, иккинчи томондан, илоҳий оят ва набавий ҳикматлар замирида яширинган маъно қатламларини очиш, уларни янада кенг ва қўламлироқ англаш учун Навоий каби улуғларнинг ижодиётини ҳар томонлама ўрганишни тақозо этишини кўрсатмоқда.

Мумтоз адабиётимизда шаклланган тасниф одоби бўйича, дostonлардаги муқаддима боблар ҳамд, наът ва муножот сингари анъанавий мавзуларга бағишланган. Бу боблар сиртдан бир-бирига ўхшаш бўлса ҳам, лекин шоирнинг диний-фалсафий дунёқарашини очишда ўзига хос калит вазифасини бажаради. Қолаверса, айнан ана шу муқаддимавий боблар ўз навбатида шоирнинг эътиқод баённомаси ҳамдир. Шу сабабли, “Хайрат ул-аброр” дostonининг биринчи – басмала боби Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомийнинг дostonларига муқояса қилиш усулида Қуръон ва ҳадисдан қай усулда фойдаланилганлиги таҳлил қилинди. Навоийнинг “Хамса”си жавобия тарзида ёзилган бўлса-да, унда шоирнинг новаторлиги биринчи мисраларданоқ маълум бўлади. Басмала боби мустақил, мавзу, ғоя ва шакл нуқтаи назаридан ҳамд, наът ва муножот бобларидан кескин фарқ қиладиган тарзда ёзилгани бунга ёрқин далилдир. Мазкур бобнинг услуби ва композицион тузилишида ҳам Қуръон суралари илҳом сарчашмаси вазифасини ўтаган.

Навоий шеъриятида иқтибос йўсинида энг кўп мурожаат этилган мавзу – ахлоқий-дидактик мазмундаги оят ва ҳадислар ҳисобланади. Навоий энг аввало, динни инсон руҳини камолотга элтувчи восита, деб қараган. Қолаверса, адабиёт тарихида ўзининг диний-мазҳабий қарашларини тарғиб қилиш учун шеър воситасидан фойдаланган ижодкорлар ҳам таллайгина. Улуғ Навоий эса ўзининг умуминсоний ва барҳаёт ғояларини ифодалашда дин асосларидан энг ишончли манба ва қудратли восита сифатида фойдаланган. У ислом динини чекловчи ақидалар мажмуи эмас, балки барча билимлар мажмуини ўзида ифода эта олган, руҳий покланиш ва камолот сари етакловчи куч, яхлит маърифат сифатида баҳоланган.

Навоий Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмунини шеърда сингдиришда, асосан, таржима, талмиҳ ва ишора санъатларидан фойдаланган. Тўлиқ таржима санъати асосида яратилган “Арбаъин”дан ташқари, бир қанча қитъа, девон ва “Хамса”даги айрим байтлар ҳам борки, уларда оят ва ҳадислар мазмуни ўзбек тилида берилган. Таҳлил жараёнида шу нарса маълум бўлдики, Навоий ҳадислар таржимасига бағишланган қитъаларида “Арбаъин”га нисбатан анча эркин қалам тебратган. Бу қитъаларда таржимадан кўра, шоирона талқин кучли. Аммо улуғ шоир ана шу талқинда ҳам ислом тарихи “детал”ларидан моҳирлик билан фойдаланиб, ҳадис ва оятларга янгича жило беради.

9. Тадқиқот доирасига киритилган талмиҳ бадий санъати ўзбек ўқувчисига нисбатан маълум. Мисол тариқасида олинган “Хазойин ул-маоний” девонида талмиҳ қилинган образларнинг аксарияти Қуръон ва ҳадисда зикр этилган шахслардир. Фақат “Фавойид-ул-кибар” девонида тарихий шахслар Қуръони каримда тилга олинган сиймоларга

нисбатан кўпроқ зикр этилган. Аммо ушбу 36 кишидан 30 нафари Навоийнинг “Соқийнома”сида тилга олинган замондошлари бўлганлиги ҳисобга олинса, у ҳолда бу девонда ҳам диний қиссалар асосида яратилган образлар анча салмоқли эканлигига гувоҳ бўламиз.

Ишора санъати тўғрисида XV аср Ҳирот адабий муҳитида яратилган бадиий санъатлар тўғрисидаги манбаларда маълумот берилмаган. Аммо бу санъат араб адабиётшунослигининг дастлабки обидалари – Ибн Мўътаз, Қудома ибн Жаъфар ва Муҳаммад ал-Аскарӣ асарларида тилга олинган. Мазкур маънавий санъат Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадислари маъносига ишора қилиш орқали шеърга полифоник руҳ бағишлаш, маъно кўлами ва сўз залворини ошириш, ўқувчини ранг-баранг маънолар олами билан нозик баён воситасида ошно қилиш ва уларга такрорланмас эстетик завқ бағишлаш мақсадида ҳосил бўлган. Умумий тарзда олганда, Навоийнинг барча шеърларини диний-тасаввуфий йўсинда шарҳлаш мумкин. Сўнгги йилларда бунга мойиллик кучаяётгани сезилмоқда. Фақат Навоийни эмас, ҳатто тасаввуф ва ирфон кўчасидан ўтмаган айрим замондош шоирларнинг шеърларини ҳам ислом фалсафасига боғлаб тушунтиришга уринишлар кўзга ташланмоқда. Ана шундай баҳсли ҳолатларда шеърда ишора санъати қўлланилганлиги ёки қўлланилмаганлиги масалага анча ойдинлик киритади. Чунки ишора санъати қўлланилган байтда, албатта, муайян оят, ҳадис ёки ҳикмат мазмунига ишора қиладиган белги – сўз ё ибора мавжуд бўлади. Ана шу белги – кўрсаткич байт замирида яширинган маъно олами очишга ёрдам беради. Ушбу тадқиқотда ишора санъати қўлланилган айрим байтлар Қуръон оятлари ва ҳадислар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинди ва ишора санъатининг хусусиятлари ва қўлланиш усуллари Навоий шеърляти мисолида кўрсатиб берилди.

Истиқлолдан сўнг ислом фалсафаси, айниқса, тасаввуф илмига бўлган қизиқиш ва интилиш кучайгани сабабли, комил инсон тушунчаси тўғрисида қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Қолаверса, комил инсон ғояси миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан ҳисобланади. Барча илмий адабиётлар, айниқса, ислом фалсафасида Муҳаммад пайғамбар (сав) комил инсоннинг олий тимсоли эканлиги таъкидланса-да, айрим ишораларни ҳисобга олмаганда, бу буюк зот шахсияти ҳалигача тўлиқ тадқиқот доирасига киритилмаган. Шунини ҳисобга олган ҳолда, учинчи бобда Навоий шеърлятида Муҳаммад пайғамбар (сав) сиймоси ҳақида мулоҳаза юритилди. Асосий эътибор шоирнинг бу сиймони тасвирлашда Қуръон оятлари ва ҳадислардан қай даража манба сифатида фойдаланганига қаратилди. Қуръонда Муҳаммад исми атиги тўрт маротаба учраши, Навоий шеърлятида ҳам айни шу ҳолат кузатилиши ва бунинг сабаблари аниқланди. Навоий пайғамбаримизнинг Қуръон ва ҳадисда қайд этилган исм ва сифатларининг деярли барчасини назм силкига тортган мутафаккир шоирдир. Шунингдек, унинг шеърлятида Муҳаммад пайғамбар (сав) “камол аҳли ичра энг акмал” сиймо сифатида гавдаланган. Бу шеърлят шунчаки хаёлот ва романтик кайфият кўзғатувчи муболағали тасвир маҳсулидан иборат бўлмай, балки деярли ҳар бир ибора, ҳар бир ташбиҳ ёки истиора муайян оят, ҳадис ёки тарихий воқеа асосида шаклланган. Бу эса улуғ Навоийнинг ислом дини тарихи ва фалсафасидан нечоғли пухта хабардор эканлигидан далолат беради.

Достонларнинг муқаддима бобларидан бири, анъанага мувофиқ меърож ҳодисасига бағишланган. Меърож ҳодисасига ислом тарихида турлича муносабат билдирилган ва, табиийки, бу адабиётда ҳам тасвир ранг-баранглигига олиб келган. Навоий достонларидаги меърожномалар мазмун ва талқин нуқтаи назаридан салафлари, айниқса, устози ва нақшбандия тариқатининг етук намояндаси Абдурахмон Жомий қарашлари билан ҳамоҳанг. Аммо тасвир ва шоирлик маҳорати даражасида қиёсланганда, бу меърожномалар бир-биридан кескин фарқ қиладиган, адабий маҳорат борасида ҳам такрорланмас оригинал асар

эканлигидан гувоҳлик беради. Бу нарсага эришиш учун улуғ шоир ҳар бир тасвирда муайян оят ва ҳадис тафсили, талқинига алоҳида эътибор қаратган ва шу тариқа тасвир ва баён мустақиллигини сақлаб қолишга эришган. 13. Навоий талқинида, олам яралишидан мақсад инсон бўлса, инсоният яралишидан мақсад камолотнинг олий намунаси ҳисобланмиш ҳазрат Муҳаммад (сав)дир. Олам яралишидан асосий мақсад комил инсон экан, демак, камолотга интилиш, ҳайвоний хислатлардан покланиб, илоҳий сифатлар билан безаниш ҳар бир кишининг мақсад-муддаосига айланмоғи зарур. Навоий шеърляти ва ислом дини таълимоти ўртасидаги муштараклик ва ҳамоҳангликни таъминловчи энг асосий ғоя ҳам ана шу.

Навоийнинг инсонпарварлик, хурфикрлик ва диний бағрикенглик ғояларига асосланган диний-тасаввуфий қарашларига асос бўлиб хизмат қилган оят ва ҳадисларни аниқлаш, айниқса, ҳозирги ислом оламида катта сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар юз бераётган бир даврда вужудга келаётган ақидавий муаммоларни ижобий ҳал этиш, мутаассиблик ва экстремизмнинг зарарли ғояларига қарши мафкуравий кураш олиб бориш, энг муҳими, ислом динининг асл моҳияти маърифат ва камолот эканлигини илмий нуқтаи назардан кўрсатиб беришда ҳам илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Абдуазизов А.А. Алишер Навоий меросининг хорижий элларда ўрганилиши. –Т.:Фан,1991. – 486.
- Абдуғафуров А.А. Буюк бешлик сабоқлари. –Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. -248б.
- Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича). – Фил.ф.д. ... дис. – Т.: 1998.-295б.
- Абдуқодиров А. Навоий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Хўжанд: Р.Жалил номидаги Хўжанд Давлат нашриёти, 1995. – 32б.
- Абуали Муҳаммад Балъами. Таърихи Табари/ Таҳияи М. Умаров ва Ф.Бобоев. Чилди 1. – Техрон: Замон, 2002. - 562б
- Абуали Муҳаммад Балъами. Таърихи Табари/ Таҳияи М.Умаров ва Ф.Бобоев. Чилди 2. – Техрон: Замон, 2002. - 656б
- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ, 4-жилдлик. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти,1992. 1-жилд.-560б.
- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ, 4-жилдлик. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти,1997. 2-жилд.-608б.
- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ, 4-жилдлик. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти,1995. 3-жилд.-560б.
- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳиҳ, 4-жилдлик. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти,1992. 4-жилд.-528б.
- Азимов М. Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти. – Т.: Минҳож, 2003. – 242б.
- Азимов Ю.Ю. Абдурахмон Жомийнинг “Хирадномайи Искандарий” достонининг қиёсий-типология таҳлили. Фил.ф.н. ... дис. – СамДУ, 1996.-165б.
- Айни С. Асарҳо. Чилди 12. – Душ.: Ирфон, 1976. 450б.
- Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-томлик/ Э.Й. Фозилов таҳрири остида. 1-том. – Т.: Фан, 1983.-656б.
- Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-томлик/ Э.Й. Фозилов таҳрири остида. 2-том. – Т.: Фан, 1983.-644б.
- Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-томлик/ Э.Й. Фозилов таҳрири остида. 3-том. – Т.: Фан, 1984.-624б.
- Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-томлик/ Э.Й. Фозилов таҳрири остида. 4-том. – Т.: Фан, 1985.-636б.
- Аттор Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр/ Жамол Камол таржимаси. – Т.:Фан, 2005.-348б.
- Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. -226б.
- Бекова Н.Ж. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва “Рух ул-қудс” қасидасининг бадиияти. – Фил.ф.н. ... дис. – Т.: 2003. -137б.
- Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. –М.: Наука, 1965.-574б.
- Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. – М.: ИВЛ, 1960.-556б.
- Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965.- 468б.
- Бертельс Е.Э. Роман об Александре Македонского. – М.Наука, 1972.-420б.
- Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996.-334б.

- Бозорова Н.П. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида). – Фил.ф.н. ... дис. – Т.: 2004. - 135б.
- Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. – Т.: Адолат, 2004.-192б.
- Болтаев М.Н. Имом Ғаззолийнинг ирфоний таълимоти// БухДУ илмий ахборотлари. – БухДУ, 2002. №2. – Б. 2-7.
- Ботирхон Акрам. Фасоҳат илмининг соҳибқирони. – Т.: Ўзбекистон, 1991. -224б.
- Валихўжаев Б. Арбаин ҳадис ва унинг таржималари // Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари (мақолалар тўплами). – Т.:Фан, 1993. – Б.126-135.
- Вахидов Р.Ж. Взаимосвязи узбекской и персидско-таджикской литератур во II половине XV- нач. XVI вв.(историко-типологический аспект): Дис. ... докт.фил.наук. – Т., 1998. – 340б.
- Воҳидов Р. Алишер Навоийнинг ижод мактаби. Бухоро: Бухоро нашриёти, 1994.-187б.
- Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 1994.-208б.
- Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси (“Хамсат ул-мутаҳаййирин” ва “Мажолис ун-нафоис” ҳақида қайдлар). – Т.: 1992. -128б.
- Жирмунский В. Теория литературы. Поэтика, Стилистика. – М.: Наука, 1972.-407 б.
- Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. –Т.: Камалак, 1996.-320б.
- Жўраев Ҳ.А. Алишер Навоийнинг кексалик даври лирикаси: Фил.ф.н. ... дис. –Т.: 1993.-128б.
- Зеҳни Т. Санъати сухан. Душ: Ирфон, 1972. – 368 б.
- Имоми Аъзам. Асарлар / Таржимон ва сўзбоши муаллифи А.Баҳромов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. -304б.
- Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. 352б.
- Ислом энциклопедияси. Т.: Шарқ, 2004. -450б.
- Исматов Б. Пантеистическая философская традиция персидско-таджикской поэзии. IX-XV вв. – Душ.: Ирфон, 1986.-286б.
- Исомиддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. -148б.
- История узбекской литературы. В 2-х томах. Том I. С древнейших времен до XVI вв. – Т.: Фан, 1987.- 485б.
- Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Т.: Фан, 1965.-136б.
- Исҳоқов Ё.Навоий поэтикаси. Т.: Фан, 1983, -268б.
- Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Т.: Зарқалам, 2006. -128б.
- Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (адабий-тарихий таҳлил). Фил.ф.д. ... дис. Т.: 1993. -281б.
- Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан,1993. –96б.
- Кароматов Ҳ. Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси. –Т.:Фан,1998. –96б.
- Комилов Н. Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати. – Фил.ф.н. ... дис. – Т.: 1970. -349б.
- Комилов Н. “Аҳд қилдим ишқ лафзин...” – Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. – Т.: Камалак, 1991. -192б.
- Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. -228б.
- Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон ҳамда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётлари, 1999. -256б.
- Комилов Н. Хизр чашмаси. – Т.: Маънавият, 2005. -280б.
- Комилов Н. Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият, 1998. -320б.

- Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – М.: Наука, 1983.-264б.
- Маллаев Н. Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. -348б.
- Мец А. Мусульманский ренессанс. – М.: Наука,1968.- 560б.
- Мирзоев А. Сездаҳ мақола. (Аз таърихи адабиёти асрҳои X-XV тоҷики-форси). – Душ.: Ирфон, 1977.-188б
- Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика. –М:Наука, 1989.-240б.
- Меъроҷнома /Нашрга тайёрловчи, Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳаққул И., Рафъиддин С. – Т.: Мовароуннаҳр, 1995.- 96б.
- Муллахўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалиётита тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида). – Фил.ф.н. ... дис. – Т.: 2005. 148б.
- Муртазоев Б.Х. Сравнительное изучение “Семь планет” Алишера Навои и “Восемь райских садов” Амира Хусрау Дихлави. Автореф. дис. ... канд.фил.наук. – Т.: 1992.-22б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Бадоеъ ул-бидоя. – Т.: Фан, 1987.-620 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 2-том. Наводир ун-ниҳоя. – Т.: Фан, 1987.-624 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Фан, 1988.-616 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 1989.-560 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. Бадоеъ ул-васат. – Т.: Фан, 1990.-544 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990.-568 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 7-том. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Фан, 1991.-392 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 8-том. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Фан, 1991.-544 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 9-том. Лайли ва Мажнун. – Т.: Фан, 1992.-356 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 10-том. Сабъаи сайёр. – Т.: Фан, 1992.-447 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. Садди Искандарий. – Т.: Фан, 1993.-640 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 12-том. Лисон ут-тайр. – Т.: Фан, 1996.-328 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 13-том. Мажолис ун-нафоис. – Т.: Фан, 1997.-284 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. – Т.: Фан, 1998.-304 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Т.: Фан, 1999.– 266 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Бадоеъ ул-бидоя. – Т.: Фан, 1987.-620 б.
- Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 17-том. Насойим ул-муҳаббат

мин шамойим ил-футувват. – Т.: Фан, 1999.-636 б.

Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том. Девони Фоний. – Т.: Фан, 2000.-544 б.

Навоийнинг Ижод олами: Мақолалар тўплами /масъул муҳаррир И.Ҳаққул. – Т.: Фан, 2001. - 244б.

Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт/ Нашрга тайёрловчилар И.Ҳаққул, А.Бектош. –Т.: Мовароуннаҳр,2004.-320б.

Назриев Д. Библейско-кораническая история царя Соломона и ее преломление в персидско-таджикской литературе: Автореф. дис. ... докт. фил. наук. Душ.: 1996, 48 стр.

Низомии Ганчави. Куллиёт. Дар панҷ чилд. Чилди 1. Махзан ул-асрор. Душ.: Ирфон, 1983.-464б.

Низомов Ф.С. Алишер Навоий дунёқарашида умуминсоний қадриятлар муаммоси. – Фал.ф.н. ... дис. – Т.: 1996. – 153б.

Нишоннов А.Х. Фонетико-морфологический и лексико-семантический анализ арабизмов в языке Навои. Дис. ... канд. фил. наук. –Т.: 1990.-228б.

Ойбек. Навоий гулшани. – Т.: Бадиий адабиёт, 1967.-150б.

Олим Султонмурод. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996.-216б.

Олим Султонмурод. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Т.: Фан, 1992. -80б.

Олим С. Луқмайи ҳалол. – Т.: Маънавият,1998. – 192б.

Орипов М. Ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқий.// Сирли олам, 1993,2-сон. -23-27-б.

Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990.-240б.

Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. Иккинчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1991.-268 б.

Раҳмонов В. Шеър санъатлари (Ўзбек классик поэтикасидан қўлланма). – Ленинобод, 1972.

Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий (таржима шарҳи билан)/ Асқар Маҳкам таржимаси. Биринчи китоб. – Т.: Шарқ, 1999.-368б.

Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадир. / Улуғбек Ҳамдам таржимаси. – Т.: 1998.-142б.

Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

Рустамов А. Шоирнинг биринчи ғазали// Шарқ юлдузи.- 1987.№3. –Б.175-179.

Савари Э. Зиндагонии паямбари ислом. – Душ.: Деваштич, 2004. – 218б.

Салимов И.М. Алишер Навоийнинг бадиий образ яратиш маҳорати (“Садди Инкандарий” достони асосида). – Фил.ф.н. ... дис. – Самарқанд: 1993.- 147б.

Сафарова Ҳ.А. Рабғузийнинг “Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳиссалом” асари манбалари ва ғоявий-бадиий таҳлили. – Фил.ф.н. ... дис. – СамДУ, 2001. – 153б.

Сотиболдиева С.Р. Фоний ғазалларининг бадиияти (Фонийнинг Амир Хусрав Деҳлавий ғазалларига ёзган татаббўълари асосида). – Фил.ф.н. ... дис. –Т.: 2001. – 142б.

Соғуний Алихонтўра. Тарихи Муҳаммадий. – Т.: Шарқ, 2004. 450б.

Сироҷиддинов Ш. Навоий ғазалларида Оллоҳ мадҳи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2001 №1.– Б. 51-55.

Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. –М.: Наука, 1982.-328б.

Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М.: Наука, 1989.-284б

Степанянц М.Т. Концепция мусульманской космогонии. – С.-П.:Жемчужина, 2003. – 480б.

Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1969. -418б

- Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1989. – 341б.
- Тарозий Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунун ул-балоға/ Нашрга тайёрловчи А.Ҳайитметов. – Т.: Хази́на, 1996. -176б.
- Тоиров У. Қомуси қофия ва арӯзи шеъри Ачам. Душ.: Адиб, 1993. – 560 б.
- Тримингем Ж.С. Суфийские ордена в исламе. М.Наука, 1990.-326б.
- Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. –Т.: Истиқлол, 1999.-180б.
- Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.-110б.
- Фон Грюнебаум Г.Э. Основные черты арабо-мусульманской культуры. – М.: Наука, 1981. -346б.
- Шайхзода М. Асарлар. 6 томлик. IV том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. -372 б.
- Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр,2002.-228б.
- Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз.– Т.: Мовароуннаҳр,2005.-666б.
- Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 2-жуз.– Т.: Мовароуннаҳр,2005.-640б.
- Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 3-жуз.– Т.: Мовароуннаҳр,2006.-648 б.
- Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Т.: Мовароуннаҳр,2007. -450б.
- Шамс Қайс Розии. Ал-Мўъчам. – Душ.: Адиб, 1991. -464б.
- Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв). – М.: Наука, 1974.-260б.
- Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. – Т.Ўқитувчи, 1989. -112б.
- Эшонқулов Ҳ.П. Алишер Навоий шеърятда самовий тимсоллар (“Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-нихоя” девонлари асосида). – Фил.ф.н. ... дис. –БухДУ, 1999.-134б.
- Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. II том. – Т.: Фан, 1977.- 460б.
- Қаюмов А. “Ҳайрат ул-аброр” талқини. Ижтимоий-фалсафий мотивлар. – Т.: Фан, 1977. – 160б.
- Қисас ул-анбиё. – Душ.: Адиб, 1992. -378б.
- Қобилов У.У. Масих тимсолининг ўзбек мумтоз адабиётидаги бадиий талқини (XII-XV асрлар) – Фил.ф.н. ... дис. – СамДУ, 2001. -144б.
- Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. -160б.
- Қудсий ҳадислар /Б.Набихон ўғли таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 1997.-96б.
- Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. – Т.: Фан, 1994. -207б.
- Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. -672б.
- Ганиева С. Навоий насри нафосати. Т.: ТДШИ, 2002. – 244б.
- Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Т.: Маънавият, 2001.-64б.
- Ғаффоров Н.Н. Алишер Навоий “Хамса”сида сўфийлар тимсоли. – Фил.ф.н. ... дис. – Т.: 1999. -135б.
- Ҳасанов С. Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати. – Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.-378б.
- Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1970.-173б.

- Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. –Т.: Фан, 1971. -332б.
- Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. –Т.Ўқитувчи, 1993.-216б.
- Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1996.-160б.
- Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: Ўқитувчи, 1997.-238б.
- Ҳайитметов А. Исломий эътиқод ва буюк ижод маҳсули// Имом ал-Бухорий. 2001, №1. –Б.41-43.
- Ҳайитов Ш. “Маҳбуб ул-қулуб”да тасаввуфий жилолар. – Т.: Фан, 1996.-48б.
- Ҳаким ат-Термизий. Биз англаган ва англамаган ҳадислар / Таржима, изоҳлар ва сўзбоши муаллифи И.Мирзоев. – Т.: Мовароуннаҳр, 2006.-48б.
- Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти. Фил.ф.д. ... дис. Т.: 1993.- 346-б.
- Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – БухДУ, 2000.-144б.
- Ҳаққул И. Камол эт касбким. – Т.: Чўлпон, 1991.-240б.
- Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Т: Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. -284б.
- Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Т.: Маънавият, 1998. -160 б.
- Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Т.: Фан, 2007. -320 б.
- Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Т.:Юлдузча, 1987. – 224б.

МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ

(Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар)

Биринчи китоб

БЕБАҲО ХАЗИНА КАШФИЁТИ

Ҳамма вақтдан кўрқади, вақт эса эҳромлардан, дейди қадимги мисрликлар. Менимча, Ҳазрат Навоий шеърятни ҳақида ҳам шундай таърифни қўллаш мумкин. Беш асрдан ортиқ муддатда ўз шукуҳини йўқотмай келаётган бу шеърят эҳроми яна кўп мингйилликлар инсониятни эзгуликка, ҳақиқат ва гўзалликка чорловчи маёқ бўлишига зарра шубҳа йўқ. Муаммо – ушбу маънавий эҳромнинг нафосати ва шукуҳини ёш авлод қалби ва онгида инъикос эта билишда. Ўшанда биз назарда тутган эзгу мақсадимиз – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга қодир авлод камолини кўриш бахтига муяссар бўламиз.

Истиқлол даврида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кузатилгани каби Алишер Навоий ижодига холис ва ҳаққоний баҳо бериш учун кенг имкониятлар яратилди. Янги навоийшунослик фани қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни асосий мақсад қилиб белгилаб олди:

– Алишер Навоий асарларини матншунослик ва манбашунослик мезонлари бўйича тадқиқ этиш, янги манбаларни излаб топиш ва амалиётга жорий этиш, Навоий асарларининг турли нашрлари (илмий-танқидий, йиғма-қиёсий, академик, факсимил, оммабоп ва ҳ.к.)ни тайёрлаш ва чоп этишни изчил давом эттириш;

– Алишер Навоий даври, ҳаёти ва фаолиятига доир адабий, тарихий манбаларни танқидий ўрганиб, таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар асосида унинг тўлиқ биографиясини тиклаш;

– Алишер Навоий асарлари тилини лингвистик ва лингвопоэтик мезонлар асосида тадқиқ этиш ва шу орқали ўзбек адабий тилининг тарихий тадрижи ҳақида аниқ хулосалар бериш;

– Алишер Навоий асарлари мисолида ўзбек мумтоз адабиётининг назарий масалаларини ўрганиш;

– мусулмон Шарқи минтақасида бақамти ривожланиб келган араб ва форс-тожик адабиётининг анъаналарини ижодий ўзлаштириб, янги мазмун ва моҳият билан бойитган Алишер Навоий туфайли учинчи кучли адабий жараён – туркий халқлар адабиётининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тенденцияларини илмий ўрганиш ҳамда бу эврилишларда Навоий ижоди роли ва аҳамиятини кўрсатиш;

– таржимашунослик фани мезон ва меъёрлари асосида Алишер Навоий асарларининг жаҳондаги турли тилларга қилинган таржималарини ўрганиш, шоир асарларининг янги таржималарини амалга ошириш;

– ўзбек тасаввуф шеърятини Алишер Навоий асарлари роли ва аҳамиятини комплекс равишда ўрганиш, шеърятни ва насрий асарларида илоҳиёт ва диний маърифат масалаларини тадқиқ этиш;

– Алишер Навоий ва адабий алоқалар масалаларини компаративистик нуқтаи назардан ўрганиш, анъана ва новаторлик масалаларини таҳлил этиш;

– дostonларнинг насрий баёнини яратиш, лирик асарларга шарҳлар ёзиш, насрий асарларни ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқлаштириш каби усул ва воситалар орқали Навоийнинг синоатга тўла ижод оламига яқинлашиш ва ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш йўллари излаб топиш ва амалда татбиқ этиш;

– зуллисонайн шоирнинг “Девони Фоний” ҳамда бошқа форсий меросини тадқиқ этиш, Навоийнинг форс-тожик мумтоз адабиёти ривожига кўрсатган таъсирини ўрганиш, анъана ва новаторлик, татаббуъ, тавр ва мухтараъ ғазаллар ўртасидаги муштарак ва тафовутли жиҳатларни аниқлаш.

Истиқлол йилларида навоийшунослик йўналишида 80 га яқин номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди, 120 дан ортиқ рисола ва монографиялар нашр этилди. Шоир таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида, 560 йиллигида Навоий шаҳрида ҳайкаллар ўрнатилди; асарлари икки марта яхлит ҳолда чоп қилинди, “Хамса” туркумидаги беш дoston насрий баёни билан, “Хазойин ул-маоний” лирик асарлар куллиёти луғат ва изоҳлар билан эълон қилинди.

Алишер Навоийни халққа яқинлаштириш, унинг бебаҳо маънавий меросини ёшларимизнинг кўнгил мулкига айлантириш бир кунлик иш эмас. Бу – узоқ давом этувчи машаққатли ва изчилликни талаб этувчи жараён. Чунки, ҳар бир авлоднинг дунёқараши, жамият ва атроф-муҳитга муносабати, яшаш тарзи ўзига хос. Йигирманчи асрнинг ёшлари билан бугунги ёшларнинг қизиқишлари ўртасида ер билан осмонча фарқни кўришимиз мумкин. Аммо моҳият – ҳар томонлама етук баркамол Шахсни вояга етказиш ўзгармасдир. Шу сабабдан, замондошларнинг дунёқараши, жадал ривожланиб бораётган технократик оқимни ҳисобга олган ҳолда, бу масалага ҳам янгича ёндашиш заруратини тақозо этмоқда.

Миллий маънавиятимиз тамал тоши бўлган Алишер Навоий ижоди ҳақида гап кетганда, кўпинча китобхонларимиз асарларнинг тили мураккаблигидан қийналишларини билдирадilar. Улуғ бобокалонимиз қўллаган бой ва фасоҳатли тилнинг мағзини чақиш ўқувчи тугул, адабиёт ўқитувчилари учун ҳам анча мушкуллик туғдиради. “Навоий асарлари учун изоҳли луғат” ўттиз етти йил олдин чоп этилганлиги сабабли, кўпчилик бу луғатдан фойдаланиш имкониятидан маҳрумдирлар. Тезкорлик ва қулайликка мослашган бугунги китобхон қайсидир сўзни луғатдан қидиришга эринади. Шу билан бирга, мумтоз адабиёт намуналарини ўқиш ва ўрганишда оммабop, кўпчиликка енгил, тушунарли тилдаги талқин ва таҳлилларни яратиш эҳтиёжи ҳам мавжуд. Бу ишда шориҳнинг билими, дунёқараши, ифода қобилияти муҳим рол ўйнайди.

Истиқлол йилларида олимларимиз Алишер Навоий меросини тўлиқ, ҳеч қандай қисқартмаларсиз кенг ўқувчилар оммасига етказиб, шунинг билан бирга, бу бебаҳо маънавий хазинанинг мазмун-моҳиятини тушунтириш йўлида ҳам анча салмоқли ишларни амалга оширдilar. Айниқса, А.Рустамов, Э.Воҳидов, А.Ҳайитметов, Н.Комилов, И.Ҳаққул, Н.Жумаҳўжа, Б.Тўхлиев, Э.Очилов, С.Олим, К.Муллаҳўжаева, Д.Юсупова, З.Мамадалиева каби заҳматкаш навоийшуносларимиз мутафаккир шоирнинг ғазалларини шарҳ ва изоҳлар билан таъминлашда муносиб ҳисса қўшдилар. Айрим машҳур ғазалларга уч-тўртта мустақил шарҳлар яратилиб, жавоҳирдек серқирра тимсол ва образларнинг турли жиҳатлари очиб берилди.

Устозларнинг бу йўлдаги заҳматларини эътироф этган ҳолда айтиш лозимки, бу борада амалга оширилган ишлардан кўра қилинмаган ишларимиз кўп. Бу эса, шоирнинг адабий меросини содда ва тушунарли тилда кенг оммага етказиш масаласи ҳар қачонгидан долзарб бўлиб қолаётганидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қароридаги вазифалар ижроси мақсадида Ҳазрат Алишер Навоий ғазалларига шарҳлардан иборат ўн жилдлик “Маънолар хазинаси” китобини нашр этиш ишлари бошлаб юборилди. Китобда “Хазойин ул-маоний” куллиётининг биринчи девони – “Ғаройиб ус-сиғар” (“Болалик ғаройиботлари”) таркибига кирувчи 650 та ғазал луғат, насрий баён ҳамда шарҳ ва изоҳлар билан тў-

лиқ таъминланади. Ғазалларни шарҳлашда мумтоз шарҳнависликнинг марҳум устозимиз Нажмиддин Комилов томонидан такомиллашган услуби қўлланилди. Илмий, тарихий, адабий, диний-тасаввуфий ва фалсафий-ирфоний тушунча ва атамалар, қуръоний иқтибослар ҳам шарҳ зарурияти билан келтирилиб, шу орқали асарнинг ғоявий-бадиий таркибини кенг мушоҳада этишга замин яратиш мақсад қилинган.

Қўлингиздаги китоб – ана шу хайрли ишнинг дебочаси. Умид қиламизки, мазкур шарҳлар ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, ўзлигини англаш, аждодларга эҳтиром, ватанпарварлик ва миллатсеварлик каби эзгу инсоний туйғуларнинг камол топишига кўмакчи бўлади. Зотан, Навоийни англаш – ўзликни англаш демакдир.

“ВАҲДАТЕ БЎЛҒАЙ МУЯССАР МАЙ БИЛА ЖОМ ИЧРАКИМ...”

«Ғаройиб ус сиғар», 1-ғазал

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо,
 «Ёр аксин майда кўр» деб, жомдин чиқти садо.
 Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,
 Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.
 Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синған сафол,
 Жом ўлур гетийнамо, Жамшид – ани ичкан гадо.
 Жому май гар буйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур,
 Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.
 Дайр аро хуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,
 Жоми май тутсанг менн девонадин қил ибтидо.
 Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар
 Чеҳраи мақсуд, маҳв ўлғай ҳам ул дам моадо.
 Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,
 Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.
 Сен ғумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,
 Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.
 Ташиналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин
 «Ишрабу, ё айюҳал-атшон» келур ҳар дам нидо.

ЛУҒАТ

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо – жом қуёшининг аксида ҳидоят (йўл кўрсатувчи, раҳнамолик қилувчи) нурлар порлади
 Ёр – дўст, севгили; маж.: Худо; Расулulloҳ; пир.
 Акс – илоҳий нурнинг тажаллиси, жилоланиб, порлаб кўриниши
 Жом – май ичиладиган идиш, коса; маж.: ориф инсон қалби; илоҳий тажаллий акс этган моддий дунё, борлиқ
 Ғайр – Аллоҳдан бошқа нарсалар, яъни дунё. Ғайр нақши – дунё ташвишлари
 Соқий – 1) яқин дўст; 2) маъшуқа; 3) пири комил; 4) Парвардигор. Бу байтда пири комил маъносида келган
 Майи ваҳдат – бирлик, ягоналик майи
 Масаллик – каби, ўхшаган, бамисоли
 Ғамзудо – ғамни, дунё ташвишини кеткизадиган
 Зарф – идиш
 Синған сафол – сафол коса парчаси; маж.: синиқ кўнгил, хокисорлик
 Гетинамо – оламни кўрсатувчи ойнаи жаҳон
 Нисор – бағишлаш, тўхфа қилиш
 Дайр – зардуштийлар ибодатхонаси, бутхона, насроний роҳиблар йиғиладиган жой; маж.: дунё; ориф инсонлар мажлиси, пири комил ҳузури
 Муғбача – зардуштий оташпарастлар ибодатхонаси (дайр)нинг хизматкори
 Ибтидо – бошланиш, аввал, бошланғич макон.

Чехраи мақсуд – мақсад юзи
Моадо – Аллоҳдан ўзга нарсалар, яъни моддий дунё
Ваҳдат – бирлик, яккаю ягоналик, бирлашиш
Нафй – танқид, инкор
Майхона – комил инсон мажлиси, орифлар суҳбат қиладиган жой
Зоҳид – умрини тақво ва тоат билан ўтказадиган парҳезкор одам
Азал соқийси – Аллоҳ таоло
“Ишрабу ё айюҳал-атшон” – ичингиз, эй ташналар

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V--
-V-- -V-- -V-- -V--
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Коса қуёшининг аксидан ҳидоят нурлари порлади: ёрнинг аксини, яъни Худонинг жамолини майда кўр, деб жомдан садо чиқди.
- Эй соқий, агар Худодан ўзга ташвишлар, моддий дунё ғаму андуҳи кўнгил оинасини хиралаштирган бўлса, бу ғуборлар – зангни фақат илоҳий тажаллий нури, шу нур завқи билан ювиш мумкин.
- Бу нур, бу май шундай ажойибки, унга бир синган сопол коса бўлаги – фақир киши кўнгли ҳам идиш бўлиши мумкин, ўшанда жом – бутун оламни кўрсатадиган бўлади ва бу жомдан май ичган, яъни тажаллий нуридан баҳра топган одам, гадо бўлса-да, ўзини подшодай ҳис этади.
- Жом билан май шундай бўлса, бу жом учун юз жаҳонни бағишласа, бу май учун минг жонни фидо қилса арзийди.
- Эй соқий, майхонада ҳушёрларни масту расво қилиш учун май ичирадиган бўлсанг, бунимендай эс-хушидан айрилгандан бошлагин, шундай расволикка мен жуда муштоқман.
- Бу май шарофати билан кўнгил жомида ёришиб, чехраи мақсуд – Аллоҳ жамоли намоён бўлади ва ундан бошқа нарсалар ғойиб бўлади.
- Жомга май қуйилгандан кейин, май билан жом, яъни илоҳий тажалли билан дунё ёки кўнгил орасида бир яқинлик, бирлашиш юз берадики, “жом” ва “май” сўзлари бир ном (сўз) билан ифодаланади.
- Эй зоҳид, сен ўйлаётган жому майни айтаётганим йўқ, чунки бу сен назарда тутган жому май эмас, билмасдан дарвешларни маломат қилма.
- Эй Навоий, азалий зот – Парвардигори олам тажаллиси нуридан бебаҳра бўлма, чунки Унинг ўзи ўз каломида “Ичинг, эй ташналар!” деб қўйибди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоийнинг тўрт девондан иборат “Ҳазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) номли лирик шеърлар тўплами шу ғазал билан бошланади. Анъанага мувофиқ ғазал матлаъи (биринчи байти)нинг биринчи мисраси араб тилида битилган. Худди шу арабча жумла мазмуни кейинги байтларда давом эттирилади ва шоир назарда тутган маънолар бирин-кетин равшанлашиб, турли ташбеҳ-тимсоллар, истилоҳлар билан ўқувчига етказилади.

Мазкур ғазал девондаги ғазаллар учун маълум маънода дастурий хусусиятга эга. Яъни

унда улуғ шоир дунёқарашининг асосий йўналиши акс этган ва у кейинги ғазалларда давом эттирилган. Шу маънода мазкур ғазал маъноларини тўғри тушунган одам Навоий девонларидаги бошқа ғазалларни ҳам англаб етишга калит топади ва шоир орзу-умидлари оламига кириб боради.

Ғазалда оламнинг илоҳий моҳияти ва буни англаган инсон завқу шавқи, қалб сурури ифодаланган. Худудсиз бу олам Яккаю ягона Аллоҳнинг тажаллий нури билан барҳаёт, мунаввар ва жозибали. Шаксиз, шу қудрат барча жисмларни бир-бири билан вобаста этади, улуғ мунтазамликда сақлайди, барқарор ва пойдор этади. Бу нур Қуёш кўринишида беқиёс неъмат бўлиб, ҳар саҳар порлаши, барча жонзотлар, жумладан, Инсон қалбини шодликка лиммо-лим этиши аён ҳақиқат. Аммо Қуёш ҳам бир тимсол, бир ташбеҳ, холос. Илоҳий ҳақиқат, тажаллий бундан-да улкан, ул жами борлиқни, жумладан, қуёшни ҳам қамраб олади. Бу Ҳақиқат ва беинтиҳо Қудратни ориф инсон, пири комил англаб этади. Буни англаган ориф, валий зотлар ҳам қалблари порлаб, шу маърифат нурини бошқа талабгорларга етказдилар. Ёр акси билан ошно этадилар.

Ғазалда жом ва май истилоҳлари бошидан охиригача бир-бири билан боғлиқ, аммо хилма-хил талқинларда давом этган. Жом моддий дунё ва май эса Ёрнинг тажаллисини акс эттирувчи ва унга боғланган кўнгил ишқи туғенини англаувчи тимсоллар экан, бунда уч маъно бир-бири билан боғлиқ ҳолда зухур этади: 1) илоҳий нур жилоси; 2) дунё; 3) инсон қалби. Инсон агар фақат дунё ташвишлари (занги) билан боғланса, у Илоҳий нурдан бебаҳра қолади. Ҳолбуки, инсоннинг олий мақсади – ўз Аслиятини идрок этиш ва Унга қайтишдир. Шу боис у кўнгил ғуборларини ювиб, уни Аллоҳ нури акс этган жомга айлантириши лозим, чунки ана шу даражага етган одам дунёнинг ўзи Аллоҳ жамоли акс этган мазҳар ва жом эканини англаб этади. Шунда инсон ўзини қудратли, мукамал ҳис этади ва фақир, хоксор бўлса ҳам, бу муҳаббат оташида пишиб, подшо Жамшиддан-да кучлироқ сезади. Бунда қуйидаги ривоятга ишора ҳам бор: дейдиларки, шоҳ Жамшид майни ихтиро қилгандан кейин, донишмандлар кўмагида шундай бир жом яساتган эканки, агар унга май тўлдирсалар, бутун олам ва унинг воқеа-ҳодисалари акс этар экан. Жамшид бутун оламни шу жомда кўриб турар экан. (Искандар ясаттирган кўзгу ҳам шундай хусусиятга эга бўлган дейишади).

Алишер Навоий шу ривоятларга ишора қилиб, биринчидан, ориф инсон қалби ҳам оламни ва илоҳий тажаллийни кўрсатадиган кўзгудир, чунки у Ишқ, илоҳий сирлар, ҳикматларга тўла деган ғояни ифодаласа, иккинчидан, дарвешнинг синиқ кўнгли (“синғон сафол”) Жамшид каби шоҳлар қадахидан ҳам эътиборлироқ, қимматлироқ бўлиб, айна шу “синиқ кўнгиллар” Илоҳ нурини акс эттириб, дунёни кўрсата олади, деган фикрни илгари суради.

Ана шу “синиқ кўнгиллар” садоқати, муҳаббати уларни пири комилларга яқинлаштиради ва улар тажаллиёт майини биринчи бўлиб ичадилар, ҳол мартабасига кўтариладилар ва бундай вақтда улар учун жом ва май, яъни дунё ва илоҳ қўшилиб кетади. Парвардигор қудрати, жамолини бутун моҳияти билан ҳис этиб, сархуш бўладилар.

Навоий бу ўринда Илоҳий тажаллий билан моддий олам инсонда бирлашган деган ваҳдат ул вужуд таълимоти ғоясини олға суради: май билан жом орасида шундай бир Ягоналик ҳосил бўладики, қайси дунё, қайси илоҳ эканлигини ажратиш мумкин бўлмай қолади.

Шундан кейин шоир дарвешлар тилга оладиган “май”, “майхона” сўзларини тушунмай, уларни мазаммат этадиган суратпараст, маънолар сирридан беҳабар зоҳидни танқид қилади ва Қуръон оятига ишора этади. Бу оятда Мусо пайғамбар ўз қавмини Мисрдан олиб чиқиб кетаётганда, қавм Мусога чанқоқликдан нолиб мурожаат қиладилар. Шунда Мусога:

“Ҳассангизни қояга уринг”, деган ваҳий келади. Парвардигорнинг бу муждасини эшитган Мусо ҳассасини қояга урганда, булоқ пайдо бўлиб, шарқираб сув оқади...

Яъни Аллоҳ қудратининг чек-чегараси йўқ, олам Унинг нури билан тўлиқ экан, буни англаш, бунга етишиш ва моддий ҳаёт билан маънавий ҳаётни файзли, мазмунли қилишга интилиш лозим, деган ғоя Навоий ғазалининг мағзини ташкил этади. Шоир айна шу фикрни қатор асарларида ифодалаб, ҳаёт маъноси, инсонийлик маъносини руҳий юксалиш билан боғлаб талқин этади.

Ғазалнинг мақтаъси ҳам деярли арабий ибора билан яқунланади:

*Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин
«Ишрабу, ё айюҳал-атшон» келур ҳар дам нидо.¹*

1 Ушбу шарҳ марҳум устозимиз Нажмиддин Комилов қаламига мансуб. Аллоҳ таоло устозимиз руҳини тоз айласин!

**“ЧАМАН ОТАШГАҲИГА
ОТАШИН ГУЛДИН ЧУ ЎТ СОЛДИНГ..”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 2-ғазал

Зиҳи хуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
 Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо.
 Сени топмоқ баса мушкилдурур, топмаслиғ осонким,
 Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо.
 Чаман оташгаҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
 Самандардек ул ўтдин қулга ботти булбули шайдо.
 Не ишка бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,
 Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло.
 Қуёшқа гаҳ қизармоқ, гоҳи сарғармоқ эрур андин
 Ки, сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.
 Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул каби Вомиқ,
 Юзингдин гар узори боғида гул очмади Узро?!
 Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар
 Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро?!
 Жамолнинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,
 Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо?!
 Малоҳат бирла туздунг сарвқадлар қоматин, яъни
 Ки, мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.
 Қаноатнинг далилин инзиво қилдинг, яна бир ҳам
 Далил ушбуки, “қониъ” ҳарфидин халқ айладинг анқо.
 Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
 Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё.

ЛУҒАТ

Зиҳи – офарин, салламно; қандай яхши! – маъносини билдирувчи нидо
 Зуҳур – кўриниш, аён бўлиш
 Савдо – ишқ; жунун
 Кавнайн – икки олам
 Баса – жуда
 Самандар – олов ичида яшайдиган афсонавий жонзот
 Шайдо – ошиқ
 Сунъ – яралиш
 Вомиқ – афсонавий ошиқ номи
 Узро – афсонавий маъшуқа, Вомиқнинг севгилиси
 Музмар – пинҳон, яширин
 Узор – қизилликка мойил чиройли юз
 Хоро – харсангтош
 Партав – ёғду
 Халил – Иброҳим алайҳиссалом
 Инзиво – халқ кўзидан пинҳон бўлиш
 Қониъ – қаноат қилувчи
 Анқо – афсонавий қуш

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим

V --- V--- V--- V---

V --- V--- V--- V---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

НАСРИЙ БАЁН

• Офарин, эй Яратган Эгам, хуснинг зоҳир бўлгач, ҳамманинг бошига фақат сенинг ишқинг савдоси тушибди. Бу ташвиш, орзу-истаклардан икки олам бозорида турли ғавғо ва ғалаёнлар юз берибди.

• Сени топмоқ жуда мушкул иш, балки топмаслик осонроқ, чунки пайдолигинг пинҳон, лекин пинҳонлигинг аёндыр.

• Оловдек қип-қизил лов-лов ёниб очилган чаманларда гулни яшнатдинг. Бу ўтдан гул ошиғи бўлган булбул самандардек ёниб, кулга ботди.

• Лайлининг жамоли Мажнун юзининг кўзгусида жилва қилгани боис Мажнун кўзгу акси каби мудом беором бўлиб қолди.

• Куёш гоҳида қизариб, гоҳида сарғайиб қолиши Сен яратган боғ – дунёда юз минг хил раъно гули борлиги сабабли эрур.

• Сенинг юзинг боғидан андоза олиб Узро гул узорининг боғи гуллаб-яшнамаганда, Вомиқ булбул каби ишқ оташи билан юзлаб гулларни нетиб яшнатган бўларди?

• Каломинг қудратини Шириннинг лабида яширмаганинда, Фарҳоднинг қон ёшидан харсангтошлар лаълга айланармиди?

• Сенинг жамолнинг порлашидан шамнинг шуъласи гулистондек бўлиб кўринмаса, парвона Иброҳим Халилуллоҳдек ўзини шам ўтига, яъни оловга ташлармиди?

• Сарвиқоматларнинг қаддини дилкаш, жозибали қилиб яратдинг, яъни уларнинг қоматини алифдек гўзал этдинг.

• Қаноат узлатда, яширин бўлишини шарт қилиб қўйдинг. Яна бир далил шуки, “қониъ” сўзининг ҳарфларидан “анқо” сўзини чиқардинг.

• Навоий сенинг ҳамдингни қайси тил билан баён қилсин? Зотан, жаннат гулини васф этишга тиканнинг тили лолдыр.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу Аллоҳ таолога ҳамд ғазаллардан бири ҳисобланади. Навоий ақидасига кўра, ҳар қандай бадий асар, қайси жанрда бўлишидан қатъи назар, Аллоҳ таоло ва унинг Расулига имон келтирган инсонларнинг эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак. Негаки, Худони билмайдиган, Унинг яккаю ягоналиги, тенгсиз қудрат, жамол ва жалол соҳиби эканлигига имон келтирмайдиган одамни маърифатли деб бўлмади. Ақл ва имон соҳиби бўлган киши Аллоҳ таолонинг борлигига имон келтириб, буюрган амалларни бажариш ҳамда қайтарилган ишлардан парҳез қилишни ҳаёт маслағига айлантирса, қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, албатта, икки дунё саодатига эришади.

Навоий бу ғазалда Аллоҳ таолонинг яратувчилик қудратини васф этиб, энг муракаб диний-фалсафий тушунчаларни турли образ ва тимсоллар орқали бадий йўсинда гўзал тарзда ифодалаб берган. Жумладан, матлаъда оламдаги ҳар бир мавжудотнинг бошига бир савдо – яшаш моҳияти ҳақида тафаккур қилиш тушгани, ҳар ким буни ўз қаричида ўлчага-

ни сабабли икки оламда турли баҳс-мунозаралар, тортишув ва муноқашалар пайдо бўлганини қўйидагича ифодалаган:

*Зиҳи ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо.*

“Бир савдо” – Ҳақни таниш ва ўзликни англаш ҳаммада ҳар хил кечади. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди, дунёқараши, билим даражаси ва тафаккур тарзига муносиб олам ва одам, борлиқ ва абадият масаласига муносабат билдиради, ўзининг ҳақиқатини яратади. Шу сабабли, Мутлақ Ҳақиқат нуридан пайдо бўлган нисбий ҳақиқатлар ўртасида доимий тарзда тортишув ва ғавғо-ғалаёнлар бўлиб туради. Аммо моҳият эътибори билан бу ҳақиқатларнинг сарчашмаси ягона. Мутлақ, абадий Гўзаллик ва Ҳақиқат зотини англашга инсон тафаккури ожизлик қилади. Инсон тафаккури ва тахайюлининг қамрови жуда кенг бўлгани билан, бу масалани тўлалигича англай олмайди. Бинобарин, Аллоҳни топиш ва танишдан кўра адашиш ва ҳақ йўлни йўқотиб қўйиш осонроқ:

*Сени топмоқ баса мушқилдурур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо.*

Ҳазрат Навоий талқинида, оламдаги барча муносабатлар ва ҳаракатлар, тирикликнинг асосини ишқ ташкил қилади. Аллоҳ таоло бандаларини меҳру муҳаббат билан яратди ва уларга шу муҳаббатдан бир заррасини инъом этди. Айни муҳаббат туфайли булбул боғда гулнинг ишқида тонггача сайраб, ошиқона фиғон чекади, Мажнун дашту биёбонларни кезиб, оҳунинг кўзлари, насимнинг ифори, гулларнинг рангидан Лайлининг жамоли нишонларини излайди. Кувёш ботаётган пайтда сарғайиб, куннинг ўртасида қизариши ва оламга нуру зиё, ҳарорат бағишлаши; Вомиқнинг Узро фироқида булбул каби боғу бўстонларда нола чекиши; Шириннинг жон бағишловчи сўзини эшитиш, унинг дийдорига тўйиш учун ҳижронзада Фарҳоднинг тоғу тошларни қонли ёшлари билан лаълга айлантириши – барча-барчаси Аллоҳ таоло жамолининг жилваси, жилоси шарофати. Ҳар бир нарсада илоҳий ҳикмат ва қудратни мушоҳада қилувчи мутафаккир Навоий Иброҳим Халилуллоҳ қиссаси ва шам оташида ёниб адо бўлувчи парвона ўртасида мантиқий боғлиқлик, илоҳий мувозанат кўради. Афсоналардан маълумки, худолик даъвосини қилган Намруд исмли подшоҳ Аллоҳнинг барҳақ пайғамбари – Иброҳим Халилуллоҳни бутларни синдириб, одамларни яккаю ягона Аллоҳга сиғинишга ҳидоят қилгани учун гулханга ташлашни буюради. Намруднинг одамлари мисли кўрилмаган гулхан ёқиб, Иброҳим Халилуллоҳни гуриллаб ёнаётган олов ичига ташлайдилар. Аллоҳ таолонинг амри билан бу гулхан ўчиб, ўтинлар майсага, олов лов-лов яшнаб турган гулистонга айланади. Навоий талқинида, парвонага шамнинг шуъласи гулшан бўлиб кўрингани каби ошиқнинг ўзини мастонавор ўтга ташлашининг асл моҳияти – Ҳақ таолога муҳаббати туфайлидир:

*Жамолинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо?!*

Навоий гўзал ташбиҳлар, чиройли образ ва тимсоллар орқали ўз муҳаббати ва садоқатини изҳор этиш асносида Аллоҳ таолонинг зоти бу мақтовлардан ҳам улуғроқ экани, биёбонда ўсган тикан жаннат боғида ўсган гулнинг васфини қилолмаслигини айтиб узрхоҳлик билан ўз ғазалига якун ясайди:

*Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё.*

**“МУҲТОЖ СЕНИНГ ДАРГАҲИНГА
ХУСРАВУ ДАРВЕШ...”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 3-ғазал

*Эй, сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.*

*Заррот аро ҳар зарраки бор, зикринга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки, бор, ҳамдинга гўё.*

*Машшотайи сунъунгдурур улким, нафас ичра
Кун кўзгусин ақшом кулидин қилди мужалло.*

*Кун шакли юзинг саждасидин бўлди мушаккал,
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди мутарро.*

*Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбид,
Ким меҳр ўтин оғзидин этар ҳар нафас ифшо.*

*Гўёки қуяр оғзи ул ўт ҳирқатидинким,
Анжумдин ўлур обилалар гирдида пайдо.*

*Муҳтож сенинг даргаҳинга хусраву дарвеш,
Парварда сенинг неъматинга жоҳилу доно.*

*Гул юзида булбул сенинг асроринга нотик,
Шам ўтида парвона сенинг ҳуснунгга шайдо.*

*Ушиоқ аро, ё рабки, Навоийға мақоме
Бергилки, сенинг ҳамдинга бўлсун тили гўё.*

ЛУҒАТ

Сафҳа – саҳифа

Рухсор – юз, чеҳра

Азал – бошланиши йўқ замон, ибтидосиз қадимийлик

Дебоча – муқаддима, кириш, ибтидо

Абад – чексизлик, ниҳоясиз давомийлик, туганмас замон

Туғро – подшоҳ фармонининг ифода белгиси, шоҳона унвон

Ушиоқ – ошиқлар

Заррот – зарралар

Зикр – номини тилга олиш, эслаш

Зокир – Аллоҳ исмини зикр этиб юрувчи

Амтор – ёмғир томчилари, ёғин

Ҳамд – Аллоҳни алқаш, мақтов
Машшота – пардозчи, одамнинг қиёфасини безатувчи
Мужалло – жилоланган, сайқал берилган
Мушаккал – шаклга кирган, шаклланган
Турра – бурама соч
Мутарро – бурама, тароватли
Субҳ – тонг
Мушаъбид – найрангбоз, кўзбўямачи
Ифшо – фош бўлмақ, ошкор этмоқ
Ҳирқат – аланга, ҳарорат, иссиқлик
Анжум – юлдузлар
Обила – қабарик, пуфакча
Гирд – атроф, айлана
Хусрав – бу ерда шоҳу султон маъносида келган
Парварда – тарбияланган, парвариш қилинган
Асрор – сирлар

ҲАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

--V V--V V--V V--

--V V--V V--V V--

Мафъўлу мафоъийлу мафоъийлу фаўлун

НАСРИЙ БАЁН

- Сенинг юзинг саҳифасида азалийлик хати битилган, ҳуснинг китоби муқаддимасида абадийлик муҳри – унвони мавжуд.
- Борлиқнинг ҳар бир зарраси Сенинг гўзал исмларингни зикр этади, ёмғирнинг ҳар бир томчиси Сенга ҳамд айтади.
- Сенинг яратувчанлик ва қудратинг безакчи бўлиб, бир нафасда кундузнинг кўзгусини тун кули билан сайқал бериб жилолантирди.
- Қуёш ҳар куни Сенга сажда қилиш учун ботади. Туннинг сочи қаҳринг шамолидан тароватли бўлди.
- Сенинг яратувчилик санъатинг тонгни шундай кўзбўямачи найрангбозга айлантирганки, у Қуёш тафтини ҳар дамда оғзидан ошкор этиб туради.
- Субҳнинг ўша олов ҳароратидан гўё оғзи куйгандек, атрофида юлдузлардан сув пуфакчалари – қабариклар пайдо бўлади.
- Сенинг олий даргоҳингга шоҳ-у гадо муҳтож. Нодон ҳам, доно ҳам Сенинг неъматинг билан ризқланади.
- Булбул гул юзида сирларингни кўриб, нола чекади, парвона ҳам шам шуъласида Сенинг ҳуснингни кўриб талпинади.
- Ё раб, ошиқларинг сафидаги Навоийга шундай бир мақом бергинки, булбулдай бийрон тил билан Сенга ҳамду санолар айтсин.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ҳамд мавзусидаги навбатдаги ғазал Аллоҳнинг азалий ва абадийлигини васф этувчи сатрлар билан бошланган. Биламизки, азалийлик – ибтидоси йўқ чексиз замонни, абадийлик – интиҳоси йўқ мангуликни билдиради ҳамда ёлғиз Аллоҳга хос бўлган сифатлар ҳисобланади. Дунёдаги жамийки воқеа, ҳодиса, нарса, ашёларнинг ибтидо ва интиҳоси бор. Фақат Аллоҳнинг “сафҳайи рухсори” – Аллоҳнинг Зоти ҳамда “дебочайи ҳусни” – Аллоҳнинг сифатлари азалийлик ва абадийлик хоссалари билан музайян:

*Эй сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо,
Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.*

Аллоҳнинг қудрати билан яратилган жамийки борлиқ унинг Биру Борлигини зикр этиб, ўз тилида ҳамдини бажо келтиради.

“Ҳаж” сурасининг 18-оятида қайд этилган:

“(Эй Муҳаммад), осмонлардаги ва Ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўп инсонлар (ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми?”

“Ал-Исро” сурасининг 44-ояти ҳам шу мазмунда:

“Етти осмон, Ер ва ундаги бор жонзот Унга тасбиҳ айтур. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамд билан Унга тасбеҳ айтур. Лекин сиз уларнинг тасбеҳларини англамайсизлар...”

Бу ҳолни, яъни бутун Борлиқ ўзининг Парвардигорига саждада, ҳамиша унинг ҳамди ва тасбиҳи билан банд эканини мушоҳада этиш учун қалб кўзи очиқ бўлиши керак. Навоий ба-сират кўзи билан табиатга назар солиб, ундаги муайян бир манзара воситасида Инсоннинг руҳий кечинмалари ўртасидаги уйғунлик, мутаносиблик, ўхшашликни кўради ва юқоридаги табиий манзара тасвири орқали чуқур фалсафий-ирфоний маъноларни баён этади:

*Заррот аро ҳар зарраки бор, зикринга зокир,
Амтор аро ҳар қатраки, бор, ҳамдинга гўё.*

Кейинги икки байтда ҳам иқтибос келтирилган оятларнинг мазмунини бошқача назмий ифода ва услублар орқали ифода этишга киришаркан, Аллоҳ таолонинг меҳри ва қаҳри, жалолий ва жамолий сифатларини таърифлаш учун қуёш ва оқшом, кун ва тун тазодларидан фойдаланади. Қуръони Каримнинг бир неча оятларида Аллоҳ таоло кеча ва кундузнинг яратувчиси эканлиги таъкидланган. Навоий шу мазмундаги оятларнинг бадий талқинини бераркан, кундузни – Аллоҳ таолонинг меҳрибонлиги ва раҳмлилигини, кечани – Унинг қудрати ва қаҳрининг нишонаси сифатида тасвирлайди. Нур ва зулмат, кундуз ва кеча, осойишталик ва машаққат, меҳр ва қаҳр – барча-барчаси Унинг қудратидан нишона:

*Кун шакли юзинг саждасидин бўлди мушаккал,
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди мутарро.*

Бешинчи ва олтинчи байтларда тонг образининг янги бадий ифодасига гувоҳ бўламиз. Тонг ҳақида икки байт ёзишда ҳикмат бор. Чунки табиатда ҳам икки тонг – ёлғончи тонг (субҳи козиб) ҳамда ҳақиқий тонг (субҳи содиқ) мавжуд. Дастлаб, ёлғончи тонг отган пайтида табиат бирданига ёришиб, кун бошланишидан дарак бергандек бўлади. Лекин кўп

ўтмай, атроф-муҳитни яна зулмат қоплайди. Биринчи тонгнинг ёлғончилигини шоир оғзидан ўт пуркайдиган найрангбоз кўзбўямачи қилиғига ўхшатади:

*Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбид,
Ким меҳр ўтин оғзидин этар ҳар нафас ифшо.*

Лекин қоронғу бўлиб, осмонни яна юлдуз қоплаши – олов пуркагич кўзбўямачи (тонг) олов тафтидан оғзи куйиб, қабариқлар ҳосил бўлишига ўхшатилади. Шоирона ва айни пайтда жуда аниқ ўхшатишлар замирида яна бир катта ҳаётий-фалсафий ҳақиқат бор: оламдаги ёлғон ва алдовлар, мунофиқлик ва риёлар ҳам Аллоҳнинг изн-иродасидан ташқарида содир бўлмайди. Аммо бу ёлғонларнинг умри ёлғончи тонгдек қисқа бўлиб, Аллоҳ таоло бирор амални жавобсиз қолдирмайди. Ҳатто ўзининг иродаси билан содир бўладиган ёлғончи тонг ҳам ёлғондан хабар бергани учун жазоланиб, оғзида юлдузлардан обилалар – қавариқлар пайдо бўлади:

*Гўёки куяр оғзи ул ўт ҳирқатидинким,
Анжумдин ўлур обилалар гирдида пайдо.*

Аллоҳ ҳеч кимга муҳтож эмас. Аммо дунёдаги жамийки инсонлар – шоҳлар ва султонлар, ошиқ ва орифлар, мискинлар ва бенаволар, гўзаллар ва беморлар... ҳамма унинг даргоҳига муҳтож. Жон ҳам, имон ҳам, дард ҳам, дармон ҳам, умр ҳам, ажал ҳам, илм ҳам, амал ҳам... барча-барчаси У туфайлидир. Унинг меҳрибонлиги шу даражадаки, ҳатто Унга исён қилиб, борлигини тан олмайдиганларга ҳам ризқ беради, солиҳ бандалари қатори осийларни ҳам ўз неъматлари билан сийлайди:

*Муҳтож сенинг даргаҳинга хусраву дарвеш.
Парварда сенинг неъматинга жоҳилу доно.*

Кейинги байтда булбулнинг гулга, парвонанинг шамга ошиқлигининг сабаби сифатида Аллоҳ муҳаббатининг нури сабаб қилиб кўрсатилади. Ана шундай ошиқлар сафидаги Навоий ҳам Парвардигордан унинг ҳамдини баён этиш учун гўё забон тилайди. Мутафаккир шоирнинг дуоси мустажоб бўлди – унинг ғазаллари беш асрдан бери Ҳақ ошиқлари тилидан тушмай келаётир:

*Ушшоқ аро, ё рабки, Навоийға мақоме
Бергилки, сенинг ҳамдинга бўлсун тили гўё.*

**“ЭЙ, ҲАМД ЎЛУБ МАҚОЛ
ФАСОҲАТ БИЛАН САНГА...”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 4-ғазал

*Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга,
Андоқки, қурб тақзову тоат билан санга.*

*Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,
Етмак маҳол ақлу фаросат билан санга.*

*Чун койинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд айта олмас онча балоғат билан санга.*

*Изҳори ажз биздин адаб таркидур, баса
Юз минг қусуру нуқсу касофат билан санга.*

*Ҳар тийрарўзгорки, васлингға йўл топиб,
Сендин етиб чароғи ҳидоят билан санга.*

*Лутфунг рафиқим ўлмаса, не ҳадки еткамен
Бошдин аёғ гуноҳу залолат билан санга.*

*Лутф айлагилки мумкин эмас қилмасанг қабул,
Етмак тамоми умр ибодат билан санга.*

*Чун сендин ўзга йўқ панаҳим, қочмайин нетай
Журму гунаҳдин оҳу надомат билан санга?!*

*Исёни қўп Навоийнингу йўқ уётиким,
Истар етишса мунча хижолат билан санга.*

ЛУҒАТ

Фасоҳат – аниқ ва чиройли сўзлаш

Қурб – яқинлик

Коинот зубдаси – Муҳаммад Расулulloҳ (с.а.в.)

Ажз – ожизлик

Қусур – нуқсон, камчилик

Касофат – нопоклик, айбдорлик

Залолат – адашиш

Журм – хато, гуноҳ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

– –V –V-V V– –V –V–

– –V –V-V V– –V –V–

Мафъулу фоилоту мафойилу фоилун

НАСРИЙ БАЁН

•Эй Тангрим, энг чиройли ва пурмаъно сўзлар билан ҳам ҳамдингни айтиш маҳол. Шунингдек, тақво ва тоат-ибодат билангина сенга қурбат – яқинлик топиш имконсиз.

•Тафаккур ва хаёл кучи билан Сени топмоқ мумкинмас, ақл ва фаросат билан сенга етмак амримаҳол.

•Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам шунча етук билим ва сўз соҳиби бўлгани билан Сенинг ҳамдингни айта олмаган.

•Шундай экан, юз минг нуқсон, айб ва гуноҳларимиз билан Сенга ҳамд айтиш тугул ҳатто узр сўраш ҳам одобсизлик ҳисобланади.

•Ҳидоят чироғинг шарофати билан ожиз бандаларинг Сенинг васлингга йўл топган.

•Агар лутфу марҳамат билан мадад қилмасанг, бошдан-оёқ гуноҳу хатолар билан сенга етишмоққа не ҳаддим бор?!

•Эй Аллоҳим, бутун умр Сенга ибодат қилсам ҳам, лутфинг билан қабул этмасанг, барчаси беҳуда.

•Сендан ўзга паноҳим йўқ, шунинг учун хато ва гуноҳларимдан надомат ва тавбалар қилиб Сенга томон қочмасдан нетай?!

•Навоий кўп осийлик қилган, яна бу андишасиз шунча хижолатли ишлари билан Сенга етишмакни истар.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Муножот – Ҳаққа илтижо ва ёлвориш оҳангида битилган ушбу ғазалнинг дастлабки тўрт байти – Аллоҳ таолонинг ҳамдини бажо келтириш имконсизлиги ҳақида. Ҳадисда келтирилишича, Аллоҳ таоло ҳузурида бандаси Унга ҳамд айтишдан маҳбуброқ иш йўқдир. Шу боис, ҳар бир ракъат намозда “Алҳамд” (“Фотиҳа”) сураси албатта ўқилади. Лекин бу ҳамд айтишлар, тоат-ибодатлар яккаю ягона, барчадан ҳожатсиз бўлган Ҳақ таолонинг буюклиги ва улуғворлиги даражасида эмас. Аллоҳ таоло шундай буюк зотки, Унинг васфини айтиш ва таърифини келтиришда дунёдаги жамийки сўзларнинг энг буюк ва залворлиси ҳам арзимас бўлиб қолади. Унинг висолига эришиш ва раҳматига сазовор бўлиш учун минг йиллик ибодат ҳам етарли эмас. Фақат Ўзининг бепоён дарёдек жўш уриб турган фазли ва марҳаматигина имон аҳлининг қалбида умид чироғини ёқади:

*Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга,
Андоқки, қурб тақвову тоат билан санга.*

Инсоннинг ақлу тафаккури, хаёл ва фаросати тавҳид оламининг сирру синоатини билиш учун ожизлик қилади. Дунёдаги энг кичик ва арзимас зарра моҳиятини англашга ожиз

инсоний ақл ўн саккиз минг оламни биргина “Бўл!” амри билан яратган Олий Қудратни қандай билиши мумкин? Бинобарин, ҳақиқий идрок – идрок қила олмасликни англаш, дейилади илоҳий маърифат ҳақида ёзилган китобларда.

Ҳаттоки Сўз мўъжизаси соҳиби охирзамон Пайғамбари (с.а.в.) шунча балоғат ва фасоҳати билан дуоларида: “Илоҳий, биз Сени маърифат этишимиз лозим бўлган даражада танимадик ва бажаришимиз лозим бўлган даражада ибодатингни бажо келтирмадик”, деб айтар эканлар. Сарвари коинот шундай деб турганларида, минглаб гуноҳ ва хатолар қилиб юрган бандалар ҳатто ҳамд айтишга ожиз эканимизни эътироф этиб, узрхоҳлик қилишимиз Аллоҳ таолога нисбатан одобсизлик бўлади, дейди шоир:

*Изҳори ажз биздин адаб таркидур баче,
Юз минг қусуру нуқсу касофат билан санга.*

Инсон ўзига нисбатан қандай фикрда бўлишидан қатъи назар, Худонинг марҳаматига сазовор бўлмагунча тийрарўзгор, яъни бахтиқародир. Кўҳна тарих саҳифаларини варақлаганда бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Миср аҳли Худо деб эътироф этган Фиръавн ҳам, бутун оламдаги хазиналарнинг соҳиби Қорун ҳам, ер юзида якка ҳукмдор бўлган Намруд ҳам сиртдан қараганда жуда омадли ва қудратли кўрингани билан, аслида, ҳаётлари жуда аянчли якун топган. Аксинча, бир жазба туфайли илоҳий марҳаматга сазовор бўлган оққўнгил ва мискин бандалар дунё ва охиратдаги энг бахтли инсонлар ҳисобланади. Шунинг баробарида қайд этиш муҳимки, Парвардигорнинг марҳамати ва фазли туфайлигина банда ҳидоят топади:

*Ҳар тийрарўзгорки, васлингға йўл топиб
Сендин етиб чароғи ҳидоят билан санга.*

Ҳидоят йўлига киришнинг бирламчи шарти – инсон билиб-билмай қилган гуноҳларидан тавба қилиб, Аллоҳнинг лутфу марҳаматидан умидвор бўлиш. Инсон боласи хато қилувчидир. Ўзини айбу нуқсонлардан холи деб билиш – жаҳолатнинг ўзгинаси. Ўзгаларнинг айбини эмас, фақат ўзининг айбини кўриш ва бу нуқсонларни тузатишга ҳаракат қилиш инсонни орифлик мақомига етказди. Ҳадиси шарифда: “Кимки ўзини таниса, Раббини танибди”, дейилади. Ўзининг барча гуноҳу хатоларини таниб, тан олган ҳолда илтижо қилган бандагина Ҳақ таолонинг лутфу марҳаматидан умидвор бўлиши мумкин:

*Чун сендин ўзга йўқ панаҳим қочмайин нетай
Журму гунаҳдин оҳу надомат билан санга.*

Мақтаъда Алишер Навоий жуда кўп марта осийлик қилганини эътироф этиб, Ҳақ таолодан минг хижолат билан гуноҳларини кечиришини сўрайди. Шундай фариштасифат инсон ўзини “исёни кўп” деб биларкан, биз – Навоийни қўл етмас маънавий чўққи деб билганларнинг ҳоли нима кечаркин?!

*Исёни кўп Навоийнинггу йўқ уётиким,
Истар етишса мунча хижолат билан санга.*

**“РАСУЛИНГНИ ШАФИЪ ЭТ,
КИРДИГОРО...”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 5-ғазал

*Илоҳо, Подшоҳо, Кирдигоро,
Санга очуғ ниҳону ошкоро.*

*Сабур исми била қилсанг тажаллий,
Қилиб Намрудға юз минг мудоро.*

*Қачонким зоҳир этсанг «танзаъ-ул-мулк»,
Сикандарнинг бўлуб мағлуби Доро.*

*Йўлунг муҳлик тоши ёқути аҳмар,
Эшигинг тийра гарди мушки соро.*

*Суҳо бўлса шабистонингда толиъ,
Бўлуб нури қуёшдек оламоро.*

*Навоий нафс зулмотиға қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ чиқмоқ не, ёро?!*

*Қиёматда гуноҳин афв этарга
Расулингни шафиъ эт, Кирдигоро.*

ЛУҒАТ

Кирдигор – Аллоҳ таоло, Парвардигор

Ниҳон – яширин, пинҳон

Тажаллий – нурнинг акс топиши

Намруд – худолик даъвосини қилган золим подшоҳнинг исми

Мудоро – мураса

Танзаъ-ул-мулк – Қуръони Каримдаги “танзаъул-мулк мимман ташоу», (“подшоликни хоҳлаган одамнингдан тортиб оласан”) оятга ишора

Муҳлик – ҳалокатли

Аҳмар – қизил

Суҳо – Чўлпон юлдузи ёнидаги хира юлдуз

Оламоро – оламни ёритувчи

Ёро – журъат; бардош

Шафиъ – шафоат қилувчи

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаддаси маҳзуф

V --- V--- V--

V --- V--- V--

Мафойилун мафойилун фаўлун

НАСРИЙ БАЁН

•Эй Яратувчи Зот, Оламлар Подшоҳи ва Мураббийси! Пинҳон ва ошкор барча нарсалар Сенга маълумдир.

•Оламга “ас-Сабур” (ўта сабрли) исмининг нури билан тажаллий этганинда, Сенинг борлигини инкор этиб, худолик даъвосида бўлган Намруддек зотлар билан ҳам мурасайи мадора қилиб, уларга ҳам ризқ-рўз, умр ва давлат бергувчи Меҳрибонсан.

•Сен агар хоҳласанг, “танзаъ ул-мулк” оятининг ҳукми билан Дородек шавкатли подшоҳлар ҳам Искандарга мағлуб бўлишади.

•Йўлингдаги ҳар бир ҳалокатли тош, аслида, қизил ёқут, эшигиндаги ғубор ва чанг энг сара мушқдир.

•Сен агар истасанг, қоронғу кечада Суҳодек хира юлдуз ҳам оламни қуёшдек ёрита олади.

•Навоий нафс зулматида қолди. Сен агар унга Хизрдек йўл кўрсатмасанг, бу зулматдан чиқишда унга журъат ва бардош қайда?!

•Эй Парвардигор, қиёмат куни Навоийнинг гуноҳини афв этмоққа Расулulloҳни шафоатчи айла!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида ҳамд мавзусидаги асарларни ўз моҳиятига кўра, икки тур – тавҳид ва муножотга ажратиб, муножот мавзусидаги асарларга шундай таъриф беради:

“Агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар, муножот ўқурлар”. Таҳлил қилаётганимиз ушбу ғазал муножот мавзусида битилган бўлиб, Саъдий Шерозийнинг “Хавотим” девонидаги мазкур ғазали билан ҳамоҳанг:

*Илоҳо, Қодиро, Парвардигоро,
Каримо, Мунъимо, Омурзгоро.*

*Чи бошад, Подшоҳи подшоҳон
Агар раҳмат куни муште гадоро.*

(Мазмуни: Илоҳо, эй Қодир Парвардигор! Эй Ҳақиқий Карам ва Бойлик Эгаси, Кечирувчи Зот! Эй подшоҳлар Шоҳи, камтарин гадойингга раҳм қилсанг, қандай гўзал иш бўларди!)

Ўзбек адабиётида Навоийгача даврда ҳамд ва наът лириканинг етакчи мавзуларидан ҳисобланмасди. Асосан мажозий муҳаббат тараннумидан иборат бўлган туркий ғазалнавислик Навоий туфайли мавзу доираси ҳам кенгайиб, диний, тасаввуфий, фалсафий, ахлоқий мотивлар ҳам лириканинг ушбу жанрига мослаштирилди, форс-тожик адабиётининг ютуқлари ижодий ўзлаштирилиб, туркий адабиётда жорий этишга эришилди. Албатта, Навоий форсий адабиётга шаклий издошлиқдан буткул воз кечиб, анъанавий мавзуларни туркий тилда янги шаклларда ифода эта оларди. Аммо туркий тилнинг кенг имкониятларини амалда намоён этиш мақсадида Навоий форс салафлари яратган ғазал “қолип”лари – муайян мавзу учун танланган вазн ва қофия тизимини сақлаган ҳолда янги маънолар ва ифода воситалари қўлланилган мутлақо янги асар яратишга эришган. Жумладан, татаббуъ қилинган Саъдийнинг ғазали ўн тўрт байтдан иборат бўлиб, бунда талаб ва дуо оҳанги етакчилик қилади – шоир Аллоҳ таолонинг бандасига берган имон гавҳари, ҳадсиз-ҳисобсиз неъматлари, анбиё ва авлиё ҳақи-хурмати гуноҳларини афв этиб, хатоларидан кўз юмишни илтижо қилади ҳамда Расулulloҳ шафоатидан умидворлигини изҳор этиб, гуноҳ ва маъсиятдан нажот тилайди.

Навоий эса татаббуъ ғазали ҳажмини тенг ярмига қисқартиради. Дастлабки байтда Аллоҳнинг уч сифати – ибодатга лойиқ ягона зот (Илоҳ), бутун оламнинг ҳақиқий эгаси (Подшоҳ – ал-Малик) ва яратувчиси (Кирдигор – Рабб) эканлигини билдирувчи сифатларини келтиргандан сўнг Унинг ниҳоятсиз Илми олдида оламдаги жамийки махфий ва ошкор нарсалар маълум эканлигини ҳамд этади. Кейинги байтда асмоуллоҳдан Сабур (ўта сабрли) исмини келтириб, талмиҳ санъати ёрдамида бу исмнинг моҳиятини очиб беради. Яъни, Намруд каби худолик даъвосини қиладиганлар, аслида, Аллоҳ таолонинг Сабур исмининг тажаллийси туфайли вақтинчалик қудрат ва азаматга эга бўлиб, Худонинг амридан бўйин товлашлари нисбий тушунча касб этиши, осийлик ҳам ўз моҳиятига кўра Аллоҳнинг иродаси ва ихтиёри туфайли содир бўлиши, энг гўзал сабр эгаси ҳам Аллоҳ таоло бўлиб, инсон бу исмдан имкони борича насибадор бўлиши лозимлигини уқтиради.

Учинчи байтда эса, талмиҳ иқтибос санъати билан қоришиқ ҳолатда қўлланилган. “Танзаъ ул-мулк” ибораси “Оли Имрон” сурасининг 26-оятидан олинган бўлиб, мазкур оятнинг тўлиқ таржимаси қуйидагича: «Айтинг: “Эй Мулк (подшоҳлик) эгаси – Аллоҳ! Сен хоҳлаган кишингга ҳукмдорлик ато этурсан ва хоҳлаган кишингдан ҳукмдорликни тортиб олурсан, хоҳлаган кишингни азиз қилурсан ва хоҳлаган кишингни хор этурсан. Эзгулик Сенинг қўлингдатур. Албатта, Сен ҳамма нарсага қодир зотдирсан».

Иккинчи мисрада Искандар ва Доро ўртасидаги жанг ҳамда Искандарнинг оз қўшин билан Доро устидан ғалаба қозониши ҳақида ишора бор. Биринчи мисрада иқтибос қилинган оят Искандар ва Доро ўртасидаги жанг муносабати билан нозил бўлмаган. Аммо дунёдаги жамийки ҳодисалар – хоҳ у Қуръон нозил бўлишидан олдинги ўтмишда содир бўлган бўлсин, хоҳ ваҳий эшиклари ёпилгандан кейин амалга ошган бўлсин, бундан қатъи назар Қуръондаги илоҳий ҳукмлар асосида воқеликка айланиши, Қуръонда зикр этилган воқеалар мушриклар айтгани каби “асотири аввалин” (ўтмишдаги ривоятлар) йиғиндиси эмас, балки ибрат ва тирикликнинг доимий дастуруламали эканлигига Навоий ҳар қандай шубҳа ва гумондан холи эътиқод билан қараган ва буни ўз асарларида турли йўсинда изҳор этган.

Тўртинчи байтда ийҳом санъатининг гўзал намунасига дуч келамиз:

*Йўлунг муҳлик тоши ёқути аҳмар,
Эшигинг тийра гарди мушки соро.*

Бу байтни икки хил талқин қилиш мумкин: 1) йўлингда учрайдиган ҳалокат тошлари қизил ёқут каби бебаҳо, эшигингдаги ғуборлар сара мушк каби ифори ва қимматли; 2) сенинг йўлингда қизил ёқут ҳалокатга элтувчи тош, мушки соро эшигингнинг ғуборидан-да бекадр, яъни дунё ва унинг зийнатлари Сенинг йўлингдан чалғитувчи нарсалардир.

Кейинги байтда Илоҳнинг мўъжизакор қудрати олдида ҳали инсониятнинг қўли етиб бормаган осмону фалаклар ҳам ожиз эканлиги ҳамд этилган. Навоийнинг талқинига кўра, Парвардигор иродаси Хулкар туркумидаги энг хира юлдуз – Суҳони ҳам куёшдек оламо ро қилиши мумкин бўлгани каби, одамларнинг энг тубани ҳам илоҳий иноят шарофатидан энг яхши инсон бўлиши мумкин. Шу сабабли, ўз нуқсини исбот айлаган ориф шоир тахаллус байтида раҳнамоликни Худонинг Ўзидан ёлвориб, илтижо қилади:

*Навоий нафс зулмотға қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ, чиқмоқ не ёро?!*

Охирги байтда Расулulloҳ (с.а.в.)нинг шафоатидан умидворлигини, бу шафоат Аллоҳнинг изни ва ихтиёри туфайли содир бўлиши (“Юнус” сураси, 10-оят)ни айтиб, ғазалга яқун ясайди.

Таҳлилларни умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкинки, Навоийнинг Саъдий Шерозийдан таъсирланиши ғазал қолипни танлашда намоён бўлади. Аммо Қуръон оятлари матни ва мазмуни ҳамда бадиий санъатлар имкониятларидан фойдаланиш, оятлар мазмунидан хулоса чиқариш ҳамда бу хулосаларни янги поэтик воситалар орқали ифода-лашда Навоий ўз тафаккур даҳоси ва истеъдоди кучига таянган. Саъдий ғазалида, асосан, ишора санъати имкониятларидан фойдаланилган бўлса, Навоий ўз ғазалида Қуръон оятлари матни ва мазмунидан фойдаланиш учун турли бадиий санъатлар – ишора, талмих, ийҳом, иқтибос санъатларидан маҳорат билан фойдаланган. Бу эса, Навоий ғазалининг дилтортарлиги ҳамда сўзнинг санъат даражасига кўтарилишига муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

**“ЭЙ, НУБУВВАТ ХАЙЛИҒА
ХОТАМ БАНИЙ ОДАМ АРО...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 6-ғазал

*Эй, нубувват хайлиға хотам бани Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.
Юз эшигинг туфроғиға сурта олғайменму деб,
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро.
Анжум ичра оразинг меърож шоми уйлаким,
Тушса дурри шабчароғе ҳар тараф шабнам аро.
Не учун киймиш қаро ҳарён солиб жайбиға чок,
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро?!
Соф кўнглида юзунг меҳрини гўё асрамиш,
Туш чоғи ҳар кун қуёш акси эмас Замзам аро.
Машғале бўлмиш малак илгида равзанг бошиға,
Ой чароғи кечалар бу нилгун торам аро.
Қум эмас Батҳодаким, меҳри жамолинг ҳажридин
Зарра-зарра жисми бир-бирдин тўкулди ғам аро.
Йўл эмас, Ясрибда йиртибдур юзин тирноғ ила
Мақдаминг то етмади ул водийи хуррам аро.
Итларинг махсусу маҳзундур Навоий, кошки
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро.*

ЛУҒАТ

*Нубувват – пайғамбарлик
Хайл – гуруҳ, тоифа, қавм
Хотам – салтанат муҳри нақшланган узук.
Чарх – осмон, фалак
Анжум – юлдузлар
Ораз – юз, чеҳра
Дурри шабчароғ – кечаларни ёритувчи дурдона.
Жайб – чўнтак; ёқа
Фурқат – айрилиқ
Малак – фаришта
Илик – кўл
Равза – боғ; бу ерда: Расулulloҳ (с.а.в.)нинг муборак қабрлари
Нилгун торам – кўк осмон
Батҳо – Маккаи мукаррама
Ясриб – Мадинаи мунаввара
Махсус – хослар тоифаси
Зумра – тоифа, қавм*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

• Эй, башарият наслдан чиққан пайғамбарларнинг энг сўнггиси! Агар бошқа пайғамбарлар хотам – Оламлар Подшоҳи салтанатининг узуги бўлсалар, сен бу узукда салтанат муҳри ўлароқ нақшлангансан.

• Фалак қасридан Қуёш ҳар куни эшигинг тупроғига юзини суртмоққа, яъни тавоф қилгани тушади.

• Кечаларни ёритувчи дурдона шудринглар орасига тушгандек меърож кечасида сенинг юзинг юлдузлар орасида алоҳида ажралиб порлади.

• Каъба фироқингда мотам тутиб, эгнига қора кийиб олгандек.

• Замзам қудуғининг устига туш пайти тушган қуёш акси – аслида сенинг офтобдай чехрангни бағрида асраганидан нишонадир.

• Кечалар муборак равзанг бошида ойнанинг балқиб туриши фаришталар бошинг устида машъал кўтариб турганига менгзайди.

• Батҳо чўллари қуёшдек жамолинг ҳажридан адо бўлиб, жони зарра-зарра бўлиниб, қумдек тўкилиб кетди.

• Мадина йўллари сенинг муборак қадамнинг фироқида тирналган юздек тарам-тарам бўлиб қолган.

• Сенинг даргоҳингда итларинг хослар даврасида, мискин Навоий маҳзун бўлиб қолган. Кошкийди, бу маҳрум умматинг ҳам маҳрамларинг тоифасига қўшилса.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мазкур ғазал охирзамон пайғамбари, сарвари коинот Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) наътидаги биринчи ғазал. Шу сабабли, матлаъда шоир бу зотнинг нубувват хайли – пайғамбарлар сафида тутган юксак мақомини васф этади. Исломиё ақидага кўра, Расулulloҳ (с.а.в.) инсоният тарихидаги сўнгги пайғамбар ва айни пайтда Аллоҳ элчилари орасида энг улуғи ҳисобланади. Ҳазрат Навоий подшоҳларнинг узуги ҳамда энг сўнгги, охирги маъноларини билдирувчи “Ҳотам” сўзини қўллаш орқали ажойиб шоирона ўхшатиш яратиб, ўз муҳаббат ва эътиқодини қуйидагича баён этган:

*Эй, нубувват хайлига хотам бани Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.*

Фақат инсоният олдида эмас, балки барча яратиклар олдида Расули акрамнинг мақоми ниҳоятда улуғ. Тириклик чоғида бошида булут ҳамиша соябон бўлган, йўлдаги тошлар унга салом берган, ғайб оламидаги жин ва парилар унинг қўли билан имон келтирган, мушриклар талаби билан Ойни иккига бўлиш мўъжизасини кўрсатган пайғамбарнинг эшиги тупроғига юзини суртмоқ ниятида ҳар куни Қуёш ер юзини мунаввар этиб, муборак қа-

дамжоларини зиёрат қилади. Меърож кечаси осмонларга кўтарилган бу зотнинг мунаввар юзи олдида нур сочувчи юлдузлар кечалари ўзидан нур таратиб, рўшнолик берадиган дурдона олдидаги шудринг томчиларидек нурсиз бўлиб қолгандек. Негаки, меърож кечасида Расулulloҳ (с.а.в.) Аллоҳ таоло ҳузурда бўлиб, бевосита мулоқот қилиш ва дийдорлашиш саодатига эришган ягона зотдир:

*Анжум ичра оразинг меърож шони уйлаким,
Тушса дурри шабчароғе ҳар тараф шабнам аро.*

Жоҳилият замонида бутхонага айланган Каъба ҳақ дин келгандан кейин яна имон ва ислом аҳлининг қибласига айланди. Узоқ асрлар давомида мушрикларнинг ботил ақидаси дастидан хор бўлган бу муқаддас макон яна ягона Аллоҳга топинувчилар учун зиёратгоҳ бўлди. Бу иззатни унга қайтариб берган Каъба ҳар йили ҳаж мавсумида қора матодан кисва – каъбапўш билан ёпиниб, ҳаж амаллари тугагандан кейин кисванинг ечиб олинишини, қайсидир маънода Каъбанинг унга азизлик мақомини қайтариб берган пайғамбаримизнинг фироқида аза тутганига ҳам йўйиш мумкин:

*Не учун киймиш қора ҳарён солиб жайбиға чок,
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро.*

Ҳаж мавсумида етти иқлимдан келган ҳожилар чанқоғини қондирувчи Замзам қудуғига пешин пайтида қуёш аксининг тушиши – бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган пайғамбар офтобий чеҳрасининг ёдидир.

Пайғамбаримизнинг муборак равзалари устида нур сочиб турган ой қўлида машъал тутиб, моддий дунёдан боқий оламига риҳлат қилган энг азиз банданинг марқадини ёритиб турган фаришталарга менгзайди. Маккаи мукаррама атрофида ястанган Батҳо дашти – бу муборак шаҳарда туғилиб вояга етган, инсониятнинг йўлини ёритувчи мунаввар қуёш бўлган зотнинг ҳажрида обу адо бўлиб, жисми қум заррасидек тўкилиб кетган соғинч тимсоли гўё. Мадинаи мунавваранинг йўллари – ҳижрат сабабли келиб бу шаҳарни мунаввар ва муқаддас айлаган шариф инсоннинг хайрли мақдами фироқида фиғон чекиб, юзидаги тиртиқларнинг изидек... Алишер Навоий бу каби шоирона ўхшатиш ва тасвирлар орқали ўқувчиларига катта бир ҳикматни уқтирмақчи бўлади: Каъба ҳам, Макка ва Мадинанинг шарафли бўлиши, имон аҳлининг қибласига айланиши – Расулulloҳ (с.а.в.)нинг муборак вужуди шарофати туфайли. Аллоҳ ўз ҳабибининг шарофати билан қумзорлар ичида қад ростлаган икки шаҳар ҳамда у ердаги қора тош ва қудуқни шунчалик азиз ва мукаррам қилган экан, бу зотнинг қавлу феълига муносиб яшашни ихтиёр этган инсон албатта юксак мақом ва мартабаларга эришажак. Шу сабабли, Навоий ислом пайғамбарига муносиб уммат бўлиш – унинг энг улуг орзуси эканини қайд этиб, ғазалга шундай якун ясайди:

*Итларинг махсусу маҳзундур Навоий, кошки
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро.*

“ЮЗУНГДИН АНЖУМ, АНЖУМДИН ҚУЁШ НУР ИКТИСОБ АЙЛАБ...”

“Ғаройиб ус-сиғар”, 7-ғазал

*Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»,
Буроқингға тўқуз гунбад бу тўққуз гунбади хазро.
Қилиб чун хай гулоби майли наълайнинг, бўлуб андин
Малак раъноларининг жабҳасиға чарх сандалсо.
Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,
Бўлуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.
Фалак қолиб Буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.
Юзунгдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб
Анингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун ғабро.
Фалак водийлари қатъиға азминг чун суруб маркаб,
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.
Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида худхуд,
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипехросо.
Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли қўйида манзил,
Тилаб саргашта ушшоқиға ҳам раҳмат уйин маъво.
Навоий хуш қўрар оламни отинг зикридин, йўқса,
Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёву мофиҳо.*

ЛУҒАТ:

*Зиҳи – офарин, қандай яхши, салламно
Афлок – фалаклар, етти осмон
“Ав адно” – “Нажм” сурасининг 9-оятидан иқтибос
Буроқ – Муҳаммад Расулulloҳ (с.а.в.) нинг Меърож кечасидаги улови
Хазро – яшил
Хай – тер, арақ
Наълайн – жуфт кавуш
Малак – фаришта
Жабҳа – пешана
Анбари соро – сара анбар
Фалаксуръат – осмондек тез ҳаракат қилувчи
Қамар – ой
Наът – васф
Анжум – юлдузлар
Иктисоб – ўзлаштирмақ, касб этмоқ
Қийргун ғабро – қора ер
Пайк – элчи
Тойир – қуш, парвоз этувчи
Сойир – сайр этувчи
Саргашта – овора*

Ушшоқ – ошиқлар
 Маъво – макон, маскан
 Дунёву мо фиҳо – дунё ва ундаги нарсалар

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим

V --- V--- V--- V---

V --- V--- V--- V---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

НАСРИЙ БАЁН

• Ё Расулulloҳ, салламно, сенинг жавлон қилган маконинг осмонлар узра, “қоба қавсайни ав адно” – икки ёй орасидаги масофа ё ундан ҳам яқин бўлган майдонда, Аллоҳ таоло ҳузуридадир. Буроқинг учун бу тўққиз яшил осмонни забт этиш тўққиз қадамдек осон иш бўлиб қолган.

• Сенинг гулобдек оққан терларинг кавушингга тўкилгани сабабли осмондаги фаришталар босган оёқ изларингга пешоналарини суртганлар.

• Сунбул каби хушбўй сочинг сари раҳмат насими эсганидан руҳоният оламидаги фаришталарнинг қўнжи сара анбарга тўлиб қолди.

• Фалак Буроқингдан ортда қолди, шу сабабли уни фалаксуръат, яъни фалакни учқур деб бўлмайди. Ой сенинг жамолингдан ёришди, шунинг учун сенинг васфинг қамарсиймоликдан ҳам баланд даражада.

• Сенинг юзингдан ёғилган нурдан юлдузлар, юлдузлардан Куёш, Куёшдан Ой, Ойдан Ер мунаввар бўлди.

• Фалакларни кезиш учун от қўйганингда биринчи қадамданоқ ақл бу фавқулудда воқеани англай олмади.

• Мақоминг шундай юксакки, Меърож кечаси сенга ҳамроҳлик қилган Жаброил алайҳиссалом – Сулаймон пайғамбар олдидаги худхуддек, яъни попишакдек оддий хабарчи мақомида. Буроқ отинг эса юлдузлар шоҳи – Зуҳалнинг устида қўл етмас осмон бўлиб турибди.

• Ушбу сайрда маъшуқ қўйи – Аллоҳ таоло ҳузурида манзил қилдинг. Ундан жонфидо ошиқлар – имон аҳли учун раҳмат ва мағфират сўрадинг.

• Навоий оламини сенинг муборак исминг зикри учун яхши кўради, йўқса, унинг учун дунё ва ундаги нарсалар дўзах олови каби балою офатдан ўзга нарса эмасдир.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мўъжиза – пайғамбарларнинг, ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг барҳақ элчиси эканлигига исбот сифатида юз берадиган ғайриоддий ҳодиса демакдир. Сулаймон (а.с.)нинг шамол устидаги тахти, Довуд (а.с.)нинг темирга қўлда шакл бера олиши, Мусо (а.с.)нинг яди байзо – порлоқ қўли, Исо (а.с.)нинг ўликка жон бахш этиши каби мўъжизалари Аллоҳ таолонинг севиқли бандалари, ҳақиқий эътиқод соҳиби бўлган башар фарзандлари аслида кўп ишларга қодирлигидан далолат амаллардир.

Абдурахмон Жомий “Шавоҳид ун-нубувват” асарининг дебочасида ёзади:

“Маълумдирки, ислом дини арконининг биринчи рукни шаҳодат калимасига иқрор бўлмоқ ва имоннинг ҳақиқати шаҳодат калимасининг мазмунини тасдиқ этмоқдир. Бу икки амрни қамраб олади: биринчиси – Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг ваҳдонияти – яккаю ягона

эканлигига иқрор бўлмоқ ва имон келтирмоқ; иккинчиси, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбар ва расул эканлигига иқрор бўлмоқ ва имон келтирмоқ. Биринчи амр нубувват мушкоти (пайғамбарлик чироғи)дан зиё олган ҳолатдагина эътиборга олинади. Агар файласуфлар каби фақат ақлий далиллар билан кифояланилса, нажот боиси бўлмас. Демак, барча бахту давлатларнинг ибтидоси ва барча саодатларнинг сармоёси Муҳаммад (с.а.в.)нинг нубувватига иқрор бўлмоқ ва тасдиқ этмоқдир”.

Жомийнинг талқини бўйича, пайғамбарлик масаласидаги муносабатга қараб, одамларнинг имон келтириши ҳам турлича бўлади. Саҳобалардан кимдир ортиқча исбот талаб қилмасдан, шак-шубҳадан холи имонга эришган бўлса (масалан, Абдуллоҳ бин Саломнинг имон келтириши), баъзилар пайғамбарга хусни таважжуҳлари юксак бўлгани билан мўъжиза ва кароматини кўргандан кейингина имон давлатининг саодатига мушарраф бўлганлар. Худди шу каби, пайғамбар вафотидан кейин ҳам далил-исбот талаб қилмаган ҳолда имонга келганлар ҳамда пайғамбарнинг мўъжиза ва кароматларини эшитгандан кейин имони муштаҳкам бўлган кишилар бор.

Меърож ҳодисаси содир бўлгандан кейин имон аҳли билан куфр аҳли ўртасида аниқ чегара пайдо бўлди. Бу мўъжизавий ҳодисадан кейин исломни очиқ-ойдин тарғиб этиш ва одамларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилиш ошқора тус олди. Шунинг учун, мумтоз адабиётда меърож мавзусининг жуда кўп қаламга олинишини имон ва эътиқод изҳори сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

“Ғаройиб ус-сиғар”даги еттинчи ғазал – Алишер Навоий лирик меърожномаларининг биринчиси. Шу сабабли, матлаъда “Нажм” сурасининг “Ва кона қоба қавсайни ав адно” (Бас, (Муҳаммадга) икки камон оралиғидек ёки (ундан ҳам) яқинроқ бўлди, 9-оят) оятдан охириги қисми айнан иқтибос келтирилган. Ояти каримадан иқтибос сураси билан шеърга нур ва зиё бағишлаш баробарида, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг меърож кечаси Аллоҳ таоло билан жуда яқин масофада сўзлашгани таъкидланади ва сарвари коинотнинг Ҳақ таоло ҳузураридаги мақоми нақадар юксак эканига ҳам урғу берилади:

*Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»,
Буроқингга тўқуз гунбад бу тўққуз гунбади хазро.*

Кейинги байтларда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг меърож воқеаси содир бўлгандан кейин ерга қайтиш ҳолатлари тасвирланган. Шу ўринда ўзбекча «Меърожнома»дан бир мисол келтирмоқчимиз.

«Меърожнома»да тасвирланишича, Муҳаммад Мустафо Буроқи бодпойга миниб, нур нарвонидан Арши аълога кўтарилар экан, ёр — Худо дийдорига мушарраф бўлиш иштиёқи, муҳаббат зўридан терга ғарқ бўлади:

*Ҳар арақким, мисли маржону гуҳар,
Айлади пайдо тани хайрулбашар,*

*Андин оқ гулни дарахти бош чекиб,
Яшнади бир соат ўтмай очилиб.*

Бу нур ва маржону гавҳардек оқаётган терни кўриб, баракотидан баҳраманд бўлиш учун фаришталар сарвари коинотнинг таъзими ва эҳтиромида саф тортишларини Навоий зўр эҳтирос ва илҳом билан қуйидагича тасвирлайди:

*Қилиб чун хай гулоби майли наълайнинг, бўлуб андин
Малак раъноларининг жабасиға чарх сандалсо.*

Учинчи байтда расулуллоҳнинг бошқа бир сифати қаламга олинади. Бу сифатлар ва таърифларнинг барчаси ояти шарифалар ва ҳадиси шарифларда ўз исботини топган. Жумладан, “Анбиё” сурасининг 118-оятига кўра, охирзамон пайғамбари барча оламдагиларга раҳмат қилиб юборилгани, ушбу раҳматдан фақат ислом уммати эмас, балки руҳоният оламидаги фаришталар ҳам баҳраманд экани қайд этилган:

*Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,
Бўлуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.*

Тўртинчи байтда тажнис санъати ёрдамида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг икки мўъжизасига ишора қилинган. Агар иккинчи мисрадаги “ёруб” феълини “ойдинлашмоқ, равшан бўлмоқ” маъносида қўлласак, пайғамбаримизнинг илоҳий нур мазҳарига айланган чеҳраси ойдан-да гўзал эканлиги васф этилгани аён бўлади. “Ёруб” феълининг иккинчи маъноси “ёрилмоқ, иккига бўлинмоқ” маъносини ҳам англатиши эътиборга олинса, пайғамбаримизнинг бошқа бир мўъжизаси – Ойни қўли билан иккига бўлгани ҳақидаги ҳодисага ишора эканини пайқаш мумкин:

*Фалак қолиб Буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.*

Ҳадиси шарифга кўра, Аллоҳ таолонинг илк яратган нарсаси – “нури Муҳаммадий” ҳисобланади. Оламдаги жамийки ёруғлик ва зиё, гўзаллик ва жамолнинг асл негизи ана шу муборақ нурга бориб тақалади. Байтда ана шу ҳадис мазмунига ишора қилинган бўлса, ажаб эмас:

*Юзунгдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб
Анингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун ғабро.*

Кейинги уч байтда Буроқ оти ҳамда Жибрил алайҳиссаломнинг таърифи, бу мўъжиза ақл чегарасидан хорижда амалга ошгани, меърожга имон келтириш – эътиқод ва имон аҳлининг иши экани таъкидланади. Ғазал Расулуллоҳ (с.а.в.)га муҳаббат ва садоқат изҳори билан туғалланади. Зеро, пайғамбарга муҳаббат – Аллоҳга муҳаббатдан нишона.

**“ШАҲ ЮРУБ ОЛАМ ОЧАР,
ДАРВЕШ ОЛАМДИН ҚОЧАР..”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 8-ғазал

*Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур қисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга.*

*Ким фано туфроғиға ётиб қўяр тош узра бош,
Тахт уза эрмас музаҳҳаб муттако ҳожат анга.*

*Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар;
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анга*

*Ҳар не, шаҳ мақсудидур, дарвешнинг мардудидур!
Кўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга.*

*Фақр қўйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир,
Мулк кўрким, тенг эмас туфроғ ила қиймат анга.*

*Шаҳ сипаҳ чекса, фақир аҳволиға етмас футур,
Бу вале чеккач нафас, барбод ўлур ҳашмат анга.*

*Шаҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй ҳушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анга.*

*Шаҳға сидқ аҳли дамидин машъали давлат ёрур,
Меҳрдекким, субҳ анфоси очар талъат анга.*

*Шоҳға шаҳлиғ мусалламдур, агар бўлғай мудом,
Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур нийят анга.*

*Мумкин эрмас шаҳлар ичра буйла ниятлиғ, магар
Шоҳи Ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.*

*Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, бор
Шоҳлиғ суврат анга, дарвешлик сийрат анга.*

*То шаҳу дарвеш бўлғай айлагил, ё Раб, аён,
Шоҳдин хидмат мунга, дарвешдин ҳиммат анга.*

*Ғар Навоий сўз узатти фақрдин эрмас деманг,
Бўлмағунча ҳукм шаҳдин, қайда бу журъат анга?!*

ЛУҒАТ

Бўрё – бўйра, бордон
 Фақр – камбағаллик, йўқсиллик; дунёдан кечиш
 Кисват – кийим, уст-бош
 Зарбафт – зарбоф тўн, зарчопон
 Хилъат – устки кийим
 Музаҳҳаб – зарҳал қилинган, тилла суви юритилган
 Муттако – суянчиқ, таянч
 Мардуд – рад қилинган
 Футур – путур, завол
 Меҳр – қуёш
 Анфос – дам, нафаслар
 Талъат – порлоқ чеҳра
 Мусаллам – эътирозсиз қабул қилинган; топширилган

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
 -V-- -V-- -V-- -V--
 -V-- -V-- -V-- -V--
 Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Фақирлик бўрёсини, яъни жандасини ўзига кийим қилиб олган гадонинг зардан тикилган шоҳона салтанат либосига эҳтиёжи йўқ.
- Фано (йўқлик) тупроғи уза ётиб, тошни ёстиқ қилиб олган одамга олтин суви юргизилган тахтда ўтириш керак эмас.
- Шоҳ қўшини билан юриш қилиб, оламни эгалласа, дарвеш оламдан қочади, яъни дунё молидан безор бўлиб, узлатга чекинади. Энди ўзинг инсоф юзасидан айт: уларни бир-бирига қиёслаш мумкинми?!
- Нимаики шоҳнинг мақсади бўлса, у дарвешнинг нафратини келтиради; дарвешнинг ҳимматини кўргину шоҳнинг аҳволига боқ!
- Фақир одам дарвешлик кўчасининг тупроғини шоҳ хазинасига алиштирамайди; ахир кўряпсан-ку, уларнинг мулки тенг эмас – шоҳнинг бутун бойлиги дарвеш назарида тупроқ билан баробар.
- Агар шоҳ лашкар тортса, гадонинг аҳволига путур етмайди, лекин гадо оҳ урса, шоҳнинг тахту тожи, ҳашаматли саройи барбод бўлади.
- Шоҳ дўзах азоби ваҳимасидан бир нафас осойишта яшолмайди; аммо дарвешга офарин, чунки у жаннату дўзах ғамидан фориғ!
- Шоҳлар давлатининг чироғи ростгўй дарвешлар нафасидан ёнади, бу нафас гўё тонг юзини очган қуёш кабидир.
- Агар шоҳда ҳар вақт шоҳликдан воз кечиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга муносиб ва барқарордир.

- Бундай ният шоҳларда мавжуд эмас, фақат шоҳи Ғозий – Ҳусайн Бойқаро бу олий давлатга мушарраф бўлган.
- У шоҳларнинг дарवेशию дарवेशларнинг шоҳидир, чунки ташқи кўриниши шоҳ бўлгани билан, ички оламига кўра дарвешдир.
- Эй Танграм, токи шоҳ-у дарвеш бор экан, шоҳдан дарвешга хизмат ва дарвешдан шоҳга ҳимматни аён айлагин.
- Агар Навоий фақр ҳақида бемалол сўзлаган бўлса, бу шоҳнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) ҳукмидандир, бўлмаса унда бундай журъат қаерда эди?!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ўн уч байтдан иборат бу ғазалда тасаввуфнинг энг муҳим масалаларидан бири – дарвешликнинг моҳияти подшоҳлик маслагига қиёслаш асносида очиб берилган. Дарвешнинг луғавий маъноси – тиланчилик билан кун кечирувчи мискин ва фақир кишига нисбатан қўлланилади. Истилоҳда эса бутун оламнинг ҳақиқий эгаси бўлган Аллоҳ ҳузурида ўзининг ожиз, нотавон ва фақир эканлигини жондан ҳис қилган ҳамда ўз ҳожатини фақат Худодан сўрашга одатланган огоҳдил инсон демакдир. Ушбу ҳақиқатни англаб, оғишмай амал қиладиган инсон бу ўткинчи дунёда ҳеч нарса, ҳаттоки салтанатнинг зарчопонига ҳам муҳтожлик сезмайди:

*Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур қисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга.*

Дунё инсон учун керак – одам унинг асл моҳиятини тушуниб олиш учун яратилган. Моҳият эътибори ила дунё ва ундаги барча нарсалар – фано ва заволга юз тутгувчи, бебақо ва бевафо бир матоҳдир. Буни англаган дарвеш тахтнинг олтин суви юритилган суянчиғига суяниб ўтиргандан кўра, ҳақиқий Суянч ва Таянч – Аллоҳ таоло ризосини тилаган ҳолда фано тупроғига ётмоқни афзал билади:

*Ким фано тупроғига ётиб қўяр тош узра бош,
Тахт уза эрмас музаҳҳаб муттако ҳожат анга.*

Подшоҳнинг нияти – жаҳонгирлик ва фотиҳлик ниқоби остида ўзга мамлакатларга юриш қилиб, мамлакатининг чегараларини кенгайтириш, орзуси – етти иқлимда ягона ҳукмдор бўлишдан иборат. Дарвеш эса имкони борича дунё ва унинг ҳою ҳавасдан қочиб, ташвиш келтирувчи барча нарсалардан қутулган ҳолда эркин ва озод яшашга мойил. Бунинг сирри нимада?

“Дунё ва ундаги барча нарсалар лаънатлангандир, илло Аллоҳ таолонинг зикри ва итоати бундан мустасно”, дейилади ҳадиси шарифда. Аллоҳ таоло ҳузурида пашшанинг қанотичалик қадри бўлмаган дунё учун подшоҳлар бор куч ва имкониятларини сарфласалар, дарвеш ўзининг ҳимматини Аллоҳ таоло ризосига мувофиқ этиб, ундан қочади. Шу сабабли, подшоҳ ис-таган, қўлга киритишга интилган нарсалар ҳамиша дарвешлар томонидан инкор қилинган:

*Ҳар не, шаҳ мақсудидур, дарвешнинг мардудидур –
Кўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга.*

Ғазолий фақр тушунчасининг умумий ва хос маънолари ҳақида ёзади:

“Билгилки, фақир деб ўзининг ихтиёрида ва қўлида бўлмаган нарсага муҳтож бўлган кишига нисбатан айтилади. Инсоннинг энг аввало, ўзининг мавжудлигига, сўнг ҳаётига, ундан кейин емак-ичмак, кийим-кечак ва шунга ўхшаш нарсаларга эҳтиёжи борким, буларнинг барчасига ўз ихтиёри билан тасарруф эта олмас. Ғаний деб, бирор нарсага, ўздан бошқа вужудга эҳтиёж сезмайдиган зотга нисбатан айтиладиким, бутун оламда Ҳақ таоло жалла жалолоҳудан ўзга ҳеч ким бу қудрат ва сифатга соҳиб эмас. Вужуд оламида инсу жиндан тортиб, фаришталар, парий ва жинлар олами – барчанинг боқийлиги ва мавжудлиги Ҳақ таолога боғлиқдир ва барча мавжудот Ҳақ таолога муҳтождирлар. Демак, ҳақиқат юзасидан барча мавжудот фақирдирлар”.

Ўзини шу сифат билан таниган ва фақирлик сифати унга ғолиб бўлган дарвешлар Иброҳим Адҳам каби подшоҳликдан воз кеча оладилар. Қолаверса, мабодо уларга кимдир инъом этса, инъомни ҳам рад этиб, фақр кўйининг тупроғини шоҳликдан афзал биладилар:

*Фақр кўйи тупроғин шаҳ мулкига бермас фақир,
Мулк кўрким, тенг эмас тупроғ ила қиймат анга.*

Дарвешлик ва фақирликни бундай баланд пардаларда тараннум этган Алишер Навоий ҳам, унинг маънавий маслакдошлари бўлган бошқа мутафаккирлар ҳам ҳеч қачон шоҳлик ва шоҳларга қарши бўлмаганлар. Балки ана шундай дарвеш табиатли ҳукмдор олам аҳли аро барқарорлик ва осойишталик, адолат ва мурувватни таъминлай олади, деб ҳисоблаганлар.

“Мен Аллоҳга валийларни яратгани учун шукрона келтираман. Айнан улар сабабли бу дунёда қиёмат соати кечикмоқда. Мен Аллоҳга одил подшоҳларни яратгани учун шукрона келтираман. Айнан одил подшоҳлар туфайли оламда адолат ва инсоф барқарор. Мен Аллоҳга аҳмоқларни яратгани учун шукрона айтаман. Айнан улар туфайли асли бир чақага ҳам арзимас бу дунё ободдир”, деган экан Ҳасан Басрий.

Оламни қандай қилиб асраш, уруш ва қирғинбаротлардан, зулм ва зўравонликлар, жаҳолат ва кулфатдан ҳимоялаш тўғрисида бош қотиришдан аввал маънавий маънода инсон қандай инсон бўлиб қолажагини, фақат ақл-идрокли мавжудот шаклида эмас, балки нияти ва эътиқоди тўғри бўлган, виждонли ва диёнатли инсон қандай бўлиши кераклигини билмоқ керак.

Одил подшоҳларда эса дарвешлик сифати ғолиб келади. Навоий ақидасига кўра, бундай подшоҳ қайсидир бир мавҳум образ эмас, балки Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзидир. Унинг мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, илм ва ирфон аҳлининг маъмурлиги йўлида қилган хизматлари, қолаверса, Жомий ва Навоийдек дарвештабиатли инсонлар билан деярли ҳамма вақт ҳамфикр ва маслакдош бўлганлиги Навоий шундай фикрлаши учун асос бўлган. Қолаверса, бу концепция – шоҳлик учун шижоат ва саховат, ақл ва заковат қанчалик зарур бўлса, дарвешлик хислати шунчалик муҳимлигини асослаб бериш ғояси айнан “шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳи” – Султон Ҳусайн Бойқародан чиққан:

*Ғар Навоий сўз узатти фақрдин эрмас деманг,
Бўлмағунча ҳукм шаҳдин қайда бу журъат анга?!*

«ИШҚИДИН ОЛАМ МЕНГА ҲАЙРОНУ МЕН ҲАЙРОН АНГА...»

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 9-ғазал

*Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.*

*Ўқларингдин дамбадам таскин топар кўнглум ўти,
Бордурур бир қатра су гўёки ҳар пайкон анга.*

*Бир диловардур кўнгулким, ғам сипоҳи қалбида,
Оҳи новак, тоза доғидур қизил қалқон анга.*

*Новакининг парру пайконида рангин тус эрур
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтти юқмиш қон анга.*

*Номаи шавқум не навъ ул ойға еткай, чунки мен
Эл отин ўқур ҳасаддин ёзмадим унвон анга.*

*Хизри хаттингинг ажаб йўқ сабзу хуррам бўлмоғи,
Лаббалаб чунким берур су чашмайи ҳайвон анга.*

*Эй хушо, муғ кўйиким, рифъат била зийнатда бор
Меҳр анга бир шамсаву кўк тоқидур айвон анга.*

*Истамиш булбул вафо гулдин магарким, жоладин
Бағри қотмиш ғунчанинг, баским эрур хандон анга.*

*Қилмамиш жонин фидо жононға етмас дер эмиш,
Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анга.*

ЛУҒАТ

Пайкон – ўқ

Сипоҳ – кўшин

Новак – кичик ўқ

Унвон – адресат

Рифъат – юксаклик

Меҳр – қуёш

Шамса – айвонлар пештоқига нақш этилган қуёш сурати

Кўк тоқи – осмон гумбази

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Бир париваш ишқида шундай зору саргардон бўлдимки, бу ишқдан олам менинг ҳолимдан ҳайратга тушибди, мен эса паривашимга ҳайронман.
- Кўнглим ўти тинимсиз ёғилаётган ўқларингдан таскин топмоқда. Гўёки ҳар бир пайконингда бир томчи сув бордек туюлади.
- Кўнгил ҳам қўшинининг қуршовида якка ўзи жанг қилаётган бир жасур жанговарга ўхшайди. Унинг қуроли – оҳ, қалқони эса, янги ҳосил бўлган қип-қизил доғдир.
- Отаётган ўқининг учи ва пати қизил рангга бўялганми, ёки кўнглимни тешиб ўтганида қоним юқдимикан?!
- Шавқим изҳори бўлмиш мактуб ул ойга қайдан борсинки, мен бошқалар унинг исмига назари тушишидан рашк қилиб, мактубнинг унвонида исмини ёзмадим.
- Лабинг устида майса урган хаттинг яшнаб хуррам бўлиши ажабланарли эмас, чунки бу хат Хизр каби обиҳаёт чашмаси – оғзингдан сероб бўлган.
- Муғ кўйи қандай юксак мақомки, унинг улуғворлиги ва зийнати олдида Қуёш шамса – айвоннинг пештоқида чизилган нақш, осмон эса, қасрнинг киришидаги айвончага ўхшайди.
- Булбул гулдан вафо истабди магарким, очилган ғунча бағри жала ёғилганидан тошдек қотиб, ўзи хандон бўлиб қолибди.
- Жонни фидо қилмагунча жононга етиб бўлмас, дермиш ёр ва Навоий шу сўзининг ўзига юзта жонини фидо этса арзийди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мазкур ғазалда талаб йўлидаги ошиқ руҳиясининг бадий ифодаси ўлароқ юзага келган. Биринчи мисрада маъшуқа “париваш” – ғайб оламига тегишли гўзал хилқат эканлиги тавсифланади. Лекин бу гўзалликни ҳамма ҳам англаб қадрига етолмайди. Бу ҳусну жамолнинг беназирлигини кашф қилган лирик қаҳрамон ёр ишқида шу даражада ҳайрат оламига ғарқ бўлибдики, бошқалар унинг ҳайратидан ҳайратда қолмишлар. Фахриддин Розийга кўра, ҳайрат икки навдир: ақл ҳайрати ва қалб ҳайрати. Ақл ҳайрати – инсон тафақури англашга ожиз қолган нарсалар ва воқеа-ҳодисаларга нисбатан пайдо бўлади. Дейлик, техниканинг сўнгги ютуқлари илк марта намоёиш этилганда кўпчиликни ҳайратга солади. Аммо ишлаш тарзи ҳақида маълумот ҳосил қилинганда, ҳайратдан нишон қолмайди. Қалб ҳайратида эса, туйғуларнинг моҳияти очилаверганда, ҳайрат янада қувватланиб бораверади.

Ҳайратнинг ошишига сабаб бўлган омиллар ёрнинг ошиқ кўнглига қарата отган ўқлари каби бадий тимсол ва образлар ёрдамида ифодаланган. Навоий тасвирида, ошиқнинг кўнгли – Ишқ оламида ҳам сипоҳига якка ўзи кураш олиб бораётган бир қаҳрамон. Бу жасур жанговарнинг асосий қуроли – Ишқ ўтидан фалакка ўрлаган “оҳ”лар, қалқони эса – захмлар нишонидан пайдо бўлган доғ. Ишқ дардига мубтало бўлган киши кундалик ташвишлар, ғам-ғуссалар, беқарорлик ва таҳликаларни жигарларни ўртовчи бир оҳ билан енгади, бундай одамнинг кўнглида бошқа нарсага жой қолмайди. Ошиқ кўнгилдан чиққан бир оҳ ду-

нөвий ташвишлар хирмонини алангалатиб юборади. Шу сабабли, ғам қўшини қуршовида қолган ошиқ кўнглини шоир енгилмас ва жасур баҳодирлардек таърифлайди:

*Бир диловардур кўнгулким, ғам сипоҳи қалбида,
Оҳи новак, тоза доғидур қизил қалқон анга.*

Кейинги байтда яна иккинчи ва учинчи байтларда қўлланилган образлар – ёрнинг отган ўқлари ҳақида сўз юритилади. Шеърят тилида ёр бир нигоҳи, кўз қири билан қиё боқиши ошиқ кўнглини ўзига сайд қилиши боис, унинг назарини ўққа ўхшатишади. Муболағанинг авжи аълосини қўлаган Навоий бу ўқларнинг рангин патларини кўнгил қонига бўялган, деган тасаввурни жонлантиради:

*Новакининг парру пайконида рангин тус эрур
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтти юқмиш қон анга.*

Кейинги байтда Ишқ зўрлигидан рашк ва ғаюрлик ўти қанчалик аланга олганини мушоҳада этиш мумкин: ошиқ маъшуқага хат ёзаркан, ёрининг исми одамлар тилига тушмаслик учун мактуб унвонига ёзмаганини айтади.

Шиблий деган авлиё илоҳий ишқ жазбасидан дастлаб Бағдод кўчаларини девонавор кезиб, кимки “Аллоҳ” деса, ширинлик улашиб юраркан. Кейинчалик ҳоли ўзгариб, кимки “Аллоҳ” деса, бошини чопиб ташлайман, деб қилич кўтариб чиқибди. Бу ҳолни пири – Жунайд Бағдодийга бориб етказишибди. Жунайд айтибди:

– Уни ўз ҳолига қўйинглар. Ишқ ғалаёни ва рашк ўтининг алангаси туфайли бу ҳолга тушибди.

Навоий тасвирлаган ҳолат ҳам айна шу мақомга мос тушади. Ёрининг жамолини бошқалардан пинҳон тутмоқни истаган ошиқ дилдорнинг сабза урган мурти – хаттини Хизрга қиёслайди ва бунга икки нарсани сабаб қилиб кўрсатади: биринчидан, яшнаб турган хат Хизрдек Хусн ва Ишқ водийсида саргардон бўлганларга раҳнамолик қилса, иккинчидан, бу хат жон бағишловчи калом ва файз манбаи – Ёрнинг оғзи устидадир. Хусни таълил санъатининг ажойиб намунаси бўлган бу байт талмиҳ, истиора ва ташбиҳ санъатлари билан қоришиқ ҳолда келиб, ажойиб санъаткорона байтни вужудга келтирган.

Кейинги байт муғ дайри васфига бағишланган. Навоий таърифига кўра, муғнинг остонаси шунчалик баландки, тўртинчи фалакда жойлашган қуёш унинг айвонида нақшланган бир акс кабидир. Муғ сўзи мағупат – Қуёшга сиғинувчиларнинг руҳонийсига нисбатан қўлланиладиган атама эканлигини биламиз. Аммо Навоий васф этган муғ – Қуёшпараст мажусий эмас, балки Қуёш унинг улуғлик айвонида бор-йўғи бир зийнат бўлган олиймақом бир зот. Ана шундай тавсифлар бизни мажоз оламидаги ҳақиқатлар асрорини очишга ундайди.

Кейинги байтларда ҳам анъанавий образлар қўлланилган. Табиатнинг чиройли манзараси – жала ёғилиши сабаб, ғунчанинг очилиши ҳамда бу ҳолатни (ғунча очилишини) кутиб яшаган булбул кўролмаи армонда қолганини бебақо гўзаллик соҳибларидан вафо кутиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрга боғлаб шундай маҳорат билан тасвирлаганки, ҳатто ана шу бебақолик ва бевафолик талқини кишини тушкунликка туширмайди, балки Вафо ва Бақо соҳиби томон талпинишларни янада кучайтиради.

Мақтаъда эса Навоий вафо тушунчасига эш бўлган фидойилик ҳақида сўз юритиб, ёрга жонфидо бўлиш муҳаббатнинг исботи эканлигини таъкидлайди ҳамда ўзи ҳам шу йўлда минг жони бўлса ҳам қурбон қилишга тайёр эканлигини билдиради.

**“ЭЙ НАВОИЙ, КҶНГЛУМА АМР ЭТМА
ТАРКИ ИШҚКИМ...”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 10-ғазал

*Ул парипайкарки, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга
Кимки, ҳайрони эмас, мен телбамен ҳайрон анга.*

*Не ажаб, парвонадек куйсам юзи шамъиғаким,
Кўп бўлубмен васл умиди бирла саргардон анга.*

*Тоури ҳажринг бузуғ кўнглумниким қилмиш ватан
Чуғздеқдурким, нишиман келди бир вайрон анга.*

*Ҳажрда таҳ-таҳ кўнгул қон боғлағандиндур нишон,
Номаи шавқумки тим-тим томди кўздин қон анга.*

*Тийрборони ғаминг кўнглумгаким ёғди эрур,
Ҳар тарафдин барқи офат ламъайи пайкон анга.*

*Оташин гул чунки булбул куйдурур юз важҳ ила,
Не осиф фарёду афғон бирла минг дастон анга.*

*Эй Навоий, кўнглума амр этма тарки ишқким,
Ул самандардур, эмас ўт фурқати имкон анга.*

ЛУҒАТ

Инсу жон – одамлар ва фаришталар

Тоур – қуш

Чуғз – бойўғли

Нишиман – макон, маскан

Тирборон – ўқ ёмғири

Офат – бало, мусибат

Ламъа – чақин, яшин

Пайкон – ўқнинг темир учи

Важҳ – юз, чеҳра; сабаб

Осиф – фойда

Афғон – фиғон, нола

Дастон – қисса; макр-ҳийла; сайраш, наво, нағма

Самандар – ўт ичида яшовчи афсонавий жонивор

Фурқат – айрилиқ, жудолик

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

• Ул паризоднинг гўзаллигидан фақат одамларгина эмас, балки ғайб оламидагилар ҳам ҳайратга тушмиш. Кимки унинг хуснидан ҳайрон бўлмаса, унинг мендай девонаси шундай кишилар ҳам борлигидан ҳайратдаман.

• Унинг шамдай мунаввар жамолидан ёғилаётган нурида парвонадек куйсам, ажаб эмас, афсуслар бўлсинки, унинг висолидан умидвор сарсон-саргардонман.

• Ҳижронинг қуши харобаларни макон тутган бойўғлидек менинг вайрон кўнглимда ватан этган.

• Шавқингда нома ёзганимда кўзимдан тим-тим қонли ёш оқиб, мактуб устига тушди. Бу – бутун кўнглим қават-қаватларида ҳижронингдан қон боғланганидан нишондир.

• Кўнглимга ёғилган ғаминг ўқлари ҳар томондан бало келтирувчи чақмоқнинг яшинларидир.

• Оловдек яшнаб турган қизил гул юз сабаб (бошқа маъноси: юз чехраси – барги) билан булбулни ишқда куйдиради. Аммо булбулнинг турфа ҳийла-найранглар кўрсатиб, фарёду фиғон қилишидан не фойда?!

• Эй Навоий, кўнгилга ишқдан воз кечишни амр этма, чунки у – самандардек олов ичидагина барҳаёт, ишқ ўтисиз асло яшай олмайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал ишқ жунунига гирифтор ошиқнинг ҳайрат ва паришонлигини ифода этувчи байт билан бошланади. Ошиқ Навоийнинг талқинига кўра, унинг маҳбубаси – парилардек “пинҳонлиги пайдо ва пайдолиги пинҳон” самовий хилқат. Шу боис, фақат башар жинсидан бўлган ошиқларгина унга шайдо эмас, балки ғайб оламидагилар ҳам беқиёс зеболигидан ҳайратга тушганлар. Аммо ана шу тенги йўқ гўзалликни танимаганлар, Унинг жамолидан ҳайратга тушмаганлар ҳам борки, уларнинг ҳайратдан бенасиблиги шоирни ҳайратга солимиш. Бу парипайкар санам юзидан нур таратади, унга назар солганларнинг кўнглида илиқлик, ёруғлик пайдо бўлади. Шу боис, Навоий парвонадек унинг ишқида куйиб, жон берсам, ажабмас, чунки кўпдан бери унинг бошига эврилиб, ишқида саргардон бўлиб юрибман, дейди (шоир бу байтда саргардон сўзини икки маънода – оворалик ҳамда бошига парвона бўлишлик маъносида ишлатган).

Кейинги байтлар кўнгил ҳолу ҳолотининг тасвирига бағишланган. Чунки Ишқ аталмиш бебаҳо неъматдан ҳосил бўлажак дардларнинг макони ҳам, ошиқни минг кўйга соладиган ҳам, бутун вужудни вайронага айлантирадиган ҳам – Кўнгил. Ишқнинг хужумидан кўнгил ҳижрон чуғзи (бойўғли)нинг сеvimли қароргоҳига айланган. Бойўғли вайронада яшашни хуш кўрганидек, бутун оламни ўз қаноти остига олган ҳижрон қуши ошиқнинг синиқ

кўнглини макон тутмиш. Ҳижрон қуши ушбу маконни тарк этиши учун энди кўнгил уйини обод этмоқ керак. Шоирнинг синиқ кўнгли бундан буён унинг шавқини сир тутмоққа ожиз қолади – ҳижрон ошубини изҳор этишга чоғланиб, мактуб ёзганида кўзидан қон томади ва бу қон йиғлашлар ҳижронда қолган кўнгилнинг қават-қаватида қон боғланиб қолганидан нишонадир. Орифлар орасида машҳур бўлган ҳадиснинг мазмунига кўра, кимки ошиқ бўла туриб, ишқини пинҳон тутса ва шу йўлда қурбон бўлса, шаҳидлик мақомига эришади. Шоир ана шу улвий мақом – шаҳиди ишқ бўлиш имконидан мосуво бўлганидан изтироб чекади. Сирнинг бундай эл орасида ёйилиши, ошкор бўлиши имконсизликдан – негаки ишқ дардига гирифтор бўлган кўнгил энди ғам ўқларининг нишонига айланиб қолмиш. Бу ўқларнинг учидан чиққан аланга ҳар бири офат келтирувчи чақмоқдек кўнгил уйини хароб этади. Ғазал мақтаёида Навоий ишқни тарк қилмоқ энди имконсиз, чунки самандар олов ичидагина ҳаёт кечиргани каби кўнгилга ҳаёт бағишловчи ҳам, уни кул қилиб, йўқликка маҳкум этадиган ҳам фақат ва фақат Ишқ ўти эканлигини гўзал бир тарзда ифода этиб, ғазалга якун ясайди.

“КЎНГЛУМ ЎТИДИН ЙИҒОЧ КУЛДУР, БАШОҚ БИР ҚАТРА СУ...”

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 11-ғазал

*Ваҳки, ишқинг зоҳир этсам, ваҳм эрур ўлмак манга,
Гар ниҳон тутсам дағи жон хавфидур бешак манга.
Келган эрмиш ул Масиҳ ўлганларин тиргузгали,
Мен тириг, ваҳ, яхшироқ бу умрдин ўлмак манга.
Жузв-жузвумни, фиғонким, мунфак этти тийғи ҳажр
Бир-биридин, лек ўзидур жузви лоянфак манга.
Кўнглум ўтидин йиғоч кулдур, башоқ бир қатра су,
Ногаҳ ул шўхи жафокеш отса бир новак манга.
Олтун эзиниб-эриб куйган саю холис бўлур,
Не ажаб сарғарса юз, еткан саю эмгак манга.
Чок айлармен ёқа ул қоши ёни кўргач-ўқ,
Ким хадангин отса ҳойил бўлмағай кўнглак манга.
Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Айлагил май шишасидин синдуруб айнак манга,
Сарсари ҳижрон, вужудум хирманин андоқ совур
Ким, фано йўлида сарсар бўлмасун ҳамтак манга.
Эй Навоий, гар манга кўпрак эмас уммиди васл,
Бас нағу ушшоқидин жаври эрур кўпрак манга.*

ЛУҒАТ

*Ваҳм – ваҳима, кўркув
Бешак – шак-шубҳасиз
Мунфак – бўлиб ташланган
Жузви лоянфак – бўлинмас зарра; атом
Жафокеш – жафо етказишга одатланган, жафокор
Новак – кичик ўқ
Саю – сари
Эмгак – азоб, машаққат
Хаданг – катта ўқ
Ҳойил – тўсиқ, парда
Сарсар – кучли ва совуқ шамол; изғирин
Ҳамтак – тенг югурувчи
Нағу – қандай қилиб; нега*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V--
-V-- -V-- -V-- -V--
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Агар ишқингни ошкор этсам, ўлиб қоламан, деб қўрқаман; мабодо пинҳон тутишда давом этсам, жонимнинг хавф остида қолишига шубҳа йўқ.
- Ул Исонафас ўлганларни тирилтириш учун келган эмиш; мен ҳалиям тирик юрибман, бу кунимдан кўра ўлганим яхшироқ, чунки ўшанда мени тирилтириш учун ул пари қошимга келган бўларди.
- Фиғонким, ҳижрон қиличи бутун вужудимни бўлак-бўлак қилиб ташлади. Лекин менга улар бўлинмас зарра (атом)дек майдаланиб кетиб, қайта тикланмайдигандек кўриняпти.
- Жафокорликка ўрганган ул шўх агар менга бир ўқ отгудек бўлса, кўнглимдаги ўт таъсиридан бу ўқнинг учи – бошоғи сувдек эриб, ёғочи ёниб кул бўлади.
- Агар ишқ машаққатидан юзларим борган сари сарғайиб кетса, ажабмас, чунки олтин ҳам оловда эзиб, эритган сари бошқа унсурлардан тозаланиб, холисроқ бўлади.
- Ул қоши камонни кўрган заҳоти ёқамни йиртиб ташлайман, токи ўқига менинг кўйлагим тўсиқ бўлмасин.
- Эй дайр пири, шароб йўқлигидан кўзларим оқариб кетди, энди май шишасини синдириб, менга кўзойнак ясаб бер.
- Эй ҳижроннинг совуқ изғирини, менинг вужудим хирманини фано даштига шундай совурким, ҳатто изғирин бу хирмон гардини излаб тополмасин.
- Эй Навоий, агар васл умиди бошқалардан кўра менда кўп бўлмаса, не учун бошқа ошиқларидан кўра менга кўпроқ жафо қилади?!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мажозий ишқ талқинидаги рисоаларга кўра, муҳаббат дастлаб кучли майл сифатида пайдо бўлиб, иккинчи босқичда ошиқ бу туйғуни инкор этишга киришади. Аммо шамолнинг эсиши кучсиз учқунларни сўндириб, кучли оловларни баттар алангалатганидек, ҳақиқий муҳаббат инкор этилгани сайин янада қувват олиб, кўнгилдаги изтироб ва беқарорлик, талпиниш ва иштиёқ оташи ҳаловат уйини барбод қилади. Ошиқ шундай бир ҳолатга тушадики, ишқни изҳор қилиш учун ҳам, пинҳон тутиш учун ҳам жонини гаровга тикиши керак бўлиши яққол аён бўлади:

*Ваҳки ишқинг зоҳир этсам, ваҳм эрур ўлмак манга,
Гар ниҳон тутсам дағи жон хавфидур бешак манга.*

Дунёдаги энг буюк сир – Ишқ асрорини дилдан тилга чиқариш мушкулотиға рўбарў келган ошиқ муаммонинг ечимини топгандай: у ишқ қурбонларига қайта жон бахш этадиган исонафас маҳбуба қошига, яъни ишқ кўйига йўл олади. Ҳалигача муҳаббатини изҳор этолмасдан, тириклар сафида юрган ошиқ уят ва хижолатдан ҳатто минг ўлимга рози:

*Келган эрмиш ул Масиҳ ўлганларин тиргузгали,
Мен тириг, ваҳ, яхшироқ бу умрдин ўлмак манга.*

“Мен тирик”, дея хижолатда қолган ошиқнинг аҳволи аслида ўликлардан баттар: ҳижрон тиғи жисмини бўлинмас зарра (атом)ларга бўлиб, майдалаб ташлаган. Ғулув даражасидаги бу муболағали тасвир, ҳижрон азоби ошиқнинг жон-жонидан ўтиб, бутун вужудини

қамраб олгани, бу дард энди вужуднинг бўлинмас қисмига айланганини ифодалашга хизмат қилган:

*Жузв-жузвумни, фиғонким, мунфак этти тийғи ҳажр
Бир-биридин, лек ўзидур жузви лоянфак манга.*

Бундай муболағали тасвир кейинги байтда ҳам қўлланилади: ҳижрон тиғининг зарбидан энг майда заррасигача дардга йўғрилган, бутун вужуди дардга айланган ошиқнинг кўнглида ишқ оташи шунчалик шиддатли тус олганки, мабодо маҳбуба унга қарата ўқ отгудек бўлса, бу ўқнинг чўпи кулга, темир учи эриб, сувга айланади. Қалбадаги ишқ ўти асилни қалбакидан, мисни олтиндан ажратувчи синов оташидир. Шу сабабли, мажнуншева ошиқнинг муҳаббат кўйида турли машаққатлар асоратидан юзининг сарғайгани ҳам оловда тобланиб, турли бегона аралашма ва унсурлардан тозаланган олтинга менгзайди.

Ишқ дарди ва балоларига одатланган ошиқ энди мабодо ўз қошикамонини кўриб қолгудек бўлса, ёқасини чок этади. Бу ёқавайронлик фақат ишқ жунунининг ғалаёнидан нишона эмас, балки муҳаббатнинг навбатдаги ўқи кўнгилни нишонга олганда дунё матоҳи – кўйлак орада тўсиқ бўлмаслиги керак. Навоий бу чиройли ўхшатма орқали ҳақиқий муҳаббат йўлида дунёнинг энг арзимаган матоҳи ҳам катта ғов бўлиши, ишқ дарди руҳоният оламига дахлдор туйғу эканлигини ифодалаб берган:

*Чок айлармен ёқа ул қоши ёни кўргач-ўқ,
Ким хадангин отса ҳойил бўлмағай кўнглак манга.*

Олдинги байтларда ҳижрон тиғи ва ёрнинг “ўқ”и ҳақида сўз юритилган бўлса, еттинчи байтда навбатдаги анъанавий тимсоллар – “пири дайр” ва “бода” тимсоллари қўлланилганига гувоҳ бўламиз. Бу сафар ҳам шоир анъана замирида янгилик яратишда беназир эканлигини исботлаган. Байтдаги тасвирга кўра, шоир шаробни кутавериб, кўзлари оқариб кетганлиги сабаб, дайр пиридан май шишасини синдириб, унга кўзойнак ясаб беришни илтимос қилади. Май шишаси рангсиз бўлиб, ичидаги шаробнинг рангига қараб товланишига ишора қилган ҳолда Навоий дайр пири ясаб берган кўзойнак туфайли оламдаги нарсаларни қандай бўлса, ўз ҳолича кўриш иштиёқида эканлигини билдиради. Бундан англашиладики, Навоий истаётган бода – олам ва одамнинг асл моҳиятини англашга ёрдам берадиган маърифат бодаси бўлиб, бу бода (маърифат)нинг ранги ва жиноси қандай бўлса, шундай кўра оладиган “айнак” – басират кўзини, яъни қалб кўзини очувчи восита лозим:

*Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Айлагил май шишасидин синдуруб айнак манга.*

Басират кўзи очилган ошиқ ўзининг ҳақиқий аҳволидан огоҳ бўлиб, фано манзилига юз буради. Аммо бу йўлда унга ягона ҳамроҳ – ҳижрон шамоли. Муҳаббат йўлида фано бўлиш иштиёқи лирик қаҳрамонда шунчалик баландки, ҳижроннинг шамоли ёрдамида борлиқдан хабар берувчи вужуднинг хирмони ҳали фано шамоли эсмасдан барбод бўлишини истайди. Бу ўхшатма орифлар наздида машҳур бўлган “муту қабла ан тамуту” (“Ўлмасдан бурун ўлингиз”) ҳадисининг маъносига ишорат қилади:

*Сарсари ҳижрон, вужудум хирманин андоқ совур
Ким, фано йўлида сарсар бўлмасун ҳамтак манга.*

Фано бўлиш, вужуднинг йўқлик саҳросида ғуборга айланиб кетиши – худкушлик ёки пессимистик кайфиятнинг тасвири эмас. Фано бўлишлик замирида ҳақиқий боқийликка етишмоқ, ўткинчи нарсалар, қолаверса, ўзликдан воз кечиш орқали ўзликни англаш, ала-лоқибат Яратганнинг Ўзини таниш ҳақиқати ётади. Ҳақ йўли – гуллар тўшалган текис ва равон йўл эмас. Бу йўл ҳамиша тузоқ ва тўсиқлар, боши берк кўчалар, адаштирувчи кучлар, сабр косасини синдирадиган тошлоқлар, товонга ботган тикондек мадорни сўрадиган хатоликларга тўла. Аммо бу йўлда машаққат қанча кўпайса, асл манзилга яқин қолганлигидан далолатдир. Ҳадиси шарифда: “Балонинг энг улуғи пайғамбарларга, ундан сўнг у зотларга яқин бўлган кишиларга, ундан кейин бошқа одамларга юборилади”, дейилади. Демак, инсон бошига қанча катта бало синов тариқасида юборилса, унинг мақоми ва мартабаси Ҳақ таоло олдида шу даражада улуғ бўлади. Шундан руҳланган Навоий ўз бошига тушган синовларни кўтаринки кайфият билан кутиб олиб, ризо ва шукроналик оҳангида ғазалга нуқта қўяди:

*Эй Навоий, гар манга кўпрак эмас уммиди васл,
Бас нағу ушшоқидин жаври эрур кўпрак манга.*

**“КЎНГЛУМ ИСТАР ЯНА МАҚСУД
ЖАМОЛИ АКСИН...”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 12-ғазал

*Ғарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга,
Ғам эмас васлингга уммид агар бор манга.*

*Бир бузуғ узра жунун қушлари қўнған кибидур,
Тошким, ёғдурур ул шўхи ситамгор манга.*

*Зоҳид учмоғни этар васфу мен ул ой қўйин,
Гулшани хулд анга, ул гули рухсор манга.*

*Телба андоғки парий жилвасидин олдарағай,
Ўт солур ҳар тараф ул турфа намудор манга.*

*Баски қонимни яларлар, адади қўп ярадин,
Итларин қилди мулойиб тани афгор манга.*

*Кўнглум истар яна мақсуд жамоли аксин,
Соқие, тут қадаҳи ойинакирдор манга.*

*Субҳа торини йиғ, эй шайхки, бир лаҳза бурун
Тақтилар муғбачалар риштайи зуннор манга.*

*Солғил, эй ишқ, вужудумға фано ўтиниким,
Ёпти мақсуд юзин пардаи пиндор манга.*

*Чун вафо аҳли замон зотида йўқтур, не ажаб,
Ҳар замон қилса жафо ул бути айёр манга.*

*Ғаразим бир неча кун шоҳиду майдур, йўқ эса,
Эй Навоий, бу фано дайрида не бор манга?*

ЛУҒАТ

Учмоғ – жаннат

Гулшани хулд – жаннат боғи

Олдарамоқ – безовта бўлмоқ

Турфа – ажойиб, бетакрор

Намудор – кўриниш

Мулойиб – ўйин майдони

Афгор – мажруҳ

Ойинакирдор – кўзгу каби

Субҳа – тасбиҳ

Зуннор – ғайридинлар белига боғлайдиган ип
Пиндор – гумон, шубҳа
Ғараз – мақсад, ният, муддао
Шоҳид – гўзал маҳбуба

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани махбуни маҳзуф
-V-- VV-- VV-- VV--
-V-- VV-- VV-- VV--
Фоилотун фаилотун фаилотун фаилун

НАСРИЙ БАЁН

- Ҳижронингдан менга юзлаб ғам ва озор етса ҳамки, бунга ғам чекмайман, чунки кўнглимда висолингга етишмоқ умиди бор.
- Ситамгар шўх дилбарим бошимга ёғдирган тошлар бузуқ бир вайронада тўпланиб турган жунун қушларига ўхшайди.
- Зоҳид – жаннатни, мен эса ул ойнинг кўйини васф этаман. Жаннат боғи унга бўлсин, гулюзли ёр менга насиб айласин.
- Парийнинг жилвасини кўриб, безовта бўлган телбадек, ул ёр жилваси ҳар томондан кўриниб, жонимга ўт туташди.
- Жисмимдаги яралар кўплигидан қонимни яловчи итлар мажруҳ танам устида ўйинқароқлик қилмоқдалар.
- Кўнглим мақсудим жамолининг аксини кўришни истамоқда. Эй соқий, менинг қўлимга кўзгудек жилоли қадаҳ тут.
- Эй шайх, тасбиҳинг торини йиғиштир, негаки бир лаҳза бурун муғбачалар менга зуннор ипини боғлаб қўйдилар.
- Эй ишқ, вужудимни фано оловида ёқиб юбор, чунки мақсудим чехрасини гумон пардаси ёпиб турибди.
- Ул айёр санам менга жафо қилса, ажабланмайман, чунки олам аҳлида азалдан вафо қилиш хислати йўқ.
- Эй Навоий, бир неча кунлик умр кечиришдан мақсад – май ва гўзал юзли маҳбубадир, йўқса, бу фоний дунёда менга нима бор?!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида ишқ водийси таърифига алоҳида боб ажратиб, уни бало ва офатлар, ғаму озорларга тўла маскан сифатида тасвирлайди. Бу водийга қадам қўйган ошиқ ҳижрон туфайли турли-туман озор ва ғуссалар ҳужумига бардош беришга маҳкум. Висол умидигина азоби ўлимдан қаттиқ бўлган ишқ дардини енгиллатишга, ишқ туфайли етажак қайғу ва ғуссалар дардсизлик дардидан фориг этишга имкон яратади. Бинобарин, таҳлил қилаётганимиз ғазал матлаъида висол умиди муҳаббат озорларига қарши қўйилади:

*Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга,
Ғам эмас васлингга уммид агар бор манга.*

Ишқ дардига йўлиққан ошиқнинг ҳаёт йўли бало даштига дўнади. Бу йўлда ошиқ маҳбубанинг турли жабру жафоларини тортишга тайёр туриши керак. Маҳбубасининг жафоларини тасвирлаш учун шоир иккинчи байтда қизиқ бир ҳаётий лавҳа чизади:

Ишққа мубтало бўлганларга нисбатан энг кўп қўлланиладиган тавсифлардан бири – бу, жунун сўзидир. Аммо шоир бу байтда жунун сўзини ошиққа эмас, балки қушларга нисбатан қўллайди. Золим ёримнинг вайронага айланган жисму жоним узра ёғдирган бало тошлари касал теккан товуқлар ё бошқа турдаги қушлар бир-бирининг устига чиқиб олиб, катта хирмон ҳосил қилганига ўхшайди, дейди шоир. Бало тошларига нишон бўлган бошни вайронага, ёғилган тошларини жунун касали теккан қушларнинг сукут қилиб, бир-бирининг устига чиқиб олишларига ўхшатиш орқали янги ўхшатма ҳосил қилинган:

*Бир бузуғ узра жунун қушлари қўнған кибидур,
Тошким, ёғдурур ул шўхи ситамгор манга.*

Учинчи байтда анъанавий образлар – “зоҳид” ва “учмоғ” сўзларининг қўлланилиши ғазалда васф этилаётган мажозий муҳаббат ҳақиқий ишққа кўприк эканидан далолат беради. Дунё ва ундаги ҳою ҳавасни тарк этган зуҳд аҳли жаннат боғларига қандай талпинсалар, ошиқ учун Ёрнинг кўйи – унга етишиш йўли шунчалик роҳатбахш ва беназир ҳисобланади. Натижада, ҳар ким ўз тилаганини олади – зоҳидга жаннат гулшани насиб этадиган бўлса, ошиқ ёрнинг, гулрухсорининг муборак дийдорига етишади. Аммо бу дийдор ошиқнинг жунун ва изтиробини янада оширади. Пари ҳар лаҳзада турли қиёфада намоён бўлиб, телбаларни ақлу ҳушидан бегона қилгани каби, ёр жамолининг турфа жилвалари ошиқнинг муҳаббат оловини янада кучайтиради:

*Телба андоғки парий жилвасидин олдарағай,
Ўт солур ҳар тараф ул турфа намудор манга.*

Кейинги байтда шоир “яларлар” ва “яралар” сўзларини келтириб, ажойиб сўз ўйини қилишдан ташқари, иғроқнинг янги намунасини яратган. Ошиқнинг баданида ишқ ўқлари қолдирган захмлар кўплигидан, ёр кўйидаги итларнинг ўйингоҳига айланибди. Вафо йўлида собит ошиқ қони ёр кўйининг муҳофизлари бўлмиш итларнинг ғизоси бўлиши табиий:

*Баски қонимни яларлар, адади қўп ярадин,
Итларин қилди мулойиб тани афгор манга.*

Таҳлил қилинаётган кейинги уч байтда тасаввуф шеъриятидаги қадах, кўзгу, соқий, субҳа (тасбих), муғбача, зуннор, фано, пиндор (гумон, шубҳа) каби тушунча ва тимсоллар қўлланилган. Байтларнинг мазмуни эса Шайх Санъон қиссасини ёдга солади:

Шайх Санъон ҳам тарсо қизининг ишқи йўлида шароб ичиб, шайхлик либосини мажуслар кийимига алмаштиради; дайр хизматкорлари – муғбачалар унинг белига зуннор тақиб, насроний динини қабул қилдиришади. Тарсо қизининг қўлидан ичган шаробдан сармаст Шайх Санъон бутга сажда қилади:

*Ҳам бўлуб жоми дамодам бирла маст,
Ҳам қилиб мастона ўзни бутпараст.*

Шу ҳолда бир муддат дайр аҳлига масхара бўлган Шайх Санъон бир саҳар тарсо қизига фиғон чекиб, айтилган шартларни ортиғи билан бажаргани, энди у ҳам аҳдига вафо қилишини сўрайди. Тарсо қизи бу шартлар Ишқ неъматининг шукронаси эвазига бажарилгани, энди шу неъматнинг берилганига шукр қилмасдан, оху нолалар қилгани учун журмона (тўлов) сифатида бир йил дайр оташгоҳига муқаддас оловни ёқишини буюради.

Ишқ туфайли ошиқнинг вужудида фано ўти аланга олиб, ҳақиқий мақсуд дийдорига тўсиқ бўлаётган шубҳа ва гумон пардасини орадан кўтаради. Мақсадга етишишнинг асосий шarti – иккиланишлардан холи бўлиш, сидқ ва сафонинг мустаҳкамлиги ҳисобланади:

*Солғил, эй ишқ, вужудумға фано ўтиниким,
Ёпти мақсуд юзин пардаи пиндор манга.*

Зотан, вафосизлик иллоти замона аҳлининг барчасида бор, дея ҳукм чиқаради Навоий. Бу – шунчаки замондошларининг бевафолиги ва субутсизлигидан бўй тортган шикоят эмас. Одам боласи табиатан ўз аҳдига тўла вафо қилиш имконига эга эмас. Вафоли бўлиш боқийликни талаб қилади. Ҳар бир нафаси ўз ихтиёрида бўлмаган банда қандай қилиб вафодан дам урсин?! Мана шу ҳақиқатни эсдан чиқариб қўймаслик учун ҳар замон “ул бути айёр” (Худо) бошга турли жафоларни ёғдиришидан ажабланмаслик керак экан. Шу билан бирга, мазкур байт ҳам тарсо қиз жафоларини чеккан Шайх Санъоннинг фиғонларига ҳамоҳанг:

*Чун вафо аҳли замон зотида йўқтур, не ажаб,
Ҳар замон қилса жафо ул бути айёр манга.*

Мақтаъда эса, бу фоний дунёда келиб-кетишдан асл мақсад – берилган саноқли умрда шоҳид ва майдан баҳраманд бўлиш, деган хулоса берилади. Мажоз тилида шоҳид – Ҳақ таоло, май – илоҳий маърифат эканлигини биламиз. Демак, бу ўткинчи дунёда яшашдан асл мақсад илоҳий маърифатни эгаллашдир. Маърифатсиз яшашдан маъно йўқ, дейди Навоий:

*Ғаразим бир неча кун шоҳиду майдур, йўқ эса,
Эй Навоий, бу фано дайрида не бор манга?*

“ЭЙ НАВОИЙ, ИШҚ МУШКИЛ ДЕБ НЕЧУК ТАРКИН ТУТАЙ...”

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 13-ғазал

*Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга
Уйладурким, жондин айру юз яролиғ тан манга.*

*Меҳр ила маҳ партавидин кўзни равшан қилмадим,
Бўлғали меҳри рухунг моҳийяти равшан манга.*

*Бўлди равзан-равзан ул қотил хадангидин кўнгул,
Жон қуши чиқмоққа бир йўл англа ҳар равзан манга.*

*Мен ўлармен ғамдину, йиғлаб қуюб бошимда шамъ
Дудидин чирмаб қора ҳар тун тутар шеван манга.*

*Раҳм этиб ҳолимға душман дўст бўлмоқ, ваҳ, не суд,
Дўст чун раҳм айламай бўлмиштурур душман манга.*

*Ғам туни зулмида хандон бўлмади ҳолимға субҳ,
Субҳдек не тонгки, бўлғай чок пироҳан манга.*

*Эй Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тутай,
Элга гар бу иш ҳунар бўлса, бўлптур фан манга.*

ЛУҒАТ

Ганж – хазина

Меҳр – қуёш

Маҳ – ой

Рух – юз, чеҳра

Партав – ёғду

Равзан – туйнук

Хаданг – ўқ

Шеван – оҳ-нола, фиғон

Не суд – не фойда

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

• Малоҳат хазинаси бўлган ёримдан айри қолганимда вайрона масканим мен учун юзлаб жароҳатлар билан жони чиққан жасад мисолидир.

- Қуёшдек порлоқ чехрангнинг моҳияти менга ошкор бўлгач кўзимни ою қуёш нури билан ёритмадим.
- Қўнглим ул қотилнинг ўқлари захмидан илма-тешик бўлиб кетди. Бу тешикларнинг ҳар бири жоним қуши чиқиб кетиши учун бир туйнук вазифасини бажаради.
- Мен ёр ғамидан ўлим ҳолатидаман. Шам эса тутундан бошига мотам салласини чирмаб, ҳар кеча менинг ҳолимга йиғлаб чиқади.
- Менинг ҳолимга шафқат қилиб, душман ҳам дўст бўлмоқда, аммо бундан не наф, чунки дўст менинг ҳолимга раҳм этмасдан, душманлик қиляпти.
- Ғам кечалари поёнида тонг хандон отиб чехра очмади. Балки менинг ҳолимга йиғлаб, кўйлагини пора-пора қилди. Б. Менинг кўйлагим унинг ғамида пора-пора.
- Эй Навоий, ишқ мушкил деб, уни тарк этолмайман. Элга ишқ қайғусини чекиш агар хунар, яъни шунчаки ҳавас бўлса, бу менинг фанимга, яъни ҳаётимнинг мазмун-моҳиятига айланган.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоий деярли ҳар бир ғазалда маҳбубанинг тавсифида янги-янги ташбеҳ ва истиоралар қўллайди, турфа ўхшатишлар ва мажозларни топади. Мазкур ғазалда ёрга “малоҳат ганжи” деб таъриф беради. Малоҳат сўзи араб тилида “тотли, тузли” маъноларини ифода этиб, ўзбекчада “истарали” сифатига уйқаш келади. “Қисас ул-анбиё” да келтирилишича, бир куни Оиша онамиз Расулуллоҳ (с.а.в.)дан Юсуф алайҳиссалом чиройлироқми, ё сизми, деб сўрабдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) дебдиларким, биродарим Юсуф (а.с.) мендан чиройлироқ эди, аммо унинг хусни оламга фитна солувчи эди. Мен эса ундан малоҳатлироқман.

Мазкур ҳадисдан маълум бўладики, Ҳақ таолони ёдга солувчи хусн соҳибларига “малоҳат” нисбатини қўллаш ўринли бўларкан. Навоий васф этган маҳбуба – Ҳақ таолонинг кудратини эсга солувчи ана шундай малоҳатнинг кони, хазинаси. Бу хазина сақланадиган маскан ҳижрон айёмида жонсиз жасадга ўхшайди. Жисмнинг қуввати ва тириклиги жон шарофати билан бўлганидек, ёр яшайдиган маконнинг нуру файзи ҳам – ёрнинг ўзи билан. Ёрсиз қолган қононалар вайронадан баттар, балки юзлаб жароҳатлар сабабли бежон қолган жасаддир.

Иккинчи байт алоҳида диққатни талаб қилади. Қуёшдек порлоқ ёр чехрасининг моҳиятини англагандан кейин қуёш ва ойга боқмай қўйиш ҳолати Иброҳим Халилуллоҳ (а.с.) қиссасини ёдга солади. Қуръони Каримда келтирилишича, Иброҳим Халилуллоҳ бутпарастликдан юз ўгириб, дастлаб Ой ва Қуёшга сажда қилмоқчи бўлади. Аммо Ой ва Қуёшнинг ботишини кўрганидан кейин Иброҳим алайҳиссалом “ботувчи нарсаларни севиб бўлмас” лигига иқрор бўлиб, осмонлар ва ернинг Нури бўлмиш Аллоҳ таолога сиғина бошлайди. Худди шунга ўхшаб, ёрнинг кундан-кунга гўзаллашиб бораётган чехраси ой ва қуёшнинг гардиши туфайли эмас, балки Мутлақ жамолнинг тажаллийси эканлигини билган ошиқ Қуёш ва Ойга ортиқ қиё боқмайди:

*Меҳр ила маҳ партавидин кўзни равшан қилмадим,
Бўлғали меҳри рухунг моҳияти равшан манга.*

Биринчи байтда ошиқнинг жисми “юз яролиғ” эканлиги ҳақида сўз юритилган бўлса, учинчи байтда ошиқларнинг қатлидан ҳузурланадиган маҳбубанинг ўқларидан илма-тешик кўнгил ҳолати тасвирланади. Илма-тешик бўлиш ҳолатини ифодалаш учун Навоий “равзан-равзан” сўз бирикмасини ишлатади. Равзан – туйнукдан ёруғлик киришини ҳисобга оладиган бўлсак, равзан-равзан бўлган кўнгил ҳам ишқнинг нуридан мунаввар бўлиши,

жон қуши ҳам бу равзан – туйнуклардан нур манбаи томон талпинишини тасаввур қилиш қийин эмас. Висол иштиёқининг шу тариқа ифодаланиши Мавлоно Жалолиддин Румийнинг қуйидаги байтларини ҳам эслатади:

*Бишнав ин най, чун ҳикоят мекунад,
Аз жудоиҳо шикоят мекунад:
К-аз найистон то маро бубридаанд,
Аз нафирам марду зан нолидаанд.
Сийна хоҳам шарҳа-шарҳа аз фироқ,
То бигўям шарҳи дарди иштиёқ...*

(Таржимаси:

*Тингла, бул най не ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардин шикоят айлагай:
«То найистондан танимни кесдилар,
Нолам эркак ҳам хотин бағрин тилар.
Истарам ҳижрон тилик этган чок бағир,
Токи шавқим дардин айтай бирма-бир...»).*

Тўртинчи байтда ҳижрон туфайли ошиқнинг ҳаёт шами сўниб бораётганини кўриб, кечаси билан шамъ ҳам бошига тутундан мотам салласини чирмаб, кўз ёши тўкилиши тасвирланган. Одатда, шеърятда шамъ образи маҳбубанинг тимсоли ўлароқ талқин қилинади. Бу байтда эса шамъ воситасида ишқ дардидан бохабар дилсўз дўстнинг сиймоси яратилган. Қолаверса, ҳижрон кечасида ўлим тўшагида ётган ошиқнинг бошида липиллаб ёниб турган шамдан ўзга унинг ҳолини сўрагувчи ҳеч кимса йўқ. Бундан ошиқ хафа ҳам эмас, чунки дўст ундан юз буриб, ўз ҳолига ташлаб қўйган чоғида ҳатто душманлар дўстга айланса ҳам, кўнгил таскин топмайди. Ҳақиқий толиб учун Дўстнинг ризосидан ўзга ҳеч вақо ҳаловат бермайди. Бундай тушкун ҳолатдаги ошиқ назарида поёнсиз ғуссалар ибтидоси бўлмиш ҳижрон кечасининг зулумоти тонг ёришганда ҳам кўнгилга равшанлик келтирмайди. Тонг ҳам ошиққа ҳамдард бўлиб, унинг ғамидан ёқасини чок этганидан ёруғлик кўринади. Кун чиқиши янги қайғу ва андуҳларнинг нишонаси ўлароқ намоён бўлади:

*Ғам туни зулмида хандон бўлмади ҳолимға субҳ,
Субҳдек не тонгки, бўлғай чок пироҳан манга.*

Ҳар бир байтда ишқ дардининг турли изтиробларини ифодалаган шоир мақтаъда бу дардга мубтало бўлиш ажаб саодат эканлиги, бошида осон кўриниб, сўнгра мушкуллар тушадиган ишқ йўлининг машаққат ва ҳаловатларидан баҳраманд бўлиш бошқалар учун ҳунар бўлса, Навоий учун фанга айлангани, яъни ишқсиз бир лаҳзасини ҳам тасаввур этолмайдиган даражага етганини қаноатмандлик билан қайд қилиб, ғазалга якун ясайди:

*Эй Навоий, ишқ мушкил деб нечук таркин тутай,
Элга гар бу иш ҳунар бўлса, бўлуптур фан манга.*

“ЧИҚТИ АҚЛУ ФАҲМ ИЛА САБРУ ҚҮНГУЛ ТАН МУЛКИДИН...”**“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 14-ғазал**

*Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондур манга,
Бир гули раъно ғамидин боғ зиндондур манга.*

*Базми ишрат ичра сиз май нўш этинг, эй дўстлар,
Ким, насиб ул лаъли лаб ҳижронидин қондур манга.*

*Чиқти ақлу фаҳм ила сабру қўнгул тан мулкидин,
Чиқмайин ҳар лаҳза заҳмат бергучи жондур манга.*

*Ўқи баским тандадур, тегмас танимға ўзга захм,
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.*

*Уйла расвоменки, қўю қўчада ҳолим кўруб,
Баъзи эл гирёну баъзи халқ хандондур манга.*

*Ҳажридин бағрим судур, ул су аро болиғ киби,
Дарду меҳнат ўқидин бир неча пайкондур манга.*

*Хур мижгонин агар суртай деса қилман қабул
Ким, аёғда орзу хори муғийлондур манга.*

*Май ичиб тоатни фавт этмангки ул ўт тобидин,
Неча боқсам баҳра ҳоло доғи ҳирмондур манга.*

*Эй Навоий, халқ дер: жон бер ва ё кеч ишқидин,
Гарчи бу душвор эрур, лекин ул осондур манга.*

ЛУҒАТ

Фурқат – айрилиқ, жудолик

Байт ул-аҳзон – ғамхона

Болиғ – балиқ

Пайкон – ўқ

Мижгон – киприк

Муғийлон – чўлда ўсадиган тиканли ўсимлик

Фавт этмоқ – қўлдан чиқармоқ

Ҳоло – айни пайтда

Ҳирмон – маҳрумлик

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Ой каби паривашдан айрилиб қолганимдан шаҳар мен учун ғамхонага айланди. Раъно гулидек гўзал ёримнинг ғамидан боғ мен учун зиндондир.

- Дўстлар, айшу ишрат қилиб, шароб ичиш сизларга ярашади. Менга лаълдек қизил ёр лабининг ҳижронида қон ичиш насиб этмиш.
- Жасадим мулкани ақл, эс-ҳуш, сабр ва кўнгил тарк этибди, фақат жоним чиқмасдан ҳар лаҳзада менга азият етказяпти.
- Танамга шунча ўқлари ёғилганки, тешилгулик жойи қолмаган. Олдин ёғилган ўқлар энди қалқон вазифасини бажаряпти.
- Эл орасида шунчалар расво бўлганманки, кўча-кўйда кўрганларнинг айримлари менинг ҳолимни кўриб, йиғласалар, айримлари масхаралаб устимдан қулишади.
- Фироқидан бағрим сувдек эриб кетди. Бу сув ичида бир неча ўқлари балиқдек сузиб юришибди.
- Жаннат ҳури киприги билан оёғимни суртмоқчи бўлгудек бўлса ҳам, рози бўлмайман. Оёғимга муғийлон тиконидек санчилган ўқларни менинг ўзим орзу қилгандим.
- Май ичиб, тоатни қўлдан бой берманг, негаки менга бу ўтдан фақат маҳрумлик доғи насиб бўлди, холос.
- Эй Навоий, халқ сенга ё жондан кеч, ё ишқдан воз кеч, демоқда. Ҳолбуки, мен учун ишқдан кечиш даргумон бўлгани ҳолда жондан кечиш осон ишдир.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Навоийнинг навбатдаги фироқномаси ойдек гўзал ёрдан бир ойдан бери айри қолган ошиқ ҳолу ҳолатларининг тавсифи билан бошланади. “Ҳайрат ул-аброр” достонида Ер юзининг юраги деб таърифланган фирдавсмонанд Ҳирот шаҳри ёрнинг фурқатида Яъқуб алайҳиссаломнинг ғамхонасидек, бу шаҳарнинг кўрки бўлган Боғи Жаҳонролар гулюзли меҳрибони йўқлигидан зиндон янглиғ бўлиб қолгани қайд этилган. Бу айрилиқнинг шиддатини Навоийдан дўстлари ҳис этолмаяпти, чунки уларга Ишқ дарди аталмиш неъмат насиб этмаган. Шу сабабли, уларга айш-ишрат қилиш ярашади. Кўришгандагина руҳ ором топадиган азиз инсондан узоқда қолган кимсанинг насибаси шароб ўрнига қон ютишдир. Талъати Юсуфдек дилрабо, сўзлари жон бағишловчи бу ёрнинг қайси жинсдалиги, ёши нечадалиги, реал шахс, ё хаёлий маҳбуба, ёхуд увайсий пир бўлиши-бўлмаслигининг аҳамияти йўқ. Энг асосийси – бу айрилиқ синови руҳий боғланган икки инсон ўртасидаги муҳаббат меваси. Нафсоний истаклар асосига қурилган муносабатлар ҳеч қачон жондан азиз бўлмайди. Нафс ўз истакларини амалга ошириш йўлида жуда кўп нарсаларни қурбон қилишга ундайди, аммо ўзидан кечиш ҳолати келганда ортга чекинади. Навоий тасвирлаган ҳолатга кўра, бутун вужуди ишқ пайконлари дастидан темир пайкарга, олдин танага қадалган ўқлар эса қалқонга айланиб, узлуксиз отилаётган янги ўқларни қайтаряпти. Бу муболағали тасвир орқали ошиқ киши қанча ишқ балосига гирифтор бўлса, шунчалик чиниқиб, пўлатдек тобланиб бориши алоҳида таъкидланган:

*Ўқи баским тандадур, тегмас танимға ўзга захм,
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.*

Ишқ лашкарининг шиддатли ҳужумидан ақлу ҳуш, сабру кўнгилдан мосуво бўлган ошиқ девоналик кўйига тушиб, кўча-кўйда турли-туман муносабатларга сабаб бўлган. Ишқ жунунига гирифтор бўлганнинг ҳолини кўрганларнинг айримлари йиғласа, айримлари кулади. Лирик қаҳрамоннинг бу ҳолати Мажнун қисматини эслатади. Лайли ишқида ақлдан озган Қайсни кўрганда Зайд, Навфал, Лайлининг дояси каби ишқ дардидан огоҳ бўлган одамлар ҳолига раҳм қилиб, йиғлай-йиғлай унга кўмак беришга ҳаракат қилган бўлсалар, бедаво бу

дарддан бенаво бўлганлар Қайснинг устидан кулиб, “Мажнун” (девона) деб масхара қилишган. Устига-устак, ҳижрон ўтидан юрак-бағри эриб, жароҳатдан оқаётган қонга қўшилиб, муҳаббат дарёсидек оқиб турганида дард ва қийинчилик ўқлари бу сув ичида балиқдек сузмоқда. Ошиқнинг қисмати – дард ва ҳижрон ўқларига нишон бўлиш бўлса, ишқ дарди ва ҳижрон ўқларига ҳам ҳақиқий ошиқнинг вужуди нишон бўла олади. Ишқ дардидан беҳабарлар вужудига ҳижрон ўқлари таъсир ҳам қилмайди, сувсиз қолган балиқдек ҳалокатга етади:

*Ҳажридин бағрим судур, ул су аро болиғ киби,
Дарду меҳнат ўқидин бир неча пайкандур манга.*

Кейинги байт ўз моҳиятига кўра ғазалдаги фикрларнинг авж нуқтаси ўлароқ намоён бўлгани сабабли, ҳар томонлама тадаббур қилишга ундайди. Лирик қаҳрамоннинг азму ихтиёри шунчалик кучлики, ҳатто жаннатдаги хурлар қадамидаги ғуборни киприги билан суртмоқчи бўлганда ҳам рад қилади. Хурлар висолига етишиш ва жаннат аҳлидан бўлиш – зуҳд аҳлининг мақсади, нияти. Жаннатга Ҳақ таолони хушнуд этганлар ва раҳматига сазовор бўлганларгина дохил бўлишади. Гўзалликда тенгсиз хурлар бундай зотларнинг қадамларини тавоф қилишади. Аммо Навоий васф этган ишқ аҳлининг ҳиммати бундан-да юксакроқ мартаба ва даражани кўзлаб яшайди. Огоҳдил ошиқлар талаб йўлида ҳаттоки хурларнинг илтифоти билан қаноатланмасдан, Ҳақиқий Дилдорнинг Дийдорига етишмоққа талпинадилар. Бу дийдорга етишмоқнинг асосий шarti – иродани буткул Илоҳий Иродага бўйсундириб, орзу-истаклардан воз кечишдир. Манбаларда тариқат босқичларини “Тарки дунё, тарки уқбо, тарки мавло, тарки тарк”, яъни 1) дунё ва унга боғлиқ бўлган чалғитувчи нарсаларни тарк қилиш; 2) охират ва унга боғлиқ орзу-истаклардан воз кечиш; 3) пирнинг инон-ихтиёри билан иш тутишни тарк этиб, маънавий камолот иштиёқида мустақил шуғулланиш; 4) тарк этишни тарк қилиш (баъзи манбаларга кўра, тарк (бош)ни фидо қилиш ва фано мартабасига етишиш) деб ҳам таърифлашган. Мазкур таърифни байтга татбиқ этадиган бўлсак, Навоий иккинчи босқич (тарки уқбо)да ҳосил бўладиган ҳол ва мақом кайфиятидан сўзлагани маълум бўлади.

Албатта, бундан тасаввуф аҳли муайян бир мақомга эришгандан кейин охират корига ярайдиган тоат-ибодатдан воз кечиш керак ёхуд тариқатдаги киши муайян мақомга эришгандан кейин намоз, рўза каби ибодатларни бажармай қўйиши жоиз, деган янглиш фикр келиб чиқмаслиги керак. Чунки ҳақиқий авлиёлар руҳий тарбия ва нафс тазкияси туфайли юксакроқ мақомга эришганлари сари тоат-ибодатни янада кўпроқ қилишга интилганлар. “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, “Аналҳақ” даъвосини қилган Мансур Ҳаллож беш маҳал фарз қилинган намозлардан ташқари ҳар куни камида минг ракат нафл намозини ўқиркан: “Ва аларга қатл бўлғон куннинг кечаси беш юз рақъат адо қилиб эрдилар”. Тасаввуф тарихида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ишқ, ихлос ва ибодат уйғунлашган жойдагина тўғри йўл ойдинлашади. Бинобарин, шоир кейинги байтда муҳаббатга гирифтор бўлган одам тоатни қўлдан бой бермаслигини, бу хатога йўл қўйган киши фақат маҳрумлик ва надоматга йўлиқиши мумкинлигини таъкидлаб, ёзади:

*Май ичиб тоатни фавт этмангки ул ўт тобидин,
Неча боқсам баҳра ҳоло доғи ҳирмондур манга.*

“Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз”, деган шиор билан яшаган Навоий бу ғазал мақтаёида ҳам фидокорлиги, муҳаббат йўлида жоннисорлиги, ишқдан воз кечишдан кўра ишқ йўлида жонни фидо қилиш осон эканлигини баён этиб, фикрига яқун ясайди.

**“ЖУМЛАЙИ ОЛАМ
МУСАХХАРДУР МАНГА...”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 15-ғазал

*Менмудурменким сенинг васлинг муяссардур манга,
Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга?!*

*Ҳақ тануқтурким, тирикликдин манга сенсен мурод,
Йўқса оламнинг йўқи-бори баробардур манга.*

*Эй кўнгул, ғаввоси баҳри васл ўлубмен, не ажаб,
Гар насиб эмди ўшул покизагавҳардур манга.*

*Не учун базми висол ичинда ичмай бодаким,
Кўзию оғзи бугун бодому шаккардур манга.*

*Ою хуршидингни йиғ, эй чархи гардунким, бу дам
Ҳамдам ул ойчеҳралик хуршидпайкардур манга.*

*Сарви ўртаб, суманни елга бер, эй боғбон,
Ким, бугун ҳамсуҳбат ул сарви суманбардур манга.*

*Қўрқарам ҳирмон саҳобин ёлмағай фаҳм этса чарх
Ким, шабистон меҳри шамъидин мунаввардур манга.*

*Эй Навоий, ҳеч билмонким топибмен васлини,
Ё магарким жумлайи олам мусаххардур манга.*

ЛУҒАТ

*Гумраҳ – гумроҳ, йўлдан озган
Тануқ – гувоҳ, шоҳид
Ғаввос – денгиз тубидан гавҳар топувчи
Хуршидпайкар – жисми қуёшдек нур таратувчи
Суман барглари – бурама шаклдаги хушбўй гиёҳ
Ҳирмон – маҳрумлик, бенасиблик
Саҳоб – булут
Мусаххар – бўйсунган*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

*Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V--
-V-- -V-- -V-- -V--
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

НАСРИЙ БАЁН

- Сенинг висолинг насиб этган одам нахотки мен бўлсам?! Гумроҳ бахтимнинг бу қисса-сига қандай ишонайин?!
- Худо шоҳид, яшашдан асосий муроду мақсадим Сенсан, йўқса, бу оламнинг бору йўқлиги менга умуман аҳамиятсиздир.
- Эй кўнгил, висол уммонининг ғаввоси бўлибман, ниҳоят ўшал асли пок бўлган ноёб гавҳарнинг дийдорига муяссар бўлсам, ажаб эмас.
- Висол базмида нечун бода ичмайким, унинг бодом кўзи ва шакардек лабидан менга нуқлу газак ҳосил бўлмиш.
- Эй фалак, Ой ва Қуёшингни йиғиштир, чунки чехраси ойдан ойдин, вужуди қуёшдек мунаввар ёрим ҳамдамим бўлмиш.
- Эй боғбон, боғдаги сарвингни ёқиб, суманни шамолга совур. Сочи сумандек хушбўй бир сарвиқомат суҳбатдошимдир.
- Фалак шодлигимни билиб қолиб, айрилиқ булутидан тўн кияди, деб қўрқаман. Негаки айни дамда тун ёр меҳрининг шамъидан мунаввардир.
- Эй Навоий, ёр васлига етганманми ёки бутун олам менинг измимдами, хурсандлигимдан билолмай лолу ҳайронман.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу ғазалда ҳижрон машаққатларидан кейин висолнинг бахтли онлари, дийдор саодати насиб этган ошиқнинг ҳолу ҳолати тасвирланган. Навоий ғазалларида висолдан кўра ҳижрон, шодликдан кўра ғусса, дармондан кўра дард оҳанглари кўпроқ. Одам Ато тупроғи устига ўттиз тўққиз кун ғам ёмғири, фақат бир кун шодлик ёмғири ёғилганидан сўнг тупроқдан яралган бу хилқатнинг ҳаёт йўли ҳам қувонч ва ташвишлар қоришмасидан иборат бўлиши табиий. Шу билан бирга, висол онлари ҳаёт йўлини мунаввар этувчи умид чироғининг сўнмаслиги, ирода синмаслиги учун энг муҳим лаҳзалардир. Фироқ зулматидан чиқиб, висол бахтига мушарраф бўлган ошиқ тўсатдан бахтли бўлган кимсадек саросимага тушиб, ишонқирамай қолганини шоир чиройли лутф билан шундай ифода этган:

*Менмудурменким сенинг васлинг муяссардур манга,
Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга?!*

Дийдор ва висолдан ошиқнинг бунчалик ҳаяжонга тушиши сабабсиз эмас. Чунки у ҳижрон айёмида “Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун, Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун” ақидаси шунчаки қуруқ гап эмас, балки ҳаётий маслак эканини ўз шахсида исботлаган ва бунга имон келтирган эди:

*Ҳақ тануқтурким, тирикликдин манга сенсен мурод,
Йўқса оламнинг йўқи-бори баробардур манга.*

Ҳар бир ошиқнинг энг улуғ орзуси висолга етишмоқ йўлида чеккан машаққатлари натижасида бутун оламнинг бор ё йўқлиги аҳамиятсиз бўлиб қолгани, яшашдан ягона муддао

Ёри азиз дийдори эканлигига Худонинг ўзи шоҳидлиги Ишқ йўлида катта риёзат ва синовлар эвазигагина дийдорга етишмоқ мумкинлигини англатади.

Учинчи байтдаги кўнгилга қилинган мурожаатдан ҳам шу маъно янада ёрқинроқ англашилади: ошиқ ҳар замонда турли мавж ва тўлқинларни вужудга келтириб, ўша заҳоти йўқлик гирдобига ташлайдиган ҳаёт денгизининг тубидан ғаввослик қилиб, висол гавҳарини излагани бесамар кетмабди. Денгизнинг моҳияти унинг қаъридаги дурдоналар, тоғнинг моҳияти унинг бағридаги жавоҳирлар экан, инсон умр аталмиш бепоён уммонга рўбарў келган чоғида юзадаги кўпиклар учун эмас, балки тубидаги гавҳарларни кўлга киритишга ҳаракат қилиши керак. Ўшанда у ҳақиқий саодат онларини кўриш бахтига муяссар бўлади:

*Эй кўнгул, ғаввоси баҳри васл ўлубмен, не ажаб,
Гар насиб эмди ўшул покизагавҳардур манга.*

Висол базми шаробсиз бўлмас. Бу шароб базмида нуқл (газак) бўлиб, ёрнинг бодом кўзлари ва шакардек ширин лабидан умидвор. Ибн Синонинг “Ал қонун фит тиб” асарида келтирилишича, қизил шаробга бодом ва шакар қўшиб истеъмол қилиш юракка қувват беради ҳамда хумор (бош оғриғи)ни бартараф қилади. Навоийнинг тиббий тавсиядан шеър яратиш маҳоратидан беихтиёр ҳайратга тушиб, тасанно айтамыз:

*Не учун базми висол ичинда ичмай бодаким,
Кўзию оғзи бугун бодому шаккардур манга.*

Висол базмида хуморсиз бода ичган ошиққа энди осмондаги ою қуёш ҳам, боғдаги сарву суман ҳам керак эмас. Айрилиқ давронида қуёш ва ой ёрнинг чехрасини, сарву суман адил қомати ва бурама сочини эслатган бўлса, висол чоғида буларга ҳожат ҳам қолмайди. Ошиқ ёрнинг чехрасида азиз умрини, борлиғида жаннат боғининг роҳатини топади:

*Ою хуршидингни йиғ, эй чархи гардунким, бу дам
Ҳамдам ул ойчехралик хуршиднайкардур манга.*

*Сарвни ўртаб, суманни елга бер, эй боғбон,
Ким, бугун ҳамсуҳбат ул сарви суманбардур манга.*

Кейинги байтда Навоий маҳбубага нисбатан “шабистон меҳри” (кечанинг қуёши) иборасини қўллайди. Шабистон сўзи тун маъносидан ташқари гўзал аёл(лар) хилватхонаси, ҳарам маъносини ҳам англатади. Мазкур ибора “Лисон ут-тайр” достонидаги бир ҳикоятни ёдга солади. Ривоят қилинишича, бир подшоҳнинг гўзал қизи бўлади. Қиз бир кун тушида чиройли бир йигитни кўриб, ғойибона унга ошиқ бўлади. Кунларнинг бирида шоҳнинг ходимлари орасида тушида кўрган ўша барно йигитни кўриб, беқарорлиги ошади ва висолига етмак учун мутриба канизларига маслаҳат солади. Канизлари йигитни уйларига чақиртириб, шоҳ қизини унга таништирамасдан учраштирадилар. Бир кечалик висолдан сўнг яна май ичириб, йигитни ўз манзилига элтиб ташлайдилар. Ҳушига келган йигит ўз ҳолидан ҳайрону саргардон, дардини кимга айтишни билолмай сарсон бўлади... Ғазалнинг мазкур байти ҳам ҳикоятдаги ошиқ йигитнинг аҳволига мос келади, деган фикрдамиз:

*Қўрқарам ҳирмон саҳобин ёлмағай фаҳм этса чарх
Ким, шабистон меҳри шамъидин мунаввардур манга.*

Иқтибос келтирганимиз ушбу ҳикоят ҳайрат водийсининг зайлида келтирилган. Навоий ҳайрат водийсига таъриф бераркан, бу мақомдаги солиқ тили лол, ақлу ҳушдан бегона бўлиб, замон ва маконни англамай, аслида кимга ва нега ошиқ бўлганини билолмай, ҳайрон ва саргардон бўлишини айтиб ўтади:

*Ҳайрат айлар тилни гунгу лол ҳам,
Ақл зойил, ҳушни помол ҳам.
Кечау кундузга боқса ҳар неча,
Онгламас кундузмудур ёхуд кеча.
Боқса ҳарён ҳайратин афзун топар,
Ўзни ҳайрат ичра дигаргун топар.*

Мақтаъда Навоий ана шундай ҳайрат ва таажжуб оҳанги билан ғазалга якун ясаркан, унга ёрнинг висоли муяссар бўлганми ёки олам унинг изми ихтиёрига ўтганми, билолмай қолганини айтади. Зотан, оламдан муддао бўлган ёр ва тирикликнинг муродига айланган дийдор муяссар бўлгандан сўнг олам муродига етган кишиники бўлур:

*Эй Навоий, ҳеч билмонким топибмен васлини,
Ё магарким жумлайи олам мусаххардур манга.*

**“КЎРГАЛИ ҲУСНУНГНИ ЗОРУ
МУБТАЛО БЎЛДУМ САНГА...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 16-ғазал

*Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдум санга.*

*Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.*

*Мен қачон дедим: вафо қилғил, манго зулм айладинг,
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манга, бўлдум санга.*

*Қай парипайкарға дерсен: телба бўлдунг бу сифат?
Эй парипайкар, не қилсанг қил манга, бўлдум санга.*

*Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,
Юз боло етмаски, мен ҳам бир боло бўлдум санга.*

*Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.*

*Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.*

ЛУҒАТ

Мубтало – боғланган, гирифтор, шайдо, ғамга боғланган

Пайкар – сурат, ҳайкал, жусса, жисм

Жоми Жам – Жамшид жоми

Хизр суйи – ҳаёт суви

Жоҳ – мансаб, амал

Ғусса чанги – ғам чолғуси, ғам-алам куйи, ноласини таратган чанг

Наво – а) куй; 2) бойлик, бутунлик, гармония

Бенаво – номукаммал, қашшоқ, ғариб

Ушшоқ – ошиқлар

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

• Ҳуснингни кўрай деб сенга зору асир бўлиб қолдим. Сенга ошно бўлган куним қандай балолиғ кун экан?

• Сендин кўнгил узай деб ҳар қанча уринмайин, лекин кундан-кун баттарроқ сенга боғланиб қолдим.

• Мен қачон сенга: менга вафо қил, деб айтсам, менга устма-уст зулм қилмоқдасан; сен қачон менга фидо бўлғил десанг, сенга ҳамиша жонимни фидо қилиб келмоқдаман.

- Қайси пари қоматли гўзалга ошиқи девона бўлдинг, деб сўрайсан. Эй пари қоматлигим, фақат сени севиб, фақат сенинг ишқингда девона бўлдим, манга не жабру жафо қилсанг ҳам розиман.
- Эй кўнгул, улуғлар, донолар насиҳатига қулоқ солмадим, сен ҳам ишқ даштида овора бўладиган бўлдинг. Бошимдаги юз бало камлик қилгандек, сен ҳам бир бало бўлдинг (ёки мен ҳам сенга бир бало бўлдим).
- Жамшид жомидаги май – васл сархушлиги ва абадий ҳаёт рамзи Хизр суйи, яъни мангулик оби ҳаётдан баҳраманд бўлай десанг, мансабдан кечиб, дарвеш бўлгин.
- Навоийдек сен маҳбубага асиру бенаво бўлмагунча ошиқлар орасида ишқ алами куйини эшитмадим.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу ҳам Навоийнинг машҳур ғазалларидан бўлиб, хонандаларимиз қўшиқ қилиб куйлайдилар. Муҳаббат мавзуидаги бу ғазал ошиқ ва маъшуқа орасидаги айтишув (диалог)га асосланган: маъшуқа ноз-фироқ кўргузади, ошиқни қийнайди. Ошиқ эса буни писанд қилмай, ҳамма балолар, жабру зулмга чидайди ва ишқида содиқ эканини исботлаб бораверади. Матлаъдан бошлаб бутун ғазалда ошиқликнинг азоб экани, муҳаббат дилни оҳанрабодай тортиб, тинч қўймаслиги, маъшуқа қанча ўзини олиб қочса, ошиқ шунча телбаларча унга интилиши тасвирланади.

Мубтало, жафо, вафо, бало, фидо, телба сўзлари воситасидаги байтларда икки хил характер, яъни нозу карашмали маъшуқа ва қийноқлар гирдобида қолган умидвор ошиқ образлари яратилган. Олтинчи байт ғазалда мазмунан алоҳида ажралиб туради. Албатта, бу байт ҳам аввалги байтлар билан боғланган. Аммо бунда шоир муҳаббат мавзуидаги ушбу ғазал ҳам орифона маънога эга эканига урғу беради. Чунончи, Жамшид жомии ва Хизр суйи (оби ҳаёт) – бу пири комил қалби, бу қалб Аллоҳ нури билан мунаввар. Навоий дейдики, агар мансабу давлатни тарк этиб, дарвеш бўлсам, ана шу абадий илоҳий файз насибам бўлади. Соқий деганда ҳам пири комил, ҳам ёри азиз, маъшуқа назарда тугилади. Яъни соқийга – пирга етишиб, ишқ нурига ғарқ бўлиш учун дарвеш бўлиш керак. Охирги байт бу фикрни яна ҳам кучайтиради.

**“ЛУТФУНГ ОЗИ ЖОН ОЛУР,
ҚАҲРИНГ КЎПИ ҲАМ ЎЛТУРУР..”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 17-ғазал

*Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга,
Лутфунг ўлса, юз менингдекдин фароғатдур санга.*

*Эй мени саргаштадин гаҳ фориғу гоҳи малул,
Қаҳринг ул, лутфунг бу, ё Рабким, не одатдур санга?*

*Лутфунг ози жон олур, қаҳринг кўпи ҳам ўлтурур,
Булғажаб ҳоледурур, оё не ҳолатдур санга?*

*Панд эшитмай севдинг они, эй кўнгул, чек дарду ранж,
Оздурур ҳар лаҳза гар юз мунча офатдур санга.*

*Ваҳм эт оҳим ўтидин, эй гулки, даврон боғида
Кўз ёшимдин бу қадар лутфу тароватдур санга.*

*Эй қуёш, меҳр аҳлини қуйдурма бу водийдаким,
Гармравлар оҳидин мунча ҳароратдур санга.*

*Эй Навоий, истама васл ул қуёшдин заррадек,
Чун неча ул қилса истиғно, ҳақоратдур санга.*

ЛУҒАТ

Малолат – малол келиши, хафа бўлмоқ

Фориғ – осойишта, эҳтиёжсиз

Малул – хафа, ранжиган

Булғажаб – ғалати, тушунарсиз

Панд – ўғит, насиҳат

Ранж – азоб, қийинчилик

Гармрав – бир ишга қаттиқ киришган, собит турувчи

Истиғно – ҳожатсизлик

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Қаҳринг келса, менинг барча ишларимдан хафа бўлиб ранжийсан. Меҳринг товланган пайтда эса мен каби юзлаб одамларни унутасан.
- Мен бечорадан гоҳи ғазаблансанг, гоҳида эсингга ҳам келтирмайсан. Бунчалар қаҳру ғазаб ва аломат лутфу марҳамат кўрсатишни қаердан одат қилдинг?!
- Бисёр қаҳру ғазабинг ҳам, лутфу марҳаматинг озлиги ҳам биздай ошиқларингни ўлдиради. Нечун бундай муносабатни касб қилиб олдинг?!

- Эй кўнгил, насиҳатга қулоқ солмай, уни севдинг, энди дарду ранжигачида. Бунақа офатлар ҳар лаҳзада юз чандон бўлса ҳам, сенга асли кам.
- Эй гул, оҳимнинг ўтидан андиша қилки, даврон боғида менинг кўз ёшларим туфайли гуллаб яшнамоқдасан.
- Эй қуёш, меҳр водийсида сарсону саргардонларни бу қадар куйдирма. Негаки, сенинг ҳароратинг манбаи аслида ошиқларнинг оҳи ўтидир.
- Эй Навоий, зарра каби ул қуёш васлини истама. Унинг ҳожатсизлиги қанча аёнлашса, сенинг ночор ва ҳақирлигинг шунчалик яққол кўринур.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Тасаввуф манбаларида келтирилишича, барҳақ авлиё Зуннун Мисрийнинг зиёратига келган бир вазир суҳбат асносида шундай деган:

– Мен подшоҳимни жуда яхши кўраман. Ҳазратимнинг кичик бир марҳамати кўнглим гулшанини яшнатиб юборади. Шунинг баробарида шоҳимнинг ғазабидан жуда кўрқаман. Подшоҳимнинг ғазаби тиғи остида жоним япроқдек қалтираб яшайман.

Зуннун бу гапни эшитгач, йиғлаб айтибди:

– Қанийди сен султонингдан кўрққанингни мен ҳам Оламлар Подшоҳидан кўрқсам эди...

Таҳлил қилмоқчи бўлганимиз бу ғазалнинг дастлабки уч байтида ҳам ёрнинг меҳри ва қаҳри ҳақида сўз юритилади. Ёр ғазабга келганда ошиқнинг барча қилмишларидан малолланса, лутф ва марҳамат кўрсатадиган чоғларда балокашларини эсидан чиқариб қўяди. Ёрнинг қаҳрига учраган ошиқнинг наздида бўстон биёбонга айланса, лутфидан баҳраманд бўлган чоғда гулхан гулшанга эврилади. Муҳаббат синовларида кўп марта итоб ва иқобга дуч келган, озгина лутфу марҳамат кўрса, хурсандчиликдан кўтаролмай ҳалокатга етадиган ошиқ ўз ҳолидан кўра ёрнинг ҳолатини билиши муҳимроқ. Бошқача айтганда, у ўз жонини ўйламайди, балки бундай ғалати ҳолат, яъни қаҳрнинг кўпидан ва лутфнинг озидан ҳалок бўладиган ошиқ ҳолати ёрнинг кайфиятини бузмаслиги муҳимроқ:

*Эй мени саргаштадин гаҳ фориғу гоҳи малул,
Қаҳринг ул, лутфунг бу, ё Рабким, не одатдур санга?*

*Лутфунг ози жон олур, қаҳринг кўпи ҳам ўлтурур,
Булғажаб ҳоледурур, оё не ҳолатдур санга.*

Бундай “булжажаб ҳол”га тушишга асосий сабаб – ақлнинг насихатини эшитмай, севги дардига мубтало бўлган кўнгил. Энди у дарду ранж чекишга мажбур. Ҳар бир лаҳзада юз чандон дарду ранж етса ҳам, унинг учун озлик қилади.

Шиблий Бағдодий айтганидек, бало ошиқларнинг неъматидир. Парвардигор ҳикмати билан бандага балою офат етса, инояти туфайли шу балони баргараф этишга имон ва қувват ҳам берилади. Офат висол ва қурбат ҳосил қилувчи синовдир:

*Панд эшитмай севдинг они, эй кўнгул, чек дарду ранж,
Оздурур ҳар лаҳза гар юз мунча офатдур санга.*

Кейинги икки байтда “гул” ва “қуёш” сўзлари маҳбуба истиоралари бўлиб хизмат қилган. Байтдаги талқинга кўра, даврон боғида гулларнинг ҳусну таровати ошиқларнинг кўз ёши туфайли, осмон қуёшининг ҳарорати эса ҳижрон даштида қолганлар оҳининг тафтидандир. Оламнинг нуру рўшнолиги, замоннинг гуллаб яшнаши ҳусн ва ишқ аҳли туфайли экан, ҳусн аҳли ҳам ишқ аҳлини буткул эсдан чиқармай, ҳар замон уларга илтифот кўрсатиб туришлари керак:

*Ваҳм эт оҳим ўтидин, эй гулки, даврон боғида
Кўз ёшимдин бу қадар лутфу тароватдур санга.*

*Эй қуёш, меҳр аҳлини қуйдурма бу водийдаким,
Гарравлар оҳидин мунча ҳароратдур санга.*

Мақтаъда Навоий висолни талаб эмаслик кераклиги ҳақида сўз юритади. Унинг талқинида зарранинг қуёшга интилиши қанчалик ноўрин бўлса, ошиқнинг ҳолига бепарво маҳбубадан висол тамаъ қилиш шунчалик нотавонлик нишонасидир. Бу талқинга кўра, висол талабида муносиблик даъвоси ва ошиқлик иддаоси яширин. Ишқ аҳли эса иддао – даъводан йироқ зотлардир. Зотан, даъво йўқолган кўнгилдагина муҳаббат макон тутуди:

*Эй Навоий, истама васл ул қуёшдин заррадек,
Чун неча ул қилса истиғно, ҳақоратдур санга.*

“ЭЙ НАВОИЙ, ИШҚ ДАРДИ КЎРГАН ЭЛ КЎНГЛИН БУЗАР...”

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 18-ғазал

Эй, алифдек қоматинг мийли бузулган жон аро,
Ганжи хуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро.

Қулмагинг ичра малоҳат ўйладурким, шўхлар
Ўйнамоқдин юз ёшурурлар гули хандон аро.

Гар каломингни Масих анфоси дедим, эй ҳабиб,
Айб қилмаким, ғалат гоҳе тушар Қуръон аро.

Ўқларингдин жон топармен, гўйиё пайконлари
Су ичарда ғўта топмиш чашмаи ҳайвон аро.

Хаста кўнглум оҳи кўнглунга дедим қилғай асар,
Қайда ўлтурсун вале бемор ўқи сандон аро.

Бошта гавҳар гўйининг фикридин ортар дардисар,
Кимки кечти бошидин, гўй урди бу майдон аро.

Уйки, адно тебранур сокинга хотир жамъ эмас,
Не ажаб, гар амн ўқтур гунбади гардон аро.

Лаълинг олған кўнглум аҳволин мунажжим чун кўрар,
Айтур ул овора бўлган ғойибингдур қон аро.

Эй Навоий, ишқ дарди кўрган эл кўнглин бузар,
Ҳар харошеким, унунг зоҳир қилур афғон аро.

ЛУҒАТ

Ганж – хазина

Мийл – 1. Темир ё ёғочдан ясалган, мозорлар ёки забт этилган қасрлар устига санчиладиган туғ. 2. Сурма тортадиган чўп. 3. Захмларни тикадиган жарроҳлик игнаси

Жавҳар – гавҳар; моҳият

Анфос – нафаслар

Пайкон – ўқнинг темир учи

Сандон – темирчи ва заргарларнинг устига металлни қўйиб болғалайдиган оғир пўлат асбоби

Гўй – копток, соққа

Адно – тескари

Амн – омонлик, тинчлик

Сокин – яшовчи

Гунбади гардон – айланувчи фалак

Харош – нола

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

–V--- –V--- –V--- –V–

–V--- –V--- –V--- –V–

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Эй қомати алифдек гўзал, сенинг қоматинг жоним ўртасида жойлашган. Хуснинг хазинасининг моҳияти бузилган, яъни вайрон кўнглимда асранмоқда.
- Сенинг малоҳатли кулиб табассум қилишларинг гўзал шўхлар юзларини гуллар орасида яширганларига менгзайди.
- Эй ҳабибим, агар каломингни Исо Масих нафасига ўхшатган бўлсам, мени айб этма, чунки Қуръон ўқиганда ҳам гоҳида ғалат тушади.
- Сенинг ўқларинг мени тирилтирмоқда, пайконларига ишлов берилаётганда Хизр чашмасидан сув бергандек гўё.
- Ишқингдан бемор кўнглимдан чиққан оҳим сенинг кўнглиннга таъсир этади, деб хато қилган эканман. Ахир, синган ўқ темирчининг садоғини тешиб ўтолмайди-ку?!
- Бу синов майдонида кимки молу дунё, дурру жавоҳир йиғишга тушса, бош оғриқ орттиради. Аксинча, кимки бошидан кечса, ушбу майдонда албатта ғолиб чиқади.
- Чархи фалак остида бир дам омонлик бўлмаса, ажабланмаслик керак, чунки тескари айланадиган уйни, яъни беш кунлик тескари ва ёлғон дунёни маскан тутган киши бир лаҳза ҳам хотиржам ўтиролмайди.
- Мунажжим лаъли лабинг ишқида ғойиб бўлган кўнглимдан фол очса, айтурким, ғойиб бўлганинг қон ичра қолмиш.
- Эй Навоий, фиғон чеккан чоғингда кўнглингда чиққан ҳар бир ноланг ишқ дардидан воқиф ошиқларнинг кўнглини бузади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу – Алишер Навоийнинг Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) га бағишланган наът ғазалларидан бири.

Матлаъда китобат санъати истиора, ташбиҳ ва ийҳом санъатлари билан қоришиқ ҳолатда келтирилган. Ёрнинг алифдек қомати жоннинг ўртасида жойлашгани ҳақидаги ўхшатиш Навоийнинг ўзида ҳам, салафлари ва халафлари ижодида ҳам кўп марта қўлланилган. Жумладан, мактаб дарсликлари орқали бизга таниш бўлган машҳур рубоийсини эслайлик:

*Жонимдағи «жим» икки долингға фидо,
Андин сўнг «алиф» тоза ниҳолингға фидо,
«Нун»и дағи анбарин ҳилолингға фидо,
Қолған ики нуқта икки холингға фидо.*

Таҳлил қилаётганимиз ғазал матлаъида “мийл” сўзининг қўлланилиши тасвир ва тасаввур уфқларини янада кенгайтирган. Луғатлар изоҳи ва насрий баён қисмида берилганидек, ёрнинг алиф ҳарфидек расо қомати ишқ лашкари хужумининг музаффарияти, муҳаббат ғалабасининг туғ – байроғи ўлароқ “бузулган жон аро” ўрнатилган. “Жим” ва “нун” ҳарфи эса бундай ўхшатиш туфайли зеҳниятимизда бузилган ўлкалар манзарасини гавдалантиради. Агар “мийл” сўзини иккинчи – сурма тортадиган чўп маъносида қўлласак, ёрнинг алифдек қомати ошиқнинг басират кўзини очувчи Сулаймон сурмаси манбаси маъносини билдиради. Мийл сўзи учинчи маънода, яъни захмларни тикадиган жарроҳлик игнаси маъносида қўлланилганида олдинги талқинларни тўлдирувчи янги маъно ва моҳиятларга йўл очади. Шоир мазкур сўзни айнан қайси маънода қўллагани ҳақида ҳукм чиқаришга ожизмиз. Аммо биргина сўз билан турфа маъноларнинг ҳосил бўлиши – асил шеърятнинг асосий белгиси яна бир карра ўз тасдиғини топмоқда.

Иккинчи байтда ёрнинг малоҳатли табассуми гулшанда гулчехра гўзалларнинг бекин-мачоқ ўйнашига ўхшатилади. “Кулмагинг ичра малоҳат” бирикмаси охирзамон пайғамбарининг “Ал ҳазлу фил каломи камилҳин фит-таъоми” (сўзлашишда ҳазил-хузул қилиш таомга солинажак туз каби бўлсин) ҳадиси маъносига ишора қилади. Малоҳат ҳам “милҳ” (туз) сўзи билан ўзакдош. Тузи расо бўлган таом лазиз бўлганидек, чиройли табассум ҳам жонга роҳат бағишлайди. Гулшанда хандон очилган гуллар минг чиройли бўлгани билан, кулиб турувчи гулчехралар бу гуллардан яққол ажралиб туришидек, маҳбубанинг малоҳатли кулгуси бошқаларнинг кулгусидан жонбахшлиги билан ажралиб туради:

*Кулмагинг ичра малоҳат уйладурким, шўхлар
Ўйнамоқдин юз ёшурурлар гули хандон аро.*

Учинчи байтда ийҳом унсурлари қўлланилгани сабабли алоҳида изоҳни талаб қилади. Акс ҳолда, ҳабибнинг каломи Исо Масиҳнинг нафасидек жонбахш эмас (?), Қуръони Каримнинг айрим оятларида хато бор (?) каби янглиш хулосалар чиқиши мумкин. Ҳабиб – Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг сифати эканлиги олдинги шарҳларда таъкидланганди. Бу байтда ҳабибнинг каломи Исо Масиҳнинг жон бағишловчи нафасига ўхшатилгани хатолиги айтилган. Негаки, Исо Масиҳнинг мўъжизаси у зотнинг вафоти билан тўхтатилган. Ҳабибимиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг мўъжизаси – Қуръони Карим эса қиёматгача бардавом туради. Исо Масиҳнинг каломи ўлик баданларга жон бағишлаган бўлса, Муҳаммад Мустафонинг каломи руҳларни тирилтириш хосиятига эга. Шу маънони Навоий “Сабъаи сайёр” да қуйидагича баён этган:

*Берур ул бир ўлукка жон сўзидин,
Тан аро киргузур равон сўзидин.
Муни дерлар: «Муҳаммади арабий»,
Ул бирининг «Масиҳ» эрур лақоби.*

Фақиҳларнинг ҳукмига кўра, нияти тўғри ва иймони саломат, аммо тажвиддан беҳабар одам Қуръон қироати чоғида йўл қўядиган хатолари кечирилади. Худди шу каби, ҳабибнинг қиёматгача руҳларга жон бағишловчи каломини адашиб Исо Масиҳнинг вақтинчалик ўликларга жон бағишлаш мўъжизасига ўхшатгани, бу хато авомнинг Қуръон ўқиш чоғида йўл қўйилган хатолари каби кечирилиши, муҳибнинг нияти тўғри бўлгани учун айбланмаслиги сўралади:

*Гар каломингни Масиҳ анфоси дедим, эй ҳабиб,
Айб қилмаким, ғалат гоҳе тушар Қуръон аро.*

Кейинги байтда мангулик ва тирикликнинг бошқа бир тимсоли – Хизр алайҳиссаломга абадий умр бағишлаган “чашмайи ҳайвон”га мурожаат қилинади. Шоирнинг лутфига кўра, ёрнинг отган ўқлари ишлов берилаётган пайтида обихаёт сувига ботириб олингандек ошиққа жон бағишловчи хосиятга эга. Муҳаббат ўқидан жароҳатланган кўнгил Хизр чашмасидан сув ичгандек барҳаёт бўлади:

*Ўқларингдин жон топармен, гўйиё пайконлари
Су ичарда ғўта топмиш чашмайи ҳайвон аро.*

Олтинчи ва еттинчи байтлар ахлоқий мавзуга бағишланган. Жавоҳирлар ҳақидаги китобларга кўра, лаъл ва гавҳарлар бош оғриғини қолдирувчи хосиятга эга. Навоий талқинига кўра, гавҳар, яъни мол-дунё тўплаш, аслида, ташвишни кўпайтирувчи ортиқча дардисар. Синов майдони бўлган бу дунёда бойлик кетидан қувмасдан, тирикликнинг асл мақсади йўлида бошини фидо қилишдан ҳам қайтмайдиган инсонгина ғолиб чиқади. Мақсадни аниқроқ ифодалаш учун Навоий чавгонбозлик ўйинини тамсил этади:

Бир гуруҳ отлиқлар чавгонбозлик пайтида от чопиб, гўй – копток кетидан тинмай югуришади. Ўйин пайти ҳамма гўйни ўз ихтиёрида сақлаб туриш, эгалик қилишга ҳаракат қилади. Ўйин тугагач эса, биров гўйга эътибор қилмасдан ташлаб кетади. Мол дунё ҳам ўз моҳиятига кўра, ўйиндан кейин қадрсиз бўлган коптокдан заррача фарқи йўқ. Шунинг учун, зилзила пайти тескари айланадиган уйда хотиржам ўтириб бўлмагани каби, тинмай айланаётган бу фалак остида абадий маскан тутиб бўлмаслигини англаган киши охират тадоригини кўриши керак:

*Бошта гавҳар гўйининг фикридин ортар дардисар,
Кимки кечти бошидин, гўй урди бу майдон аро.*

*Уйки, адно тебранур сокинга хотир жамъ эмас,
Не ажаб, гар амн йўқтур гунбади гардон аро.*

Олтинчи байтда гавҳар йиғишни ортиқча дардисар билган шоир саккизинчи байтда ёрнинг лаълдек қизил лаблари васфига ўтади. Манбаларга кўра, лаъл маъданига ишлов бериш учун заргарлар олдин уни узоқ бир муддат қонга ботириб қўйишаркан. Қонга тўйинган лаълнинг жилоси ёрқинроқ бўлиб, ишлов бериш пайтида синмас экан. Навоий ушбу далилдан ишқнинг изтиробини, бу лаълни кўлга киритиш ҳақиқий саодат эканини ифода этиш йўлидан маҳорат билан фойдаланган. Аммо бу саодатнинг моҳиятини ишқ дардидан хабардор кишиларгина англай олади. Худди шунингдек, Навоийнинг ўтли сатрлари ҳам фақат ишқ оташида тобланган кўнгилларгагина таъсир этиб, унинг нолалари муҳаббат дардидан насибадор бўлган қавмни фиғонга келтиради:

*Лаълнинг олған кўнглум аҳволин мунажжим чун кўрар,
Айтур ул овора бўлған ғойибингдур қон аро.*

*Эй Навоий, ишқ дарди кўрган эл кўнглин бузар,
Ҳар харошеким, унунг зоҳир қилур афғон аро.*

“ЧАРХИ ДОЙИР БАҲРИДИН ЭЛ ТУТМАСУН СОҲИЛ УМИД...”

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 19-ғазал)

*Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро,
Бир қора туфроғ дегай ким тушти мушки ноб аро.
Қошинг ичра риштайи жонимға чирманған кўнгул,
Анкабутедурки, айлабдур ватан меҳроб аро.
Ул қуёшдин айру ашким ёмғурининг барқидур,
Ўт туташқан ришта янглиғ жисм печу тоб аро.
Ул лаби уннобгун кўнглумга эккан тухми меҳр,
Кўнглум ичра ёшурундур донадек унноб аро.
Уйқу сайди қасдиға отқан тошингдиндур нишон,
Кўз қароси демагил бу дийдаи бехоб аро.
Чархи дойир баҳридин эл тутмасун соҳил умид,
Ким қутулмас ҳар кишиким, тушти бу гирдоб аро.
Гар Навоий ёдини қилмоқ ҳабиб имкон эмас,
Басдурур мазкур ҳам бўлса гаҳе аҳбоб аро.*

ЛУҒАТ

*Мушки ноб – сара мушк
Сунбул – ингичка баргли, гуллари ҳалқа-ҳалқа, кўнғироқсимон ва хушбўй бир нав ўсимлик;
маж.: соч
Анкабут – ўргимчак
Тухми меҳр – меҳр уруғи
Унноб – чилонжийда
Дойир – айланувчи
Мазкур – зикр этилган, айтилган
Аҳбоб – дўстлар*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

*Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V--
-V-- -V-- -V-- -V--
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

НАСРИЙ БАЁН

- Кимки ёрнинг сунбул каби хушбўй сочининг орасида энг сара мушкни кўргудек бўлса, “сара мушкка бир ҳовуч қора тупроқ аралашибди”, дейди.
- Қошинг ичра жоним риштасига чирманған кўнгил меҳробда тўр тўқиб, ўзига ватан қилган ўргимчакка ўхшайди.

- Куёшдай чехрали ёрдан айрилиб қолганимда жисмим ўт тушган ип каби буралиб-эшилиб, кўз ёшим ёмғири таъсирида чақилган чақмоқдек бўлиб кўринади.
- Чилонжийда мевасидек қизил лабли ёрга бўлган меҳру муҳаббатнинг уруғи чилонжийда донасидек кўнглим ичра пинҳондир.
- Уйқусиз қолган кўзим гавҳарини қорачуғ дема, балки у уйқу сайдини овлаш учун отган тошингдан бир нишондир.
- Айланувчи фалак денгизидаги эл соҳилга етиб нажот топаман, деб умид қилмасин. Бу гирдобга тушганнинг тирик қутулмоқ имкони йўқ.
- Ҳабибим Навоийни эслаши имконсиз бўлса, унга ҳабибимнинг ҳабиблари ичра номи зикр этилса ҳам етарли.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мушк – бугунги кунда урф бўлган “мушк анбар”лардан фарқли ўлароқ, сепиладиган хушбўй суюқлик эмас. Хитой, Ҳиндистон ва Арабистон даштларида учрайдиган бир нав кийикнинг киндигида ҳосил бўладиган қимматбаҳо қора рангли, хушбўй ва суртма модда-ни мушк, деб айтишади. Мушкни бошқа атриёт маҳсулотлари билан қўшган ҳолда сепиш ҳам мумкин. Қорайтириш ва хушбўй қилиш учун мушкни соф ҳолатда сочга суртишган. Матлаъда ана шу ҳолат қаламга олиниб, ёр қора сочининг ифори ва ранги васф қилинган.

Кейинги байтда ёрнинг қоши анъанага кўра масжид меҳробига ўхшатилиб, ошиқнинг кўнгли учун мутлақо янги ўхшатма – анкабут, яъни ўргимчак қўлланилган. Меҳробни ўзига ватан тутмоқчи бўлган ўргимчак уяси бировнинг кўзи тушиши билан вайрон бўлгандек, ёрнинг меҳробдек қайрилма қошида жон риштаси билан ўзига маскан тутган кўнгилнинг қисмати ҳам ҳалокатли экани ишқ йўлидаги фидокорликнинг намунаси ўлароқ тақдим этилади. Мазкур ўхшатма яна бир қуръоний қиссани ёдга солади. “Тавба” сурасининг тафсирида келтирилишича, Макка мушриклари мусулмонларга нисбатан қанча зулму зўравонлик қилинмасин, уларни исломдан қайтариш иложини тополмаганларидан сўнг Пайғамбарнинг жонларига қасд қилиш пайига тушадилар. Шунда у зотга Тангри таоло тарафидан Мадинага ҳижрат қилиш – кўчиш амр этилади ва бир қоронғу кечада Тангрининг ёрдами билан ўлдирмоқчи бўлиб, тайёрланиб турган кофирларнинг ёнидан соғ-саломат ўтиб, ҳамроҳлари Абу Бакр Сиддиқ билан бирга Макка яқинидаги бир ғор ичида яширинадилар. Мушриклар бир изқувар билан уларнинг ортидан тушишади. Лекин улар ғорга етиб келишгач, из йўқолади ва:

*Хасмидин ўлғонда анга парда ғор,
Оғзида ўргамчи бўлуб пардадор.*

Шундай қилиб, улар ғорда уч кун беркиниб ётишгач, бир йўл бошловчи этагида Мадинага етиб оладилар. Ҳақ таоло ана шундай таҳликали дамда ўргимчак уясини ўз ҳабибининг жонини омон сақлайдиган пардага айлантирган.

Ёрнинг қошида ўзини анкабутдек ҳақир санаган ошиқ ишқ меҳробини ёмон кўзлардан асраш учун ўз кўнгли ва жон риштаси билан қурбон бўлишга тайёр:

*Қошинг ичра риштайи жонимға чирманған кўнгул,
Анкабутедурки, айлабдур ватан меҳроб аро.*

Кейинги байтни изоҳлашдан олдин “Мажолис ун-нафоис”нинг саккизинчи мажлисида келтирилган бир тарихий далилни келтиришни жоиз топдик: баҳор фаслида ёмғир қаттиқ ёғаётган кунларнинг бирида Мавлоно Лутфий Мир Алишер Навоийни учратиб, мулоқот чоғи Амир Хусравнинг ҳиндча шеърларидан қуйидаги мазмундаги байтни айтиб берадилар: маҳбуб баҳор айёмида бир ён борадурмиш бўлғай ва ёгин жиҳатидин ер балчиқ бўлмиш бўлғай ва анинг аёқи балчиғдин тойиб йиқилур чоғида ғоят нозуклугидин ёгин риштасин мадади била тутуб қўпмиш бўлғай. Бу ажойиб ўхшатиш Навоийга маъқул келиб, қўп жойларда турли муносабатлар билан айтиб юради. Ҳаммадан Амир Хусравнинг ғаройиб образ яратгани ҳақида юксак фикрлар эшитган Навоий буни Султон Хусайн Бойқарога ҳам нақл қилади. Султон бу байтга ортиқча илтифот зоҳир этмайди. Эртаси куни бундай ҳолатнинг сабаби сўралганда, “осмондан ерга тушиб кетаётган ёмғир риштасининг мадади билан йиқилаётган киши ўзини асрамоғи ва кўтарилмоғи маҳолдир”, деган мазмунда эътироз билдиради. Навоий мулоҳаза қилиб, бу эътироз ўринли эканлигини эътироф этади. “Андин сўнг ул ҳазрат дедиларки, бу байт андоқ бўлубтурки, эътироз маҳалли йўқтурким:

*Заъфдин кулбамда қўпмоқ истасам айлар мадад –
Анкабуте ришта оқон бўлса ҳар деворға.”*

Олдинги байтда анкабут тимсоли қўлланилган бўлса, кейинги байтда ёмғир, ришта, барқ, оҳ каби образлар силсиласи юқорида келтирганимиз ижодий мубоҳасанинг таъсири остида яралган, деган фаразни қувватлантиради:

*Ул қуёшдин айру ашким ёмғурининг барқидур,
Ўт туташқан ришта янглиғ жисм печу тоб аро.*

Табиат ҳодисаси ва ошиқнинг табиатидаги ўзгаришидаги ўхшашликни пайқаш ҳамда уйғун равишда байтда ифодалаш орқали шоирона манзара ҳосил бўлиб, самимийлик ва ишончлиликни орттиришга хизмат қилган. Кейинги байтларда қўлланилган образ ва тимсоллар ҳам айна шу ҳолатни янада бўрттириб кўрсатиш учун қўлланилганини пайқаш мумкин. Энг муҳими, бу образларнинг қўлланилиши табиий, ортиқча зўриқишсиз амалга ошгани ғазалнинг дилтортарлигини оширган.

**“БАҲР ЁШУРМИШ НАВОИЙ
ҲАР ДУРИ МАКНУН АРО...”**

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 20-ғазал)

*Заврақ ичра ул қуёш сайр айламак Жайхун аро,
Ахтари саъде ҳилол ичра кезар гардун аро.*

*Англамон Жайхунда ул ой кема бирла сайр этар
Ё ҳилолу меҳр аксин эл қўрар Жайхун аро.*

*Кемадин ҳар дам чиқиб рангин су кўзум қонидек,
Анда ёр андоқки мардум дийдаи пурхун аро.*

*Боргил, эй Мажнунки, ул ой заврақидек тез эмас,
Жунгим Лайло аморийсин чекар ҳомун аро.*

*Олма хум гирдобидин бир лаҳза соғар заврақин,
Баҳри ғамдин истасанг махлас бу даҳри дун аро.*

*Баҳр мавжидин мушавваш бўлмасун деб хотиринг,
Мавж урар юз баҳри ғам бу хоотири маҳзун аро.*

*Дур бўлур баҳр ичра пинҳон, назмидин шаҳ мадҳида
Баҳр ёшурмиш Навоий ҳар дури макнун аро.*

ЛУҒАТ

Заврақ – қайиқ, кема

Ахтари саъд – бахт юлдузи

Ҳилол – янги ой

Гардун – фалак, осмон

Меҳр – қуёш

Мардум – 1. Одамлар; 2. Кўз қорачиғи

Дийдаи пурхун – қонли кўз

Жунг – туя

Аморий – туя устига ўрнатиладиган махсус кажаса

Ҳомун – дашт

Соғар – қадаҳ

Махлас – қутулмоқ

Мушавваш – ташвиш чекмоқ

Баҳр – денгиз

Дури макнун – яширин, қимматбаҳо дур

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Ул қуёш юзли нигорнинг Жайхун дарёси бўйлаб қайиқда сайр айлаши янги ой ўроғи ичра толе юлдузининг тиниқ осмонни кезишига ўхшайди.
- Ой каби у париваш Жайхунда кема ичида сайр этмоқдами, ёки одамлар қуёш билан янги ойнинг аксини дарёда кўрмоқдаларми – англамай қолдим.
- Кўзимдан оқаётган қонли ёш каби кема ортидан пўртана сув оқмоқда. Кемадаги ёрим шу боис қонли кўз ичидаги қорачиққа ўхшайди.
- Эй Мажнун, нари бор, Лайли кажаваси ортилган туянинг биёбондаги суръати менинг ой юзли нигоримни олиб кетаётган кемадек тез эмас.
- Нокас бу дунёнинг денгиздек мавж урган ғуссаларидан қутулмоқни истасанг, хум ичида гирдобдек қайнаётган шаробда қадаҳ кемасининг сайр этишини тўхтатма.
- Эй ёр, сенинг хотиринг дарёнинг тўлқинларидан паришон бўлмасин деб, ташвиш ва изтироб денгизи маҳзун хотиримда ҳар лаҳзада мавж уради.
- Денгиз тубида дурлар яширин бўлганидек, Навоий шоҳнинг мадҳида инжудек сўзлар замирига маънолар денгизини жо айлади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мазкур ғазал султон Ҳусайн Бойқарога бағишлангани мақтаъда билдирилган. Манбалардан маълумки, Ҳусайн Бойқаро кўп марта турли муносабатлар билан Жайхун – Амударё соҳилида жойлашган Хоразм, Марв каби шаҳарларга юришлар қилган. Ғазал шундай сафарларнинг бири муносабати билан ёзилганини тахмин қилиш мумкин. Умуман, ғазал-нома шаклида ёзилган шеърлар Навоийнинг девонида анчагина. Навоий мадҳ йўсинида ёзилган ғазалларида ҳам бадииятнинг олтин мезонларига қатъий риоя қилганини ушбу ғазалда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, деярли ҳар бир байтда дарё, кема, ой, қуёш, ёр каби анъанавий образлар янги тасвир воситалари ва мутлақо қутилмаган ўхшатишлар қўлланилгани сабабли, бошқа шеърлардан тубдан фарқ қилувчи яхлит ва ажойиб манзарани ҳосил қилади.

Матлаънинг биринчи сатрида Жайхун дарёсига кемада сайрга чиққан қуёш, яъни султон ҳақида сўз боради. Устоз Нажмиддин Комиловнинг “Одил подшоҳ ҳақида беш ташбеҳ” мақоласида қайд қилингандек, “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг “Подшоҳлар зикрида”ги фаслда одил подшоҳ кўприк, ўрмон, қуёш, баҳор булут ва бўз кигизга ўхшатилади. Жумладан, “одил подшоҳнинг қуёшга ўхшатилиши эса, унинг “нафъи ва саховату инъоми” оммага баб-баравар етишиши боисидир. Унинг адолат нури “шаҳар ва биёбонни равшан этар ва вайрону ободқа андин ёруғлиқ етар” (Н.Комилов. Маънолар оламига сафар. – Т.: Тамаддун, 2012. –Б. 292).

Таҳлил қилинаётган ғазалда эса, дарё сафарига чиққан подшоҳ толе юлдузи, ой ва қуёшга, кўз қорачиғига ўхшатилади. Бадиъ илмида ташбиҳи мусалсал (бирор нарсани бўрттириб, ёрқин тасвирлаш мақсадида уни бирин-кетин бир неча нарсага қиёслаш санъати) деб номланган бу поэтик восита мақсадни аниқроқ ифодалаш баробарида, кучли мантиқий таносуб асосида тузилганини кўришимиз мумкин. Жумладан, матлаънинг иккинчи мисрасида кема янги ойга, ёр – янги ой ичидаги толе юлдузига ташбеҳ қилинган. Халқнинг қадимги нужумий тасавурига кўра, осмонда янги ой кўринганда агар нотинч бўлса (яъни, тескари шаклда намоён бўлса), тинчлик ва офият ҳукм суради, ой тинч бўлса – одатий ҳолатда кўринса, бахтсизлик ва нотинчлик бўлади.

Дарё ичида чайқалиб турган кеманинг нотинч ҳилолга, ичидаги азиз кишининг бахт юлдузига ўхшатилиши ана шу инончларга асосланган бўлса, ажаб эмас.

Ғазалда ёр ва кема – қадаҳ ойга ўхшатишган. Ёрнинг ойга ўхшатилишига унинг порлоқ юзи сабаб бўлган бўлса, қадаҳнинг шакл ўхшашлиги ушбу ташбеҳ қўлланилишига сабаб бўлган. Ой янги бўлганда жунун касалига мубтало кишиларнинг касали қўзғашини ҳам эътиборга олинса, Мажнун ва Лайли қиссаси ҳам бекорга тилга олинмагани аёнлашади. Дарёдаги кема ичра суръат билан узоқлашаётган ёрининг дийдорига муштоқ лирик қаҳрамон жунун оташида ёниб, саҳродаги Мажнун каби тоқатсизланиб, ҳижрон оловининг тафтида дарё кўз ўнгида биёбонга эврилади:

*Боргил, эй Мажнунки, ул ой заврақидек тез эмас,
Жунгим Лайло аморийсин чекар ҳомун аро.*

Ёрнинг дарё сафарига чиқиши сабабсиз эмас. Ҳар лаҳзаси минг бир ташвиш билан кечадиган бу дунё шоҳни ҳам, гадони ҳам ўз кўнгли амри билан яшашга имкон бермайди. Денгизда ҳар дамда турли тўлқинлар пайдо бўлиб, бу тўлқинлар гирдобидан қутулмоқчи бўлган одам чора излаб, доимий ҳаракатда бўлишга мажбур. Навоий эса, мазкур ташвишлар ўткинчи эканини англаган ҳолда, маърифат ва огоҳлик бодасидан бир дам ҳам узоқлашмасликни тавсия этади. Чунки, шоҳликнинг бирламчи талаби ҳам огоҳликдир:

*Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен,
Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен.*

Огоҳлик ва маърифатни шоир ушбу ғазалда ҳам май-бода тимсолида ифодалайди. Бинобарин, нокас бу дунёнинг денгиздек мавж урган ғуссаларидан қутулмоқни истасанг, хумда гирдоб каби қайнаётган шаробдан пешма-пеш қадаҳда май олиб ичгин, яъни маърифат шароби билан сархуш бўлгин, дейди шоир:

*Олма хум гирдобидин бир лаҳза соғар заврақин,
Баҳри ғамдин истасанг махлас бу даҳри дун аро.*

Ғазал мадҳ йўсинида битилгани билан унинг замирида олам-олам маъно бор. Денгизнинг моҳияти – унинг туб-тубида яширин дурру жавоҳирларда. Навоийнинг ҳар бир байти эса ана шундай дурдоналарни бағрида пинҳон этган маънолар уммони, маърифат денгизидир. Шу сабабли, бирламчи маъноларгагина маҳлиё бўлмасдан, ҳар бир мисра, ҳар бир тимсолнинг маъно қатламларини очишга ҳаракат қилиш лозим. Зотан, Ҳусайн Бойқаро ноёб қобилиятга эга нуктадон султон эди. Буни теран англаган Навоий унинг мадҳида серқатлам маъноларга эга ғазаллар битишни ўзига шараф деб ҳисобларди:

*Дур бўлур баҳр ичра пинҳон, назмидин шаҳ мадҳида
Баҳр ёшурмиш Навоий ҳар дури макнун аро.*

“МИНГ ЗАХМ УРДИ ХАНЖАРИ ИШҚИНГ БУ ТАН АРО...”

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 21-ғазал)

*Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро,
Бу танни ҳажр ташлади юз минг тикан аро.*

*Лек ул тиканлар ичра хаёлинг била кўнгул
Ўйнар магар гул узраю ағнар суман аро.*

*Жисм уйидин кўнгул тилар ул қўйни, валеқ
Ғурбат суубатин киши билмас ватан аро.*

*Эрмас учуғ лабингда ки ул юз Суҳайлидин
Ранг олмади бу қатра ақиқи Яман аро.*

*Жоним лабинг шаҳиди эканга тонуғдурур
Ҳар ол ришта қонға бўялған кафан аро.*

*Булбул не қуймасунки, бир ўт ёқти қасдиға
Ҳар оташин гул ушбу вафосиз чаман аро.*

*Кўрдунг Навоий ул сари зулф узра юз шикан,
Кўр эмди юз шикаста кўнгул ҳар шикан аро.*

ЛУҒАТ

Ҳажр – ҳижрон, айрилиқ

Ғурбат – ғариблиқ, мусофирлик

Суубат – қийинчилик, машаққат

Тонуғ – гувоҳ

Ол – қизил

Шикан – ўрам-ўрам, ҳалқа-ҳалқа, занжирсимон шакл олиш; исканжа, азоб, синиш

Шикаста – синиқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

--V -V-V V--V -V-

--V -V-V V--V -V-

Мафъўлу фоилоту мафойилу фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Бу жисмим аро ишқинг ханжари минг марта жароҳат етказди, бу етмагандек, ҳижронинг жароҳатли баданимни юз минг тиканнинг устига ташлади.

- Лекин бу тиканлар аро кўнгил сенинг хаёлинг билан хушхол бўлиб, худди гул ва суманлар узра ағанаб ётгандек роҳатланмоқда.
- Кўнгил жисм уйини тарк этиб, кўйингни ватан қилмоқни орзу қилмоқда, аммо ватанда бўлган киши ғарибликнинг машаққатини билмайди.
- Лабингда тошган нарса учуқ эмас, балки Суҳайлдек порлоқ юзингдан Яман ақиқи каби лабинг ранг олмаган бир нарсадир.
- Кафанимдаги ҳар бир қизил ип лабинг ҳасратида жоним шаҳид кетганига гувоҳлик беради.
- Бу бевафо чаманда ҳар бир очилган қизил атиргулнинг ҳижрони оташида булбул нечун куйиб адо бўлмасин?!
- Эй Навоий, зулфининг ҳар бир учида юзлаб шикан – ўрам кўрдинг, энди ҳар бир ҳалқасида юзта синиқ кўнгилга назар сол.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазалнинг дастлабки икки байти яхлит бир маънони ифодалашга хизмат қилган. Биринчи байт мазмуни ишқ ханжари ошиқнинг жисм уйини пора-пора қилгани, ҳижрон эса минглаб жароҳат теккан бу жисмни юз минглаб наштаб ўсган тиканзорга ташлагани ҳақида бўлса, иккинчи байтда бу азобларни кўнгилдаги ёр хаёли айна роҳатга айлантиргани, ошиқ бу машаққатларни инъом ўлароқ қабул қилгани ҳақида сўз юритилади. Муболағали кўринган бу тасвир ҳақиқий ошиқларнинг асл маслагини ифодалаш учун хизмат қилади. “Тазкират ул-авлиё”да келтирилишича, Мансур Ҳалложни қатл этиш жараёнида дастлаб унинг оёқлари ва қўлларини кесдилар. Ҳаллож кесик қўллари билан юзига қон суртди. Сабабини сўраганларга деди:

– Ағёр қон кўп кетганидан юзим сарғайиб, Ишқ йўлидаги жонбозликларда мени кўрқди, деб ўйламасин.

Дарҳақиқат, кўнгида муҳаббат макон тутган кишиларга зоҳирий оламнинг ташвишлари, Ишқ туфайли бошга ёғиладиган бало ва синовлар, дарду аламлар муҳаббат неъматлари ўлароқ туюлади. Ҳақиқий муҳаббатга сазовор бўлган ошиқ Шайх Санъон каби зуннор боғлаб, тарсо қизига хизматкорликни ўзига шараф билади. Руҳият ва кўнгил оламида унсият топган киши учун моддий дунё мисоли ғарибхонадек туюлади. Аммо ватаннинг ҳақиқий қадрини мусофир бўлган киши билганидек, висол онлари нақадар бебаҳо неъмат эканини ҳижрон тиконзорида азият чеккан кишигина англайди. Бинобарин, ошиқ кўнглининг ҳақиқий ватани – ёрнинг муборак кўйи. Бадан мулки эса унга қафасдек туюлиб, руҳ ўзининг асл ватани томон талпинади:

*Жисм уйидин кўнгул тилар ул кўйни, валеқ
Ғурбат суубатин киши билмас ватан аро.*

Тўртинчи байтда ёрнинг лабида тошган учуқни тавсифлаш учун мумтоз адабиётда кўп қўлланиладиган Суҳайл ва Яман атамаларидан фойдаланилган. “Алишер Навоий қомусий луғати”да берилишича, Суҳайл – энг ёруғ юлдузлардан бири. Яманда ёрқинроқ кўрингани сабабли Суҳайли яманий деб ҳам аталган. Араб мунажжимлари Суҳайлни жануб юлдузи деб билишган ва карвонлар кечаси йўлдан адашмаслиги учун унинг жойлашувини мўлжал олишган. Суҳайлнинг осмонда аниқ кўриниши иссиқ кунларнинг тугаши ҳамда сел келишининг нишонасидир. Қадимда қимматбаҳо маъданлар, айниқса, ақиқ Суҳайл юлдузи ну-

рининг таъсиридан ҳосил бўлади, шу сабабли, ақиқнинг энг яхшиси – Яманда, деган инонч шаклланган. Навоий Суҳайлнинг бу хосиятини ёрнинг юзига, Яман ақиқининг жилосини эса ёрнинг лабига ўхшатиб, мазкур хусусият ёр лабига тошган учуққа таъсир қилмаганини чиройли тарзда ифодалаган:

*Эрмас учуғ лабингдаки ул юз Суҳайлидин
Ранг олмади бу қатра ақиқи Яман аро.*

Исломиё эътиқодга кўра, шаҳиднинг қонли кийими кафанлик ўрнига ўтади. Шаҳид, шоҳид (ёр, Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири), ташаҳхуд (шаҳодат келтириш калимаси) барчасининг ўзаги битта эканини ҳисобга олсак, шоирнинг қайси ишқ йўлида шаҳидлик мақомига эришганини пайқаш қийин эмас:

*Жоним лабинг шаҳиди эканга тонугдурур
Ҳар ол ришта қонға бўялған кафан аро.*

Олтинчи байтда булбулнинг очилган гуллар фироқидан куйиб-адо бўлишлари ва минг нағмапардозлик билан нола қилишлари бу чаман, яъни дунё бевафолиги ҳақидаги марси-ялар эканини билдиради. Мақтаъда эса шоир “шикан” ва “шикаста” сўзлари тажнисидан фойдаланиб, ёрнинг зулфи ўзига ўхшаган юзлаб синиқ кўнгил аҳлининг маскани эканини таъкидлайди. Зотан, Навоий куйлаган муҳаббат – иддао ва даъволардан холи, шикасталик ва синиқлик, фидойилик ва вафо асосланган муҳаббатдир. Бу йўлда унга ўхшаганлар кўпчиликни ташкил этади. Айнан шу тоифанинг синиқ кўнгиллари туфайли Ишқ аталмиш ғаройиб борлиқнинг меҳвари барқарор ва обод:

*Кўрдунг Навоий ул сари зулф узра юз шикан,
Кўр эмди юз шикаста кўнгул ҳар шикан аро.*

**«КОФИРИ ИШҚ ЎЛҒАН АВЛО
ДЕМАСА ИЙМОН СЎЗИН...»**

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 22-ғазал)

*Икки бармоғ бирла туттум лаълин ул рухсор аро,
Уйлаким булбул тутар гул яфроғин минқор аро.
Хатда рухсоринг су эркинму ёшунған сабзада,
Йўқса кўзгудурки, қолмиш ҳар тараф зангор аро.
Кўҳи ғам тортарға хасдек жисм ила бел боғладим,
Остиға қолмишмен андоғ ким самон девор аро.
Май эмас, қушлар қанотининг елидин бўлғуси
Нахли қаддинг мойил ўлмоқ ҳар тараф рафтор аро.
Шаккари лаъли хаёлидин саросар мўрдур,
Сочида эрмас тугун узра тугун ҳар тор аро.
Кофири ишқ ўлған авло демаса иймон сўзин,
Хўб эмас тасбиҳ тори риштайи зуннораро.
Вусма узра зарварақлиқ икки қошинг юз уза,
Жилвагар бўлған ики товус эрур гулзор аро.
Қоматим гуллар очилған бир тикан шохидурур,
Тўлғали пайконларинг қонлиғ тани афгор аро.
Гулшан ичра чун бутар гул, шўра ердин шўразор,
Ғайри ғадр аҳли не бўлғай олами ғаддор аро.
Давр эли бедодидин гар махлас истарсен, мудом
Куп аёғидин бош олма кулбайи хаммор аро.
Ҳақ тилар бўлсанг Навоий силк дунёдин этак,
Ишқинг ўлса пок, ўзни қўйма бу мурдор аро.*

ЛУҒАТ

*Рухсор – юз, чеҳра
Минқор – тумшук
Хат – бу ерда: янги сабза урган соқол ва мўйлов
Ёшунған – яшнаган
Нахл – ниҳол
Мўр – чумоли
Зарварақ – тиллақош
Пайкон – камон ўқи
Афгор – мажруҳ, нотавон
Ғадр аҳли – сотқин ва бевафо кимсалар
Ғаддор – бевафо, хиёнаткор
Махлас – қутулиш
Куп – шароб хуми
Кулбайи хаммор – майхона
Мурдор – ўлакса*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Гўзал юзида лаълдек товланиб турган лабларини, худди булбул гул баргини тумшуғи билан тутгандек, икки бармоғим билан минг эҳтиёт этиб тутдим.
- Сабза урган муртинг остида тиниқ юзинг оқар сувга, ёхуд атрофи зангор суртилган шаффоф кўзгуга ўхшайди.
- Жисмим хасдек заиф бўлса-да, ғам тоғини тортмоққа бел боғладим, оқибатда девордаги лойшувоққа ишлатилган сомон каби ғам тоғининг остида қолдим.
- Ниҳолдек нозик ва расо қоматингнинг ҳар томонга мойил бўлиши шароб таъсиридан дема, балки бошингда соябон бўлиб учаётган қушларнинг қанот қоққандаги шамолидан тебраниб кетмоқда.
- Қора сочининг ҳар бир толасидаги тугун устига тугун бойлагандек жингалаклиги ширин лабингнинг хаёлидан кўзимга шакарга интилган чумолилар издиҳомидек кўринмоқда.
- Ишқ кофири бўлган киши имон сўзини айтмагани авло; тасбиҳ тори билан зуннор риштаси аралашиши яхши эмас.
- Юзинг узра ўсма тортилган икки қошинг ҳамда устига қўндирилган тиллақошларинг гулзорда патларини ёйган икки товусдир.
- Ҳар томондан отган ўқларинг мажруҳ ва қонталаш бўлган жисмимни гуллаган тикан шохига айлантирибди.
- Гулшанда – гул, шўразорда – шўра битгани каби, ғаддор ва хиёнаткор бу дунё аҳли сотқин ва бевафолардан бошқа ким ҳам бўларди?!
- Даврон аҳлининг бедодлигидан қутулмоқчи бўлсанг, майхонада мудом бошингни май хуми оёғидан кўтарма.
- Эй Навоий, агар Ҳақни тилар бўлсанг, бу дунёдан этак силк, ишқинг агар пок бўлса, бу ўлаксахўр муҳитга ўралашиб қолма.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ўн бир байтли мазкур ғазални байтларнинг мазмун-моҳиятига кўра шартли равишда уч қисмга таснифлаш мумкин.

Биринчи қисмдаги байтларда (1-, 2-, 4-, 5-, 7-байтлар) ёрнинг гўзаллиги, хусну малоҳатда тенгсизлиги, лаълдек қизил лабларининг ошиқ бармоқлари орасида тутилиши булбулнинг тумшуғида гул баргини тутмоғига ўхшатилиши ташбиҳи сарих (бир нарса ё ҳолатнинг бошқа бир нарса ё ҳолатга ташбиҳ воситалари ёрдамида тўғридан-тўғри ўхшатилиши) санъатининг гўзал намунасини вужудга келтирган. Мумтоз адабиётда ошиқни булбулга, ёрнинг лабини лаълга ва гул баргига ўхшатиш ҳолатлари кўп. Ушбу анъанавий ўхшатишлар асосида янги ва қутилмаган ўхшатма ҳосил қилиш эса шоирнинг нозик тахайюли ва катта маҳорати натижасида амалга ошади.

Бундай ажойиб ва кутилмаган ўхшатмалар мажнуншева ошиқнинг ҳолат ва кайфиятини ифода этувчи байтларда (3-, 6-, 8- байтлар) ҳам фаровон қўлланилган. Жумладан, учинчи байтда ошиқнинг заиф аҳволи ва баланд ҳимматини таъкидлаш учун ишқнинг тоғдек улкан ғамини тортишда жисмини хасдек заиф ва нотавон этиб тасвирлайди. Лекин бу ғам тоғи ичра унинг вужуди лойсувоқ қилинган девордаги сомон парчаси каби йўқ бўлиб кетган. Бу ўхшатиш замирида икки катта ҳикмат бор: биринчидан, лойсувоқнинг мустаҳкам бўлиб, тўкилиб кетмаслиги учун унга қўшилган сомон қанчалик муҳим рол ўйнаса, ишқ ғами ҳар қандай булҳавас, яъни юзаки ишқ ишқибозининг бу покиза ва муқаддас маконга оёқ қўймаслиги учун чўнг қоядек туришида қалби синиқ ошиқларнинг борлиги ҳам шунчалик аҳамиятли. Иккинчи ҳикматни ойдинроқ англаш учун Жомийнинг “Баҳористон”идан тамсилий бир ҳикоятни келтиришни жоиз деб топдик:

Бир чумоли бор куч-ғайратини сарфлаб, ўзидан ўн икки баравар катта чигирткани инига тортиб кетмоқчи бўлаётганини кўришибди. Ажабланиб дейишибди:

– Кичик жуссаси билан шундай катта чигирткани кўтармоқчи бўлган бу чумолига қаранглар!?

Чумоли бу гапларни эшитиб, кулиб айтибди:

– Эранлар оғирликларни жисмоний куч ва улкан жусса биланмас, ҳиммат қуввати ва мардоналик ҳамияти билан кўтарадилар.

Навоий васф этган ошиқ Ишқнинг Қоф тоғидек улкан ёки Садди Искандарий деворидек ўтиб бўлмас тўсиқ кўринган ғам-ғуссалари олдида хасчўп ёки сомон парчасидек бўлса ҳамки, ҳиммати ва ҳамияти бу ғуссани чекишга ундайди, қолаверса, ўзини бу ғамнинг бир бўлаги, ажралмас қисми деб ҳисоблайди. Унинг эътиқодига кўра, ишққа куфр келтирган, яъни ишқни йўқ деб ҳисоблаган одамда имон ҳам йўқ. Муҳаббат бирликни талаб қилади. Бир вақтнинг ўзида икки кишини севиш имконсиз. Худди шу каби, ҳақиқий ишқ имонни мустаҳкамлайди, унинг асл асоси, моҳиятини ташкил этади:

*Кофири ишқ ўлган авло демаса иймон сўзин,
Хўб эмас тасбиҳ тори риштайи зуннор аро.*

Учинчи туркумни ташкил этувчи охирги уч байтда дунё моҳияти, дунё аҳлининг хиёнаткорлиги ва бевафолиги ҳақида сўз юритилади. Шоир куйидаги байтда ўз кечинмаларини реал ҳаётнинг деталлари орқали далиллаштириб (тамсил санъати), хиёнаткор, бевафо дунёда сотқин, бевафо кимсалардан сотқинлик ва оқибатсизликдан бошқа нарсани кутиш бефойда, деган хулосага келади:

*Гулшан ичра чун бутар гул, шўра ердин шўразор,
Ғайри ғадр аҳли не бўлғай олами ғаддор аро.*

Мазкур поэтик тасвирни мушоҳада этган одам кучли мантиқий боғланиш мавжудлигига ишонч ҳосил қилади. Биринчи мисрада гулшан ва шўразор, гул ва шўра тазодини ҳосил этган. Иккинчи мисрада эса олами ғаддор аҳлининг зикрини келтириб, тазоднинг шўра ва шўразор қисми орқали далиллаштирган. Гул ва гулшан зикри эса дунё фақат шўразордан иборат эмас, анвойи гуллар очилган гулшанлар ҳам борлигини таъкидлаган ҳолда, Навоий шундай ўғит беради: дунё фақат сотқин ва худбин кимсалардангина иборат эмас, ҳалол ва покиза инсонлар ҳам бор; шунчаки содиқлик ва вафони дунёвий манфаат ва ғаразларга муккасидан кетган кимсадан кутиш гулни шўразордан қидиришдек бефойда ва мантиқ-

сиз бир истак. Бундай бедодликдан қутулишнинг ягона чораси – сулук ва тариқат аҳлини маърифат бодаси билан сармаст этувчи “кулбайи хаммор”ни манзил тутиш. Зотан, дунёни ўзгартириш – дунёқарашни ўзгартиришдан бошланади:

*Давр эли бедодидин гар махлас истарсен, мудом
Куп аёғидин бош олма қулбайи хаммор аро.*

Мақтаъ байтида уччала мавзуни ҳам хулосалаган ҳолда, Навоий дунёдан этак силкишни салоҳ деб ҳисоблайди. “Дунё бамисоли бир ўлакса, унинг толиблари эса ўлаксахўр итлардир”, дейилади ҳадиси шарифда. Ҳаққа элтувчи пок Ишққа гирифтор бўлган киши расулуллоҳнинг ўзлари ўлакса деб таърифлаган бу дунёга кўнгил боғламаслиги керак. Дунёдан кўнгил узиш эса, энг улуғ неъмат – Ҳаққа элтади:

*Ҳақ тилар бўлсанг, Навоий, силк дунёдин этак,
Ишқинг ўлса пок, ўзни қўйма бу мурдор аро.*

“ДАҲР ШҶХИҒА, НАВОИЙ, САЙД БЎЛМА...”

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 23-ғазал)

*Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқунгни пайдо айласа.*

*Ҳар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,
Ҳар киши ҳам ким сенинг васлинг таманно айласа.*

*Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.*

*Ғайр зикрин ошкоро қилса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.*

*Рашкдин жонимға ҳар нарғис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарвирағно айласа.*

*Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,
Ғар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.*

*Офият жонимға етти, эй хушул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.*

*Келтурунг дафъи жунунумға парийхон, йўқ табиб
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.*

*Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа.*

*Даҳр шўхиға, Навоий, сайд бўлма неча ким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.*

ЛУҒАТ

Таманно – орзу, истак

Навмид – ноумид

Нукта – ҳикматли сўз

Офият – тинчлик

Муғ – оташпараст руҳоний; маж.: пири комил, маънавий раҳнамо

Харобот – оташпарастлар ибодатхонаси; майхона; маж.; маърифат дарсхонаси

Парийхон – азайимхон

Ансаб – муносиброқ

Шайдо – ошиқ

Ифшо – фош, ошкор
 Узор – ёноқ, юз
 Мутарро – жингалак

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
 -V--- -V--- -V--- -V-
 -V--- -V--- -V--- -V-
 Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Сендан ўзгага эътибор қилгудек бўлса, кўнглим ёниб ўртансин, сенинг шавқингни пайдо қилганлар ҳам худди шундай ёнсин.
- Ўзгалар висолини истасам, ноумид бўлай, Сенинг васлингни истаган бошқа кишилар ҳам худди шундай ҳолга тушсин.
- Агар бошқа гўзалларнинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлса, кўзим чиқсин; сенинг ҳуснингни тамошо қилган бошқа кўз ҳам оқиб тушсин.
- Сенинг исмингдан бошқасини зикр этгудек бўлсам, тилим тутилсин, номингни тилга олганларнинг тили ҳам шундай бўлсин.
- Агар ул сарвқомат гўзалим боғ аро сайр айласа, боғдаги наргис гулларининг унга маҳлиё бўлиб туриши рашқдан жонимга тушган олов лаҳчасидек бўлиб кўринади.
- Агар қуёш ҳар бир заррасидан битта Исо Масиҳ яратгудек бўлса ҳамки, уларнинг барчаси ғойибона оғиз билан ҳикматли сўз айтадиган ой каби гўзал ёримдек бўлмагай.
- Бир маромда кечаётган ҳаёт жонимга тегди, қанийди ул муғ (пири комил) бир қадах май бериб, бу хароботда масту расво айласа.
- Девоналигимни даволаш учун табибмас, парихон (дуохон) келтиринг; парийнинг ишқи девона-ю шайдо қилганни фақат у даволашга муносибдир.
- Агар сиддиқлар – валий зотлар кўнгилларидаги қуёшнинг нурини ошкор этгудек бўлса, фалак тонг ёғдуси каби оз фурсатда жамийки нур сочувчи жисмларини йиғиштириб олади.
- Эй Навоий, кун узори узра тун зулфини ёйиб, ҳар қанча гўзал қиёфа касб этса ҳам дунёнинг бу маккорлиги домига тушиб қолишдан ўзингни асрагин.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида ёзилишича, ишқ жунунига гирифтор Шиблий дастлаб Бағдод кўчаларини кезиб, “Аллоҳ” дейдиган гўдакларга ширинлик улашиб юраркан. Кейинчалик жунуни авж олиб, “Кимки “Аллоҳ” сўзини тилга олгудек бўлса, бошини чопиб ташлайман”, деб кўчаларда юрганини устози – Жунайд Бағдодийга етказишибди.

– Уни ўз ҳолига тек қўйинглар, – дебди Жунайд. – Шиблий муҳаббатнинг кучлилигидан рашк ва ғайрати жўш уриб, Аллоҳнинг пок номи ёлғон ва риёга ҳам зўр берадиган тилларда дoston бўлишини истамаяпти.

Таҳлил қилаётганимиз бу ғазалнинг дастлабки беш байтида ана шундай рашк ва ғайорликнинг гўзал намунасини кўрамиз. Бу – муҳаббат ва садоқат билан пайваста соғлом рашк.

Ҳар бир байт ошиқнинг садоқат ва вафога оид қасамёди каби жаранглайди. Унинг кўнгли фақат маҳбубасининг ёди билан масрур, кўзи фақат ёр сари термилади, бор вужуди билан фақат ёр висолига талпинади; тили ҳамиша ёрнинг васфи билан банд... Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Мабодо ошиқнинг кўнгли, кўзи ё тилига ўзгаларнинг хаёли ё ҳавоси йўл топгудек бўлса, у ўзини энг оғир жазоларга муносиб деб ҳисоблайди. Лекин бирор ҳолатда ошиқ ўз ёрини айбламайди, унга шарт қўймайди – у севган маҳбуба барча айбу нуқсонлардан пок, барча шарт ва эҳтиёжлардан устун қудсий бир хилқат. Айниқса, олтинчи байт мазмунидан васф этилган маҳбуба оддий гўзал эмаслиги ойдинлашади:

*Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.*

Байтда қўлланилган оғиз, нукта, маҳваш, қуёш, зарра, Масиҳо тимсолларининг ўзаро мантиқий боғлиқлигини, сўзлар ва маъно таносубини билишимиз учун дастлаб нисбатан тушунарли бўлган Масиҳо образига мурожаат қиламиз. Манбалардан маълумки, сўзи билан марҳумларни тирилтирувчи Исо Масиҳ (а.с.)ни кофирлар ўлдирмоқчи бўлишганда, Аллоҳ таоло уни осмонга – Қуёш манзили ҳисобланмиш тўртинчи фалакка олиб чиқади. Лекин агар Қуёшнинг ҳар бир зарраси(атоми)дан битта ўликка жон бағишловчи Масиҳлар яратилганда ҳам, заррадан-да кичик оғзи йўқдек кўринадиган ойжамол дилбаримга тенг келолмайди, дейди Навоий. Муболағанинг олий кўриниши намунаси ҳисобланмиш бу ўхшатиш (йўқ оғиздин сўз айтиш) замирида эътиқод масаласига дахлдор нозик ҳикмат яширин.

Мотуридийлик эътиқодига кўра, Аллоҳ таолонинг Каломи одамлар ва бошқа яратиларнинг каломига ўхшамайди. Унинг Каломи моддий олам яратилишидан олдин мавжуд бўлиб, ҳикматини Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Исо Масиҳнинг мўъжизаси эса, ана шу Каломнинг баракотидан ҳосил кичик бир намуна, холос. Навоийнинг мана шундай ўхшатишларидан ҳам унинг эътиқоди нақадар мукамал ва мустаҳкам эканини билиб олиш мумкин.

Еттинчи байтда офият – хотиржамликдан бешиб, расволик ва мастлик тилагида харобот – майхонага юз тутмоқ нияти билдирилган. Офият – тинчлик ва соғлик каби инсоннинг ҳаёти учун энг муҳим неъматлардан. “Икки неъмат борки, завол топгандан кейингина одамлар қадрига етади. Булар соғлик ва офиятдир”, деган ҳикмат – асрлар давомида ҳамиша ўз исботини топиб келаётган ҳақиқат. Навоий бу байтда офият деб, ғофиллик ва жаҳолат туфайли пайдо бўлган якранг ҳаётни назарда тутган. Инсонийлик мақоми ва вазифаларини унутган нодон ва жоҳил одам фақат ўз нафсининг оромини истайди. Унга оқибат ва охират, диёнат ва миллат ташвишлари бегона. Фоний бу дунёда ўзларини мангу яшайдигандек билган бу тоифа учун маърифат аҳлининг кўнгили ободлиги, охират манзилининг маъмурлиги, халқнинг оғирини енгил қилиш йўлидаги интилишлари, барча ишларни Ҳақ таоло розилиги учун мослаштиришлари ақлдан озган кишиларнинг қилмишидек кўринади. Ана шундай кимсаларнинг наздидаги “расволик” ва беҳудлик, ўз моҳият эътибори билан ҳушёрликдан минг марта афзал маърифат мастлигини тилаган шоир хароботга юз тутади:

*Офият жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.*

Навоий юз тутган харобот – сидқ аҳлининг макони. Уларнинг қалбидаги қуёш ҳеч қачон завол топмайди. Кўнгилларидаги маърифат қуёши кеча-ю кундуз порлаб, иродат ва ихлос аҳлининг маънавий йўлини чароғон этади. Уларнинг бундай даражага етиши асосий омил – сидқу сафо. Ҳақ таолонинг буюрганига содиқлик билан амал қилиб, ҳеч қандай иккиланишсиз ҳидоят топганлари боис ҳақ йўлидан заррача чалғимай яшайдилар. Зоҳир оламида бошқалардан заррача фарқ қилмайдиган бу зотларнинг кўнглидаги қуёшини агар фалак кўргудек бўлса, Қуёш, Ой ва жамийки собиту сайёраларини йиғиштириб олади ҳамда ёлғончи тонгдек юзи қора бўлиб қолади:

*Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа.*

Навоийнинг сиддиқлар – валийсифат зотлардан англаган сабоқларидан бири – дунёга кўнгил бермаслик. Дунё гўзаллигига заррача шубҳа йўқ. Ҳар лаҳзада минглаб жилва билан манаман деган кўнгилни сайд қила оладиган бу гўзалликнинг бир нуқсони бор. У ҳам бўлса, бебақолиги ва вафосизлиги. Шу сабабдан, боқий ва завол топмас гўзалликка интилмоқ керак. Бу эса, дунёдан воз кечиш орқали амалга ошади:

*Даҳр шўҳиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.*

“НАВОИЙ, ДАЙР АРО КИР, ГАР ФАНО ЖОМИ ТИЛАР КЎНГЛУНГ..”

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 24-ғазал)

Эрур ишқ аҳли гўристоню юз минг мазор анда,
Фано шаҳрию лавҳу мийлдин тоқу манор анда.
Ажаб шаҳреки уй гўр ўлғаю суккони жонсиз тан,
Муошир мотамийлар, навҳа аҳли нағмагор анда.
Кўнгуллар тоза-тоза доғ ила қон ичра айланған,
Кўрарсен лоладин гаҳ-гаҳ гузар қилсанг баҳор анда.
Гиёҳ эрмаски ишқ аҳли шаҳиди бағриға қонғон,
Бўлуптур барча захролуд ништар ошкор анда.
Магар тавсан миниб, санчиб этак, тортиб қилич ҳар дам,
Улус қатлиға жавлон қилмиш ул чобуксувор анда.
Бу ўлганларга умри Хизр бергай, гар яна ногаҳ,
Масиҳим оби ҳайвонянглиғэтсабиргузоранда.
Кўрунглар ишқ даштинким, насиму лоладин ҳар ён,
Гаҳе жонбахш салқиндур, гаҳе муҳлик шарор анда.
Эрур ишқ оятеким, нуқтасининг донасин кўргач,
Тушар арвоҳи қудсий қушлари беихтиёр анда.
Навоий, дайр аро кир, гар фано жоми тилар кўнглунг,
Риёдур хонақаҳ аҳлида, борма зинҳор анда!

ЛУҒАТ

Мийл – қабр устига ўрнатиладиган туғ
Суккон – яшовчилар
Муошир – суҳбатдош
Мотамий – ҳассакаш
Навҳа аҳли – мотам қуни гўяндалик қилувчи киши
Нағмагор – ашула айтувчи
Гузар қилмоқ – ўтмоқ
Тавсан – чопқир ва саркаш от
Муҳлик – ҳалокатли
Шарор – учкун
Арвоҳи қудсий – муқаддас руҳлар, фаришталар
Дайр – майхона

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим
V --- V--- V--- V---
V --- V--- V--- V---
Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

НАСРИЙ БАЁН

• Фано шаҳри – юз минглаб мазордан иборат, сағаналарнинг устига қўйилган лавҳлар ва туғлар бу шаҳарнинг минор ва тоқлари вазифасини бажарувчи ишқ аҳлининг қабристонидир.

• Бу шундай ажойиб шаҳарки, бунда уйлар – қабр, яшовчилар – жонсиз баданлар, суҳбатдошлар – жанозага келганлар, мутриблар эса гўяндалик қилувчилардир.

• Агар баҳор фасли лола сайрига чиқмоқчи бўлсанг, бу шаҳарда кўнгилларнинг қон бўлиб, янги-янги доғлар пайдо қилганини кўрасан.

• Бу шаҳардаги ўсимлик ва майсалар ишқ йўлида шаҳид кетганларнинг қонидан сув ичиб, ҳар бир тикони заҳарли наштарга айлангандир.

• Чопқир отига миниб сайрга чиққан чобуксуворим белига этагини санчиб, ҳар томонга қилич сермаб, улус қонига зомин бўлган қаттол суворийларнинг ўзидекдир.

• Агар Масиҳонафас ёрим яна бу ўлганлар ётган жойдан ўтса, унинг шарофати билан барчаси яна тирилиб кетади.

• Ишқ даштини кўрингларким, гоҳида насими жон бағишласа, гоҳида лоласидан жонларга ҳалокатли учкун тушади.

• Ишқ шундай бир оятдирки, унинг нуқтасини кўрган фаришталар донга талпинган кушлардек банди бўлиб қоладилар.

• Навоий, хонақоҳ аҳли риёкордир, зинҳор у ерга бора кўрма, кўнглинг фано жоми тилар бўлса, дайрга, яъни майхонага киргин!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Навоий ғазалларидан бирида фанога шундай таъриф беради:

*Дединг: - Фано недурур? Мухтасар дейин: - Ўлмак!
Ки шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидур.*

Таҳлил қилаётганимиз бу ғазални фано шарҳига оид “юз рисола”нинг бири, деб ҳам айтиш мумкин. Тасаввуф илмида фано – инсон ўзлиги ва бандалиги мақомини Ҳақ таоло баробарида йўқ деб билмоқ, барча майл-истак ва таманноларидан воз кечиб, бутун олам ва оламдагилар Худонинг олдида ҳеч нарса эмаслигини теран англамоқ, башарий сифатлардан қутулиб, илоҳий сифатлар билан ботин оламини беамоқ демакдир.

Фано истилоҳ сифатида биринчи марта Зуннун Мисрийнинг муриди Абу Саид Харроз томонидан қўлланилган. У “Ал-Лумаъ” китобида фанога шундай таъриф беради: “Фано – бандалик ишларидан буткул узилмоқ ва бақо – илоҳий мушоҳадада боқий қолмоқ эрур... Баъзи кишилар муҳаққиқларнинг фано тўғрисидаги сўзларидан иштибоҳга тушиб, башарият фано емак-ичмакни тарк этмоқдан ҳосил бўлади, негаки жисм кучсизланганида башарий сифатлар ундан кетади ва инсон илоҳий сифатлар билан сифатланади, деб ўйлайдилар. Бу гумроҳлар башарийлик ва башарий ахлоқ ўртасида тафовутни билмабдилар. Оқ рангдан оқлик ва қора рангдан қоралик сифати кетмаганидек, башарий табиат инсондан кетмас. Ҳақиқат нурининг қудрати сабабидан табдил ва ўзгаришга дуч келадиган нарса башарий ахлоқдир”.

“Рисолаи Қушайрия” муаллифи инсон феъл-атворида ёмон хислатларнинг йўқ бўлишини фано ва гўзал хулқларнинг қарор топишини бақо, деб таърифлайди. Қаҳр, шаҳват, ёлғон, такаббурлик, риё, чақимчилик, муттаҳамлик... каби инсоний қадр-қимматни ерга урадиган иллатлардан покланиб, ўрнига мулойимлик, тавозе, хоксорлик, тўғрилиқ, таъмасизлик, қаноат каби чиройли фазилатлар билан хулқланиш жараёни фано деб тушунилади.

Бу мақомга эришиш учун асосий куч манбаи – бу Ишқ гавҳаридир. Ҳақиқий муҳаббатга грифтор бўлган инсонда такаббурлик, ҳасад, риё каби хислатлар бўлмайди. Асли пок севгига фақат покиза хислатларни касб этиш орқали эришилади.

Навоий фано шаҳрини ишқ аҳлининг қабристонини, деб таърифлаганда айнан шу жиҳат, яъни ёмон башарий сифатларнинг “ўлиши” ҳамда янги, яхши гўзал хулқлар билан қайта “туғилиш”ни назарда тутган. Бу шаҳарда яшайдиганлар учун уй – қабр, суҳбатдош – жано-зага келган ҳассакаш, лоззор – ишқ доғида лахта-лахта қонга айланган ошиқ кўнгилар, майсалар – ишқ йўлида шаҳид кетганларнинг қонидан озиқланиб, заҳарли ўсимликлардек бўлиб қолган. Ёрдан айри қолган, унинг назари ва илтифотига муносиб кўрилмаганидан фонийликка юз тутган ошиқлар кўйига мабодо дилбар йўли тушиб қолгудек бўлса, Хизр сувини ичган кишилардек умри абад топадилар. Ишқ – бамисоли Хизр чашмаси. Бу ҳаёт-бахш булоқдан сув ичган киши қайта туғилгандек бўлади:

*Бу ўлганларга умри Хизр бергай, гар яна ногаҳ,
Масиҳим оби ҳайвон янглиғ этса бир гузор анда.*

Ишқ водийси шундай ажиб маконки, унинг насими жон бағишловчи бўлса, лолалари жонга ўт солувчи учқун кабидир. Ҳар лаҳзада минг бора ўлиб-тирилгучи бу водий Вомиқу Фарҳоду Мажнунлар диёридир. “Лайли ва Мажнун” достонининг тўлиқ бир боби Ишқ водийси таърифига бағишлангани бежиз эмас, ундаги тасвирлар мазкур байтдаги ҳолат билан уйғун:

*Кўрунглари ишқ даштинким, насиму лоладин ҳар ён,
Гаҳе жонбахш салқиндур, гаҳе муҳлик шарор анда.*

Шунинг баробарида, ишқ шундай қудратли кучки, ҳатто фаришталарни ҳам сайд қила олади. Ривоятга кўра, инсонларнинг гуноҳлари ёзилган номайи аъмоли осмонга олиб чиқилганда, баъзи фаришталар Аллоҳ таолога: “Одам болалари Сенга тоат ўрнига гуноҳ ишларга қўл урадилар, деб айтмаганмидик?!” деган эканлар. Аллоҳ таоло уларга: “Агар сизларга инсонга берилган хислат ва хусусиятларни бериб, ер юзига туширсам, сизлар ҳам шу кўйга тушардингиз,” дебди. Фаришталар: “Зоти покинг ҳаққи, биз ундай қилмас эдик”, деб айтишибди. Шунда Аллоҳ таоло Ҳорут ва Морут исмли икки фариштани қози сифатида ер юзига туширади. Уларнинг ҳузурига Зухра исмли соҳибжамол бир аёл масала сўраб келади. Улар унинг жамолига мафтун бўлиб, ишқ изҳор этишганда, аёл ўз висолига эришишлари учун уларга бутга сиғиниш, одам ўлдириш ва шароб ичишни шарт қилади. Қозиликка тушган ошиқ фаришталар май ичишгач, қолган бузуқликларни ҳам амалга оширишади... Мазкур байтда ишқ дафтариининг ана шу саҳифасига ишора қилинган:

*Эрур ишқ оятеким, нуқтасининг донасин кўргач,
Тушар арвоҳи қудсий қушлари беихтиёр анда.*

Имом Ғаззолийнинг “Кимиёи саодат” китобида ёзилганидек, “дунё Ҳорут ва Морутдан ҳам жодугарроқдир. Андин ҳазар қилинглари”. Шу ўғитга амал қилган Навоий риё ва сохтакорликка сабаб бўлган хонақоҳни тарк этиб, фано маърифати ва муҳаббат шаробидан сархуш этадиган дайр, яъни майхонага кирмоқни афзал билади. Маълум бўладикки, фанога эришишнинг бирламчи шартлардан бири – риёга яқинлашмаслик экан:

*Навоий, дайр аро кир, гар фано жоми тилар кўнглунг,
Риёдур хонақоҳ аҳлида, борма зинҳор анда!*

**“ТАНҒА ЖОН КИРГАН КИБИ
ЖОНОННИ ЕТКУР, ЭЙ ТАБИБ...”**

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 25-ғазал)

*Доғларким, кўйдум ул ой фурқати озорида,
Дуди ҳар бирнинг эрур доғе фалак рухсорида.*

*Заъфим ичра қасри томиға таянғандекдурур,
Ҳар сомон кўрсанг ёпушқан кўйининг деворида.*

*Бир мусулмонға эрур дин қасди эткандин ҳисоб
Ҳар тугунким, кўрсанг ул кофир сочи зуннорида.*

*Гулшан ичра кўп бинафшангдин дема, эй боғбон,
Нил ила, кўр, холлар ҳар ён юзи гулзорида.*

*Кўйди гулгун муҳрлар жон пардасида қон ила,
Ваҳки, солур муҳри, ё гулму экин дасторида.*

*Танға жон кирган киби жононни еткур, эй табиб,
Эмдиким, жондин рамақ зоҳир эмас беморида.*

*Ваҳки, бир қотилға ошиқменки жоннинг бийми бор,
Ишқининг жой ичра ҳам ихфоси, ҳам изҳорида.*

*Топмасанг давр аҳлидин меҳру вафо, айб этмаким,
Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжорида.*

*Эй Навоий, ақлу дин яғмо қилур даврон майи,
Чиқ равон бу базмдин филжумла хушунг борида.*

ЛУҒАТ

Фурқат – айрилиқ

Заъф – заифлик

Зуннор – ғайридинлар белига боғлайдиган ип

Муҳри –саллага муҳрни санчиб кўйиш учун солинадиган махсус печ

Дастор – салла

Рамақ – жон чиқар арафасидаги нафас, охирги нафас

Бийм – кўрқув, хавф

Ихфо – махфий тутиш

Ашжор – дарахтлар

Яғмо қилмоқ – талон-торож қилиш

Филжумла – айни пайтда

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

–V-- –V-- –V-- –V–

–V-- –V-- –V-- –V–

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Ул ой фироқининг озорида кўнглимга қўйилган доғларнинг ҳар биридан чиққан тутунлардан осмон чеҳрасида бир доғ пайдо бўлган.
- Кўйининг деворида лойшувоқ ичида бирор сомон кўрсанг, заифликдан қасрининг деворига суяниб қолганимни эслатади.
- Белига зуннордек чирмашиб қолган сочининг тугунлари нечта мусулмоннинг дин уйини хароб қилганини ҳисоблаш учун тугилгандекдир.
- Эй боғбон, гулшанинги ичра очилган бинафша гулингни кўп мақтамасдан, менинги ёрим юзининг гулзорида нилдан қўйилган холларига назар сол.
- Эвоҳ, ёрим салласига муҳр солганми ё гул санчиганми – билиб бўлмас, аммо бу иши билан жонимнинг пардасига қондан муҳр қўйди.
- Эй табиб, мен каби жонон ишқининг бемори жисмида жондан бир нишон ҳам қолмади, энди танга жон кирган каби жонимни бошимга келтир.
- Эвоҳ, шундай бир қотилга ошиқманки, ишқини пинҳон тутганимда ҳам, изҳор этганимда ҳам жондан умидимни узишим хавфи бор.
- Даврон аҳлидан меҳр-оқибат, вафо кўрмасанг, уларни айблама. Чунки даврон боғидаги бирор дарахт бундай мева бермайди.
- Эй Навоий, даврон майи, ақлу динингни талон-торож қилади, шу сабабли, эсинг борида бу базмни тарк этганинг авло.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мумтоз шеърятда ой – ёрга нисбатан энг кўп қўлланадиган тимсоллардан. Навоий ҳам бу тимсолнинг поэтик имкониятларидан кўп фойдаланган. Шу билан бирга, улуғ шоир даярли ҳар сафар бу образга мурожаат қилганда янги-янги маъно ва тасвир воситаларини қўллаб, тахайюл уфқларини кенгайтирадиган сатрлар яратган. Жумладан, таҳлил қилинаётган ғазалда ойнинг доғи ва кўнгилдан чиққан оҳларнинг тутуни ўртасида янги шоирона мутаносиблик топган. Шоирнинг талқинига кўра, ойжамол дилдорнинг фироқида кўнгилда ҳосил бўлган ишқ ўти шунчалик ёруғлик ва мунавварлик келтирганки, ҳатто бу оташнинг тутунидан осмонда ой ва юлдузлар пайдо бўлибди. Фироқ ўтининг дудидан осмонда ой ва юлдузлардан “доғ”лар пайдо бўлган “ул ой”нинг нақадар нурли сиймо эканини шу муболағали ташбеҳдан илғаш мумкин:

*Доғларким, қўйдум ул ой фурқати озорида,
Дуди ҳар бирнинг эрур доғе фалак рухсорида.*

Иккинчи байтда эса, олдинги ғазалда кўриб чиққанимиз – сомон парчасига яна мурожаат қилинган. Фарқи шундаки ошиқнинг заиф жисми энди бу ғазалда ҳавода учиб кетаётиб, ёрнинг қасри томига ёпишиб олмоқчи бўлган омонатгина хасга ўхшатилади. Лойсувоқ ичидаги сомон парчаси кўринмаганидек, ёр қасри томидаги хаснинг ҳам бор-йўқлиги қаср эгасига билинмайди. Шунга қарамай, бу сомон парчаси (ошиқ) бир лаҳза бўлса-да, ўз ёрининг томига таянганига хурсанд:

*Заъфим ичра қасри томига таянғандекдурур,
Ҳар сомон кўрсанг ёпушқан қўйининг деворида.*

Васфи келтирилган дилдорнинг ошиқлари беҳисоб – қилинган ишларнинг ҳисобини олиш учун тугун солинган дастрўмол каби унинг ҳалқа-ҳалқа зулфи нечта мусулмоннинг динини торож қилганидан гувоҳлик бериб турибди. Бу гўзалнинг чеҳрасини кўрган киши

гулшан сайрини эсдан чиқаради. Жумладан, қизил ёноқлари атиргулни эслатса, нил билан қўйилган холлари янги очилган бинафшазордан-да гўзалроқ. Унинг салласига санчиб қўйган муҳр ҳам гўёки жон пардасига қондан тамға ургандек... Шундай ҳусну латофатнинг қурбони бўлган ошиқнинг дардига табиб бир ўзи дармон топишга ожиз. Жони чиққан ошиқни қайта тирилтириш учун ёр у томон қадам ранжида қилиши керак:

*Танға жон кирган киби жононни еткур, эй табиб,
Эмдиким, жондин рамақ зоҳир эмас беморида.*

Айтишларича, Мансур Ҳаллож минбарга чиқиб шундай ваъз қилган:

– Халойиқ, бошимга ажиб бир иш тушибди. Билурсизки, Ҳақ таоло агар бир бандасини дўст тутса, олам халқини унга душман қилиб қўяди. Мени ҳали дўст тутмасдан, бутун оламни душманам этди, найлайн?! Шундай бир дардга мубталоманки, пинҳон тутсам, муқаррар ўлимга элтар; ошкор этсам, бошим дор остига кетар...

Навоий айнан шундай ҳолатни бошидан кечирганини қуйидагича баён этган:

*Ваҳки, бир қотилға ошиқменки жоннинг бийми бор,
Ишқининг жой ичра ҳам ихфоси, ҳам изҳорида.*

Азизиддин Насафийнинг “Комил инсон китоби” да шундай ёзилган:

“Эй дарвеш! Дунё ва дунёнинг неъматларига кўнгил қўйма, умринг, соғлигинг, бойлигинг, мансабингга ишонма; Ой фалаки устида бўлган ашъёларнинг бирортаси бир ҳолда собит қолмас; албатта, ўз ҳолидан эврилар. Яъниким, ушбу қўйи оламнинг аҳволи бир суратда қолмайди, ҳамиша айланишдадир, ҳар замонда бир қиёфага кирар ва ҳар соатда ўзга нақшда пайдо бўлади. Аввалги сурат ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмасдан, бошқа сурат пайдо бўла бошлаб, аввалги суратни йўқ қилади; оламнинг иши дарё тўлқинига ўхшар, ёхуд дарё тўлқинининг айни ўзидир. Оқил киши ҳеч қачон дарё мавжлари узра иморат қурмас ва яшашга ният қилмас”. Бинобарин, Навоий ҳам даврон аҳлидан меҳр-оқибат, вафо ва садоқат кутиш, йўқ нарсани талаб қилиш бефойдадир, дейди:

*Топмасанг давр аҳлидин меҳру вафо, айб этмаким,
Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжорида.*

Мақтаъда “даврон майи” ҳақида сўз юритилиб, бу май ҳам фано бодаси, дайр пири қўлидан ичиладиган шароб каби ақлу ҳуш ва дину диёнатни торож қилувчи деб тавсифланган. Лекин шоир бу шаробдан ичмасдан, бу базмни тарк этишни тавсия қилади. Чунки замона зайли ва нафснинг майлига мослашиб яшаш, “даврон майи” дан ичиш кишининг ҳам дунё, ҳам охира-тини барбод қилади. “Давринг келди, сур етим” шиори билан яшаб, ўткинчи омадларидан сармаст, босар-тусарини билмаган одамнинг қисмати ҳамиша аянчли тугаган. Вафо меваси битмайдиган бу боғда базм уюштиргандан кўра, уни тарк этган афзалроқ:

*Эй Навоий, ақлу дин яғмо қилур даврон майи,
Чиқ равон бу базмдин филжумла ҳушунг борида.*

“МАЙ БЕРУР БЎЛСАНГ МАНГА ДАЙР ИЧРА БЕР, ЭЙ МУҒБАЧА...”

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 26-ғазал)

*Эй кўнгул, гар кимса аҳволим демас ёр оллида,
Хотирим кимдин малул ўлсун, кимим бор оллида?!
Ул кўз оллида ҳалоким десалар, йўқ бок ҳеч,
Гарчи ўлмакдин демак йўқ шарт бемор оллида.
Не жафокашмен кўрунгим, бор анга қилмоқ жафо,
Сўз вафодин зоҳир этсам ул жафокор оллида.
Оллиға гулларки, санчибдур, мушобиҳдур анга
Ким, тушар гоҳе мулавван муҳр дастор оллида.
Кўзларинг қоним ғизо қилсун агар ёлғон десам,
Бир қошуқ қоним биҳил ул икки хунхор оллида.
Май берур бўлсанг манга дайр ичра бер, эй муғбача,
Ким, қўяй бошимни қўйсам пири хаммор оллида.
Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.*

ЛУҒАТ

Малул – хафа, ранжиган

Бок – кўрқув

Мушобиҳ – ўхшаш

Мулавван – ранг-баранг

Дастор – салла

Биҳил – кечмоқ

Пири хаммор – майфуруш оқсоқол; маж.: пири комил

Забун – оёқости, хор

Дунё аруси – дунё келини, мажозан маккор дунё

Золи маккор – маккор кампир, ялмоғиз, бу ўринда маккор дунё

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

•Эй кўнгил, ҳеч ким ёр олдида ҳолимни баён этмайди. Аммо кимдан хафа бўлайин, ёр олдида кимим ҳам бор ўзи?!

•Бемор олдида ўлим ҳақида гапириш мумкин бўлмаса-да, ёрнинг бемор (хумор) кўзидан ҳалок бўлганим ҳақида айтилса, зарари йўқ.

•Ажаб бир жафо чекувчиманким, ул жафокор олдида вафо ҳақида сўз очилса, жафо қилиш унинг одатидир.

- Олдига санчилган гуллар унинг сиймосига ўхшайди. Гоҳида саллага санчилган муҳр ҳам шундай ранг-баранг кўринади.
- Агар ёлғон гапирсам, кўзлари қонимни ичсин, розиман. Ул икки қонхўр кўзларинг учун менинг қоним ҳалол.
- Эй муғбача, май бермоқчи бўлсанг, менга дайр ичида бер, токим менга раҳнамолик қилган май сотувчи пирнинг пойига бош қўйиб таъзим қилайин.
- Эй Навоий, агар ҳақиқий мард бўлсанг, дунё келинчагини талоқ қил. Бу маккор ялмоғиздай дунё дастидан хор-зор бўлишингга қўл қўйма.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу – Ҳазрат Навоийнинг энг машҳур ғазалларидан. Ушбу ғазалга кейинги аср шоирлари томонидан қатор назиралар боғланган. Жумладан, аёл шоиралар тазкираси “Жавоҳир ул-а-жоиб” асарининг муаллифи, Навоийнинг кичик замондоши ва таржимони Фаҳрий Ҳиравий Мўғул хоним – Муҳаммадхон Шайбонийхоннинг хотини ҳақида маълумот бераркан, унинг куйидаги байтини мисол келтиради:

*Демаким, дардингни изҳор айла дилдор оллида,
Қайси бир дардимни изҳор айламен ёр оллида?!*

Фаҳрийнинг айтишича, Мўғул хонимнинг бу ғазали “Убайдий” таҳаллуси билан ижод қилган Убайдуллахоннинг куйидаги ғазалига жавоб тариқасида яратилган:

*Бир-бир айтинг, дўстлар, дардимни дилдор оллида,
Айтиб-айтиб йиғлангиз, зинҳор-зинҳор оллида.*

Фаҳрий ўз тазкирасида яна шундай ёзади: “Убайдхон ушбу ғазалда Мир Алишер Навоийга татаббуъ айлабдур. Амир Алишернинг матлаъи ушбудир:

*Кимса гар ҳолимни изҳор айламас ёр оллида,
Хотирим кимдин малул ўлсун, кимим бор оллида?!*

Амир Алишернинг ушбу ғазалига кўпчилик жавоб ёзганмишлар. Алар жумласидин Амир Рустам Али, Қосим Кўҳийнинг ўғли шундай демиш:

*Жон берурда сажда қилдим ул жафокор оллида,
Шукрим, бошимни қўйдум оқибат ёр оллида.*

Яна замонамизнинг атоқли шоири Муҳаммад Солиҳнинг айтган жавобия ғазалидан ушбу икки байт келтирилди:

*Не кўнгулким қилғамен дардимни изҳор оллида,
Не кўнгулсизлиғ ғамин айтур кимим ёр оллида.
Эй сабо, дардимни йиғлаб-йиғлаб айтармен сенга,
Айтиб-айтиб йиғлағайсен сен тақи ёр оллида.*

Мавлоно Шавқий ҳам жавоб айтмиш ва бу матлаъ анингдир:

*Айладим фарёд ағёр илкидин ёр оллида,
Шукрим, дарди муҳаббат қилдим изҳор оллида.*

Амирбек Ямғурчининг ўғли Валибек шундай демиш:

*Ҳажрнинг андуҳидин бошимни ағёр оллида
Тошқа урдумким, нечун бош қўймадим ёр оллида”.*

(Султон Муҳаммад Фахрий бин Амирий Ҳиравий. Жавоҳир ул-ажойиб. Нашрга тайёрловчи Саййид Ҳисомиддин Рошидий. – Ҳайдаробод, 1968. – Б.127-128 (форс тилида).

Бизнингча, соф туркий “оллида” радифининг қўлланилгани мазкур ғазал дилтортарлиги ва катта муваффақиятининг омилларидан бири бўлган. Бу радиф билан Навоийгача бирор туркийгўй шоир ғазал ёзгани маълум эмас. Хоҳ мажозий муҳаббат бўлсин, хоҳ ишқи илоҳий – барча маънолар ва мақомлар мазкур радиф теграсида жамланиб, яхлит ва гўзал руҳиятни яратишга хизмат қилган. Айниқса, “кимим бор оллида?!” риторик саволи ийҳомнинг намунасини ҳосил қилган. Ошиқнинг бекас ва ғариблиги (кимим бор оллида – олдида менинг бирор кишим борми) ҳамда ёр олдида ҳеч киммаслиги (кимим бор оллида – олдида мен кимман ўзи) маъноларини англатувчи ибора матлаъ гўзаллигини таъминлаб берган.

Иккинчи байтда эса, ташбиҳи музмарнинг гўзал намунасига дуч келамиз. “Ҳадоиқ ус-сеҳр” муаллифи мазкур ташбиҳ турини шундай таърифлайди:

“Бунда шоир бир нарсани иккинчи нарсага ўхшатади. Зоҳиран унинг мақсади ташбиҳ эмас, бошқа нарса бўлгандек сўз юритади, аммо аслида баён этган фикрининг замирида ўхшатиш ётади”.

Бемор олдида ўлим ҳақида гапирмаслик иримиға ишора қилиш баробарида шоир ёрнинг кўзи васфини (мумтоз адабиётда маҳбубанинг ноз юзасидан ярим юмуқ шахло кўзига “бемор” сифатини бериш анъанаси бор) келтирадики, бунда ташбиҳ, тамсил ва ийҳом санъатлари қоришиқ ҳолда қўлланилиб, санъаткорона байт яратилган:

*Ул кўз оллида ҳалоким десалар, йўқ бок ҳеч,
Гарчи ўлмакдин демак йўқ шарт бемор оллида.*

Навоий учинчи байтда вафо ва жафо тазодидан фойдаланиб, иштиқоқ санъати ёрдамида бир негиздан учта сўз – жафо, жафокаш ва жафокор сўзларини бир байтда келтириб, уларнинг бири ёрдамида байтнинг қофиясини ҳам таъминлаган:

*Не жафокашмен кўрунгким, бор анга қилмоқ жафо,
Сўз вафодин зоҳир этсам ул жафокор оллида.*

Тўртинчи байтда олдинги ғазалда ҳам кўриб чиққанамиз муҳр ва дастор тимсоллари қўлланилган. Сиёсий фаолиятининг дастлабки босқичида Навоий муҳрдор бўлгани ҳамда Султон Ҳусайн Бойқаро девонини бошқарганини биламиз. Шундан келиб чиқиб, мазкур ғазаллар Навоийнинг муҳрдорлик даврида - 1469 йилдан кейинги даврда ёзилган, деб фараз қилиш мумкин:

*Оллиға гулларки, санчибдур, мушобиҳдур анга
Ким, тушар гоҳе мулавван муҳр дастор оллида.*

Мажоз – ҳақиқатнинг кўприги эканини биламиз. Навоий ҳам ғазалнинг сўнгги мисраларида мажозий муҳаббат тараннумидан ҳақиқий муҳаббат маърифатига ўтади. Айниқса, турли жилвалари билан турфа кўнгилларни ҳаминиша ром этувчи дунё келинчагига талоқ беришни мардоналикнинг асосий белгиси сифатида мақтаъда кўрсатиб ўтади. Назаримизда, мана шу байт ҳам Навоийни бу дунёдан тоқ ўтишини тушунишимизга асос беради:

*Эй Навоий, эр эсанг дунё арусин қил талоқ,
Бир йўли бўлма забун бу золи маккор оллида.*

**“ДАҲР ЭЛИДИН НАФЪ АГАР ЙЎҚТУР,
ЗАРАР ҲАМ БЎЛМАСА...”**

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 27-ғазал)

*Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,
Марҳам ар йўқтур, кўнгулга ништар ҳам бўлмаса.*

*Олам аҳлидин агар йўқтур жигаргун соғаре,
Кошки юз минг қадаҳ хуни жигар ҳам бўлмаса.*

*Маҳвашеким бўлмағай васлидин уммиди ҳаёт,
Хуштурурким жонға ҳажридин хатар ҳам бўлмаса.*

*Бедилеким, беҳабар тушкай биров ҳижрониға,
Не балодур гаҳ-гаҳе андин хабар ҳам бўлмаса.*

*Соқийё, неткай мени ул навъ қилсанг мастким,
Ақлу ҳушумдин нишон, балким асар ҳам бўлмаса.*

*Ким, тузай мастона Шоҳи Ғозий авсофида савт,
Бу кўнгул гар бўлса ўз ҳолида, гар ҳам бўлмаса.*

*Эй Навоий, сен чекарсен оҳ, лекин яхшидур
Ул парийнинг зулфи бу ел бирла дарҳам бўлмаса.*

ЛУҒАТ

*Даҳр – олам
Нафъ – фойда, манфаат
Ништар – наштар, ўткир тиғ, найзанинг учи
Жигаргун – жигарранг, тўқ қизил
Маҳваш – ой каби гўзал
Соғар – қадаҳ
Бедил – ошиқ
Авсоф – васфлар
Савт – овоз, товуш; бу ерда шеър айтиш маъносида келган
Дарҳам – паришон*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V--- -V--- -V--- -V-
-V--- -V--- -V--- -V-
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Олам аҳлидан фойда-ку йўқ, зарар ҳам бўлмаса эди. Улар кўнгилга малҳам бўлмаганига яраша, наштардек санчимасалар яхши бўларди.
- Жигарранг бир қадаҳ тутиб, кўнглингни хуш қилмайдиган бу олам эли дастидан кошкийди юз минг қадаҳ жигар қонини ичишга мажбур бўлмасанг.
- Васли билан ҳаёт умидини бахш этмайдиган ойжамолнинг ҳижронидан ҳам жонга хатар бўлмаса кошки эди.
- Севган ёрининг ҳижрони сабаб ўзидан беҳабар, хушидан кетган ошиқдан ҳар замонда хабар олиб турмаслик яна қандай бало бўлди?!
- Эй соқий, мени ақлу ҳушимдан асар ҳам қолмайдиган даражада маст қилсанг, нима бўлади?!
- Токи кўнглим хуш ёки нохуш эканидан қатъи назар Шоҳ Ғозий Ҳусайн Бойқаро васфида мастона байту ғазаллар куйлайин.
- Эй Навоий, сен оҳ чекаясан, лекин оҳларингдан ул парийнинг зулфи паришон бўлмагани яхшидир.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мумтоз адабиётшуносликка оид манбаларда ғазал мавзуларининг бири сифатида “Шиквоия” (замона ва унинг аҳлидан шикоят) ҳам кўрсатилган. Дастлаб фақат ишқ-муҳаббат тараннумидан иборат ғазал тадрижий такомил жараёнида мавзулар доираси ҳам кенгайиб, турли ижтимоий, фалсафий, диний, ирфоний ва ахлоқий фикрларни ифодалаш учун самарали ва қулай воситага айланади. Таҳлил қилинаётган ушбу ғазал ҳам қайсидир маънода Навоийнинг ҳасби ҳоли ўлароқ вужудга келган асарлардан.

“Насойим ул-муҳаббат” да Абу Абдуллоҳ Мағрибийдан қуйидаги ҳикмат ривоят қилинади:

“Ва ҳам ул дебдурки, дунёдин мунсифроқ (инсофлироқ) кўрмадим. Агар анга хидмат қилсанг, ул ҳам санга хидмат қилур ва агар таркин тутиб, сидқ била Тенгри қуллиғига машғул бўлсанг, анинг шарридин (ёмонлигидан) эмин (омон) бўлурсен, яъни ул сенинг таркингни тутар”. Шу билан бирга, дунёнинг ҳою ҳаваслари ва ўткинчи истакларини тарк этган, Ҳақ таолога содиқ банда бўлган покиза зотлар айнан дунёнинг ёмонлигидан омон қолганлари билан дунё аҳлининг ёмонлигидан қутула олмайдилар. Ҳар қандай давру замонда Навоийга ўхшаган софдил инсонлар муттаҳам ва каззоб, ёлғончи ва фирибгар нокасларнинг ёмонлигидан азият чекадилар, уларнинг ҳийла ва алдовлари қалбларига наштардек санчилади. Мустамлий Бухорий буюрганидек, бу дунёда мўминлар авлиёларнинг баракотидан, кофирлар мўминларнинг баракотидан яшамоқдалар. Шунга қарамай, аксар вақт мўминлар кофирлар дастидан, авлиёлар эса барча олам аҳлидан азият чекадилар.

Эл ғамининг оғирини енгил қилиш, уларнинг қувончу қайғусини баҳам кўриш, инсоф ва диёнат билан яшашни ҳаёт маслагига айлантирган инсонлар давронда осойишталик, хотиржамликнинг кафили бўлсалар-да, уларнинг бу хизматлари кўпинча қадрланмайди.

Навоий бошқа бир ғазалида қайд этганидек:

*Турфа кўрким, халқ коми бирла умрум бўлди сарф,
Турфароқ буқим, бировга ёқмади бу хидматим.*

Дастлабки икки байтда замондош дунё аҳлидан шикоят келтирилган бўлса, учинчи ва тўртинчи байтда бундан ҳам оғирроқ дард – ҳижрон дарди ҳақида сўз юритилади. Бу байтларда ёр висолдан умид узган ошиқнинг жондан ҳам умидини узмоқ ҳолатига тушгани, ёр фироқида беҳуш бўлиб қолишлари ҳақида сўз юритилади:

*Маҳвашеким бўлмағай васлидин уммиди ҳаёт,
Хуштурурким жонға ҳажридин хатар ҳам бўлмаса.*

*Бедилеким, беҳабар тушкай биров ҳижрониға,
Не балодур гаҳ-гаҳе андин хабар ҳам бўлмаса.*

Навоий бу чорасизликнинг ягона чораси – соқий шаробидан беҳуду мастона бўлиб, Ҳусайн Бойқаро васфида ғазалхонлик қилиш, деб билади:

*Соқиё, неткай мени ул навъ қилсанг мастким,
Ақлу хушумдин нишон, балким асар ҳам бўлмаса.
Ким, тузай мастона Шоҳи Ғозий авсофида савт,
Бу кўнгул гар бўлса ўз ҳолида, гар ҳам бўлмаса.*

Марҳум устозимиз Нажмиддин Комилов бунга қуйидагича изоҳ берганлар:

“Демак, Султон Ҳусайн Бойқаро нафақат шоҳ, мамлакат ва миллат сардори, балки Навоий каби дили дардга тўла инсонларнинг маънавий ҳамдарди, таскин ва тамкин берувчиси бўлган. Зеро, пок дил пок дилга талпинади”. Қўшимча равишда айтиш мумкинки, бу ғазал фақат Навоийнинг ҳасби ҳоли эмас, балки Султон Ҳусайн Бойқаро кайфиятининг назмий ифодаси ҳам бўлиши мумкин. Тарихдан маълумки, Ҳусайн Бойқаронинг сиёсати ҳамма вақт ҳам хушнудлик ва мамнуният билан қабул қилинмаган. “Даҳр эли” майда манфаатлари илинжида ҳукмдорга елкадош бўлиш ўрнига унинг ислоҳотларини йўққа чиқариш, мамлакат тинчлиги ва ободлиги йўлида амалга оширган ишларини инкор этиш, арзимаган нарсалар учун унга исён ва итоатсизлик қилиб туриш одатий ҳолга айланган. Бойқаро сиёсий фаолиятининг асосий қисми энг яқин кишилари – фарзандлари ва қариндошларининг исёнларини бостириш билан ўтган. Ана шундай пайтда унинг қалбига малҳам бўладиган, тилга кўчиролмайдиган ғуссаларини ўзининг қайғусидек қабул қилиб, дарддош бўладиган инсоннинг тасаллосига эҳтиёж сезгани шубҳасиз.

Навоий шу маънода Ҳусайн Бойқаронинг дардкаши ва маслакдоши эди. Шунинг баробарида, бу дардкашлик кўнгилдошининг кайфиятини кўтариши, унинг яраларини битишига кўмак бериши керак. Акс ҳолда, париларнинг ошуфта зулфи ишқ оламида ошуб ва ғалаён солгандек, султоннинг кайфияти бузилиши бошқалар, айниқса Навоийнинг кўнгли учун жуда оғир ботиши мумкин:

*Эй Навоий, сен чекарсен оҳ, лекин яхшидур
Ул парийнинг зулфи бу ел бирла дарҳам бўлмаса.*

**“НЕ ХУШ БЎЛҒАЙ ИКОВЛАН МАСТ
БЎЛСАҚ ВАСЛ БОҒИНДА...”**

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 28-ғазал)

*Не хуш бўлғай иковлан маст бўлсақ васл боғинда,
Қўлум бўлса анинг бўйнидаву оғзим қулоғинда.*

*Даме васл ичра волиҳлиғ била рухсорим эғнида,
Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим аёғинда.*

*Тутуб гоҳе занахдонин мукаррар ийласам бот-бот,
Кўруб гуллар очилған бодадин рухсори боғинда.*

*Шимиб ютсам гаҳе ҳайвон суйидек завқдин кўргач,
Тарашшуҳ бодадин гул яфроғи янглиғ дудоғинда.*

*Гаҳе кўз суртаримда, оқса ҳар ён шодли ғашким,
Гул узра қатра шабнамлар киби сиймин сақоғинда.*

*Гаҳе бехудлуғумдин сесканиб, тутсам адаб расми
Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда.*

*Не келса тонгла келсун, бир тун усрук ётса ҳам хуштур
Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб қучоғинда.*

*Қачон даврон манга бир буйла ишратни раво кўргай
Ки, ўргатмиш мени ўртарга ҳижрон дарду доғинда.*

*Навоий, сен киму ишрат майи билмасмусенким, ит
Агар қон ичса ҳам боши керактур ўз ялоғинда.*

ЛУҒАТ

Волиҳлиғ – шайдолик, маҳлиёлик

Эгин – орқанинг бўйин ва бош ўрталигидаги устки қисми

Ниёз – муҳтожлик, тасаддуқ

Ажз – ожизлик

Занахдон – иякдаги чуқурча

Мукаррар – қайта- қайта

Ийламоқ – секин эзмоқ, юмшатмоқ

Ҳайвон суйи – оби ҳаёт, тириклик суви

Тарашшуҳ – сизиб чиққан

Дудоқ – лаб

Сиймин – кумушранг, оппоқ

Сақоғ – ияк
Ифрот – ҳаддан ошиш
Усрук – маст
Ялоқ – итнинг косаси

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим
V --- V--- V--- V---
V --- V--- V--- V---
Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

НАСРИЙ БАЁН

- Агар ёр билан иккаламиз висол боғида масту сархуш бирга бўлсак, қандай яхши бўларди. Қўлим унинг бўйнида ҳалқа, оғзим қулоғида бўлса.
- Висол чоғида бир дам мафтунлик ва шайдолик билан эгнига юзимни боссам, яна бир дам ишқидан банда ва бечоралигимни арз қилиб, бошимни оёғига қўйсам эди.
- Олмадек таранг ва гўзал иягини тутиб, ҳар замонда секин эзиб, шароб таъсиридан қизариб, очилган гулшандек бўлган юзини кўриб роҳатлансам.
- Гул баргидек чиройли ва нозик лабидан сизиб чиққан бодани тириклик сувидек завқ билан шимиб ютсам қанийди.
- Юзига кўзимни суртар бўлсам, гул узра шудринг томчилари оқиб тушганидек, соф кумушдек оппоқ иягидан хурсандчилик кўз ёшларим оқса эди.
- Шавқим ғолиб келиб, белини қучоқлаб олган чоғи беҳуд бўлиб, сесканиб, яна одоб расмини тутсам эди.
- Эртага нима бўлса бўлар, бир кеча кўклам фасли гуллар очилган пайтда гул хирмонидек бир гўзални қучоқлаб, масту мустағрақ ётмоқ хуш дамдир.
- Ҳижрон дарду доғида ўртаниб ёнишга ўргатиб қўйган фалак менга қачон бундай ишратни раво кўрар экан?
- Эй Навоий, сен киму ишрат қаён?! Ит қон ичса ҳам боши ўз ялоғида бўлиши кераклигини наҳотки билмайсан?

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ҳазрат Навоийнинг “яхши” радифли ушбу рубоийсини кўпчилик билади:

*Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.*

Бу рубоийнинг бошқа тўртликлардан мумтоз этувчи хосса ва хусусиятлари кўп. Бизнингча, унинг асосий фазилати – мазкур тўртлик соф туркий сўзлардан таркиб топган бўлиб, бирорта ажнабий сўз ишлатилмаган. Жумладан, тўрттала сатрни ўзаро қофиядош қилган “қабоғинг”, “дудоғинг”, “сақоғинг”, “аёғинг” сўзлари янги қофия тизимини вужудга келтирган.

Сўз санъаткорлиги ҳамда мусаввирлик салоҳиятининг юксак намунаси бўлган бу тўртликни ўқиган кишининг кўз ўнгига беихтиёр туркий гўзалнинг қиёфаси гавдаланади.

Ушбу ғазалда ҳам туркона қофиялар тизими туркона қиёфани тасаввурда жонлантиради. Ҳар бир сатрида ёшлик, муҳаббат ва гўзаллик нафаси уфуриб турган бу шеърни соф мажозий муҳаббат талқини, соф инсоний муҳаббат мадҳияси деб баҳолаш мумкин. Ёрни гул чаманига, яшнаб турган боғга, юзини энг сара кумушга, иягини олмага, ошиқ кўз ёшларини шабнамга қиёслаш тасвирнинг табиийлиги ва кўнгилўртар даражада жозибалилигини таъминлаган. Ошиқона манзарани хаёлот ва орзулар оламида жонлантириш орқали шоир кўнгилнинг покиза туйғуларига бўйсундирилган инсоний истакларни қаламга олади.

Орифлар талқинига кўра, нафс – итга ўхшайди. Овга ўргатилмаган итнинг нафаси нимага урилса, ўша нарса ҳаром бўлади. Итнинг нафаси теккан идишни уч марта яхшилаб чайиб юлмагунча истифода этиш мумкинмас. Лекин овчи ит ҳақида бундай деб бўлмайди. Овчи итнинг оғзидаги сайд ҳам ҳалол ҳисобланади. Тарбияланган, адаб занжири билан жиловланган нафс овчи итга ўхшайди. Бундай нафснинг истаклари бандани Худодан узоқлаштирамайди, белгиланган чегараларни ҳеч қачон бузмайди. Ҳамиша одоб меъёрларини сақлайди. Шунинг назарга олиб, ҳатто орзу қилишда ҳам “адаб расмини тутган” ошиқ тилидан шоир ёзади:

*Гаҳе беҳудлуғумдин сесканиб, тутсам адаб расми
Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда.*

Кўриниб тургандек, бу ғазалда иштиёқ, завқ, ифбат ва шайдолик ҳақида сўз юритилади. Эҳтирос, жазава, тийиқсиз истаклар ҳақида умуман гапирилмайди. Хаёл ва истаклари ҳам темирчи кўрасида тобланган пўлатдек дунёвий ва нафсоний ғиллу ғашлардан покланган инсоннинг ҳижрон оловида муттасил ёнган кўнглининг орзулари бу:

*Қачон даврон манга бир буйла ишратни раво кўргай
Ки, ўргатмиш мени ўртарга ҳижрон дарду доғинда.*

Мақтаъда халқ орасида машҳур бўлган “итнинг боши ўз ялоғида бўлсин” мақолини келтириш орқали айтилган бу орзулар шунчаки хом хаёл экани, ошиқ ҳали ёрнинг висолига муносиб бўлган даражага етмаганини айтиб, сўзини хулосалайди. Орзуда айб йўқ, аммо орзуга етишиш учун шунга муносиб ҳам бўлиш керак. Умид чироғи йўлни ёритиб турибдими, демак, ўша саодатли дамлар яқин. Ғазал ана шундай умидворлик ва орзумандлик билан якун топади.

**“ИСТАМАНКИМ, ИШҚ МЕНДИН
ЎЗГАНИ ҚИЛҒАЙ АСИР...”**

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 29-ғазал)

*Ер тутар кўнглумда гардундин жудо бўлган бало,
Жондадур девона кўнглумдин хато бўлган бало.*

*Истаманким, ишқ мендин ўзгани қилғай асир,
Ҳеч кишига бўлмасун, ё Раб, манга бўлган бало.*

*Шод юзланманг балолар бизга ким бўлмас халос,
Бу кўнгул зиндони ичра мубтало бўлган бало.*

*Васлида рашк ўлтурур, ҳажрида — ғам, ваҳким, манга
Васл аро бўлган балодур ҳажр аро бўлган бало.*

*Ўлтурурлар ҳамдаминг бўлсам, ўлармен, бўлмасам,
Бўлмаган, жоно, сенинг бирла бало, бўлган бало.*

*Носихо, ошиқлиғимни манъ қилдинг, билмадинг
Ким, насиҳат бирла дафъ ўлмас қазо бўлган бало.*

*Чун балосиз ком йўқ топмас бақо комин магар
Кимки, ани ўртамас оти фано бўлган бало.*

*Эй Навоий, токи борди ёр, билдим ҳажр эмиш
Шиддат ичра ҳар балиятдин сиво бўлган бало.*

ЛУҒАТ

*Ер тутмоқ – макон тутмоқ, кўним топмоқ
Гардун – фалак, чарх
Носих – насиҳатгўй, ўғит берувчи
Қазо – тақдир
Ком – истак
Балият – балолар
Сиво – ўзга*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

*Рамали мусаммани маҳзуф
-V--- -V--- -V--- -V-
-V--- -V--- -V--- -V-
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

НАСРИЙ БАЁН

- Фалақдан ерга тушган балолар менинг кўнглимда кўним топади. Кўнглимни мўлжалга ололмаган балолар эса жонимдадир.
- Ишқ мендан ўзгани асир қилишини истамайман. Илоҳо, менга келган балога ҳеч ким йўлиқмасин!
- Эй, бизга юзланган балолар, кўпам шодланаверманг, чунки кўнглим зиндонига мубтало бўлган бало қутулолмайди.
- Мени висол чоғида рашк, айрилиқ пайтларида эса ғам ўлдиради. Э воҳ, ҳижронда бўлган бало висол чоғидаги балонинг айнаи ўзидир.
- Сенинг ҳамдамнинг бўлсам, ғанимлар мени ўлдирадилар; агар ҳамдамнинг бўлмасам, фи роқингда ўзим жон таслим қиламан. Эй жонон, сен билан бирга бўлиш ҳам, бирга бўлмаслик ҳам катта бало экан.
- Эй насиҳатгўй, менга ошиқликни манъ қилдинг. Пешонага ёзилган балони панду насиҳат билан даф қилиб бўлмаслигини билмадинг.
- Мақсадга балосиз етишиб бўлмас. Шунинг учун фано оташи деган балода ёниб ўртанмаган киши боқийлик давлатини тополмайди.
- Эй Навоий, ёр кетгандан кейин изтиробу уқубат бобида ҳижрон ҳар қандай балодан устун эканини билдим.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Машҳур шоир Анварий Абивардий қитъаларининг бирида шундай лутф қилади:

*Ҳар балое, к-аз осмон ояд,
Гарчи бар дигаре раво бошад.
Ба замин норасида мегўяд:
“Хонаи Анварий кучо бошад?”*

(Таржимаси:

*Осмондан то ёғаркан ҳар бало,
Ўзгаларга бўлса ҳам гарчи раво,
Ерга етмасдан бурун: “Қайда эрур
Анварий даргоҳи?” – деб бергай садо).*

Навоийнинг бу ғазалидаги дастлабки икки байтда ҳам шунга яқин маъно мавжуд: осмондан тушаётган балолар ошиқнинг кўнглини, кўнглига тушолмагани эса жонини маскан тутмиш. Бу бало – ишқ балоси. Анварийдан фарқли ўлароқ, Навоий васф этган ошиқ бу балони ўзидан бошқа ҳеч кимга раво кўрмайди. Бунда икки мақсад яширин: биринчидан, Ишқ дарди шунчалик оғир ва ҳалокатлики, мубтало бўлган ошиқ бу дардни ҳеч кимга, ҳатто душманига ҳам раво кўрмайди. Иккинчидан, бу ҳалокатли дард ошиқнинг жону кўнглини шунчалик ўз забтига олганки, Дарднинг ўзига айланган ошиқ бошқалар ҳам шу кўйга тушишларини истамайди. Муҳаббат кучлилигидан унда рашк ва ғаюрлик жўш уриб, ишқ балосига ўзидан бошқа ҳеч ким мубтало бўлмаслигини Худодан сўраб ёлворади:

*Истаманким, ишқ мендин ўзгани қилғай асир,
Ҳеч кишига бўлмасун, ё Раб, манга бўлган бало.*

Демак, ҳар қандай балога ҳам сабр қилган ва Худони эсдан чиқармаган банда учун ҳар бир хорлик ва қийинчилик интиҳосида, шубҳасиз, илоҳий мукофот, ажру савоблар бор.

Мавлоно Яъқуб Чархий буюргандек, “Бало – Илоҳий имтиҳондир, кимки балога сабр қилса, Парвардигор иноятидан бенасиб қолмагай... Парвардигор Фиръавнга Миср подшолигини имтиҳон тариқасида берди, алалоқибат ширкка юз бурди. Юсуфни Яъқуб дийдоридан бенасиб қилди, қудуқ ичида илоҳий ваҳий саодатига мушарраф айлади ва балоларга кўрсатган сабрининг мукофоти тариқасида Мисрда азиз этди”.

Илоҳий синовдан ҳамма ҳар хил ўтаркан, Навоий ушбу синов дарди ва машаққатини ичида пинҳон тутиб, бировга ошкор этмаслик йўлини танлайди. Қуйидаги байтни нақшбандийликнинг “Дил ба Ёру даст ба кор” шиорининг зарофат билан қилинган талқини десак, адашмаган бўламиз:

*Шод юзланманг балолар бизга ким, бўлмас халос
Бу кўнгул зиндони ичра мубтало бўлган бало.*

Ошиқлик – азалдан пешанада битилган қисмат экан, бу қисматни насихат билан ўзгартириб бўлмайди. Навоий “қазо” (Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандоқ бўлишини азалдан билиши; қисмат) сўзини қўллаш орқали бало сўзининг яна бир маъносига ишора қилади. Гап шундаки, руҳлар ўз Парвардигорига имон келтирган кунни мумтоз адабиётда “аласт кун” дея талқин қилишади. Қуръони Каримга кўра, ҳали жисмлар яралмасдан аввал Аллоҳ таоло руҳларни яратиб улардан “Аласту бираббикум?” (Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?) деб сўраганида, руҳлар “Бало” (Албатта) деб жавоб берган. Ҳазалдаги бало тимсоли ана шу аласт кун – руҳлар ўз Парвардигорига имон келтирган куннинг сифати бўлса, ажабмас. Қолаверса, айнан ўшанда руҳлар бир-бирига улфат тутинган. Ўша улфат ва унсият жисм оламида ҳам давом этади. Руҳлар то ўзининг яқинини топмагунча безовта бўлиб, эгасини доимий изланиш ва изтиробга солиб туради. Одамлар орасидаги меҳр-муҳаббат ҳам, гина-кудурат ва душманлик ҳам азалдан битилган қисмат деганда шу маънони ҳам ҳисобга олиш зарур:

*Носихо, ошиқлиғимни манъ қилдинг, билмадинг
Ким, насихат бирла дафъ ўлмас қазо бўлган бало.*

Балонинг турлари кўп. Аммо энг шиддатлиси, энг машаққатлиси – ёр ҳижрони. Ёр деганда кимни назарда тутиш керак – дўстними, севикли маҳбубаними ёки Яратган Эгамними – шеърхон бу борада ўз ҳолати ва кайфиятига кўра бир тўхтамга келади. Энг муҳими, ёрнинг қайси маъноси қўлланганда ҳам моҳият ўзгармайди – ҳижрон балоларнинг энг оғири бўлиб қолаверади. Ҳижрон азобини бир марта тортган одам бунга албатта имон келтиради:

*Эй Навоий, токи борди ёр, билдим ҳажр эмиш
Шиддат ичра ҳар балиятдин сиво бўлган бало.*

**“ИШҚ РАФЪ ЎЛҒАЧ, КЎНГУЛГА
ЙЎҚТУРУР ЖУЗ ТИЙРАЛИК...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 30-ғазал

*Хилъатин айлабмудур ул шўхи сийминбар қаро,
Тун саводи бирла кийгандек маҳи анвар қаро.*

*Ул парий ҳиндусимен мен телбаким, урён таним
Тифллар тошидин ийнак бўлди сартосар қаро.*

*Ашкдек оқти қаро су кўзларимдин ҳажрида,
Тонг йўқ идборим, чу бўлмишдур манга ахтар қаро.*

*Кош ўюб ёқсанг қора бўлган кўзумнинг мардумин,
Холи майгунунгни қилганча кўюб анбар қаро.*

*Ишқ рафъ ўлғач, кўнгулга йўқтурур жуз тийралик,
Ул сифатким, шуъласи ўчкач бўлур ахгар қаро.*

*Ғайрдин қилғил замиринг сафҳасин пок, эй фақиҳ,
Тобакай қилмоқ фиребу макр ила дафтар қаро.*

*Дуди оҳидин қора эрмас Навоий қулбаси
Ким, қилиптур хонумонин бир парий пайкар қаро.*

ЛУҒАТ:

Хилъат – бир нав устки кийим, халат

Сийминбар – оқбадан

Савод – қоралик

Маҳи анвар – ёғду таратувчи ой

Урён – яланғоч

Ийнак – энди

Сартосар – бошдан-оёқ

Тонг йўқ – ажабмас

Идбор – бахтсизлик

Ахтар – юлдуз

Мардум – қорачиқ

Майгун – шароб рангидаги, жигарранг

Анбар – қора рангли хушбўй модда

Рафъ ўлмоқ – бартараф бўлмоқ

Ахгар – лахча, чўғ

Замир – кўнгил, ботин

Сафҳа – саҳифа

Тобакай – қачонгача

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Ойдаи зебо чехрасидан нур таралувчи дилбарим қора рангли хилъат кийиб олди, тўлин ой қора тун жомасига буркангандек порлаб турибди.
- Ҳинду қуллардек ул парийнинг телбаси бўлибмен. Урён баданим ёш болалар тошларининг захмидан бошдан-оёқ қоп-қора бўлибди.
- Ёрим ҳажрида кўзларимдан қора сув кўз ёшдек оқди. Толе юлдузим сўнгач бахтим қора бўлишига ажабланмайман.
- Қизил норингга анбар суртиб, қора ранг бергунча кошки интизорликда қорайган кўз қорачиғимни ўйиб қорайтирсанг эди.
- Муҳаббат олови сўнгандан кейин кўнгилда хиралик ва зулматдан бошқа нарса қолмайди. Бу шуъласи ўчгандан кейин лахча чўғ қорайиб кетганга ўхшайди.
- Эй фақиҳ, қачонгача ҳийла ва макр билан дафтар юзини қорайтирасан?! Яхшиси, кўнглинг дафтарини бегона нарсалардан поклагин.
- Навоий гўшаси оҳининг дудидан қораймаган. Балки бир парипайкар бошига қора кунларни солгани боис гўшаси ҳам, жону жаҳони ҳам қорайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мазкур ғазал қора кийган дилдорнинг дийдоридан ошиқнинг кўнглида ҳосил бўлган иштиёқ ва талпиниш, изтироб ва соғинч, севинч ва қайғу, орзу ва умид каби гўзал туйғуларнинг тараннумидан иборат. Радиф бўлиб келган “қаро” сўзи ғазалнинг маънавий ўқтомири, мантиқий меҳвари вазифасини бажарган. Матлаъда қора кийим кийган маҳбуба қоронғу кечада порлаб турган тўлин ойга ўхшатилади. Ошиқ учун ёр – унинг бутун жону жаҳони, борлиғи. Ой ёғдуси билан чароғон кечада сайрга чиққан одамнинг нигоҳи фақат тўлин ойда бўлиб, бошқа гўзалликларни илғай олмайди. Бинобарин, қора либосдаги гўзал ойжамол олдида бутун борлиқ ошиқ назарига кўринмайди:

*Хилъатин айлабмудур ул шўхи сийминбар қаро,
Тун саводи бирла кийгандек маҳи анвар қаро.*

Тиб илмига кўра, баҳор фасли ҳамда ой тўлган кечаларда асаб касалликларига чалинганлар ва девоналарнинг касали кўзийди. Юзи тўлин ойдек соҳибжамол ёрини кўрган ошиқ ҳам унинг ортидан телбавор эргашиб юрибди. Ёш болалар бу “кўча жинниси”ни тош билан уриб, бутун аъзойи баданини қорайтириб ташлагани сабаб, хўжайинининг хизматини ярим-яланғоч ҳолда қилиб юрадиган ҳинду қулига ўхшаб қолган:

*Ул парий ҳиндусимен мен телбаким, урён таним
Тифллар тошидин ийнак бўлди сартосар қаро.*

Кейинги байтда ой тўлган кечалар билан боғлиқ яна бир табиат ҳодисасига ошиқ қисмати билан уйғун равишда нозик ишора қилган. Биламизки, ойдин кечаларда осмонда юлдузлар кўринмайди – улар ойнинг ёғдуси таъсирида “сўнади”. Худди шу каби қора хилъат кийган ойжамол дилбар сайрга чиққанда ҳижронзада ошиқнинг кўз қорачиқлари кўз ёш каби оқиб тушганидан ёрнинг дийдоридан маҳрум бўлади. Дийдор имкони туғилганда кўриш қобилиятидан маҳрум бўлган бу бечоранинг толе юлдузи сўнганлиги Ой тўлганда бошқа юлдузлар қора зулмат ичра қолганига ўхшайди:

*Ашқдек оқти қаро су кўзларимдин ҳажрида,
Тонг йўқ идборим, чу бўлмишдур манга ахтар қаро.*

Фақиҳга танбеҳ ўлароқ битилган байт “Насойим ул-муҳаббат” даги Хожа Хайрча ҳақидаги ҳикоятни ёдга солади. Жумладан, Хайрча бир кул эди. Эгаси ундан кўп каромат мушоҳада қилиб, уни озод қилди. Ҳиротдаги Гозургоҳга келиб, бир кулба ясади ва у ерда умрининг охиригача яшади.

Кимки бемор бўлиб қолса ё бирор дардга чалинса, Хайрчадан дуо тиларди. Бир марта Хайрчани фирибгар деб биладиган бир донишманднинг тиши оғриб, бошқа табиблар даволай олмагач ноилож Хайрчанинг олдига борди. Хайрча “Алҳамд” сурасини ўқиб дам солди, ўша заҳоти оғриқ тўхтади. Донишманд деди:

– Эй Хайрча, сен “Алҳамд”ни тўғри ўқимаяпсан, мен сенинг қироатингни тузатайин, тўғри ўқийдиган бўл.

Хайрча деди:

– Яхшиси, сен ўз кўнглингни тузат!

Хожа Хайрчанинг танбеҳи мазмунини Навоий мазкур байтда қуйидагича баён этган:

*Ғайрдин қилғил замиринг сафҳасин пок, эй фақиҳ,
Тобакай қилмоқ фиребу макр ила дафтар қаро.*

Навоий айтмоқчи, амалларнинг боши – ният холислигида. Ният холис ва кўнгил тоза бўлмас экан, фақиҳлик каби шарафли касб ҳам номайи аъмолнинг гуноҳлардан холи бўлишига кафолат бўлолмайди. Эътиқод ва муҳаббатсиз илм эгасига фақат зарар келтиради. Ҳақ розилиги ва халқ дуосига сабаб бўладиган амаллар маърифат ва муҳаббатдан ҳосил бўлади. Қолаверса, маърифат ва муҳаббатни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди.

“ҲАМ РАМАД ТЕККАН КЎЗУНГГА ЧАШМИ БЕДОРИМ ФИДО...”**(“Ғаройиб ус-сиғар”, 31-ғазал)**

Ҳам рамад теккан кўзунгга чашми бедорим фидо,
 Ҳам учуқ чиққан лабингға жони афгорим фидо.
 Ашкким, андин томар, гирён кўз онинг садқаси,
 Қонғаким, мундин чиқар, бу чашми хунборим фидо.
 Ул кўзу бу лабға умрум боғу гулзориндағи
 Наргису гул барги, йўқким, боғу гулзорим фидо.
 Кўзу оғзингдин кетарга бору йўқ ошубу ранж
 Сабру ишқим садқа, яъниким, йўқу борим фидо.
 Гар кўнгул оху кўзунг оллида лойиқ бўлмаса,
 Итларингга бўлсун, эй шўхи ситамгорим, фидо.
 Жон агар ширин лабингға ўлгали дархур эмас,
 Айлай алфозинг учун, эй талх гуфторим, фидо.
 Ўзлугумнинг қайдидин бир май била қилдинг халос,
 Ваҳ не дей, эй муғ, санга бут бирла зуннорим фидо.
 Бода миръотида шоҳид акси зоҳир бўлмади,
 Бодаву шоҳидқа бўлмай нақд пиндорим фидо.
 Эй Навоий, демаким жону кўнгулни найладинг,
 Айладим жавлон қилиб чиққанда дилдорим фидо.

ЛУҒАТ

Рамад – кўз касаллиги
 Афгор – хаста, бемор
 Хунбор – қон ёғувчи
 Ошуб – тўполон, ғавғо, ҳаяжон, қўрқув
 Ранж – азоб, заҳмат
 Дархур – муносиб, лойиқ
 Алфоз – сўзлар
 Талхгуфтор – аччиқ сўзли
 Қайд – банд
 Зуннор – ғайридинлар белига боғлайдиган ип
 Миръот – кўзгу
 Шоҳид – маҳбуба, севикли
 Нақд – бойлик, пул
 Пиндор – гумон, иккиланиш, хомхаёл

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
 -V--- -V--- -V--- -V-
 -V--- -V--- -V--- -V-
 Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Рамад касаллиги билан оғриган кўзингга – кечаси билан хаёлингга бедор кўзим, иситма туфайли учуқ чиққан лабингга хаста жоним фидо бўлсин.
- Кўзингдан касаллик туфайли оқаётган ёшингга гирён кўзим садқа бўлсин. Қонаган учуққа эса қон ёш тўкувчи кўзим фидо бўлсин.
- Кўзинг ва оғзингдан бу дард ва озорлар кетсин деб сабр ва ишқим, яъни йўғ-у боримни фидо қиламан.
- Агар кўнглим жайрон кўзларингга фидо бўлишга муносиб бўлмаса, итларингга беришингга ҳам розиман.
- Ширин лабингга жоним фидо бўлиш учун лойиқ бўлмаса, эй тили заҳаргинам, аччиқ сўзларингга жоним фидо бўла қолсин.
- Бир коса шароб билан мени ўзлик бандидан халос этдинг. Эй муғ, сенга бу бут ва зуннорим фидо бўлсин, бошқа нима ҳам дейман?!
- Барча иккиланиш ва хомхаёллардан воз кечиб, ҳақиқат шаробидан сармаст ҳолатда маҳбуба учун бор-будимни фидо қилмагунимча бода кўзгусида маҳбуба акси кўринмади.
- Эй Навоий, жон ва кўнгулни нима қилдинг, деб сўрама. Дилдорим жавлон уриб, ташқарига чиққанда унга фидо айладим.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоийнинг муайян бир муносабат билан ёзилган, яъни воқеабанд бир қатор ғазаллари бор. Бу ғазал ҳам Навоий учун қадрли бир инсоннинг дардга чалингани муносабати билан ёзилган. Матлаъда келтирилишича, шоирнинг севикли инсони рамад (кўз шамоллаши натижасида қизариб, ёшланиши, офтальмия) касаллигига чалинган. Лабида эса иситмаси кўтарилганидан учуқ тошган. Ёрнинг дардга чалинганини кўриб, бетоқат бўлган дардкаш ошиқ бу касаллик озорининг камайиши учун бор-йўғини фидо қилишга тайёр. Маҳбуб инсоннинг дардини тилаб олиш, биров шифо топиши учун жонни қурбон қилиш – қуруқ гап эмас. Мирзо Бобур ва Ҳумоюн Мирзо воқеасини эслайлик. “Бобурнома”да келтирилишича, Ҳумоюн Мирзо давоси йўқ бир касалликка чалинади. Табиблар дарднинг давосидан ожиз қолиб, сўнгги чора сифатида Бобур Мирзодан энг қимматбаҳо нарсасини садақа қилишни сўрашади. Мирзо Бобур ўғлининг ҳаёти учун ўз жонини қурбон қилишга тайёр эканлигини билдиради. Табиблар ҳушсиз ётган Ҳумоюн Мирзо атрофида дардкаш отани айлантиришади. Ҳумоюн Мирзо кўзини очиб, ҳушига келади, аммо Бобур ҳушидан кетиб, қисқа муддатдан сўнг касалликдан вафот этади. Навоийнинг матлаъи ана шундай фидокорлик ва жоннисорликнинг тараннуми ўлароқ вужудга келган:

*Ҳам рамад теккан кўзунгга чаши бедорим фидо,
Ҳам учуқ чиққан лабингга жони афгорим фидо.*

Кейинги байтда эса ёрнинг шифо топиши учун гирён кўз ва қон оқувчи кўзини фидо қилиш ниятида эканини билдиради. Бир байтда икки марта турли сифат билан кўзни келтиришнинг ўзига хос сабаби бор. “Мустадрак ул-васоил” ва бошқа исломий тиббиёт ҳақидаги китобларда қайд қилинишича, рамад касаллигига чалинганларга ёмғир суви билан кўзни ювиш ҳамда бўғизланган жонлиқнинг оқиб турган қонига қараш фойдали. Шунинг учун

шоир гоҳида ёмғир каби кўз ёш, гоҳида бағир қони тўкаётган кўзини маҳбубасига нисор этмоқчи бўлади:

*Ашкким, андин томар, гирён кўз онинг садқаси,
Қонғаким, мундин чиқар, бу чашми хунборим фидо.*

Кейинги тўрт байтдаги турли бадий санъатлар шоирнинг бадиият бобидаги маҳоратини яққол намоён этган. Жумладан, учинчи байтда ташбиҳи тасвия ва ташбиҳи тафзий, тўртинчи байтда тарди акс (бор-у йўқ – йўғ-у бор), жамъу тақсим билан лаффу нашр, бешинчи байтда ташбиҳ, тавсиф, тазод ва муқобала, олтинчи байтда эса, истиора билан тазод санъатлари қоришиқ ҳолда қўлланилган. Энг муҳими, бадий тилнинг ушбу ифода воситалари жуда табиий ва самимий тарзда қўлланилган бўлиб, шеърият мухлисига кучли бадий завқ бағишлайди.

Олтинчи байтда Навоий тасаввуф тилида кўп қўлланиладиган “ўзлик”, “май”, “муғ”, “бут”, “зуннор” каби истилоҳларни қўллайди. Муғ – пири комил, “май” – илоҳий маърифат ва муҳаббат эканини олдинги шарҳларимизда ҳам айтиб ўтгандик. Бошқа ғазаллардан фарқли ўлароқ, Навоий ўзини бут ва зуннор соҳиби деб талқин қилади. Пири комилнинг бодаси эвазига фидо қилмоқчи бўлган “бут бирла зуннор” нима ўзи?

Азизиддин Насафий “Комил инсон китоби” да шундай ёзади: “Айрим одамлар бу тупроқ оламида мусофир эканликлари ҳамда комиллик талабида келганликларини билмайдилар. Билмаганларидан кейин камол касбига машғул эмаслар, қорин шаҳвати, жимоъ шаҳвати ва бола-чақа муҳаббати уларни йўлдан оздириб, ўзларига машғул этибди. Бу уч нарса авомнинг бутларидир. Баъзи одамлар ушбу оламда мусофир эканликларини ҳамда комиллик талабида келганликларини биладилар, аммо камол касбига машғул эмаслар. Кичик бут – зоҳирий кўркемлик, катта бут – мол-дунё муҳаббати, шунингдек, энг катта бут – мансабпарастлик уларни йўлдан оздириб, ўзларига машғул этиб қўйибди. Бу уч бут – хос бутлардир. Олтови дунёнинг олтига шохидир. Дунёнинг лаззати бу олтигадан кўп эмас.”

Инсон кўнглидаги шу олтига бутни синдирмагунча маънавий камолотга эришолмайди. Маънавий камолотга эришган инсон ҳамма жойда қудрати илоҳийни мушоҳада этади, қалб кўзи очилади. Қалб кўзи очилиши учун эса ҳар қандай шак-шубҳа, гумон ва иккиланишлардан холи бўлиш керак. Муҳаббатнинг асоси – шубҳадан холи бўлиш. Шубҳаю хомхаёлдан холи бўлган туйғу алдамчи бўлмайди. Инсонни аниқ манзилга еткази:

*Бода миръотида шоҳид акси зоҳир бўлмади,
Бодаву шоҳидқа бўлмай нақд пиндорим фидо.*

“Насойим ул-муҳаббат” да келтирилишича, Хожа Аҳрор Валийнинг асли паркентлик бўлган Мавлоно Қосим деган авлиёсифат ходими бўлган. Хожа Аҳрор Валий оғир бир дардга чалинганда нақшбандийлик тариқатидаги усулни қўллаб, ўша дардни ўзига юклаб олади. Хожа Аҳрор тузалиб, Мавлоно Қосим шу дард билан бир ҳафтадан сўнг оламдан ўтади. Ана шундай тарихий воқеа ва ҳодисалар фидоийлик – ҳақиқат йўлидагиларнинг ўзак хислатларидан бири, миллатимизнинг маънавий қиёфасини белгиловчи фазилат эканини намоён этади. Шу сабабли, мақтаъда Навоий жону кўнглини ёр йўлида фидо этиб, фонийлик мақомига етишганини мамнуният билан қайд этиб, ғазалга яқун ясайди.

**“ДАВР ЭЛ СОҒАРИНИ ҚИЛДИ
МАЙИ НОБ ТЎЛА...”**

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 32-ғазал)

*Давр эл соғарини қилди майи ноб тўла,
Жуз менинг эски сафолимники, хуноб тўла.*

*Жоми майдек тўла қон бўлди ичим бермай даст,
Ёр базми аро бер жоми майи ноб тўла.*

*Ваҳки, ҳар кирпичи бир ништар эрур захролуд,
Гарчи бор ул ики наргисда шакархоб тўла.*

*Жолалар туштиму гул барги аро ёхуд эрур –
Хуққайи лаълинг ичинда дури сероб тўла?*

*Оразинг аксидурур кўздаги ёш эвруладур,
Боғи жаннат гулидин бўлди бу гирдоб тўла.*

*Мену муғ дайри аро муғбача бошида ғулу,
Сену зуҳд аҳли била масжиду меҳроб тўла.*

*Эй Навоий, неча оз-озғина май мадрасада,
Дайр аро кирки, ичар шайх тўла, шоб тўла.*

ЛУҒАТ

Соғар – қадаҳ
Жуз – илло, ўзга, бошқа
Ноб – тоза, соф
Шакархоб – ширин уйқу
Хуноб – қонли ёш, аччиқ йиғи
Ништар – наштар, найзанинг учи
Хуққа – жавоҳирлар сандиқчаси
Ораз – чехра, юз
Ғулу – ҳаддан ошиш
Дайр – майхона
Шайх – пир, қария
Шоб – ёш, йигит

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани махбуни маҳзуф

-V-- VV-- VV-- VV-

-V-- VV-- VV-- VV-

Фоилотун фаилотун фаилотун фаилун

НАСРИЙ БАЁН

- Қисмат даврон элнинг қадаҳини тоза шароб билан, менинг эски сополими эса қонли ёш билан тўлдирди.
- Ёр базмида тоза шаробга тўла бир қадаҳ насиб этмаганидан ичим шароб жомидек қонга тўлиб, хунобим ошди.
- Наргис гулидек гўзал икки кўзи уйқуга мойилдек кўринса-да, ҳар бир киприги заҳарли бир наштардекдир.
- Лаб ва тишларинг гул баргига тушган шуд-рингми ёки лаъл сандиқчаси ичида садаф-сиз дурдоналар солинганми?
- Филтиллаган кўз ёшимда чеҳрангнинг акси эврилади. Бу гирдоб жаннат боғи гули аксидан тўлиб келди.
- Мен гўзал муғбачанинг ишқида ҳаддимдан ошиб, муғ дайрида ғалаён қилсам, сен зоҳидлар билан масжид ва меҳробни тўлдириб юравер.
- Эй Навоий, қачонгача мадрасада оз-оздан май ичиш билан қаноатланасан?! Дайрга, яъни майхонага киргин, бу ерда ёш-у қари қадаҳга майни тўлдириб ичади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Юзаки қараганда, ғазал шароб таърифига бағишлангандай. Гўёки, бутун элга соф, тоза май ичиш насиб қилган-у, Навоийнинг эски сополи қонли ёшга тўлибди. Шоир эса ёрнинг базмида ҳаммага насиб этган шаробдан, унга келганда, етмай қолганидан ранжиган. Аммо мажоз кўпригидан ҳақиқат сари қадам қўядиган бўлсак, булар бошқа маъноларни ифода этувчи тимсоллар эканига амин бўламиз.

Одамлар қачон шароб ичишади? Қачонки бирор байрам ё хурсандчилик бўлса. Ҳамма хурсанд ва масрур бўлган бир чоғда лирик қаҳрамоннинг эски сополи – синиқ кўнгли ранжу ғамга тўла. Бошқалар ёрнинг даврасида дийдорга етиб, лутфу марҳаматидан сазовор бўлган бир пайтда шу улуғ шодиёнадан бенасиб лирик қаҳрамон кўнгли қонга тўла жомга ўхшаб қолган:

*Давр эл соғарини қилди майи ноб тўла,
Жуз менинг эски сафолимники, хуноб тўла.
Жоми майдек тўла қон бўлди ичим бермай даст,
Ёр базми аро бер жоми майи ноб тўла.*

Кейинги уч байт ёр васфига бағишланган. Бировга эътибор қилмайдиган, уйқуга мойилдек наргис кўзлари меҳрибон кўринса ҳам, узун киприklarининг ҳар бири заҳарли тигдек ошиқнинг кўнглига санчилади. Шоир ёрнинг нозик ва қизил лабларини тажоҳули ориф (бир нарса риторик савол орқали ўхшатиш), истиора ва ташбиҳ шеърий санъатлари

воситасида яшнаб турган гул барги ичидаги жаланинг доналари ҳамда лаъл сандиқчаси ичидаги қимматбаҳо ва йирик дурдоналарга ўхшатиб, ўқувчига поэтик кайфият ва эстетик завқ бағишлайди.

Навоий кейинги байтда қон йиғламоққа ажойиб ўхшатишни топа олган. Унинг талқинида, ёр – жаннат боғида очилган қизил гул. Ошиқнинг кўз ёшлари қонга айланишига сабаб – шу гулюзлининг хаёли ошиқнинг кўз ёшларида акс топган. Шу хаёл ошиқнинг гирдобдек эврилаётган кўз ёшларининг рангини қизилга, яъни қонга айлантирган:

*Оразинг аксидурур кўздаги ёш эвруладур,
Боғи жаннат гулидин бўлди бу гирдоб тўла.*

Олтинчи байтда ошиқ билан зоҳид қиёсланган бўлса, мақтаъда дайр аҳли билан мадраса аҳлининг муҳаббатга муносабатлари қаламга олинади. Муғбача ишқида ғалаён қилган ошиқ ҳам, масжид ва меҳробда зоҳидлик қилаётганлар ҳам – талаб мақомида. Фарқи шундаки, бири – муҳаббат ошиғи, бири эса – шуҳрат талабгори. Ишқ ва муҳаббат талабида бўлганнинг ҳиммати барчасидан баланд. Шу сабабли, Навоий муҳаббат дарсхонаси бўлган “дайр”, яъни пири комилнинг даргоҳини тарғиб этади. Жалолиддин Румий айтганидек, мадрасада ҳаётини зарур билимларни ўргатишади, аммо ҳаётнинг моҳияти, яшашдан асосий мақсад нималигини бирор мударрис ё устоз ўргата олмайди. Навоий тарғиб қилаётган “муғ дайри”, яъни пири комил ҳузури яшаш ҳикмати, тирикликнинг моҳияти – муҳаббат эканини ўргатадиган муқаддас даргоҳ. Шу сабабли бу даргоҳ ҳамиша ёшу қарининг севимли макони:

*Эй Навоий, неча оз-озғина май мадрасада,
Дайр аро кирки, ичар шайх тўла, шоб тўла.*

“ОНЧА ДАВРОН БИРЛА КЎРДУМ АҲЛИ ДАВРОНДИН ЖАФО...”

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 33-ғазал)

*Онча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо
Ким, кўзумга тўтиёдек бўлди жонондин жафо.*

*Бу жафо дафъин не янглиғ айлагайменким, етар
Айласам кимдин жафо манъин тамаъ, ондин жафо.*

*Минг жафо ҳар лаҳза кўрсам, бир тараф, ул бир тараф
Ким, етар жонон учун жонимға ҳижрондин жафо.*

*Сайддекким, чаргада юзланса ҳар ён, келгай ўқ,
Аҳли даврондин келур кўнглумга ҳар ёндин жафо.*

*Гар кўнгул ул зулфдин кўрса жафо, ваҳ, не ажаб,
Чун кўрар ушбу сияҳрўзи паришондин жафо.*

*Англа, жоноким, жафо қилмоққа топқунг йўқ киши,
Мен жафокашга нединким ўтти имкондин жафо.*

*Кечалар ул ой жафосидинки афғон тортарам,
Ул худ ортуқроқ чекар ҳар тун бу афғондин жафо.*

*Не мусулмонлиғ бўлур ушбуки, даврон бошима
Етқурур ҳар дам яна бир номусулмондин жафо?!*

*Эй Навоий, борғали жонон сари жоним, етар
Жонға жонондин жафо, мен хастаға жондин жафо.*

ЛУҒАТ

Тўтиё – кўзни равшанлаштирувчи бир нав суртма

Чарга – қатор, саф

Сияҳрўз – қора кунлар бошига тушган киши

Афғон – фиғон, нола

Худ – албатта, ҳақиқатан

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Даврон ва унинг аҳлидан шунчалар жафо кўрдимки, натижада жононнинг жафоси кўзимга тўтиёдек бўлиб кўринди.
- Қандай қилиб бу жафолар олдини олайки, кимдандир жафо қилмасликни сўрасам, айна ўшандан жафо етади.
- Овланаётган кийик қуршовда қай томон юзланса, ўққа нишон бўлгандек, кўнглимга аҳли даврондан жафолар етади.
- Кўнгил ўзи бошига қора кунлар тушиб, паришон бўлган ҳолда яна ёрнинг зулфидан жафо кўрса, не ажаб?!
- Эй жонон, шуни билки, жафоларингга мен каби бардошли бошқа одамни тополмайсан, негаки имкон чегарасидан ўтган жафоларни тортиш мендек жафокашнинг тақдирига ёзилган.
- Ул оининг жафолари дастидан кечалари фиғон чекарман. Ул нозанин эса менинг нола-ларимдан кўпроқ азият чекмоқда.
- Ҳар дам менинг бошимга даврон мусулмонларга хос бўлган раҳм-шафқатдан хабари йўқ ул номусулмоннинг жафосини ёғдирмоқда. Бу қандай мусулмонлик бўлди экан?!
- Эй Навоий, ёр кўйи борганим сари жоним жонондан, мен хаста эса жондан жафо чекмоқдамиз.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ҳасби ҳол мавзусида ёзилган бу ғазал – лирик қаҳрамоннинг ҳар лаҳзада минг қиёфада турланадиган даврон ва унинг аҳлидан чеккан жафолари ҳақида. Замонанинг буқаламунлиги ҳамда замонанинг зайлига тезда мослашадиган тоифанинг дастидан чеккан жафолар лирик қаҳрамонга шунчалик азият берганки, муҳаббат йўлидаги қийноқ ва дилозорликлар кўзни равшанлаштирувчи тўтиёдек азиз бўлиб қолган. Муҳаббат дарди минг оғир бўлгани билан ишққа ташна кўнгилга айна пайтда роҳат ва ҳузур бағишлайди. Аммо ишқ йўлида собит бўлганларнинг дардига шерик бўлиш, бу йўлда чекаётган азобларни енгиллатишга ҳаракат қилиш ўрнига турли шаклда озор берадиган кажрафтор фалак ва кўнгли эгри инсонларнинг жафолари ошиб тушади. Лайли қисматини эслайлик. Қайс – Мажнун билан севишганларига қадар Лайли отасининг арзанда қизи, мактабининг энг эрка ўқувчиси бўлган. Унинг жамоли ва ҳусни хулқи тилларда дoston, ҳамма ҳавас қилиб, қизи унга ўхшашини тилаб юрган. Ишқ аталмиш ҳаммага насиб этавермайдиган неъмат унга берилганда муҳаббатдан беҳабар кимсалар уни бадном қилишга тушадилар. Ҳатто отаси қабила ва ўзининг номусини сақлаш учун арзанда қизини Мажнунга узатгандан кўра қатл этишга рози бўлади. Лайли одамийлик ва поклик, садоқат ва муҳаббат бобида бутун дунё аҳли Қайснинг тирноғига арзимаслигини биларди, аммо ёш-у қари унинг Қайсини, муҳаббат домига гирифтор бўлгани сабабли “Мажнун” – девона деб атайди. Шундай ҳолатга тушган инсон учун муҳаббат азоби олам аҳлининг жафолари олдида кўнгилга дармон бўлувчи малҳам, кўзни равшанлаштирувчи тўтиёдек кўринса не ажаб. Энг дардлиси ва алам қиладиган жойи шуки, ўзинг кутмаган жойдан, сен кутмаган инсонлар яқин деб билган кишиларинг ҳам лаҳзада ўзгарадиган субутсиз мезонларга таяниб, кўнглингга озор беради:

*Онча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо
Ким, кўзумга тўтиёдек бўлди жонондин жафо.*

*Бу жафо дафъин не янглиғ айлагайменким, етар
Айласам кимдин жафо манъин тамаъ, ондин жафо.*

Шу билан бирга, бундай жафоларнинг мингтаси ҳам ёрнинг ҳижронидан етадиган дарду аламларга тенг бўлмайди. Ҳижроннинг луғавий маъноси – бировни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, эътиборсизлик эканини олдинги шарҳларимизда айтиб ўтгандик. Ҳақиқатдан, умр мазмуни, ҳаёт маслагига айланган муҳаббат мазҳарининг ошиқнинг бор-йўқлигига бепарво бўлиш, унга нисбатан бефарқлиги – ўлимдан ҳам оғирроқ жазо:

*Минг жафо ҳар лаҳза кўрсам, бир тараф, ул бир тараф
Ким, етар жонон учун жонимға ҳижрондин жафо.*

“Муҳаббатнинг офати – зикрдан холи бўлмоқдир”, дейди машҳур авлиё Зуннун Мисрий. Даврон аҳлининг нишонига айланган, жафокашлигидан паришонрўзгор бўлиб қолган ошиқ кўнгилдан чиққан оҳу фиғонлар ана шу ўтли муҳаббатнинг нишонаси. Аммо дард зўридан фиғон ўлароқ чиқаётган бу изҳорлардан кечаси ёрини безовта қилиб, унинг оромини бузаётганидан ошиқ минг хижолатда:

*Кечалар ул ой жафосидинки афғон тортарам,
Ул худ ортуқроқ чекар ҳар тун бу афғондин жафо.*

Асл мақсадга муҳаббат орқали етишиш мумкин. Дард чекиш, бу йўлдаги жабру жафоларга таҳаммул қилиш – ишқ тариқатидаги солиқнинг қисмати. Қолаверса, Аллоҳ севган бандасини азизлик билан эмас, балки хорликлар ва синовлар билан азиз этади. Шунинг учун, жонон манзилига яқинлашган сари, жафолар қаттиқроқ, дардлар ҳалокатлироқ бўлаверади. Бунга чидаган ошиқ эса абадий саодатга мустаҳиқдир:

*Эй Навоий, борғали жонон сари жоним, етар
Жонға жонондин жафо, мен хастаға жондин жафо.*

“КЎЗУМДА БЎЛДИ ҚОН ЗОҲИР, ҚАДИМДА БЎЛДИ ХАМ ПАЙДО...”

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 34-ғазал)

*Гул узра хатти мушкин бирла то қилдинг рақам пайдо,
Манга жон сафҳасида бўлди юз хатти алам пайдо.*

*Туганлар қўнглум ичра лаззати дардингни билдурди,
Танаъъум даст бермас кимсага, бўлмай дирам пайдо.*

*Шафақгун юз, ҳилолий қош ила то жилвагар бўлдунг,
Кўзумда бўлди қон зоҳир, қадимда бўлди хам пайдо.*

*Самад қилғач зухур ул навъким асном ўлур маъдум,
Бўлур бутлар бари мабхут, бўлғач ул санам пайдо.*

*Чу айлар жилвайи хусн ул парий ушшоқ аро, нетгай
Юзин ёшурмаса бўлган замон мен телба ҳам пайдо.*

*Не муҳлик водий эрмиш ишқ даштиким, киши анда
Қадам урған дам-ўқ кўзга бўлур мулки адам пайдо.*

*Қўюнг йиғлайки қўнглумнинг ғубори пастроқ бўлсун
Ки, манъи гард этар ногаҳ ҳавода бўлса нам пайдо.*

*Оқизғил бода селобини, эй соқийки, ҳижрондин
Кўнгул даштида бўлмиш корвони дарду ғам пайдо.*

*Навоийни чу сўрдунг, эй пари, бир дам таваққуф қил
Ки, ул мажнун бўлур саҳро юзидин дам-бадам пайдо.*

ЛУҒАТ

Хатти мушкин – энди майса урган мўйлов, мурт

Сафҳа – саҳифа

Туган – доғ

Танаъъум – бой-бадавлат бўлиш

Даст бермас – муяссар бўлмас

Шафақгун – қизил ранг

Самад – Аллоҳ таолонинг сифати; ҳожатсиз

Асном – санамлар, бутлар

Маъдум – йўқ бўлиш

Мабхут – ҳайрон

Ушшоқ – ошиқлар

Муҳлик – ҳалокатли

Адам – йўқлик

Таваққуф – тўхталмоқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим

V --- V--- V--- V---

V --- V--- V--- V---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

НАСРИЙ БАЁН

- Гулдек юзингда мушкин хатинг – муртинг чизигини пайдо қилганингдан бери менинг жоним китоби саҳифасида фақат азоб ва машаққатлардан ҳикоя қилувчи юзлаб сатрлар пайдо бўлди.
- Кўнглимда пайдо бўлган доғлар дардинг лаззатини билдирди. Ҳа, пул бўлмагунча одам бойлик нималигини билмайди.
- Шафақдек оқ-қизил чеҳра ва янги ойдек қайрилма қошинг билан жилвагар бўлганингдан бери кўзимда қон, қаддимда хамлик пайдо бўлди.
- Ислом дини каби ҳақ дин барқарор бўлганда бутлар йўқликка юз тутгани каби ул зебо-санам пайдо бўлганда бошқа гўзаллар ҳайрон ва лол бўлиб қоладилар.
- Ул пари ошиқлар аро хуснини намоён этаётганда мен телба ҳам ҳозир бўлган пайтда юзини яширмаса, нима бўларди?!
- Ишқ дашти қандай ҳалокатли водийки, одам бу водийга қадам қўйган заҳоти йўқлик мулки нариги дунё намоён бўлади.
- Дўстлар, қўйинг, йиғлайверай. Ёмғир оламни чангу ғубордан тозалагани каби шояд кўз ёшларим кўнглимдаги ғуборларни ювса.
- Эй соқий, шароб селобини оқизгилки, ёрнинг ҳижрони дастидан кўнгилда ғаму дард карвони пайдо бўлди.
- Эй пари, Навоийни сўрадинг, энди бир лаҳза тўхтаб тургинки, ул девона саҳродан ҳар замонда келиб кўриниш бериб туради.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал матлаъидан бошлаб охиригача ҳусн ва гўзаллик тимсоли маҳбубанинг жамоли ҳамда ошиқнинг ишқ йўлидаги азоб ва изтиробларининг тазоди ҳақида сўз юритилади. Маҳбубанинг гулдек чиройли чеҳрасида янги майса урган хаттидан ошиқнинг умр китоби юзлаб азоб ва қийноқларга тўлган. Бу азоблар кўнгилда беҳисоб жароҳатлар изини пайдо қилиши билан бирга ишқ дардининг лаззатини ҳам билдиради. Муҳаббат дарди бутун вужудни азоблаши баробарида жонга ҳаловат бағишлайди. Кўнгил шу дард билан тирик, шу дард билан ошно. Ишқ султони ошиқнинг кўнглига қуллик тамғасини босгандан кейин у ўзини барча ташвишлардан холи, бадавлат кишилардек ҳис қилади. Истиора (гул – чеҳра, жон сафҳаси), тавсиф (мушкин), тазод (рақам – юз хатти алам), ийҳом (гул – юз), муурооти назир (тўртинчи мисра) каби маънавий санъатлар байтларнинг бадий қимматини ошириб, туйғуларнинг гўзал ва ёрқин, таъсирчан ифодаланишига хизмат қилган:

*Гул узра хатти мушкин бирла то қилдинг рақам пайдо,
Манга жон сафҳасида бўлди юз хатти алам пайдо.*

*Туганлар кўнглум ичра лаззати дардингни билдурди,
Танаъум даст бермас кимсага, бўлмай дирам пайдо.*

Учинчи байтда ташбиҳи тасвоят (Муҳаммад Умар Родуёнийнинг “Таржумон ул-балоға” асарида бу санъат муздаваж дейилган)нинг гўзал намунасини кўрамыз. Шоир қуёш ҳали тўлиқ ботмасидан уфқда заррин нурлари билан қизғиш рангдаги шафақ бўлиб ёруғлик тараётган пайтда осмонда янги ой – ҳилол пайдо бўлиш манзараси билан ёрнинг порлоқ чеҳраси ва қайрилма қоши ўртасида мутаносиблик кўради. Шунинг баробарида, ўзининг қонли ёш тўкаётган кўзи ҳамда эгик қаддини ёрнинг чеҳраси ва қоши ҳамда шафақдаги янги ой ўртасидаги ўхшашликни қуйидагича баён этади:

*Шафақгун юз ҳилолий қош ила то жилвагар бўлдунг,
Қўзумда бўлди қон зоҳир, қадимда бўлди ҳам пайдо.*

Дунёда гўзаллар кўп. Ўз чиройи билан элни тўғри йўлдан адаштирадиган соҳибжамоллардан фарқли ўлароқ Навоий васф этган севикли эса раҳмонийсифат гўзаллиги билан Мутлақ Жамолнинг мазоҳири сифатида жилвагар бўлади. Бу гўзалнинг ҳусни олдида бошқа санамларнинг нисбати ҳақ дин, яъни ислом дини зуҳур этгач, ботил йўқолиши, тавҳид тантанаси ёғдусида бутлар ва санамларнинг парчаланиб, йўқликка юз тутишига ўхшайди:

*Самад қилғач зуҳур ул навъким асном ўлур маъдум,
Бўлур бутлар бари мабҳут, бўлғач ул санам пайдо.*

Бешинчи байт Хожа Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги мисраларини эсга солади:

*Маъшуқ аён мегузарад бо ту валекин,
Ағёр ҳамебинад, аз он баста ниқоб аст.*

(Таржимаси:

*Маъшуқ ўтгай юз очиб сенга, бироқ
Кўрмасин бегона, деб кийган ниқоб).*

Навоий байтида эса бошқа ошиқларни дийдорига мушарраф айлаган пари унга навбат келганда юзини яшириши ҳақида сўзлаб, муҳаббат дардидан мажнуншеваликни касб қилганларга ҳам жамолини кўрсатишини орзу қилади. Бу орзу замирида ҳақиқий ошиқлар сафидан жой олиш, маҳбубанинг илтифотига сазовор бўлиш истаги ётади. “Ҳайрат ул-аб-рор”нинг басмала бобида қайд қилинишича, Ҳақ йўлига қадам қўйганлар икки тоифа – аҳли қабул ва аҳли радга бўлинади:

*Қилғучи бу бодия қатъиға майл,
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл.*

Таҳлил қилинаётган байтда маҳбубанинг дийдорига эришган ошиқларни “аҳли қабул” деб олсак, телбалик сифатига эга ошиқ ҳали “аҳли қабул” сафидан жой олмагани, шунинг баробарида “аҳли рад” мақомида қолмаслик учун интилаётганини англаш мумкин:

*Чу айлар жилвайи ҳусн ул парий ушшоқ аро, нетгай
Юзин ёшурмаса бўлган замон мен телба ҳам пайдо.*

Ишқ водийсига қадам қўйган заҳоти “менлик”дан воз кечиб, адам мулкига рўпара келган ошиқнинг кўнглида дарду алам карвони пайдо бўлган. Бу ғусса карвонини фақат соқий кўлидан ичадиган маърифат бодаси селдек оқизиб кетади. Негаки муҳаббат даштида айрилиқ дардидан юзага келган иддао ва даъволар, қайғу ва аламларга фақат маърифат, ризо ва шукроналик бодаси даво бўлиши мумкин.

**“ИШҚ ЭТТИ ХИРАД АҲЛИ ҚОШИДА
МЕНИ РАСВО...”**

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 35-ғазал)

*Бўлса иккимизнинг юзи акси суда пайдо,
Ул су не тараф борса, очилғай гули раъно.
Зулфунг ғами кўнглумни белинг фикрига солди,
Кўрким, не тахайюлға солиптур ани савдо.
Ғавғо қилур эл маҳвашлар кўйида, лекин
Маҳвашлар иши қилмоқ анинг кўйида ғавғо.
Аҳволима Фарҳод ила Мажнунға таажжуб,
Ишқ этти хирад аҳли қошида мени расво.
Ҳар сори тамошоғаким, ул шўх қилур азм,
Йўқ анга тамошоки, эрур элга тамошо.
Даврон санга зулм этса, қадаҳлар тўла май ич,
Қон ютсанг аёғлар тўла, давронға не парво.
Ул шўхки майдон аро кўрганга солур тиғ,
Кўрмасга солур, етса Навоий сари амдо.*

ЛУҒАТ

*Савдо – қоралик; девоналик
Маҳваш – ойжамол
Хирад – ақл
Аёғ – қадаҳ
Амдо – қасддан, атайин*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф
--V V--V V--V V--
--V V--V V--V V--
Мафъўлу мафоъийлу мафоъийлу фаўлун

НАСРИЙ БАЁН

- Сувга иккимизнинг аксимиз тушгудек бўлса, бу сув қаергаки борса, раъно гуллари очилғай.
- Зулфинг ғами кўнглимни белинг фикрига солди. Телбалик уни нима хаёлларга солгани кўр.
- Одамлар ой юзликлар кўйида ғавғо солсалар, бу ойжамоллар унинг кўйида айни шу ишни қиладилар.
- Менинг аҳволимга Фарҳоду Мажнун ажабланганлар. Ақл эгалари қошида ишқ мени шарманда қилди.
- Ул шўх нигорим қаёнгаки томоша учун азм этса, у томоша қилолмайди, балки ҳамма томошани кўйиб, унга термулиб қоладилар.

- Фалакнинг гардишидан сенга зулм етса, қадаҳларни тўлдириб шароб ич, чунки қон ютиб хафа бўлишингга фалак заррача ҳам парво қилмайди.
- Ул шўх нигорим майдонда кимни кўрса, қиличини сермаб, бошини олади. Навоийга навбат келганда эса, қасддан ўзини кўрмаганга солади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бадиъ сўзи араб тилида ноёб, такрорланмас, янги, ўхшаши йўқ маъноларини ифода-лайди. Бинобарин, ҳар қандай ижод маҳсули етуқлигининг асосий мезони янги ва бадиий жиҳатдан баркамол мазмун ва шаклнинг уйғунлиги ҳисобланади. Навоийнинг барча асарлари бадиий жиҳатдан пухта-пишиқлиги баҳссиз ҳақиқат эканлигини эътироф этган ҳолда ушбу матлаъ шоир лирикасининг энг гўзал шоҳбайтларидан эканини алоҳида таъкидлаш жоиз:

*Бўлса икимизнинг юзи акси суда пайдо,
Ул су не тараф борса, очилғай гули раъно.*

Биламизки, раъно гулининг барглари бир тарафи қизил, иккинчи томони оқ ё сариқ бўлади. Ошиқнинг ҳижрондан сарғайган юзи билан маҳбубанинг қизилликка мойил оқ чеҳрасининг акси сувга тушса, бу сув оқиб борган ҳамма томонда раъно гули очиларкан. Ажойиб ташбиҳ! Байтда раъно гули ошиқ ва маъшуқанинг бирлиги рамзи, ҳусн ва ишқнинг бир-бирини тақозо қилиши ифодаси ўлароқ, ошиқнинг орзуси, яъни ёрининг юзига юзини қўйиб, ҳусни ва ифоридан баҳраманд бўлиш шавқи изҳори ҳамдир. Худди шундай тағмаъноли тасвир кейинги байтда ҳам мавжуд:

*Зулфунг ғами кўнглумни белинг фикрига солди,
Кўрким, не тахайюлға солиптур ани савдо.*

Бадиъ илмига оид манбаларда икки ва ундан ортиқ маъно қатламига ийҳом санъати, дея таъриф берилган. Ийҳом энг мураккаб маънавий санъатлардан бўлиб, унга кўра, “шоир икки ва ундан ортиқ маънони шеърда шундай маҳорат билан ишлатадики, на-тижада ўша сўзни ҳар икки маънода талқин қилиш мумкин. Бироқ маъноларнинг бири ошкора ва иккинчиси яширин ифодаланади. Шоирнинг мақсади эса одатда иккинчи яширин маънога урғу беришдан иборат бўлади. Ийҳомнинг бундай хусусиятлари ижод-корга муҳим фикрларини пардаланган ҳолда ифода этиш имкониятини туғдиради. Бинобарин, анчагина мураккаб бу санъатни ишлата билиш ҳам шоирдан катта мала-ка ва юксак маҳорат талаб қилади” (Ё.Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – Б. 61).

Байт – уй демак. Маънолар эшигини очиш учун қайсидир сўз белги, бошқача айтганда, мантиқий калит вазифасини бажаради. Юқоридаги байтда мантиқий калит вазифасини “савдо” сўзи бажаради. Савдо сўзи биз билганимиз “тижорат” маъносидан ташқари “қора-лик” ва “телбалик” маъноларини ҳам англатади. Шу маъноларни байтга татбиқ этсак, қу-йидаги хулосалар келиб чиқади: 1. Белинггача тушган қора зулфинг мени ингичка белинг фикрига гирифтор қилди. Зулфингнинг қоралиги мени қандай нозик хаёлларга етакла-япти. 2. Узун қора зулфинг нозик белингни ёпиб турибди. Ишқингдан телба бўлганимдан қандай хаёлларга бораётганимга қара.

Ғазалнинг тўртинчи байтида ийҳомнинг яна бир намунасини ҳам кўрамиз. Байтнинг мантикий урғусини ўзгартириб ўқиганда қуйидаги маъноларни ҳосил қилиш мумкин: 1) Ишқ мени шундай бир кўйга солганки, муҳаббат аҳлининг пешволари ҳисобланмиш Фарҳоду Мажнунлар ҳам ҳайратдалар. Чунки мен оқиллар наздида расволик билан ном чиқардим; 2) Ишқ дастидан шундайин забун аҳволга тушганманки, Фарҳоду Мажнунларнинг хайли – ошиқлар мени тушунмай, ажабланган кўйи турибдилар. Устига устак, муҳаббат дастидан ақл соҳиблари олдида мисоли бир телбаман. Яъни ошиқ ҳам, оқил ҳам эмасман. Ишқ аҳли учун ҳам, хирад аҳли учун ҳам бегона ва тушунарсиз мақомдаман:

*Аҳволима Фарҳод ила Мажнунға таажжуб,
Ишқ этти хирад аҳли қошида мени расво.*

Ғазалда ийҳомдан ташқари тазод санъати ҳам деярли ҳар бир байтда қўлланилган. Матлаъда ёр ва ошиқнинг юзлари, иккинчи байтда зулф ва бел, учинчи байтда маҳвашлар ва эл, тўртинчи байтда ишқ ва ақл, бешинчи байтда ёр ва эл тазодларидан маҳорат билан фойдаланилган. Жумладан, мавъиза оҳангида битган ушбу байтда даврон зулму жафосига жавобан сиқилиб, ғусса чекиш ўрнига ҳар қандай қийинчиликни осон тутиб, шодлик шаробидан ичиш тавсия этилади. Чунки дейди шоир, фалак, яъни шафқатсиз қисмат одам боласининг ғусса чекишига ҳеч қачон парво қилмайди:

*Даврон санга зулм этса, қадаҳлар тўла май ич,
Қон ютсанг аёғлар тўла давронға не парво.*

Фалак ғамхонасида шод бўлмоқ ҳамда қайғуларни осон тутиш – қалби огоҳ инсонларнинг маслагидир. Негаки, Аллоҳ таоло ўз Каломининг “Шарҳ” сурасида ваъда бергандек “...бас, ҳар қандай қийинчилик замирида бир енгиллик бордир”.

**“КЎНГЛУМ ҚУШИКИМ ҚОЛМИШ
ЗУЛФУНГ АРО САРГАРДОН...”**

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 36-ғазал)

Май бирла юзунг тим-тим аҳмарму экин оё,
Ё шуъла аро бир-бир ахгарму экин оё?
Ҳар сори қулоғингда гавҳарму экин ёхуд
Ҳар жонибида ойнинг ахтарму экин оё?
Рухсоринг уза хайдин юз қатраки кўргуздунг,
Гул баргида шабнамдин гавҳарму экин оё?
Ғунча ичида даврон муҳкам тикан урғандек,
Кўнглум аро ғамзангдин ханжарму экин оё?
Кўнглум қушиким қолмиш зулфунг аро саргардон,
Савдо тунида сойир шабпарму экин оё?
Зулф ичра юзи янглиғ офоқни куйдурган,
Оҳим тутуни ичра озарму экин оё?
Ҳижрондаму ул маҳваш ағёрға мойилдур
Ё захри фироқ ичра наштарму экин оё?
Жон пардасида ҳар ёнким, янги туганлардур,
Қатлимға фалак тузган маҳзарму экин оё?
Эл деса Навоийниким, жавр ила тарк этти
Ишқингни, санга бу сўз боварму экин оё?

ЛУҒАТ

Тим-тим аҳмар – тўқ қизил
Ахгар – лахча, чўғ
Ахтар – юлдуз
Хай – тер, арақ
Муҳкам – қаттиқ
Сойир – сайр этувчи
Шабпар – кўршапалак
Озар – олов, ўт
Ағёр – бегона, ғайр; душман
Ништар – наштар, найзанинг учи
Туган – яра, доғ
Маҳзар – буйруқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани ахраб
--V V--- --V V---
--V V--- --V V---
Мафъўлу мафойилун мафъўлу мафойилун

НАСРИЙ БАЁН

- Май билан юзинг ранги тўқ қизил эканми ёки бозиллаб ёнаётган лахчадек бўлганми оё?!
- Қулоғингнинг бир томонида гавҳардан сирға таққанмисан ёки бу сирға ойнанинг ёнидаги юлдузми?!
- Юзларингда тер доналарини намоён этганинг гул баргида шудринг томчисининг гавҳардек порлаб турганидек бўлганми?
- Даврон ғунча ичига тикон ўстирганми ёки кўнглим ичида ғамзаларинг ханжардек ботганми?
- Кўнглим қуши зулфинг аро саргардон қолмиш. Ёхуд у қуюқ зулмат қоплаган тунда сайрга чиққан кўршапалакми оё?
- Оҳим тутуни осмонни куйдирди. Ичида олов борми ёки зулфинг ичида юзингга ўхшаб қолганми?
- Ул ойжамол гўзалим бегоналарга майл кўрсатгани ҳижрон туфайлими ёки бу қилмиши фироқ захри билан сув берилган ўткир наштарми?
- Жоним пардасида ҳар ёндан янги яралар доғи пайдо бўлганми ёки фалак менинг қатлимга буйруқ келтирганми?
- Агар одамлар “Навоий сенинг жавру жафоларинг туфайли ишқингни тарк этди” десалар, бу ёлғон сўзларга оё сен ишонасанми?

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоий форс-тожик адабиётининг беш асрлик тарихий тажрибасини ижодий ўзлаштириб, янги поэтик унсурлар билан бойитган ҳолда туркий адабиётга жорий қилганини биламиз. Жумладан, таҳлил қилаётганимиз ушбу ғазал Одамушшуаро Рудакийнинг куйидаги ғазали таъсирида ёзилган бўлиши мумкин:

*Сарв аст он ё боло, моҳ аст он ё рўй?
Зулф аст ин ё чавгон, хол аст ин ё гўй?*

(Таржимаси:

*Сарв эрур ё қомат, ой ё чеҳра ул?
Сочми ё чавгонми, хол ё тўпми бул?)*

Рудакийнинг ғазали бошдан-оёқ тажохул ул-ориф санъатининг талабларига биноан ёзилган. Шоир ўзи тасвир этаётган нарса ёки ҳодисани ҳамда унга хос хусусиятларни яхши билган ҳолда ушбу хусусият ва белгиларни янада ёрқин ва таъсирчан ифодалаш мақсадида риторик савол усулидан фойдаланиш санъати тажохул ул-ориф деб аталади. Бу шеърий санъатни ижодий ўзлаштирган Навоий янада ривожлантириб, риторик саволни (экин оё) радиф сифатида қўллаган. Шунингдек, шоир ғазалда тажохул ул-ориф билан бирга ташбиҳ санъатининг энг мураккаб шакллари – ташбиҳи мусалсал (бирор нарсани бўрттириб, ёрқин тасвирлаш мақсадида бир нечта нарсага қиёслаш санъати) ҳамда ташбиҳи тасвият (икки нарсани бир нарсага ўхшатиш санъати) имкониятларидан ҳам фойдаланган. Жумладан, матлаъда ташбиҳи тасвиятни қўллаб, май ҳамда ёрнинг май таъсирида қизарган чеҳрасини бозиллаб турган чўғга ўхшатиб, риторик савол орқали бу ўхшатишни янада кучайтиради:

*Май бирла юзунг тим-тим аҳмарму экин оё,
Ё шуъла аро бир-бир аҳгарму экин оё?*

Кейинги икки байтда ёрнинг қулоғидаги сирғаси бебаҳо гавҳар ва Ойга йўлдош бўлган тонг юлдузи, юзидаги тер доналари тонг чоғида гулга инган шудринг дурдоналарига ўхшатиш билан бўлса, тўртинчи байтда ёрнинг ишвалари гулни тиконлари ҳамда ошиқ бағрига санчилган ханжарга ўхшатилади:

*Ғунча ичида даврон муҳкам тикан урғандек,
Кўнглум аро ғамзангдин ханжарму экин оё?*

Гул тиконсиз бўлмагандек, ёрнинг жавру жафолари ҳам табиий бир ҳолат. Шунинг учун ошиқнинг кўнгли дийдор талабида қуёшни кўрмаган кўршапалакдек, ёрнинг ифорли ва қора сочига маҳлиё бўлиб, қуёшдек талъатини кўролмай зулф ичра саргардон кезиши ҳам ишқ водийси аҳлининг пешонасига ёзилган бир битикдир:

*Кўнглум қушиким қолмиш зулфунг аро саргардон,
Савдо тунуда сойир шабпарму экин оё?*

Тасаввуф талқинига кўра, зулф – Борлиқнинг рамзи. Ҳақ таоло дунёни гўзал қилиб яратди. Худонинг яратувчанлик қудрати, илми ва иродасини акс эттирувчи дунёнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, тавҳид ва руҳият олами сари йўл тополмай, аросатга қолган банданинг ожизликдан ўтли оҳ чекиб, осмону фалакни ёндириб юборгудек бўлиши қуйидаги байтда мажозий муҳаббат дардида изтироб чекаётган ошиқ мисолида баён этилган:

*Зулф ичра юзи янглиғ офоқни куйдурган,
Оҳим тутуни ичра озарму экин оё?*

Ошиқнинг мақсад йўлидаги сусткашлиги боис ҳижрон азобида қолиши, фироқ қийноқлари кўнглига наштардек санчилиши, фалак қатлини вожиб қилувчи буйруқ тайёрлагандек кўнгли турфа-туман доғу дарддан жон пардаси муҳр босилган қатлномага ўхшаб қолишига олиб келган. Шунга қарамай, Навоий бу йўлдан заррача чекиниш ниятида эмас. Унинг маслаги – токи ҳаёт экан ана шу муҳаббат дардида ёниб, дардсизлик дардига чалинмаслик, садоқат ва вафо мазҳарига айланишдан иборат. Қолаверса, одамлар “сенинг ҳажрингда жабру жафоларга дучор бўлавергани боис Навоий сендан воз кечди, сени ортиқ севмайди” деб овоза қилганидан қатъи назар, севган ёри ҳам унинг садоқатига шубҳа қилмайди. Ана шу ишонч ошиқ қалбига қанот бахш этиб, машаққатли ишқ водийси манзилларидан сабот ва матонат билан ўтишида куч-ғайрат ва илҳом беради:

*Эл деса Навоийниким, жавр ила тарк этти
Ишқингни, санга бу сўз боварму экин оё?*

**“РУҲПАРВАРДУР НАВОИЙ ОҶИ
УЛ ЮЗ ШАВҚИДИН...”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 37-ғазал

*Зор жисмимға хадангинг захмидин ортар наво,
Создекким, тешсалар они, фузун айлар садо.*

*Қадди ҳажринда ғамим шамъини ҳар деворға
Ким, таябмен сарв андоми била бўлмиш қаро.*

*Ғунчанг анфоси насими заврақи жон қасдиға
Етқурур ҳар дам адам дарёсидин мавжи фано.*

*Орзуйи васлидин ранжур эрур мунглуғ кўнгул,
Қут учун тазвир ила бемор бўлғандек гадо.*

*Нега йиғлаб анбарин зулфин кесар ҳижрон туни,
Ўлмагимни англабон гар шамъ тутмайдур азо.*

*Ҳажр дардин кўнглума кам қилди холинг оқибат,
Доғ эмиш дарди шалойин хастаға охир даво.*

*Руҳпарвардур Навоий оқи ул юз шавқидин
Ул сифатким, лолау гул юзидин келгай сабо.*

ЛУҒАТ

Хаданг – камоннинг ўқи

Соз – муסיқа асбоби; най

Фузун – кўп

Наво – овоз; оҳанг; ғизо

Анфос – нафаслар

Заврақ – қайиқ

Адам – йўқлик

Ранжур – бемор

Мунглуғ – ғамгин, хафа, озурда

Қут – луқма, егулик

Тазвир – ҳийла, найранг

Шалойин – қаттиқ, бедаво; маж.: ишқ

Руҳпарвар – жонга ором бағишловчи

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

–V--- –V--- –V--- –V–

–V--- –V--- –V--- –V–

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

• Найни қанча кўп тешсанг, турли садо ва оҳанг чиқаргани каби сенинг жафоларинг ўқи дастидан зор жисмимнинг нолалари ортади.

- Сарвдек тик ва расо қоматининг ҳажрида қайси деворга ғамим шамъини суяб қўйсам, ичидан куйиб, қоп-қора бўлмиш.
- Ғунча лабингнинг насимдек жонбахш нафаси ҳар лаҳзада жоним кемасининг йўқлик оламига элтишга ҳар нафасдан фано тўлқинини еткурур.
- Егулик илинжида ўзини ёлғондан касалга солган тиланчи каби қайғули кўнглим васлинг орзусида бемор бўлмиш.
- Ўлмагимни англаб шам мотам тутмаётган бўлса, нега ҳижрон туни мен учун йиғлаб, қора зулфини кесмоқда.
- Холинг оқибат кўнглимдаги ҳижрон дардини камайтирди. Оғир касалга чалинган беморнинг давоси – яра бўлган жойни куйдиришдир.
- Навоийнинг ул юз шавқидан чеккан оҳи лола ва гуллар очилган бўстон насими каби руҳга ором бағишлайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Амир Хусрав Деҳлавий “Ғуррат ул-камол” асарининг дебочасида сўзларни табиати ва инсон руҳиятига таъсир қилиш хоссасига кўра тўрт унсур – сув, ҳаво, олов ва тупроққа боғлаб талқин қилади. Унинг фикрига кўра, ишқий мавзудаги шеърларда қўлланиладиган сўзлар ва тимсоллар ошиқнинг иштиёқи ва қийноқларини ифода этиш чоғида оловдек ўртовчи ва ҳароратли; муҳаббат изҳори ва ёрнинг латофатини мадҳ этишда сувдек тиниқ ва айни пайтда шиддатли; орзу ва армонларни баён этишда ҳаводек ёқимли ва дилтортар; фидойилик ва садоқатни намоён этишда тупроқдек хоксор ва сокин бўлиши керак. Бу талқинни Навоийнинг ушбу ғазалига нисбатан қўллайдиган бўлсак, ғазалдаги тимсолларда олов, сув ва ҳаво унсурларининг хоссалари етакчилик қилганига гувоҳ бўламиз. Матлаъда маҳбубанинг нигоҳидан ошиқнинг вужуди илма-тешик бўлиб, най каби нола қилиши ҳақида сўз юритилади. Оддий қамиш соз ясовчи устанинг қўлига тушгач мусиқа асбобига айлангани ва дилўртар наволар чиқариб барчани хушнуд этгани каби бошқалардан умуман фарқ қилмайдиган бир инсон ишқнинг қийноқларидан камол касб этиб, жинсдошларига нисбатан мумтоз бўлади:

*Зор жисмимға ҳадангнинг захмидин ортар наво
Создекким, тешсалар ани фузун айлар садо.*

Ёр яккаю ягоналиги ва беназирлигининг ифодаси бўлган алифдек қоматини ҳижрониде шамъдек ёниб адо бўлаётган ошиқ ғуссанинг зарбидан беҳолу бемадор бўлиб, деворга суяниб қолган. Шами умри сўниб бораётган ошиқ дардини ошкор айлашга имкони йўқ. Ичидан эзилиб-ёнганидан умри тугаган сарвнинг қоп-қора қурумга айлангани каби у ҳам суратда тирик бўлса-да, ичида ҳаётдан нишона йўқ. Шоир кучли олов боис ичидан ёниб адо бўлган дарахт билан пинҳона ишқ оловларидан умр чироғи сўнган ошиқ ўртасида ажиб мантиқий боғлиқлик ҳосил қилиб, тахайюл уфқларини кенгайтиради:

*Қадди ҳажринда ғамим шамъини ҳар деворға
Ким таябмен, сарв андоми била бўлмиш қаро.*

Дастлабки икки байтда ёрнинг кўзлари ва қомати васф этилган бўлса, учинчи байтда унинг ғунчадек оғзидан чиққан каломидан лирик қаҳрамонни фано ва йўқликка йўлиқиши ҳақида сўз боради.

Боязид Бистомий муножотида айтмишким:

“Эй боре Худоё, мунча менликким, менинг билан Сенлик орасинда бордир, менинг менлигимни ародан кўтаргил! Сен – Борсан ва мен ҳеч бўлмаймен. Илоҳи, мени Сен ўзингга эргаштиргил!”

Байтдаги адам (йўқлик) ва фано айна шу маъноларга далолат қилади. Яъни ёрнинг ҳидояти билан орадан “мен” ва “сен”лик кўтарилиб, “биз”га айланади; инон-ихтиёри буткул ёрга таслим бўлган ошиқ фано мақомига эришади:

*Гунчанг анфоси насими заврақи жон қасдиға
Еткурур ҳар дам адам дарёсидин мавжи фано.*

Тўртинчи байтда Навоийнинг ҳаётий манзарадан гўзал назмий ифода яратиш маҳоратининг яна бир намунасини кўрамыз. Ёлғондан шол, соқов, кўр бўлиб, тиланчилик қилиб юрган гадолар кўча-бозорларда учраб туради. Бир бурда нон топиш илинжида ўзига йўқ нуқсонни нисбат бериб юриш гадонинг иложсизлиги ва айна пайтда ёлғончилигини кўрсатади. Ишқ ғамида ғуссага кўмилган кўнгил ҳам висолга етишмоққа бошқа чора топмаганидан шу тоифа тиланчиларга ўхшаб ўзини беморликка солибди. Аслида ишқ дард эмас, балки даводир. Ёлғончи тиланчилар халқнинг шафқати ва эҳсонидан маҳрум бўлгани каби ишқни хасталик деб билган кўнгил ҳам орзусига етишмаги амримаҳол:

*Орзуи васлидин ранжур эрур мунглуғ кўнгул,
Қут учун тазвир ила бемор бўлғандек гадо.*

Кейинги байтда шоир тавсиф, ташхис ва тажохул ил-ориф санъатларини қоришиқ ҳолда қўллаб, табиат ҳодисасининг тасвири орқали ошиқнинг ҳолатини ёрқин ифодалашга эришган. Байтга кўра, ошиқ ишқ дардининг дастидан жон таслим қилган. Аммо унинг бошида липиллаб ёниб турган шам билан қоп-қора зулфини оламга ёйган осмондан бошқа ҳеч ким йўқ. Ошиқнинг ҳижронда бекаслик ва бечоралик кўйида ҳалок бўлишини кўрган шам тонг насими нафасидан ўчиб, мотам тутди, тун эса йиғлаб, қора сочини кесди, дейди шоир. Мотам кундаги халқ удумлари билан табиат ҳодисаси ўртасидаги уйғунликни пайқаган шоирона нигоҳ шундай гўзал байт яратилишига асос бўлган:

*Нега йиғлаб анбарин зулфин кесар ҳижрон туни,
Ўлмагимни англабон гар шамъ тутмайдур азо.*

Ишқ кўйида минг марта ўлиб-тирилиш заҳмати, бениҳоя қайғуга чора бўлиб, ёрнинг холи мададга келади. Битмас яранинг давоси – куйдириш бўлганидек, ишқ дардига даво ҳам ёр холининг ҳаёлидир:

*Ҳажр дардин кўнглума кам қилди холинг оқибат,
Доғ эмиш дарди шалойин хастаға охир даво.*

Ишқ дардидан чекилган оҳлар офоқ ва анжумни ёндиргани билан руҳга ором бағишлайди. Бу оҳлар ёрнинг лоладек юзи, гулшандек яшнаб турган чехраси ёди ва ҳижронидан бўлгани учун насим каби ёқимли ва жонпарвар:

*Руҳпарвардур Навоий оҳи ул юз шавқидин
Ул сифатким, лолау гул юзидин келгай сабо.*

**“АЙЛАГИЛ ЖОНДИН ЖУДО,
ҚИЛҒУНЧА ЖОНОНДИН ЖУДО...”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 38-ғазал

*Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўтий такаллум шаккаристондин жудо.*

*Ул қуёш ҳажринда қўрқармен фалакни ўртагай
Ҳар шарореким, бўлур бу ўтлуғ афғондин жудо.*

*Дема, ҳижронимда чекмайсен фиғону нола қўп,
Жисм айларму фиғон, бўлғач нафас жондин жудо?*

*Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.*

*Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.*

*Васл аро парвона ўртанди, ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.*

*Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз банда султондин жудо.*

ЛУҒАТ

Такаллум – сўзлаш, гапириш

Шаккаристон – шакарзор, найшакарзор

Ҳажр – айрилиқ

Шарор – учқун

Талх – аччиқ

Гардун – фалак, чарх

Шама шабистон – уйни ёритувчи чироқ, мажозан ёр висоли

Иёсиз – эгасиз, уясиз, дарбадар

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Гулистондан айрилган булбул қандай наво қила олади; тўтиқуш ҳам шакарсиз қолганда гапира олмайди.
- Ул қуёш юзли ёрим ҳижронидида чеккан оҳларимдан сачраган ҳар бир учқун фалакни ўртаб юборади, деб қўрқяпман.
- Ҳижронимда кўп фиғону нола чекмаяпсан, деб мени маломат қилма. Нафас жондан жудо бўлгач, жисм қандай фиғон чексин?!
- Ҳижрон азоби ўлимдан аччиқроқ экан, эй фалак, жонондан айиргунча менинг жонимни олақол.
- Эй ҳажр, агар юз минг жоним бўлса, олавер, аммо мени ёрдан ёки ёрни мендан жудо қилма.
- Парвона висол чоғида ёниб куйди, чунки уни тонг шабистон шамъидан, яъни ёрдан жудо қилишини шубҳасиз, билди.
- Навоий ёрсиз дарбадар бир итдек бўлиб қолди. Ё Раб, банда ҳеч қачон султондан айри тушмасин.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Айрилиқ оҳангида битилган ушбу ғазалга “жудо” радифи танланиб, мазкур сўз барча мазмунлар ифодасига мантиқий меҳвар бўлиб хизмат қилган.

Навоийнинг талқини бўйича, айрилиқ азоби жамийки ошиқлар учун умумийдир: гулистонидан айрилган булбуллар хонишдан қолади, шакар берилмаган тўтиқушлар сўзлашмасдан, хомуш тортади. Булбул ва гул, тўти ва шакар тазодларини келтириш орқали шоир у кўйлаётган муҳаббат тирик нар ва мода махлуқотлар ўртасидаги ҳайвоний ғариза (инстинкт) асосида пайдо бўладиган мойиллик эмас, балки руҳоният оламига оид бўлган покиза бир неъмат эканлигини таъкидламоқчи бўлади. Дарҳақиқат, булбул ўзининг жинсдошини кўрганда наво чекмайди, балки у гул ғунчасига ошуфталигидан тонгга қадар сайрайди. Тўти ҳам ўз жуфтнинг иштиёқида эмас, балки шакар иштиёқида сўзлайди. Булар ўртасидаги нисбат ва яқинликни билган одам ҳақиқий муҳаббат нафсоний иштиёқлардан баланд эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Иккинчи байтда ҳижронда қолган шоир ўзининг аҳволини баён қилар экан, чекаётган азоби гулистондан айри қолган булбулдан неча маротаба ортиқроқ ва оғирроқ эканини ифодалаш учун муболағали тасвирни қаламга олади. Ҳижронзада ошиқнинг ўтли оҳидан сачраган бир учқун фалакни куйдиргудек, чунки талъати қуёшга ўхшатиш билан ёрнинг гўзаллиги ва тенгсизлиги ҳам шунга муносиб равишда бетакрор. Ошиқнинг бундан ортиқ оху фиғон чекишини талаб қилиб бўлмайди, чунки унинг жони чеккан оҳи билан чиқиб, қуруқ жисми қолган:

*Дема, ҳижронимда чекмайсен фиғону нола кўп,
Жисм айларму фиғон, бўлгач нафас жондин жудо?*

Ҳижроннинг луғавий маъноси – бировни ўз ҳолига ташлаб қўйишдир. Ёрнинг лоқайд ва бепарволиги, ошиқларининг азобу изтироблари ва ғаму андуҳларига бефарқлигидан етадиган заҳмат ўлим азобидан оғирроқ туюлади. Шу сабабли, жонондан айри тушгандан кўра жондан воз кечиш яхшироқ. Жон ичра жонон бўлмаса, жон кимга керак?!

*Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.*

Олдинги байтларда булбул, тўти ёхуд ошиқнинг ҳижрон ўтида, айрилиқ оловида ёниб-ўртанмоқликлари қаламга олинган бўлса, навбатдаги байтда висол оташида ёниб, кул бўлган парвонанинг ҳолати тасвир қилинади:

*Васл аро парвона ўртанди, ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.*

Парвона шамнинг висолига етганида ўртаниб кетганига сабаб – тонг нафаси шамни ўчириб, уни висолдан ҳижронга маҳкум қилишини олдиндан билди, дейди шоир. Муҳаббат – илоҳий ё мажозий бўлишидан қатъи назар, фидоийлик талаб қилади. Парвона ва шам мумтоз адабиётнинг анъанавий образларидан бўлишига қарамасдан, бундай ўхшатма, яъни парвонанинг висол чоғида шам оташида ёниб кул бўлиши шодмонликдан эмас, балки муқаррар жудоликнинг дардига эш бўлган ҳолат сифатида тасвирланиши Навоийнинг мислсиз даҳоси кашфиётларидан ҳисобланади.

Мақтаъда Навоий ёрдан айри қолишини эгасиз, дарбадар қолган итга ўхшатади. Ит – вафо ва садоқат, фидоийлик тимсоли. Кундалик ҳаётда итнинг қадрига етмасдан, кўчага ҳайдаб юбориш ҳолатлари ҳам учрайди. Ўшанда ҳам ит бошқа кишининг даргоҳида қўним топмасдан, ўз эгасини топиш мақсадида сарсон кезгани каби, кўнгил султони – ёрининг сўроғида ҳамон изланишда эканлигини ифода этади. Бу билан Навоий айрилиқ ва ҳижрон азоби қанчалик қаттиқ ва аламли бўлмасин, ошиқ қалбидаги вафо ва садоқатни янада кучайтиришга ишора қилади. Зотан, вафо ва садоқат – ошиқликнинг муҳим белгиларидандир.

**“МАҲВАШО, САРВҚАДО,
ЛОЛАРУХО, СИЙМТАНО!..”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 39-ғазал

*Маҳвашо, сарвқадо, лоларухо, сиймтано!
Чораким қолмади сабрим ғами ҳажрингда яно.*

*Ахтари саъд сенингдекки туғунтур, гўйий
Ким қуёш эрди атову тўлун ой эрди ано.*

*Ғар фалак сайридур истар сени айлаб таку дав,
В-ар малак зикрин эшитсанг, санга дер мадҳу сано.*

*Уйла ишқинг майи лабташнасименким, ичман
Оз дебон, бодам учун бўлса фалак жоми ино.*

*Ишқ меҳнатлари таркини буюрманг мангаким,
Мужибси сиҳҳату қувватдурур ул ранжу ано.*

*Хонақоҳ ичра эрур шайху ўзин кўрсатмак,
Эй хушо, муғбачалар жилвасию дайри фано.*

*Жуз Навоий бориға жоми каромат туттунг,
Айюҳас-соқий, мин ал-каъси фано айна лано?*

ЛУҒАТ

Маҳваш – ойжамол

Лоларух – юзи лоладек гўзал

Сиймтан – кумушбадан

Яно – яна

Ахтари саъд – толе юлдузи

Таку дав – елиб-югуриш

В-ар – ва агарнинг қисқартмаси

Малак – фаришта

Лабташна – чанқоқ

Ино – идиш

Мужиб – сабаб

Ано – заҳмат, машаққат

Жуз – ўзга, бўлак, бошқа

Мисра таржимаси: Эй соқий, фано бодасидан бизга қани?

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани махбуни маҳзуф

-V-- VV-- VV-- VV-

-V-- VV-- VV-- VV-

Фоилотун файлотун файлотун файлун

НАСРИЙ БАЁН

- Ойжамол сарвиқоматим, лола юзли кумушбаданам! Яна ҳижронинг ғамида сабрим қолмади, менинг додимга етгил!
- Сен менинг толе юлдузимсан. Гўё, Қуёш – сенинг отанг, онанг эса – Ой бўлган.
- Фалакка назар солсанг, сени излаб тинмай елиб-югуради. Фаришталарга қулоқ солсанг, фақат сенинг мадҳу санойингда зикр тушар.
- Сенинг ишқинг бодасига шунча чанқоқманки, агар осмон мен учун шароб жомига айланса ҳам, камлик қилади.
- Менга муҳаббат азобларидан воз кечишни буюрманг, негаки бу азоб-машаққатлар соғлик ва қувватга сабабдир.
- Шайх хонақоҳ ичида ўзини кўз-кўз қилиб ўтирибди. Фано дайридаги муғбачалар жилваси қандай яхши!
- Навоидан ўзга ҳаммага каромат жомидан тутинг. Эй соқий, фано бодасидан бизга қани?

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

“Алиф” ҳарфи билан тугалланадиган ғазаллар туркумига хотима ҳусни бағишлайдиган ғазал ҳижронзада ошиқнинг илтижо ва ёлворишларининг ифодасидир. Васф этилган маҳбуба ой юзли, сарвиқомат, оқбилак бўлиши билан бирга, муҳаббат аҳлининг бахту толе юлдузидир. Бу маҳбубанинг фироқида сабри тугаб, энг чиройли истиора ва ташбиҳлар билан ҳусну жамолини мақтаётган биргина шоир эмас. Таъбир жоиз бўлса, Қуёш ва Ойнинг никоҳидан дунёга келган ушбу қўл етмас бахт юлдузини кўрмоқ истагида фалак кеча-ю кундуз айланишдан тўхтамайди, фаришталар эса ўз зикрида фақат унинг поклиги ва мислсизлигини айтиб шарафлайди. Бундай беназир хилқат ва таърифига тил ожиз бўладиган зот аслида кимлигини қуйидаги байтдан англаш қийин эмас:

*Гар фалак сайридур истар сени айлаб таку дав,
В-ар малак зикрин эшитсанг, санга дер мадҳу сано.*

Фаришталар тилидан зикри тушмайдиган бу улуғ Зотнинг муҳаббати ҳам шунга яраша бўлади.

Айнулқуззот Ҳамадоний айтади: “Муҳаббат уч навдир. Бири – Холиқнинг халққа бўлган муҳаббати. Бу муҳаббат Аллоҳ таолонинг бошқа сифатлари каби мислсиз, буюк ва беназирдир. Иккинчиси – халқнинг ҳаққа бўлган муҳаббати. Бу муҳаббат ҳар бир банданинг Ҳақ таоло олдидаги мақом ва манзалатига муносиб равишда даражаларга эгадир. Инсонлар ичида энг муҳаббати кучлиси пайғамбарларга, ундан сўнг авлиёларга, кейин мўминларнинг

бошқа тоифаларига неъмат ўлароқ берилган. Учинчиси – Ҳақ таолонинг Ўзига бўлган муҳаббатидирким, “Мен бир махфий хазина эдим ва ошкор бўлишни истадим (яхши кўрдим)” ҳадиси шунга ишорат қилур. Бу муҳаббатнинг ҳақиқатини Ҳақ таолонинг ўзидан ўзга ҳеч ким билмас”. Навоий Ишқ ҳақидаги ушбу таснифнинг иккинчи тури – бандаларнинг Ҳақ таолога бўлган муҳаббати ҳақида сўз юритиб, ушбу ишқ бодасига чанқоқлигини қуйидагича баён этган:

*Уйла ишқинг майи лабташнасименким, ичман
Оз дебон, бодам учун бўлса фалак жоми ино.*

Ҳаттоки фалак жоми бу ишқ бодасининг жоми бўлишга кичиклик қилгани – Навоийнинг ишқ йўлидаги мақоми ва иштиёқи нақадар улуғлигини кўрсатувчи тимсол. Ишқнинг дарди – бошқа дардлардан фарқли ўлароқ, қалб саломатлиги, руҳ қуввати ва имон мустаҳкамлигининг асосидир. Шу сабабли, бу дарддан фориг бўлиш ўрнига, ранжу меҳнатлари янада қаттиқроқ бўлишини истаб, шоир ёзади:

*Ишқ меҳнатлари таркини буюрманг мангаким,
Мужибси сихҳату қувватдурур ул ранжу ано.*

Муҳаббат дардига чалинган инсон кўпгина руҳий иллатлар ва ахлоқий қусурлардан қутулади. Ҳақиқий ошиқ замирида риё, ёлғон, манманлик, такаббурлик, ўзбилармонлик, алдов каби нуқсонларга жой қолмайди. Ошиқлар хоксорлик, фидойилик, садоқат, аҳдга вафо қилиш, ризо, шукроналик каби гўзал хислатлар билан сифатланган кимсалардир. Ҳақ йўлидаги солиқлардан бири Иброҳим Адҳам буюрадиким, “биргина гуноҳ юзта тоат-ибодат савобини беҳудага кеткизади. Риё – гуноҳдан оғирроқдир”. Шу сабабли, риёкорликда “мурид овлаш” билан умрини беҳудага сарфлайдиган сохта шайхларнинг хонақоҳидан кўра фано дайридаги муғбачалар жилваси, яъни халқ кўзи учунмас, Ҳақ ризолигини қўлга киритиш учун ибодат қиладиган, сўзи амали билан бир хил бўлган фонийваш инсонлар билан суҳбат қуриш, уларнинг баракотидан баҳраманд бўлиш афзалроқ:

*Хонақоҳ ичра эрур шайху ўзин кўрсатмак,
Эй хушо, муғбачалар жилвасию дайри фано.*

“Ғаройиб ус-сиғар” девонининг илк ғазали арабча мисра (“Ашрақат мин акси шамсил-каъси анвор ул-ҳудо”) билан бошланган бўлса, “алиф” туркумидаги ғазалнинг сўнгги мисраси ҳам араб тилида ёзилган. Фотиҳа ғазалида азал соқийси “Ишрабу ё айюҳал-атшон!” (“Эй ташналар, ичинг”) деб ҳидоят шаробидан ичишга даъват этган бўлса, мазкур ғазалда соқийга мурожаат қилиб, “бизга фано шаробидан бер” мазмунидаги илтижо бор:

*Жуз Навоий бариға жоми каромат туттунг,
Айюҳас-соқий, мин ал-каъси фано айна лано?*

**“ЗИҲИ, ВИСОЛИНГГА ТОЛИБ
ТУТУБ ЎЗИН МАТЛУБ...”**

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 40-ғазал

*Зиҳи, висолингга толиб тутуб ўзин матлуб,
Муҳаббатидин отингни ҳабиб атаб маҳуб.*

*Уружунг ақшоми бўлмай тўқуз сипеҳр ҳижоб,
Юзунг хижолатидин меҳр ўлуб вале маҳжуб.*

*Ўт ичра тушса бўлур нисбати самандардек
Кишики, ишқинг ўтиға ўзин қилиб мансуб.*

*Итинг ҳисобиға кирган ҳисоб вақтида,
Агарчи журми эрур беҳисоб, эмас маҳсуб.*

*Китобат этмаганингдин қаламда нол эрмас
Ки, тушти кўнгли аро тоб уйлаким мактуб.*

*Либоси мотам аро қолди то абад соя
Ки, меҳридин нега ёнингда бўлмади масҳуб.*

*Мутиғи амринг агар подишоҳ, агар сойил,
Гадои хонинг агар ҳушманд, агар мажзуб.*

*Ажаб йўқ олса кўнгул ҳушин ул ики гесу,
Бу бўлса силсила, кўп телбани қилур мағлуб.*

*Тиласа равзани зоҳид, Навоийю кўюнг
Ки, ҳар киши ани истарки, бор анга марғуб.*

ЛУҒАТ

Толиб – талабгор

Матлуб – талаб қилинувчи

Ҳабиб – севикли ошиқ

Маҳуб – севикли маъшуқ

Уруж – юксалиш; меърож ҳодисаси

Сипеҳр – осмон

Меҳр – қуёш

Маҳжуб – яширинган

Самандар – олов ичида яшайдиган бир нав жонзот

Журм – гуноҳ, хато

Маҳсуб – ҳисобга олинган

Нол – қалам ичидаги қил

Масхуб – суҳбатдош
Сойил – гадо, тиланчи
Мажзуб – девона
Гесу – соч, зулф
Силсила – занжир
Равза – жаннат боғи
Марғуб – рағбат билдирилган

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф
 V-V- VV-- V-V- VV-
 V-V- VV-- V-V- VV-
 Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун.

НАСРИЙ БАЁН

- Эй расулуллоҳ, қандай яхшики, висолига барча толиб Зот сенинг дийдорингни истабди. Сенга муҳаббати зиёда бўлгани боис сени ҳабиб – ёр деб атади.
- Меърож кечаси тўққиз фалак пардаси кўтарилди, аммо қуёш порлоқ юзинг хижолатидан ўзини пинҳон тутди.
- Кимки ўзини ишқинг ўтига мансуб деб билса, самандар каби оловга тушса ҳам ёнмайди.
- Қиёмат куни амаллар ҳисоб қилинаётган пайтда ҳаттоки хато ва гуноҳлари беҳисоб бўлган ит қавмидаги кимсаларнинг ҳам гуноҳи кечиради.
- Қалам ичидаги қил эмас, балки уни қўлингга олмаганингдан юрагига нома каби тоб тушибди.
- Соя сен билан суҳбатдош бўлмаганидан қиёматгача мотам либосида қолди.
- Шоҳлар ҳам, гадолар ҳам сенинг амрингга тобе, оқилу девона сенинг маърифатинг дастурхонига муҳтождир.
- Икки зулфинг кўнгил ақлу ҳушдан жудо қилса, ажаб эмас, зотан, бу каби занжир кўп девоналарни мағлуб қилади.
- Зоҳид жаннат боғини тиласа, Навоий – кўйинг талабида. Ким нимани яхши кўрса, ўшани истайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

“Бе” ҳарфи туркуми наът ғазал билан бошланади. Мазкур ғазалнинг дастлабки беш байтида иштиқоқ (бир ўзакдан ҳосил бўлган сўзлар туркумини шеърда келтириш) санъатининг гўзал намунасини кўрамиз. Толиб ва матлуб, муҳаббат, ҳабиб ва маҳбуб, ҳижоб ва маҳжуб, нисбат ва мансуб, ҳисоб, беҳисоб ва маҳсуб, китобат ва мактуб каби сўзлар араб тилининг ички флексия қонуниятлари асосида ҳосил қилиниб, сўзларнинг шаклий ўзгариши орқали янги маъно ва мазмун пайдо бўлишига имкон яратган. Лафзий санъатлар туркумига кирадиган иштиқоқ санъати Навоийнинг фусункор қалами ёрдамида муштарак – ҳам лафзий, ҳам маънавий санъатлар хусусиятини касб этган.

Матлаъда иштиқоқнинг намунаси сифатида келтирилган “ҳабиб” сўзи ўз навбатида ҳадиси шарифнинг мазмунига ҳам ишора қилади. “Сунани Термизий”да Аббос ибн Абдулму-

таллибдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, бир куни саҳобалар пайғамбарни кутиб ўтирардилар. У зот чиқиб, саҳобаларга яқинлашганларида, улар Иброҳим Халилуллоҳ, Мусо Нажиюллоҳ, Исо Рухуллоҳ, Одам Сафияллоҳ каби пайғамбарларни эслашиб, сифатлаётганларини эшитиб қоладилар. Пайғамбар салом бергач, суҳбатга қўшиладилар ва уларнинг сўзларини тасдиқлаб, илова қиладилар:

“Огоҳ бўлингким, мен Аллоҳнинг Ҳабибиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни ҳамд байроғини кўтарувчи ҳамда биринчи шафоат сўровчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни биринчи шафоат қилинувчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен жаннат ҳалқаларини биринчи ҳаракатга солувчиман. Бас, Аллоҳ уни (айнан) мен учун очар ҳамда мени ва менинг умматимнинг фақирларини унга киргизар. Мен аввалгилар ва охиргиларнинг энг мукарраман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ”.

Расулуллоҳнинг ҳабиблиги, Ҳақиқий Маҳбуб олдидаги юксак мақоми ва даражасидан фахрланган шоир ёзади:

*Зихи, висолингга толиб тутуб ўзин матлуб,
Муҳаббатидин отингни ҳабиб атаб маҳбуб.*

Иккинчи байтда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мўъжизаларидан бири – Меърож ҳодисаси тилга олинади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Ҳадис ва ҳаёт” туркумидаги “Нубувват ва рисолат китоби” да меърож ва исро ҳодисаси тўғрисида куйидаги маълумотларни келтиради:

“Муҳаддислар ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу васаллам хуфтон намозидан сўнг Умму Ҳониъ бинти Абу Толибнинг уйида ухлаб ётганларида Исро ҳодисаси бошланди. Ўша кечада Байтул Мақдисга Буроқ номли тулпорга миниб бордилар. Сўнгра у ердаги катта харсангтош устида турганларида Меърожга кўтарилдилар.”

Меърож ҳодисаси кечаси содир бўлгани, оламга ёруғлик ва ҳарорат бағишловчи қуёш ўз меҳри ва раҳмати билан кўнгилларга нур, ёруғлик ва ҳаёт бағишлайдиган пайғамбар мунаввар дийдоридан андиша қилиб, ўзини пинҳон тутгани шоир томонидан куйидагича изҳор этилган:

*Уружунг ақшоми бўлмай тўқуз сипеҳр ҳижоб,
Юзунг хижолатидин меҳр ўлуб вале маҳжуб.*

Ислом дини қарор топгандан кейин бошқа динлар, жумладан оташпарастлик дини ботил-бекор бўлди. Кўнглида илоҳий муҳаббат ўти ёнган кишига бошқа оловлар писанд эмас. Бунга авлиёларнинг ҳаёти мисол бўла олади.

“Насойим ул-муҳаббат” да келтирилишича, Абуладён исмли авлиё бир куни бир мажусий билан мунозара қилаётган чоғида айтди:

– Олов фақат Ҳақ таоло амри билан куйдирур.

Мажусий айтди:

– Агар менга буни исботлаб берсанг, сенинг динингга кирардим.

Бу ишга қарор бердилар ва катта бир гулхан ёқдилар. Гулхан чўғга айлангач, ерга ёйдилар. Шайх жойнамоз устида намозга машғул эди. Намоздан фориф бўлгач, ўтга кирди ва унга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмади. Мажусийга деди:

– Шу етарлими ёки яна ҳам ўт ёқармусен?

Мажусий мусулмон бўлди. Шайх сўзининг охирида юзини беркитди ва ўтдан чиқди.
Маълум бўладики, пайғамбаримиз келтирган Ҳақ динга чиндан имон келтирган, Аллоҳ таоло ва унинг Расулига муҳаббат қўйган одамга дўзах олови ҳам таъсир қилмайди. Аксинча, ногоҳ оловга тушган тақдирда ҳам самандар каби янги ҳаёт топади

*Ўт ичра тушса бўлур нисбати самандардек
Кишики, ишқинг ўтига ўзин қилиб мансуб.*

Тўртинчи байтда пайғамбаримизга берилган шафоат мўъжизаси ҳақида сўз юритилди. Меърож кечасида Аллоҳ таоло ўз ҳабибига қиёмат куни ўз умматининг гуноҳини кечирилишини сўраб шафоатчи бўлишига рухсат берган. Бу ҳақда Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда қатор далиллар мавжуд. Шу сабабли, пайғамбарга уммат бўлган ҳар қайси банда, ҳаттоки итфеъл қавмга мансуб бўлса ҳам бу зотнинг шафоатидан умидвор:

*Итинг ҳисобиға кирган ҳисоб вақтида,
Агарчи журми эрур беҳисоб, эмас маҳсуб.*

Ғазалнинг кейинги байтларида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг уммий – хат саводсиз бўлгани ҳолда сўзнинг энг олий мўъжизаси – Қуръони Каримни халққа етказгани, фасоҳат ва балоғат бобида беназир бўлган ҳадиси шарифлари қиёматгача инсоният учун энг муҳим дастуруламал экани, тириклик пайтида доим бошига булут соябон бўлиб, соясиз юргани, бу зотнинг буюрган амрларини шоҳу гадо – барча инсоният бўйинсуниши, унинг маърифатига ҳамма муҳтож эканлигини баён этиб, мақтаъда Навоий кўнглидаги энг катта орзуларидан бири – ҳаж зиёратини адо этиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг муборак равзаларини зиёрат этишни изҳор этади:

*Тиласа равзани зоҳид, Навоийю кўюнг
Ки, ҳар киши ани истарки, бор анга марғуб.*

**“ИККИ ЎТЛУҒ НАРГИСИНГКИМ,
ҚИЛДИЛАР БАҒРИМ КАБОБ...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 41-ғазал

*Икки ўтлуғ наргисингким, қилдилар бағрим кабоб
Биридур айни хумор ичинда, бири масти хоб.*

*Тийғ тортиб дам ола олмай етиштинг бошима,
Гўйиё хуршид янглиғ йўлда кўргуздунг шитоб.*

*Офариниш баски аҳволимға йиғлар ҳар кеча,
Ашк дарёси эрур гардуну кавкаблар хубоб.*

*Толпнурмен ашк аро ҳар дамки, тишлар лаълини
Ким, тенгизга тушса, жон ваҳмидин айлар изтироб.*

*Ранжу заъфим бўлмиш андоқким сўрар келган улус,
Ҳолим айларлар суол, аммо эшитмаслар жавоб.*

*Неча тасбиҳинг ҳисоби, зоҳидо, ич бодаким,
Сену мендекларга худ бу коргаҳда не ҳисоб.*

*Гар карам дарёсининг мавжи будурким, чоғладим,
Қони ўз бўйниға, ким ишратдин этса ижтиноб.*

*Ич, Навоий, майки фаҳм эттук табиби ишқдин,
Ғуссаву ғам заҳриға тарёк эмиш ёқути ноб.*

*Хосса базмиким қуёш жомин шафақ роҳи била
Элга тутқай хусрави анжумсипоҳи Жам жаноб.*

ЛУҒАТ

Офариниш – Борлиқ

Гардун – осмон

Кавкаб – юлдуз

Хубоб – сув пуфакчалари

Заъф – заифлик, бемадорлик

Суол – савол, сўроқ

Коргаҳ – меҳнатхона; маж: дунё

Карам – саховат

Ижтиноб – ўзни узоқ тутиш, парҳез қилиш

Тарёк – заҳарни ҳайдовчи дори

Роҳ – май, шароб

Анжумсипоҳ – қўшини юлдузлардек беҳисоб, шавкатли

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Менинг бағримни кабоб қилган наргис кўзларинг бири хумор бўлса, бириси маст уйкуга кетган.
- Бошимга қуёш нурининг тезлигида келиб, тиғ тортдинг, менга бир дам ҳам фурсат бермадинг.
- Менинг аҳволимга бутун борлиқ ҳар кеча йиғлайверганидан осмон йиғи дарёсига, юлдузлар сув устидаги пуфакчаларга ўхшаб қолган.
- Денгизда чўкаётган одам лабларини надомат билан тишлаганча жон талвасасида ҳаракат қилгани каби кўз ёшларим дарёсида талпинавераман.
- Дард ва заифликдан шундай бир ҳолга тушганманки, ҳолимни сўраган одамларга жавоб беришга мажолим йўқ.
- Эй зоҳид, қачонгача тасбиҳ доналарини ўгириб ўтирасан? Бу дунёда сени менга ўхшаганлар беҳисоб, шундай экан бода ичсанг бўлмайдими?
- Аллоҳнинг лутфу марҳамати дарёси мен кутгандек тўлиб-тошиб мавж ураверса, кимки айшу ишратдан парҳез қиладиган бўлса, қони ўз бўйнига қолади.
- Эй Навоий, бода ичким, ишқ табиби қайғу ва ғусса захрига фақат эритилган ёқутдек бода даво бўлишини тавсия этди.
- Айниқса, Жамшид остонасида қуллик қилиб турган шавкатли подшоҳ базмида қуёш жомида шафақ рангли бода ўзгача кайфият бағишлайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Назмий ифода ва баён усуллари ғазалда табиий қўлланилса, ҳар бир сўз бадий санъат даражасига кўтарилади. Жуда кўп истиора ва ташбиҳлар, тажнис ва муболағалар ўз ўрнида ишлатилмагани сабабли матн ичида бегона унсурдек бўлиб қолаверади. Аксинча, ҳақиқий бадиият мезонларига жавоб берадиган санъат асарларида лафзий ва маънавий санъатлар табиий равишда қўлланилгани сабабли матн таркибига шундай ажойиб сингиб кетганки, ўқувчи шуурида ортиқча такаллуф ва жимжимадорликдан ҳосил бўладиган ёқимсиз кайфият пайдо бўлмайди. Таҳлил қилаётганимиз ғазал – ана шундай юксак сўз санъатининг намуналаридан бири.

Матлаъда ҳаққоний ҳаёт манзараси тасвирланган: тонготаргача давом этган базмдан кейин эрталаб туролмаётган ёр бир кўзи юмуқ, иккинчи кўзини зўрға очиб, ҳолини сўрашга келган ҳабибига назар солмоқда. Ёрининг шароб хуморидан боши оғриб, уйкуси чала қолган ошиқнинг ҳоли хароб, бағри кабоб бўлганини истиора ва тавсиф (икки ўтлуғ наргис), жамъ ва тақсим (икки наргис – биридур айни хумор ичра ва биридур масти хоб), ташбиҳ (бағрим кабоб) каби маънавий ва лафзий санъатлар воситасида гўзал ифодалаган:

*Икки ўтлуғ наргисингким, қилдилар бағрим кабоб
Биридур айни хумор ичинда, бири масти хоб.*

Кейинги икки байтда муболаға унсурлари етакчилик қилади. Уйқудан эрта уйғотган ошиқни ғазаб билан жазолаган маҳбубанинг сарзаниш тиғи қуёш нурига ўхшатиш бўлса, учинчи байтда иғроқнинг янги намунасини кўрамиз:

*Офариниш баски аҳволимға йиғлар ҳар кеча,
Ашк дарёси эрур гардуну кавкаблар ҳубоб.*

Ҳижрон кечалари осмон ошиқнинг афтода ҳолига йиғлаб, ёмғирдан дарёларни оқишиб турган пайтда юлдузлар дарё устидаги сув пуфакчаларига ўхшаб қолган. Ошиқнинг кўзёшлари ва ёмғир сели қўшилиб, сув сатҳи юлдузларгача кўтарилгани ишқ қийноқлари ва исканжасини бўрттириб кўрсатган. Бу денгиз ичида қолган ошиқ ёрнинг лаълини қўлга

киритиш учун жон талвасасида талпинади. Унинг муроди ёрнинг лаъли лабига етишмоқ бўлса-да, “денгизда ғарқ бўлаётган киши жонини сақлаш учун ҳаракат қилади” мазмунида узрхоҳлик қилади. Ҳусни таълил (чиройли сабаб кўрсатиш орқали далиллаш санъати), иғроқ ва истиора бирлигидан ажойиб шоирона тасвир ҳосил бўлган:

*Толпнурмен ашк аро ҳар дамки тишлар лаълини,
Ким тенгизга тушса, жон ваҳмидин айлар изтироб.*

Ашк денгизи ичра қолган ошиқнинг ёр лаълини кўлга киритиш йўлидаги интилиш ва талпинишлари беҳуда. Чунки ғусса ва қайғу ҳужумидан унинг вужуди шунчалар бемадор бўлиб қолганки, ҳаттоки унинг аҳволини сўраган одамларга жавоб беришга мадори қолмаган. Қолаверса, ишқ дардидан беҳабар улус унинг аҳволига ғамхўрлик қилиш нияти ҳам йўқ. Дард нималигини дард чеккан билади, деганларидек, ишқ дардидан беҳабар одам муҳаббат беморининг ҳолидан беҳабарлигича қолаверади:

*Ранжу заъфим бўлмиш андоқким сўрар келган улус,
Ҳолим айларлар суол, аммо эшитмаслар жавоб.*

Кейинги икки байтда шоир лирик адабиётнинг асосий тимсолларидан бири – зоҳид билан мунозарага киришади. Унинг талқинига кўра, зоҳид дўзах хавфи ва жаннат умидида тасбиҳ доналарини ўгириш билан овора. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло ҳузурда муҳаббатсиз ибодатнинг қадри йўқ. Аллоҳнинг ғазабидан кўрққан киши унинг раҳматидан кўпроқ умидвор бўлиши керак. Луқмони ҳаким фарзандига шундай насиҳат қилган экан: “Аллоҳдан кўрқ, унинг макридан ҳамиша ҳазир бўл; аммо раҳмат ва мағфиратига бўлган умидинг кўрқувингдан кўпроқ бўлсин”. Карам – жазо беришга қодир бўлган пайтда кечирмоқ ҳамда ҳисоб пайти енгиллик бериш демақдир. Илоҳий карам дарёси мавж урганини кўрган киши ўз амаллари ҳисобигамас, Унинг карам ва мағфиратига назар солиб яшаши тўғрироқ бўлади:

*Гар карам дарёсининг мавжи будурким, чоғладим,
Қони ўз бўйниға, ким ишратдин этса ижтиноб.*

Кейинги икки байт май таърифига бағишланган. Биринчи байтда ишқ табиби шаробни ғусса ва қайғу захрини кетказувчи тарёк сифатида тавсия қилгани айтилса, иккинчи байтда бундай хусусият “хусрави анжумсипоҳи Жамжаноб” базмидаги шароб айни шу хусусиятга эгаллиги таъкидланади. Биринчи назарда бу байтлар Султон Ҳусайн Бойқаронинг шароб базмларининг бирига бағишлаб ёзилгандек таассурот қолдиради. Аммо тарихий ҳақиқат шуни кўрсатадики, Навоий ҳамиша ўз султонини шароб ичишдан қайтаришга ҳаракат қилган. Жумладан, “Муншаот” даги 11-сонли мактубида шундай ёзади:

“Ва чоғирни “уммулхабоис” (барча ёмонликнинг онаси – ҳадис) дебдурлар. Жамъи ёмонлиғ андин мутаваллид бўлур (туғилади)... Ва илтимос будурким, агар муяссар бўлур – куллий (буткул) ва агар муяссар бўлмаса, улча мақдурдур (имкон борича), бу икки ишта (яъни зулм қилмаслик ва шароб ичмаслик) кўшиш (ҳаракат) қилгайсиз”.

Жасорат билан шоҳни майхўрликдан қайтаришга уринган одам чоғир базмини васф этиши мумкинмиди? Йўқ, албатта. Навоий бу ерда бода деганда “Ашрақат...” ғазалининг таҳлилида кўрсатиб ўтганимиз – маърифат майи ҳамда “хусрави анжумсипоҳи Жамжаноб” деганда подшоҳлар Подшоҳи – Ҳақ таоло ҳузурини назарда тутган:

*Ич, Навоий, майки фаҳм эттук табиби ишқдин,
Ғуссаву ғам захриға тарёк эмиш ёқути ноб.*

*Хосса базмиким қуёш жомин шафақ роҳи била
Элга тутқай хусрави анжумсипоҳи Жамжаноб.*

**“ГУЛ КИБИ ЮЗУНГДА ТЕР ФАРД
ЭТТИ ХУШУМДИН МЕНИ...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 42-ғазал

*Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб,
Деди: кўрким Қавс буржидин туғунтур офтоб.*

*Бир лабинг жон олди андоқким, бириси билмади,
Эмдиким билди ароларида бордур шаккароб.*

*Ғар фалак қошинг била баҳсе ҳилолидин қилур,
Бир деса пайваста, жоно, эшитур икки жавоб.*

*Гул киби юзунгда тер фард этти хушумдин мени,
Ғарчи беҳуш элга хуш учун муқаввийдур гулоб.*

*Ким сиришким кўрди, маълум этти ишқим ҳосилин,
Дона бирла уйлаким эл нақдини айлар ҳисоб.*

*Не чамандур буки ҳасрат суйию дард ўтидин
Парвариш топмиш қаю бир гулдаким, бор обу тоб.*

*Ғар Навоийнинг куюк бағрида қондур, не ажаб,
Хомсўз ўлур ёлин узра тушуб куйган кабоб.*

ЛУҒАТ

*Қавс – осмондаги ўн икки бурждан тўққизинчи бурж номи (23-ноябрь – 21 декабрь)
Фард этмоқ – айирмоқ, жудо қилмоқ
Муқаввий – кучайтирувчи, қувват берувчи
Сиришк – кўз ёш
Нақд – бойлик
Хомсўз – чала пишган
Ёлин – олов, чўғ*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V--- -V--- -V--- -V-
-V--- -V--- -V--- -V-
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

• Юзинг очилган пайтда қошу Юзингни кўрган мунажжим: “Офтоб қавс буржидан туғилибди”, деди.

- Жонимни бир лабинг шундай олдиким, иккинчиси билмай қолди. Ниҳоят билганидан кейин ораларида тортишув кетяпти.
- Агар фалак ўз ҳилоли билан қошингга тенглашмоқчи бўлса, бир деганда иккита кетма-кет жавоб олади.
- Гул каби юзингда оққан тер мени ҳушимдан айирди. Ҳолбуки, гулоб хаста юракка қувват беради.
- Эл ғалла ҳосилини йиққанда бойлигини ҳисоблагандек, ишқ туфайли топган бойлигимни билмоқчи бўлсанг, ашқимнинг беҳисоб доналарига назар сол.
- Бу қандай чаманки, қайси чиройли гулга назар солсанг, ҳасрат суви ва дард ўти билан яшнаганини кўрасан.
- Навоийнинг куйган бағри тўла қон бўлса, ажабланма, чунки чўғ устига тушган кабоб парчаси чала пишиб, ичи хомлигича қолади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мунажжимлар тушунчасича, еттита сайёрадан ҳар бирининг ўз шараф уйи – толе буржи бўлиб, сайёра ана шу буржда саодатга эришади, яъни сайёра ўзининг шараф уйида бўлган вақтида Ер юзида тинчлик ва осойишталик ҳукм суради. Шунингдек, сайёралар ўз шараф уйида қайта янгиланади ва қайта туғилади. Қуёшнинг шарафи Ҳамал буржида, Ойники – Савр буржида, Муштарийники – Саратон, Зухраники – Ҳут, Уторидники – Сунбула, Миррихники – Жадй, Зуҳалники – Мезон буржида ҳосил бўлади.

Ғазал матлаъида ана шу илмий далилга нозик шоирона ишора бор: Қуёш Қавс буржига киргандан кейин энг қисқа кунлар бошланади. Қолаверса, Қавс бирорта сайёранинг шараф буржи ҳам эмас. Буларни билган мунажжим ёрнинг порлоқ юзи ва қавс – ёйдек қайрилма қошини кўрганида довдираб, “Қуёш Қавс буржида қайта янгиланди”, деб юборади. Шоир бир томондан мунажжимларнинг ёлғончилигига ишора қилса, иккинчи томондан, ёрнинг гўзал чеҳрасига коинотнинг бирор мавжудоти тенг келолмаслигини, унинг ҳусну малоҳати фавқулодда ва фавқуттабий даражада эканлигини қайд этади:

*Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб,
Деди: кўрким, Қавс буржидин туғуптур офтоб.*

Бундай кайҳоний ўхшатишларни учинчи байтда ҳам мушоҳада этамиз: фалакда агар битта ҳилол бўлса, ёрнинг иккита пайваста “ҳилол”и – қоши бор. Ҳусн бобида унинг биргина қошлари осмондаги ойдан икки ҳисса кўп бўлган ёр ошиқ учун жондек азиз:

*Гар фалак қошинг била баҳсе ҳилолидин қилур,
Бир деса пайваста, жоно, эшитур икки жавоб.*

Мутафаккир шоир олдинги байтларда нужум илмининг далилларидан шоирона тасвирлар яратган бўлса, тўртинчи байтда тиббиётга оид кичик бир деталдан оҳорли бир ташбиҳ яратади. Биламизки, гулоб – гул қайнатмасининг буғидан ҳосил бўладиган ичимлик бўлиб, уни истеъмол қилиш юрак фаолиятини яхшилайдди. Ҳушидан кетган одамнинг юзига гулоб сепилса, ўзига келади. Шунга асосланиб, байтда ёрнинг гулдек юзидаги тер гулобга ўхшатилади. Гулоб аслида юракка қувват берувчи бўлса ҳамки, бу гулоб бошқача гулдан олинган. Шу сабабли, ошиқнинг кўнгли бу гулоб (тер)нинг таъсиридан беҳол бўлиб, ҳушидан айрилади:

*Гул киби юзунгда тер фард этти ҳушумдин мени,
Гарчи беҳуш элга ҳуш учун муқаввийдур гулоб.*

Олтинчи байтда гул тимсоли бошқа бир фалсафий маънони ифодалаш учун хизмат қилган. Шоирнинг хулосасига кўра, дунё чаманига назар солган киши ранги айни тобида бўлган гуллар – инсонлар бошқалардан яққол ажралиб туришига гувоҳ бўлади. Жамиятнинг гуллари – Шахслар ҳасрат суви ва дард ўти туфайли шундай мақомга эришганлар. Азизиддин Насафий бу ҳақда шундай ёзади: “Комил инсоннинг камолоти ва улуғворлигини эшитдинг, энди шуни ҳам билки, бу комил инсон шунчалик камолоти ва улуғворлиги билан куч-қудрати йўқ ва у ночорлардай ҳаёт кечиради. Қаноат ва осойишталик билан муроса қилиб умр ўтказади. У илм ва ахлоқда комилдир, аммо қудрат ва бахтиёрлик жиҳатидан ноқисдир.

Эй дарвеш! Вақти келиб, комил инсон қудрат ва ҳокимият эгаси бўлар, ё ҳоким ёки подшоҳ бўлар. Аммо одамзоднинг қудрати (барибир) чексиз эмас, чегаралангандир. Агар чуқурроқ ўйлаб қарасанг, ҳақиқатда инсоннинг қудратидан кўра ожизлиги, бахтидан кўра бахтсизлиги кўпроқ.

Анбиё ва авлиёлар, подшоҳлар ва султонлар жуда кўп нарсаларнинг бўлишини хоҳлар эдилар, лекин улар бўлмади. Кўп нарсаларнинг бўлмаслигини хоҳлардилар, бироқ улар бўлди. Бинобарин, барча одамлар — комил ёки ноқис бўлсин, доно ёки нодон бўлсин, подшоҳ ёки раият бўлсин ожиз ва чорасиздирлар. Уларнинг бахтсиз кунлари кўпроқ”. Ана шу ҳаётий ҳақиқатни англаган комил инсонлардан бири – Алишер Навоий бу ҳақдаги фикрини қуйидагича ифодалаган:

*Не чамандур буки ҳасрат суйию дард ўтидин
Парвариш топмиш қаю бир гулдаким, бор обу тоб.*

“ЖОН БЕРУРМЕН ҚАЙРИЛУР ЧОҒДА КЎРУБ БЕЛИДА ПЕЧ...”

“Ғаройиб ус-сиғар”, 43-ғазал

Чобукеким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб,
Барқи ломиъдур саманди гарди андоқким саҳоб.

Ўқи рашкидин эрур кўксум аро кўнглум қуши,
Ул кабутарким, қабақ ичинда қилғай изтироб.

Отса ўқ ул қоши ё юз печ урар жон риштаси
Ким, манга ҳирмону онинг ўқиға еткай таноб.

Ногаҳон отқайму деб, бир ўқ қабақ шакли била
Боши устига келур майдонда ҳар кун офтоб.

Ул қуёштин бошқа ким отқай қабақ, ваҳ кўрмадук
Ахтари саъдеки, ҳар дам зоҳир эткай бир шиҳоб.

Жон берурмен қайрилуր чоғда кўруб белида печ,
Ўлса тонг ўқ улки, жони риштасиға тушса тоб.

Кимки саркашрак, ҳаводис ўқиға кўпрак ҳадаф,
Ушбу ҳолатни қабақ аҳволидин қилғил ҳисоб.

Эй Навоий, чун ўқи ҳар дам фалак майли қилур,
Сен оти гардига қониъ бўлки, бордурсен туроб.

ЛУҒАТ

Чобук – чаққон
Барқи ломиъ – порлоқ яшин
Саманд – учқур от, саман оти
Саҳоб – булут
Қабақ – нишон
Қоши ё – қайрилмақош, қошикамон
Ҳирмон – маҳрумлик
Таноб – камоннинг ипи
Ахтари саъд – толе юлдузи
Шиҳоб – учра юлдуз
Ҳаводис – ҳодисалар, муаммолар
Ҳадаф – нишон, мўлжал
Қониъ – қаноат қилувчи
Туроб – тупроқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V--
-V-- -V-- -V-- -V--
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун

НАСРИЙ БАЁН

- Майдонда жавлон уриб, ҳар томон от сураётган чобуксуворимнинг саман оти порлоқ чақинга, отининг туёғи остидан чиқаётган чангу ғубор булутга ўхшайди.
- Кўксимдаги кўнглим қуши ўқ отишни машқ қилиш учун қабаққа – тик ходага бойланган кабутардек ўқининг рашкидан изтироб чекиб, типирчилайди.
- Қошикамоним ўқ отганда, камоннинг ипи ўқини ўпдию, бу бахтдан нега мен маҳрум бўлдим, деб жоним томирига минг тоб тушади.
- Қуёш зора мен томонга ҳам бирор ўқ отар деган умид билан ҳар куни қабақ шаклида ёрим боши устига келмоқда.
- Қуёш юзли ёримдан ўзга яна кимнинг ўқи нишонга тегарди?! Учар юлдуздек суръат билан ҳар дамда ўқни нишонга етказадиган ундан ўзга толе юлдузини бошқа кўрмаганмиз.
- Бурилиб қараганда белининг қайрилганини кўрганим ҳамано жоним чиқиб кетгудек бўлади. Зотан, кимнинг жон риштасига тоб тушса, ўлиб қолиши ажабмас.
- Кимки саркашроқ бўлса, кўп нохушликларнинг мўлжалига айланиб қолади. Бу ҳолатни қабақ аҳволини кўриб, хулоса чиқаринг.
- Эй Навоий, ёрнинг отган ўқи фалакни нишонга олган. Сен асли бир сиқим хоки тупроқсан, бинобарин ёр отининг туёғидан кўтарилган ғуборга қаноат қилгин.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоий лирикасида муайян муносабат билан ёзилган ғазаллар талайгина. Шоир кундалик ҳаётдаги аниқ бир воқеа ё ҳодисани қаламга оларкан, сўз санъати ёрдамида маҳоратли мусаввирдек завқли ҳаёт лаҳзасини абадиятга муҳрлайди. Мазкур ғазалда ўқ отиш машқига чиққан маҳбубнинг маҳорати ҳамда лирик қаҳрамоннинг мафтунлиги тасвирланган. Матлаъда машқ майдонида ҳар томон от суриб, эпчиллигини намоён этаётган чобуксувор маҳбубнинг саман оти туёғидан кўтарилган чанг осмонни булутдек қоплагани, отнинг ўзи эса порлоқ чақиндек ҳар замонда ушбу чанг булутни ичра намоён бўлиши таърифланади:

*Чобукеким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб,
Барқи ломиъдур саманди, гарди андоқким саҳоб.*

Чавандоз шитоб билан от суриш баробарида қабақ – хода устида ўрнатилган айлана ичидаги кабутарни мерганлик билан нишонга олмоқда. Бошқа томошабинлар ўқнинг нишонга тегишига мухлислик қилсалар, жоннисор ошиқнинг кўнгли қабақ ичида ҳар томонга ўзини ураётган кабутар каби сийна қафаси ичра ёр ўқига нишон бўлиш изтироби ва рашкида типирчилайди:

*Ўқи рашкидин эрур кўксум аро кўнглум қуши,
Ул кабутарким, қабақ ичинда қилғай изтироб.*

Учинчи байтда яна бир гўзал тасвирга гувоҳ бўламиз: ёрнинг қайрилма қоши ёйга, ошиқнинг жон риштаси – ёйнинг танобига ўхшатилади. Қошикамон ёр ўқ отганда, камоннинг ипи ўқини ўпдию нега мен бу бахтдан маҳрум бўлдим, дея ошиқ жонига тоб тушиб, ўлар

ҳолатга келади. Ёй, қош ва жон риштаси учлиги яхлит ошиқона маънони ифодалашга хизмат қилган:

*Отса ўқ ул қоши ё юз печ урар жон риштаси
Ким, манга ҳирмону онинг ўқиға етқай таноб.*

Ёрнинг мерганлиги фақат лирик қаҳрамонни эмас, балки бутун борлиқни ҳайратга солган. Унинг нишонига айланишни ўзига шараф деб билган қуёш ҳам осмонда қабақ шаклида умидвор бўлиб турибди. Муболағали ташбиҳ асосида қурилган ушбу байт ҳусни таълил санъатининг юксак намунасидир. Шоир ёрнинг мерганлик бобидаги маҳоратини асослаш учун қабақ шаклидаги қуёшни далил сифатида келтирган. Бу – айтилган фикрни қувватлаш учун поэтик далил вазифасини бажариб, матлабга ташбиҳий йўсинда (қуёш ва қабақнинг шаклий ўхшашлиги) боғланган:

*Ногаҳон отқайму деб, бир ўқ қабақ шакли бил
Боши устига келур майдонда ҳар кун офтоб.*

Олтинчи байтда яна жон риштасига тоб тушиши ҳақида сўз боради. Тиб илмидан маълумки, жон томирида тоб тушиши томирда қон ивиб қолиши ҳамда ўлим хавфини пайдо қилади. Ёрнинг нозик бели ўқ отиш жараёнида қайрилиб кетиши лирик қаҳрамонни ўлар ҳолатига келтиради. Унинг жон томиридек азиз ва нозик бели озор чекишидан чеккан хавотир ўзида ҳалокатли ҳолатни пайдо бўлиши тасвири ҳусни таълилнинг янги намунасини вужудга келтирган:

*Жон берурмен қайрилур чоғда кўруб белида печ,
Ўлса тонг йўқ улки, жони риштасиға тушса тоб.*

Қабақ – нишон олдинги байтларда ёрнинг мерганлик маҳоратини васф этиш йўлида қўлланилган бўлса, еттинчи байтда ушбу тимсол орқали шоир чуқур фалсафий ҳикматни ифодалаган. Исломнинг луғавий маъноси тинчлик ҳамда Аллоҳнинг буюрганларига таслим бўлишдир. Шайтон сўзи эса араб тилида бўйсунмас, саркаш маъноларини англатади. Шоир айтмоқчи, кимки Раҳмоннинг буюрганини тарк этиб, бўйсунмасдан саркашлик қилса, кўплаб бало ва офатларга йўлиқади. Бунга эса шамолнинг эсишига қараб, ҳар томонга тебранадиған қабақ қисматини мисол келтириб, оддий кўринган бир ҳолатдан бутун умрга татиғулик сабоқ олишга чақиради:

*Кимки саркашрак, ҳаводис ўқиға кўпрак ҳадаф,
Ушбу ҳолатни қабақ аҳволидин қилғил ҳисоб.*

Мақтаъда шоир бу ўғитдан ўзи ҳам керакли хулоса чиқариб, ёрнинг ўқиға нишон бўлишга муносиб эмаслигини англаган ҳолда отининг туёғидан кўтарилган гарднинг бир заррасига айланишга ҳам рози эканлигини билдириб, ғазалга нуқта қўяди:

*Эй Навоий, чун ўқи ҳар дам фалак майли қилур,
Сен оти гардига қониъ бўлки, бордурсен туроб.*

**“НАВОИЙ, ВАСЛ БИҲИШТИДА
ШУКР ҚИЛ БУ НАФАС...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 44-ғазал

*Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб,
Ичар эдим вале ғамдин қадаҳ-қадаҳ хуноб.*

*Ки ҳозир эрди ўшул сарви нарғиси махмур,
Валек рағмима қилмас эди қадаҳға шитоб.*

*Манга не захрайи улким, десамки, бир қадаҳ ич,
Не онсиз ичкали май, не қарори тоқату тоб.*

*Бу ғусса бирла ичим қон бўлуб нечукки қадаҳ,
Кўзумга ҳар нафас ашк эврулур мисоли хубоб.*

*Чу англадики борур ихтиёр илгимдин,
Кулуб қадаҳ киби лутф айладию қўйди итоб.*

*Қадаҳни ичтию юз лоба бирла тутти манга
Ки, онинг ичкани-ўқ қилди мени масти хароб.*

*Чу соқий этти қадаҳ кўзгусида жилвайи хусн,
Не айб ошиқи майхора кўнгли бўлса ябоб.*

*Навоий, васл биҳиштида шукр қил бу нафас
Ки, ёна чекмагасен ҳажр дўзаҳида азоб.*

ЛУҒАТ

Ноб – соф, тоза, қуйқасиз

Рағм – қарши, тесқари

Заҳра – журъат

Ҳубоб – сув пуфакчалари

Лоба – қарашма, ишва

Майхора – шароб ичувчи

Ябоб – хароб, торож қилинган

Ёна – яна; ёниб

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф

V-V- VV-- V-V- VV-

V-V- VV-- V-V- VV-

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун.

НАСРИЙ БАЁН

- Ҳаво ёқимли, олдимда бир қадаҳ тоза шароб бор эди. Лекин қайғу дастидан кетма-кет ичганим хуноб бўлганди.
- Ҳамсуҳбатим сарвиқомат нарғис кўзли нигорим эди, лекин у атайин шароб ичишга шошилмасди.
- Унга бир қадаҳ май ич, деб айтишга журъатим етмасди. Усиз шароб ичишга ҳам, озгина сабр қилишга ҳам тоқатим қолмаганди.
- Бу ғуссадан қадаҳ каби ичим қон бўлиб, кўзимдан тинимсиз ёш ғилтиллаб тўкиларди.
- Сабр ва ихтиёр қўлимдан кетаётганини англагач қадаҳ каби бир кулиб, чехраси очилди.
- Олдин ўзи бир қадаҳ ичиб, сўнг менга ҳам юз нозу карашма билан узатди. Мен ичганим заҳоти масту хароб бўлиб қолдим.
- Соқийнинг хусни қадаҳ кўзгусида жилва қилганда май ичувчи ошиқнинг кўнгли талон-торож қилинган манзилдек хароб бўлса, ажабмас.
- Эй Навоий, висол жаннатида бу дамларга шукрона келтир, токи ҳижрон дўзахида яна азоб чекмагайсен.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу ўз тузилишига кўра – воқеабанд ғазал. Матлаъда тасвирланишича, хушҳаво кунларнинг бирида лирик қаҳрамон ўз ёри билан дийдорлашиш саодатига мушарраф бўлади. Қомати сарвдек дилкаш, кўзлари хумор ёр билан ўрталарида базмни қизитувчи шароб бўлса ҳамки, маҳбуб ичишга шошилмай хомуш ўтирганидан ошиқнинг насибаси одатдагидек ғусса бодасини ичиш бўлиб қолган:

*Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб,
Ичар эдим вале ғамдин қадаҳ-қадаҳ хуноб.*

*Ки ҳозир эрди ўшул сарви нарғиси махмур,
Валек рағмима қилмас эди қадаҳға шитоб.*

Ошиқ – шароб ичишга таклиф қилиш учун журъат ҳам, сабр қилиб кутишга тоқат ҳам қилолмай беқарор. Бу қайғу, яъни висол чоғида май ичмасдан хомуш ва безабон ўтириш унинг ичини қонга тўлдириб, кўз ёшлари ёмғирдек тўкила бошлайди. Ошиқнинг бетоқатлигини кўрган маҳбубнинг чехраси очилиб, қўлига қадаҳ олиб, дастлаб ўзи ичади, кейин зору абгор ошиққа ҳам илтифот қилади:

*Қадаҳни ичтию юз лоба бирла тутти манга
Ки онинг ичкани-ўқ қилди мени масти хароб.*

Кейинги байт мазмуни мажоз тариқида ёзилган юқоридаги байтларга янги маъно-моҳият юклайди. Соқий чехрасининг шаробда акс этиши олдинги ғазаллар таҳлилида қайд қилиб ўтганимиз тажаллий назариясини эсга солади. Ғазални шу байт мазмунига мувофиқ қайта кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги мазмун ҳосил бўлади: Ёр – пири комил ҳузурига маърифат бодасидан баҳраманд бўлиш учун борган мурид тавҳид олами асроридан яна-

да кўпроқ хабардор бўлиш ниятида. Лекин пири комил унинг сабр ва бардошини синамоқ учун иршод ва раҳнамоликка шошилмайди. Мурид эса бунга эътироз ҳам билдиrolмайди, ортиқча таклиф ва такаллуф ҳам кўрсатолмайди. Негаки мурид пири комил билан суҳбатда ўн беш нарсага риоя қилиши адаб шартларидан саналади:

- 1) пири тарбият, раҳнамолик ва гўзал хулқлар билан хулқлантиришда – ягона деб билиш;
- 2) пир суҳбати ва мулозаматида улуғворлигини собит деб билиш. Барча иш ривожи фақат пир суҳбатидадир, деб тасаввур қилиш;
- 3) пирнинг тасарруфотига таслим бўлиш, яъни молу жонини пир йўлида фидо қилиш;
- 4) эътирозни тарк этиш (Мусо ва Хизр қиссаси). Пирдан эшитган нарсага эътироз билдирмаслик ва айни ҳақиқат деб қабул қилиш;
- 5) салби ихтиёр – барча дунёвий ва ухровий амалларда Пирнинг изн-иродаси билан иш кўрмоқ;
- 6) пирнинг кўнглига озор етадиган ишлардан узоқ бўлиш;
- 7) содир бўладиган руҳий-қалбий воқеалар инкишофида фақат пир берган билимга таянмоқ;
- 8) фақат ва фақат пир сўзларини жон қулоғи билан эшитмоқ ва уларни қалбга муҳрламоқ;
- 9) пир суҳбатида овозни баландлатмаслик;
- 10) пир билан ҳеч қачон суҳбатда ҳам, муносабатда ҳам такаллуфсиз муомала қилмаслик;
- 11) суҳбатдан олдин пирнинг фурсатини билиш;
- 12) ўз даражаси ҳаддини билиш;
- 13) пир сирларини пинҳон тутиш;
- 14) ўз сирларини пирга изҳор этмоқ;
- 15) пирдан олган сабоқларини эшитувчиларнинг ақлига мувофиқ баён қилиш.

Муриднинг одоби камолга ва маърифат бодасига иштиёқи ҳадди аълога етганлигини билган пир уни ва ўзини илоҳий маърифат бодасидан баҳраманд қилади. Илоҳий жамолнинг тажаллийсини намоён этувчи бундай бодадан баҳраманд бўлган одам, албатта, висол давлатининг шукронасини бажо келтириши керак. Чунки маърифатли бўлиш – жаннат аҳлининг нишонасидир. Жаҳолат ва маънавий сўқирлик инсонни ҳижрон дўзахига мубтало қилади:

*Навоий, васл бихиштида шукр қил бу нафас
Ки, ёна чекмагасен ҳажр дўзахида азоб.*

**“НУҚТАЙИ ХОЛИНГ НЕДИН ШИРИН
ЛАБИНГ УСТИДАДУР...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 45-ғазал

*Юз сўзумдин бирига бермас жавоб ул нўшлаб,
Оғзини йўқтур десам воқиъки, ҳеч эрмас ажаб.*

*Нуқтайи холинг недин ширин лабинг устидадур,
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса лаб?*

*Васл не янглиғ муяссар бўлғусидур, чун эрур
Дилбарим нозукмизожу мен бағоят беадаб.*

*Гар қуёш дерлар юзунгни, гарм бўлуб чекма тийғ,
Элга журме йўқ, инар чун осмондин ҳар лақаб.*

*Лаълинг олса чоклик бемор кўнглумни, не тонг,
Эй малоҳат нахли, чунким хастасиз бўлмас рутаб.*

*Зиндадил Мажнуннинг ўлмиш кўнгли чун Лайлоға ҳай,
Бас не осиг ани ҳайдин қовламоғлиғ, эй араб.*

*Толиб ўлким топмасанг дағи бу баским, айламас
Бир нафас ғофил сени матлуб ёдидин талаб.*

*Қаҳр барқи бирла раҳмат ёмғури гар буйладур,
Эмин эрмас Булғало, навмид эмастур Булаҳаб.*

*Гар наво топса Навоий лабларингнинг зикридин,
Тонг эмастур, чун мудом афзун бўлур майдин тараб.*

ЛУҒАТ

Нўшлаб – ширинлаб
Воқиъ – воқе, бор нарса
Гарм бўлмоқ – қизишмоқ
Журм – гуноҳ
Не тонг – не ажаб
Малоҳат – гўзал, тотли
Нахл – ниҳол; хурмо дарахти
Рутаб – хурмо
Ҳай – тириклик; кўчманчи арабларнинг овули
Доғи – яна
Эмин – беҳавотир, осойишта
Навмид – умидсиз
Афзун – кўп
Тараб – шодлик

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Лаблари жон бағишловчи гўзалим юзта саволимнинг бирига ҳам жавоб бермайди. Оғзи жуда ҳам кичик, эҳтимол бутунлай йўқ бўлгани боис жавоб бермаса, ажаб эмас.
- Араб ҳарфлари билан лаб сўзи ёзилганда нуқта ҳарфнинг остида қўйилади-ку, нега сенинг холинг нуқтаси лабинг устида жойлашган?
- Дилбаримнинг мижози жуда нозик, мен эса беадабман, шундай экан, висол қандай муяссар бўлиши мумкин?!
- Агар сенинг рухсорингни қуёш десалар, қизишиб, тиғ ўқталмагин. Одамларда айб йўқ, чунки бундай гўзал нисбатлар осмондан инади.
- Эй малоҳатли хушқоматим, лаъли лабинг агар чок-чок бўлган кўнглимни олса ажаб эмас, зотан хурмо барча хасталикларга даводир.
- Эй араб қабиласининг сардори, Мажнуннинг кўнгли Лайли ишқининг макони бўлгандан кейин уни овулдан ҳайдамоқдан нима фойда?
- Топмасанг ҳам, ҳамиша ёр талабида бўл, негаки матлубинг ёди сени талаб истагидан бир нафас ғофил қўймаслигининг ўзи катта давлат.
- Аллоҳнинг қаҳр барқи ва раҳмат ёмғири агар шундай бўлса, Булғало ҳам дўзах хавфидан омонликда эмас, Абу Лаҳаб ҳам Аллоҳ раҳматидан ноумид бўлмайди.
- Агар Навоий лабларингнинг зикридан наво топса ажабланма, негаки май ҳамиша шоду хуррамликни зиёда қилади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

“Маҳбуб ул-қулуб” асарининг ўн олтинчи фаслида Алишер Навоий шоирларни бир неча гуруҳга таснифлаб, биринчи гуруҳга шеърда “асрори илоҳий адоси”ни мақсад қилган Атор, Румий ва бошқа валийсифат шоирларни, иккинчи тоифага эса ўзининг ғазал тавридаги устозлари – Амир Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозийни мансуб қилиб, “ҳақиқат асрорига мажоз тариқини махлут (омухта) қилмоқ”ни улар услубининг асосий белгиси деб таърифлаган. Бу ғазал ҳам ана шу услубда – ҳам мажозий муҳаббат ва ҳам ишқи илоҳий тараннуми йўлида битилган.

Ғазалнинг мажозий маъносидан қуйидаги манзара ҳосил бўлади: лаблари болдек ширин маҳбуба ошиқнинг юз саволига бир мартагина жавоб беришдан ҳам эринади. Унинг оғзи шунчалар кичик ва кўринмаски, барча сўроқларга сукут ихтиёр этганидан оғзи йўқ деса ҳам бўлади (истиора, тазод, муболаға санъатлари). “Лаб” сўзини араб ҳарфлари билан ёзишда қоида бўйича нуқта арабча бе ҳарфининг остига ёзилади, аммо ёрнинг қора холи лабининг устида жойлашиб, жонларга минг шўриш солади (китобат, ташбиҳи киноя ва тажохул ул-ориф санъатлари). Бундай таъби нозик дилбар билан ошиқдек одоб кўчасидан ўтмаганлар висол базмини қуриши имконсиз (тавсиф ва тазод санъатлари). Агар одамлар ёрни қуёш десалар, ёр бундан қизишиб, жазо ва жафо тиғини тортмасин, элда гуноҳ йўқ, ахир “исмлар осмондан тушади” деган гап бор (таносуб, истиора, хусни таълил санъатлари). Агар лаълдек қизил лабинг чок бўлган кўнглимни олса, ажабланмаслик керак, чунки хурмо

барча хасталикларга даводир (истиора, тавсиф, нидо, хусни таълил санъатлари). Мажнуннинг кўнгли Лайли ишқига макон бўлгандан кейин уни овулдан ҳайдамоқликдан фойда йўқ (талмиҳ, нидо, тажнис санъатлари). Ҳамиша ёрнинг талабида бўлмоқлик керак, матлубнинг ёди толибни талабдан ғофил қўймаслиги ёрни топмаслик дардига даводир (тазод, иштиқоқ санъатлари). Фасоҳатли баён услуби, дақиқ маънолар ҳамда сатрлар силсиласида туйғу ва кечинмаларнинг тадрижий такомил ишқ дардига ошно бўлганларга кўтаринки кайфият бағишлайди, шеърхон ошиқ қаҳрамоннинг ўрнига ўзини қўйиб, “нўшлаб”нинг тавсифларидан оламжаҳон маънавий завқ олади. Кейинги байт мазмуни эса ёрнинг тимсолини англашда миқёс ва қамровни кенгроқ олишни талаб қилади:

*Қаҳр барқи бирла раҳмат ёмғури гар буйладур,
Эмин эрмас Булғало, навмид эмастур Булаҳаб.*

Аллоҳнинг қаҳҳорлик сифатидан Абулғало Маъаррийдек тавҳид куйчиси омонликда эмас, ёмғир томчиларидан ҳам беҳисоб раҳматидан эса Абу Лаҳабдек ислом душмани ноумид бўлмас, дейилади бу байтда. Мазкур талмиҳ руҳий тарбиянинг асосий тамойилларидан бири – хавф ва рижо (хавф – Аллоҳнинг ғазабидан қўрқиш; рижо – унинг марҳаматидан умидвор бўлиш) мақомининг бадий талқинидир. Абу Али Рўдборийнинг айтишича, хавф ва рижо – бир қушнинг икки қанотидир. Руҳ қушининг ушбу икки қаноти агар мутаносиб бўлса, юксак манзилларга кўтарила олади.

Мазкур талқинга таяниб, ғазални тасаввуфий йўсинда шарҳласак, янги маънолар хазинаси эшиги очилади. Тасаввуфий манбаларга кўра, лаб – пайғамбарларга маънолар оламидан малаклар воситасида, авлиёга эса илҳом орқали нозил бўладиган калом. Пирнинг илоҳий маърифатга лиммо-лим сўзи ва унинг мазмуни ҳам кўзда тутилади. Лаб суви оби ҳаётга, яъни ишқу муҳаббат чашмасига ташбиҳ қилинади. Лабдан мақсад – мавжудотга илоҳий файз етказувчи раҳмоний нафас ва кўнглини маърифат нурига ошно этувчи илоҳий сўз. Кичик оғиз эса асл моҳияти инсонга маълум илоҳий каломнинг тимсоли (ўқувчига тушунарли бўлиши учун қисқача тушунтириш берамиз: бир оғиз сўз айтиш учун инсоннинг ўпка, юрак, ҳалқум, оғиз, лаб, тиш ва бошқа турли тана аъзоларининг иштироки керак бўлади. Моддият оламидан ташқарида бўлган Аллоҳнинг муқаддас каломи қандай содир бўлишига инсоннинг ақли етмайди). Мазкур талқинни байтга қўлласак, қуйидаги маъно ҳосил бўлади: мен Ёри азалнинг даргоҳига жуда кўп илтижолар қиламан, аммо дуо ва муножатларимга жавоб эшитмайман. Бунинг ҳикмати эса фақат Ўзигагина аён...

Агар Алишер Навоий бундай мураккаб ирфоний ғояларни биз шарҳлагандек содда баён этганида ғазалнинг таъсирчанлиги бу даражада бўлмас, орифона ғояларнинг ўзи-да ўқувчи юрагига сингмасди. Муҳаббатни мажозий йўсинда тасвирлашдан мақсад – тирик инсонларнинг қувонч-у қайғуси, ғам ва шодликлари, интилиш ва талпинишлари тимсол ва рамзларда, бир-биридан гўзал тасвирлар жараёнида берилади. Шундай экан, шоирнинг ғазалларини хоҳ мажозий йўсинда, хоҳ ирфоний тушунча ва талқинлар асосида ўқисак ва уқсак, у инсон онги ва тафаккурининг бепоён оламини бадий ифода этувчи буюк сўз санъаткори сифатида намоён бўлади.

**“ҲАР КИШИ БЎЛДИ ҚУЛУНГ,
УЛ КИШИДУР ОЛАМ АРО ШАҲ...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 46-ғазал

*Субҳи давлат юзунг, эй тавсани гардун санга ашҳаб,
Бошинг устидаги дур ўйлаки, тонг бошида кавкаб.*

*Поймол эткан учун маркаби жавлонда бошимни
Узр учун қилдим анинг наълини юз бирла музаҳҳаб.*

*Меҳр туркин қилибон паст, фалак рахшидин ўтти,
Аллоҳ-Аллоҳ, бу не рокибдуруру ваҳ, бу не маркаб.*

*Не қатиғ ҳолки, ҳажринг кечаси тинғали қўймас,
Ёр элин ашк ила андуҳ, кўк элин наъраву ё Раб.*

*Ити меҳмонлиғ учун эмди қадам қўйса бўлурким,
Кўнгул ўт қилди муҳайёву бағир туъма мураттаб.*

*Ҳар киши бўлди қулунг, ул кишидур олам аро шаҳ,
Қулларинг қурбини ким топса эрур шаҳға муқарраб.*

*Юзи васфида керак сафҳа, вале лавҳайи хуршид,
Сочи васфини ёзар вақтда тун дуди мураккаб.*

*Ёр чун барча замон нозир эрур ҳолинга, бўлғил
Бори ҳолатда мушоҳид, бори эл бирла муаддаб.*

*Телбараб кўнгли Навоийнинг агар арбада айлар,
Дафъиға силсилаи зулф ила басдур чаҳи ғабғаб.*

ЛУҒАТ

Тавсан – учқур от

Гардун – фалак, осмон

Ашҳаб – териси хол-хол бўлган от

Кавкаб – юлдуз

Поймол – оёқости, эзилган

Маркаб – от

Наъл – тақа

Музаҳҳаб – зарҳал, тилла суви юргизилган

Меҳр – қуёш

Рахш – от

Рокиб – суворий, чавандоз

Андуҳ – ғусса, қайғу

Туъма – озиқ, таом
Мураттаб – тайёрлаш
Қурб – яқинлик
Муқарраб – ишончли, яқин киши
Сафҳа – саҳифа
Нозир – назар солувчи, назорат қилувчи
Мушоҳид – гувоҳ
Муаддаб – одобли
Телбарамоқ – девона бўлиш
Арбада – тўполон, ғавғо
Силсила – занжир
Чаҳи ғабғаб – иякдаги чуқурча

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани махбун
-V-- VV-- VV-- VV--
-V-- VV-- VV-- VV--
Фоилотун файлотун файлотун файлотун

НАСРИЙ БАЁН

- Юзинг бахту давлатнинг ёруғ дамларидан хабар берувчи ёруғ тонгдек порлоқдир. Учқур фалак – сенинг отинг, бошинг устидаги дур тонг юлдузи кабидир.
- Жавлон урган пайтида бошимни эзгани учун олтиндек сарғайган юзим билан тақасига зарҳал ранг бердим.
- Аллоҳ-Аллоҳ, Куёшни ярим йўлда қолдириб, фалакдан ҳам баландроқ сакраган бу суворий ва унинг оти қандай ажойиб экан?!
- Бу қандай оғир ҳолатки, ҳижрон дастидан кечалари Ердагиларга ғусса, кўз ёшларим, осмондаги фаришталарга “ё Раб!” деб қилган нолаю фиғонларим асло тинчлик бермайди.
- Ити меҳмон бўлишга ташриф буюрса бўлади – кўнгил ўтидан жигарим пишиб, кабоб муҳайё бўлди.
- Кимки қулинг бўлса, оламлар шоҳи бўлади. Қулларингга кимки яқин бўлса, шоҳларнинг энг яқин кишисига айланади.
- Юзинг жамоли васфини ёзиш учун қуёшдан саҳифа, қора сочинг васфини қаламга олиш учун тун қоронғулигидан сиёҳ тайёрлаш керак.
- Ёр барча ишингни кўриб турибди, шунинг учун ҳар бир ҳолатингни назорат қилиб, барча одамлар билан одоб доирасида муомала қилгин.
- Агар Навоийнинг кўнгли телбалик қилиб, тўполон бошласа, уни зулфинг занжирида боғлаб, иягингдаги чуқурга зиндонбанд қилгин.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу ғазал матлаъида фалакни тизгинлаб, ўз ихтиёрига бўйсундирган, жамоли бахту давлат, бошидаги шоҳона дур тонг юлдузидек порлаб турган шавкатли маҳбуб мадҳ этилади. Бу жоҳу жалол ва ҳашаматни кўрган ошиқ бошини от тўғи остига қўйиб, ишқ дардидан

сарғайган юзининг ранги билан отнинг тақасига зарҳал ранг бериш орқали фидокорлигини намоён этади. Туркий султонлардек осмонда ягона парвоз қилувчи қуёшдан ҳам баланд сакраб, осмону фалак тулпорини ортида қолдирган бу суворий ким экан?!

*Меҳр туркин қилибон паст, фалак рахшидин ўтти,
Аллоҳ-Аллоҳ, бу не рокибдуруру ваҳ, бу не маркаб?!*

Матлаъдаги “ашҳаб” сўзига таяниб фараз қилсак, мадҳ этилаётган суворий Султон Хусайн Бойқаро эканлиги маълум бўлади. Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида берилишича, Султон Хусайн Бойқаронинг Ашҳаб лақабли машхур оти бўлган. Танасида тангадек хол-хол бўлган бу от замон шоирларининг қатор қасида ва ғазалларида мадҳ этилган. Ашҳаб истиораси ҳамда иккинчи мисрадаги “бошинг устидаги дур” ибораси мазкур ғазални ҳам султон мадҳидаги шеърлар сирасига қўшиш имконини беради.

Ёр деганда агар Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.) назарда тутилган бўлса, ғазал наът мавзусида ёзилган, деган хулоса чиқади. Имонлилар кўнглини ўз мулкига айлантирган бу зот Алишер Навоийнинг қатор наътларида подшоҳ деб ҳам васф қилинган. Аммо унинг шоҳлиги одатдаги подшоҳликдан фарқ қилади. Унинг раъйига нафақат мусулмонлар, балки барча мавжудот бош эгган. У нафақат ўз замондошлари ва қаламравида ҳукмрон, балки унинг дини байроғи остида барча пайғамбарлар саф тортажаклар. Бадеуззамон Фурузонфар “Аҳодиси Маснавий” китобида шу маънода пайғамбаримиздан қуйидаги ҳадисни келтиради: Қиёмат куни Одам(а.с.) ва ундан кейинги барча набийлар менинг байроғим остида саф тортажаклар.

Навоий шунга асосланган ҳолда ибтидоси йўқ азалдан интиҳоси йўқ абадгача шоҳликни пайғамбаримизга мусаллам, деб билади. Агар Искандар Зулқарнайн каби жаҳонгирлар ўз қиличи ва тадбири билан бошқа шоҳлар салтанатини забт этиб, ўзининг сиёсатини бутун оламга бир муддатгина жорий қилган бўлсалар, хотамуланбиё эса ўзигача барча шариатларни насх – бекор қилиб, Аллоҳ таоло томонидан юборилган янги динни қиёматгача мўминлар қалбида мустаҳкам ўрнатишга эришди. Бинобарин, унинг шоҳлиги инсониятнинг руҳий олами ва уларнинг қалбида шаҳодат калимаси ўрнашгани билан тасдиқланади.

“Садди Искандарий” достонида шундай байт мавжуд:

*Фалакка бу бахшиш қилурға не ҳад,
Сени Ҳақ шаҳ этмиш азал то абад.*

Умуман олганда, Навоий лирикасида ёр – турли маъноларни ифодалайдиган тимсол. Мутафаккир шоирнинг шеърларида мавжуд инсон васф этиладими ёки хаёлий маҳбубанинг таърифи келтириладими – бу васф, мақтов ва алқовлар замирида Илоҳ муҳаббати ва маърифатидан баҳра олган туйғулар ётади. Ҳар қандай ҳолатда Навоий Буюк Тангри маърифатининг тарғиботчиси бўлиб майдонга чиқади. Кейинги байт мазмуни бу фикрнинг яққол далилидир:

*Не қатиғ ҳолки, ҳажринг кечаси тинғали қўймас,
Ер элин ашк ила андуҳ, кўк элин наъраи “ё Раб!”*

Ёрнинг ҳижронида тўкилаётган кўзёшлар одамларни, нола ва фиғонлари фаришталарни безовта қилиши мазмунидаги муболағали тасвирда илоҳийлик сифати касб этган мажозий муҳаббатнинг нишонасидир. Шу сабабли, кейинги байтлар Ҳақ таоло маърифати йўлида битилган. Навоий айтмоқчи, бандалик шартига оғишмай амал қилган инсон бутун оламга якка ҳукмдор бўлган кимсадек олам аҳлига ҳожатсиз бўлади. Бу йўлда собит ориф ва қалби огоҳлар каби одам ҳам шоҳнинг яқин кишисига айланади. Чунки ҳадиси шарифда айтилгандек, киши қайси қавмни севса, ўшалар билан биргадир:

*Ҳар киши бўлди қулунг, ул кишидур олам аро шаҳ,
Қулларинг қурбини ким топса эрур шаҳға муқарраб.*

Матлаъдан олдинги байт нақшбандийлик тариқатидаги “назар бар қадам” ғоясининг бадий ифодасидир. Навоий эътиқод қилган ушбу назарияга кўра, инсон ҳар бир қадами Ҳақ таоло назорати остида эканлигини англаган ҳолда ўз феъли, қавли ва ниятининг шунга мувофиқ бўлишини таъминлаши керак. Айниқса, одамлар унинг тили ва қўлидан озор чекмаслиги, адаб тариқида бўлиши муҳим аҳамиятга эга:

*Ёр чун барча замон нозир эрур ҳолинга, бўлғил
Бори ҳолатда мушоҳид, бори эл бирла муаддаб.*

Шоир бу байт билан диннинг моҳияти – гўзал ахлоқ тарбияси эканлигини таъкидлаб, ҳар қандай ҳолатда одоб ва ахлоқ мезонларига риоя қилишга чақиради. Шу сабабли, бу ўғитлар барча давру замонда долзарб даъват бўлиб жаранглайди.

**“НЕЧА БЎЛҒАЙ МАНГА ҲАЖР ИЧРА
ТАЗАЛЛУМ, Ё РАБ?..”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 47-ғазал

*Неча бўлғай манга ҳажр ичра тазаллум, ё Раб?
Айла бу зулм аро ҳолимға тараҳҳум, ё Раб.*

*Ваъдаи қатл қилиб, ваъдаға қилғунча вафо
Нега мен хастану ултурди таваҳҳум, ё Раб?*

*Лабларининг калимотики, берур жисмға руҳ,
Оби ҳайвон унидур, йўқса такаллум, ё Раб.*

*Хони васлида ўқуш неъмат ародур ағёр,
Рўзий эт бизга ҳам ул навъ танаъум, ё Раб!*

*Ваҳки, кўнглумни шикоф этти қулумсуб оғзи,
Ғунчаларни нетиб очти бу табассум, ё Раб?!*

*Умр чун фоний эмиш, гар киши олам шаҳидур,
Чун ўлар, невчун этар мунча тааззум, ё Раб?!*

*Ёр қатл эткали ушшоқини йиғдурған эмиш,
Бер бу базм ичра Навоийға тақаддум, ё Раб.*

ЛУҒАТ

Тазаллум – зулмга гирифторлик, мазлумлик

Тараҳҳум – раҳм-шафқат

Хаста – бемор, бечора

Таваҳҳум – иккиланиш, номуайянлик

Калимот – сўзлар, калималар

Оби ҳайвон – ҳаёт суви

Такаллум – сўзлаш

Ўқуш – кўп, фаровон

Рўзий – насиб

Танаъум – бойлик, ҳожатсизлик

Тааззум – ўзини катта тутишлик

Ушшоқ – ошиқлар

Тақаддум – илгариламоқ, биринчи бўлмоқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф

–V-- VV-- VV-- VV–

–V-- VV-- VV-- VV–

Фоилотун фаилотун фаилотун фаилун

НАСРИЙ БАЁН

• Худо ҳаққи, айтчи, қачонгача менга ҳижрон ичра бунча зулм кўрсатасан? Ё Раб, бу зулм аро ҳолимға раҳм эт.

- Қатл қиламан, деб ваъда бердинг, аммо нега ваъдага вафо қилгунингча мен бечорани номуайяслик ўлдириб қўйди?
- Жисмимга жон бағишловчи сўзларинг тириклик чашмасининг шилдираб оққандаги садосими ёки каломими, билиб бўлмайди.
- Бегоналар унинг висол неъматларига тўла дастурхонидан баҳраманддирлар. Худоё, бизга ҳам шундай фаровонликни насиб эт!
- Эвоҳ, бир кулимсирагани кўксимни тешиб ўтди. Худоё, бу табассум ғунчаларни қандай очди экан?!
- Киши оламнинг подшоҳи бўлса ҳамки, умр барибир унга вафо қилмайди. Ажал муқаррар бўлган ҳолда нега бунча ўзини катта тутаркан?
- Ёр ошиқларини қатл этиш учун йиғдирибди. Ё Раб, мени бу қатл базми ичра биринчилардан қилгин.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоийнинг ўзбек мумтоз шеърятига қўшган улкан ҳиссаси жиҳатларидан бири сифатида шеърятда қофия тизимини бойитганини кўрсатиш мумкин. Туркий қофиядош сўзлар ёрдамида гўзал шеърлар яратиш баробарида араб ва форс шеърятига қўлланилган қофия тизимини ҳам ижодий ўзлаштириб, уларни қўллаган ҳолда ўзбекча ғазаллар яратиш имкониятларини янада кенгайтирган. Жумладан, мазкур ғазалда қўлланилган арабий қофия тизими одатда насрий асарларда (кўпинча илмий ва назарий матнларда) қўлланилган сўзлардан иборат. Бу қофия тизими Навоийнинг форсий салафлари – Ҳофиз Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийнинг лирикасида учрамайди. Шоир бу сўзлар тизимини бадий мақсадга мослаштириб, уларга янги залвор юклайди.

Радиф вазифасини бажарган “ё Раб” ҳам айрим байтларда Аллоҳ таолога мурожаат ўлароқ келса, баъзиларида ҳайрат, изтироб ва таажжуб оҳангини ифодаловчи нидо вазифасини бажарган. Жумладан, матлаънинг биринчи мисрасида “ё Раб” ҳайрат ва изтиробни ифодалаган бўлса, иккинчи мисрада мазкур нидо Ҳақ таоло даргоҳига муножот сифатида янграйди:

*Неча бўлғай манга ҳажр ичра тазаллум, ё Раб?
Айла бу зулм аро ҳолимға тараҳҳум, ё Раб.*

Ғазал Парвардигорга мурожаат ўлароқ битилган бўлса-да, бундаги муҳаббат тимсоли Илоҳнинг айни ўзи эмас. Бунини иккинчи байтнинг мазмунидан ҳам англаш мумкин: ёр ўз ошиғини қатл этиш ваъдасини бериб, ушбу ваъдага вафо қилишга кечикмоқда. Ошиқ эса бу номуайяслик ва интизорлик дардидан ажалидан олдин нобуд бўлади:

*Ваъдаи қатл қилиб ваъдаға қилгунча вафо,
Нега мен хастану ўлтурди таваҳҳум, ё Раб?*

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратишни жоиз деб билдик: Алишер Навоий ва умуман мумтоз шеърятимизда ошиқнинг ҳалок бўлиши, ёр томонидан қатл қилиниши, ишқ кўйида хоку туроб бўлиб, ёр кўйининг чангига айланиб кетиш ҳолатлари жуда кўп қўлланилади. Мазкур муболағали тасвир ва ташбиҳлар муҳаббат йўлидаги жонфидаликни ифодалаш, кучли ҳис-ҳаяжон ва бадий таъсирни кучайтириш баробарида бошқа муҳим

ахлоқий-ирфоний жиҳати ҳам бор: муҳаббат дардига мубтало бўлган киши (бу муҳаббат мажозий ё илоҳий бўлишидан қатъи назар) бутунлай бошқа одамга айланади. Биламизки, “ишқ”, “ошиқ”, “маъшуқ”, “маъшуқа”, “иштиёқ” сўзлари арабча “ашақа” сўзининг ўзагидан ясалган. “Ашақа” деб араблар дарахтлар ва ўсимликларга ўралиб, уларнинг ширасини сўриб оладиган ва охир-оқибатда қуритадиган сариқ печакни айтадилар. Ишқ жазбаси ҳам кимгаки тегса, уни бетоқат қилиб, ошиқни ейиш-ичишдан, уйқу-ҳаловатдан маҳрум этади, вужуд истакларини аста-секин синдириб, руҳни яллиғлантиради. Натижада, ошиқлар атрофдагиларга бепарво бўлиб, нафақат ўзларини, балки дунёни ҳам унутадилар. Ошиқ фақат ёр хаёли билан яшайди, ёр учун жонини фидо қилишга тайёр туради. “Лайли ва Мажнун” даги Мажнун ҳолати ва саргузаштлари бунга яққол мисол. Навоий ушбу дostonда ишқни шундай таърифлайди:

*Эй ишқ, ажиб кимёсен,
Бал оинаи жаҳоннамосен.*

Яъни ишқ ҳам кимё, ҳам оламни кўрсатувчи кўзгу. Чунки худди кимё орқали мис олтинга айлантирилгани ёки тоғ жинслари эритилиб, соф олтин олингани каби инсон вужуди ҳам ишқ ўтида товланиб, ёниб, иллатлардан тозаланади, комилликка эришади, руҳ мусаффо ҳолга келади ва Искандар оинаси кўзгусида жаҳон воқеалари акс этганидай оламнинг сиру асрори ошиқнинг тиниқ руҳиятида акс этади. Ана шу жараён, яъни ишқ туфайли руҳ покланиб, асл ватанга қайтиш жараёнидаги ҳолат бадиий адабиётда ўлим тимсоли орқали ифодаланади.

Кейинги байтда ишқ жазбасидан “менлик”ни йўқотиб, ҳалок бўлган ошиқ ёрнинг жонбахш сўзларидан қайта тирилганига нозик ишора бор:

*Лабларининг калимотики, берур жисмға руҳ,
Оби ҳайвон унидур, йўқса такаллум, ё Раб.*

Ёрнинг Хизр чашмасидек руҳга абадий ҳаёт берувчи сўзларидан қайта тирилган ошиқ дунёга бошқача кўз билан қарайди. У умрнинг фонийлиги, дунёнинг сариқ чақага арзимаслигини онгли равишда англай бошлайди. Бебақо дунёнинг истак-ташвишлари, муваққат муваффақиятлар, ўткинчи орзу-ҳавасларнинг рўёби ҳеч кимга мағрурланиш ва гердайиш учун асос бўлолмайди. Беш кунлик дунёда ўзини абадий ҳукмдордек тутадиган нодон кишиларни кўрган мутафаккир шоир ҳайрат ва таажжубини қуйидагича баён этган:

*Умр чун фоний эмиш, гар киши олам шаҳидур,
Чун ўлар, невчун этар мунча тааззум, ё Раб?!*

Ишқ ўти ичра самандардек яшашни ўзига қисмат билган ошиқ ўзига ўхшаган жонфидо ошиқлар ичида биринчилардан бўлиб ширин жонини фидо қилиш учун Парвардигордан мадад сўраб илтижо қилади. Негаки, ишққа гирифтор бўлиш одамнинг ихтиёридан ташқарида. Ишқ – илоҳий неъмат экан, бу неъматни қўлга киритишдаги заҳмат ва синовларда ҳам фақат Парвардигорнинг ўзи мададкор бўла олади:

*Ёр қатл эткали ушшоқини йиғдурған эмиш,
Бер бу базм ичра Навоийға тақаддум, ё Раб.*

**“ЖАВРУ ЛУТФУ КИБРУ НОЗ АНДИН
КЎНГУЛГА ХЎБ ЭРУР..”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 48-ғазал

*Эй, санга юз хўбу лаб хўбу лабингдин кулгу хўб,
Ҳар неким воқеъ бўлур сендин, кўзумга асру хўб.
Дединг ул ой васфин, эй ровий, яна сўз демагил
Хўблардинким, сўзунг эрди бу ерга тегру хўб.
Хўблар қул бўлдилар, лекин парийлар қочтилар,
Олам ичра одамий бир сенча бор эркинму хўб?!
Хўбларни арз қилдим, қилмади кўнглум писанд,
Ани кўргач ихтиёри қолмайин деди: бу хўб.
Васлида жонимға ҳажридин не келганни деман
Ким, фараҳ базмида зикр этмак эмастур қайғу хўб.
Жавру лутфу кибру ноз андин кўнгулга хўб эрур,
Ҳақ азалда зотини онинг яратибдур чу хўб.
Соф қил хотирки, солғай акс ул юз яхшиким,
Кўргузур юзни, қачонким равшан ўлди кўзгу хўб.
Эй кўнгул, борсанг ул ой наззорасиға зинҳор
Ашк бирла кўзларингдин ғайрининг нақшин ю хўб.
Хўбларни кўрмаса сенсиз Навоий қилма айб,
Ким кўрунмайдур кўзига кимса сендин айру хўб.*

ЛУҒАТ

Асру – жуда
Ровий – ривоят қилувчи
Тегру – гача
Фараҳ – шодлик
Ю – юв
Айру – жудо, ўзга

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани мақсур
-V-- -V-- -V-- -V~
-V-- -V-- -V-- -V~
Ғоилотун ғоилотун ғоилотун ғоилон

НАСРИЙ БАЁН

- Эй ёр, сенинг юзинг ҳам, кўзинг ҳам, лабингдаги кулгу ҳам хўб – яхши; сендан нимаики содир бўлса, кўзимга яхши кўринади.
- Эй ровий, ул ойнинг васфини қилганингдан кейин бошқа гўзаллардан сўзламагил. Сенинг гапларинг шу ергача жуда яхши чиқаётганди.

- Гўзаллар сени кўриб, қулинг бўлдилар, лекин парилар қочдилар. Инсон зоти орасида сендан ҳам яхши одам бормикан?!
- Кўнглимга бошқа гўзалларни кўрсатдим, кўнглим уларни истамади – писанд қилмади. Лекин уни кўриб, ихтиёри қолмасдан яхшилигини тан олди.
- Висол пайтида ҳижронда чеккан азобларимни айтмайман, чунки шодлик базмида қайғудан гапириш яхши эмас.
- Унинг жавру жафолари, лутфу меҳрибончилиги, кибру нозланиши – барчаси кўнгилга ёқади. Чунки азалда Ҳақ таоло унинг зотини яхши қилиб яратган.
- Хотирингни соф айла, токи ул юз акси кўнглингда шубҳасиз намоён бўлсин. Кўзгуга ҳам фақат яхши жило берилган бўлса, юзни кўрсатади.
- Эй кўнгил, ул ой чеҳрасига назар солиш учун борсанг, кўзингдаги бошқалар аксини кўёшларинг билан яшилаб ювиб тозалагин.
- Сен бўлмаганингда Навоий гўзалларни кўрмаса, айб этма, негаки сендан айри ҳолда кўзига ҳеч ким яхши кўринмайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоий зуллисонайн шоир бўлгани, форс тилида Фоний тахаллуси билан баракали ижод қилганини биламиз. Форсий девонининг аксар ғазаллари ринди Шероз – Хожа Ҳофиз Шерозий ғазалларига жавоб тариқасида ёзганини “Муҳокамат ул-луғатайн” да шоирнинг ўзи қайд қилиб ўтган:

“Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз таврида... тартиб берибменким, олти мингдин абъёти адади кўпракдурки, кўпрак ул ҳазрат шеърига татаббуъ воқеъ бўлубдур”.

Шунингдек, туркий ғазалнависликда ҳам уч шоир – Амир Хусрав Дехлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Мавлоно Абдураҳмон Жомийларни ўзига устоз деб билганлигини қитъаларининг бирида шундай баён этади:

*Ғазалда уч киши тавридур ул навъ,
Ким андин яхши йўқ назм эҳтимоли.
Бири – муъжизбаёнлиғ соҳири Ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзу ҳоли.
Бири – Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.
Бири қудси асарлик орифи Жом,
Ки жоми Жамдурур синған сафоли.
Навоий назмиға боқсанг, эмастур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.
Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.*

Маълум бўладики, Навоий фақат форсий ғазалларидагина эмас, балки ўзбекча асарларида ҳам форс адабиётининг мазкур намояндалари образ ва тимсоллари, услуб ва композицияси-дан ижодкорлик билан фойдаланган. Ёқубжон Исҳоқов ва Нажмиддин Комиловнинг айрим таҳлилларини ҳисобга олмаганда, ушбу йўналиш, яъни Навоийнинг ўзбекча ғазалларидаги таъсир ва татаббу масалалари бўйича ҳали арзирли бирор иш амалга оширилган эмас. Ҳолбуки, Навоийнинг сўз санъаткорлигидаги маҳорати, туркий тилнинг кенг имкониятлари, дунёқараш ва бадий тафаккурдаги ўзига хослик масалалари айнан қиёсий таҳлил ёрдамида ҳақиқий баҳосини топади. Таҳлил қилинаётган ғазалимиз ҳам Хожа Ҳофизнинг ушбу матлаъ билан бошланадиган ғазали таврида яратилган туркона жавобиядир:

*Эй ҳама шакли ту матбўъу ҳама Чои ту хуш,
Дилам аз ишваи ширини шакархои ту хуш.*

(Маъноси: Эй нигор, сенинг бутун шакл-шамойилинг таъбга хуш келувчи, бутун кўринишинг ёқимли; кўнглим сенинг ширин ишваларингдан хушнуд бўлган).

Навоий салафининг ғазалида қўлланилган “хуш” сўзи ўрнига “хўб” сифатини қўллайди. Хуш сўзи луғатда ёқимли, кўнгилга шодлик келтирувчи маъноларини англатса, хўб – яхши, гўзал сўзлари билан маънодош. Бу сифатни қўллаш орқали шоир ҳақиқий гўзаллик – эзгуликка эш, деган ғояни илгари суради. Файласуфлардан бири ҳамма гўзаллар ҳам инсон сифатида яхши эмас, лекин ҳамма яхши одамлар ўз навбатида гўзалдир, деган. Бинобарин, Навоий ғазалидаги ошиқ қаҳрамон ёридан нимаики содир бўлса, кўзига айна эзгулик ва гўзаллик бўлиб кўринади:

*Эй, санга юз хўбу лаб хўбу лабингдин кулгу хўб,
Ҳар неким воқеъ бўлур сендин, кўзумга асру хўб.*

Халқ орасида мақол бор: “Яхшини ёмон бўлди деб куйинма, ёмонни яхши бўлди, деб қувонма”. Бу ҳикмат асрлар давомида ўз тасдиғини топиб келмоқда. Фитратида эзгулик бўлган инсон ҳаётнинг қайсидир палласида ёмон йўлларга кириши мумкин, лекин у барибир ўз аслига қайтади. Худди шунга ўхшаб, ёвуз инсоннинг яхшилигидан қувониб, хотиржамликни қўлдан чиқармаслик лозим. Навоий севган инсоннинг зуваласи азалда эзгулик билан қорилгани сабабли ундан воқе бўладиган жавру жафолар, такаббурлик ва нозланишлар кўнглига хуш ёқади:

*Жавру лутфу кибру ноз андин кўнгулга хўб эрур,
Ҳақ азалда зотини онинг яратибдур чу хўб.*

Эзгуликни кўра билиш, одамларнинг яхши сифатларини кашф этиш қобилияти кўнгли соф, нияти холис инсонларгагина насиб этади.

Буюк ориф Ҳасан Басрий: “Қирқ йил дунёни ўзгартирмоқчи бўлдим, ҳеч нарсага эришолмадим, қарашларимни ўзгартирдим, дунё кўз ўнгимда ўзгарди”, деган. Навоий ҳам ёрнинг жамолини кўриш учун пок назар, пок кўнгил ва пок ният бўлиши кераклигини шарт билиб, кўнгил кўзгусини турли фасод ва чиркинликлардан тоза тутишни тавсия қилади:

*Соф қил хотирки, солғай акс ул юз яхшиким,
Кўргузур юзни, қачонким равшан ўлди кўзгу хўб.*

Муҳаббат йўлида тўкилган ёшлар кўзни бегоналар аксидан поклаб, кўнгил кўзгуси мусаффо бўлгандан кейин бошқа гўзаллар ошиқнинг хаёлини банд қила олмайди. Ҳақиқий гўзалликни таниган, муҳаббат жомидан баҳраманд ошиқ фақат ўз ёрига талпинади. Худди Лайлининг ишқида мажнунлиги билан ном чиқарган Қайс каби ҳар қандай гўзалда фақат ўз маҳбубасининг нишонини кўради. Навоий ушбу ҳолатга ошно бўлган, дунёга ўз ёрининг кўзи билан назар соладиган зот эди:

*Хўбларни кўрмаса сенсиз Навоий қилма айб,
Ким кўрунмайдур кўзига кимса сендин айру хўб.*

**“ЧЕХРА САРҒАРҒАН САЙИ ОРТАР
КЎНГУЛНИНГ НОЛАСИ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 49-ғазал

*Сен лабинг сўрған сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб,
Сен май ичқилким, манга хуни жигар бўлмиш насиб.*

*Дедилар, аҳбоб дардиға ҳабиб айлар даво,
Ваҳки, мен куйдум муҳаббаттин, эмас воқиф ҳабиб.*

*Кўюнгга киргач, кўнгул қошинға майл айлар, бале,
Гўшаи меҳроб этар пайваста манзилға ғариб.*

*Чехра сарғарған сайи ортар кўнгулнинг ноласи,
Бор ажаб воқиъ хазон фаслида нолон андалиб.*

*Ҳошалиллаҳ, шарбатимни захри қотил бирла эз,
Чун иш андин ўттиким, келгай Масиҳим, эй табиб.*

*Неча ул ой меҳридин шайдо кўнгулни овутай,
Телбага ёлғон ҳикоят бирла бергандек фириб.*

*Майға раҳн ўлмай фано дайрида тасбиҳу ридо,
Пири дайр этмас ҳавола элга зуннору салиб.*

*Нафсинг этса шўхлуғ, чарх эмгагидин қил адаб,
Тифлни андоқки зажр айлар фалақ бирла адиб.*

*Эй Навоий, зулмидин дерменки ишқин тарк этай,
То назардин ғойиб ўлди, йўқ яна сабру шикеб.*

ЛУҒАТ

Сойи – сари
Аҳбоб – дўсту ёрлар
Воқиф – огоҳ
Бале – ҳа, албатта
Андалиб – булбул
Ҳошалиллаҳ – Худо ҳаққи
Шайдо – ошиқ, мафтун, девона
Раҳн – гаров
Ридо – узун тўн
Зуннор – ғайридинлар белига боғлайдиган ип
Эмгак – машаққат, кулфат
Зажр – жазо
Фалақ – бир қарич ходага бойланган таноб
Адиб – мактаб муаллими
Шикеб – сабот, бардош

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани мақсур

-V-- -V-- -V-- -V~

-V-- -V-- -V-- -V~

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

НАСРИЙ БАЁН

- Эй ҳабибим, сен лабингни сўрган сари мен қон ютаман. Сен май ич, менга эса жигар қонини ичиш насиб бўлган.
- Дедиларким, дўсту ёрлар дардига ҳабиби даво айлар, эвоҳ, мен муҳаббат ўтида куйдим, аммо ҳабибим ҳолимдан беҳабар.
- Кўйингга киргач, кўнгил қошингга мойилдир, ҳа, албатта ғариб масжидга кирса, меҳробнинг гўшасини маскан тутуди.
- Юзим сарғарган сари кўнгил ноласи ортиб боради. Хазон фаслида булбулнинг ноласини эшитиш ақл бовар қилмайдиган ҳолдир.
- Эй табиб, Худо ҳаққи, менга шарбат ўрнига қаттол заҳарни эзиб бер, чунки энди Ма-сиҳим келишига умид қолмади.
- Телбани ёлғон қиссалар билан алдаганлари каби ошиқи шайдо кўнглимни ул ой меҳридан умидингни узма деб, яна қанча овутай?!
- Фано дайрида тасбиҳ ва жома гаровга қўйилиб, шароб сотиб олинмагунча дайр пири майхона аҳлига зуннор ва салиб ҳадя қилмайди.
- Нафсинг агар ҳаддидан ошса, фалак жафоси билан унга адаб ўргат. Бу – мактабда муаллим фалақ билан шўх болаларни жазолагани каби фойдалидир.
- Эй Навоий, зулмининг дастидан ишқини тарк этай дейман, аммо назардан ғойиб бўл-гач, яна қарору тоқатим қолмайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал матлаъи ташбиҳи киноят талаблари асосида яратилган. Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадоиқ ус-сеҳр” китобида берилишича, мазкур санъат ёпиқ ташбиҳнинг бир тури бўлиб, унга кўра, шоир ўхшатиш воситаларини ишлатмаган ҳолда, ўхшалган нарсанинг номини аташ йўли билан нимага ўхшатилганига ишора қилади. Қуйидаги байтда ташбиҳи киноят тазод (лаб – қон ютиш, май – хуни жигар) билан қоришиқ ҳолда қўлланилгани учун ёр қизил лабининг ҳижронидан бағри қон ошиқнинг руҳий ҳолати аниқ чизилган:

*Сен лабинг сўрган сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб,
Сен май ичқилким, манга хуни жигар бўлмиш насиб.*

Иккинчи байтда иштиқоқ санъати ёрдамида бир ўзакдан ясалган “аҳбоб”, “ҳабиб” ва “муҳаббат” сўзлари қўлланилади. Кези келганда, Навоий лирикасидаги бир жиҳатга эътибор қаратиш жоиз: Алишер Навоий бугунги кун адабиётида жуда кўп қўлланиладиган ўзбекча “севги” сўзи умуман ишлатмайди. Севги сўзи ўз моҳиятига кўра, эркак ва аёл ўрта-сидаги эҳтиросли туйғуларнинг ифодасидир. Муҳаббат эса, ушбу майлларни инкор этма-ган ҳолда, руҳий яқинлик, кўнгил маҳрамлиги, дўстлик ва олижаноблик, вужуд ва руҳнинг

уйғунлигини ифодалайдиган, инсоний эҳтирос ва талпинишлардан-да анча баланд покиза ва илоҳий бир ҳис-туйғуни англатади.

Муҳаббат дардига даво фақат маҳбубнинг ҳузурида бўлади, аммо маҳбуб муҳибнинг муҳаббат ўтида ёниб адо бўлганидан беҳабар. Ёрнинг беҳабарлиги ошиқнинг дардини ўн чандон зиёда этади:

*Дедилар, аҳбоб дардиға ҳабиб айлар даво,
Ваҳки, мен куйдум муҳаббаттин, эмас воқиф ҳабиб.*

Учинчи байтда ташбиҳи киноят бошқа бир маънавий санъат – муруоти назир билан қоришиқ қўлланилган. Иккинчи мисрада ўрта асрлар мусулмон Шарқи мамлакатларидаги гўзал бир удум далил сифатида келтирилган: шаҳарларда бугунги кунда ҳар қадамда учрайдиган меҳмонхоналар ўрта асрларда бўлмаган. Шаҳарда таниш-билиши ё қариндоши бўлмаган мусофирлар масжидларда тунаган. Масжид аҳли мусофирларни меҳмоннавозлик расми билан ё ўзлари билан уйларига олиб бориб, бошпана беришган, ёки шу ернинг ўзида мусофирни таом ва бошқа зарурий нарсалар билан таъминлашган. Бу – мусулмонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилган.

Тўртинчи байтда эса гулдек чехраси ишқ дардидан сарғайиб хазон рангига кирган ошиқнинг – муҳаббат оловидан ёниб кул бўлган кўнгилнинг булбулдек нола чекканлари (бу ерда булбулнинг патлари кулранг эканлигига ҳам нозик ишора бор) ҳақида сўз юритилади. Фарқ шундаки, булбул кузак фаслида, гуллар хазон бўлгандан кейин сайрашни тўхтатади. Шоирнинг булбул кўнгли эса ҳаммиша ёрнинг дийдорини кўмсаб нола қилади. “Ишқро оғоз ҳаст, анжом нест”, дейди Шайх Саъдий Шерозий. Бу нолалар ўша интиҳосиз муҳаббатнинг наволаридир:

*Чехра сарғарған сайи ортар кўнгулнинг носаси,
Бор ажаб воқиъ хазон фаслида нолон андалиб.*

Мажнунвор ишқ дарди лаҳза сайин кучайиб, ҳатто масиҳонафас табиблар унга даво топа олмай ожиз қоладилар. Шайдо кўнгил ёлғон ваъдаларга бир муддат ишониб таскин топган, бу ёлғонлар фош бўлгач ой тўлган кунларда дарди баттар кўзиган девоналар каби ойжамол дилдорнинг висол ваъдаси билан бир муддат овунади, аммо бу ваъдалар ҳар доимгидек саробга айлангач, жунуни ва шайдолиги ошиб бораверади:

*Неча ул ой меҳридин шайдо кўнгулни овутай,
Телбага ёлғон ҳикоят бирла бергандек фириб.*

Мавъиза оҳангида битилган саккизинчи байтда шоир эски таълим тизимидаги яна бир одатни қаламга олади. Ўқувчи фалақ ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиши учун Садриддин Айнийнинг “Эски мактаб” қиссасидан қуйидаги парчани келтиришни лозим топдик:

“... – Фаллоқни ол! – деб домла халфага буюрди.

Халфа домланинг ёнига ўтди ва унинг орқасида деворга осиб қўйилган бир ёғочни олди. Бу ёғоч бир ярим газча узунликда бўлиб, бир оз эгри ва икки бошида бир тизимчанинг икки учи тугилган эди...

Аҳмаднинг ёнида турган болалар уни босдилар, домланинг иккинчи буйруғини кут-

масдан, унинг оёқларини фаллақнинг тизимчасидан ўтказдилар ва икки бола фаллақ ёғочининг икки учидан тутиб уни бурай бердилар. Тизимча фаллоқ ёғочига ўрала бошлади, у боланинг оёғини қисди, бу қисиш шу даражага етдики, бола чидай олмай дод солди:

– Вой ўлдим, вой оёқинам! – деб қичқирди.

Ўқишдан тўхтаган болалар эса қўрққан ва титраган бир вазиятда унинг дод-фарёдини тинглар эдилар. Лекин домла бу ҳолга йўл қўймади, у узун таёғини қўлига олди-да, бошқа болаларнинг бошларига уриб, уларни ўқишга буюрди. Улар ҳам йиғлаб-сиқтаб, баланд овозда ўқишга киришдилар.

Домла орқасида деворга тираб қўйилган таёқлардан икки газлигини олиб халфанинг қўлига берди ва:

– Ур! – деб буюрди.

Халфа фаллоққа боғланган Аҳмаднинг товонларига ура бошлади.

Энди Аҳмаднинг дод-фарёдига ҳеч чидаб туриб бўлмас эди. Бироқ унинг фарёди бошқа болаларнинг ўқишлари, бақаришларига қўшилар ва унинг товуши бақаришлар ичига сингиб йўқолар эди. Шунинг учун ўткинчилар “болалар ўқияптилар”, деб ўйлар ва бу ваҳшийликдан хабарсиз қолар эдилар.

Халфанинг калтаклари зарбидан аввало Аҳмаднинг товонлари кўкариб, қорайиб кетди, сўнгра тирқираб қизил қон чиқди ва таёқни бўяб юборди” (С.Айний. Эски мактаб. Повесть. – Т.: “Ёш гвардия”, 1982. –Б.13).

Бу каби жисмоний жазоларни қўллаш ҳозирги замон тарбия тизимида инкор этилса-да, ўн бешинчи асрда ушбу тарбия воситаси боланинг интизомли бўлиши ҳамда замоннинг кейинги зарбаларига чидамли бўлишига асос бўлади, деб ҳисоблашган. Навоий нафс туғёнини ҳар бир инсон бошига тушадиган азоб ва машаққатлар билан тарбиялаш лозимлигини юқорида айтиб ўтилган ҳолатга қиёслаб, фикрини қуйидагича баён этади:

*Нафсинг этса шўхлуғ, чарх эмгагидин қил адаб,
Тифлни андоққи зажр айлар фалақ бирла адиб.*

**“ИШҚДИН ЁНСА ТАНИМ
СЎРМА САБАБ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 50-ғазал

*Ишқдин ёнса таним сўрма сабаб,
Куйса хошок ёлиндин, не ажаб?*

*Секриди чунки самандинг, деди ақл:
Барқ бўлмиш бу қуёшқа маркаб.*

*Хўблар мактаб аро хайли нужум,
Ул қуёш ўртада моҳи мактаб.*

*Зақанинг чоҳу анинг остида хол,
Чоҳнинг нуқтаси, эй нўшинлаб.*

*Хусн аро ишвау ноз эл кўнглин
Онча олмаски, ҳаё бирла адаб.*

*Нега матлуб тиларсен, чунким
Не талабдур санга, не дард талаб.*

*Ҳажр аро хаста Навою фиғон,
Эй висол аҳли, сизу – лаҳну тараб.*

ЛУҒАТ

Ёлин – олов

Саманд – учқур от, саман оти

Хайл – тўда

Нужум – юлдуз

Моҳ – ой

Зақан – ияк

Чоҳ – қудуқ

Лаҳн – куй, наво

Тараб – шодлик

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаддаси махбуни маҳзуф

–V-- VV-- VV–

–V-- VV-- VV–

Фоилотун фаилотун файлун

НАСРИЙ БАЁН

- Жисмим ишқдан ёниб кул бўлса, бунинг сабабини сўрама. Олов тушган хас-хашак ёниши ажабланарли ҳол эмас.
- Саман отинг сакраганини кўрганда ақл деди: – бу қуёш барқ – яшинни от қилиб миниб олибди.
- Мактабдаги гўзаллар бир тўда юлдуз, менинг қуёшим эса улар орасида мактабнинг ойи каби алоҳида ажралиб турибди.

- Эй лаблари болдек шириним, иягингдаги чуқурча – қудуқ, унинг остидаги хол эса қудуқнинг тубидаги нуқтадек.
- Ишваю ноз эл кўнглини ҳаё ва адаб каби ўзига банди қилолмайди.
- Сенда талаб истаги ҳам, дард талаби ҳам бўлмаса, нега бу ҳолинг билан матлубга етишмоқни истайсан ўзи?!
- Ҳижронда қолган хаста ва бемор Навоийнинг касбу кори нола-ю фиғондир. Эй висолга етишганлар, сизга куй-наволар ва шодлик базми ярашади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал арузнинг энг латиф ва ўйноқи вазнлардан бири – рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуфда битилган.

*Ишқдин ёнса таним сўрма сабаб,
Куйса хошок ёлдин, не ажаб?*

Матлаъда ошиқ – бир ҳовуч хас-хашакка, ишқ – ўт, оловга ўхшатиш замирида ҳам катта ҳикмат бор.

“Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хусравни эсга олайлик. Хусрав ҳам Ширин висолига даъвогарлардан бири. Хусрав бепоён ва қудратли мамлакатига муносиб валиаҳдни дунёга келтириш учун олийнасаб, оқила ва гўзал малика топиш умидида турли ўлкаларга жосусларини юборади. Жосуслар ва элчилар бундай олий мақомга Арман мулкининг қироличаси, ҳусну жамол ва ақлу фаросатда тенгсиз Ширин муносиб экани ҳақида хабар келтирганларидан кейин иштиёқ билан Ширинни қўлга киритишга ҳаракат қилади. Хусравдан фарқли ўлароқ Фарҳод Шириннинг ишқига мубтало бўлгунга қадар ҳам бутун вужуди “фироқу ранжу ашқу оҳ ила дард”га айланиб бўлганди. Бу қиёслардан маълум бўладики, ҳаммага ҳам муҳаббат аталмиш пок туйғу насиб этавермас, ишқ ўти тош кўнгилларга асар қилмас экан. Ўзини бир ҳовуч хас-хашакдан ҳам беқадр деб биладиган, тупроқдек хоксор ва беозор, қалби ва тийнати тоза кишиларгина ишқ ўтида ёниб, кул бўлиш бахтига муяссар бўлади.

Кейинги уч байт маҳбубанинг гўзаллиги таърифига бағишланган. От устида жавлон қилиб ўтган қуёш юзли ёр гўёки яшин устида ўтиргандек лаҳзада кўздан ғойиб бўлади. Аслида, осмонни булут қоплаб, қуёш кўздан пинҳон бўлганда чақмоқ чақнайди, аммо ошуфта ақл ёрнинг гўзаллиги ва отининг учқурлигини қиёслаш учун бундан муносиб ташбиҳ топишга ожизлик қилади. Ишқ мактабхонасида ёрдан ўзга гўзаллар ҳам кўп. Аммо шоир васф этган ёр уларнинг орасида юлдузлар ичра ойдек танҳо ва беназир:

*Ҳўблар мактаб аро хайли нужум,
Ул қуёш ўртада моҳи мактаб.*

Ёрнинг беназирлиги, бошқа гўзаллардан мумтоз қиладиган жиҳати фақат ҳусну жамоли ё нозу ишваси эмас. Пок назар фақат пок манзарга тушади. Одамни фақат гўзал ахлоқ ва шарму ҳаё гўзаллаштиради. Навоий талқинида, ҳаё муҳим инсоний хислатларидан бўлиб, ҳаёсиз маънавий камолотга етишиб бўлмайди. Ҳаё ўз навбатида икки қисм – халқ олдидаги ҳаё ва Ҳақ таоло ҳузуридаги ҳаёдан иборат. Ҳаё – иззат ва муҳаббатни пайдо қилади. Ҳаёли киши доимий тарзда ўз хатти-ҳаракатини назоратга олиб, ахлоқ қоидаларига зид хатти-ҳаракатларнинг олдини олади, виқор, тамкин ва улуғворлик билан инсоний шаън ва қадр-қимматини

ерга урмайди, тамаъ, риё ва ёлғонга йўл бермайди. Ҳаё ва вафо муштарак хислатлар бўлиб, ҳаёсиз киши бевафо ва, аксинча, вафосиз киши беҳаё кимсага айланиб қолади.

“Маҳбуб ул-қулуб”да ҳаё таърифида шундай ҳикматли сўзлар бор: “Карам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё икки ҳамзод фарзанд... Ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилур, бу ҳам топилур. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ – имон йўқ ва ҳар кимда имон йўқ, андин умид кўзин ёрутса бўлмас... Комиллар – аҳли ҳаё ва ноқислар беҳаё”. Бинобарин, шоир маҳбубасининг гўзаллик сирини унинг ҳаё ва одобида деб ҳисоблайди:

*Хусн аро ишвау ноз эл кўнглин
Онча олмаски, ҳаё бирла адаб.*

Бундай гўзал хилқатга, юқорида таъкидлаганимиздек, шоҳ Хусрав каби даъво ва иддао билан етишиб бўлмайди. Ёрга етишмоқ йўлидаги дастлабки босқич – руҳият оламидаги талаб водийсини ўтамоқ лозим бўлади. “Лисон ут-тайр” достонида талаб водийси таърифига бағишланган боб қуйидаги сатрлар билан бошланади:

*Чун Талаб водийсиға қўйсанг қадам,
Оллинға ҳар дам келур юз минг алам.
Ҳар дам анда юз маломат юзланур,
Ҳар нафас минг саъб ҳолат юзланур.*

Ана шундай қийинчиликларга бардош бериш, уларни ирода кучи билан енгиб, матлуб томонга руҳоний сафарни давом эттириш – ишқ йўлига кирган кишига қўйилган дастлабки шартдир. Бу шартни бажаролмаган ёки бажаришни истамаган одам орзу-ҳавасга берилмасдан, ниятидан воз кечмоғи маъқул:

*Нега матлуб тиларсен, чунким
Не талабдур санга, не дард талаб.*

**“ОҒЗИНИНГ СИРРИ МАНГА МАЪЛУМ
АГАР ЭРМАС НЕ АЙБ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 51-ғазал

*Оғзининг сирри манга маълум агар эрмас не айб,
Ҳеч кимга заррае чун бермамиш Ҳақ илми ғайб.*

*Ошиқу шайдолиғимни манъ этар зоҳид, кўрунғ,
Ким хунар ҳам бор эмиш нодон киши оллида айб.*

*Ёшурун қолғайму кўксум жайбидек чок ўлғани
Хоссаким, ҳажр илгидин кўксум киби чок эрди жайб.*

*Кўзларинг бирла лабинг андоғки урди дин йўлин,
Не балолардин Билол ўткай, не саҳбодин Суҳайб.*

*Зарраға садяк эса оғзинг манга йўқ ҳеч шак,
Чеҳранг ўлғандек қуёшнинг даҳ сади йўқ ҳеч райб.*

*Пирсиз кезма бу водий ичраким, топмас Калим
Тийра шомин равшан амр этмай анга хидмат Шуайб.*

*Эй Навоий, сендек эткан зойиъ айёми шабоб,
Суди йўқ анжум киби ашки надомат шоми шайб.*

ЛУҒАТ

Шайдо – девона, ошиқ
Жайб – ёқа
Хоссаким – айниқса, хусусан
Саҳбо – шароб
Садяк – юздан бир қисм
Даҳ сад – минг ҳисса кўп
Райб – шубҳа, гумон
Зойиъ – беҳуда, зое
Шабоб – ёшлик
Суд – фойда
Анжум – юлдузлар
Шайб – қарилик

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани мақсур
-V-- -V-- -V-- -V~
-V-- -V-- -V-- -V~
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

НАСРИЙ БАЁН

- Оғзининг сиррини агар билмасам, бунинг уятли жойи йўқ, негаки Ҳақ таоло ҳеч кимга ғайб илмидан бир зарра ҳам бермаган.
- Зоҳид ошиқлигимни маън этмоқда, нодон киши наздида ҳунар айб саналиши табиий ҳол.
- Ҳижрон дастидан ёқам кўксим каби йиртилгандан кейин ёқам каби кўксим чок бўлгани пинҳон қолармиди?!
- Дин йўлида кўзларинг билан лабинг шундай қароқчилик қилмоқдаларким, бу балолардан Билол ҳам омон ўтолмайди, Суҳайб Румий ҳам бу шароб офатидан қутулолмайди.
- Оғзинг зарранинг юздан бири каби кичик эканлигига менда ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Аини пайтда юзинг қуёшдан минг баравар порлоқ эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди.
- Бу водийни пирсиз кезма, негаки Мусо Шуайбнинг хизматини қилмагунча қоронғу шоми ёруғ бўлмади.
- Эй Навоий, сен каби ёшлик айёмини беҳуда ўтказганга қарилик шомида юлдузлардек надомат ёшларини тўкишдан фойда йўқ.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Навоий ғазалларидаги маъно кўлами ва тафаккур миқёсини қамраб олиш ва тушунтириш учун фақат адабий-тасаввуфий билим камлик қилади. Бу бетакрор сўз обидаларини англаш ва талқин қилиш учун ўрта аср тафаккур тарзи, мутафаккир шоиримизнинг дунёқарашини шаклланишига асос бўлган диний ва дунёвий билимлардан хабардор бўлмоқ лозим. Ўшанда ҳар бир сўз замирида, яъни етти қават парда ортида яширинган маъно гўзаллигидан баҳраманд бўлиш имкони ҳосил бўлади.

Ғазал матлабида ёр оғзининг сирри ҳеч кимга, жумладан, ошиққа ҳам маълум эмаслиги, бунинг сирри фақат алломул-ғуюб (ғайб илмини билгувчи) сифатига соҳиб Аллоҳ таолога аён экани қайд қилинган. Тасаввуфий истилоҳ сифатида оғиз – илоҳий калом, Аллоҳ таолонинг “ал-Мутакаллим” сифатининг тимсоли.

Мустамлий Бухорий ўзининг “Шарҳи ат-Таъарруф” китобида бу ҳақда шундай ёзади:

“Аллоҳнинг Зоти бирор зотга ўхшамас, сифатлари ҳам бирор сифатга, феъли-амали ҳам бирор феълга ўхшаш бўлмас. Бу шундайким, агар биз Уни Ҳай (тирик) десак, Унинг Ҳаёти бизнинг ҳаётимизга ўхшамайди, чунки бизнинг тириклигимиз жон туфайлидир, Унинг Ҳаёти жон туфайли эмас. Бизнинг каломимиз унли ва ундош ҳарфлар бирикмасидан иборат, Унинг Каломи унли ва ундош ҳарфлардан иборат эмас; бизнинг каломимиз калималардан иборат, Унинг Каломи калималардан иборат эмас. Бизнинг каломимиз кетма-кетликни талаб қилади, Унинг Каломи кетма-кетликни талаб қилмайди. Биз бир ҳарфни айтмагунча иккинчи ҳарфни айтолмаймиз, бир калимани баён этиш учун ана шу изчилликка риоя этишимиз керак, бир калимани айтгандан сўнггина иккинчи калимани айта оламиз. Аллоҳ таоло эса, барчани бирда эшитади ва барчага бирда жавоб беради. Унинг жавоби ҳам зиддиятлидир, бировга “ҳа”, дея жавоб берса, иккинчисига “йўқ” бўлади, бирига раҳматдир, иккинчисига лаънат, бировни қурб(яқинлик)дан мужда беради, иккинчисига бўъд(олислик)дан хабар еткази. Бундай Калом махлуқот каломига қандай ўхшасин?!”

Шундай бўлгач бу каломнинг моҳиятини билмаслик ғайб илмидан беҳабар бандага айб саналмайди:

*Оғзининг сирри манга маълум агар эрмас не айб,
Ҳеч кимга заррае чун бермамиш Ҳақ илми ғайб.*

Ушбу ғазалда ислом пайғамбарининг саҳобалари – Билол Ҳабаший ва Суҳайб Румий исмлари талмиҳ санъати воситасида қайд қилинган. Шоирнинг талқинига кўра, ёрнинг гўзаллиги дин аҳли учун шундай офатки, унинг қора кўзлари балосидан қора танли Билол ҳам, алвон шаробдек тотли лабларидан шароб ичмайман деб тавба қилган Суҳайб Румий ҳам қутулолмади. Ғоят муносиб ва гўзал ташбиҳ! Мажозий маънолар ва байтнинг бадииятини инкор этмаган ҳолда, байтнинг ирфоний қатламига ҳам эътибор қаратмоқ лозим. Фақатгина зоҳирий ва юзаки маъноларга маҳдиёлик Навоийнинг тафаккур даҳосига муносиб иш эмас.

Тарихдан маълумки, Ислом дини пайдо бўлгунга қадар ҳар бир қавм ва миллат ўзининг динига эътиқод қилиб юрган эди. Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.) барча инсоният учун ягона эътиқод – Ислом дини зуҳурини эълон қилгач қора танли Билол ва Рум аҳлидан бўлган Суҳайб биринчилардан бўлиб ота-боболарининг ботил эътиқодидан воз кечиб, янги динни қабул қилдилар. Бундай қарорга келишларига Расулуллоҳнинг хуш сурати, хуш ахлоқи ва гўзал каломи сабаб бўлган. Навоий бу чиройли ишора орқали тавҳид динининг асосчиси, барча замонларга раҳмат этиб юборилган Пайғамбаримизнинг бошқа хато йўллар ва эътиқодларга барҳам бериб, ирқи, миллати ва насабидан қатъи назар барча инсониятни тўғри йўлга ҳидоят қилишдаги хизматларини таъкидлаб ўтган:

*Кўзларинг бирла лабинг андоғки урди дин йўлин,
Не балолардин Билол ўткай, не саҳбодин Суҳайб.*

Ғазалнинг олтинчи байтида талмиҳнинг яна бир намунасига дуч келамиз. Бунда фикрни асослаш учун икки пайғамбар – Мусо Калимуллоҳ (а.) билан Шуайб (а.) ўртасидаги муносабат мисол келтирилган.

“Қисаси Рабғузий”да айтилишича, Мусо тасодифан бировнинг ўлимига сабабчи бўлгани учун Мисрдан Мадянга қочиб, Шуайб пайғамбарнинг хизматига чўпон бўлиб ёлланади. Шуайб (а.) Мусонинг чеҳрасида пайғамбарлик нишонларини илғаб, унга тарбият беради. Муайян бир муддат ўтгандан кейин Шуайбнинг куёвиге айланган Мусо ўз устози ва қайнотаси ижозати билан Сино водийсига кўчиб боради. Ўша сафарда у Тур тоғида Аллоҳ таоло билан сўзлашиб, Миср аҳлига пайғамбар этиб юборилади. Мазкур тарихий далилдан Навоий янги хулоса чиқариб, илоҳий маърифат водийсини пир-устозсиз кезмаслик кераклигини таъкидлаб ўтади:

*Пирсиз кезма бу водий ичраким, топмас Калим
Тийра шомин равшан амр этмай анга хидмат Шуайб.*

Тасаввуф – руҳий тарбия демак. Руҳий тарбия ҳамиша маънавий муршид ва мураббий раҳнамолигида амалга ошади. Шу сабабдан, қайсидир манбани ўқиб, ўз ҳоли билан бу йўлни ихтиёр этган кишилар муродга етмаганлар. Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида пирсиз тариқат йўлига кирган Биноийнинг хатосини афсус билан қайд этиб ўтади:

“Биноий... фақр тарийқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам торти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғон учун ҳеч фойда бермади”.

Шоирнинг бу кўрсатмаси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

**“БАРҚДЕК ПЎЯМНИ АЙБ ЭТМАНГ
САЛОМАТ АҲЛИКИМ...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 52-ғазал

*Бовужудиким адам бўлдум ғамидин қайғуруб,
Ҳеч оғзининг сўроғин лаълидин топман сўруб.*

*Жонки, қат-қат қон бўлуптур, доғи ишқинг кетмагай,
Лола барғидек ани бир-бир совурсанг куйдуруб.*

*Новакинг кўнглумда қилмиш хона, бовар қилмасанг,
Кўксума илгингни келтурким, туруптур билгуруб.*

*Ишқидур жон пардасида равшан эттим, дўстлар,
Неча куйгаймен ҳарир ичинда ўтни ёшуруб.*

*Барқдек пўямни айб этманг саломат аҳликим,
Мундоғ ўтеким, тутошибдур манга бўлмас туруб.*

*Истама таҳсинки, шокирмен не келса оллима,
Шукр қилмай найлай олурсен қазони ёзғуруб?!*

*Чун Навоий жониға марҳам эрур пайконларинг,
Кош, ёқса марҳаме ўқунг ёнимға ўлтуруб.*

ЛУҒАТ:

- Адам – йўқлик
- Новак – ўқ
- Илик – кўл
- Барқ – чақин, яшин
- Пўя – елиб-югурмоқ
- Шокир – шукр қилувчи
- Қазо – тақдир, қисмат
- Ёзғурмоқ – норози бўлмоқ
- Марҳам – малҳам, даво
- Пайкон – ўқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

• Ёр ғамидан қайғуравериб, адойи тамом бўлдим. Аммо лаъли лабидан сўраб ҳам оғзидан ҳеч бир нишон топмадим.

• Жонимда қон қат-қат қотиб қолганидан агар лола япроқлари каби битта-битта узиб, совурсанг ҳам, ишқинг доғи ундан кетмайди.

- Ўқинг кўнглимни макон тутмиш, агар ишонмасанг, кўлингни кўксимга қўй, бағримга санчилиб турганини дарров пайқайсан.
- Дўстлар, жонимнинг пардасини, яъни қалбим гулшани, руҳи равонимни ёр ишқи оташи билан равшан эдим, лекин ҳарир жон пардаси ичра ишқ ўтини яширишга уриниб, токайгача куйиб кул бўламан?!
- Эй яхши одамлар, чақиндек беорому беҳаловат эканимни айбситманг, жонимга туташган олов дастидан бир жойда сира ҳам тура олмайди.
- Сен мендан ўзга нарсани кутма, бошимга неки тушса, шукр қиладиган мўмин бандан. Тақдирдан шикоят қилиш бефойда, бинобарин шукур қилишдан ўзга чорам йўқ.
- Сенинг ўқларинг дардманд Навоийнинг жонига даво, малҳамдир, кошки ўқларинг бағримга санчилиб, дардимга малҳам бўлса.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал туркона йўсинда битилган. Байтларнинг оҳангдошлигини таъминлаш учун қайғуруб, сўруб, куйдуруб, билгуруб, ёшуруб, туруб, ёзғуруб, ўлтуруб каби соф ўзбекча сўзлар қофия ўрнида келган. Араб тилида кесим вазифасини бажарадиган феъллар сўзнинг бошида келади. Масалан, Навоийнинг фотиҳа ғазалидаги арабча мисрасида “порлаб чиқди” маъносидаги “ашрақат” феъли гапнинг бошида қўлланилган. Форс тилида феъллар ўзбек тилидаги каби гапнинг охирида келса-да, уларнинг қофиядош туркумлари 15-20 тадан ортиқ эмас. Қолаверса, бу тилда ҳаракат турларини аниқ ифодалайдиган феъллар ўзбек тилига нисбатан жуда озлиги “Муҳокамат ул-луғатайн” да аниқ мисоллар билан исботлаб берилган. Шу сабабли, форсий шеърият грамматикаси гап тузиш қонуниятларига мос келавермайди. Ўзбек тилида эса ҳам араб, ҳам форс шеъриятидаги “шеърий грамматика”ни қўллаш имкони борлиги баробарида, тил меъёрларини ўзгартирмасдан ҳам фикрни шеър қолипига солиш мумкинлигига ушбу ғазал ёрқин далилдир:

*Бовужудиким адам бўлдум ғамидин қайғуруб,
Ҳеч оғзининг сўроғин лаълидин топман сўруб.*

Матлаъда қўлланилган сўрмоқ феъли қофияни таъминлаш баробарида тажниснинг ажойиб намунасини ҳосил қилган. “Сўруб”ни агар сўрмоқ маъносида қўлласак, байтдан “Ёрнинг лаълдек лабини сўриб ҳам, унинг кичик оғзи қаерда эканлигини билолмай, ғуссадан ҳалок бўлдим” маъноси келиб чиқади. Агар бу феъл “сўрамоқ” мазмунини англатадиган бўлса, “Ёрнинг илоҳий маърифат нишонаси бўлган сўзларини тингладим, аммо унинг Зотини маърифат этолмасдан, ожиз қолдим”, деган теран ирфоний ҳикмат ҳосил бўлади (лаб ва оғизнинг ирфоний талқини ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун шу китобдаги 45-ғазал шарҳига қаранг). Фақат Навоийдек буюк сўз санъаткорлари ягона шеърий тажнис санъати воситасида иккита бир-бирини тўлдирадиган маънони ифодалай олади.

Иккинчи байтда ҳаётда учрайдиган ҳолатдан ажойиб шоирона тасвир яратилган: жисмдаги жароҳат ва яралардан оқадиган қон қотиб, қават-қават яра ҳосил қилади. Катта жароҳатлар битгандан кейин ҳам чандиқ қолади. Навоийнинг жони ишқ захмлари кўплигидан қат-қат қонга айланиб, ярми қизил, ярми қора рангдаги лола япроқларига ўхшаб қолган. Бу ярани лола баргларидек битта-битта юлиб совурган тақдирда ҳам ишқнинг доғи из бўлиб қолаверади, дейди шоир:

*Жонки, қат-қат қон бўлуптур, доғи ишқинг кетмагай,
Лола баргидек ани бир-бир совурсанг куйдуруб.*

Ишқ ўқларидан ярадор жон лола япроқларига фақат зоҳирий жиҳатдан ўхшаш эмас. Лола сўзи арабча ҳарфлар билан (لا) ёзилганда, Аллоҳ (الله) сўзига ўхшагани сабабли, ирфоний истилоҳда бу гул илоҳий ишқ тимсоли саналади.

Учинчи байтда ошиқ жонидаги жароҳатлар ёрнинг бир қиё боқиб қарашларидан ҳосил бўлгани ҳақида гап кетса, тўртинчи байтда бу нигоҳдан кўнглида ёруғлик, нур ва зиё ҳосил бўлгани айтилади. Ҳадисга кўра, имони мукаммал зотлар олам ишларига илоҳий нур билан назар соладиган азиз бандалар ҳисобланади. Шу сабабли, тасаввуф тарихида Нажмиддин Кубродек авлиёларнинг назари шарофатидан гумроҳларнинг ҳидоят тавфиқи топиш ҳодисалари кўп кузатилади. Навоий ҳам ёрнинг новаки – назари туфайли жонида муҳаббат олови аланга олиб, ҳарир пардасидан нафис бўлган руҳини мунаввар ва зиё бағишлагани, бу ҳолат унинг зоҳирида ҳам аён бўлгани ҳақида шундай дейди:

*Ишқидур жон пардасида равшан эттим, дўстлар,
Неча куйгаймен ҳарир ичинда ўтни ёшуруб.*

Кўнглига муҳаббат оташи тушган ошиқда беқарорлик, изтироб кучаяди. Бу олов ҳарорати ошиқни талаб водийсига солиб, дийдор умидида тоғу тошлар, дашту биёбонларни кезишга, ҳар қадамда ёрнинг нишонини излаш ва топишга ундайди. Гуноҳлар, хато ва алдовлар, иккиланиш ва хавотирлар зулумоти ботинини ўз забтига олган бир ҳолатда кўнглини муҳаббат нури чақиндек бир сония мунаввар этгани ошиқнинг сабру тоқатини ўғрилайди. У ортиқ бошқалар каби сукунат ва осойишталикда яшай олмайди, аниқроқ айтсак, олдингидек яшашни хоҳламайди. Нур ва зиё манбаи, ишқ ва муҳаббат мабдаиға талпиниш ҳаёти мазмунига айланади:

*Барқдек пўямни айб этманг саломат аҳликим,
Мундоғ ўтеким, туютибдур манга бўлмас туруб.*

Бу беқарорлик, офат ва балолар, синов ва имтиҳонлар ошиқнинг қалбида шукроналик туйғусини устувор қилади. Негаки, у – бошига тушган ҳар қандай синов тақдири илоҳий туфайли экани, муҳаббат – унинг қисмати эканини жондан ҳис этади:

*Истама таҳсинки, шокирмен не келса оллима,
Шукр қилмай найлай олурсен қазони ёзғуруб?!*

Дардсизлик дардидан қутулган ошиқ энди дармонни ишқ мазҳаридан излайди. Унинг орзуси – муҳаббат синовларига нишон бўлиш, дилдорнинг жафоларини чекиш, сабр ва матонат билан бу синовлардан ўтиш демакдир.

Навоий мақтаъда ёрнинг пайконлари, ўқларининг бағрига санчилишини дардига даво эканини таъкидлайди. Бинобарин, бу кўргулик бало сифатида талқин қилинади. Тасаввуф таълимотига кўра, Оллоҳнинг турфа балолар билан имтиҳон қилиши бандани унга яқинлаштиради. Оллоҳнинг висоли эса ҳақиқий ошиқ учун икки дунё саодатидан ҳам ортиқ бахт ҳисобланади:

*Чун Навоий жониға марҳам эрур пайконларинг,
Кош, ёқса марҳаме ўқунг ёнимға ўлтуруб.*

**“ДАҲР БЎСТОНИДА ҚИЛМОҚ
САЙР АЙЛАБ ҲОЮ ҲУЙ...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 53-ғазал

*Хоки пойи бўлди жони хоксорим қон ютуб,
Ким чиқиб лаълини ўпкай риштаи зулфин тутуб.
Зулфин очқанда занах чоҳиға тушкай минг кўнгул,
Қўймаса ул чоҳуза рухсори шамъин ёрутуб.
Ишқ муҳриқ даштини қатъ айламак душвор эрур,
Кирмасам оҳим ели бирла ҳавосин совутуб.
Куйгали рози мену ҳажриға йўқ, ваҳким, мени
Айлади рози иситмоққа ўлумдин қўркутуб.
Деб эмиш бир кун келиб кўнгли яросин буткарай,
Келса буткил, эй кўнгул, бу сўзга худ бўлмас бутуб.
Даҳр бўстонида қилмоқ сайр айлаб ҳою ҳуй
Ҳарза кезмакдур ҳаётинг қушларини уркутуб.
Жоми васлингдинки, элни тиргузурсен, бил яқин,
Ким Навоий ўлгуси хунобайи ҳижрон ютуб.*

ЛУҒАТ:

Занах чоҳи – иякдаги чуқурча.
Рухсор – чехра, юз.
Муҳриқ – ёндирувчи, куйдирувчи.
Буткармоқ – тузатмоқ.
Ҳарза – беҳуда, бефойда.
Уркутмоқ – ҳуркитмоқ.
Яқин – аниқ, шак-шубҳадан холи.
Хуноба – қонли ёш.

ҒАЗАЛ ВАЗНИ:

Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V-
-V-- -V-- -V-- -V-
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН:

- Тақимиға тушган зулфидан тутиб, лаъли лабларини ўпиш умидида тупроқдай хору зор хоксор жоним қон ютиб ёрнинг хоки пойи бўлди.
- Агар чехраси шамъи билан ёритмаса, зулфини очганда минглаб кўнгиллар иякдаги чуқурчасига тушиб кетади.
- Ёрнинг ёниб турган ишқ даштининг ҳавосини оҳим ели билан совитиб турмасам, бу водийни кезмак даргумон.

- Бу ишқ ўтида куйгали розиман, аммо ҳижрон оловида ёниб адо бўлишга розимасман. Эвоҳ, мени ўлимдан кўрқитиб, ҳижронда ёнишимга кўндирди.
- Ёр бир кун келиб, хаста кўнглимни даволашга ваъда берганмиш. Эй кўнгил, агар келса, ўзингни тузат, негаки фақат ваъда билан тузалишнинг имкони йўқ.
- Ҳаёт бўстонида энгилтаклик билан ҳаё-хуй қилиб сайр қилмоқ – ҳаёт кушларини хур-китиб бефойда кезиш билан баробар.
- Эй ёр, васлинг бодаси билан элга ҳаёт бахш этасан, бироқ билмайсанки, Навоий ҳижронинг дастидан қонли ёшларини ютиб юрганидан ўлар ҳолатга келди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Мазкур ғазал ҳам туркий тилнинг кенг имкониятларини намоён этувчи гўзал санъат асари. Олдинги шарҳлаганимиз ғазал каби бунда ҳам ютуб, тутуб, ёрутуб, совутуб, кўрку-туб, бутуб, уркутуб феъллари байтларнинг қофиядошлигини таъминлаган. Қўлланилган феъллар маъно кўламининг ўзи ушбу ғазалда шўриш ва изтироблар, дард ва қийноқлар, заҳмат ва машаққатларнинг ранг-баранглигини кўрсатиб турибди.

Матлаъда ёрнинг тақимиға тушган узун сочи ташбиҳи киноят санъати орқали васф қилинган. Айтиш керакки, бу мумтоз адабиётда анъанавий ташбиҳ ва ўхшатмалар ҳисобланади. Жумладан, Абулқосим Фирдавсийнинг “Зол ва Рудоба” достонида Рудобанинг узун сочини васф этувчи гўзал бир лавҳа бор: қасрнинг иккинчи қаватида бўлган Рудоба висол талабида келган Золнинг тепага кўтарилиши учун узун сочини ерга туширади. Зол Рудобанинг сочини ўпиб, унга заҳмат етказиш гуноҳлигини айтиб, арқон ёрдамида тепага кўтарилади. Бу лавҳада Фирдавсий Рудобанинг хусну жамоли ва Золи Зарнинг жисмоний баркамоллигини кўрсатиш орқали белгилари ва шартлари барчага умумий бўлган муҳаббат, яъни авом ишқида йигитнинг шижоати ва қизнинг малоҳати асосий омил ҳисобланишини кўрсатган. Навоий тасвирлаган лавҳада эса, хослар ишқининг белгилари намоён: ошиқ ёр зулфининг бир торига чирмашган кўйи лабининг висолиға етишмоқ орзусида хокисор жони ёрнинг хоки пойи бўлади. Ишқнинг бу турида жисмоний истак ва ҳаваслар эмас, балки садоқат, фидойилик, хокисорлик, ўзидан кечиш каби фазилатлар қадрланади:

*Хоки пойи бўлди жони хоксорим қон ютуб
Ким, чиқиб лаълини ўпкай риштаи зулфин тутуб.*

Иккинчи байтдаги занаҳ чоҳи истиораси алоҳида диққатни талаб қилади. Мумтоз шеърятда маҳбубанинг иягидаги чуқурча гўзалликнинг намунаси сифатида баланд пардаларда куйланган. Шунингдек, бу ибора тасаввуфнинг марказий истилоҳлардан бири ҳисобланади. Тасаввуф истилоҳларининг шарҳига бағишланган манбаларга кўра, занаҳдон (иякдаги чуқурча) деб, Ёрнинг ишқ йўлидаги солиқни мангулик ва абадият бағишловчи мақомдан зулмат ва адашиш йўлига соладиган қаҳрли лутфи, соддароқ қилиб айтганда, ҳақиқат йўлидаги тариқат аҳлининг илоҳий синов тариқасида адашишлари тушунилган. Инсон зоти, жумладан, тариқат йўлига кирган инсон адашиш ва хатолардан холи бўлолмайди. Хато ва гуноҳ банда томонидан содир этилса-да, бу хатолар содир бўлишини Аллоҳ таоло олдиндан билади. Бирор иш Аллоҳнинг изни ва ихтиёрисиз содир бўлмайди. Хатони англаб, тавба йўлига кириш ва яна тўғри йўлда собит бўлиш ҳам фақат унинг ҳидояти туфайли амалга ошади. Демак, илоҳий ҳидоят нури солиқнинг йўлини мунаввар этмас экан, минглаб солиқлар жаҳолат ва адашиш зимистонида қолиб кетиши мумкин экан:

*Зулфин очқанда занах чоҳиға тушкай минг кўнгул,
Кўймаса ул чоҳуза рухсори шамъин ёрутуб.*

Учинчи байтда шоир совуқ оҳлари билан аланга ичида қолган ишқ дашти ҳавосини совутмоқчи бўлганини ёзади. Биламизки, мумтоз адабиётда оҳнинг икки сифати бор – биринчиси, ўтли, бутун жаҳонни куйдириб юборувчи оҳ бўлса, иккинчиси дўзахнинг замҳарир қаватидаги изғириндан нишона бўлгандек совуқ оҳ. Инсон дард чекиб, иситмалаб қолганда иссиқ дам урса, жони чиқаётган пайтида нафасида иссиқликдан нишон қолмайди. Ишқ даштининг жазирамасини совуқ оҳининг ели билан совутиш – ўлимни бўйинга олиш демакдир:

*Ишқ муҳриқ даштини қатъ айламак душвор эрур,
Кирмасам оҳим ели бирла ҳавосин совутуб.*

Кейинги байтда эса ҳижрондан кўра ишқ даштида куймакка рози бўлган ошиқни маҳбубаси ўлимдан кўрқитиб, ҳижронда қолишга кўндиргани ҳақида сўз боради. Ишқ йўлида ҳалок бўлишни бўйнига олган, жонини ёрнинг мақдамига нисор этган ошиқ нега ўлимдан кўрқди экан?! Ошиқ учун ёрнинг ишқида яшаш – тирикликнинг мазмуни. У ўзини ортиқ ёрсиз, ёрнинг ёдидан айри ҳолда тасаввур этолмайди. Ўлимдан кўрқишнинг ягона сабаби – вафот этгандан кейин у ишқ дардини чекиш саодатидан мосуво бўлади. Шу сабабли ҳижронда бўлса ҳамки, висол умидида, ёр хаёлида яшашни ўлимдан афзал билади:

*Куйгали рози мену ҳажриға йўқ, ваҳким, мени
Айлади рози иситмоққа ўлумдин кўрқутуб.*

Бешинчи байтда уч хил шаклда (буткарай, буткил, бутуб) қўлланилган “бутмоқ” феъли серқатлам маънони таъминлаган. Мазкур сўз жонли халқ тилида ҳозир ҳам фаол ишлатилганига қарамасдан беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шарҳланмаган. “Навоий асарлари изоҳли луғати”га кўра, ушбу феъл ишонмоқ, кўнгил кўймоқ; амалга ошмоқ; тузалмоқ битмоқ (яра); унмоқ, ўсмоқ каби маъноларни ифодалаган. Буткармоқ сўзи эса тузатмоқ, бутун қилмоқ; эски ҳолига келтирмоқ маъноларини англатади. Мазкур маънолардан қайси бирини байтга нисбатан қўлласак, янги-янги образли ва оҳорли фикрлар пайдо бўлишига гувоҳ бўламиз:

*Диб эмиш бир кун келиб кўнгли яросин буткарай,
Келса буткил, эй кўнгул, бу сўзга худ бўлмас бутуб.*

Мавъиза оҳангида битилган кейинги байтда дунё бўстонида келиб, беҳуда яшаш – қуш овига чиққан кишининг ғавғо кўтариб, қушларни қочиргандан кейин беҳуда уларнинг кетидан чопиш билан тенг, деган фикр берилган. Қуш ови манзарасини чизмоқ орқали яна бир ҳикматни уқтирмоқчи бўлади: ҳаёт неъматларидан тўлиқ баҳраманд бўлиш, бе-корга умр ўтказмаслик учун тинч, осуда, ортиқча ғалва-ғалаёнсиз яшаган маъқул. Аксинча, тўс-тўполонлар, турли беҳуда гап-сўз ва амаллар умрнинг баракасини кеткизади, ҳаёт елга совурилади. Ҳаётга нега келгани ва қаёнга кетаётганини англаган одам сокин ва хотиржам яшашга одатланади. Навоийнинг ушбу ўгити бугунги кун учун ҳам муҳим:

*Даҳр бўстонида қилмоқ сайр айлаб ҳоюхуй
Ҳарза кезмакдур ҳаётинг қушларини уркутуб.*

**“БОҒИ ҲУСНУНГКИМ ГУЛ ОЧТИ
РАНГ-РАНГ, ЭЙ МУҒБАЧА...”**

“Ғаройиб ус-сиғар”, 54-ғазал

*Ваҳ, не қотилдур келур ойини қатлу кин солиб,
Ошиқ ўлтурмак учун ҳар қошиға юз чин солиб.*

*Чун ўтуб ишқ аҳлидин ошуби сабру фаҳм ўлуб,
Чун етиб зуҳд аҳлиға торожи ақлу дин солиб.*

*Эл сариким юзланиб қиндин чиқариб тийғи кин,
Чун манга маркаб суруб бошимға тийғи кин солиб.*

*Бу сариғ рухсора бирла қон ёшимдин ёд қил,
Ичсанг олтун жом ичинда бодайи рангин солиб.*

*Сенсизин, эй умр, чун мумкин эмас орому сабр,
Борма ҳардам бизни мундоғ бедилу ғамгин солиб.*

*Ҳар тарафким, гом уруб юз порсо йўлин уруб,
Ҳар қаёнким, кўз солиб яғмову қатл ойин солиб.*

*Боғи ҳуснунгким гул очти ранг-ранг, эй муғбача,
Гўйи ичтинг майға барги лолау насрин солиб.*

*Шаръсиз хошок аро хашхошдекдур, эй ҳақим,
Кўкка чиқсанг жайбинг ичра субҳайи парвин солиб.*

*Дарду ғам қолиб, Навоий жони чиқти оқибат,
Ҳажр элиндин хонумонин борди ул мискин солиб.*

ЛУҒАТ:

Ойин – расм, удум, одат
Кин – ўч, қасос
Чин – ажин
Чун – вақтики
Ошуб – ғалаён, тартибсизлик
Фаҳм – идрок, англаш
Гом – қадам
Порсо – тақволи
Яғмо – талон-торож
Гўйи – гўёки
Шаръ – шариат
Хашхош – кўкнори уруғи
Жайб – чўнтак
Субҳа – тизма, тасбиҳ
Парвин – Ҳулкар юлдузлари туркуми
Эл – қўл

ҒАЗАЛ ВАЗНИ:

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН:

- Э воҳ, ошиқларини ўлдирмак учун ҳар қошига юз гириҳ тушиб, қатл ва қасос учун келаётган бу қандай қотил бўлди?!
- Ишқ аҳли олдидан ўтганида уларда сабр ва идрок қолмади; зуҳд элига етганда эса дин ва ақлларини торож этди.
- Эл томонга юзланиб, қасос тиғини қиндан чиқаради, мен томонга от сурганда эса бу тиғ билан бошимга солади.
- Олтин жомга рангин бода солиб ичган пайтларингда сарғайган юзим билан қонли ёшимни эслагил.
- Эй умри азизим, сенсиз менга сабру ором йўқ, шунинг учун ҳар дам бизни бундай ғамгин ва мажолсиз ҳолга солган кўйи ташлаб кетма.
- Ёр қайси тарафга юзланса, юзлаб тақволи инсонларни йўлдан уради, қай томонга кўз солса, талон-торож ва қатл этишга одатланган.
- Эй пири комилнинг сўзларини етказувчи муғбача, хуснинг боғида ранг-баранг гуллар очилган. Гўё майга лола ва насрин баргларини солиб ичгансан.
- Эй ҳикмат соҳиби, агар чўнтагингга Хулкар юлдузларини тасбиҳдек солиб, осмонларга чиқсанг ҳам, шариятга мувофиқ амал қилмасанг, бу ишларинг хас-хашак ичидаги кўкнор донасидек ҳеч қандай қийматга эга эмас.
- Оқибат Навоийнинг жони чиқиб, дарду ғамлари қолди. У мискин ва бечоранинг хонумони ҳижрон дастидан барбод бўлди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Мумтоз адабиётда, жумладан, Алишер Навоий шеъриятида маҳбубанинг асосий хислатларидан бири – қотиллик. Қайси шеърини девонни очманг, ошиқларнинг маҳбубаси дастидан қатл этилиши, унинг ўқлари ва қиличи, найзасининг қурбонига айланиши манзаралари турли ранг ва оҳангда берилган. Бу ҳолат, биринчидан, ўрта аср адабий-эстетик анъаналарига боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан, муҳаббат синовларининг мажозий ва ирфоний талқинларига боғлиқ. Ишқ дардига мубтало ошиқнинг руҳиятида кескин ўзгаришлар содир бўлишини биламиз. Ошиқ бўлган кишида олдинги ҳолат ва кайфиятлардан асар ҳам қолмайди. Ундаги “мен” лик буткул орадан кўтарилиб, бошқа инсонга айланади. “Мен” ликнинг орадан кўтарилиши – йўқ бўлишига эса ёр сабабчи. Шу нуқтаи назардан, маҳбубага шеърят тилида қотил сифатини нисбат бериш мажоз мантиқига кўра асослидир:

*Ваҳ, не қотилдур келур ойини қатлу кин солиб,
Ошиқ ўлтурмак учун ҳар қошиға юз чин солиб.*

Ишқ майдонидаги қотил каби ёрнинг мақсади – беғуноҳ одамларнинг мулкини талон-торож этиш эмас. У ишқ аҳлининг сабру бардоши, фаҳму идрокини, зуҳд аҳлида эса ҳамма нарсани – ақл мезонлари ва дин аҳкомлари меъёрларини бузиб ташлайди. Зуҳд аҳли ақлу дини торожга учраганидан, яъни муҳаббат дардига гирифтор бўлгандан кейин ибодатнинг ҳақиқий завқини туйишни бошлайдилар:

*Чун ўтуб ишқ аҳлидин ошуби сабру фаҳм ўлуб,
Чун этиб зуҳд аҳлиға торожу ақлу дин солиб.*

Ёр ишқ ва зуҳд аҳлининг сабру бардоши, ақлу имонини “истило” қилгандан сўнг элга юзланади. Уларнинг орасида ҳуснига маҳлиё бўлиб турган ошиқнинг бошига қасос тиғини сермайди. Негаки, у шу пайтгача яшаб, на зоҳидлик, на ошиқлик риёзатини чеккан. Ишқ дардига тўсатдан гирифтор бўлиш ҳолати тасаввуфда “жазба” истилоҳи орқали таъбир этилади. Манбаларга кўра, ҳаққа етишнинг икки йўли бор: биринчиси, пирнинг раҳнамолигида руҳий тарбия йўлида риёзатлар чекиб, қалбни турли фасод ва чиркинликлардан, хулқни ёмон одат ва хислатлардан поклаш орқали Поклик мазҳарига айланиш; иккинчиси, ишқи илоҳийдан бир жазба тегиб, хотир ва хаёлдаги барча кераксиз нарсаларнинг эсдан чиқиши. Бу байтларда жазба ҳолатидаги солиқнинг кайфияти акс этган, деб ҳам айтиш мумкин:

*Эл сариким юзланиб қиндин чиқариб тийғи кин,
Чун манга маркаб суруб бошимға тийғи кин солиб.*

Кейинги байтда ёпиқ ташбиҳ санъатини қўллаш орқали ишқ йўлида сарғайган юзи ва қонли ёшини ёрнинг олтин жом билан гулранг шаробни ичишига ўхшатади. Бу орқали ишқ йўлида чекиладиган риёзат ва машаққатлар дилдорга хуш ёқиши, дилдорга хуш келадиган ишлар ошиқ учун ҳам ифтихор ва мамнуният бағишлашига нозик ишора қилинган:

*Бу сариғ рухсора бирла қон ёшимдин ёд қил,
Ичсанг олтун жом ичинда бодайи рангин солиб.*

Кейинги уч байтда маҳбуба энг азиз неъмат – умрга, пири комилнинг хизматидаги муғбачага, тақво аҳлини йўлдан адаштирувчи сеҳргарга, қотилликни одатга айлантирган жаллодга ўхшатилади. Ёрни турли сифатлар билан васф этиш бежиз эмас. Навоий куйлаган муҳаббат – руҳият оламига дахлдор ҳодиса. Руҳиятнинг фазоси кенг бўлгани каби бу олам Эгасининг сифатлари ҳам бисёр. Унинг васфини адо этиб бўлмас. Шу сабабли, уни маърифат этиш ва муҳаббат қўйиш учун Ўзи буюрган шариат амалларига ихлос билан амал қилиш керак:

*Шаръсиз хошок аро хашихошдекдур, эй ҳаким,
Кўкка чиқсанг жайбинг ичра субҳайи Парвин солиб.*

Байтдаги шаръ сўзи шариат истилоҳини англатади. Шариатнинг луғавий маъноси – тўғри йўл демак. Навоий айтмоқчи, тўғри йўлдан адашган кимса агар юлдузларни ўз ҳукмига олиб, осмонларга юксалиш қудратига эга бўлса ҳам, бу илм ва қудрат ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зиён келтиради. Илм ҳам, амал ҳам фақат тўғри ва ҳақ йўлда инсонга фойда келтиради. Ният бузуқ бўлган жойда барча амаллар инсонни тубанлик сари етаклайди. Шу сабабли инсон ҳамма вақт тўғри йўлдан, Раҳмонга етказувчи йўлдан юришни мақсад қилиши керак.

“СИРРИ ВАҲДАТ ЧУН ФАНО ДАЙРИДА СИҒМАС ЛАФЗ АРО...”

“Ғаройиб ус-сиғар” девони, 55-ғазал

*Ханжаринг жонимға етти қўкрагимга санчилиб,
Новакинг ёнимға ўлтурди иёдатқа келиб.*

*Қириб ўтган ўқларинг жон пардасин реш этгали
Сафҳадектурким қирилғай саҳв хатлар ёзилиб.*

*Югурур ҳар кирпикимга ортилиб бир қатра ёш,
Шўх ёшлардекки ўйнарлар чубуқ маркаб қилиб.*

*Ушбу ҳижрон кечасин туш кўрсам эрди ногаҳон,
Ўлгай эрдим ваҳмдин, албатта, захрам ёрилиб.*

*Наълим ичра доғ учун қўйған фатила дуд ила,
Дард ўчоғинда тутайдур анда ўти ёқилиб.*

*Ул қуёш бирла борур эл соядек, мен хоксор,
Ваҳки, қолурмен изининг туфроғидек айрилиб.*

*Сирри ваҳдат чун фано дайрида сиғмас лафз аро,
Невчун оё хонақаҳ ичра туганмас айтилиб.*

*Нуктаи тавҳидни билган қила олмас баён,
Ким баён қилдим деса, билгилки қилмайдур билиб.*

*Эй Навоий, майда соқий лаълидин эрмиш фуруғ,
Кайфиятни чунки фаҳм эттинг, нетарсен ойилиб?*

ЛУҒАТ:

Новак – ўқ.

Иёдат – хабар олиш.

Реш – жароҳат.

Сафҳа – саҳифа.

Саҳв – хато.

Чубуқ – новда.

Ваҳм – қўркув, ваҳима.

Захра – ўтака.

Наъл – тақа.

Фатила – пилик.

Ваҳдат – бирлик.

Тавҳид – Аллоҳнинг ягоналиги.

Фуруғ – ёруғлик.

Ойилмоқ – ўзига келмоқ, хушёр тортмоқ.

ҒАЗАЛ ВАЗНИ:

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН:

- Ҳижронинг ханжари кўкрагимга санчилиб, жонимни тешиб ўтди. Ўқларинг менинг ҳолимдан хабар олгани келгандай бўлиб, бағримдан жой олди.
- Жоним пардасини қириб ўтган ўқларинг уни хатолари қаламтарош билан қириб тузатиш саҳифага ўхшатиб қўйибди.
- Бир томчи кўз ёшим киприкларим учида ҳар томонга югуриши хивчиндан от ясаб чопиб юрган шўх болаларга ўхшайди.
- Ушбу ҳижрон кечасини мабодо тушимда кўриб қолсам, албатта ўтакам ёрилиб, кўрққаннимдан ўлиб кетардим.
- Тақа шаклидаги жароҳатимни куйдириш учун қўйилган пилик худди дард ўчоғида тутаб ёнаётгандек.
- Эл қуёш юзли нигорим ортидан соядек эргашиб бормоқда, эвоҳ, мен хокисор унинг тупроқдаги изидек ундан айрилиб қолмоқдаман.
- Фано дайрида бирлик сиррини сўз билан баён этиб бўлмайди, аммо нега хонақоҳда бу ҳақдаги сўзларнинг айтиб тугатилмаяпти?
- Тавҳиднинг моҳиятини билган киши сўз билан ифодамайди. Кимки баён қилдим деса, билгилки, бу ишни билгани боис қилмаяпти.
- Эй Навоий, майдаги ёруғлик ёрнинг лаъли лаби туфайлидир. Майнинг кайфиятини англаганингдан кейин хушёр бўлиб нетарсан?

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Мазкур ғазални ҳам биринчи навбатда мажозий муҳаббат тараннуми сифатида баҳолаш мумкин. Лекин ғазалнинг охирида икки байт тавҳид масаласига бағишлангани сабабли ғазалда қўлланилган образ ва тимсолларни тасаввуфий истилоҳ ўлароқ талқин қилиш мақсадга мувофиқ.

Матлаъда ёр ҳижронининг қаҳру итоблари ошиқ кўксига ханжардек ботиб, жонига етгани, лутфу марҳаматлари жигарига ўқдек ўрнашгани ҳақида сўз юритилади. Ханжар мажоз тилида дунёнинг ташвишларидан узил-кесил халос бўлиш жараёни, ўқ эса, янги дард – муҳаббат дардига мубтало бўлиш маъносини билдириши ҳисобга олинса, “сен туфайли кўксимдаги васвасалардан фориғ бўлиб, жоним ришталари дунёвий ҳою ҳаваслардан кесилди, лутфу марҳаматинг туфайли бутун вужудим муҳаббат маконига айланди”, деган маъно чиқади:

*Ханжаринг жонимға етти кўкрагимга санчилиб,
Новакинг ёнимға ўлтурди иёдатқа келиб.*

Ёрнинг отган ўқлари туфайли жон саҳифаси олдин ёзилган хатоларни қириб тозалаб, ўрнига тўғри сўзлар ёзилган лавҳага ўхшайди. Демак, ошиқ тавба мақомидаги тазаррулари

туфайли олдинги ҳаёти, хато ва гуноҳларини батамом унутиб, янги руҳоний ҳаёт бошлаган. Муҳаббат туфайли инсоннинг олам ва одамга муносабати буткул ўзгариб, шу пайтгача ҳақиқат деб билган инончлари ўрнига ҳаётида муҳаббат ва маърифатга асосланган янги саҳифа очилади. Бу эса фақат ишқ ўқиға нишон бўлган кишиларга насиб этади:

*Қириб ўтган ўқларинг жон пардасин реш этгали
Сафҳадектурким қирилғай саҳв хатлар ёзилиб.*

Учинчи байтда ажойиб шоирона ўхшатишга дуч келамиз. Шоир киприklar устида ғилтиллаб турган бир томчи ёшини чубуқ – хивчинни от қилиб ўйнаётган ёш болага ўхшатади. Ёш бола бир оз югурганидан кейин отини ташлаб қочиб кетгани каби кўз ёши ҳам ана шундай беқарорлик билан киприklar учини манзил тутган. Кўз ёши – тирик қалбнинг маҳсули. Қалби тошдек қотган, мурувват, шафқат, муҳаббат, инсонийлик каби покиза ва табаррук туйғулардан мосуво инсоннинг кўз чашмаси ҳам қуриган бўлади. Муҳаббат туфайли латиф ва нозиклик сифатлари билан музайян қалбдан чиққан кўз ёшлар ҳаётни тузли-тотли, маъноли этади. Кўнгилда денгиздек мавж уриб турган муҳаббат нишонаси бўлган кўз ёш болалар каби беқарор. У тезроқ ёрнинг излари тушган тупроққа тушиб, бу табаррук изларнинг гардини қўндиришга шай бўлиб турибди:

*Югурур ҳар кирпикимга ортилиб бир қатра ёш,
Шўх ёшлардекки ўйнарлар чубуқ маркаб қилиб.*

Ғазалнинг охириги уч байти тавҳид масаласига бағишланган. Биламизки, тавҳид, яъни Аллоҳнинг Биру Борлигини билиш илми ақида илмининг бош мавзуларидан ҳисобланади. Имоннинг асоси – Аллоҳнинг ягона Илоҳ эканлигига сўзсиз эътиқод қилиш. Дунёдаги барча динлар ва таълимотлар Борлик ҳақиқати ва моҳияти ҳақида турли-туман фикрлар билдирганлар. Аммо Илоҳий Ягоналикнинг сирри Яратганнинг ўзидан ўзга зотга маълум эмас. Уни фақат ҳис қилиш, тўлақонли идрок этишдан ожиз қолишни маърифат этиш мумкин. Бинобарин, бу борадаги сўзлар фақат мисоллар, ўхшатмалар ва тахминларга асосланади. Бунинг моҳиятини англаган инсонлар эса унинг таърифини келтиришдан ожиздирлар. Миқдор, ўлчам, макон ва замон каби тушунчалардан устун турадиган Зотнинг ҳақиқатига нисбатан қўйиладиган “қандай?” ва “қанақа?” деган саволлар жавобсиз қолади. Шу сабабли тавҳид масаласида ортиқча баҳс-мунозарага берилмасдан, унга шубҳадан холи эътиқод билан муносабат қилиш афзал, дейди Навоий:

*Нуктаи тавҳидни билган қила олмас баён,
Ким баён қилдим деса, билгилки қилмайдур билиб.*

Аллоҳнинг зоти ҳақида фикр юритиш гуноҳ бўлса-да, унинг яратикларида Қудратини мушоҳада этиш орқали муайян тасаввур ва тафаккурга эга бўлиш мумкин. Бу тафаккур – Илоҳий Калом нурининг тажаллийсидан ҳосил бўлади. Қалби илоҳий маърифат бодаси билан лиммо-лим шоир бу маърифат мастлиги бардавом бўлишини истаб, ғазалга яқун ясайди. Зотан, оламда маърифат завқидан ҳосил бўладиган лаззатдан устунроқ туйғу йўқ.

ОЛИМЖОН ДАВЛАТОВ

МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ

(Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар)

Иккинчи китоб

**“ЁР ИЛА ХҲЙ АЙЛАГАН КҲНГЛУМ ЭРУР
УЛ НАВЪ ҚУШ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 56-ғазал

*Сўзи ҳажринг ичра ҳар дам заъфлиғ жисмим ёниб,
Ўтқа тушган қил масаллиқ ўртанурмен тўлғаниб.*

*Очқил ўтлуғ оразинг, эй шамъким, парвонадек
Ўртанай бошинг уза бир неча қатла айланиб.*

*Солғасен оламға ўт, гар гул совуғи тобидин
Ғунчадек гулшанға чиқсанг ҳуллаларға чирманиб.*

*Бийм эрурким, офаринишдин чиқарғайсен димор,
Базмдин усрук чиқиб, майдонға чопсанг отланиб.*

*Ёр ила хўй айлаган кўнглум эрур ул навъ қуш,
Ким кишидин айрила олмас кичикдин ўрганиб.*

*Молдин умрунға осойиш агар етмас не суд,
Нуҳ умрин ҳосил этсанг, ганжи Қорун қозғаниб.*

*Қабрим узра қўйғасиз тошеки, заъф айёмида
Ул пари қўйида ётмишмен бошимға ястаниб.*

*Эй Навоий, тушта гар кўрмак ани мумкин эса,
Барча гар худ сўнғи уйқудур, нетарсен уйғаниб.*

ЛУҒАТ

Сўз – оташ, ҳарорат

Масаллиқ – каби, сингари

Ораз – чеҳра, юз

Қатла – маротаба

Тоб – шиддат

Ҳулла – кийим

Бийм – кўрқув.

Офариниш – олам

Диморини чиқариш – жонини олиш, қийнаб ҳалок қилиш

Усрук – маст

Хўй айламоқ – одатланмоқ

Осойиш – хотиржамлик

Суд – фойда

Ганж – хазина

Заъф – беморлик

Худ – ўзи

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Ҳажринг оташидан бемор жисмим ўтга тушган қил каби тўлғониб ҳар дам ёнмоқда.
- Эй ёр, шамдек ўтли чеҳрангни очгил, токим парвона каби бошинг узра бир неча марта айланиб, ўртана-ўртана жонимни фидо этайин.
- Агар баҳордаги совуқ ҳаво шиддатидан нафис кийимларга ғунчадек чирманиб, гулшан сайрига чиқсанг, аминманки, оламга ўт қўясан.
- Базмдан мастона чиқиб, майдонга отланиб чопсанг, бутун борлиқни қийнаб жонини оласан, деб кўрқаман.
- Ёрга ўрганиб қолган кўнглим полапонлигидан эгасига ўрганиб қолган қушдек ундан ажрала олмайди.
- Модомики, бойлигинг ҳаётингга осудалик беролмас экан, Қорун хазинасидай бойлик билан Нуҳдек минг йил умр кўрганингдан не наф?!
• Мабодо ўлиб қолсам, беморлик давримда паризодим кўйида бошим тагига қўйиб ётганим тошни қабрим узра ўрнатинг.
- Эй Навоий, агар ёрни тушда кўрмоқнинг имкони бўлса, бу ажал уйқуси бўлса ҳамки, уйғониб нетарсен?

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоий форсий девонидаги ғазалларини уч асосий гуруҳга – татаббуъ (салаф шоирларнинг муайян ғазалига издошлик қилиш), тавр (бирор шоирнинг услубида янги ғазал яратиш) ҳамда мухтараъ (янги, оригинал) ғазалларга бўлиб таснифлаган. Шунингдек, мухтараъ ғазалларига татаббуъ тариқасида ҳам бир туркум ғазаллар яратган. Таҳлил қилаётганимиз мазкур ғазални ҳам бундан олдинги ғазалнинг мантиқий давоми – назира ўлароқ яратилган деб баҳолаш мумкин. Негаки, ғазал – қофия, образлар тизими, мазмун ва моҳият; услуб нуқтаи назаридан олдин кўрилган 55-сонли ғазал билан ҳамоҳанг. Фарқи шуки, олдинги ғазалда ёрнинг беқиёс гўзаллиги, ишқнинг қудрати ва ошиқнинг ҳолати тавҳид масаласига боғлиқ ҳолда васф этилган бўлса, назира ўлароқ битилган янги ғазалда шоир асосан ошиқнинг ишқ истилосига дуч келгандан кейинги ҳолатини тасвирлайди. Жумладан, матлаъда ошиқнинг бемор жисми ҳижрон оташида ўтга тушган соч толасидек тўлғаниб ёниши тасвирланган. Ошиқнинг жисми қилга – соч толасига ташбиҳ қилинишининг икки жиҳати бор. Биринчидан, бу ўхшатиш ошиқнинг ишқ кўйида заиф ва шикаста аҳволга тушишининг муболағали тасвири бўлса, иккинчи томондан, бу соч толаси (яъни ошиқ вужуди) моддий дунё рамзи ўлароқ ишқ ўтида ёниб, фаного юз тутиши, ошиқдаги башарий сифатлар йўқликка юз тутишига ҳам ишора қилинади:

*Сўзи ҳажринг ичра ҳар дам заъфлиғ жисмим ёниб,
Ўтга тушган қил масаллиқ ўртанурмен тўлғаниб.*

Шам ёнмаётган ҳолатда парвона унга талпинмайди. Олов шамнинг юзини ёритгач бу оловнинг порлаши парвонани ўзига жазб этгани каби ёрнинг талъати ишқ нуридан порлаганидан сўнг ошиқнинг жони парвонадек унга талпинади. “Насойим ул-муҳаббат” да берилишича, Шайх Рўзбеҳон Буқлий Шерозда бир куни мавъиза қилиш учун бир мажлисга бораётган эди. Йўлда бир аёлни кўрдик, қизига насиҳат қиларди:

– Эй фарзанд, хуснингни элга кўп кўрсатмаки, хору безътибор бўлур.

Шайх деди:

– Эй насиҳатгўй, хусн ёлғиз ва танҳо қолмоққа рози эмас. Хусн борича Ишқ билан яқинликни истар. Хусн ва Ишқ азалда аҳд боғлабдурларким, бир-биридан айри бўлмагай.

Муридлар бу сўзни эшитибок уларга онча важду ҳол юзландики, баъзилари шу ҳолда жон таслим қилдилар.

Байтда Хусн ва Ишқнинг бирлашувидан ҳосил бўладиган ҳол тасвирланган десак, хато бўлмайди:

*Очқил ўтлуғ оразинг, эй шамъким, парвонадек
Ўртанай бошинг уза бир неча қатла айланиб.*

Моддият оламида Ҳақ жамолининг жилваси ўлароқ зуҳур этган ёр агар баҳор фаслида гунчадек устма-уст рангли ҳарир кийимларини кийиб, гулшанга сайрга чиққудек бўлса, оламга ўт солади. Мабодо базмдан маст чиқиб, майдонга отланса, борлиқни йўқликка айлантира олади. Жаҳонга ўт солувчи бундай ёрга ошиқнинг кўнгил қуши худди полапонликдан эгасига ўрганган қуш каби эргашиб юради, бир лаҳза ҳам ундан ажралмайди. Ҳақ йўлида дўст тутинганлар қиёмат куни Аршнинг соясида жой оладилар, дейилади ҳадиси шарифда. Шу сабабли, бундай беғараз дўстликка Навоий қаттиқ риоя қилган. У ҳар қандай ҳолатда ҳам ёрнинг қилмишларини ризо ва таслимият билан қабул қилади, унинг гулшандаги лутфи ҳам, жанг майдонидаги ғазаби ҳам кўнглига хуш ёқади:

*Ёр ила хўй айлаган кўнглум эрур ул навъ қуш,
Ким кишидин айрила олмас кичикдин ўрганиб.*

Насиҳат оҳангида битилган байтда Алишер Навоий мол-дунё тўплаш ҳақидаги фикрларини баён этади. “Мол-дунё умрнинг осойиши учундир, умр – бойлик тўплаш учун берилмаган”, дейди Шайх Саъдий. Мутафаккир шоиримиз ҳам устози каби бой бўлишга ҳеч қачон қарши бўлмаган. Унинг наздида бойлик билан пулдорлик орасида фарқ бор. Хайр-саховат кўрсатиш, одамларнинг оғирини енгиллатиш, қолаверса, ибодат ва маърифат билан хотиржам шуғулланиш учун имкон берадиган мол-дунё соҳиби бўлиш хайрли ва таҳсинга сазовор амалдир. Бойликни восита эмас, мақсад ўлароқ қабул қилиб, бутун умрини мол-дунё йиғишга сарфлайдиган одам бой эмас, шунчаки пулдор одам деса бўлади. Бундайлар агар Нуҳ пайғамбардек минг йил умр кўриб, бутун умри давомида Қоруннинг беҳисоб бойликларига эга чиқсалар-да алалоқибат Қорун ва унинг хазинаси каби ер остига кириб кетдилар:

*Молдин умрунға осойиш агар етмас не суд,
Нуҳ умрин ҳосил этсанг, ганжи Қорун қозғаниб.*

**“ЧАРХДИН СИДҚ АҲЛИ МОТАМ ИЧРАДУР,
ФАҲМ АЙЛАГИЛ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 57-ғазал

*Хаста жоним заъфин англа, кўнглум афғонин кўруб,
Сўрма кўнглум ёрасин, фаҳм эт кўзум қонин кўруб.*

*Васлида лаъли уза холин кўруб куйган киби,
Ўртанурмен жонда эмди доғи ҳижронин кўруб.*

*Водийи сабримдағи хору хасак қилдим гумон,
Кўнглум атрофида ҳар ён нўғи пайконин кўруб.*

*Англадим қилмиш кўзи олған кўнгул сайдиға қасд,
Ҳар тарафдин чарга тузган хайли мужгонин кўруб.*

*Еру кўкта истабон пайдо эмас Хизру Масих,
Қочтилар гўё дудоғинг оби ҳайвонин кўруб.*

*Жисм боғида равон шакле тасаввур қилди ақл,
Бўстони ҳусн аро сарви хиромонин кўруб.*

*Шабнам эрмас, нарғис ашкидур недин қон йиғламас,
Кўз юмуб очқунча гулшан умри поёнин кўруб.*

*Чархдин сидқ аҳли мотам ичрадур, фаҳм айлагил,
Ҳар саҳаргаҳ субҳнинг чоки гирибонин кўруб.*

*Номасин, ваҳким, очиб солмоқ назар мумкин эмас,
Чун Навоий ҳуши зойил бўлди унвонин кўруб.*

ЛУҒАТ

*Заъф – заифлик, беморлик
Афғон – фиғон, нола
Нўғи пайкон – ўқнинг учи
Чарга – саф, қатор
Хайл – қўшин, лашкар; гуруҳ
Мужгон – киприк
Дудоғ – лаб
Оби ҳайвон – ҳаёт суви
Равон – жон, руҳ; юрувчи
Сидқ аҳли – тўғри кишилар
Фаҳм айламоқ – англамоқ
Гирибон – ёқа.*

Зойил – йўқ бўлиш

Унвон – мактубнинг муҳри; адресат

ҲАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Кўнглим фиғонини кўриб, жонимдаги беморлик ва заифликни англа. Кўнглимдаги ишқ жароҳатини сўрама, буни кўзимнинг қонли ёшларидан билиб ол.
- Висол чоғи лаъли лаби устидаги холни кўриб куйганим каби энди жонимдаги ҳижрон доғини кўриб ўртанаман.
- Кўнглим атрофида ҳар томондан санчилган беҳисоб ўқларнинг учини кўриб, сабрим водийсининг хас-хашакларига ўхшатдим.
- Саф тортган киприкларини ҳар томондан кўриб, унинг кўзлари кўнглимни овлашга қасд қилганини англадим.
- Хизр ва Масиҳ еру кўкда кўринмайди. Улар сенинг лабингдаги ҳаёт сувини кўриб, гўё уялганларидан қочдилар.
- Ҳусн бўстонида ёрнинг хиром айлаб турган сарв қоматини кўриб, ақл жисм боғида жоннинг шаклини тасаввур этди.
- Наргис гулининг устида – шабнам эмас, балки кўз ёшдир. Кўз очиб юмгунча гулшаннинг умри поёнига етганини кўриб, нега қон йиғламайди, ҳайронман.
- Тонгнинг ёқаси чок бўлишини кўриб, содиқ ва тўғри одамлар фалак дастидан ҳамиша мотамда эканликларини англагил.
- Эвоҳ, ёрнинг номасини очиб назар солмоққа имкон йўқ, чунки Навоий мактуб кимдан эканлигини кўрибоқ ҳушидан айрилди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

“Кўруб” радибли ушбу ғазал дийдор туфайли ҳамда дийдор соғинчидан ҳосил бўлган машаққат ва заҳматлар, куйиниш ва ёнишлар, талпиниш ва интилишларнинг ифодаси ўлароқ вужудга келган. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Кашф ул-асрор”ида айтилишича, айрилиқ азобида қолганлар уч тоифадирлар. Биринчи тоифа – ёрнинг жамолини кўргандан кейин ҳижрон азобига мубтало бўлганлар. Иккинчи тоифага ёрнинг каломини эшитганлар ёки унинг васфидан хабардор бўлганлар киради. Учинчи тоифа – ёрнинг жамолини кўрмаганлар ҳам эшитмаганлар ҳам аммо унинг лутфу марҳаматидан билвосита баҳраманд бўлганлар. Улар ҳам айрилиқ дардидан бенасиб эмаслар.

Навоий ғазалида ёр дийдорига етишгандан сўнг ҳижрон водийсида қолиб кетган ошиқнинг руҳияти тасвирланган. Муборак дийдордан ҳосил бўлган улуғ дардни пинҳон тутишга қанчалик жаҳд қилинмасин, кўнгил фиғон чекиб, бемор ошиқнинг ҳолини ошкор этмоқда. Кўздан оқаётган қонли ёшлар эса кўнгилнинг ишқ тиғидан пора-пора бўлиб, мажруҳ бўлганидан гувоҳлик беради:

*Хаста жоним заъфин англа, кўнглум афғонин кўруб,
Сўрма кўнглум ёрасин, фаҳм эт кўзум қонин кўруб.*

Иккинчи байт мазмунидан ошиқ бир замонлар ёрнинг дийдорига етишгани, энди эса ҳижронда ёниб адо бўлаётгани ойдинлашади. Висол пайтида ёрнинг лаълдек лабини кўриб, юзидаги чиройли холи каби ёниб қорайган бўлса, ҳижрон айёмида жондаги ҳижрон доғи ёрнинг лаби ва холини эслатиб, янада баттар азоблайди. Висол чоғи иштиёқ олови куйдирган бўлса, айрилиқда хотиралар оташи тинчлик бермайди. Жон ва лаъл, хол ва доғи ҳижрон тимсоллари байтда таносуб, ташбиҳ ва тазоднинг ажиб силсиласини ҳосил қилган:

*Васлида лаъли уза холин кўруб куйган киби,
Ўртанурмен жонда эмди доғи ҳижронин кўруб.*

Ошиқнинг дарди қанчалик оғир бўлмасин, унинг сабри ундан-да улуғ. Висолда ҳам, ҳижронда ҳам дард ва оғриқдан бир лаҳза фориг бўлмаган кишига бардош билан ёрнинг марҳамати ва мурувватини кутишдан ўзга чораси ҳам йўқ. Бу водийга қадам кўйган кўнгилга ҳар томондан синовлар ўқи қадалиб, товонга кирган тикондек изтироб ва ҳаловатсизлигини оширмақда:

*Водийи сабримдағи хору хасак қилдим гумон,
Кўнглум атрофида ҳар ён нўғи пайконин кўруб.*

Тўртинчи байтда шоир ов жараёнидаги бир ҳолатни киприк қоқилишига мутаносиб равишда келтириб, соф туркий бўлган “чарга” сўзини шеър тили таркибий қисмига айлантирган. Биламизки, туркийлар учун овчилик қадимий ва севимли машғулотлардан ҳисобланган. Овда суворийлар икки томондан ярим доира шаклида саф тортиб, сайдни ўртага олиб, ҳалқани торроқ қилиб, шу тариқа ўлжани тирик қўлга олишган. Кўнгиллар сайёди бўлмиш ёрнинг кўзи ҳам икки томондан киприклардан “чарга” тузиб, дилраболик қилиши гўзал ифодаланган:

*Англадим қилмиш кўзи олған кўнгул сайдиға қасд,
Ҳар тарафдин чарга тузган хайли мужгонин кўруб.*

Исломиё манбалар асосида шаклланган ишончга кўра, Хизр ва Исо Масиҳ алайҳимоссаломлар қиёматгача тирик қолган пайғамбарлар ҳисобланади. Ўликларни тирилтириш мўъжизасининг соҳиби бўлган Исо Масиҳ (а.с.) Аллоҳ таолонинг изни билан тирик ҳолда осмонга кўтарилган бўлса, тириклик сувини ичиб, мангулик касб этган Хизр (а.с.) ерда адашган одамларга раҳнамолик қилиб, валийсифат зотларга ладуний илмдан сабоқ беради. Зикр этилган бу пайғамбарлар ёрнинг лабидан жорий бўлаётган оби ҳайвон – ўлик жонларни тирилтирувчи каломини кўриб, уялганидан шундай яширинганки, еру кўкда улардан асар ҳам пайдо эмас, дея лутф қилади шоир:

*Еру кўкта истабон пайдо эмас Хизру Масиҳ,
Қочтилар гўё дудоғинг оби ҳайвонин кўруб.*

Ёрнинг лаъли лаби, устидаги қора холи, кўнгиллар сайёди бўлмиш кўзлари ва киприклари, шунингдек ҳусн бўстонида сарвдек қоматини мушоҳада қилган ошиқнинг қалб кўзи очилади. У бундан буён дунёдаги ҳар бир ҳодисага ибрат кўзи билан қарайди. Наргис устидаги шудринг донаси умрнинг ҳусн каби бебақолигини кўриб тўкилаётган кўз ёшдек кўринади. Ҳар тонгда субҳи содиқнинг ёқасини чок этиб, янги кундан мужда бериши – бу ғаддор ва хиёнаткор дунёда тўғрисиўз ва ўз аҳдига содиқ кишилар учун ғамхона эканлигига бир ишорат экани, пок инсонлар қайғу ва ғуссалар гирдобиди яшашга маҳкумлигини англатади. Моҳиятни англаш ҳамиша маҳзунлик келтиради. Ўз оқибатини ва охиратини ўйлаган одамнинг қисмати – тўғрилиқда яшаш ва бу тўғрилиги учун фалакнинг турли ўйинларига бардош қилишдан иборат:

*Чархдин сидқ аҳли мотам ичрадур, фаҳм айлагил,
Ҳар саҳаргаҳ субҳнинг чоки гирибонин кўруб.*

Бундай мотам ичра қолиш – тақдири азалнинг иши. Тақдирни ҳеч ким билмайди ва ўзгартиролмайди ҳам. Энг тўғри йўл – ризо ва шукроналик билан тақдир синовларига бардош бериш ҳамда илоҳий раҳматдан умидвор бўлиш ҳисобланади. Негаки, ёр ҳеч қачон ўз ҳабибларига ёмонлик соғинмайди. Бу синовлар ёрнинг “нома”си – Лавҳи маҳфузга битилганига ишониб, чин эътиқод ва муҳаббат билан яшаган одамнинг оқибати хайрли бўлади. Навоий шундай умидворлик ва кўтаринки руҳда ғазалга яқун ясайди.

**“БОДА ТУТҚАЧ, ДЕМА БЕХУД БЎЛДИКИМ
УЛ КЎЗГУДИН...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 58-ғазал

*Кўз ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб,
Тифл янглиғким югургай ҳар тараф оху кўруб.
Қолди ҳайрон зоҳид ашкимда кўруб ҳар ён ҳубоб
Рустойидекки, ҳайрат айлагай ўрду кўруб.
Жон аро тийғинг кўруб кўнглум қуши тузди наво,
Тўтиедекким, такаллум айлагай кўзгу кўруб.
Водийи ишқинг макон қилди кўнгул кўргач юзунг,
Эл биёбон ичра манзил айлагандек су кўруб.
Жонда ўз доғин кўруб ошиқлиғимни англади,
Ул кишидекким, таниғай ўз қулин белгу кўруб.
Бода тутқач, дема беҳуд бўлдиким ул кўзгудин,
Борди хушум ёр ҳусни жилвасин ўтру кўруб.
Эй Навоий, дафъ ўлур холин кўруб кўҳи ғамим
Фил янглиғким, ҳазимат айлагай ҳинду кўруб.*

ЛУҒАТ

*Тифл – гўдак, ёш бола
Ҳубоб – сув устидаги пуфакчалар, кўпик
Рустойи – қишлоқи
Ўрду – қўшин қароргоҳи
Такаллум – сўзламоқ
Ўтру – рўпара
Ҳазимат айламоқ – қочмоқ*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V-
-V-- -V-- -V-- -V-
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Одамни сеҳрлайдиган наргисдек бир кўзни кўриб, оҳуни кўрганда ортидан чопадиган ёш болалардек кўз ёшим равон бўлди.
- Зоҳид кўз ёшимдан ҳосил бўлган ҳубоб – сув устидаги кўпикларни кўриб, қўшин қароргоҳини кўрган қишлоқи содда одамлардек ҳайратга чўмди.
- Жоним аро тийғингни кўрган кўнглим қуши кўзгуни кўрганда гапира бошлаган тўтиқушдек наво тузди.
- Одамлар чўлнинг ўртасида сувга дуч келганда, ўша жойда яшай бошлаганлари каби кўнглим юзингни кўргач, ишқинг водийсини макон тутди.

- Қулини белгисидан таниган кишидек ёр ҳам жонимга қўйган доғини кўриб, унинг ошиғи эканлигимни билди.
- Мен шароб берганларидан кейин маст бўлганим йўқ. Мен бода кўзгусида ёрим ҳуснининг жилвасини кўриб ҳушимдан айрилдим.
- Эй Навоий, ҳиндуни кўрганда фил қочиб кетгани сингари ёрнинг холини кўрсам, тоғдек қайғуларимдан асар ҳам қолмайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Шарҳда “Муаллими соний” дея улуғланган Абу Наср Форобий “Устоиди аввал” – Арасту-нинг “Поэтика” асарини шарҳлар экан, жумладан, шундай ёзади: “Айрим шоирлар туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр кишилар бўлади ва улар ташбиҳ ва тамсил (ўхшатиш ва мисол келтириш)га лаёқатли бўладилар... Улар шеърият санъатида қўлланадиган ташбиҳ ва тамсилларни жуда ҳам маҳорат билан ишлатадилар. Бу хил шоирлар чиндан ҳам истеъдодли шоирлар дейишга сазовордирлар”.

Форобий фикрларини тасдиқловчи далиллардан бири – шарҳлаётганимиз етти байтли ғазалнинг олти байти ташбиҳ санъатининг талаблари асосида яратилган. Шунинг баробарида, бу байтларнинг барчаси мутлақо янги ўхшатмалар, кутилмаган ўхшатишлар билан бойиган. Ёрнинг наргис кўзига назар солган ошиқ йиғлаши шеъриятда кўп қўлланилган ҳолат, лекин бирор шоир кўз ёшни жайрон кўрганда кетидан чопқиллаган ёш болага ўхшатмаган. Мазкур ўхшатма кучли мантиқий асос билан қўлланилган: ёш бола онгли равишдамас, инстинктив равишда ҳаракат қилишини биламиз. Гўдак биринчи марта сувдаги балиқ ёки саҳродаги оҳуни кўрса, завқланиб талпинади. Аммо бақа ёки шоқолни кўрса, кўрқиб қочади. Гўзалликка интилиш инсон фитратида бор. Шу сабабли, муҳаббатга ташналик, гўзаллик ва эзгулик мазҳарига иштиёқ зўридан ошиқнинг кўз ёши оқиши ҳам савқи табиий, азалий қисмат. Кўз ёшини ёш болага ўхшатишнинг яна бир жиҳати – халқимиз фарзандни “нуридидда” (кўзимнинг нури), “қароғим” деб эркалайди. Фарзанд кўздек азиз экан, ишқ йўлида тўкилган кўз ёшлари ҳам ноёб ва қадрли неъматдир:

*Кўз ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб,
Тифл янглиғким югургай ҳар тараф оху кўруб.*

Кейинги байтда ўрта асрлар ҳаётига хос манзара тасвирига дуч келамиз. Навоий яшаган даврда кўшин шаҳар ташқарисида қароргоҳ тузиб, сипоҳийлар ўтовларда яшаган. Кўшин қароргоҳи ўзбек тилида ўрду деб номланган. Қишлоқдан шаҳарга томон йўл олган содда киши беҳисоб ўтовларни кўриб, шоҳнинг қудрати ва шавкатидан ҳайрон қолгандек, ишқ дардидан беҳабар зоҳидни ошиқнинг беҳисоб кўз ёшларидан ҳосил бўлган дарё устидаги кўпикчалар ҳайратга солган. Ўрду – шоҳнинг ҳашамати ва қудратидан бор-йўғи бир нишона бўлгани каби ишқ йўлида тўкилган кўз ёшлари ҳам муҳаббат салатанатининг бепоёнлигидан бир белгидир, холос:

*Қолди ҳайрон зоҳид ашкимда кўруб ҳар ён ҳубоб
Рустойидекки, ҳайрат айлагай ўрду кўруб.*

Учинчи байтдаги ўхшатиш мумтоз шеъриятда кўп қўлланилган. Жумладан, Ҳофиз Шерозий ғазалларининг бирида инсоннинг бирор ҳаракати ё амали “устоиди азал” – Ҳақ таоло изн-ихтиёрисиз содир бўлмаслигини кўзгуга қараб сўзлайдиган тўтиқуш образи орқали қуйидагича ифодалаган:

*Дар паси ойина тўтисифатам доштаанд,
Он чи устоиди азал гуфт, ҳамон мегўям.*

(Таржимаси:

*Асрамишлар тўтидек ойина ортинда мени,
Неки устоди азал сўйлади, мен – унга жўр).*

Навоий бу ўхшатмага янги оҳор ва жило бериб, кўзгуни жоннинг ўртасига санчилган ялтираб турган тиғга (араб имлосида “жон” сўзининг ўртадаги ҳарфи – “алиф” ҳамда тиғнинг шакли китобат ва ихом санъатининг янги намунасини ҳосил қилиш баробарида ёрнинг ягоналигига ишора ҳамдир), нола қилаётган кўнгил қушини сўз маъносини англамай, кўзгуга қараб гапирадиган тўтига ўхшатган ва шу тариқа янги ва пурмаъно образ-лавҳа яратади:

*Жон аро тийғинг кўруб кўнглум қуши тузди наво,
Тўтиедекким, такаллум айлагай кўзгу кўруб.*

Ишқ водийси – анвойи чечаклар очилган сўлим макон эмас. Бу водийга йўл олган кишига ҳижрон оташининг ҳарорати, дард шиддати чексиз азобу машаққатларни ҳозирлаб қўяди. Шунингдек, гиёҳ ҳам унмайдиган тақир чўлда сув қудуғига дуч келган одамлар унинг атрофини макон қилгани каби ёрнинг порлоқ чехрасини кўрган ошиқ ишқ водийсини ватан қилади:

*Водийи ишқинг макон қилди кўнгул кўргач юзунг,
Эл биёбон ичра манзил айлагандек су кўруб.*

Бешинчи байтнинг мазмун-моҳияти учинчи байтдаги ҳолат тасвирига мантиқан боғланган. Ошиқнинг жонида ишқ шамширининг зарбидан жароҳат изи доғ бўлиб қолган. Бу доғни кўрган маҳбуба қуллари кўплигидан уларни баданидаги қуллик белгисидан танигани сингари ошиғини танигандек бўлади. Одатда, қулар хожасидан қутулмоқ мақсадида тана-сига куйдириб босилган доғли белгини пинҳон тутишга ҳаракат қиладилар. Ишқ оламида эса ошиқлар ихтиёрий равишда бандалик белгисини ифтихор билан маҳбубага кўрсатиб, шу орқали унга яқинликларини ҳамда садоқат билан умрининг охиригача хизматида бўлишини изҳор этадилар. Қуллик белгиси баданда бўлса, ошиқнинг бандалик доғи кўнгилда бўлади. Моддий оламда қулдор қулининг қочмаслиги учун белги қўйса, муҳаббат оламининг ҳукмдори қулларининг бор-йўқлиги унинг шавкати ва ҳашаматига заррача таъсир кўрсатмайди. Аксинча, ишқ оламида банда бўлишлик ошиқ учун шарафли бир мақомдир:

*Жонда ўз доғин кўруб ошиқлиғимни англади,
Ул кишидекким, таниғай ўз қулин белгу кўруб.*

Ишқ водийсидан маскан тонган ошиқнинг қайғулари тоғдек улкан бўлса-да, ёрнинг холини кўргач, бу қайғу тоғи ҳиндуни кўриб қочган фил каби бир лаҳзада ғойиб бўлади. Ирфоний манбаларда хол – ваҳдат олами, ҳаёт моҳиятининг тимсоли дея таърифланган. Филнинг жисмоний қуввати ҳиндунинг ақл ва тадбири олдида ожиз қолганидек моддий дунё қайғу-аламлари ёрнинг тириклик моҳиятидан хабар берувчи кичик холи наздида ўз маҳобатини йўқотиб, арзимас бир юмуш бўлиб қолади. Шоир айтмоқчи, тирикликнинг маъносини англаган инсонни ўткинчи дунёнинг арзимас ғусса ва ташвишлари изтиробга солмайди. Ғам-қайғусиз яшамоқни истаган одам ҳимматни баланд тутиб, асл манба – Ишқ ва Маърифат олами сари доимий сафарда бўлмоғи керак. Ўшанда ҳаётига ранг ва мазмун киради, қалбида хотиржамлик ва офият қарор топади:

*Эй Навоий, дафъ ўлур холин кўруб кўҳи ғамим
Фил янглиғким, ҳазимат айлагай ҳинду кўруб.*

**“ЧАМАНДА ТОЗАЛИҒДИН ҲАР ҚУРУҚ
ШОХЕ ЭРУР ХАЗРО...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 59-ғазал

Ўлукни тиргузур лаълинг Масиҳосо калом айлаб,
Такаллум чошнийсин шарбати юҳйил-изом айлаб.

Азалда лаълинг сайд эткали қўнглум қушин зўё
Қазо сайёди жонлар риштасидин ёйди дом айлаб.

Чаманда тозалиғдин ҳар қуруқ шохе эрур хазро,
Магарким андин ўтмиш оби ҳайвоним хиром айлаб.

Агар ҳарф ўлса мудғам, ваҳки, холинг нуқта идғомин
Аён қилди кўзумнинг мардуми ичра мақом айлаб.

Не бўлғай тийра бўлмай рўзгоримким, очиб гесу
Қаро шомимни муҳлик айладинг субҳумни шом айлаб.

Ғараз ул юзни мастур асрамоқдурким, ҳакими сунъ
Улуққа оҳ этар қисмат, ани ойинафом айлаб.

Чу Ҳақ даргоҳидин мардуд этар найларсен, эй зоҳид,
Қабули халқ учун ортуқси тоат илтизом айлаб?

Ёшингни дона, бағрингни су қилким, тутти фақр аҳли
Ҳидоят қушларин бу донаву су бирла ром айлаб.

Навоий кунда чун бир қурси мақсум ортмас, не суд
Фалакдек бўлмоғинг саргашта тун-кун эҳтимом айлаб.

ЛУҒАТ

Масиҳосо – Исо Масиҳ каби

Такаллум – сўзлаш

Чошний – таъм, маза

Юҳйил-изом – сўнгақларни тирилтирувчи

Хазро – яшил

Мудғам – яширин

Идғом – Қуръонни тажвид билан ўқиш қоидаларидан бири. Сукунли нун ё танвин муайян ҳарфларга йўлиққанида уни ўзидан кейинги ҳарф ичига киргизиб, ташдид билан ўқиш

Гесу – соч

Муҳлик – ҳалокатли

Мастур – пок, яширин

Ҳакими сунъ – Худо

Ойнафом – кўзгу каби порлоқ
 Мардуд – рад этилган
 Ортуқси – ҳаддан зиёд, ортиқча
 Илтизом – ўзига лозим тутиш
 Қурс – парча, бўлак
 Мақсум – насиб этилган
 Не суд – не фойда
 Эҳтимом – саъй-ҳаракат

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим
 V --- V--- V--- V---
 V --- V--- V--- V---
 Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

НАСРИЙ БАЁН

- Сенинг лаъли лабинг сўнгакларни тирилтирувчи шарбатни кўшиб сўзлаётганда Масих каби ўликни тирилтиради.
- Тақдири азал кўнглим қушини лаълингга тутиб бермоқ учун жон томирларини ҳар томонга тузоқдек ёйиб чиқди.
- Тириклик манбаи бўлмиш ёрим хиром этиб чамандан ўтгач, ундаги ҳар бир қуриган шох Хизрдек яшнади.
- Аслида қироат чоғида айрим ҳарфлар кўш ундош бўлади, эвоҳ, холинг кўзимнинг қора-чиғи ичра мақом тутиб, идғом – кўш ундош ҳодисасини вужудга келтирибди.
- Сочингни ёйиб, қора шомимни ҳалокатли этиб, субҳимни шом айлаганингдан кейин ҳаётим тийра бўлмай нима бўлсин?!
- Элнинг қисматини оҳ чекиш, ёрнинг юзини кўзгудек мусаффо айлашидан Худонинг мақсади – ул юзни ёмон кўздан пинҳон тутмоқдир.
- Эй зоҳид, Ҳақ таоло ўз даргоҳидан рад этаркан, халққа манзур бўлиш учун кўп тоат-ибодат қилиб нима қиласан?
- Яхшиси, кўз ёшларингдан дон, бағрингдан сув ярат, чунки фақр аҳли ҳидоят қушларини шундай сув ва хўрак билан ўзларига ром этганлар.
- Эй Навоий, ҳар куни сенинг пешонангга ёзиладиган бир парча нон ортмаса, фалакдек кечаю кундуз ризқ учун саргардон бўлмоғингдан не наф?!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал матлаъида қуръоний тимсол талмиҳ қилиниб ҳам, оятдан иқтибос келтирилган. Исо Масих (а.с.) каломи ўликларга жон киритиш хусусиятига эга бўлганини биламиз. “Юҳйил-изом” эса, “Ёсин” сурасининг 78-оятидан иқтибос бўлиб, унда Аллоҳнинг чириган суякларни тирилтирувчи қудрати ҳақида сўз юритилади. Демак, ёр каломининг Масих мўъжизаси каби мурдаларни тирилтирувчи хоссага эгалиги, каломи эса ҳаттоки чириган суякларни ҳам тирилтира олиши илоҳий қудрат ва ҳикмат билан боғлиқ ҳодиса:

*Ўлукни тиргузур лаълинг Масиҳосо калом айлаб,
Такаллум чошнийсин шарбати юҳйил-изом айлаб.*

Ёр каломининг жон бағишловчи хусусияти илоҳий файз туфайли экан, демак бу файздан ҳосил бўладиган ишқу муҳаббат ҳам азалий ҳодиса. Навоий бу фикрни баён этишда ажойиб ўхшатиш келтиради: юракдан бутун вужудга тарқалган томирлар баданнинг тириклигини таъминловчи муҳим восита эканини, томирларнинг бирортаси узилгудек бўлса, инсон ҳаёти ҳам тўхтаб қолиши фандан маълум. Томирлар ўз тузилишига кўра қушларни қўлга туширадиган тузоққа, юрак зарбини тузоққа тушган қушга ўхшатган ҳолда, шоир кўнгилнинг муҳаббат асири бўлишига “қазо сайёди” – қисмат овчисининг тадбири билан кўнгил муҳаббатга мубтало бўлишини азалий ҳодиса сифатида янги шоирона таъбир ила ифодалаган:

*Азалда лаълинга сайд эткали кўнглум қушин гўё
Қазо сайёди жонлар риштасидин ёйди дом айлаб.*

Учинчи байтда тажниси муҳарраф санъати ихом билан қоришиқ ҳолда келиб, ўз навбатида талмиҳ санъатининг мукамал намунасини пайдо қилган. Биламизки, тажниснинг муҳарраф шаклида сўзларнинг араб ёзувидаги шакли эътиборга олинади. “Хазро” ва “Хизре” шаклдош сўзлар бўлиб, байт қайси шаклда ўқилса ҳам, тўлиқ маъно ҳосил бўлишини таъминлаган. Ҳаёт ва тириклик сарчашмаси бўлмиш ёр дарахтлар новдаси япроқсиз қолган чаманга хиром айлагудек бўлса, ҳар бир қуриган шох яшнаб (хазро бўлиб), тириклик сувидан ичгани сабабли қаерга қадам босса, изидан майсалар унадиган Хизрдек мангулик касб этади:

*Чаманда тозалиғдин ҳар қуруқ шохе эрур хазро,
Магарким андин ўтмиш оби ҳайвоним хиром айлаб.*

Тўртинчи байтда тажвид қоидаларидан бири – идғом ҳодисасига мурожаат қилинади. Идғом (ассимиляция) араб тилида сукунлик ҳарфни ҳаракатли ҳарфга киргизиб, иккисини ташдидли бир ҳарф қилиб (масалан, мин раббихимни мир-раббихим) ўқиш ҳодисаси тушунилади. Ёрнинг қора холи кўз қорачиғи ичра мақом тутиши, кўз ва хол бирлигидан янги қоида – нуқта идғоми пайдо бўлди, дейди шоир:

*Агар ҳарф ўлса мудғам, ваҳки, холинг нуқта идғомин
Аён қилди кўзумнинг мардуми ичра мақом айлаб.*

Ҳазалдаги бешинчи байт ҳам алоҳида изоҳни талаб қилади. Шундай маъно бошқача шаклда Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги байтида ифодаланган:

*Маъшуқ аён мегузарад бар ту, валекин
Ағёр ҳамебинад, аз он баста ниқоб аст.*

(Таржимаси:

*Маъшуқа ўтар сенга очиб юзни, ва лекин
Ағёрга кўринмай ўтадир, юзда ниқоб бор).*

Навоий устоз салафининг байтидаги маънони янада ривожлантириб, ёрнинг кўзгудек тиниқ чехрасини бегоналарни ёмон кўзидан асрамоқ ва пинҳон тутиш мақсадида ишқ аҳлига оқ чекиш илоҳий қисмат бўлганини таъкидлайди. Ишқдан беҳабарлар ошиқнинг оху нолаларига қараб, ёрнинг мусаффо чехраси назаридан пинҳон қолганидек Ҳақ таоло муҳаббат ва маърифатдан огоҳ бўлмаган кимсаларни зоҳирий нарсаларга машғул қилиб қўяди. Моҳиятни англамаган одам ғуборлар ичра пинҳон бўлган мусаффолик, пардалар ортидаги гўзалликдан беҳабар қолади:

*Ғараз ул юзни мастур асрамоқдурким, ҳакими сунъ
Улусқа оқ этар қисмат, ани ойинафом айлаб.*

Мавъиза оҳангида битилган кейинги икки байтда шоир риёкорлик билан ибодат қиладиган зоҳидга мурожаат қилиб, халққа манзур бўлиш учун қилинажак тоат-ибодатлар Ҳақ таоло даргоҳида қабул бўлмаслиги, Аллоҳ бандасининг ибодатига муҳтож эмаслиги, Уни фақат муҳаббат ва ихлос билан қилинган амаллар хушнуд этиши мумкинлигини таъкидлайди. Иброҳим Адҳам айтганидек, Ҳақ таоло дўстлиги мартабасига киши намозу рўза ва ҳаж билан етишмайди, балки ўзини бутунлай фоний қилиб, кўнглида заррача риё, кибр ва манманликдан асар қолмаса, ўшандагина бу мартабага эришади:

*Чу Ҳақ даргоҳидин мардуд этар найларсен, эй зоҳид,
Қабули халқ учун ортуқси тоат илтизом айлаб?*

*Ёшингни дона, бағрингни су қилким, тутти фақр аҳли
Ҳидоят қушларин бу донаву су бирла ром айлаб.*

**“ЧАРХ УШШОҚ ОҲИ ЎҚИДИН МАГАР
ВАҲМ ЭТДИКИМ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 60-ғазал

Қон ёшим йўлунгда томмайдур кўзум гирён бўлуб,
Ким оёғингга тушубтур кўз қароси қон бўлуб.

Ғунчадек кўнглум чекар ун, ғарқ ўлуб хуноб аро
Сўз деганда оғзинг икки лаъл аро пинҳон бўлуб.

Сўрса Мажнун ишқ даштида мени, айт, эй рафиқ,
Ким қуюндек итти бу водийда саргардон бўлуб.

Ҳажри кўнглумни бузуб, ғам сели ҳамвор этти, вой
Ким, асар ҳам йўқтур ул маъмурадин вайрон бўлуб.

Тиғи худ ўтти, суубат кўрки муҳлик ёраси
Бу замон бошимға қолиптур балойи жон бўлуб.

Ҳар замон оғзинг хаёли санчилур кўнглум аро,
Гўйиё бу ғунча они захм этар пайкон бўлуб.

Чарх ушшоқ оҳи ўқидин магар ваҳм этдиким,
Қубба қилди меҳрини ўз ҳайъати қалқон бўлуб.

Ҳашр хуршидиға монигъ фикр қилмассен, не суд,
Атласи гардун саропардангга шодурвон бўлуб?

Эй Навоий, фоний ўл, ёр истасангким, хўб эмас,
Жонни севмаклик баҳона ўртада жонон бўлуб.

ЛУҒАТ

Ун чекмоқ – инграмоқ, нола қилмоқ

Итти – йўқ бўлди

Ҳамвор – текис

Маъмура – ободлик

Суубат – қийинчилик

Муҳлик – ҳалокатли

Захм – яра, жароҳат

Ушшоқ – ошиқлар

Ваҳм этмоқ – кўрқувга тушмоқ

Меҳр – Кўёш

Ҳайъат – вужуд

Ҳашр – қиёмат

Саропарда – оқ уй, ўтов

Шодурвон – парда

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун.

НАСРИЙ БАЁН

- Йўлингда гирёнман, аммо кўз ёшим томмайди, балки оёғингга кўзим қорачиғи қон бўлиб тушибди.
- Оғзинг икки лаълдек лабинг аро пинҳон бўлиб сўзлаганда кўнглим ғунчадек қонга фарқ бўлиб, нолалар қилади.
- Эй рафиқ, агар ишқ даштида Мажнун мени сўроқласа, қуюндек бу водийда саргардон бўлиб, йўқ бўлиб кетганимни айт.
- Кўнглимни ёр ҳижрони вайронага айлантирди, войким, ғам сели келиб бу вайронани ер билан битта қилиб кетди.
- Тиғи чопиб ўтди, азобимни кўрки, ҳалокатли жароҳати бу замон бошимда жоним балоси бўлиб қолибди.
- Оғзингнинг хаёли ҳар замонда кўнглим аро санчилиб турибди. Гўёки бу ғунча тиконга айланиб, уни мажруҳ этмоқда.
- Фалак ошиқлар оҳидан кўрқдимикан, ўзи қалқон бўлиб, қуёшни қалқоннинг қуббасига айлантирди.
- Агар қиёмат қуёшидан паноҳ бўлувчи нарсани ўйламас экансан, фалакнинг атласидан кошонангга парда қилсанг ҳам, не фойда?!
- Эй Навоий, ёр истасанг, фоний бўл, чунки жонон бор жойда жонни севмаклик яхши эмас.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бадиъ илмида ружуъ деган маънавий санъат бор. Поэтик ифоданинг бу усул моҳияти шундан иборатки, шоир ўз фикр ё кечинмаларини баён этиш давомида турли образли сўзлардан фойдаланаркан, тасвир жараёнида ўзининг олдинги ўхшатмалари ва образларидан воз кечиб, уларни рад этади ва ўрнига янги образ ва ўхшатмаларни келтиради ва шу орқали гўё ўз таассурот ва тасаввурини тўлиқ ифодалаш учун олдин қўлланилган тимсол ва ташбиҳлар ўрнига янги ва мукамалроғини келтириб, туйғу ва фикрларини янада мукамалроқ, аниқроқ баён этишга ҳаракат қилади. Ружуъ санъати одатда бошқа маънавий санъатлар, асосан ташбиҳ ва муболаға санъатлари воситасида қўлланилади.

Таҳлил этилаётган ғазал матлаъида муболаға ва ташбиҳ биргаликда ружуъ санъатини вужудга келтирган. Шоирона талқинга кўра, ёрнинг муҳаббатида гирён бўлган кўздан қонли ёш томмайди, балки кўз қорачиғи кўп йиғлагандан эриб, унинг йўлига қон бўлиб тушади:

*Қон ёшим йўлунгда томмайдур кўзум гирён бўлуб,
Ким оёғингга тушубтур кўз қароси қон бўлуб.*

Кейинги байтда ташбиҳ санъатининг икки тури қоришиқ ҳолда келган. Ёрнинг кичик оғзи (мумтоз адабиётда кичик оғиз – гўзалликнинг олий намунаси бўлган)дан ҳатто сўзлаганда ҳам нишон топмагани сабабли ошиқ кўнглининг сиқилиши ғунчага ўхшатилади. Ёр оғзининг ғунчага ўхшатилиши яширин тарзда, ошиқнинг юраги эса ошкора ғунчага ўхшатилиши ташбиҳнинг икки тури – ташбиҳи музмар (яширин) ҳамда ташбиҳи сарих (очиқ, ойдин)ни вужудга келтирган. Иккаласи биргаликда эса ташбиҳи тасвият (бир нарсага икки нарсани баробар ўхшатиш) ҳодисасини вужудга келтирган. Натижада, бадиъ илми ҳам таърифлашга ожиз қолган янги бадий-эстетик тасвир вужудга келган:

*Ғунчадек кўнглум чекар ун, фарқ ўлуб хуноб аро
Сўз деганда оғзинг икки лаъл аро пинҳон бўлуб.*

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий” сида шундай бир байт бор:

*Миллати ишқ аз ҳама динҳо чудост,
Ошиқонро миллату мазҳаб – Худост.*

(Таржимаси:

*Ишқ аҳли барча динлардан жудо,
Ишқ аҳлин мазҳабу ёри – Худо).*

Муҳаббат мамлакатининг содиқ фуқаролари Мажнун каби ишқ даштини манзил тутганлар. Макон ва замонни ўз забтига олган бу шайдоларни кўнгил ва руҳият яқинлиги бирлаштиради. Ишқ дардига мубтало бўлганларни мажнунтабиат одамларгина англайди. Аммо ошиқ Навоийнинг дарди шунчалик зўрайиб, уни хоку туроб айлаганки, ҳол сўргани келган Мажнун ҳам ундан асар тополмайди. У – ишқ даштида қуюн каби саргардон бўлиб, аллақачон фано олами сари юз тутган:

*Сўрса Мажнун ишқ даштида мени, айт, эй рафиқ,
Ким қуюндек итти бу водийда саргардон бўлуб.*

Кейинги уч байтда муболағали тасвир ҳадди аълосига чиқади: вужуди қуюнга айланган ошиқнинг кўнглини ҳижрон азоби вайронага айлантиргани етмаганидек, ғам сели тошиб, бу вайронани ҳам ювиб кетади. Ишқ дашти яна теп-текис, ном-нишонсизларнинг масканига айланиб қолган. Ёрнинг жафо тиғи бошига санчилиб, яраси балойи жоннинг қолипи бўлиб қолибди (шоир “қолип эрур” ва “қолибди” маъносини билдирувчи “қолиптур” сўзини қўллаш орқали сўз ўйини қилган). Гунчадек Ёр оғзининг хаёли тикондек кўнгилга санчилиб, изтироб ва қийноқлар, азоб ва исканжаларни янада оширган... Бундай тасвирлар тахайюл олами уфқларини кенгайтириб, ишқ дардининг қўлами ва қамрови, азоб ва изтиробларини янада таъсирчан ифода этишга хизмат қилиш баробарида, ишқ дардининг лаззатини ҳам туйиш имконини беради. Бу дардга чалинган инсоннинг оху нолалари қулоғи том битган фалакни ҳам ваҳимага солиши табиий. Ошиқларнинг дуоси ижобат бўлса, жафо ва зулм, тенгсизлик ва номуродликнинг макони бўлмиш фалакнинг гардиши ҳам бошқача бўлиб кетиши мумкин. Шундан бўлса керак, ошиқнинг кўнглидан камон ўқи каби чиққан оху нолалардан сақланиш учун қалқон шаклига кириб, қуёшни бу қалқоннинг қуббасига айлантирган:

*Чарх ушшоқ оҳи ўқидин магар ваҳм этдиким,
Қубба қилди меҳрини ўз ҳайъати қалқон бўлуб.*

Саккизинчи байтда ҳам фалак ва қуёш тимсолига мурожаат қилинади. Фарқ шундаки, шоир бунда ахлоқий-фалсафий ҳикматни ифодалашга бел боғлаган. Исломиё эътиқодга кўра, ҳар бир тирик жон ўлим шарбатини тотгувчи ҳамда қиёмат куни қайта тирилиб, қилган амаллари учун Парвардигори олам ҳузурда ҳисоб бергувчидир. Шу сабабли, инсон зоти бу дунёдаги вақтинчалик шону шавкат ва муваффақиятларга мағрур бўлмасдан, савоб амаллар туфайли қиёмат кунидаги қуёш тиғидан паноҳ бўлгувчи соябонни ўйлаши лозим. Йўқса, фалак атласи қароргоҳининг пардаси бўлган шоҳ бўлсанг-да, бефойда надомат ва афсуслар билан қолиш ҳеч гап эмас. Эзгу амал, пок ният ва соф эътиқод соҳиби бўлиш – ҳақиқий подшоҳликдан насибадор бўлиш демакдир:

*Ҳашр хуршидиға мониъ фикр қилмассен, не суд,
Атласи гардун саропардангға шодурвон бўлуб?*

**“КУЙДУМУ УЛ ЗУЛФ ТОБИ РИШТАИ
ЖОНИМДАДУР...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 61-ғазал

*Кимса ёри бирла хуштур ғам дейишиб мунграшиб,
Ётса гоҳе чирмашиб, ўлтурса гоҳе ёндашиб.*

*Зулфи эл кўнглин паришон айламакка жамъ ўлуб,
Турфароқ буқим, кўнгулларни йиғарға тарқашиб.*

*Мумкин эрмас тортмоқ пайконларинким, жисм аро
Ҳар бири маскан тутуптурлар сўнгакка ўрнашиб.*

*Чиқти зулфин солғач ул чоҳи занахдондин кўнгул,
Анкабут ул навъким, ториға чиққай ёрмашиб.*

*Ҳажр хайли кўнглум ичра мўрдек айлаб хужум,
Гарчи васл уммиди етканда чибиндек бутрашиб.*

*Куйдumu ул зулф тоби риштаи жонимдадур,
Шам торидекки кул бўлганда турмиш чирмашиб.*

*Соқие, қилсанг ҳимоят ғолиб ўлғум бўйлаким,
Ғам била кўнглум талашурлар икавлон қармашиб.*

*Қил ҳавола дурдкашлар жониби, эй майфуруш,
Май чу ҳар соат тўкулгай жўш уруб куптин тошиб.*

*Ошуруб ҳаддин Навоий ҳам ниёзу ажзини,
Ёр истиғнову нози ҳар неча ҳаддин ошиб.*

ЛУҒАТ

Мунграшмоқ – ҳасратлашмоқ

Гоҳе – гоҳида, баъзан

Турфа – ажабланарли

Тарқашмоқ – ёймоқ

Пайкон – ўқ

Чоҳи занахдон – иякдаги чуқурча

Анкабут – ўргимчак

Ёрмашмоқ – тиришмоқ

Мўр – чумоли

Бутрашмоқ – тарқалишмоқ, сочилмоқ

Тоб – 1) дард, азоб, исканжа; 2) эгри-бугри, жингалак

Қармашмоқ – қарама-қарши бўлмоқ, ўзаро талашмоқ

Жониб – томон

Куп – хум

Ниёз – эҳтиёж

Ажз – ожизлик

Истиғно – ҳожатсизлик

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун.

НАСРИЙ БАЁН

- Агар одам ёри билан ҳасратлашиб, дардлашиб гоҳида чирмашиб ётса, гоҳида ёнма-ён ўтирса, қандай яхши бўларди.
- Одамлар кўнглини паришон қилмаслик учун ёр зулфини йиғиштириб олса, баъзида кўнгилларни сайд қилмоққа тарқатиб турса, ажойиб бўларди.
- Отган ўқларингни суғуриб олишга имкон йўқ, негаки уларнинг ҳар бири жисм аро суякка ўрнашиб қолган.
- Ўргимчак торига ёпишиб чиққани каби кўнгил занаҳдон чоҳи – ияк чуқурчасидан ёйилган зулфининг торига осилиб чиқиб олди.
- Ҳижрон сипоҳи кўнглимга чумолидек ҳужум қилади, висол умиди етганида яна чивиндек ҳар томон тарқалишади.
- Бурама сочининг ғамида куйдим, жоним ипи зулфининг дардидан шамнинг ипи ёниб кул бўлганида чирмашиб қолгани каби тоб ташлаган.
- Эй соқий, агар менга ёрдам берсанг ёлиб бўламан, йўқса ғам билан кўнглим иккаласи қирпичоқ бўлиб талашмоқда.
- Эй май сотувчи, ҳар соатда май жўшиб хум ичидан тошиб турибди, шунинг учун майни куйқаси билан ичадиганларга мурувват қилсанг яхши бўларди.
- Ёрнинг нозу истиғнолари ҳар қандай чегарадан ошганидан Навоий ҳам ожизлик ва эҳтиёжи изҳорини ҳаддан оширди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу ғазалда ҳам Алишер Навоийнинг янги қофия тизимини яратиш маҳоратига гувоҳ бўламиз. Шоир *мунграшиб, ёндашиб, тарқашиб, ўрнашиб, ёрмашиб, бутрашиб, чирмашиб, қармашиб, тошиб, ошиб* феълларининг равишдош шаклини қўллаб, ғазалнинг қофиядошлигини таъминлаган. Олдинги шарҳларимизда қайд қилинганидек, араб шеъриятида феъл қофия вазифасини бажаролмайди, негаки араб тили грамматикасига кўра феъл гапнинг бошида келади. Форс тилида эса қофиядош бўлган феъллар туркуми жуда кам. Туркий тилда феъллар маъно, нисбат, услубий хосланиш, тузилиш ва ясаиш услубига кўра жуда кўп бўлгани баробарида қофиядош туркумлар ҳам жуда фаровон. Она тилининг ушбу устунлик ва ранг-баранглигини нозик илғаган Навоий қатор асарлари, жумладан, ушбу ғазалда феъл сўзларнинг имкониятларидан маҳорат билан фойдаланган. Шу-

нинг баробарида, лирик асарларнинг лексик қатламини ҳам бойитиб, шеърят тилини янги-янги сўзлар билан янада қудратли этган. Таҳлил қилинаётган ғазалда ошиб ҳамда тошиб феълларини истисно қилганда, Навоийгача бўлган туркий ғазалчиликда учрамаган, аммо халқнинг жонли тилида бугунгача қўлланилаётган сўзлар қофияга олинган.

Матлаънинг маъносидан келиб чиқиб, бу ғазални ошиқнинг орзу-истаклари ифодаси сифатида баҳолаш мумкин. Замондош шоиримиз лутф қилганидек, ёлғизлик фақат Аллоҳга хос. Ҳар қандай инсон бир дардқаш, қайғудош, яшаш учун сўнгги баҳона бўладиган ёрга кучли эҳтиёж сезади. Бу ёрнинг суҳбати, икки вужудда бир руҳ бўлиб яшаш ҳаловати дунёнинг жамийки лаззатларидан, қувончу қайғусидан устун:

*Кимса ёри бирла хуштур ғам дейишиб мунграшиб,
Ётса гоҳе чирмашиб, ўлтурса гоҳе ёндашиб.*

Ёрнинг зулфи йиғилганда оламдаги жамийки кўнгилларни паришон айласа, ёйилганида барча элнинг кўнглини сайд этишга қодир. Мазкур тасвирни мажоз тилига ўгирсак, Аллоҳнинг яратиклари – Борлиқ жуда гўзал ва мукамал бўлгани сабабли, барчани ўзига гирифтор этади. Орифлар дунё гўзалликларида (ёр зулфида) Ёрнинг ҳусну жамолини мушоҳада этишса, беҳабарлар бу зулфнинг ҳалқа-ҳалқа бўлиб, ҳар бир ҳалқаси кўнгилларнинг занжирига айланганига мафтун ва маҳлиё бўлиб интиладилар:

*Зулфи эл кўнглин паришон айламакка жамъ ўлуб,
Турфароқ буқим, кўнгулларни йиғарға тарқашиб.*

Тўртинчи байтда шоир яна зулф тимсолига мурожаат қилади. Бунда чоҳи занахдон – ияк чуқурчасида маҳбус бўлган кўнгил ёрнинг зулфи ториға чирмашиб, ҳурриятга интилгани қаламга олинади. Ирфон аҳлининг тилида занахдон – маҳбубанинг қаҳр аралаш лутфига ишора қилади. Кўнгил зулф ториға чирмашиб, занахдон зиндонидан қутулишга интилиши – маҳбубанинг талъатини кўриш иштиёқи йўлида жон борича ҳаракат қилиши демакдир. Анкабут – ўргимчак тимсоли Қуръони Каримнинг баракотидан адабиёт мулкига айланган. Ислом тарихидан маълумки, Макка мушриклари Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг жонига қасд қилганларида, Ҳақ таолодан у кишига ҳижрат қилиш амри нозил бўлади. Расулуллоҳ ва ул зотнинг шериги – Абубакр Сиддиқ (р.а.) Мадина йўлидаги ғорга бекинганда ўргимчак ғорнинг оғзига тўр тўқиб, мушрикларни чалғитади. Илоҳий лутф ва марҳамат туфайли биргина ўргимчак Расулуллоҳ (с.а.в.) жонини мушриклар қасдидан омон қолишига сабаб бўлади. Бинобарин, ошиқ кўнглининг ҳаракатлари ўргимчак каби кучсиз кўринса-да, тўғри ва асл мақсад йўлида бўлгани туфайли таҳсинга лойиқ:

*Чиқти зулфин солғач ул чоҳи занахдондин кўнгул,
Анкабут ул навъким, ториға чиққай ёрмашиб.*

Бешинчи байтда ошиқнинг кўнгли ҳижрон туфайли шубҳа-гумонлар макони ва изтироблар лашкарининг нишонига айлангани, бу лашкар чумолилардек беҳисоб бўлса-да, висол умиди насими эсгач, чивиндек тарқалиб кетиши ҳақида сўз юритилади. Бу ўхшатишлар муҳаббат йўлида хавф ва умид ҳамиша ёнма-ён келиши, кўнгил танлаган йўлида адашмаслиги учун ҳамиша ушбу икки туйғуга бараварига суяниши лозимлигини таъкидлайди.

Олтинчи байтда яна зулф тимсолига мурожаат қилинади. Олдинги байтларда зулф кўнгилни асир этиш ҳамда маҳбубанинг қаҳридан қутулмоқ ва ёр талъатининг дийдорига етишмоқ учун восита ўлароқ тасвирланган бўлса, бу байтда ёр сочининг тобидан гўзал тажнис намунаси яратилган. Луғат қисмида изоҳланганидек тоб сўзи байтда икки – сочининг гажаги ҳамда дард, азоб, исканжа маъносида келтирилган. Бу маънолар бир-бирини тўлдирган ҳолда тасаввур ва тахайюл уфқларини кенгайтиради.

Кейинги икки байтда шоир соқий ва майфурушга мурожаат қилиб, бу дардга даво шаробга эҳтиёжи борлигини изҳор этади. Дурдкаш мухлислар, огоҳдил орифлар маърифат бодасига қанчалик иштиёқ кўрсатсалар, хумдан жўшиб чиқаётган маърифат майи ҳам бу боданинг муштоқларига шунчалик талпинади. Бу ўхшатма орқали шоир “Мен махфий бир хазина эдим, ошкор бўлмоқни истадим. Шунинг учун олам ва оламдагиларни яратдим” мазмунидаги қудсий ҳадис маъносига ишорат қилган бўлса, ажабмас:

*Қил ҳавола дурдкашлар жониби, эй майфуруш,
Май чу ҳар соат тўкулгай жўш уруб қуптин тошиб.*

Навоийнинг иқрор ва изҳорлари ҳаддан ошишларига асл сабаб ёрнинг истиғно ва ҳожатсизлигининг бепоёнлигидир. Мутафаккир шоир васф этган Ёрнинг ҳусну жамоли ошиқларининг васфу эҳтиёжларига боғлиқ эмас. Унинг гўзаллигининг сири ҳам ана шунда:

*Ошуруб ҳаддин Навоий ҳам ниёзу ажзини,
Ёр истиғнову нози ҳар неча ҳаддин ошиб.*

“СИРИШКИМ ҚОНИ ҚИЛДИ КЎЙИНИНГ ТУФРОҒИН ОҒУШТА...”

«Ғаройиб ус сиғар», 62-ғазал

*Кезармен кўйида йиллар назар ҳолимға солғай деб,
Агар ўлтурса қоним ранги туфроғида қолғай деб.
Кўнгулга юз туман ниш урса ҳижрон, айламан нола,
Висолинг нўшидин ул захмлар бир кун ўнголғай деб.
Кўнгулга новакинг то кирди, беҳад ҳифзин айлармен
Ки, бу шиша ичинда ул дағи ногаҳ ушолғай деб.
Кўнгулни кўйида юз ранж ила меҳнатқа топшурдум
Ки, гар кўрса бу сурат бирла, шояд кўнглум олғай деб.
Сиришким қони қилди кўйининг туфроғин оғушта,
Итига шояд ул балчиғ била бир уй ясолғай деб.
Ҳарам васлин тиларсен, пўя ур мардона, эй солик,
Қадам оҳиста чекма, бағринг ул елмакда толғай деб.
Навоий бенаволиғ бирла дойим май ичар, бир кун
Наво нақшини даврон мутриби базмида чолғай деб.*

ЛУҒАТ

*Нўш – шарбат
Ҳифз – ҳимоя
Ушолмоқ – синмоқ
Ранж – азоб
Меҳнат – азоб
Сиришк – кўз ёши
Оғушта – лойқалатган, сув ва тупроқнинг аралашмаси
Пўя урмоқ – қадам урмоқ
Солик – тариқат йўлидаги киши
Елмак – шамолдек елиш
Нақш – тарона*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим
V --- V--- V--- V---
V --- V--- V--- V---
Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

НАСРИЙ БАЁН

- Хароб ҳолимга назар солар, мабодо ўлдиргудек бўлса, қонимнинг ранги тупроғида қолар деган умидда ёрнинг кўйида йиллар мобайнида кезарман.
- Ҳижрон наштарлари кўнгулга юз мингта захм урса ҳам, бирор кун висолинг шарбатидан тузалиб кетар деб, нола этмайман.

- Ўқинг кўнгилга киргач мабодо шишадай кўнглим ичида ушалиб (синиб) кетмасин деб, уни жудаям асрайман.
- Кўйида кўнглимни юз азоблар билан машаққатларга топширдим, шоядки ёр бу аҳволимни кўриб раҳми келганидан кўнглимни олса.
- Қонли ёшларим кўйининг тупроғини балчиққа айлантирди, шоядки бу лойдан итига бирор уйча ясаса.
- Эй тариқат йўлидаги солиқ, ҳарам васлини тилар бўлсанг, мардона қадам кўй. Бағрим тез юришдан толиқади деб оҳиста қадам чекма.
- Навоий бенаволик – маҳрумлик билан ҳамиша шароб ичар, даврон мутриби унинг базмида “Наво” нақшини бирон кун чалса, ажаб эмас.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу ғазалда ҳам Навоий *солғай деб, қолғай деб, ўнголғай деб, ушолғай деб, олғай деб, ясолғай деб, толғай деб, чолғай деб* сингари туркий феъллардан қофия ва радиф тизмасини ҳосил қилиш маҳоратини намоён этган. Шунинг баробарида, матлаъда феълни мисранинг бошига келтириб, араб тилига хос бўлган гап тузилиш имконияти ўзбек тилида ҳам мавжудлигини кўрсатган. Бундан ташқари, шоир “йиллар” сўзини мисрада шундай жойлаганки, у ҳам ошиқнинг ёр кўйидаги саргардонлик замони (кўйида йиллар кезармен), ҳам ёрнинг унинг ҳолига назар солиш муддатига (менинг ҳолимга йиллар давомида назар солгай) далолат қилади:

*Кезармен кўйида йиллар назар ҳолимга солғай деб,
Агар ўлтурса қоним ранги туфроғида қолғай деб.*

Кейинги уч байтда ошиқ кўнглининг ҳолати, азоб ва изтироблари тасвирланган. Ҳижрон ўқларидан кўнгилга юз минг жароҳат етган бўлса-да, ошиқ бу қийноқларга чидаб, нола чекмайди. Висол шарбатидан баҳраманд бўлиш умиди унинг сабрига қувват беради. Висол шарбати шундай бебаҳо неъматки, унинг бир томчисидан минг захм ва жароҳат бир зумда шифо топади. Висол шифоси шундай мўъжизавий қудратга эга экан, дард ҳам шунга яраша бўлиши керак. Бу шифодан баҳраманд бўлиш учун ишқ ўқидан ярадор кўнгил лозим. Ошиқ шунинг учун ҳам шишадек нозик ва мусаффо кўнгилда ишқ ўқини эҳтиётлаб асрайди. Бундай жафолар маконига айланган кўнгилни минг ранжу азоб билан ёрга топширишдан мақсад ҳам ўша – шоядки ишқ бемори бўлганини кўриб, ёр унинг ҳолига шафқат қилиб, ҳожатини раво айласа. “Ҳайрат ул-аброр” да айтилганидек:

*Ҳар киши осию гунаҳкорроқ,
Афв ила раҳматқа сазоворроқ.*

Бинобарин, ҳижрон азоби ва ишқ қийноқларига кўпроқ гирифтор бўлган кўнгил ҳам бошқалардан кўра дилжўйлик ва мурувватга кўпроқ ҳақлидир:

*Кўнгулни кўйида юз ранж ила меҳнатқа топшурдум,
Ки гар кўрса бу сурат бирла, шояд кўнглум олғай деб.*

Бешинчи байтда муболағали тасвирнинг янги намунасига дуч келамиз. Ошиқнинг қонли ёшидан ёр кўйининг тупроғи балчиққа айланибди. Бу балчиқ ёрнинг итига уй қуришга муносибдир. Ит – ўз эгаси маконини бегоналардан ҳимоя қилувчи жонивор, вафо ва садоқат тимсоли. Бу байтда ошиқнинг қонли ёшидан қурилган уйча ёр ити билан ошнолик ва унсият ҳосил қилиб, унинг дийдорига етишмак учун тўсиқ бўлмаслик умиди тажассум топган:

*Сиришким қони қилди қўйининг туфроғин оғашта,
Итига шояд ул балчиғ била бир уй ясолғай деб.*

Ҳофиз Шерозийнинг машҳур бир ғазалида шундай бир байт бор:

*Дар биёбон гар ба шавқи Каъба хоҳи зад қадам,
Сарзанишҳо гар кунад хори муғийлон, ғам махўр.*

(Таржимаси:

*Чўл-биёбон ичра Каъба шавқи-ла қўйсанг қадам,
Чекма ғам асло, қадалгай муғилон хори агар).*

Навоий ушбу маънони ривожлантириб, йўлдаги машаққатлар – елдек елиш натижасида бағирнинг толишидан қўрқмай, мардонавор қадам ташлашни ҳарам йўлидаги сайру сулукнинг шарти сифатида талқин қилади. Ишқ – мардоналикнинг белгиси экан, бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар, риёзат ва машаққатлар ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Ўшанда мақсад гавҳарини қўлга киритиш мумкин.

Мақтаъда “наво” сўзидан ясалган учта сўз – Навоий (тахаллус), бенаволиғ (махрумлик), Наво (мумтоз куй номи)ни қўллаш орқали иштиқоқ санъатининг гўзал намунаси яратилган. Умид оҳангида битилган бу байт ўз навбатида ҳусни тахаллус ва ҳусни мақтаъ талабларига тўлиқ жавоб беради:

*Навоий бенаволиғ бирла дойим май ичар, бир кун
Наво нақшини даврон мутриби базмида чолғай деб.*

**КЎНГЛУМА ҲАЖР АГАР ДАРД ЎҚИ ЁҒДУРСА,
НЕ ТОНГ..”**

«Ғаройиб ус сиғар», 63-ғазал

*Дам-бадам жоми тараб ғайр ила ул моҳ чекиб,
Мен йироқтин боқибон, қон ютубу оҳ чекиб.*

*Не ғамим ит киби ўлмакдин, агар элтур эса
Бўйнума ип солибон кўйига ул моҳ чекиб.*

*Ғаразим буки, унуттурмағамен ўзни анга,
Кўйига кирмагим афғон гаҳу бегоҳ чекиб.*

*Кўнглума ҳажр агар дард ўқи ёғдурса, не тонг,
Гар чиқарур эса пайконини дилхоҳ чекиб.*

*Мен адам йўлиға борман, мени лекин элитур
Оғзи шавқида кўнгул ўзига ҳамроҳ чекиб.*

*Майи асфарки тўкулмиш кўюбон юз ичсам,
Каҳрабони кўрунгуз жилва қилур коҳ чекиб.*

*Журъасин берса Навоийға эрур ўлгуча бас,
Базми айш ичра тараб соғарин ул шоҳ чекиб.*

ЛУҒАТ

Тараб – шодлик

Ғайр – бегона, ўзга киши.

Афғон – фиғон, нола

Не тонг – не ажаб

Пайкон – ўқ

Адам – йўқлик

Майи асфар – сариқ май

Каҳрабо – 1. Бир турли сариқ тош. 2. Сариқ

Журъа – қултум

Соғар – қадаҳ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани махбуни маҳзуф

-V-- VV-- VV-- VV-

-V-- VV-- VV-- VV-

Фоилотун фаилотун фаилотун фаилун

НАСРИЙ БАЁН

- Ул ой бегоналар билан ишрат тузиб, дам-бадам шароб ичмоқда. Мен бу ҳолга йироқдан боқиб, шароб ўрнига қон ютиб, оҳ чекмоқдаман.
- Агар ул ой бўйнимга ип солиб, кўйига чекса, ит каби ўлим топсам ҳам ғамим йўқ.
- Кўйига кириб, вақт бемаҳал оҳ чекишларимдан мақсад – ўзимни эслатиб, мени унутишига йўл қўймасликдир.

- Ҳижрон дард ўқларини ёғдирса ҳам майли, кўнглим истаган ёрим отган ўқини қайта чиқарса, ажаб эмас.
- Мен йўқликка томон бормасдим, лекин оғзининг шавқида кўнгил мени ўзига йўлдош қилиб элтяпти.
- Сарик рангли шароб тўкилибди, юзимни ерга қўйиб ичсам, сомонни тортувчи қахрабо (сарик рангли тош, янтарь)ни кўргандек бўласиз.
- Ишрат базмида ул шоҳ шодлик шаробидан бир қултум Навоийга ҳам иноят қилса, бу давлат ўлгунча кифоя қиларди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Радиф вазифасини бажарувчи “чекиб” сўзи маъно юзасидан энг серқатлам сўзлардан ҳисобланади. “Навоий асарларининг изоҳли луғати”да бу сўзнинг 26 та маъноси борлиги қайд қилинган. Муҳтарам ўқувчи тилимизнинг бойлигини янада теранроқ ҳис қилиши учун бу изоҳларни қисқача беришни жоиз топдик: 1) бошдан кечирмоқ, тортмоқ; 2) бардош бермоқ; 3) ичмоқ; 4) санчмоқ, урмоқ; 5) суғуриб олмоқ; 6) ёзмоқ, битмоқ; 7) олиб бормоқ, элтмоқ; 8) тақдим этмоқ, тутмоқ; 9) ясамоқ; 10) безамоқ, нақш солмоқ, ўймоқ; 11) тизмоқ, ипга ўтказмоқ; 12) ўзига тортмоқ, яқинлашмоқ; 13) узмоқ; 14) ечмоқ, шилиб олмоқ; 15) тирнамоқ, қазимоқ, ковламоқ; 16) ўқ отмоқ; 17) қадамоқ, осмоқ; 18) кўтармоқ; 19) боғламоқ, маҳкамламоқ; 20) туташмоқ, улашмоқ; 21) суртмоқ, қўймоқ; 22) тозаламоқ; 23) ўх урмоқ; 24) ўтқизмоқ, йўналтирмоқ; 25) бош урмоқ, эгилмоқ; 26) ўлиб кирмоқ, ичкарига киритмоқ.

Ана шундай кўпмаъноли сўзни радиф сифатида танлаган экан, мутафаккир шоир деярли ҳар бир байтда “чекиб” сўзининг маъно имкониятларидан фойдаланган ҳолда тажнис санъатининг гўзал намуналарини яратган. Жумладан, матлаънинг биринчи сатрида “чекиб” ичиш маъносини ифода этган бўлса, иккинчи мисрада оҳ урмоқ маъносини билдиради. Шунингдек, ой юзли гўзалнинг шодлик шаробидан дам-бадам нўш айламаги ошиқнинг ҳолатида ҳам ўзгарувчанликни пайдо қилади – у йироқдан боқиб, гоҳ шароб ўрнига қон ютса, гоҳида дард билан оҳ чекади:

*Дам-бадам жоми тараб ғайр ила ул моҳ чекиб,
Мен йироқтин боқибон, қон ютубу оҳ чекиб.*

Иккинчи байтда халқнинг жонли тилида фаол қўлланиладиган “итнинг кунини бошига солмоқ” ибораси ажойиб тарзда қўлланилган. Ит – садоқат ва вафо тимсоли бўлиши баробарида, хорлик ва қадр топмасликнинг намунаси ҳамдир. Инсон боласига жонзотлар ичида энг садоқатли ва вафодор, илк хонаки ҳайвон ит бўлса ҳамки, унинг жойи доим остонада. Шунингдек, вафодор ит ўлигини эгасига кўрсатмай уйдан узоқда ўлим топиш одати бор. Итнинг ана шу одатига ишора қилган ҳолда шоир ит каби ўлим топишни, яъни ишқ йўлида ҳалок бўлиш ва айни пайтда бу ўлим ёрдан узоқда бўлиш истагини қуйидагича баён этган:

*Не ғамим ит киби ўлмакдин, агар элтур эса
Бўйнума ип солибон қўйига ул моҳ чекиб.*

Кейинги байтда ошиқнинг ёр кўйида тинмай оҳу фиғон чекишлари ошиқлигини элга намоиш қилиш учун эмас, балки ёрга ўзининг борлигини эслатиб туриш эканлигини “унуттурмағамен” феълини қўллаш орқали билдирган. Ишқ аҳли учун энг оғир синов – ҳижрон, яъни ёрнинг хаёлидан кўтарилиш бўлса, энг катта саодат – унинг фикру зикрида ўрни борлигини билиб яшамоқдир:

*Ғаразим буки, унуттурмағамен ўзни анга,
Кўйига кирмагим афғон гаҳу бегоҳ чекиб.*

Ёрнинг кичик оғзи – ҳусннинг тимсоли, сирру синоатга тўла жумбоқ сифатида мумтоз шеърятимизда кўп васф этилган. Мазкур байтда кичиклигидан адам – йўқлик мулкидан нишона бўлган оғиз шавқи ошиқнинг кўнгли ва бутун вужудини ҳам фано бўлишга ундагани ажойиб шоирона лутф билан баён этилган. Фахриддин Ироқийнинг изоҳига кўра, оғиз – Аллоҳ таолонинг мутакаллимлик сифатига ишора, илоҳий каломнинг моҳияти демакдир. Аллоҳнинг биргина “Кун!” (“Бўл!”) амри билан бутун олам йўқликдан бор бўлгани каби унинг моҳиятини англашга инсоннинг ақли ва тафакқурини ожиз қолдириб, йўқликка юз тутмоққа ундайди. Шунинг учун инсон, истаса-истамаса, ишқ кўйида инон-ихтиёрини кўнгилга топширади. Кўнгили эса муҳаббат йўлида адам бўлмоқ, яъни обрў-эътибор, молу давлат, мансаб ва амал, жоҳу жалол, илму дониш туфайли инсонда пайдо бўладиган сохта “мен” ликдан буткул воз кечиб, ҳақиқий ўзлик сари сафар қилмоққа ундайди. Ёрнинг кичик оғзи ҳам худди шу каби гўзалликнинг асрорини пинҳон тутиб, ошиқнинг вужуди ва кўнгилидаги менликни маҳв этишга қодир:

*Мен адам йўлиға борман, мени лекин элитур
Оғзи шавқида кўнгул ўзига ҳамроҳ чекиб.*

Сўнги икки байтда май таърифи келтирилади. Майи асфар, яъни сариқ рангдаги май мажозан муҳаббат мастлиги ва Ҳақ жазбасининг рамзидир. Илоҳий иноят бўлмагунча, киши муҳаббат кўйига киролмайди. Муҳаббатга саъй-ҳаракат билан эришиб бўлмайди. Инсон ихтиёридан ташқарида содир бўладиган бу руҳий эврилиш ва илоҳий неъмат ақл занжирини узиб, қалб амри билан яшашни қисмат этади ва шу орқали Ҳақ олдида қурбат ҳосил қилади. Боязид Бистомий айтгандек, Аллоҳ севган банданинг нишони учтадир: аввали, саховати дарёга ўхшар; иккинчи, шафқати куёшга ўхшар; учинчиси, тавозеси тупроққа ўхшар.

Ишқ йўлида хор-зор ошиқнинг тавозеси тупроққа дўниб, ранги сомон каби сарғайгани билан, унинг иштиёқи ва маърифат бодасини симирмоққа бўлган шавқи шунчалик кучайганки, агар тупроққа тўкилган бодани кўриб қолса ҳам, юзини ерга қўйиб, у шаробни бир томчи ҳам қолдирмай ичишга муштоқ. Бу билан Навоий муҳаббат ва хокисорлик, ошиқлик ва тавозелилик эгиз ва бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар эканлигини таъкидлайди:

*Майи асфарки тўкулмиш кўюбон юз ичсам,
Каҳрабони кўрунгуз жилва қилур коҳ чекиб.*

Бундай бода фақат шоҳнинг базмида мавжуд. Шоҳ агар бу бодадан бир қултум Навоийга раво кўрса, ўлим шарбатини тотгунча бу давлат унга етарли. Маълум бўладигани, Навоий бу байтда “шоҳ” деганда зоҳир оламининг ҳукмдори – Ҳусайн Бойқаро мажлисидаги шаробнимас, балки Оламлар Подшоҳи – Аллоҳ таоло хузуридаги илм ва маърифат бодасини назарда тутган:

*Журғасин берса Навоийға эрур ўлгуча бас,
Базми айш ичра тараб соғарин ул шоҳ чекиб.*

**“КЎНГУЛКИ ИТТИ ҚИЛИБ ТИЙРА
ХОНУМОНИМНИ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 64-ғазал

*Не махласим бор анинг ишқидин канора қилиб,
Не тўймоғим бор анинг хусниға назора қилиб.
Ўчарга ишқ ўти чора қил дединг, эй шайх,
Бўлурму қисматим ўлған балоға чора қилиб?
Бошимда тийғи яросин неча дебон сўрманг,
Киши бўлурму бошининг тукин шумора қилиб?
Кўнгулки итти қилиб тийра хонумонимни,
Қовай агар яна келса, юзини қора қилиб.
Кўнгулни ёра қилиб улки тикти кўксимни,
Ёқамни тикмак эрур кўкрагимни пора қилиб.
Дедимки, майкададин хонақаҳ йўлин тутайин,
Нетайки, ул сари йўл бермас истихора қилиб.
Навоий этти ниҳон ишқин, эй фиғон била ашк,
Анинг бу айбини найларсиз ошкора қилиб?!*

ЛУҒАТ

*Махлас – қутулмоқ
Канора – четлашмоқ
Назора – термулмоқ
Шумора – саноқ
Итмоқ – йўқолмоқ
Қовмоқ – ҳайдаб солмоқ
Истихора – яхшилик излаш; хайрли ишни билиш мақсадида ўқиладиган намоз
Ниҳон – яширин*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф
V-V- VV-- V-V- VV-
V-V- VV-- V-V- VV-
Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун.

НАСРИЙ БАЁН

- Унинг ишқидан воз кечиб қутулмоққа чорам ҳам, хуснига термилиб тўймоғим имкони-яти ҳам йўқ.
- Эй шайх, менга ишқ ўтини ўчирмоққа бир чора топ, деб айтасан. Қисматимга айланган балога чора топиб бўладими?
- Бошимдаги тиғининг ярасини нечта, деб мендан сўраманг. Киши бошидаги соч толаларини санай оларми?
- Кўнглим бош олиб кетиб, уйимни куйдирди. Агар яна юзини қора қилиб, шармандаларча қайтиб келса, ҳайдаб соламан.

- Ул ёр кўнглимни пора қилиб, кўксимга ўқ қадагани кўксимни пора қилиб ёқамни ти-кишга ўхшайди.
- Майхонани тарк этиб, хонақоҳ йўлини тутайин, дедим. Нетайки, истихора намозини ўқиганимда бу йўлни тутишим хайрли бўлмаслиги аён бўлди.
- Навоий ишқини пинҳон тутди, эй фиғону кўз ёшларим, унинг бу айбини ошкор этиб найларсиз?!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Биринчи қарашда ифода воситалари ва баён усуллари оддий, халқона, Навоийнинг таъбири билан айтганда, “туркона” кўринган матлаъ замирида ўқувчини чуқур ўйга толдирадиган, мушоҳада этишга чорлайдиган ҳикмат бор. Муҳаббат дардига мубтало бўлган киши тузоққа тушган қушдек минг ҳаракат қилса ҳамки, қутулмоққа чора тополмайди. Бекорга ишқни бедаво дардга ўхшатишмайди. Изн сўрамасдан кўнгил мулкани истило қилган ишқ лашкари энг аввало ихтиёрни қўлга олади. Ишқ – инон-ихтиёрни маҳбуб изнига топшириш, унга хуш келувчи ҳолатларга таслим бўлиш, дунёга унинг кўзи билан қараш ва унинг ройишига қараб яшаш демакдир. Бундай ҳолатга тушган кишининг кўзига маҳбубанинг хусну жамолидан ўзга ҳеч нарса кўринмайди, унинг хусни томошасидан тўймайди, хусн жилваси билан маст бўлган ҳолда келажак балоларни шодумонлик билан қабул қилади. Негаки, ишқ – ўзгалар назарида бало-ю офатдек кўрингани билан ошиқнинг наздида қисматнинг айни ўзидир. Бошқалардан фарқли ўлароқ ошиқ ўз қисматидан рози ва мамнун бўлиб, уни ўзгартиришга чора изламайди, балки муҳаббат оташини илоҳий неъмат, тақдир инояти деб билади:

*Ўчарга ишқ ўти чора қил дединг, эй шайх,
Бўлурму қисматим ўлған балоға чора қилиб?*

Учинчи байтда ҳам риторик савол орқали шоир муболағали ўхшатишни янада кучайтириб, ҳиссий-эмоционал таъсирни оширган. Бошига тушган жафо тиғлари соч толасидан ҳам кўплиги сабабли, одамларнинг ҳайратига сабаб бўлган ошиқ бу йўлда собитқадам эканлигини ифода этган. Одатда, бир марта жароҳат олган киши балодан узоқроқ тутишга ҳаракат қилади, аммо ишқ балосини ўзига қисмат деб билган киши ҳар қандай қийноқ ва азобларни тотишга тайёр бўлади:

*Бошимда тийғи яросин неча дебон сўрманг,
Киши бўлурму бошининг тукин шумора қилиб?*

Кейинги икки байтда Навоий кўнгил тимсолига мурожаат қилади. Унинг талқини бўйича кўнгил ғойиб бўлиб, бутун ҳаётини қаро қилмиш. Агар ошуфтаю сарсон кўнгли мабодо бирор куни юзи қора бўлиб, қайтиб келгудек бўлса, уни ҳайдаб солади. Бу билан шоир нима демоқчи? Биламизки, ўрта асрларда гуноҳкор кишининг юзига қора суртиб, шаҳар ва бозорларда айлантириб, сазойи қилишган. Ишқ йўлига қадам қўйган кишининг кўнгли ҳам гуноҳ ва маъсият туфайли қорайиб, яна олдинги ҳолига қайтмоқчи бўлгудек бўлса, бундай кўнгил соликка керакмас. Ишқ – кўнгил поклигига эришмоқ йўли. Шу сабабли, гуноҳкор ва юзи қоралиги сабабли дилдор нурининг мазҳарига айланмаган кўнгил риёзат чекиб, мусаффо бўлмоғи зарур:

*Кўнгулки итти қилиб тийра хонумонимни,
Қовай агар яна келса, юзини қора қилиб.*

Кейинги байт ҳам алоҳида диққатни талаб қилади. Кўнгил мажруҳ бўлган пайтда ошиқ кўкси бутунлигининг фойдаси йўқ, дейди шоир. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг термизлик пири – Сайид Бурҳониддин Муҳаққиқ Термизийнинг “Маориф” асрида шу мазмунга

алоқадор ажойиб ўшатиш келтирилган. Унга кўра, ғалла захира қилмоқчи бўлган одам энг аввало, омборхонани сичқонлардан тозалаш керак. Йўқса, омборга қанча буғдой тўкилмасин, сичқон ва каламушларга ем бўлиб кетаверади. Бинобарин, инсон ҳам маърифат ҳосил қилишдан аввал кўнгил уйини ҳасад, риё, кибр, шубҳа, манманлик, ёлғон каби руҳият озиқларини кемирувчи “сичқон”лардан пок тутиши лозим. Акс ҳолда, ўзлаштирган билими фақат зарарига ишлайди. Зоҳир олами обод, аммо ботиний олами вайрон киши худди мажруҳ кўнгилни даволамасдан, кўксини тикиб қўйган табибнинг амалидек бефойда бўлиб қолаверади:

*Кўнгулни ёра қилиб улки тикти кўксимни,
Ёқамни тикмак эрур кўкрагимни пора қилиб.*

Олтинчи байт маъноларини англашга истихора сўзи калит вазифасини бажаради. Истихора сўзи луғатда яхшилик излаш, бир нарсанинг яхшироғини танлаш деган маънони англатади. Мусулмон киши руҳсат этилган икки ишдан қайси бирини қилишини билмай қолганида хайрлисини танлаш учун икки ракат истихора намозини ўқийди. Истихора намозидан сўнг қуйидаги мазмундаги дуо ўқилади: “Аллоҳим, Сеннинг илминг билан Сендан яхшилик сўрайман. Сеннинг қудратинг билан Сендан қодирлик ва улуғ фазлингни сўрайман. Сен ҳар нарсани Билувчисан, мен билмайман. Сен ғайбни Билувчисан. Аллоҳим, агар мана шу қилмоқчи бўлган ишим динимда, ҳаётимда, ишимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун яхши бўлса, уни менга насиб этгин ва осон қилгин. Сўнг уни менга баракотли қилгин. Агар мана шу ишим динимда, ҳаётимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун ёмон бўлса, мендан уни узоқлаштир, қаерда бўлса ҳам, мен учун яхшилик тақдир қилгин ва мени ундан рози қилгин”. Бу дуо ўқилгандан кейин ўша ишни қилиш ва қилмаслик тўғрисида кўнгли мойил бўлган томонга ҳаракат қилинади.

Байтдаги талқинга кўра, хонақоҳ – зоҳир оламининг ободлиги учун керакли бўлган билимларни ўргатадиган маскан билан майкада – қалб ва руҳ оламини обод тутадиган муҳаббат ва маърифат макони ўртасидаги иккиланиш бўлганда, истихора намози сабабли иккинчи йўл танланиши дунё ва охират ободлигига сабаб бўлиши чиройли баён этилган. Мутафаккир шоирнинг қатъий ақидасига кўра, фақат маърифат ва муҳаббат туфайли икки дунё саодатига эришиш мумкин. Муҳаббатсиз амал, маърифатсиз эътиқод таассуб ва худбинликни кучайтириб, алалоқибат залолатга етаклайди. Аллоҳ ҳам севган бандасини севади:

*Дедимки, майкададин хонақаҳ йўлин тутайин,
Нетайки, ул сари йўл бермас истихора қилиб.*

Тасаввуф аҳли орасида ҳадис сифатида талқин қилинган ҳикматга кўра, кимки ошиқ бўлиб, уни пинҳон тутган ҳолда вафот этса, шаҳидлик мақомига эришади. Навоий ана шу олий мақомга эришиш мақсадида ишқини пинҳон тутса ҳамки, оҳу фиғонлари ва кўзёшлари сирини ошкор этади. Ошкор бўлган сир эса, эл орасида айб саналади. Ишқ сеҳридан беҳабарлар бу дардга мубтало бўлгани учун маломат қилсалар, ишқ аҳли бу сирни ошкор этгани учун уни айблайдилар. Бу маломатни кўтариш нақадар оғир эканлигини қуйидаги байтдан англаш қийин эмас:

*Навоий этти ниҳон ишқин, эй фиғон била ашқ,
Анинг бу айбини найларсиз ошкора қилиб?!*

“МЕН ЎЛДУМ ЧУ ХУНОБИ ҲИЖРОН ЧЕКИБ...”

«Ғаройиб ус сиғар», 65-ғазал

Ул ой қасдима тийғи буррон чекиб,
Мен оллида шукронаға жон чекиб.
Масиҳим чу фарёдима етмади,
Неча ўлтурай ўзни афғон чекиб.
Ҳамоно ёмон кўзга майл айладинг,
Алиф нил ила юзга ҳар ён чекиб.
Лабинг нўшдорусидин не осиф,
Мен ўлдум чу хуноби ҳижрон чекиб.
Кетур, соқиё, давр аёғин тўла
Ки, жон қолмади ранжи даврон чекиб.
Агар васли боқий керак, истагил,
Фано кўйига рахти ҳирмон чекиб.
Навоий бериб жон ўқи шавқидин,
Анинг захмидин ёр пайкон чекиб.

ЛУҒАТ

Буррон – кескир
Масиҳ – Исо пайғамбар (а.с.)нинг лақаби
Афғон – фиғон, нола
Ҳамоно – гўёки
Мийл – мозорлар бошидаги туғ
Нил – ложсувард рангидаги суртма
Нўшдору – заҳарга қарши, жон бағишловчи дори
Осиф – фойда
Хуноби ҳижрон – айрилиқ кўз ёши, аччиқ йиғи
Аёғ – қадаҳ
Ранж – азоб
Рахт – сафарнинг асбоб-анжомиди
Ҳирмон – маҳрумлик
Пайкон – ўқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мутақориби мусаммани маҳзуф
V -- V -- V -- V --
V -- V -- V -- V --
V -- V -- V -- V --
Фаўлун фаўлун фаўлун фаул.

НАСРИЙ БАЁН

• Ул ой менинг жонимни олиш қасдида кескир қилич тортди. Мен эса бу ҳолнинг шукронасига жонимни топширдим.

- Фиғон чекиб, шунча ўзимни ўлдирсам ҳам, жон берувчи Масихонафас ёрим менинг фарёдимага етмади (эшитмади).
- Икки ёноғинга ложувард рангдан алифдек чизиқ тортиб, гўёки ёмон кўзнинг мозорига туғ ўрнатдинг.
- Аламли ҳижрон азобидан ўлиб бўлдим, энди лабингдаги ҳаёт бағишловчи шарбатдан не фойда?!
- Эй соқий, давр қадаҳини тўла келтирким, даврон ранжини чекавериб, жоним қолмади.
- Агар завол топмас висол истасанг, фано кўйида маҳрумлик сафарига чиқмоқни талаб қил.
- Навоий танидан ёр ўқини суғуриб олгач, шавқидан жон ўқини топширди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал учун танланган вазн эпик шеърият учун хос вазн ўлчовларидан ҳисобланади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ҳамда унинг таъсирида ёзилган бошқа жангномалар (“Барзунома”, “Сомнома”, “Искандарнома” ва ҳ.к.) айна шу вазнда ёзилган. Мутақориб баҳрига мансуб ушбу вазннинг ритмикаси уруш саҳналари, отларнинг дупури, қилич ва найзаларнинг жанранги, баҳодирларнинг муҳорабаларини ифода этиш учун энг мақбул ва маъқул саналган. Аммо лирик жанрларда бу вазн деярли қўлланилмаган. Жумладан, Навоийнинг ғазалнависликдаги устозлари – Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомийларнинг девонларида ҳам, туркий шеъриятнинг Навоийгача бўлган даврида ҳам мазкур вазндаги ғазал учрамайди.

Алишер Навоий ишқ жанггоҳидаги фидойилик ва баҳодирликлар, истило ва хунрезликлар, жон бериб жон олишларни бадиий йўсинда ифода этиш мақсадида мазкур вазни танлаган ҳолда эпик дostonларга хос бўлган уруш аслаҳалари ва жанг манзараларини тимсол даражасига кўтарган. Жумладан, матлаъда ой юзли нигор қатл этиш қасдида тиф кўтарганининг шукронаси учун ошиқ жонини фидо этади. Мулк ва номус, шуҳрат ва шавкат, куч-қудрат намоиши йўлидаги хунрезликлардан фарқли ўлароқ ишқ майдонида биргина ғолиб (маҳбуба) ва бу ғалабадан бениҳоя масрур бўлиб, ўз ғалабасидек қабул қилган мағлуб (ошиқ) бор:

*Ул ой қасдима тийғи буррон чекиб,
Мен оллида шукронаға жон чекиб.*

Ошиқнинг қатлига тиф кўтарган маҳбуба фақат жон олувчи қотилмас, балки унинг бир оғиз ширин сўзи билан мурдаларга жон берувчи масихонафаслик сифати ҳам бор. Ёрнинг ушбу хислати васф этилган иккинчи байтни икки маънода ўқиш ва уқиш мумкин. Биринчи маънони насрий баён қисмида, юқорида келтирдик. Агар байтни сўроқ оҳангида ўқисак, қуйидаги мазмун ҳосил бўлади: Менинг фарёдима Масихимга етмагандан кейин, яна қанча фиғон чекиб, ўзимни ҳалок этай? Бундай бир-бирига зид маъноларни бир байтда ифода этиш усулини бадиъ илмида муҳтамил уз-зиддайн санъати деб юритишади.

Халқимизда чиройли юзларга ёмон кўздан асраш мақсадида нил суртиш одати бор. Ана шу удумга ишора қилган ҳолда, Навоий ёрнинг юзига суртилган нил чизиғини ёмон кўзли одамларнинг мозори устига қадалган туғга ўхшатади. Бошқача айтганда у васф этган гўзаллик шундай қудратга эгаки, унга ёмон кўз билан қараган ёки уни инкор этганлар албатта ҳалокатга юз тутаяди:

*Ҳамона ёмон кўзга мийл айладинг,
Алиф нил ила юзга ҳар ён чекиб.*

Ҳижронни биз айрилиқ маъносида тушунишга ўрганиб қолганмиз. Аслида ҳижрон бирровни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, унинг бор-йўғига лоқайд бўлиш, назардан қолдириш демакдир. Жавобсиз муҳаббат дарди, ишқ азоби ва ёрнинг бефарқлиги қийноқлари остида ҳалок бўлган ошиққа ёрнинг жон бағишловчи каломи ҳам ёрдам беролмайди. Негаки, ёрнинг илтифотлари унгамас, балки ўзгаларга қаратилган:

*Лабинг нўшдорусидин не осиф,
Мен ўлдум чу хуноби ҳижрон чекиб.*

Кейинги байтда келтирилган “давр аёғи” ва “ранжи даврон” иборалари ажойиб сўз ўйини ҳосил қилган. Қадимги шароб мажлисларида май катта бир жомга сузилиб, давра аҳли уни айлантирган ҳолда навбат билан бу шаробдан ичишган. Бу одатга Ҳофиз Шерозий ишора қилган ҳолда, девонининг биринчи ғазалини шундай бошлайди:

*Ало ё айюҳас-соқий, адир каъсан ва новилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал, вале афтод мушқилҳо.*

(Мазмуни: Эй соқий, шароб косасини даврада айлантир ва бизга май тутки, ишқ аввал осон кўринди, аммо сўнгра бошимизга мушкуллар тушди).

Навоий ҳам соқийга мурожаат қилиб “давр аёғи”ни тўла ҳолда унга тутмоқни илтимос қилади, чунки у давроннинг ранжу азобларини кўп чекиб, мадори қолмаган. Ҳофиз байтида шароб ишқ йўлидаги азобларни енгиллатиш учун восита бўлса, Навоий ишқ аҳлини ўз бағрига сиғдирмаган, уларнинг ҳолини тушунмаган замона ва унинг аҳлидан шикоят қилган ҳолда соқий шаробидан имдод истайди:

*Кетур, соқийё, давр аёғин тўла,
Ки жон қолмади ранжи даврон чекиб.*

Дунё ва унинг қувончу қайғуси, висол ва фироқлари, лаззат ва маҳрумиятлари – барчаси ўткинчи. Ўткинчи дунёнинг йўловчиси бўлган инсоннинг илинжи, ҳаётдаги асл мақсади эса – боқийликка эришиш, мангуликка етиш. Мангулик сифати эса фақат Ёри азалга хос сифат. Унинг ҳақиқатини англаш, моҳиятга етишмоқ учун ягона чора – башарий сифатларни фано кўйига совуриб, бақо сари юзланиш. Ана шундагина ҳақиқий ошиқ боқий висол саодатидан баҳраманд бўлиши мумкин:

*Агар васли боқий керак, истагил,
Фано кўйига рахти ҳирмон чекиб.*

Кўриб чиққанамиздек, бу ғазалда ҳам “чекиб” сўзи радиф сифатида танланган. Навоий бу сўзнинг турли маъноларда ишлатиб, радифда тажнис санъатини қўллаганки, бу ҳолат фақат ўзбек тилида намоён бўлиши мумкин. Жумладан, мазкур ғазалда радиф санчмоқ, урмоқ, тақдим этмоқ (1-байт), оҳ урмоқ (2-байт), безамоқ (3-байт), ичмоқ (4-байт), бошдан кечирмоқ, азобини тортмоқ (5-байт), кўтармоқ (6-байт), суғуриб олмоқ (7-байт) маъноларини ифода этиб, ҳар бир байтнинг мантиқий меҳварига айланган. Бу эса ғазалнинг дил-тортарлиги ва жозибаторлигини янада оширган.

**“ИШҚ ДАРДИҒА ЖУЗ ЎЛМАК ЙЎҚ ЭМИШ
ҲЕЧ ИЛОЖ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 66-ғазал

Чобукум рахш уза ҳижрон йўлида пўя қилиб,
Мен анинг кейнича гоҳе югуруб, гаҳ йиқилиб.
Йиқилиб ёна қўпуб, чунки уруб йўлға қадам,
Ваҳки, юз ништари ҳижрон аёғимға тиқилиб.
Тобоним дарду бало хораларидин ўюлуб,
Юрагим ранжу ано хорларидин тешилиб.
Турфа кўргилки, инон тортмай ул шўх даме,
Сўнгича буйла қатиқлиқ била ҳолимни билиб.
Ишқ дардиға жуз ўлмак йўқ эмиш ҳеч илож,
Бош қўюб оллиға онингки, бу маънони билиб.
Истарам ўзни харобот ичида лояъқил,
Хуш чун боиси ранж ўлди, нетармен ойилиб?
Гар Навоийға ёғин ашк эдию раъд фиғон,
Ҳажр чун кож урубон кўзларига ўт чақилиб.

ЛУҒАТ

Рахш – учқур от
Пўя қилмоқ – чопмоқ, югурмоқ
Кейнича – орқасидан
Хора – харсанг тош
Ано – маҳрумлик
Турфа – ажойиб, ғалати
Инон – жилов
Даме – бир он, бир лаҳза
Лояъқил – ақл-хушсиз
Ранж – азоб, машаққат
Ойилмоқ – хушига келмоқ
Раъд – момоқалдиरोқ
Кож – тарсаки, шапалоқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани махбунни маҳзуф
-V-- VV-- VV-- VV-
-V-- VV-- VV-- VV-
Фоилотун файлотун файлотун файлун

НАСРИЙ БАЁН

• Чобуксуворим мени ҳижронда қолдириб, от чоптириб кетмоқда. Мен эса унинг кетидан гоҳи югуриб, гоҳ йиқилиб бормоқдаман.

- Йиқилсам-да, яна ўрнимдан қўпиб, бу йўлга қадам қўйсам, эвоҳ, ҳижроннинг юзлаб наштари оёғимга санчилди.
- Бу дарду балолар тошлоқида товоним ўйилиб, юрагим азоб ва маҳрумликлар тиконларидан тешилган.
- Ғаройиб бу ҳолни кўрки, ул шўх менинг бундай қаттиқ ҳолимни билиб турган ҳолда бир лаҳза бўлса-да, жиловини тортиб турмади.
- Ишқ дардида ўлмақдан бошқа бирор чора йўқ. Кимки бу маънони билса, унинг олдида таъзим қилинг.
- Харобот ичида ақл-хушдан бегона бўлиб, жунуншева бўлмоқни истайман. Ақлу хуш ранжу азоб боиси бўларкан, хушёр бўлиб нетарман?!
- Навоийнинг кўз ёшлари ёмғир, фиғонлари момоқалди роқ бўлган бўлса, ҳижрон юзига тарсаки уриб, кўзларидан чақмоқдек ўт чақилди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал ҳижрон йўлидаги азоб ва қийноқлар, шиддат ва машаққатларнинг тасвирига бағишланган. Бу йўл – наштардек кескир тиконлар, ҳар бир қирраси жон олувчи харсанг-тошлар, маҳрумлик, ранжу машаққатларга тўла офат ва балолар водийси. Ақл эгаси бу йўлга зинҳор қадам босмайди. Аммо бутун вужуди билан ёрнинг бир қиё боқишига зор ошиқ ёрнинг ортидан телбавор йиқилиб, яна қўпиб чопиб бораверади. Товонлари қонталаш бўлиб, юраги ҳижрон тиконларидан мажруҳ бўлса ҳамки, бу йўлдан заррача чекинмайди. Маҳбубаси бир лаҳза бўлса-да, тўхтаб, ҳолига назар солиши – унинг ягона умиди. Ёрнинг илтифотини ҳаётининг мазмуни деб билганидан шунча машаққатга чидаган ошиқ унинг бепарволиги ва истиғносидан дарду азоби янада зўраяди:

*Турфа кўргилки, инон тортмай ул шўх даме,
Сўнгича бўйла қатиқлиқ била ҳолимни билиб.*

Ёрнинг бундай бепарволиги, ошиқ ҳолига назар солмаслигида катта ҳикмат бор. Аттор ва Навоийнинг “Қуш тили” дostonларида Маърифат водийсидан сўнг Истиғно водийси келади. Истиғно водийсида солиқ Ёри азалнинг ҳожатсизлигини жондан ҳис этиб, ўзининг борлиғи ва умуман бутун Борлиқнинг бор-йўқлиги Унинг Буюклиги ва Қудрати олдида заррача қадри йўқлигини англай бошлайди. Жумладан, Шайх Аттор бу водий таърифида турли мисоллар келтириб, илоҳий ҳикмат инсоний мантиқ қолипларига сиғмаслигини куйидагича ифодалаган:

*Сўнгра ул водийи истиғно келур,
Унда не даъво ва не маъно бўлур...*

*Неча минглаб дийдалардин оқди қон,
Токи зиндондин Юсуф чиқсин, дебон.*

*Неча юз минглаб гўдаклар ўлдилар,
То Халил топгунча етсин деб назар...*

*Юз туман халқ бойлади зуннор басо,
Бўлмагунча маҳрами асрор Исо.*

*Бўлди торож неча минг жону кўнгил,
То Муҳаммад чиқмади меърожга ул.*

*Эскидир, янги, қадрсиздир ҳама,
Хоҳи бир иш айла, хоҳи айлама...*

*Кетса шу дунё ародин, не эмиш?
Бир чумолининг оёғи лат емиш.*

*Қолмаса гар деву инсондин асар,
Бу камайган қатра бир ёмғир қадар.*

*Бунда жузву кулл агар бўлса тамом,
Бир сомон чўпи йўқолмиш, вассалом.*

Ҳижрон йўлида турли бало-ю офатларга чидаган ошиқ ушбу ҳақиқатни англагач, бу йўлда фано бўлишдан бошқа чора йўқлигини англайди. Ишқ йўлидаги ўлим – жисмоний маҳв бўлиш эмас, балки муҳаббат оташида иддао ва даъволар, истак ва хоҳишларни ёқиб юбориб, қақнус қушидек қайта туғилмоқ демакдир. Ишқ шаҳиди бўлишни ихтиёр этган одам эса, ҳар қандай эҳтиромга лойиқ. Чунки у аслига, моҳиятлар моҳияти, яъниким одам ва оламнинг яралишига асос бўлган Ишқ йўлида ўзини фидо қилишга шай турибди:

*Ишқ дардиға жуз ўлмак йўқ эмиш ҳеч илож,
Бош қўюб оллиға онингки бу маънони билиб.*

Бутпарастликка даъват этиб, бутун оламини гумроҳ этган Намруд Иброҳим Халилуллоҳ дунёга келмаслиги учун минглаб гўдакни тигдан ўтказиши, худолик даъвосини қилган Фиръавнга Нил дарёсини маълум муддат бўйсундириб қўйиши, қанчадан-қанча пайғамбарлар ва имон аҳли худосизлар қўлидан шаҳид кетиши... Намрудни ярим пашша билан ҳалокатга етказган, Фиръавнни лашкари билан денгизда чўктириб юборган, истаган пайтида бир дамда душманларини осонгина йўқлик оламига равона этган Аллоҳ таолонинг ҳикмати ақл ва ҳикмат билан англаб бўлмайди. Инсоннинг ожиз ва ноқис ақли илоҳий адолатни англашга қодир эмас. Бутун умр тоат-ибодатда бўлган банда эришолмаган мақомга гуноҳ қилишдан бошқасини билмаган бошқа бир банда чин кўнгилдан чиққан оҳи туфайли эришишини ҳис қилиш учун ақл ва билим занжиридан қутулиб, қалб ва муҳаббат назари билан қарашни касб этмоқ лозим. Бунга эса орифларнинг суҳбати (харобот) ва улар тутган маърифат бодаси кўмакчи бўлади:

*Истарам ўзни харобот ичида лояъқил,
Ҳуш чун боиси ранж ўлди, нетармен ойилиб?*

Мақтаъда эса шоир муболағали тасвир орқали ҳижронда қолиш азоби билан табиий ҳодиса, яъни чақмоқ чақиб, сел ёмғири ёғиши ҳамда ошиқнинг беҳисоб кўз ёшлари-ю осмонларни тутган фиғонлари ўртасидаги мувозий ўхшашликни ифода этади. Баҳор ёмғиридан сўнг қуёш чиқиб, олам ям-яшил бўлгани сингари, ошиқнинг нола-фиғонлари ҳам бесамар кетмасдан, ҳижронлар висолга айланажак. Шоир шунга умид боғлаган ҳолда ғазалига яқун ясайди:

*Гар Навоийға ёғин ашк эдию раъд фиғон,
Ҳажр чун кож урубон кўзларига ўт чақилиб.*

**“ЭЙ НАВОИЙ, КАЪБАЙИ МАҚСУД
ВАСЛИН ИСТАСАНГ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 67-ғазал

*Мендин ул чобукнинг, эй пайки сабо, майдонин ўп,
Кўйига бошим ниёзин еткуруб, чавгонин ўп.*

*Бодпойи сайриға ҳамтаклик айлай олмасанг,
Ерга мендин юз кўюб кўрган сою жавлонин ўп.*

*Кулса лаъли, ваҳки, қолмас менда бир ўпкунча хуш,
Ҳашв эрур, кўнглумки, айтурсен лаби хандонин ўп.*

*Пок этак истар эсанг, бир пок этаклик истабон,
Хоки наълайниға юз кўй, гўшайи домонин ўп.*

*Гар аёғин рахшининг ўпмак муяссар бўлмаса,
Кўз солиб ҳар ердаким, кўрсанг аёғ босқонин ўп.*

*Қоши ёси ғамза ўқин отса ваҳ, мен хастадин,
Кўзларингга суртубон суфорини пайконин ўп.*

*Эй Навоий, каъбайи мақсуд васлин истасанг,
Шоҳи Ғозий қасрининг даргоҳи олийшонин ўп.*

ЛУҒАТ

Пайк – элчи, хабар етказувчи

Сабо – тонгги шамол

Гўй – копток

Чавгон – учи қайрилган махсус таёқ

Бодпой – учқур от

Ҳамтаклик – тенг югурувчилик, ҳамроҳлик

Сою – сари

Ҳашв – ортиқча гап

Наълайн – усти кўй терисидан тикилган, пошnasi ўрнига темир тақа қоқилган бир жуфт ёғоч ковуш

Гўшайи домон – этакнинг учи

Рахш – учқур от

Аёғ – оёқ

Суфор – ўқнинг ёғочи

Олийшон – шаъни улуғ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Эй сабо, ул эпчил чавгонбозга мендан салом етказиб, майдонини ўп. Майдондаги чавгон тўпига бошим фидо эканлигини етказ, чавгонини ўп.
- Агар учқур оти билан баробар чопа олмасанг, менинг номимдан ерга пешонангни суртиб, жавлонини ўп.
- Агар табассум этгудек бўлса, эвоҳ, ўпгунча менда хуш қолмас. Эй кўнгил, хандон лабидан ўп, дейишинг ортиқча.
- Покдомонлик истасанг, бир покдомон инсонни топиб, наълайнининг тупроғига юз қўйиб, этагининг учидан ўп.
- Агар учқур отининг оёғини ўпмак муяссар бўлмаса, қаерда оёғининг изи қолган бўлса, ўша жойни топиб ўп.
- Ёйдек эгма қоши мен хаста томон ғамза ўқини отса, ўқининг ёғочини кўзингга суртиб, пайконини ўп.
- Эй Навоий, мақсудинг каъбасига етишмоқни истасанг, Шоҳ Ғозий қасрининг шаъни улуғ остонасини ўп.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоий “Девони Фоний”даги форсий ғазалларини уч туркум – татаббуъ, тавр ва мухтараъ ғазалларга тасниф қилганини биламиз. Татаббуъ ғазаллар деганда салаф шоирларнинг машҳур ғазалларининг вазни ва қофия туркумини сақлаган ҳолда улар билан ижодий мусобақага киришиб, жавобия ғазал ёзиш тушунилса, тавр ғазаллари – образлар тизими ҳамда умумий руҳ ва услубни сақлаган ҳолда янги бадий ижод намунасини яратиш демакдир. Мухтараъ ғазалларда эса анъанавийликдан кўра таждид – новаторлик руҳи ҳукмрон бўлади. Бу туркумдаги ғазалларда шоир янги қофия ва радиф туркуми, янги образлар ва маънолар силсиласини яратиб, ўз сўзини айтишга ҳаракат қилади. Мухтараъ ғазаллар туркумига дахлдор ғазалларнинг бири қуйидаги матлаъ билан бошланади:

*Зи ман, эй дил, кафи он нозанин бўс,
Агар худ даст надҳад, остин бўс.*

(Таржимаси:

*Ул гўзал ёрнинг қўлидан бўса олгин мен учун,
Эй дилим, енгидан ўп гар бермаса қўл сен учун).*

Форсий ғазалнавислик тарихида ушбу радиф (бўс – ўп) билан биринчи марта ғазал яратилгани ғазалдаги новаторлик руҳига устуворлик бағишлаган. Худди шу ижодий тажрибани туркий ғазалнависликда татбиқ этган Навоий яна бир янгиликка асос солади – девончилик тарихида “пе” ҳарфи билан тугаллаган туркум ғазалларни яратиш анъанасини

бошлаб беради. Бошқача қилиб айтганда Саъдий Шерозий, Хожа Ҳофиз, Амир Хусрав ва Абдураҳмон Жомийнинг девонларида учрамайдиган, араб тилида мавжуд бўлмаган, Ажам халқлари алифбосига хос бўлган ушбу ҳарф ҳам девончилик тизимида Навоий туфайли муқим ўрин эгаллай бошлайди:

*Мендин ул чобукнинг, эй пайки сабо, майдонин ўп,
Кўйига бошим ниёзин еткуруб, чавгонин ўп.*

Ғазалнинг дастлабки уч байти чавгонбозлик майдонида жавлон урган ёрнинг васфига бағишланган. Чавгон – учи эгри қилиб йўнилган махсус таёқ. Шу таёқ ва гўй – махсус тўпча билан отда ўйналадиган жамоавий спорт ўйини эса чавгонбозлик деб аталган. Қадимги Шарқда чавгон кўчманчи қабилаларнинг ўйини сифатида пайдо бўлган. Кейинроқ отлик аскарларнинг машғулотига айланган. Навоий васф этган манзур ҳам чавгонбозликда ўз хунарини камолга етказган инсон. Унинг учқур самани ҳам ҳатто ошиқларнинг хабарини етказувчи сабодан -да тезроқ жавлон уради. Унинг маҳоратига тан берган шамол ҳам ердаги изларини ўпишдан бошқа чораси қолмаган:

*Бодпойи сайриға ҳамтаклик айлай олмасанг,
Ерга мендин юз кўюб кўрган сою жавлонин ўп.*

Дастлабки уч байтда чавгонбозлик майдонидаги манзара васф этилган бўлса, тўртинчи байтда хослар ишқига мос ҳолат (пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ – “Маҳбуб ул-қулуб”) талқин этилади. Ҳар қадамда бир гуноҳ ва хато пайт пойлаб турган ушбу оламда ўткинчи ҳавою ҳавасга берилмасдан, пок муҳаббат неъматидан баҳраманд бўлган инсонлар бор. Улар икки оламнинг неъматларини наълайн – дарвешона пойабзалнинг гардига ҳам олмайдилар. Оламнинг истаклари ва хоҳишларига этак силкитиб, кўнгил уйини бу ғалва ва ғавғолардан пок тута билган бу тоифа ҳар қандай эҳтиром ва тавозега муносиб:

*Пок этак истар эсанг, бир пок этаклик истабон,
Хоки наълайниға юз кўй, гўшайи домонин ўп.*

Мақтаъда Навоий Каъбайи мақсуд висолига етишмоқ учун Шоҳи Ғозий – Султон Хусайн Бойқаронинг остонасини ўпиш лозимлигини таъкидлайди. Бу билан шоир замон ҳукмдорининг адолат ва муруватини мадҳ этиб, унинг даргоҳи барча эл ҳожатини раво этувчи маскан эканини таъкидлаб, айни замонда “Каъбайи мақсуд” ибораси орқали ўзининг энг улуғ орзуларидан бири – муборак ҳаж сафарига йўлга чиқиш учун султондан рухсат олмоқчи бўлган:

*Эй Навоий, Каъбайи мақсуд васлин истасанг,
Шоҳи Ғозий қасрининг даргоҳи олийшонин ўп.*

**“АҚЛУ ҲУШ АҲЛИНИ БУ ДЕВОНАҒА
ЎХШАТМА КЎП...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 68-ғазал

*Зулфу юздин сунбулунгни гул уза тарқатма кўп,
Даҳр боғида гулу сунбул исин бутратма кўп.*

*Кўзларингким, масти хоболуд эрур кўп овлама,
Ҳар сари уйқуға борған фитнани уйғатма кўп.*

*Зулфиға, эй мушк, истарсен қаримчи бандалиғ,
Йўқ ҳадинг, кечкил бу савдодин, ўзунгни сотма кўп.*

*Ўйнай-ўйнай ўлтурур бир-бир улусни кўзларинг,
Шўх қотилларни жонлар қасдиға ўйнатма кўп,*

*Тийрадур Мажнунки, мендек дебсен они, эй хирад,
Ақлу ҳуш аҳлини бу девонаға ўхшатма кўп.*

*Эйки, мужгондин ясол туздунг кўнгуллар сайдиға,
Кўз юмуб очқунча ушбу хайлни кўзғатма кўп.*

*Эл била ҳар дам қадаҳ янглиғ қулуб, эй муғбача,
Қон ёшим сочиб суроҳийдек мени йиғлатма кўп.*

*Сафҳайи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,
Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп.*

*Чун Навоий қисмати жоми май ўлмиш, эй фақиҳ,
Сарзаниш айлаб анга санги маломат отма кўп.*

ЛУҒАТ

Сунбул – гуллари ҳалқа-ҳалқа ўсадиган бир нав хушбўй ўсимлик

Даҳр – олам

Бутратмоқ – тарқатмоқ

Хоболуд – уйқусираган

Қаримчи – қаримсиқ

Тийра – бу ерда: ноўрин ўхшатиш.

Хирад – ақл

Ясол – қўшин қаноти, фаланга

Хайл – гуруҳ

Суроҳий – май шишаси

Сафҳа – саҳифа, бет

Софий – соф шароб

Ваҳдат – бирлик
Қотмоқ – аралаштирмоқ
Сарзаниш – маломат, таъна; танбеҳ
Санг – тош

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V--
-V-- -V-- -V-- -V--
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Сунбулдек зулфингни гул юзинг узра кўпам тарқатма. Олам боғида гул ва сунбул ифориини кўп ёйма.
- Маст ва уйқусираган кўзларинг билан кўп сайёдлик, яъни овчилик қилмагин. Уйқуга кетган фитнани яна уйғотма.
- Эй мушк, унинг зулфига қора қаримсиқ қул бўлиб қолишни истайсан. Ҳаддингни билиб, бу савдодан кеч, ўзингни кўп бозорга солма.
- Кўзларинг ўйнаб-ўйнаб улусни бирма-бир ўлдирмоқда. Бу шўх қотилларингни жонлар қасдида кўп ўйнатма.
- Эй ақл, Мажнунни менга ўхшатганинг нотўғри. Эсли-хушли одамларни мен девонага кўпам ўхшатаверма.
- Кўнгиллар сайди учун киприкдан кўшин тузибсан, кўз очиб юмгунча бу кўплаб кўнгилларни ортиқ кўзғатма.
- Эй муғбача, одамлар билан май ичиб, қадаҳ каби кулиб, май шишасидан оқаётган шаробдек менинг қон ёшимни оқизиб, кўп йиғлатма.
- Эй ориф, хаёлу хотиринг саҳифасида фақат ёр керак. Тавҳид бодасига хавотир хашагини кўшма.
- Эй фақиҳ, май жоми Навоийнинг қисмати экан, унга таъналар қилиб, маломат тошларидан кўп отма.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу ғазал ҳам туркона радиф ва қофиялар туркуми асосида яратилган. Тимсоллар анъанавий бўлгани билан шоирнинг сеҳркор қалами янги-янги маънолар ва поэтик тасвирларни ифодалагани учун байтларга бетакрорлик ва жозиба бахш этган. Айниқса, бадий матнда феълларнинг инкор шаклида қўлланилгани ўқувчи зеҳнида бошқача тасаввурларни уйғотади. Одатда, ошиқ маҳбубага мурожаат қилганида жамолини кўрсатишни, дийдоридан баҳраманд этишини сўрайди. Ғазалда эса ёр жамолининг назораси ошиқнинг тобу тавонидан ташқарида эканини таъкидлаш мақсадида, ҳусн жилваси кўп бўлмаслигини илтимос қилади. Бундан бошқача, иккинчи хулоса ҳам чиқариш мумкин: ошиқнинг рашк ва ғайрат оташи шунчалик аланга олганки, ўзидан бошқалар ҳам жаҳон бўстонида бу гўзаллик мазҳари жамолидан баҳраманд бўлишларини истамайди:

*Зулфу юздин сунбулунгни гул уза тарқатма кўп,
Даҳр боғида гулу сунбул исин бутратма кўп.*

Иккинчи байтда “масту хоболуд” дея сифатланган хумор кўзларнинг таърифи келтирилади. Бу кўзлар фитналарни кўзғатувчи сифатига ҳам эга. Бундай чиройли кўзларга назар солган киши агар имон аҳлидан бўлса, эътиқоди мустаҳкамланса, “аҳли рад” (“Ҳайрат ул-аброр” достонида куфр аҳлига берилган таъриф)нинг инкор ва куфри янада кучайишига сабаб бўлади. Фитна, яъни куфр ва имон аҳли ўртасидаги зиддият ва ихтилоф кучайган жойда кўп бегуноҳ кимсалар қурбон келтирилади. “Лисон ут-тайр” достонида истиқно водийсининг таърифида бундай “фитна”ларга кўплаб мисол кетирилган: Одам Ато шараф тожини кийганда минглаб фаришталар гуноҳларига иқрор бўлиб, Парвардигордан узрхоҳлик қилдилар, Шайтон илоҳий даргоҳдан қувилди; Нуҳ пайғамбар тўфони замонида юз минглаб одамлар ҳалок бўлди; Мусо алайҳиссалом туғилганида юз минг гўдак қатл этилди. Бу – Оламларнинг ҳақиқий Подшоҳи олдида бутун дунёнинг борлиғи ё йўқлиғи ўз моҳиятига кўра ҳеч нарсага арзимаслигини билдирувчи ҳолатлардир:

*Бўлди минг хайли малоик бартараф,
Ногаҳ одам кийди бир тожи шараф.*

*Бўлди юз минг жисмдин бегона руҳ,
Токи киштибонлиғ ойин қилди Нуҳ.*

*Бўлди юз минг тифлнинг қони ҳадар,
То Калимуллоҳ бўлди тожвар.*

*Тўкти юз минг қон бу золим қўҳна дайр,
То Муҳаммад бўлди бир тун аршайр.*

Аллоҳ таолонинг қудрати олдида нақадар ожизлигини англаган инсон илоҳий адолатнинг мезони ақл ўлчовларига мос келмаслигини билади. Ақл ожиз қолган жойда фақат имон ва ишқ, эътиқод ва муҳаббат жунуни тўғри йўлдан адашмаслик учун кўмаклашади. Бу мақомга эришган банданинг жунуни Мажнуннинг ошиқлигидан ҳам улуғворроқ мартабага эришади. Мажнун илоҳий мазҳар – Лайлига ошиқ бўлгани туфайли ақлдан бегоналашган бўлса, Илоҳий қудрат мушоҳадаси ва тафаккур туфайли ақл ожизлигини англаган инсоннинг жунуни ундан-да бир неча карра кучлироқ бўлади:

*Тийрадур Мажнунки, мендек дебсен они, эй хирад,
Ақлу ҳуш аҳлини бу девонаға ўхшатма кўп.*

Кейинги байтларда ҳам шоир ҳақиқат сирларини мажозий йўсинда ифодалаб, сўз санъаткорлигининг янги қирраларини намоён этади. Шоир қўшин тузишда Амир Темур томонидан қўлланилган ҳарбий усул – қўшиннинг қанот қисмини ёйма шаклида жойлаштириш билан ёрнинг қайрилма киприклари орасидаги ўхшашликни нозик илғаб, кўнгилларни сайд қилиш учун сайрга чиққан ёрга илтижо қилган ҳолда киприк қоқишини қанотдан ҳужумга ўтган лашкар каби аёвсиз эканини таъкидлайди. Кейинги байтда эса муғбачага мурожаат қилиб, маъшуқнинг шодлигини қадаҳ кулгусига, ошиқларнинг кўз ёшини эса су-

роҳий нолашига ўшатади. Бу билан шоир ҳар қандай ҳолатда – базм чоғи ҳам, разм – уруш пайтида ҳам ёрнинг фикру зикрида эканини нозиклик билан баён этган:

*Эйки, мужгондин ясол туздунг кўнгуллар сайдиға,
Кўз юмуб очқунча ушбу хайлни кўзғатма кўп.*

*Эл била ҳар дам қадаҳ янглиғ қулуб, эй муғбача,
Қон ёшим сочиб суроҳийдек мени йиғлатма кўп.*

Мавъиза оҳангида битилган саккизинчи байтда шоир энг муҳим ирфоний масала – тавҳид ҳақида фикр юритади. Тасаввуфга турли таърифлар берилган. Аммо унинг асосий масаласи – Аллоҳнинг ягоналигини англаш ва унга юз тутиш эканига барча тасаввуф аҳли яқдил эрурлар. Жумладан, Мавлоно Жомий рубойларнинг бирида шундай дейдилар:

*То кай зи тасаввуф хару бор овардан,
Бар жойи яке нукта ҳазор овардан?
Хомўш, ки ҳосили ҳама як суҳан аст –
Рўй аз ҳама тофтан, ба Ёр овардан.*

(Таржимаси:

*Токай бу тасаввуф аро баҳсу талаш,
Бир сўзни демай, неча тумон сўз қалаш?
Жим бўлки, йиғилса барчаси, битта калом –
Юзни ҳамадан буриш ва Ёрга қараш).*

Навоий ҳам ғазалда баён этилган асосий матлаб ва муддао ягона Ёрнинг ризоси ва ви-солига етиш бўлганини таъкидлаган ҳолда, маърифат йўлидаги киши бошқа нарсаларга чалғимасдан ҳамиша Биру Бор Худонинг ёдида бўлиши лозимлигини уқтиради. Соф шароб устига тушиб қолган хас-хашак таъбни хира қилиб, кайфиятни бузгани каби дунёвий ташвишлар ҳам тавҳид асрорини англаш лаззатидан мосуво қилади:

*Сафҳайи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,
Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп.*

Мақтаъда Навоий бу шароб, яъни илоҳий маърифат бодасидан баҳраманд бўлиш унинг азалий қисмати эканини, фақиҳлар бунинг учун уни маломат қилмасликларини сўраб ғазални тугаллайди. Бу билан фикр ҳаром деб билган май билан Навоий васф этган шароб бошқа-бошқа нарсалар экани, аслида, бу хуморсиз шароб, яъни маърифат ва илоҳий муҳаббат бодасидан ҳар бир имон аҳли имкони борича тотилиши лозимлиги таъкидланади:

*Чун Навоий қисмати жоми май ўлмиш, эй фақиҳ,
Сарзаниш айлаб анга санги маломат отма кўп.*

**“БИР МУҒАННИЙДИН НАВО ТОПМОҚ
ТИЛАРСЕН, ЧАНГДЕК...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 69-ғазал

*Қасри жоҳингға сипеҳр авжида айвон бўлди тут
Ҳам сипеҳр осибидин ер бирла яксон бўлди тут.*

*Лаъли руммоний тиларсен дам-бадам зийнат учун,
Қатра-қатра бағр ингандин нордек қон бўлди тут.*

*Нафъ чун куймактин ўзга кўрмадук парвонадек,
Бир қуёш ҳар тун санга шамъи шабистон бўлди тут.*

*Дайр қасди қилмағил ҳар лаҳза ошиқ бўлғали,
Қасди дининг қилғучи бир номусулмон бўлди тут.*

*Истадинг дунё арусин туштаги маҳбубдек,
Топмас эргач ком лаълидин, пушаймон бўлди тут.*

*Шўхлар қошин тиларсен, лек андоқким ҳилол,
Жонға етганда кўрунғач кўзга пинҳон бўлди тут.*

*Бир муғаннийдин наво топмоқ тиларсен, чангдек
Эгри қад бирла ишинг фарёду афғон бўлди тут.*

*Кўси шавкат етти дўзахқа эшик қоқмоқдурур,
Бас ети иқлим мулки узра султон бўлди тут.*

*Эй Навоий, ўзни жамъ эт, йўқса олам махзанин
Қон ютуб жамъ айлабон ўлғач паришон бўлди тут.*

ЛУҒАТ

*Жоҳ – шон-шавкат
Сипеҳр – осмон, фалак
Осиб – зарар
Яксон – тенг, бир хил
Руммоний – анор ранги, тўқ қизил
Нор – анор
Дайр – мажусийлар ибодатхонаси; маж: дунё
Ком – истак
Ҳилол – янги ой.
Муғанний – созанда
Наво – куй, оҳанг
Чанг – мусиқа асбоби
Афғон – нола, фиғон
Кўс – қўнғироқ
Махзан – хазина*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Шон-шавкатинг қасри фалакнинг энг баланд айвонига айланса ҳам, билгилки, фалакнинг зиён-заҳмати ер билан тенг бўлади.
- Зийнатланиш учун ҳар лаҳза анордек қизил лаълни истамоқдасан. Шуни ҳисобга олки, бу ташвишдан бағринг анор донасидек эзилиб, томчи-томчи қон оқади.
- Бир қуёш юзли париваш тунларингни шамдек ёритса, бу шамнинг ёруғида парвонадек куймакдан ўзга наф кўрмадик.
- Ошиқ бўлиш учун дайрга юз тутма, акс ҳолда қайсидир номусулмон сенинг динингни барбод қилади, ҳушёр бўл!
- Келинчак каби ишвали дунё висолини истадинг, аммо шуни ҳисобга олки, тушида маҳбубадан лаззат ололмаган одамдек пушаймон бўласан.
- Ғўзалларнинг янги ойга ўхшаш қошига етишмоқни истайсан, аммо шуни эътиборга олки, уларга етишдим деганингда янги ой ғойиб бўлганидек кўздан ғойиб бўлади.
- Бир созандадан хуш наво эшитиб, роҳатланишни истарсан, аммо шуни билки, бу дунёда охир-оқибат чанг каби қаддинг эгилиб, пушаймон бўлиб нолалар чекасан.
- Етти иқлимда ягона султон бўлсанг-да, шон-шавкатингнинг дабдабаси ўз моҳиятига кўра етти дўзахнинг эшигини қоқмоқ эканини эътиборга ол.
- Эй Навоий, ўзингни йиғиб ол, акс ҳолда бутун олам хазинасини қонлар ютиб тўпласанг ҳамки, ўлганингдан сўнг барчаси ҳавога совурилади. Огоҳ бўл!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Девондаги “те” ҳарфи туркумини бошлаб берувчи ушбу ғазал мавъиза – насиҳат мавзусида битилган. Мазкур ғазал “Бадоеъ ул-бидоя” девонида ҳам айнан келтирилгани сабабли уни ҳеч истисносиз ёшлик давридаги ижод маҳсули сифатида баҳолаш керак.

Ғазалдаги фикрлар, ўткир хулосаларни “бўлди тут” радифи янада қатъийлаштириб, муросасиз оҳанг бағишлаган. Ёшлик – умрнинг энг покиза ва беғубор дамлари, “ҳаёт гулшанининг шукуфаву гулзори”¹. Ёшликка хос жасорат ва мутафаккир даҳоларгагина насиб этган тафаккур қудрати билан яратилган ушбу ғазал даврнинг ҳукмдорига қаратилгани матлаънинг мазмунидан аён:

*Қасри жоҳингға сипеҳр авжида айвон бўлди тут,
Ҳам сипеҳр осибидин ер бирла яксон бўлди тут.*

Иккинчи байтни таҳлил қилишдан олдин кичик бир тарихий далилни муҳтарам ўқувчи эътиборига ҳавола этмоқчимиз: “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”да айтилишича, бир куни суҳбат чоғида фозиллардан бир машҳур бир байт ўқийди:

¹ “Ҳазойин ул-маоний” дебочасида Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларнинг ёзилиш айёмига берган таърифи.

*Санг- санг асту деги сангин – санг,
Лек андар миён тафовутҳост.*

(Таржимаси:

*Лаъл эрур тош, дошқозон-да тош эрур,
Лек арода бор тафовутлар азим).*

Сайид Ҳасан Ардашер байтга бутунлай бошқа йўсинда шарҳ бериб айтадики, ҳақиқатда дошқозон ва лаъл – иккаласи тош жинсига мансуб. Аммо дошқозон одамларга кўп фойдалар келтиради, аммо лаълдан одамларга тасаввурга сиғмайдиган кўп зарарлар етади.

Навоий бунга кўшимча равишда изоҳ бериб айтадики, ўша пайтларда Султон Абусаид фармони билан одамларнинг қўлидаги қимматбаҳо тошлар ва тақинчоқларни мусодара қилиш бошланган бўлиб, айна ўша мажлисда тош қозонда мажлис аҳли учун таом ҳозирланаётган экан: Алар ... сўз бошлаб дедиларки, шайх айтибдурки, тош қозон ва лаъл – иккаласи тошдур ва лекин ораларида тафовут бор. Тош қозондин ғайри нафъ ҳеч нима мутасаввар эрмаским (тасаввур этилмас), лазиз ва мулавван атъима (лаззатли ва ранг-баранг таомлар) анда пишарким, хосу ом андин мунтафеъ (бахраманд) бўлурлар ва лаълдин халойиққа анвои зарар мутасаввардур.

Ва иттифоқо ул учурда Султон Абусаид мирзо ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб, бўлмаса тафаҳҳусида (топиб олиш) муболағалар қилиб, элга анвои изо ва зарар етказиб эрди. Ва бу байтни ўқуғон мажлисда ҳам тош қозонда ош пишадур эрди”.

Сайид Ҳасан Ардашернинг бу нуктадонлигидан илҳомланган Навоий лаълнинг руммоний (анор ранги) сифати билан анорнинг доналари ўртасида тазод ҳосил қилиб, мол-дунё васвасасидаги елиб-югуришлар ҳам мазлумларнинг ва ҳам золимларнинг бағрини қон қилишини таъкидлаган ҳолда, кераксиз зеб-зийнат ва ҳашам учун халққа азият етказишнинг ҳалокатли оқибатидан огоҳлантириб ёзади:

*Лаъли руммоний тиларсен дам-бадам зийнат учун,
Қатра-қатра бағр ингандин нордек қон бўлди тунт.*

Кейинги тўрт байтда ўз инон-ихтиёрини аёл зотига топшириш хатарлари ҳақида сўз боради. Жумладан, қоронғу кечаларини ҳусну жамоли билан ёритувчи гўзалларга маҳлиё киши шамнинг шуъласида парвонадек ёниб, кул бўлишдан бошқа фойда тополмаслигини таъкидлаб, бебақо гўзалликка ошуфталик оқил одамга муносиб эмаслиги, айниқса давлат ва раият тақдирига масъул одам учун хатарли эканини таъкидлайди. Биламизки, парвона Навоий шеъриятида одатда вафо ва садоқат, фидоийлик ва жавобсиз муҳаббат тимсоли ўлароқ кўзга ташланади. Қуйидаги байтда эса араб мумтоз адабиётида бўлгани каби, парвона нодонлик ва аҳмоқлик тимсоли сифатида талқин қилинади (арабларда “парвонадан ҳам аҳмоқ” деган таъриф ҳам бор):

*Нафъ чун куймактин ўзга кўрмадук парвонадек,
Бир қуёш ҳар тун санга шамъи шабистон бўлди тунт.*

Тўртинчи байтдаги дайр ва номусулмон сўзлари Шайх Санъон ва тарсо қизи ҳикоясига талмиҳ қилинган бўлса, бешинчи байт пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ушбу мазмундаги ҳадисининг ижодий таржимаси ўлароқ вужудга келган: “Дунё ухлаган кишининг туши каби-дир”. Мазкур ҳадис турли шаклда Жалолоддин Суютийнинг “Ал-жомиъ ас-сағир”, Имом

Ғаззолийнинг “Ихёу улум ад-дин” китобларида келтирилган бўлиб, Жалолиддин Румийнинг “Маънавий маснавий”сида ушбу ҳадис қуйидагича таржима қилинган:

*Ин жаҳонро ки ба сурат қоим аст,
Гуфт пайғамбар, ки хулми ноим аст*

(3-дафтар, 1733-байт).

(Таржимаси:

*Ушбу оламни, кўрингай гарчи хуш,
Деди Пайғамбар, у – уйқу ичра туш).*

Ғофиллик – бахтсизликнинг бирламчи белгиси. Бебақо дунё юмушлари ва ташвишлари хобу хаёлдаги ишлар каби пушаймон ва надоматдан бошқа ҳеч қандай самара бермайди, дея огоҳлантиради шоир:

*Истадинг дунё арусин туштаги маҳбубдек,
Топмас эргач ком лаълидин, пушаймон бўлди тут.*

Кейинги икки байтда ҳам бошқа тимсоллар ва бадий ифодалар орқали фикрини изоҳлаб, таҳаллусдан олдинги байтда шоир ўз хулосасини кескин оҳангда баён этади: етти иқлим подшоҳлигини даъво қилиб, салтанат ноғорасини чалган киши аслида дўзахнинг етти эшигини қоқмоқда:

*Кўси шавкат етти дўзахқа эшик қоқмоқдурур,
Бас ети иқлим мулки узра султон бўлди тут.*

Дор остидаги кишининг сўнги сўзлари каби аччиқ ва тўғри бўлган бу ҳақиқатни баралла айтишга шоирни нима мажбур этганини Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асаридаги 1457 йил воқеалари тафсилотидан билишимиз мумкин: “Шу йил Хуросон ерлари, хусусан, доруссалтана Ҳиротда содир бўлган ажиб воқеалардан бири райиятдан зўрлик ва зулм билан йиғиб олинган учта солиқ ва учта лашкардир.

Биринчи гал мирзо Маҳмуд, иккинчи гал Мирзо Султон Иброҳим ва учинчи гал мирзо Султон Абу Саъид Райият поймолликка учрашига сабаб бўлган кам учрайдиган аҳвол шу эдики, муҳассиллар мол ва лашкар маблағларини ундирар, доруғалар мавзеълар ва мазрааларда ўтириб доруғагона олар, ясоқийлар эса ғорату торожни ҳаддан оширар, ҳеч ким бунинг оқибатини ўйлаб кўрмас эди. Шу туфайли кўп харобалик воқе бўлди¹”.

Бу вайронагарчиликлар, жабру зулмлар, бегуноҳларнинг бир томчи кўз ёшига арзимас дунёнинг асъаса-ю дабдабасини кўриб, бағри қон бўлган Навоий паришонҳол бўлмасдан, ҳаётнинг асосий мақсад ва матлаби аслида оқибатнинг хайрли бўлишига қаратилиши лозимлигини уқтиради. Етти иқлимга султонлик даъвосида бўлганлар дўзахда ўзларига жой ҳозирлаётган экан, бундан тўғри сабоқ чиқариб, дунё бойлигига ҳавас қилмасдан, элнинг саодати ва Ҳақнинг розилигига сабаб бўладиган амалларни адо этишда мустаҳкам бўлмоқни истаб, сўзини яқунлайди. Улуғ Навоий насиҳатларига энг аввало ўзи амал қиларди. Шунинг учун ҳам унинг сўзи асрлар оша ўз таъсирчанлиги ва самимиятини йўқотмай келмоқда:

*Эй Навоий, ўзни жамъ эт, йўқса олам махзанин
Қон ютуб жамъ айлабон ўлгач паришон бўлди тут.*

¹ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. К.2. –Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б.425.

**“МЕҲР ТОРИН РИШТАЙИ ЖОНИНҒА
МАҲКАМ БЎЛДИ ТУТ..”**

«Ғаройиб ус сиғар», 70-ғазал

*Эй кўнгул, ул аҳди ёлғон меҳр шартин қилди тут,
Аҳдини поёниға еткурмайин айрилди тут.*

*Ханжари ҳижрон била охир кесар чун риштасин,
Меҳр торин риштайи жонингға маҳкам бўлди тут.*

*Чун майи васл ўзгалар ичмакка боис бўлғуси,
Ҳар нафас хуноби ҳижрон ютмоғингни билди тут.*

*Ё эшитмас, ё эшиткач зулмин айлар бирга юз,
Ҳолинг ул золимға юз минг қатла бас айтилди тут.*

*Дема санчиб ниши ҳижрон еткурай нўши висол,
Чун бу нўшунг ўлтурур, ул ниш ҳам санчилди тут.*

*Мотам ашки дурри чун туфроғинга сочилғуси,
Гавҳари анжум фалакдин бошинга сочилди тут.*

*Эй Навоий, қисвати фақр иста, йўқса чархнинг
Атласин кийдинг гумон эт оқибат эскилди тут.*

ЛУҒАТ

*Тор – ип
Хуноб – қонли ёш
Беш – кўп
Нўш – асал; жон бағишловчи дори
Анжум – юлдузлар
Қисват – кийим, либос
Чарх – осмон; тақдир
Эскилди – эскирмоқ, тўзмоқ*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

*Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V-
-V-- -V-- -V-- -V-
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

НАСРИЙ БАЁН

- Эй кўнгил, шуни англаким, ёлғон ваъдалар берувчи ул ёр меҳрибон бўлишга аҳд қилди, аммо аҳдига вафо қилмасдан сендан айрилди.
- Жон томирингга меҳр риштасини маҳкам боғлагани билан огоҳ бўлким, оқибат ҳижрон ханжари билан жонинг риштасини кесади.
- Шуни эътироф этким, висол шаробини бошқалар ичмоғига сабаб бўлган ул бевафо ҳар замонда ҳижрон қон ёшларини ютмоғингни ҳам билади.

- Ул золимга юз минг мартадан ҳам кўп арзи ҳолинг етказилди, аммо шуни билки, у ё кулоқ солмайди, ёхуд эшитгудек бўлса ҳам, яна юз карра зулм қилишга киришади.
- Олдин ҳижрон тиконини санчиб, сўнг висол шарбатини етказаман дема. Висолинг шарбати ҳам токи ўлдирар экан, у ҳам ниш каби санчилди деб ҳисоблайвер.
- Тупроғингга мотам кўз ёшлари сочилгудек бўлса, осмондан юлдузлар гавҳари тўкилди, деб ҳисобла.
- Эй Навоий, фақирлик тўнини иста, йўқса атласнусха фалакни кийсанг ҳам, эски тўндек билгил.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоийнинг форсий девонида мухтара (оригинал) ғазалларнинг айримларига “Дар жавоби ғазали гузашта” (“Олдинги ғазалга назира”) деб сарлавҳа қўйилган. Таҳлил қилаётганимиз ғазал ҳам олдинги ўзбекча мухтара ғазалига жавобан ёзилган – унда ҳам кўпмаъноли “тут” феъли радиф сифатида танланган. Бу эса сабабсиз эмас.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да тутмоқ феълининг қуйидаги маъно товланишлари кўрсатилган: 1) қўл билан ушламоқ; тутинмоқ; 2) ўвлаб, қувиб, изидан бориш ва шу каби йўллар билан ушламоқ, ушлаб олмоқ, қўлга туширмоқ; 3) узатмоқ, бермоқ; 4) бирор нарса ни бошқа нарсага тўғриламоқ, рўбарў ҳолга олмоқ; 5) йўқ бўлиш, кетиш ва шу кабидан сақлаб турмоқ; 6) бирор ҳолат, вазиятда сақламоқ, асрамоқ; 7) бирор нарсадан ўзини тиймоқ; 8) идора қилмоқ, бошқармоқ; 9) измидаги кимсаларга қандайдир муносабатда бўлмоқ; 10) бирор тарзда ишлатмоқ; 11) парвариш қилмоқ, боқмоқ; 12) ишлатиш, фойдаланиш учун ўз ихтиёрида, қарамоғида сақлаб турмоқ; 13) пардалаш, тўсиш, қоплаш ва шу каби мақсадлар учун ўрнатмоқ; 14) ёйилмоқ; 15) қўзимоқ, хуруж қилмоқ (одатда, инсон табиатида бўладиган турли хислатлар ҳақида); 16) амал қилмоқ, ўсмоқ, ривожланмоқ (янги кўчат ёки пайванд ҳақида); 17) ёрдамчи феъл сифатида боғловчи вазифасида қўлланади; ҳисобламоқ; 18) тингламоқ.

“Алишер Навоий изоҳли луғати”да эса, юқоридагиларга қўшимча равишда сунмоқ, чидамоқ, амал қилмоқ, кутмоқ, эътибор қилмоқ, чекинмоқ, рўй бермоқ, ўрнини босмоқ, олиб қочмоқ, таралмоқ каби маънолар ҳам тутмоқ феъли орқали ифодаланиши мисоллар орқали кўрсатилган. Ана шундай сержилва ва сермаъно сўзни радиф сифатида танлаган Навоий туюқ жанридаги тажнис санъаткорлигини ғазалда ҳам намоён этишга жазм этиб, туркий тилнинг яна бир имкониятини амалда кўрсатган.

Олдинги ғазалга жавоб йўсинида ёзилган бу ғазалда ижтимоий мавзу эмас, балки муҳаббат мавзуси етакчилик қилади. Бу эса улуғ сўз санъаткорининг бир вазн ва радифда икки хил мавзуда ўхшаши йўқ бадий асар яратиш имконияти ва маҳоратини яққол намоён этади:

*Эй кўнгул, ул аҳди ёлғон меҳр шартин қилди тут,
Аҳдини поёнига еткурмайин айрилди тут.*

Ғазал бошдан-оёқ тазод санъати асосида қурилган. Биринчи байтда меҳрибонлик ваъдаси ҳамда аҳдига вафо қилмаслик, иккинчи байтда ҳижрон ханжари ва жон томирига чирмашган меҳр риштаси, учинчи байтда висол бодаси ва ҳижроннинг аламли хунобаси, тўртинчи байтда мазлум ошиқнинг шикоят ва золим маъшуқанинг зулму ситамлари, бешинчи байтда ҳижрон тикони ва висол шарбати, олтинчи байтда мотам ашклари ва юлдузлар гавҳари қарама-қарши қўйилган. Бу тазодлар силсиласи байтларда шундай тартиб билан тизилганки, бевафо ёрнинг ёлғон ваъдасидан умидвор ошиқнинг изтироб ва қийноқлари, аламли азоблари кучайиб, алалоқибат ўлимга юз тутади. Унга ягона тасалли берувчи нарса – ёр афтода ҳолидан бохабар, шунга қарамасдан жавру жафосини юз карра оширмоқда. Зулму жафоларни ҳам марҳамат ўрнида қабул қилган ошиқ бу йўлда жонини ризо ва шукроналик билан фидо қилади. Ёрнинг муроди – ўз ошиғини ҳалок этиш бўлса, бу қисматни шараф ўлароқ қабул қилган ошиқнинг мақоми вафотидан сўнг ёрнинг наздида кўтарилади – ёр унинг вафотига мотам тутиб, кўз ёши тўқади. Бу кўз ёшлар осмондаги юлдузлардан ҳам қимматли:

*Мотам ашки дурри чун туфроғинга сочилғуси,
Гавҳари анжум фалакдин бошинга сочилди тут.*

Мақтаъда шоир фақр тўнини фалакнинг атласнусха кимхобидан ҳам устунроқ қўйиб, фақирлик ва дарвешлик йўлини шарафлайди. Жунайд Бағдодий сўзларига кўра, Ҳаққа етишган дарвеш хирқасининг ямоқлари феруза осмоннинг беҳисоб юлдузларидан ҳам афзалроқ. Чунки кўнглини олами кубро – Ҳақ таоло назаргоҳига айлантирган ориф олами суғро – коинот асрорини ҳикмат ва басират қудрати билан қамраб олган бўлади. Ҳақиқий фақр – Ҳақ таолодан ўзгасига боқмаслик ва фақат Ундан мадад сўраш эканини билган Навоий ҳам фақр аҳлининг муҳиби эди:

*Эй Навоий, кисвати фақр иста, йўқса чархнинг
Атласин кийдинг гумон эт оқибат эскилди тут.*

**“ТАРК ҚИЛ, СЕН ҲАМ НАВОИЙДЕК ҲАВОСИН,
ЭЙ КҮНГУЛ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 71-ғазал

*Келгил, эй қурбон кўнгул, ул қоши ё меҳрин унут,
Чун вафодин тортилул, сен ҳам бориб бир гўша тут.*

*Чунки ул бизни унутмоғни соғинди яхши иш,
Сен дағи кел, бир нафас они соғинмоғни унут.*

*Ул қуёш ҳар дам бўлул бир зарра бирла гарммеҳр
Меҳр шамъин сен дағи бир ўзга ой бирла ёрут.*

*Ҳайф эрул ҳар шўхи раъно юзига чун пок ишқ,
Шавқ ўтин кел сен дағи бу ишвагарлардин совут.*

*Эй парий, бир телба гар овора бўлди ғам ема,
Одамийвашлар била нозук мизожингни овут.*

*Гар кўзум ёшиға ул гул мултафит бўлмас, не ғам,
Гул булутдин тозадур, сероб эмас гулдин булут.*

*Даҳр боғида гиёҳи меҳр ҳаргиз бутмади,
Гар десангким кўрмайин бемеҳрлик, бу сўзга бут.*

*Шаҳди айшинг заҳр этар гардун, сен ушбу жомдин
Хоҳ комингни ачит, хоҳи мазоқингни чучут.*

*Тарк қил, сен ҳам Навоийдек ҳавосин, эй кўнгул,
Ёки ҳар дам бир тараф майлин кўруб, хуноба ют.*

ЛУҒАТ

Қоши ё – қошикамон, қайрилмақош
Гўша тутмоқ – ёлғизликка чекинмоқ
Соғинмоқ – эсламоқ, ёд этмоқ
Дағи – ҳам
Гарммеҳр – меҳрибон
Мултафит – илтифотли
Даҳр – дунё, олам
Бутмоқ – ишонмоқ
Шаҳд – ширинлик, шарбат
Гардун – фалак, тақдир
Ком – оғиз
Мазоқ – танглай
Хуноба – қонли ёш

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Эй ишқ йўлида қурбон бўлган кўнглим, келгил, энди ул қайрилмақошга меҳру муҳаббатни унут. У вафо қилмас экан, сен ҳам узлатни ихтиёр эт.
- У бизни эсламасликни яхши иш деб биларкан, сен ҳам бир нафасгина уни ёд этмасликка ҳаракат қил.
- Ул қуёш юзли нигор ҳар дам бошқа бир одамга меҳрини изҳор қилмоқда, сен ҳам меҳринг шамъини ўзга ой жамоли билан ёрит.
- Пок ишқ соҳиби турли гўзал юзларга талпиниши ҳайф эрур. Кел, ноз-ишвалари билан дил ўғирловчи маҳбубалардан шавқ ўтингни совит.
- Эй пари, бир телба саргардонликка гирифтор бўлди, ғам чекма, нозик мижозингни одамгарчиликдан хабардорлар билан овутишга ҳаракат қил.
- Гул юзли нигорим кўз ёшларимга илтифот этмаса, ғам чекмасман. Негаки, булут гул туфайли эмас, балки гул булут шарофти билан яшнайти.
- Дунё боғида меҳр гиёҳи ҳеч қачон бутмади. Агар меҳрсизлик кўрмайин десанг, бу сўзга амал қил.
- Ҳаётинг шарбатини фалак заҳар қилади, сен бу жом билан хоҳласанг оғзингни ачит, хоҳласанг ширин қил.
- Эй кўнгил, сен ҳам Навоий каби ёр васли ҳавосини тарк эт ёки унинг беқарорлигини кўриб, аччиқ ва қонли ёшингни ют.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Шарқ мумтоз адабиётшунослигида “восўхт” деган атама бор. Восўхт форс тилида бировдан юз ўгириш, ортиқча куйинмаслик маъноларини билдириб, истилоҳ сифатида ошиқнинг маъшуқасидан юз ўгириб, муҳаббатини жавобсиз қолдирган бевафо маҳбубадан воз кечиши ҳолатини билдирувчи шеърларга нисбатан қўлланилади. Ҳинд шарқшуноси Шиблий Нўъмоний ўзининг “Шеър ул-Ажам” китобида Ваҳший Бофиқий (1532 – 1583)ни восўхт анъанасининг асосчиси деб билади. Аслида бу мавзу форс адабиётида X асрдан мустақкам ўрин олган бўлиб, Фаррухий Систоний, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ғазалларида шу руҳдаги байт ва ғазаллар кўп учрайди.

Восўхт ғазаллари ишқи мажозий ва реал маҳбубанинг васфида ёзилади. Унда ошиқнинг жавобсиз ва самимий муҳаббати ёрнинг ҳусну жамолидан ҳам устун экани таъкидланиб, маҳбубанинг бевафолиги ва бошқаларни ёр тутганидан шикоят қилинади. Жумладан, Саъдий Шерозийнинг “Эй лўъбати хандон, лаби лаълат ки газидаст” мисраси билан бошланган машҳур ғазалининг мақтайдан маҳбубанинг хиёнати сабабли ундан воз кечилгани куйидагича ифодаланган:

*Саъди, ту бирав, хайма ба гулзори дигар зан,
К-он меваи боғи ту ба торож расидаст.*

(Таржимаси:

*Саъдий, жўна, чодир ясагин бошқа чаманда,
Боғинг мевасин бунда талон айладилар, бас).*

Ушбу анъанани Навоий ҳам пухта ўзлаштириб, туркона қофиялар тизимини қўллаган ҳолда мустақил ва оригинал асар ёзиб, ёшлик девонига киритган. Навоий восўхт ғазалининг салафлариникидан асосий фарқи – форсий восўхтларда тўғридан-тўғри маҳбубага мурожаат қилинса, Навоийда асосий мухотаб – ошиқнинг ишқ йўлида қурбон бўлишга тайёр кўнгли. Пок ишқ макони, беқиёс хусн муштоқи бўлган кўнгил ёр бевафолигидан зада бўлгач бир гўшани ихтиёр этиб, ўз ҳоли билан овора бўлгани маъқул:

*Келгил, эй қурбон кўнгул, ул қоши ё меҳрин унут,
Чун вафодин тортилуру, сен ҳам бориб бир гўша тут.*

Бир лаҳза ҳам хаёлидан чиқаролмайдиган ошиқ маҳбубасининг эътиборсизлиги, ўзгаларни ёр этаётгани, шамдек ёниб адо бўлаётган содиқ ошиқни назарга илмай, заррадек беқадр кимсаларга илтифот кўрсатишлари каби жонни ўртовчи ҳолатларни кўргач, умидсизликка тушиб шундай хулосага келадикки, хусни вафосидек бебақо бўлган гўзаллар унинг пок ишқига муносиб эмас. Зотан, лайлосифат садоқатли ёрларгина мажнуншеваликка муносибдир. Раъно гулидек иккиюзламачилик қиладиган, номуносиб кимсаларга ҳам ноз-ишвалари билан илтифот кўрсатадиган, ҳақиқий ишқни ҳавасмандликдан фарқлай олмайдиган шўхларга бундай пок ишқ ҳайф, дейди алам билан шоир:

*Ҳайф эрур ҳар шўхи раъно юзига чун пок ишқ,
Шавқ ўтин кел сен дағи бу ишвагарлардин совут.*

Мажозий муҳаббат мазҳарининг бевафолиги ҳамда ошиқнинг ишқ дардидан тўкаётган кўз ёшларига бефарқлигига икки сабаб бор: биринчидан, гўзаллик гулшанининг яшнаб тароватли бўлиши ишқ аҳлининг булутдек тўкаётган кўз ёшлари бўлса, иккинчидан, бу фоний дунёнинг боғида меҳр аталмиш гиёҳ аслида камёбдир. Шунга ишонч ҳосил қилган кишигина бировдан меҳр-мурувват кутмасдан яшаши мумкин. Аммо ҳаёт қонунияти бошқа нарсени тақозо қилади – кўнгил соҳиби бўлган ҳар қандай инсон меҳрга, илтифотга муҳтож. Жавобсиз қолган муҳаббат, кўрсатган меҳр ва муруввати, одамийлиги эвазига жафо тортишдан оғирроқ ҳол йўқ аслида. Қуръони Каримнинг “Балад” сурасида ҳам “ҳақиқатда биз инсонни машаққатлар узра яратдик”, деган башорат бор. Шу сабабдан, инсон шод-хуррамликни ихтиёр этса ҳам, фақат ғам-қайғуга чўмиб яшаса ҳам, барибир асл макон бу дунё эмаслигини тан олиши шарт:

*Шаҳди айшинг захр этар гардун, сен ушбу жомдин
Хоҳ комингни ачит, хоҳи мазоқингни чучут.*

Аммо кўнгил барибир бу далиллар, бу ҳақиқатларга кўнмайди. Навоий шунинг учун ғазалнинг охирида ҳам танлаш ихтиёрини кўнгилга қолдиради – ё ёрнинг ишқидан воз кечиш, ёхуд шу аламли дардга кўниб, қонли ёш тўкиб яшашни ихтиёр этиш керак. Кўнгил ёрнинг шунча жабру жафосини кўра билиб ҳам барибир ишқдан мосиво бўлолмаслигини билвосита шу шартлар орқали баён этиб, андуҳли ғазалига нуқта қўяди:

*Тарк қил, сен ҳам Навоийдек ҳавосин, эй кўнгул,
Ёки ҳар дам бир тараф майлин кўруб, хуноба ют.*

**“БОРҒАЛИ УЛ ҲУСН ГАНЖИ ҒАМ БУЗУҒ
КЎНГЛУМДАДУР...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 72-ғазал

*Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат,
Ҳажридин беҳудлуғум афсона бўлди оқибат.*

*Ақлу дониш лофини урған кўнгул йиғлай юруй,
Ул парийваш ҳажрида девона бўлди оқибат.*

*Қатра-қатра шодлиғ ашкинки сочтим васлида,
Барча ҳижрон қушлариға дона бўлди оқибат.*

*Борғали ул ҳусн ганжи ғам бузуғ кўнглумдадур,
Аждаҳо уйи бизинг вайрона бўлди оқибат.*

*Соқие, май тутки, ҳажр андуҳидин мен телбани
Фориғ эткан соғару паймона бўлди оқибат.*

*Чекма ун, оҳим кўр, эй Мажнунки, булбул кўп фиғон
Чекти, ўртанган вале парвона бўлди оқибат.*

*Бутқа гар бош қўймадим, кўргилки диним туҳфаси
Дайр пири оллида журмона бўлди оқибат.*

*Дединг аввалким Навоий, сени гаҳ-гаҳ тиргузай,
Ҳеч билманким санга, жоно, на бўлди оқибат.*

ЛУҒАТ

Беҳудлуғ – ақл-ҳушдан айрилиш, девоналик

Ганж – хазина

Фориғ – халос

Соғар – қадаҳ

Паймона – қадаҳ

Дайр пири – оташпарастлар руҳонийси; маж.: пири комил

Журмона – товон, жарима

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Эвоҳ, энг яқин инсоним оқибат бегоналикни ихтиёр этди. Унинг ҳажрида ақл-ҳушдан айрилиб, девона бўлганим эл орасида афсонага айланди.
- Ақл ва ҳикмат соҳиби деб мақтаниб юрган кўнглим ул париваш ҳажрида йиғлаб юриб, оқибат девона бўлди.
- Васлида хурсандликдан тўккан томчи-томчи кўз ёшларим барчаси охири ҳижрон қушларига дона бўлди.
- Ул гўзаллик хазинаси мендан кетиб, дарду ҳасрати кўнглимни макон қилди. Бизнинг вайрона кўнглимиз аждаҳо уйига айланди.
- Эй соқий, қадаҳ сунки, шароб қадаҳи мен телбани айрилиқ қайғусидан фориф этувчи бўлди.
- Эй Мажнун, нола чекма, менинг оҳимни кўрки, булбул кўп фиғон қилди, аммо ишқ ўтида ўртанган парвона бўлди.
- Бутга сажда қилмадим, аммо дайр пири – муршиди комил олдида бу тақво ва диндорлигим айб саналиб, жазога тортилдим.
- Сен дастлаб Навоийни ҳамиша қайта тирилтираман, деб айтгандинг. Эй жону жаҳоним, оқибат сени бу фикрдан нима қайтарди, ҳеч билолмадим.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Олдинги ғазалда ошиқнинг муҳаббат мазҳаридан чекинмоқни ихтиёр этгани ҳақида сўз борса, бу ғазалда энг яқин инсони билан юзкўрмас бўлган ошиқнинг изтироб ва аламлари янги-янги тасвир воситалари, тимсол ва ташбеҳлар орқали ифодаланган. Дастлабки уч байтда ҳижрон сўзи қўлланилиб, ишқ йўлидаги кишининг энг оғир синовлар боис ақлу ҳушдан бегона бўлиб, девоналиги эл аро дoston бўлгани, муҳаббатдан воз кечиб, бундан буён ақл билан иш тутишни мақсад қилган кўнглининг ночорлиги, қисқа висол онларининг шодликлари ҳам айрилиқ азоби йўлида йўқликка юз тутиши қуюқ тасвирлар ёрдамида ифодаланиб, ўқувчи қалбида ҳамдардлик ва маҳзунлик туйғуларини уйғотади. Умуман, ошиқона ҳолатларни алам ва қайғулар ичида кўрсатиш мумтоз шеърятимизда, жумладан Навоий ғазалиётида ўзига хос анъана эди. Бунинг сабаблари кўп. Асосийси – ҳадиси шарифда ўлаксага ўхшатиш бу фоний дунё (дунё бир ўлаксадир, унинг талабида бўлганлар эса итлар каби)да ҳаётнинг энг покиза гавҳари бўлмиш ишқ соҳиби бўлган кишиларнинг ҳаётида роҳатдан кўра азоблар, висол онларидан кўра ҳижрон ва айилиқлар, муродга етишдан кўра номурадликлар кўпроқ учрайди. Бинобарин, бу синовлар ва қийноқларни англамайдиган беҳабар кимсалар ишқ азобларини билмасдан, турли ғийбат ва миш-мишлар тарқатиб юришлари табиий. Одамлар ичидаги ишқ жунунига гирифторлар ҳақидаги гап-сўзларда чиндан кўра ёлғонлар кўпроқ бўлгани учун тилдан-тилга ўтиб, афсона – чўпчакка айланади:

*Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат,
Ҳажридин беҳудлуғум афсона бўлди оқибат.*

Халқона ишончга кўра, вайроналарда кўмилган хазиналарга аждаҳо кўриқчи бўларкан. Гўзал ёр ошиқ кўнглини вайронага айлантириб тарк этгач бу вайронани қайғу ва аламлар

макон тутгани – аждаҳо масканига айланган вайронага ўхшатилади. Бу орқали бебаҳо хази-
на – ишқ гавҳари ушбу вайрона кўнгил хонасининг туб-тубида яширингани, ҳам аждаҳоси-
ни қатл этган киши ушбу гавҳарга эгалик қилиши мумкинлигига нозик ишора бор:

*Борғали ул ҳусн ганжи ғам бузуғ кўнглумдадур,
Аждаҳо уйи бизинг вайрона бўлди оқибат.*

Айрилиқ қайғусидан қутулмоққа чора излаган телбасифат ошиқ соқийга мурожаат қи-
либ, фақат шароб уни кўнгил мулкани ўз забтига олган андуҳ аждаҳосидан халос этиши
мумкинлигини баён этади. Шароб, қайси маънода қўлланилганидан қатъи назар, шодлик
бағишловчи, бир дам бўлса-да, қайғу исканжасидан халос этиб, шодлик ва фараҳ бағишлаш
хусусиятига эга:

*Соқие, май тутки, ҳажр андуҳидин мен телбани
Фориғ эткан соғару паймона бўлди оқибат.*

Кейинги байтда ошиқликнинг уч тимсоли – Мажнун, парвона ва булбул келтирилиб, ли-
рик қаҳрамоннинг чеккан оҳи Мажнуннинг фиғонидан, парвонанинг сас-садосиз шамнинг
оташида ўртаниб адо бўлиши булбулнинг тонггача наво чекишларидан афзал эканлиги
баён этилади. Бундай қиёс Навоийнинг салафлари ижодида кўп марта қаламга олинган.
Жумладан, Умар Хайёмнинг ишқ таърифидаги бир рубоийсида шундай дейилади:

*Хуршеди сипехри безаволӣ – ишқ аст,
Мурғи саҳари хучастафолӣ – ишқ аст.
Ишқ он набувад, ки ҳамчу булбул ноӣ,
Ҳар гаҳ ки бимирию наноӣ – ишқ аст.*

(Таржимаси:

*Этганда қуёш нурин абад бор – ишқ ул,
Тонг қушлари сайраганда бедор – ишқ ул.
Ишқ дема, ким нолиса булбулдек,
Ҳар лаҳза ўлиб, нолимасанг зор – ишқ ул).*

Албатта, Навоий Умар Хайёмнинг шоирлигидан хабардор бўлмаган. Хайёмнинг рубоий-
лари кейинги икки асрда шуҳрат топган. Лекин Саъдий Шерозий “Гулистон”ида ҳам булбул
ва парвона қарши қўйилиб, парвонанинг сидқу садоқати васф этилгани мазкур тазод аср-
лар давомида турли шакл ва оҳангларда Шарқ мумтоз шеъриятида мавжудлигига далил
бўла олади:

*Эй мурғи саҳар, ишқ зи парвона биёмўз,
К-он сўхтаро жон шуду овоз наёмд.
Ин муддаиён дар талабаш беҳабаронанд,
К-онро ки хабар шуд, хабаре боз наёмд.*

(Таржимаси:

*Эй тонг қуши, ишқ илмини парвонадан ўрган,
Куйганлар учун жон эди, лек келмади овоз.*

*Бул даъво эли ўз талабинда беҳабардир,
Ким топди хабар, қайта хабар келмади ноҳос).*

Навоий салафлари анъанасидаги ушбу қаршилантиришга яна бир тазод – ўзи ва Мажнун тимсолини ҳам қўшиб, тазод, таносуб, талмиҳ, муболаға ва ҳусни таълил санъатлари имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиб, анъанавий ўхшатишга янги мазмун-моҳият юклайди. Лирик қаҳрамоннинг оҳ чекишлари ва Мажнуннинг нола қилишлари булбул навоси ва парвонанинг ўртанишларига ўхшатилиши ҳолати тазод ҳамда муқобаланинг янада кучли ва таъсирчан бўлишига хизмат қилган:

*Чекма ун, оҳим кўр, эй Мажнунки, булбул кўп фиғон
Чекти, ўртанган вале парвона бўлди оқибат.*

Кейинги байтда эса машҳур Шайх Санъон қиссасига ишора қилинади. Биламизки, Шайх Санъон тарсо қизига севги изҳор этиб, унинг висолига талабгор бўлганида тарсо қизи унга май ичиш, ислом динидан воз кечиш, зуннор боғлаш, бутга сажда қилиш каби шартларни қўяди. Шайх Санъон бу шартларни бажариб, яна висол талабини қўйганида журмона – олдинги қилмишларига товон сифатида бир йил давомида кундузи чўчқа боқиб, кечқурун дайр оташхонасида гўлаҳлик қилишни буюради. Ушбу қиссага ишора қилган ҳолда, Навоий бутга сажда қилмаслигининг товони сифатида дайр пири томонидан ушбу ишга мажбурланганини айтади. Мажоз тилида бутга сажда қилиш – ибодатни муҳаббат билан бажо келтириш эканини ҳисобга олсак, дайр пири бутга сажда қилишга буюрмоғи – исломда фарз қилинган амалларни чин ихлос ва муҳаббат билан адо этмоққа буюргани маъносида экани маълум бўлади. Навоий талқинига кўра, барча ишларда, айниқса, тоат ва ибодатда маърифатга асосланган муҳаббатнинг аҳамияти катта. Акс ҳолда, чин эътиқодсиз, тақлидий ва кўр-кўрона бажарилган барча амаллар такаббурлик, ўзига бино қўйишлик, мутаассиблик каби ёмон хислатларни авж олдиради.

**“ЭЙ НАВОИЙ, ХОКИ ПОЙИ ВАСФИДА
ШИРИН СЎЗУНГ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 73-ғазал

*Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингға бот,
Ким қабул этман оғир деб чиқса эгнимдин қанот.*

*Сабр тоғи бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,
Ташла ул юкни, етишмак истасанг васлиға бот.*

*Шаҳсуворимнинг буроқи пўясидин қолди барқ
Ким, анинг феъли шитоб эрмиш, мунунг расми сабот.*

*Кўп Масиҳодин дам урма, қил ҳаётингни туфайл
Ангаким, топмиш Масиҳ онинг туфайлидин ҳаёт.*

*Меҳр юз кўрмай ўчашди пардадин чиққач юзунг,
Олғали кўймас сариғ юзин қора ердин уёт.*

*Чун юди кўзлар саводин ашк, ёрут юз очиб
Ким, дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот.*

*Эй Навоий, хоки пойи васфида ширин сўзунг
Бор биайниҳ тўтиё ичинда солғандек набот.*

ЛУҒАТ

Жаҳд – саъй-ҳаракат, интилиш

Бот – яна

Пўя – югурмоқ, тез-тез қадам кўймоқ

Шаҳсувор – ҳашаматли суворий; маж.: маҳбуба

Буроқ – от

Барқ – яшин

Сабот – барқарорлик

Туфайл – садақа; сабаб

Меҳр – қуёш

Ўчашмоқ – зиддига бош кўтармоқ, исён қилмоқ

Уёт – шарм, уят

Савод – қоралик

Биайниҳ – гўёки, худди ўзи

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

• Сенинг висолингга етишмакка шунчалар интилмоқдаманким, агар эгнимда қанот чиққудек бўлса ҳам, оғирлик қилади, деб қабул этмагаймен.

- Эй кўнгил, сабр тоғи билан югуриш имконсиз, агар ёрнинг васлига яна етишмакни истасанг, бу юкни ташла.
- Маҳбубам отининг елиб учишидан ҳаттоки яшин ҳам ортида қолди, негаки унинг феълида шитоб бўлса, бунинг одати сабот ва барқарорликдир.
- Масиҳодан кўп сўз очма, яхшиси Масиҳнинг ҳаёт топишига сабабчи бўлган Зотга ҳаётингни бағишла.
- Қуёш ҳали юзингни кўрмаган пайтда гўзаллик бобида сен билан ўчакишди, кўргач эса уялиб, сарғайган юзини қора ердан ололмай қолди.
- Кўз ёшларим кўз қорачиғини ювиб оқартириб қўйди, энди юзингни очиб, уни ёритиб қўй. Ахир бойларнинг йўқсилларга закот бериши фарз эрур.
- Эй Навоий, унинг хоки пойи васфида ширин сўзларинг тўтиё ичига солинган новвотга ўхшайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу ғазалда бахти кулиб, умрида бир марта висолга етишган ошиқнинг ёр дийдори ва ви-солига эришиш иштиёқи олдингидан ҳам кучлироқ бўлиши образли тилда ифодаланган. Дастлабки висол ошиқнинг руҳиятига шунчалик кучли таъсир қилганки, унинг жисми ҳам, руҳи ҳам покланиб, фаришталардек қанот чиқариш имконига эга бўлиб турибди. Аммо унинг жидду жаҳди иштиёқига мос равишда кучайгани сабабли фаришталардек фақат тасбеҳ ва талбия билан умр кечиришни истамайди. Чунки фаришталарга инсоннинг инсонийлик моҳиятини белгиловчи энг пок ва энг улуғ омонат – ишқ гавҳари берилмаган. Айнан ишқ гавҳари инсонни камолотнинг чексиз юксакликлари томон ҳаракатлантириб, уни малаклар орзусидаги даражаларга етказди:

*Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингга бот,
Ким қабул этман оғир деб чиқса эгнимдин қанот.*

Ишқнинг азоб ва қийноқларига ягона даво сифатида дониш аҳли сабрни тавсия қилишади. Навоийнинг ўзи ҳам “Маҳбуб ул-қулуб”да сабрнинг фойдалари ҳақида фикр юри-тиб, “Ишқ аҳли зикридин мутағаййир (хафа, ранжиган) ва лекин ғояти – васлға умидвор-лик, ҳажр эли ёдидин мутанаффир (нафратланган) ва лекин ниҳояти (охири)–иттисолға комгорлик (етишмақдан хурсанд бўлиш)”, дея қайд қилади. Аммо ғазалда сабр қилиш – ошиққа ёт амал эканини таъкидлаб, муродга етишиш учун кутишдан кўра интилиш ва ҳа-ракат қилиш тезроқ кўзланган матлабга етказди, деган фикрни илгари суради. Бу билан шоир ошиқликнинг табиатидаги беқарорлик ва ақл эгалари назарида енгилтаклик кўри-надиган саъй-ҳаракатлар маҳбубага хуш келишини таъкидлайди:

*Сабр тоғи бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,
Ташла ул юкни етишмак истасанг васлиға бот.*

Учинчи ва тўртинчи байтлардаги “Буроқ” ва “Масиҳ” сўзлари шоир васф этган ёр – Аллоҳ таоло “Ҳабибим” дея эъзозлаган Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) экани равшанлашади. Шоир “Буроқ” сўзини келтириш орқали Меърож мўъжизаси талмиҳ қилинган бўлса, кейинги байтда Имом Термизий ривоят қилган ҳадиснинг мазмунига ишора бор. “Сунани Терми-зий”да Аббос ибн Абдулмуталлибдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, бир куни саҳобалар пайғамбарни кутиб ўтирардилар. У зот чиқиб, саҳобаларга яқинлашганларида, улар Иброҳим Халилуллоҳ, Мусо Нажиюллоҳ, Исо Рухуллоҳ, Одам Сафияллоҳ каби пайғам-барларни эслашиб, сифатлаётганларини эшитиб қоладилар. Салом бериб, суҳбатга қў-шилган пайғамбар уларнинг сўзларини тасдиқлаб, илова қиладилар: “Огоҳ бўлингким, мен Аллоҳнинг Ҳабибиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни

ҳамд байроғини кўтарувчи ҳамда биринчи шафоат сўровчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни биринчи шафоат қилинувчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен жаннат ҳалқаларини биринчи ҳаракатга солувчиман. Бас, Аллоҳ уни (айнан) мен учун очар ҳамда мени ва менинг умматимнинг фақирларини унга киргизар. Мен аввалгилар ва охиргиларнинг энг мукаррамиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ”.

Бошқа бир қудсий ҳадисда Аллоҳ таолонинг: “Эй Муҳаммад, агар сен бўлмаганингда бу оламини яратмас эдим”, деб марҳамат қилгани охирзамон пайғамбари Борлиқнинг пайдо бўлишига асосий сабабчи эканини билдиради. Навоий ушбу ҳадисларга асосланиб, ўликларга жон бахш этувчи мўъжиза соҳиби бўлган Исо Масиҳнинг ўзи Муҳаммад Мустафо туфайли ва шарофати билан ҳаёт топганини нозик ишоралар билан билдириб ўтган:

*Шаҳсуворимнинг буроқи пўясидин қолди барқ,
Ким анинг феъли шитоб эрмиш, мунунг расми сабот.*

*Кўп Масиҳодин дам урма, қил ҳаётингни туфайл
Ангаким, топмиш Масиҳ анинг туфайлидин ҳаёт.*

Бешинчи байтда оламга нур ва зиё бағишловчи қуёш аслида ёрнинг порлоқ юзини кўргач хижолатан сарғайган юзини ердан ололмай қолган деган муболағали тасвир орқали Аллоҳнинг Ҳабиби юзидан балқиб турган имон нури васф этилган бўлса, ундан кейинги байтда ҳусни таълил санъатининг гўзал намунасига дуч келамиз: кўп йиғлаганидан қорачиғи ювилиб, кўзлари оқариб қолган ошиқ мутлақ ҳусн мазҳарига мурожаат қилган ҳолда жамолини кўрсатиш орқали кўзига нур бағишлашини истайди ва бунга бадавлат кишилар молидан арзимаган қисмини закот қилиб бериши фарз эканини далил келтиради. Бу шоирона тасвир шунчаки лутф бўлмай, балки чуқур фалсафий маъноларни ҳам ифодалаган. Гап шундаки, кўз қорачиғи ҳам, комил инсон ҳам, асл моҳият ҳам, олтин ҳам араб тилида “айн” сўзи билан ифода этилади. Шу маъноларни байтга татбиқ этсак, қуйидаги фикр ҳосил бўлади: “Эй комилликнинг олий намунаси бўлган зот, сенинг шавқингда тўкилган кўз ёшларим туфайли зоҳир оламининг турфа алдов ва найранглари кўролмайдиган бўлдим, энди мурувват қилиб, моҳиятни кўра олиш имконини берувчи басират кўзимни очгин. Негаки, бадавлат одамлар мискинларга ўз бойлигидан қирқдан бир ҳиссасини закот қилиб бериш фарздир”. Авлиёлик – пайғамбарликнинг қирқдан бир ҳиссасига тўғри келади, деган ақидани ҳам ҳисобга олсак, закот фарзи билан фикрни далиллаштириш шунчаки шоирона ўхшатиш эмаслиги янада равшанлашади:

*Чун юди кўзлар саводин ашк, ёрут юз очиб,
Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот.*

Мақтаъ байтида Навоий ёр хоки пойининг васфида айтган байтлари тўтиёга солинган новвотга ўхшатиб, ифтихор этади. Тўтиёни кўзга ёруғлик бағишловчи шифобахш сурма эканини биламиз. Машҳур араб олими Али ибн Исо (милодий 11-аср)нинг “Тазкират ул-каҳҳолин” (Кўз шифокорлари тазкираси)да берилишича, тўтиёнинг уч тури мавжуддир: маҳмудий (қуритилган) тўтиё, ҳажарий (қаттиқ) тўтиё, коний (асил) тўтиё. Булардан энг шифобахш тури коний тўтиё бўлиб, унга туйилган новвотни қўшиб кўзга суртилса, қонтолаш бўлган кўз томирчалари ҳамда кўп ёш тўкилиши каби касалликларга даво бўларкан. Мазкур тиббий кўрсатмани шеърият тилига кўчириб, шоир ҳижронда қонли ёш тўкадиган ошиқларнинг дардига ёрнинг васлига муштоқликнинг ёрқин ифодаси бўлган ғазаллари бир нав таскин ва тасалли эканидан қаноат ҳиссини туйиб ёзади:

*Эй Навоий, хоки пойи васфида ширин сўзунг
Бор биайниҳ тўтиё ичинда солғандек набот.*

**“ЭЙ КЎНГУЛ, ҒАМ СЕЛИ ЕТКАЧ, ТОҒДЕК
ТУТҚИЛ САБОТ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 74-ғазал

*Тийра қулбамга кириб, жоно, ўлумдин бер нажот,
Зулмат ичра Хизрға ул навъким оби ҳаёт.*

*Сода кўнглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали,
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот.*

*Оразинг меҳрида оғзингдур гадолиғ қилғанам,
Ҳақ сени хуршид қилмиш, заррае бергил закот.*

*То кўнгулдин бош чиқармиш ҳар тараф пайконларинг,
Қуш боласидек бўлубтурким, бўлур темурқанот.*

*Васл умидиға тилармен умр, лекин войким,
Сенсизин кўрсам, тирикмен, ўлтурур мени уёт.*

*Истасангким, ул қуёш чиққач санга қилғай тулуъ,
Эй кўнгул, ғам сели еткач, тоғдек тутқил сабот.*

*Ишқинг ўтин гар Навоий десақим айлай рақам,
Сўзидин қуяр қалам, қурур қора, эрир давот.*

ЛУҒАТ

Тийра – қоронғу

Сода – пок, тоза, шаффоф

Ораз – гўзал чеҳра, юз

Хуршид – қуёш

Пайкон – ўқ

Темурқанот – қанотлари ўсиб, учишга шай бўлган полапон

Уёт – уят

Тулуъ – қуёшнинг чиқиши

Рақам айламоқ – ёзмоқ, қайд қилмоқ

Сўз – калом; ҳарорат, иссиқлик, тафт

Давот – сиёҳдон

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Эй жонимдек азиз дилбарим, зулмат дунёсида обиҳаёт чашмаси Хизрга мангулик бағишлагани каби сен ҳам қоронғу кулбамга кириб, менга ўлимдан нажот бер.
- Лаълдек лабингнинг хаёли мусаффо ва покиза кўнглим ичра тушиб, ичига новвот солинган шиша идишга ўхшаб жилоланиб кўриняпти.
- Гўзал чехранг меҳридан кичик оғзингдан бир ширин сўз тиламагимга сабаб – Ҳақ тало сени офтобдек қилиб яратибди, менга жамолингдан бир зарра закот берсанг яхши бўларди.
- Кўнглим атрофидан отган ўқларинг чиқиб туриб, уни парвозга шай бўлган полапонга айлантириб қўйди.
- Сенинг висолингга етишмак учун Худодан умр тилайман, лекин эвоҳ, сенсизликда тирик юрганганимни кўрсам, уят мени ўлдиради.
- Эй кўнгил, агар ул қуёш чиққандан кейин сенинг бошингга нур сочишини истасанг, ғам сели келганда тоғдек саботли ва сабр-тоқатли бўл.
- Агар Навоий оташин ишқинг ҳароратини битмакни истаса, сўзининг тафтидан қалам куяди, сиёҳ қуриб, сиёҳдон эриб кетади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ушбу ғазалда ҳам муҳаббатнинг қудрати, ошиқнинг қийноқ ва азоблари, илтижо ва муножотлари тасвирланган. Аммо бу доимий мавзу ҳар бир ғазалда турли ташбиҳ ва тамсиллар, бадий ифода воситалари ёрдамида янги-янги қирраларини намоён этиб, муҳаббатга ошно кўнгилларни мафтун ва маҳлиё этади. Матлаъда Хизр алайҳиссалом қиссасига ишора қилган ҳолда жондан азиз маҳбубасига мурожаат қилиб, ҳижрон боис муқаррар ўлимдан висол обиҳаёти билан халос этишини ёлвориб сўрайди. Ривоятларда келтирилишича, мангулик чашмаси ёруғликдан умуман асар бўлмаган зулмат ўлкасида бўлиб, ушбу булоқдан сув ичган Хизр қиёматгача тирик қолармиш. Ёрнинг висоли ва муҳаббати ҳам ошиқнинг кўнглига ана шундай мангу тириклик хусусиятини бахш этиш қудратига эга. Шу маънода Хожа Ҳофиз Шерозий таъкидлайди:

*Ҳаргиз намирад он, ки дилаш зинда шуд ба ишқ,
Сабт аст дар чаридаи олам давоми мо.*

(Таржимаси:

*Ўлмас у, кимки гар дили ишқ ила пойдор,
Олам китоби ичра битик – давомимиз).*

Мангуликка элтувчи муҳаббатга макон бўлиши учун кишининг кўнгли шишадек соф ва беғубор, турли-туман ғиллу ғашлардан холи бўлмоғи керак. Ўшанда ёрнинг лаълдек қизил лабининг хаёли кўнгилда новвот солинган биллур қадахдек жило беради. Мўминнинг қалби – Худонинг Арши, дейилади ирфоний манбаларда. Имон нури билан порлаган пок қалбга Ёри азалнинг хаёлидан ўзга нарса йўл тополмас, дейди шоир:

*Сода кўнглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали,
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот.*

Учинчи байтдаги тасвир ҳам ажойиб: ёрнинг чехраси қуёшга, оғзи эса заррага ўхшатилмақда. Мумтоз Шарқ адабиётида ёр оғзининг кичиклигини васф этиш бадий-эстетик талаблардан ҳисобланиши баробарида, мажоз тилида тор оғиз – пири комилнинг нозик ва дақиқ ҳикматлари, илоҳий моҳият, Ҳаққа етказувчи қудсий нафас деб тушунилади. Айни шу маънода Ёр қуёшга тенглаштирилган ва унинг оғзидан чиққан калом – ошиқнинг кўнгил томон сафарини ёритувчи бир қатим ёғду ҳисобланади. Мискин одам қашшоқликдан қутулиш учун закотга қанчалик муҳтож бўлса, ошиқ ҳам ёрнинг бир оғиз сўзига шунчалик талабгор:

*Оразинг меҳрида оғзингдур гадолиғ қилганим,
Ҳақ сени хуршид қилмиш, заррае бергил закот.*

Муболағали тасвир кейинги байтда янги авжига кўтарилади: маҳбуба отган жафо ўқларининг патлари ошиқнинг мажруҳ кўнглини темирқанот қушга айлантириб қўйибди. Бу билан шоир ишқ йўлида чеккан жафо ва ситамлар заиф ва нотавон кўнгилга куч-қувват бағишлаб, муҳаббат фазосида сайр этишга шай ҳолатга келтирганига ҳам нозик ишора қилади:

*То кўнгулдин бош чиқармиш ҳар тараф пайконларинг,
Қуш боласидек бўлубтурким, бўлур темурқанот.*

Ишқ ҳаётининг мазмунига айланган ошиқни бу дунёдаги тирикликнинг ягона юпанч ва умиди – ёр висолига етишиш бўлса, ёрсиз кечган кунлар уни уятдан ўлар ҳолига туширган. Бу – шунчаки сўзамоллик ёки муболаға эмас, балки висол давлатига етиша олмаганига муҳаббат йўлида йўл қўйган нуқсонлари сабабчи эканини англаган фидойи инсоннинг надоматидир. Етти иқлимда ягона ҳукмдор бўлган Искандар обиҳаёт чашмасидан бенасиб қолгани каби ҳақиқий маҳбуба висолининг неъматидан баҳрамандлик учун фақат муҳаббат даъво қилишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун ишқ қайғусининг селига таҳаммул қилиб, тоғдек собит ва чидамли бўлмоқ керак. Ўшанда тонг чоғи қуёшнинг заррин нурларидан баланд тоғларнинг қоялари энг аввало мунаввар бўлгани каби, ошиқ ҳам биринчилардан бўлиб, ёрнинг қуёшдек чехраси дийдорига етишиши мумкин:

*Истасангким, ул қуёш чиққач санга қилғай тулуъ,
Эй кўнгул, ғам сели еткач, тоғдек тутқил сабот.*

Ғазалнинг таҳаллус байтида тажнис санъатининг гўзал намунаси уни ҳусни мақтаъ даражасида кўтарган. Байтдаги сўз икки маънода – калом (ўзбекча) ҳамда тафт, ҳарорат (тожикча) маъносида келтирилган. Бу маънолар бир-бирини тўлдириб, Навоий кўйлаган муҳаббатнинг оташи ҳар бир сатрига ҳарорат бағишлаб, бу ўтли сатрлар шунчалик ёлқинли ва оламсўз бўлгани билан аслида ишқининг бир заррасини ҳам ифода қила олмаётганини ишонарли тарзда баён қилган:

*Ишқинг ўтин гар Навоий десақим айлай рақам,
Сўзидин қуяр қалам, қурур қора, эрир давоат.*

“ЛАБИНГ ХАЁЛИДА АШКИМ ЭРУР ҲАЁТ СУЙИ...”**«Ғаройиб ус сиғар», 75-ғазал**

*Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот,
Бияйниҳи анга кирпиклар ўлмиш икки қанот.
Безанса дарду бало шоҳиди ҳалоким учун,
Мижам тароғдурур, эски туганларим миръот.
Лабинг хаёлида ашким эрур ҳаёт суйи,
Фироқинг ичра қорарған кўзум анга зулмот.
Закот ўлур эди юзунг жамоли нақдиға меҳр,
Тажаммул аҳлиға юздин бир ўлса эрди закот.
Десангки, жонима ўт солмағайсен, эй соқий,
Такаллум этма майолуд лаб била, ҳайҳот!
Қолурлар оғзин очиб ишқ аҳли пўямдин,
Соғ элга кулгу эрур телба айлаган ҳаракот.
Лабингки, жон берадур аҳли дард қони учун,
Навоий қониға гар майл этар мумидди ҳаёт.*

ЛУҒАТ

Ҳумоюн – муборак, қутлуғ, хуш
Бияйниҳи – худди ўзи
Мижам – киприк
Туган – доғ, яра, жароҳат
Миръот – кўзгу
Меҳр – қуёш
Тажаммул аҳли – бойлар; гўзаллар
Такаллум – сўзлашиш
Майолуд – шароб теккан
Пўя – елиб-югуриш, саргардонлик
Ҳаракот – ҳаракатлар, қилиқлар
Мумидд – мадад берувчи, ёрдамчи

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф
V-V- VV-- V-V- VV-
V-V- VV-- V-V- VV-
Мафоилун файлотун мафоилун файлун

НАСРИЙ БАЁН

- Сенинг муборак дийдорингга яна етишаман деб кўзим учяпти, киприкларим эса, бу қуш қанотларининг айнаи ўзидир.
- Агар менинг ҳалок бўлишимга гувоҳ бўлиш учун дард ва балолар келтирувчи гўзалим безанмоқчи бўлса, киприкларим – тароқ, эски жароҳатларим кўзгусига айлансин.

- Сенинг лабинг хаёлида кўз ёшларим ҳаёт суви, фироқинг йўлида қорарган кўзларим эса, бу ҳаёт сувини бағрида яширган зулмат мамлакатидир.
- Агар бойларга юздан бир ҳисса закот бериш фарз қилинганда эди, жамолинг закот пули сифатида қуёшни беришинг керак бўларди.
- Эй соқий, жонимга ўт солмайин десанг, май томчиси инган лабинг билан сўзлама.
- Ишқ аҳли елиб-югуришимни кўриб, оғзи очилиб қолмиш. Зотан, телбанинг қилиқлари соғ одамга кулгили кўринади.
- Дардмандларга шифо берувчи лаълдек лабларинг агар Навоий қонига майл этса, яшаб кетишига мадад бўлар эди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Салафлар ва замондошларнинг бадий-ижодий тажрибалари баробарида халқнинг жонли тили, унинг тафаккур тарзи, удумлари ва расм-русумлари ҳам бошқа мутафаккир шоирлар сингари Навоийни илҳомлантирган, унинг тахайюл ва тасаввур олами бўёқларига қуюқлик ва рангоранглик бахш этган. Жумладан, бирор хушxabарни эшитишдан олдин кишининг кўнгли гувоҳлик бериб туришини халқ орасида кўзни учишига боғлаб талқин қилишади. Шоир ана шу удумни шеър тилига кўчириб, висолга етишиш орзуси билан кўзнинг пирпираб туриши орасида ажойиб шеърини таносуб яратган:

*Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот,
Биайниҳи анга кирпиклар ўлмиш икки қанот.*

Кейинги байтда “дарду бало шоҳиди” истиорасида шоҳид сўзи иккита – гувоҳ ҳамда гўзал маҳбуба маъноларини ифода этиб, тажнис санъати имкониятлари доирасида байтни икки хил талқин қилишга асос яратган: 1) мени ҳалок этиш учун ишқ дарди ва балоси безанмоқчи бўлса, киприкларим – тароқ, эски жароҳатларим излари кўзгу бўлсин; 2) дард ва балолар етказишга одат қилган гўзал ёрим агар мени ҳалок этиш учун ясанмоқчи бўлса, киприкларимдан тароқ ясаб, эски жароҳатларимга назар солсин. Бу муболағали тасвирлар ошиқнинг бало ва дард йўлида чеккан азиятлари ҳамда маъшуқанинг раҳмсизлигини кўрсатишга бир восита бўлиб, айни пайтда гўзаллик тимсоли ўзининг жамолини кўриш учун ошиқнинг жароҳатларидан яхшироқ кўзгу тополмаслиги, бу ҳусну жамол олам аҳлига айни офат ва жазо экани, шунингдек, ишқ йўлида қурбон бўлишнинг ўзи ҳам саодат манзари бўлмоғи каби маъноларни ҳам нозик ишоралар билан ифодалаган:

*Безанса дарду бало шоҳиди ҳалоким учун,
Мижам тароғдурур, эски туганларим миръот.*

Учинчи ва тўртинчи байтларда олдинги ғазалда қўлланилган – ҳаёт чашмаси ҳамда ҳусн закоти тимсоллари келтирилган. Фарқ шундаки, олдинги ғазалда ошиқнинг кулбаси – зулмат мамлакатига, ёр жамоли – Хизр чашмасига ўхшатиш билан бўлса, бу ғазалда кўз қорачиғини зулмат мамлакатига, ёрнинг ишқида тўкилаётган ашқини обиҳаётга ташбиҳ қилади. Закот бобида ҳам худди шундай янги шоирона талқин ва тавсифга гувоҳ бўламиз: қуёш – ёр ҳуснининг закоти (олдинги байтда Ёр қуёшга, оғзидан бир сўз эшитиш – заррага ўхшатилиб, қуёшдан бир зарра тиламак – мискин аҳлининг закоти эканлиги таъкидланган эди). Бу ўхшатишга шоир яна бир шартни қўшиб қўяди: закотнинг миқдори қирқдан бир ҳисса деб белгиланган. Агар ҳусн закотининг миқдори юздан бир

ҳисса бўлса, ўшандагина қуёш тангаси сенинг хуснингга закот бўлиши мумкин эди, дейди шоир. Бу “адабий фатво” муболаға, ташбиҳи маршрут, истиора, хусни таълил каби муштарак санъатлар ёрдамида ифода этилган бўлиб, анъанавий тимсол ва мисолларга янгича файзу тароват бахш этган:

*Лабинг хаёлида ашким эрур ҳаёт суйи,
Фироқинг ичра қорарған кўзум анга зулмот.*

*Закот ўлур эди юзунг жамоли нақдиға меҳр,
Тажаммул аҳлиға юздин бир ўлса эрди закот.*

Бешинчи байтда соқийга, яъни пири комилга мурожаат қилиб, унинг май теккан лабидан чиққан сўзлар – илоҳий маърифатдан нишон берувчи ҳикмат маърифатга ташна бўлган ошиқнинг жонига ўт солишини қайд этади. Бу ўт уни шу даражада беқарор ва бетаҳаммул қилиб қўядики, ҳатто муҳаббат аҳли бўлган кишиларга девонанинг ғайришуурий ҳаракатларидек кулгили ва бемантиқ кўринади. Ишқ жазбаси ғалаёни дарвешларни турли кўйларга солиши, ақл ва дониш мезонларини ҳам назар-писанд қилмасдан бадномлик кўйига кириб, маломатга қолиши ҳақидаги мисоллар тасаввуф аҳлининг ҳаётига бағишланган манбаларда кўп учрайди. “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, маломатийлардан бўлган шайх Мира Нисобурий Нисога сафар қилади. Жуда тез шуҳрат топади ва кўп мурид йиғилади. Бу ҳолатдан кўп азият чекади, чунки кўнглининг машғуллиги кўпайганди. Шаҳарни тарк этади. Кўп халойиқ у билан бирга чиқиб, ундан айрилмай, эргашиб борардилар. Бир ходими бор эди. Ундан сўради:

– Булар кимлар?

Ходим деди:

– Муридларингиз! Сизнинг хизматингизга бормоқдалар.

Қаттиқ шамол эсарди. Бир баландлик устига чиқиб, одамларга қарата пешоб қилди. Ўзининг тўни ва баъзи одамларнинг либоси расво бўлди. Халқ ундан нафратланиб, орқаларига қайтди. Ходим ҳам эътироз билдирди:

– Бу нима қилганингиз, пирим?!

Индамай борарди. Бир сув қирғоғига етгач, ечинмасдан ўзини сувга отди. Кийимини яхшилаб тозалаб, кейин ходимга боқиб деди:

– Инкор қилмагайсен. Катта бир офат ва азим бир фитнани бир миқдор пешоб билан ўзимдан кетказдим...

Машҳурлик ва таниқли бўлишликни катта офат ва фитна деб билганларнинг тилидан шоир Ҳаққа дўст тутинишнинг бирламчи шарти сифатида авомнинг эътирофи ва эҳтиромидан воз кечиш лозимлигини таъкидлаб, ёзади:

*Қолурлар оғзин очиб ишқ аҳли пўямдин,
Соғ элга кулгу эрур телба айлаган ҳаракот.*

Мақтаъда эса, шоир юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда ёрнинг лаби дард аҳлига жон бағишлаш хусусияти лирик қаҳрамонга ўхшаган фидоий ошиқларни қурбон қилиш туфайли эканини таъкидлаб, ишқ йўлида қурбон бўлиш – ҳақиқий ҳаётнинг ибтидосидир, деган хулосани илгари суради:

*Лабингки, жон берадур аҳли дард қони учун,
Навоий қониға гар майл этар мумидди ҳаёт.*

**“СОҚИЁ, БУ ИШГА БЕХУДЛУҒДИН
ЎЗГА ЙЎҚ ИЛОЖ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 76-ғазал

*Эй кўнгул, ёр ўзгалар домиға бўлди пойбаст,
Сенга мушкил ҳолату бизга қатиқ иш берди даст.*

*Васл торин чекти ул, мен доғи чектим оҳким,
Риштани уздию бўлдум ҳажр туфроғиға паст.*

*Неча бош қўйдум йўлида, ваҳки, қилди поймол,
Заъфлиғ жисмимға зулфи торидек солиб шикаст*

*Заҳра йўқ мужиб сўрарға, бўлмасун, ё Раб, киши –
Муфлису ошиқ, севар дилдори – мустағнию маст.*

*Соқиё, бу ишга беҳудлуғдин ўзга йўқ илож,
Мужда муғ кўйига еткурғилки, бўлдум майпараст.*

*Ғарқ ўлай май баҳри ичра рост ул ғоятқача,
Ким солиб бўғзум аро чеккай ажал қуллоби шаст.*

*Эй Навоий, журм узри даштида қил пўяким,
Яхши эрмас зуҳд занжириға бўлмоқ пойбаст.*

ЛУҒАТ

Дом – тузоқ
Пойбаст – боғланган, тутқун
Тор – ип
Чекмоқ – узмоқ
Доғи – ҳам
Поймол – эзилган, оёқости бўлган
Заъфлиғ – заиф, бемадор
Шикаст – синиқ
Заҳра – журъат
Мужиб – жавоб берувчи
Муфлис – муҳтож, фақир
Мустағний – ҳожатсиз, бепарво
Мужда – хушхабар
Муғ – ғайридинлар роҳиби, майфуруш
Қуллоб – чангак
Шаст – қармоқ
Журм – гуноҳ
Пўя – қадам урмоқ, елиб-югурмоқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Эй кўнгил, сенга қийин бир ҳол ва бизга қаттиқ заҳмат юзланибди – ёр ўзгаларнинг тузоғига илинибди.
- Ёр висол риштасини узди, мен ҳам бу ипни тортдим, эвоҳ, бу ришта узилгач, ҳижрон тупроғига тенг бўлиб қолдим.
- Ёр йўлида неча марта бош қўйган бўлсам, оёқости қилиб ўтиб кетди. Заиф жисмим сочи толасидек синиб, ҳалқа-ҳалқа бўлиб кетди.
- Саволимга жавоб сўраб, мурожаат қилишга журъатим йўқ. Ё Раб, ҳеч қачон фақир бир ошиқнинг севар дилдори бепарво ва маст бўлмасин.
- Эй соқий, бу ишда ўзликдан воз кечишдан ўзга чора йўқ. Муғ кўйига бундан буён май-параст бўлганим хушхабарини етказ.
- Токи ажал қармоғи бўғзимга чангак солиб тортиб олмагунча май денгизига бошим билан шўнғиб кетишга чиндан аҳд қилдим.
- Эй Навоий, гуноҳингни ювиш учун ишқ даштини кезгил, негаки зухд занжирига кишанбанд бўлиб қолишинг яхшилик келтирмайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Низомий Ганжавийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида бир лавҳа бор: Лайли билан Мажнуннинг муҳаббати тилларда дoston бўлгач, Лайлининг отаси арабларнинг ўша даврдаги одатига кўра, Лайлини “бадном” қилган Мажнунга никоҳлаб бериш ўрнига бутунлай бегона бир киши – Ибн Саломга узатади. Лайли никоҳдан кейин Ибн Саломга ўзини ўлдириш билан таҳдид қилиб, иффатини сақлайди. Бу хабарни девдек бадҳайбат бир аъробий Мажнунга олдин бошқача тарзда етказиб, “Лайли бошқа ёрни танлаб, бахтли яшаяпти, сен аёл зотидан вафо кутмасдан, ўзингни йиғиб ол”, дея Лайлига туҳмат қилади. Мажнун бу хабарни эшитиб, хушидан кетади. Мажнуннинг ўлишига бир баҳя қолганини кўрган аъробий кўрқиб кетиб, узр сўрайди ва Лайли бошқа кишининг никоҳига кирган бўлса-да, Мажнуннинг меҳри ва бокиралик муҳрини сақлаб юрганини айтиб юпатади. Мажнуннинг дарди бироз камайган бўлса-да, шубҳа ва гумон унинг кўнглини тарк этмайди ва хаёлан Лайлига мурожаат қилади:

Бо ў ба забони ёд мегуфт,

К: - Эй жуфти нишоти гашта бо жуфт,

Ку он ду ба ду ба ҳам нишастан,

Аҳде ба ҳазор уҳда бастан?

*В-имрўз ба тарки аҳд гуфтан,
Рух бе гунаҳе зи ман нуҳуфтан?...*

(Таржимаси:

*Ул хаёлан дерди унга зору зор:
“Эй сурурим, шодлигимга жуфту ёр,*

*Қайда сен-ла бирга кечган онимиз,
Неча минглаб боғлаган паймонимиз?*

*Нега аҳдингдан кечиб кетмоқ учун
Юз бурарсан айбсиз мендан букун?..”)*

Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” ини ўқиганлар ушбу лавҳа улуғ ўзбек шоирининг достонида йўқлигини билишади. Лекин Низомийнинг бу ўтли сатрлари унинг бадиий тафаккурига таъсир кўрсатмай қолмаганини мазкур ғазал мисолида кўришимиз мумкин.

Низомий Мажнундан фарқли ўлароқ, Навоий ушбу савдо бошига тушгач, ёрининг хаёли ўрнига ўз кўнглига мурожаат қилиб, севикли дилдори ўзгаларнинг тузоғига илинганини алам билан маълум қилади. Ҳар қандай ошиқнинг назарида фақат у ёрни чин кўнгилдан севади, қолганлар эса шунчаки ишқ даъвосида юрган кимсалар. Шунинг учун ҳам, ёрнинг бошқа ошиқларга илтифот кўрсатганини ўзгаларнинг макр-ҳийласи туфайли деб билади:

*Эй кўнгул, ёр ўзгалар домиға бўлди пойбаст,
Сенга мушқил ҳолату бизга қатиқ иш берди даст.*

Ёрнинг висолдан маҳрум бўлгани сабаб кўнгил мушқул аҳволда, ошиқнинг ўзи эса ҳижрон тупроғига тенг бўлиб қолган. Ошиқнинг иззат ва обрўси, шоду хуррамлиги ёрнинг висоли туфайли эканини билгач, ризо ва таслимият билан ишқ йўлида бош қўйса ҳамки, ўз хусну жамолига мағрур маҳбуба унинг жисмини сочининг толасидек бураб, эзиб ташлайди. Ошиқнинг жисмини ёрнинг сочи толасига ўхшатилиши фақат зоҳирий ўхшашлиги туфайли эмас. Гап шундаки, мажоз тилида соч – дунёнинг рамзи. Сочнинг бурама, ҳалқа-ҳалқа эканлиги – борлиқ асрорининг чигаллиги (файласуфлар бунини “товуқ олдин пайдо бўлганми, ёки тухумми” сингари жавобсиз саволларга ўхшатади), қора ва қалинлиги – ҳақиқий олам сирлари ва моҳиятини яшириб туриши, кўплиги ва узунлиги – дунёвий орзу ва ҳавасларнинг чексизлиги каби маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Ошиқнинг эзилишлари – дунёвий ташвишлар билан имтиҳон қилинишларидан дарак. Дунё ишлари манфаатлар асосига қурилган. Манфаат бор жойда муҳаббат бўлмас. Ҳақиқий ошиқ ҳам муҳаббатни манфаатлар қурбонига айлантиришни хаёлига ҳам келтирмайди. Шунинг учун унда даъво ҳам, иддао ҳам йўқ, ҳаттоки ёрининг розилигини сўрашга журъати ҳам етмайди. Негаки у билади – севган маҳбубаси унинг муҳаббатига муҳтож эмас. У ўз хуснига мағрур, ўзининг мислсиз гўзаллигидан сармаст:

*Заҳра йўқ мужиб сўрарға, бўлмасун, ё Раб, киши –
Муфлису ошиқ, севар дилдори – мустағнию маст.*

Кейинги икки байтда лирик қаҳрамон соқийга мурожаат қилиб, энди майпарастлик кўйига қадам қўйиб, ажал бўғзига чанг солгунча шароб денгизига чўмиб яшашга аҳд қилганини баён этади. Буюк ғамга буюк чора топмоқ керак. Аммо ҳаётнинг мазмуни, балки яшашнинг айна ўзига айланган муҳаббат жавобсиз қолиб, маҳбуба бу муҳаббатга буткул бефарқ бўлганини англагандан кейин “бехудлуғ”дан ўзга чора қолмайди. Ишқ даштининг минглаб йўловчилари умрларини саробга сарф этиб, ҳалок бўлсалар, қайсидир бошқа бир ошиқ бир оҳ билан бошқалар етолмай армонда ўтган манзилларга этади. Ўзидан, ўзлигидан воз кечган кишигина муҳаббат йўлида висол манзилини умид қилиш мумкин. Бунга эса соқийнинг шароби кўмак беради:

*Соқий, бу ишга бехудлуғдин ўзга йўқ илож,
Мужда муғ кўйига еткурғилки, бўлдум майпараст.*

Зухд – дунёни тарк этиш демак. Бир томондан бу мақталгулик амал бўлса-да, иккинчи томондан дунёнинг ҳақиқий Эгасига нисбатан қайсидир маънода одобсизлик ва густоҳлик ҳамдир. Лайли ишқида мажнунликка мубтало Қайс Лайлининг итини ҳам эъзозлагани каби, муҳаббат кўйига қадам қўйган киши ҳам шу пайтгача қилинган зухду тақвосининг “журмона” (жарима)сига ишқ даштини бошдан-оёқ кезиб, бадномликда шуҳрат топиши керак. Ақл эгаларининг наздида эл орасида бадном бўлиш нохуш ҳолат бўлса, қалб эгалари учун эса эл орасида машҳурлик бадномликдан ҳам оғирроқ гуноҳ. Негаки, шуҳратда манманлик ва риё сояси тушиб туради. Худбин ва риёкор инсон эса ишқ неъматидан ҳеч қачон баҳра топмайди. Шунинг учун, машҳурлик зиндонига элтувчи зухд занжиридан қутулмоқни истаб, Навоий ғазалини қуйидагича тугаллайди:

*Эй Навоий, журм узри даштида қил пўяким,
Яхши эрмас зухд занжириға бўлмоқ пойбаст.*

**“ТИЙРА ШОМИ ҲАЖР АРО, ВАҲ,
АСРУ КЎП ЧЕКТУК ХУМОР...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 77-ғазал

*Субҳ эрур соқию мен махмурмен, сен – майпараст,
Тут қуёшдек жомни, мониъ недур бўлмоққа маст?!*

*Тийра шоми ҳажр аро, ваҳ, асру кўп чектук хумор,
Маст ўлали бу нафаским, васл субҳи берди даст.*

*Кун бийик чиққунча ҳўю нолани паст этмали,
Кўп бийик чиққай бу кун ким бўлғабиз биз ерга паст.*

*Анжуман аҳли юзин гулгул қилали май била,
Меҳрдин топқунча анжум гуллари бир-бир шикаст.*

*Чарх мотам еткурур, биз дағи онча йиғлали
Ким, қуҳан ғамхонаси ул селдин қилсун нишаст.*

*Гар шафоатқа малойик келса, номаҳрам дебон,
Меҳр шаклидин фалак йўлин қилали хорбаст.*

*Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад,
Ким азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт.*

ЛУҒАТ

Махмур – хумор тутган, май хуморидан бошоғриқ бўлган

Мониъ – манъ этувчи, тўсиқ

Асру – жуда

Ўлали – бўлайлик

Кун – қуёш

Бийик – баланд

Меҳр – қуёш

Анжум – юлдузлар

Шикаст – синмоқ

Доғи – яна

Қуҳан – эски

Шафоат – ўтинч, шафе келтириш

Малойик – фаришталар

Хорбаст – тиконли тўсиқ

Аласт – Рухлар ўз Парвардигорига имон келтирган кун

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Тонг отди, мен ва соқий махмурмиз, сен ҳам шаробга мойилсан. Қуёш каби порлоқ жомни тутгил, маст бўлмоққа нима тўсиқ бор?
- Ҳижроннинг зулматли оқшомида жуда кўп бошоғриқ бўлдик. Ниҳоят, васл тонги насиб этгани шарафи билан маст бўлайлик.
- Қуёш юқори кўтарилгунча нола-ю ҳаёхуйни паст этмайлик. Биз ер остига кириб кетганимиздан кейин ҳам бу қуёш кўп чиқади.
- Қуёш нурларидан юлдуз гуллари синиб – сўниб қолгунга қадар анжуман аҳлининг юзини май билан гуллатайлик.
- Фалак дастидан ҳар дам аза ва мотамлар юз бермоқда, биз ҳам шундай йиғлайликки, кўз ёшларимиз сели бу эски ғамхонани бузиб юборсин.
- Агар шафеликка фаришталар келса ҳам, уларни номаҳрам дебон қуёш шаклидан фалак йўлини тиконли тўсиққа айлантирайлик.
- Навоий мангулик шомига қадар маст бўлса ажаб эмас, чунки азал тонгида унга аласт шароби насиб этганди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Риндона кайфият, ҳаётсеварлик туйғуларини жунбишга келтирувчи ушбу ғазал ҳам “Ринди Шероз” – Хожа Ҳофиз ижодининг таъсирида битилган. Бунда биз ижодий таъсирланишнинг бошқа бир кўриниши – **таврни** мушоҳада этамиз. “Алишер Навоий: қомусий луғат”ида келтирилишича, татаббуъдан фарқли равишда таврда вазн, қофия ва радиф мезон қилиб олинмайди, балки ўзга шоир қўллаган услубда янгича талқиндаги тимсоллар ва бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш талаб қилинади. Бу ўзига хос ижодий таъсирланиш ва адабий мусобақа бўлиб, салафлар ёки замондошларнинг шеърларидаги услуб асосида ўзгача мазмунга эришилади ва унинг янги жилolari кашф этилади.

Таҳлил қилинаётган ғазалнинг қофия, вазни ҳамда тимсоллар силсиласига ўхшаш ғазал Ҳофизнинг девонида йўқ. Аммо қуйидаги машҳур ғазалидаги маънолар жилоси, сўз оҳанги ва хулосалар ифодаси Навоийнинг юқоридаги ғазалга жуда яқин:

*Субҳ аст, соқие, қадаҳе пуршароб кун!
Даври фалак диранг надорад, шитоб кун!
З-он пештар, ки олами фони шавад хароб,
Моро зи жоми бодаи гулгун хароб кун!*

(Таржимаси:

*Тонг отди, айла, соқие, жомларни пуршароб,
Чархи фалакки, маҳталу зор бунда, қил шитоб.
Бўлмай бурун фоний бу жаҳон харобдан-хароб,
Бизларни айла қирмизи жом бирла сен хароб).*

Матлаъда Навоий ийҳом санъатининг энг нозик намуналаридан бирини яратган. Насрий баёнда берилгани каби, шоир тонг чоғи кечки базмдан кейин яна хумори тутиб, ўзига

ўхшаган, шароб хумори тутган соқий билан бирга сабуҳий базмини давом эттириш учун азиз ёрига мурожаат қилмоқда. Иккинчи маънога кўра, субҳ, яъни тонг – соқий, ошиқ – махмур, ёр – майпараст каби сифатлар билан тавсифланган. Матлаъда келтирилган тимсолларни тасаввуфий йўсинда шарҳласак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: Ваҳдат ва ягоналик тимсолининг нурларини кўнгилларга сочувчи тонг соқийлик қилмоқда. Менинг маърифат бодасидан баҳраманд бўлиш иштиёқим ошибди, сен ҳам маърифатуллоҳ, яъни Худони танишга аҳд қилган одамсан. Қуёш каби порлоқ жом тутиб, бизни бу бода билан сархуш ва масту мустағрақ қилишдан нима монелик қилмоқда?!

Майпарастни шароб хумори қанча қийнаса, ғофиллик ва нодонлик, маҳрумлик ва ҳижронда қолган кишининг истак ва иштиёқи, изтироб ва исканжаси ҳам шунчалик кучли бўлади. Висолга етишган кишининг ҳижронда чеккан азоблари бадалига шодланиб, ишрат қилиши қанчалик ярашиқли:

*Тийра шоми ҳажр аро, ваҳ, асру кўп чектук хумор,
Маст ўлали бу нафаским, васл субҳи берди даст.*

Фақат ўтмишни қўмсаб яшайдиган киши – бахтиқаро, келажак хаёли билан кун кечирувчилар – нодон ва танбал кимсалардир. Тўғри йўлдаги одам ўтмишдан тўғри сабоқ чиқариб, келажакда қоқилмаслик учун бугуннинг ҳар бир лаҳзасини ғанимат билади. Манбаларда шунинг учун ҳам сўфийларни “ибн ул-вақт” – “бугуннинг фарзанди” деб таърифлашади. Ҳар бир лаҳзанинг қадрига етиш, орзуларни бугуннинг ўзида амалга ошириш, бугуннинг ишини эртага қолдирмаслик фоний дунёда боқийлик сифатидан баҳраманд бўлиш имконини яратади. Чуқур ўйга толдирадиган бундай фикрларни шоир тажнис ва тазод санъатлари ёрдамида дилтортар тарзда ифода этган:

*Кун бийик чиққунча ҳўю нолани паст этмали,
Кўп бийик чиққай бу кун ким бўлғабиз биз ерга паст.*

Барча ишда чегараларни бузиш, ақл жиловини узиш, сўз ва амалда ҳаддан ошиш – мастлик нишонлари. Шаробдан маст одам ўз ҳаддини билмагани каби, ишқ шаробидан сархуш киши ҳам ўзида чексиз ғайрат, қудратли имкониятларни ҳис этади. Қуёш чиқиб гул-гул ёниб турган юлдузларни сўндиргунга қадар давра аҳлининг юзини юлдуздек шароб таъсиридан порлоқ қилиш, мабодо бирор азоб ё мусибат етгудек бўлса, йиғи селоби билан чарҳнинг уйини бузиш, ҳаттоки фаришталарнинг йўлини қуёш нурининг тиконлари билан тўсиш мастона ринд учун сира ҳам муаммо эмас. Бу ҳол ва кайфият соҳиби учун Дўстнинг шодлиги ва ризолигидан бошқа ҳеч нарса аҳамият касб этмайди. Дўст ёди, Дўст фикри, Дўст зикри, Дўстга хуш келадига амалларни бажариш ва унга нохуш кўринган ишлардан парҳез қилиш кўнглига шундай сурур ва шодлик бағишлаганки, бу сурур, бу мастлик қиёмат тонгига қадар бардавом бўлади. Чунки шоирнинг руҳи олам яралишидан олдин, яъни “аласт куни” да, Парвардигорнинг дийдорига етишган кунида бу шаробдан маст бўлган эди:

*Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад,
Ким азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт.*

**“ВАФО ҚАСРИН ҚЎПАРСАНГ,
БУ БИНОЛАР УЗРА ДЕВОР ЭТ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 78-ғазал

*Жунун тоши уруб ҳар ён янги доғимни афгор эт,
Ичимдин лоладек, ишқ ичра тошимни намудор эт.*

*Чу мажнун қилдинг эмди, эй муғанний, гўша тобингни,
Кўнгул савдоси таскини учун бўйнулға тумор эт.*

*Десанг, кўнглум қуши айлаб ҳаво, чеккай навойи ишқ,
Хадангингинг парин айлаб қанот, пайконни минқор эт.*

*Сочинг куфрида ўлсам қабрим узра қўйма хирқамни,
Чекиб ҳар торини бир барҳаман белига зуннор эт.*

*Кўнгул айвонида оҳим елидин пардаи ишқинг
Десангким, учмасун мужгондин атрофиға мисмор эт.*

*Десанг оғзин кўрай, эй ақл, марказ нуқтасин иста,
Вале шарт ушбуким, аввал қуёш даврини паргор эт.*

*Иморат тарҳидур наълу алифдин ҳар тараф кўксум,
Вафо қасрин қўпарсанг, бу бинолар узра девор эт.*

*Эрур мақсад йироқ, водий – узун, тун – тийра, йўл – буртоқ,
Бу йўлда салб этиб ўзлук юкин, ўзни сабукбор эт.*

*Навойи ўлса тиргузгил, юзига юз қўюб, яъни
Юзига су уриб ул уйқусидин они бедор эт.*

ЛУҒАТ

Доғ – яра

Афгор – мажруҳ, қонталаш

Намудор – намоён

Муғанний – созанда

Гўшатоб – чолғу қулоғи

Хаданг – ўқ

Минқор – тумшуқ

Хирқа – дарвешларнинг жундан тўқилган тўни

Барҳаман – ҳиндларнинг руҳонийси, брахман

Мисмор – қозик

Паргор – циркуль

Наъл – тақа

Тийра – қоронғу

*Буртоқ – баланд-паст
Салб этмоқ – воз кечмоқ.
Сабукбор – юки енгил, ортиқча юки йўқ*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим
V --- V--- V--- V---
V --- V--- V--- V---
Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.

НАСРИЙ БАЁН

- Жунун ва девоналик тоши билан уриб, ҳар ёнимдаги эски яраларимни янгила. Ичим лоладек қонталаш бўлиб қолган, зоҳиримни ҳам ишқ дастидан лолазор қилиб кўрсат.
- Эй созанда, ажойиб куй чалиб, мени мажнуну девона қилдинг, энди кўнглимдаги савдонинг таскин топиши учун чолғу қулоғини бўйнимга тумор эт.
- Агар кўнглим қуши муҳаббат ҳавосида учиб, ишқ навосини чексин десанг, унга ўқинг паридан қанот, темир учидан тумшуқ ясаб бер.
- Агар сочингнинг куфрида ўлсам, қабрим устига хирқамни қўйма, балки унинг ҳар бир торини бараҳманларнинг белига зуннор қилгин.
- Оҳим шамолидан кўнгил айвонидаги ишқинг пардаси учиб кетмасин десанг, киприкларни тўрт томондан тўсиқ қилиб қўй.
- Эй ақл, оғзини кўрмоқчи бўлсанг, марказ нуқтасини топ. Аммо бунинг учун даставвал куёш куррасини паргор – циркуль қилиб ол.
- Кўксимдаги доғ ва жароҳатлар гўёки иморатнинг чизмасига ўхшайди. Агар вафо қасрини кўпорсанг, бу бинолар узра девор эт.
- Мақсад – йироқ, манзил – узун, тун – қоронғу, йўл – уйдим-чўнқир бўлиб ётибди. Бу оғир йўлда ўзлик юкини ташлаб, юкингни енгиллат.
- Агар Навоий ўлиб қолса, юзига юз қўйиб уни тиргиз, яъни юзига сув сепаб, уни уйқудан уйғот.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ўрта асрларда девоналарни қамчининг зарби билан даволаш усули бўлган. Азайимхонларнинг фикрига кўра, одамнинг ичига кириб олган жинларни дуо ва қамчи, занжир ва кишаннинг ёрдамида чиқариш мумкин эмиш. “Лайли ва Мажнун” достонида келтирилишича, Қайснинг отаси даво истаб ишқ жунунига мубтало бўлган ўғлини Каъбатуллоҳга олиб боради. Каъба эшигининг ҳалқаси қўлига тушган Қайс эса, Ҳаққа ёлвориб, Лайли ишқини янада зиёда қилишини сўраб илтижо қилади:

*Дедики: «Аё ҳакими доно,
Ҳар ҳукмда ҳокиму тавоно!*

*Эй ишқ ила ониким қилиб фош,
Атфолдин анга ёғдуруб тош!*

*Демонки мени тарабға хос эт,
Ёхуд ғами ишқдин халос эт!*

*Кўнглум ғам ила тўқ айла, ё Раб!
Ишқ ичра мени йўқ айла, ё Раб!*

*Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рагимда қон қил!»*

Мазкур ғазалда ҳам ишқ жунунига гирифтор ошиқ ўз маҳбубасидан жабру зулмлари билан эски яраларни янгилаб, зоҳир ва ботинини бир хил – лоладек қонталаш қилишни ёлвориб сўрайди. Ишқнинг қудрати билан ичу таши бир хил бўлган ошиқ муғаннийнинг навосини эшитганда ҳам жунуни ошади, кўнгил қуши муҳаббат фазосида эркин қанот қоқиб, хониш қиладиган булбулга айланади. Ишқ хирқа кийиб тариқат солики бўлганларни ҳам, бут ва санамларга топингувчи бараҳманларни ҳам четлаб ўтмайди. Муҳаббат дарди дин ва мазҳаб, ирқ ва миллат тушунчаларидан устун. Ҳар бир киши ўз ҳолига яраша бу дарддан насибадор бўлади. Шунинг учун ҳам муҳаббат кўйида шаҳид кетган солиқнинг хирқаси бараҳманлар белига зуннор, мутрибларнинг чолғусидаги гўшатоб – қулоқчалар эса мажнунсифат ошиқнинг бўйнига тумор бўлиши табиий бир ҳолдир:

*Чу мажнун қилдинг эмди, эй муғанний, гўшатобингни,
Кўнгул савдоси таскини учун бўйнуғма тумор эт.*

*Сочинг қуфрида ўлсам қабрим узра қўйма хирқамни,
Чекиб ҳар торини бир барҳаман белига зуннор эт.*

Оғзидан нишон топиш учун қуёш доирасидан паргор – циркуль ясаш керак бўлган, ишқ захмларидан бинонинг чизмасига айланган ошиқлар кўксидан вафо қасрини туг-туги билан кўпориб ташлайдиган зулмкор маҳбуба шунчаки қадди-қомати расо, қиёфаси чиройли бир ҳурлиқо эмас, балки у – Ҳақ таоло нурининг оламдаги мазҳари. Бутун оламга нур ва зиё бағишловчи қуёш эса унинг ҳусни олдида бир заррадек арзимасдир. Унга етишиш ҳам осонмас. Қоронғу кечада ҳамроҳ ва йўлбошчисиз узоқ сафарга чиққан кишидек руҳият оламининг энг олис манзилларига етишмоқда инсон ўзидан кечиб, бор вужудини ушбу маънавий сафарга сафарбар қилмоғи, менликдан хабар берувчи хислатлар – худбинлик, манманлик, такаббурлик, очкўзлик, риёкорлик...лардан воз кечиб, кўнгил қушини маърифат ва муҳаббат фазосида сайр этмоғига шай тутмоқ лозим бўлади:

*Эрур мақсад йироқ, водий – узун, тун – тийра, йўл – буртоқ,
Бу йўлда салб этиб ўзлук юкин, ўзни сабукбор эт.*

Бу сафарга чиқишдан олдин инсон “ўлишдан бурун ўлмоқ”ни бошидан кечирмоғи керак. Бошқача айтганда, ўзидаги ёмон хислатларини маҳв этган одам гўёки қайта туғилгандек бўлиб, оламга қалб кўзи билан назар солади. У кашф этган олам олдинги оламдан буткул фарқ қилади. Дунёқараш ўзгариши эса ориф ва қалби огоҳ инсонларнинг танбеҳлари ва ўғитлари, руҳий-маънавий тарбияси орқали амалга ошади. Шоир ана шундай инсонлар суҳбатига муштоқлигини изҳор этиб, комил инсонларнинг суҳбати ўлик қалбларни тирилтириши, ғафлат уйқусида қолган руҳларни уйғоқ ва тийрак этишини назокат билан таъкидлаган ҳолда ғазалига якун ясайди:

*Навоий ўлса тиргузгил, юзига юз қўюб, яъни
Юзига су уриб ул уйқусидин они бедор эт.*

**“НЕ ВОҚИЪ ЎЛСА ЧУ ТАҚДИРДИН
ЭМАС ХОРИЖ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 79-ғазал

*Вужудум ўртадинг, эй ишқ, эмди тарким тут,
Худой учунки, мени қайда кўрдунг, анда унут.*

*Кўнгулни васл чароғи била, дединг, ёрутай,
Туташти чун бизинг уй, эмди ўзга уйни ёрут.*

*Чу васл куймак ила ҳосил ўлмади, эй кўз,
Таҳассур ашки била шуълалиғ кўнгулни совут.*

*Жунуни дафъиға кўнглумни доғ этай дебсен,
Бу доғи саҳлдурур, ҳажр доғидин кўрқут.*

*Бухори оҳим эрур лойиқ, англагил, эй ашк,
Баҳори хусниға ногаҳ кераклик ўлса булут.*

*Не воқиғ ўлса чу тақдирдин эмас хориж,
Бас ўктадур қилуридин кишига бермак ўгут.*

*Навоий, бу ўтар олам ичра беш кун қил
Ўзунгни май била машғулу ишқ бирла овут.*

ЛУҒАТ

Туташти – тутаб ёнди

Таҳассур – ҳасрат

Саҳл – осон, енгил

Бухор – дуд, тутун, буғ

Бас – жуда

Ўкта – беҳуда, кераксиз

Ўгут – ўгит, насиҳат

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф

V-V- VV-- V-V- VV-

V-V- VV-- V-V- VV-

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун

НАСРИЙ БАЁН

• Эй ишқ, бутун вужудимни ёндирдинг, энди мени тарк эт. Худо ҳақи, қаерда мени кўрган бўлсанг, ўша жойда унут.

• Кўнглимни висол чироғи билан ёритай, дегандинг. Уйимиз тутаб ёнди, энди ўзга уйларни ёрит.

• Эй кўз, висол куйиб-ёниш билан муяссар бўлмади, энди ҳасрат кўз ёшлари билан гуриллаб ёнаётган кўнгилни совит.

• Кўнглимдаги жунун ва девоналикни даф этиш учун куйдириб доғ қўяман дебсан. Бу ҳали осон юмуш, тагин ҳижрон азоби ва жароҳати билан ҳам кўрқит.

- Эй ашқ, агар ёр хуснининг баҳорига булут керак бўлиб қолса, менинг оҳим дуду тутуни муносибдир.
- Нимаики содир бўлса, тақдирда битилган бўлади. Шунинг учун қиладиган ишидан қайтариш учун кимгадир ўғит бермакнинг фойдаси йўқ.
- Эй Навоий, беш кунлик ўткинчи дунёда ўзингни шароб билан банд қилиб, ишқ билан овут.

ШАРҚ ВА ИЗОҲЛАР

Ишқ – ҳаёт, бахт, ўлим, шеър каби таърифларга сиғмайдиган сўз. Инсоният яралибдики, бошқа мангу жумбоқлар қатори ишқнинг сирру синоатлари, сабаб ва натижалари ҳақида фикр юритади, ўз мулоҳазаларини айтади, кўҳна дунёдан ҳам қадимийроқ бўлган бу туйғунинг қирраларини кашф этиш ва англашга умрини сарфлайди. Аммо дунёдаги барча илмларни энг дақиқ ва нозик жиҳатлари билан ўзлаштирган олиму фузалолар ҳам ишқни тушуниш ва тушунтиришга ожиз. Ошиқ Навоий ғазалларининг бирида айтганидек:

*Дақойиқ ишқ илми ичра кўндур,
Ки тафҳимида ожиздур мударрис.*

Шунга қарамай, Шарқ мутафаккирлари ўзлари босиб ўтган кўнгил манзилларига назар солиб, муҳаббат йўлининг қуйидаги мақом ва даражаларини белгилаб олишган:

Ҳаво – иштиёқнинг ошиши, вужуд истаги ва таъбнинг мувофиқлиги босқичи;

Алоқа – кўнгилда иштиёқ ҳосил бўлиши ва бировга боғланиб қолиш;

Калаф – истак ва шавқнинг шиддати;

Ишқ – ҳаво ва алоқадан ҳам кучли бўлган туйғунинг кўнгилда пайдо бўлиши;

Шаъаф – ишқ оташининг жигарга етиб, ўрташи;

Шағаф – севги-муҳаббатнинг руҳият оламига элтувчи кўнгил пардаси (шағоф)ни ўртадан кўтариши;

Жавво – мақсад узоқлигидан кўнгилнинг сиқилиб, маҳзун бўлиши;

Татайюм – муҳаббат – бандалик ва қулликка сабаб бўлиши;

Табаттул – мубталолик, ишқ дардига чалиниш;

Таваллуҳ – ишқ шиддатидан ақлдан бегона бўлиш, ишқ жунунига гирифторлик;

Ҳуём – ишқ дарди ва шайдоликнинг зўридан дашту биёбонларга юзланиш, ёлғизликка юз тутиш.

Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг ушбу таснифига ўхшаш бошқача таснифлар Ҳаким Термизий, Мустамлий Бухорий, Ибн Арабий, Саолибий каби мутафаккир алломаларнинг асарларида ҳам мавжуд. Уларнинг фикрлари ҳам моҳият эътибори ила юқоридаги таснифга жуда яқин бўлгани сабабли Жомийдан иқтибос билан кифояландик.

Таҳлил қилинаётган ғазалда бешинчи мақом – шаъафда ошиқнинг руҳий ҳолати, изтироб ва қийноқлари акс этган. Ҳавас ва иштиёқ кучайиб, ошиқ вужудининг мавжудлиги маҳбубанинг илтифоти ва марҳаматига буткул боғланиб қолгани, чироқнинг шуъласи баланд порлаганида уйни ёқиб юбориши каби висол умиди кўнгил уйини култепага айлантиргани эҳтиросли сатрларда ўз ифодасини топган. Ошиқ дард зўридан ишқни тарк этиш чорасини излашга тушиб, ўзи бунинг уддасидан чиқолмагач, ишққа мурожаат қилиб, бошқаларнинг кўнгил уйини макон тутишини ёлвориб сўрайди:

*Вужудум ўртадинг, эй ишқ, эмди тарким тут,
Худой учунки, мени қайда кўрдунг, анда унут.
Кўнгулни васл чароғи била, дединг, ёрутай,
Туташти чун бизинг уй, эмди ўзга уйни ёрут.*

Умуман олганда, ғазалнинг деярли барча байтларида тазод унсурлари фаол қўлланилган. Жумладан, кўриб чиққанemiz иккинчи байтда висол умидининг нури ва иштиёқ оташининг алангаси қаршиланган бўлса, ишқ йўлидаги бесамар ўртанишлар ва ҳасрат суви билан бу оловни сўндиришга уриниш учинчи байтда ишқ йўлидаги солиқнинг кайфияти ва ҳолатини англаиш учун мажоз этилган:

*Чу васл куймак ила ҳосил ўлмади, эй кўз,
Таҳассур ашки била шуълалиғ кўнгулни совут.*

Тўртинчи байтда яна бир гўзал маънавий санъат намунасига дуч келамиз. “Алишер Навоий қомусий луғат”ида келтирилишича, бадиъ илмида бир сўзни бир неча марта турли маъноларда бир байтда қўллаш – муштарак (ҳам лафзий ва ҳам маънавий) санъатлар туркумига кирувчи тардид санъатининг асосий белгисидир. Балоғат илмининг талабларига кўра, бир байтда бир сўзни бир неча марта қўллаш шеърий нуқсонлардан ҳисобланади. Қуйидаги байтда эса, “доғ” сўзи уч марта келтирилган бўлса-да, ҳар бирига турли маънолар юклатилгани боис (доғ этай – куйдирай; доғи – ҳали, яна; ҳажр доғи – ҳижрон азоби, айрилиқ яраси) ўқувчи кўнглига хуш ёқувчи ҳолатни вужудга келтирган:

*Жунуни дафъиға кўнглумни доғ этай дебсен,
Бу доғи саҳлдурур, ҳажр доғидин кўрқут.*

Кейинги байтда муболаға ва ташхис санъатларининг имкониятлари ёрдамида шоир яна бир гўзал ва жозиб хулосани тақдим этади: кўклам фаслида булутларнинг ёмғири оламни яшнатиб, хуррам этгани каби, ошиқнинг кўёшли осмонни ёпиб кўювчи оҳи ва тинимсиз кўз ёшлари ёр жамолининг яшнаб кетишига сабабдир. Бошқача айтганда, ошиқнинг оҳу фиғонлари қанчалик кўп бўлса, ёрга шунчалик хуш ёқади:

*Бухори оҳим эрур лойиқ, англагил, эй ашк,
Баҳори ҳусниға ногаҳ кераклик ўлса булут.*

Адабиётшунослигимизда шартли равишда “бегона байт” дея қабул қилинган сатрларда мутафаккир шоир тақдир ҳақида ўзининг ҳаётий хулосасини баён этади. Унинг талқинига кўра, инсон тақдири азалдан белгиланган. Тақдирнинг ўзгариши эса банданинг хоҳишига эмас, балки Биру Бор Эгамнинг мутлақ иродасига боғлиқ. Инсон бошига қандай синовлар келса, пешонасига нимаки битилган бўлса, борица қабул қилиб, ризо ва таслимиятда кун кечириши керак. Ишқ аталмиш абадий дард шоирнинг қисматига айланган экан, ўз тақдирини ўзгартиролмаган кишиларнинг бу қисматни инсоннинг чегараланган ақл мезонлари асосида ўзгартиришни маслаҳат беришлари бефойда:

*Не воқий ўлса чу тақдирдин эмас хориж,
Бас ўктадур қилуридин кишига бермак ўгут.*

Мақтаъда эса ўткинчи оламдаги тириклик чоғида инсон маърифат ва огоҳлик шаробидан ичиб, ишқ дардига мубталолик – энг тўғри йўл эканлиги ҳақидаги хулоса қатъийлашади. Ўзликни англаш ва шу орқали Ҳақини таниш, маърифат йўлида муҳаббат дардидан қувват олиб яшашни шиор қилган одам беш кунлик дунёнинг кераксиз ташвишларидан озод яшайди. Навоийнинг ҳаётий маслағи ҳам шу:

*Навоий, бу ўтар олам ичра беш кун қил
Ўзунгни май била машғулу ишқ бирла овут.*

**“ОТИ САРКАШ, ТЎНИ ЗАРКАШ,
ҲУСНИ ДИЛКАШ, НУТҚИ ХУШ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 80-ғазал

Кўнглум олди бир парипайкар, малаксиймо йигит
Ким, бани Одамда андоқ бўлмамиш пайдо йигит.
Оти саркаш, тўни заркаш, ҳусни дилкаш, нутқи хуш,
Кўрмадук бу навъ маҳваш чобуку раъно йигит.
Ишқида кўзу кўнгулнинг бир-биридин рашки бор,
Оллоҳ-Оллоҳ, бўлур эрмиш мунча ҳам зебо йигит?!
Зорлиғлар бирла ўлмай топмағумдур худ висол,
Не учунким мен қари қулдурмен, ул мирзо йигит.
Йўлида юз минг куҳанпир ўлса, қилмас илтифот,
Кимса кўрганму экин бу навъ бепарво йигит?!
Йўлунг узра ҳам гадомен, ҳам қари, ҳам хастаҳол,
Бир боқиб ўт ҳолима ҳуснунг закоти, о, йигит.
Дайр пири мазҳабин тутмай, муслмонлар, нетай,
Олған ўлса нақди иймонимни бир тарсо йигит.
Бош оқарди, сабз хатлар тарки тутсам яхшироқ,
Ким хуш эрматур йигитлар базмида, илло йигит.
Эй Навоий, қариб ўзни солмаким, айлар сени
Бир қадаҳ май бирла ул шўхи қадаҳпаймо йигит.

ЛУҒАТ

Парипайкар – хушқомат
Малаксиймо – фаришта юзли, чеҳраси истарали
Бани Одам – Одам Ато авлоди; инсон фарзанди
Маҳваш – ой каби чеҳраси порлоқ, чиройли
Чобук – чаққон
Худ – ўзи
Куҳанпир – қартайган чол
Хастаҳол – бемор, касалманд
Нақд – бойлик, ҳазина
Тарсо – насроний
Сабзхат – янги мурт чиқарган, навқирон гўзал
Қадаҳпаймо – шароб ичувчи

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V-
-V-- -V-- -V-- -V-
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Хушқомат, сиймосидан нур ёғиладиган фариштасифат бир йигит кўнглимни олди. Одамзод ичида бундай кўркем йигитни ҳали ҳеч ким кўрмаган.
- Саркаш отга минган зар чопонли бу йигит хусни ҳам дилкаш, ҳам сўзлари ёқимли. Ҳам чиройли ва ҳам эпчил бундай йигитни илгари сира кўрмаганмиз.
- Кўз ва кўнгил унинг ишқида бир-биридан рашк қилади. Ё Худойим, йигит ҳам шунча чиройли бўладими?
- Кўп хор-зорликлар тортиб ўлмасдан олдин унинг висолига ета олмайдиганга ўхшайман. Чунки мен – қари бир қул, бу йигит эса мирзом – хожа эрур.
- Ишқининг дастидан юз минг қартайган ошиқ ўлса ҳамки, илтифот қилмайди. Айтинг, ўзгалар тақдирига бепарво бундай йигитни ким кўрган?!
- Йўлингдаги бир қари, касалманд гадойингман. Хуснингнинг закоти ҳисобидан ҳолимга бир назар солиб ўтгин.
- Эй мусулмонлар, дайр пирининг йўлини тутмай нетайки, имоним ганжинаси бир насроний йигитнинг қўлидадир.
- Бошимга оқ тушди, энди ёшлар суҳбатини тарк этганим яхшироқ. Йигитлар базмида улардан бошқалар қатнашса, базм татимайди.
- Эй Навоий, қаридим деб ўзингни четга олма. Қадаҳ ичиб, ўзгаларга ҳам тарқатувчи бу йигит бир қадаҳ май билан яна сени йигит қила олади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

“Хазойин ул-маоний” лирик асарлар куллиётини кирилл алифбосида илк марта нашрга тайёрлаган устоз навоийшунос Ҳамид Сулаймон биринчи жилдда ёзган мухтасар ва мағзи тўқ сўзбошисида Алишер Навоий лирик меросининг қўлёмаларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалаларига тўхталиб, жумладан, шундай ёзади: “Баъзи мулоҳазаларга кўра, “Ғаройиб ус-сиғар”нинг бу нашрида 2 ғазал (№№ 80, 81), 3 қитъа (№№ 24, 27, 28) тушириб қолдирилди. Бу шеърлар эски графикадаги нашрларда тўлиқ берилади”¹.

Мазкур ғазаллар, яъни “йигит” радифи билан тугалланган асарлар, кейинчалик Алишер Навоийнинг кўпжилдлик асарлари ҳамда алоҳида ҳолда нашр этилган “Хазойин ул-маоний” куллиётида нашр этилди, аммо тадқиқотчилар томондан шарҳ ва талқини яратилмади. Улуғ шоирнинг издошлари ушбу ғазалларга мухаммас боғлагани ёки жавобия ғазали ёзганига ҳам кўзимиз тушмади. Шу сабабли, “йигит” радифли ғазалларни шарҳлашдан олдин йигит кишини севишли инсон ўлароқ васф этиш ҳақида диний-ирфоний ва адабий манбалардаги фикр-мулоҳазаларга мурожаат қилиш фойдадан холи бўлмас.

Аввал бошиданоқ шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, Ҳақиқат толиблари бўлган уччала тоифа вакиллари ҳам баччабозлик ва бесоқолбозликни қаттиқ қоралаб, бунинсон боласи учун энг тубан ва пасткашлик ҳолати деб ҳисоблайдилар. Қуръони Каримда берилишича, инсоният тарихида Лут пайғамбар (а.с.) қавми орасида илк марта ушбу одат кенг ёйилган. Лут алайҳиссаломнинг даъватларига қулоқ солмасдан, аксинча унинг ўзига таҳдид этишгани учун бу адашган қавм илоҳий ғазабга учраб, барчалари ҳалок бўлишади: “Ярим кеча малоика ўзларин Лут (а.с.)га зоҳир қилиб, буюрдиларким, кўпунг ва бу шаҳрдин чиқинг. Лут (а.с.) табаъи била шаҳрдин чиқдилар. Жабраил (а.с.) ул шаҳрларни ердин кўнғориб, осмонга элтиб, сарнигун ерга урди ва ул элдин ҳар кишиким, ҳар қайда бор эрди сижжил тоши ёғиб, борисин ҳалок қилди”².

¹ Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. 1. Ғаройиб ус-сиғар. Илмий-танқидий матн асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. Тошкент: ЎзССР ФА нашриёти, 1959. – Б.ХХVIII.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 16-жилд. Тарихи анбиё ва ҳукамо. –Т.: Фан, 2000. –Б.86.

Инсоннинг гўзал қиёфаси, унинг кўркемлиги ҳам шариат аҳли қошида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бани башар орасида гўзаллик тимсоли Юсуф алайҳиссалом бўлганлиги, пайгамбаримизнинг “Яхшиликни чиройли юзли одамлар ҳузуридан истанглар” ёхуд “Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни севади” мазмунидаги ҳадисларда кўркемлик алоҳида фазилатга эга эканлигининг таъкидланиши бу фикрларни исботлайди. Бинобарин, Навоий ғазалида йигитни “малаксиймо”, “парипайкар” каби сифатлар билан васф этар экан, юзида имон нури балқиган инсонни назарда тутган, дейишимизга асос бор:

*Кўнглум олди бир пари пайкар, малаксиймо йигит
Ким, бани Одамда андоқ бўлмамиш пайдо йигит.*

Кейинги байтларда мажозий ва ҳақиқий ишқ унсурлари қоришиқ ҳолда келтирилади. Зоҳирий гўзаллик билан ботиний гўзаллик бир-бирини тўлдириб, ҳам кўз ва ҳам кўнгилнинг қувонтиришига сабаб бўлади. Кўз ва кўнгил ишқ йўлида талашмоқлари – манзур, яъни васф этилган тимсол ҳам ташқи кўриниши ва ҳам ботиний оламининг бир-биридан гўзаллигининг нишонасидир:

*Оти саркаш, тўни заркаш, ҳусни дилкаш, нутқи хуш,
Кўрмадук бу навъ маҳваш чобуку раъно йигит.
Ишқида кўзу кўнгулнинг бир-бирининг рашки бор,
Оллоҳ-Оллоҳ, бўлур эрмиш мунча ҳам зебо йигит?!*

Ҳам ҳусни хулқ ва ҳам ҳусни зоҳирга эга бу йигит яна мирзолик рутбаси билан сарафроз этилган. Шунинг учун ҳам у ўзига муносиб ва ҳуснига тенг келадиган толибларга илтифот назари билан боқмоғи мумкин. Ғазалдаги талқинга кўра, ошиқ ҳам қари қул, ҳам бемор, ҳам гадолик кўйидаги бир бечора бўлгани учун ҳуснининг закотидан умидвор бўлишдан ўзга чораси қолмаган:

*Йўлунг узра ҳам гадомен, ҳам қари, ҳам хастаҳол,
Бир боқиб ўт ҳолима ҳуснунг закоти, о, йигит.*

Кейинги байтда эса фаришта сиймоли, дилкаш ҳусн ва чиройли нутқ соҳиби бўлгани билан йўлидаги музтариб ва бенаво ошиқларга бепарво эканининг сабаби ойдинлашади: бу йигит мусулмон аҳлидан эмас, балки тарсо, яъни насроний бўлиб чиқади. Ирфон аҳлининг тилида тарсо атамаси нафси амморанинг ёмон хислатларидан қутулиб, яхши хислатлар билан сифатланган руҳият одамига нисбатан қўлланилади. Лоҳижийнинг фикрича, тарсо – тажрид ва тафрид мақомига эришган зотларга нисбатан айтилади. Ҳақиқий тажриднинг асосий белгиси дунёнинг ҳеч нарсага арзимаслигини қалбан англаш ва шунинг учун ундан онгли равишда воз кечиш эканини ҳисобга олсак, васф этилган йигитнинг ошиқларига бепарво экани сабаби ойдинлашгандек бўлади:

*Дайр пири мазҳабин тутмай, мусулмонлар, нетай,
Олған ўлса нақди иймонимни бир тарсо йигит.*

Бундай ҳолат, яъни ҳидоят топиш – таркидунёчилик ёки сурункали тоат-ибодат туфайли эмас, балки Ҳақ таолонинг иноятини англаш малакаси кишини ҳамиша йигитлардек навқирон ва гўзал асрайди. Тажрид ва тафрид асроридан бохабар йигит кимники маърифат бодасидан сероб қилса, ичкучи ҳам маънавий қариллик ва қалб беморликларидан қутулиб, яна муҳаббат ва маърифат йўлида шахдам қадам ташлаш қудратига эга бўлади. Қалб оламини ёшартирувчи маърифат умидида шоир ғазалига якун ясайди:

*Эй Навоий, қариб ўзни солмаким, айлар сени
Бир қадаҳ май бирла ул шўхи қадаҳпаймо йигит.*

“КИМ ЭРУР АСРУ ЮЗИ ПОКУ ЎЗИ ПОК ЙИГИТ...”

«Ғаройиб ус сиғар», 81-ғазал

*Маст чиқти яна ул қотили бебок йигит,
Чок айларга кўнгуллар ёқаси чок йигит.*

*Ақл пирини фано дайрида расво қилди,
Ким кўрубтур бу сифат золиму бебок йигит.*

*Етти иқлимда офат йигитимча эрмас,
Қуёшидин ясаса бу ети афлок йигит.*

*Гаҳ қилур зулму гаҳе қатл ҳавас, ким кўрмиш
Қотилу золим аро буйла ҳаваснок йигит?*

*Поклик пардасида тутсун ани Эзиди пок,
Ким эрур асру юзи поку ўзи пок йигит.*

*Қаридинг, ўзни қарилар сари солким, ярашур
Кирса чолок йигит базмиға чолок йигит.*

*Эй Навоий, йигитинг назминга майл этти, севун
Ким, насиб ўлди санга соҳиби идрок йигит.*

ЛУҒАТ

Бебок – кўрқмас, бепарво

Афлок – фалаклар, осмонлар, осмон қаватлари

Эзид – Аллоҳ, Худо

Асру – жуда

Чолок – чаққон, эпчил

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани махбуни маҳзүф

-V-- VV-- VV-- VV-

-V-- VV-- VV-- VV-

Ғоилотун ғоилотун ғоилотун ғоилун

НАСРИЙ БАЁН

• Ўзгалар қонини тўкмақдан кўрқмайдиган йигит кўнгилларни чок-чок этишга ёқасини чок этиб яна маст ҳолда кўчага чиқди.

• У фано дайрида ақл пирини расво қилди. Бундай золим ва кўрқмас йигитни ким кўрибди?!

• Агар бу етти фалак қуёшидан йигит ясаса ҳам, офат бобида менинг йигитимчалик эмас.

• Гоҳида зулму ситам кўрсатиш, гоҳида қатл этишни ҳавас қилади. Қотиллар ва золимлар ичида бундай ишларга ҳаваснок йигит яна борми?!

• Пок Парвардигорим уни поклик пардасида асрасин, чунки у чехраси ҳам, кўзи ҳам жуда пок йигитдир.

• Қаридинг, ўзингни қариялар даврасига солким, чаққон ва эпчил йигитнинг базмига эпчиллик билан йигитлар қатнашгани ярашади.

• Эй Навоий, шод бўлким, йигитинг шеърингга мойил бўлди. Сенга шундай идрок соҳиби бўлган йигит насиб этганига шукр қил.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Девондаги “йигит” радифли иккинчи ғазалнинг матлаъида маҳбубнинг янги сифатлари баён этилади. Олдинги ғазалда васф этилган йигитнинг фаришталардек зебо сурати ва шу суратга муносиб гўзал сийрати мақталган бўлса, бунда йигитнинг мастона ва бебоклик билан ошиқларнинг кўнглини пора-пора қилишга отлангани қаламга олинади:

*Маст чиқти яна ул қотили бебок йигит,
Чок айларга кўнгуллар ёқаси чок йигит.*

Маҳбубнинг зулмлари ва қотиллиги фано дайрида бўлиши, хусну малоҳатда етти фалакни ёритиб турган Қуёшдан ҳам порлоқ экани унинг бу оламдан эмаслиги, балки руҳоний ва покиза бир хилқат тажассуми эканидан гувоҳлик беради. Унинг хусну жамолини кўргач, оламнинг низомини ҳикмат мезонида мувозанатда ушлаб турган ақл пири ҳам ожиз қолади. Дунёнинг барча сир-асрорини ақл ёрдамида ҳал қилишга чоғланган солиқ ишқ синовларига дуч келганда жамийки тажрибалари ва билимлари, ирода ва ихтиёри беҳуда бўлиб, расволик ва бадномликка дучор бўлади:

*Ақл пирини фано дайрида расво қилди,
Ким кўрубтур бу сифат золиму бебок йигит.*

*Етти иқлимда офат йигитимча эрмас,
Қуёшидин ясаса бу ети афлок йигит.*

Йигитнинг золимлик ва қотиллик сифатлари ғазалда қайта-қайта таъкидланади. Ирфоний тимсоллар тилида зулм – Аллоҳнинг инояти билан солиқни шайтоний нафс кутқуларидан риёзат ва турли синовлар орқали қайтариш, қатл – нафс ҳукмронлигига сабаб бўладиган ёмон хислатлар ва иллатларни ботинда маҳв этишни ифодалайди. Демак, золимлик қилиш ва қатл этишга ҳавасманд йигитга мафтун ва ошиқ бўлганлар Шавкат Раҳмон таъбири билан айтганда, “ичидаги хоинни ўлдириш”га тайёр турган ҳамда янги инсон сифатида қайта туғилишга тайёр кишилар бўлишни истайдиган зотлар бўлмоғи керак:

*Гаҳ қилур зулму гаҳе қатл ҳавас, ким кўрмиш
Қотилу золим аро буйла ҳаваснок йигит?*

Ёмон ният ва ғаразлардан кўз ва кўнгилни поклаб, басират кўзини сўқирлик офатидан кутқарган ошиқ бошқача назар билан йигитга назар солиб, ундаги раҳмоний хислатларни кашф эта бошлайди. Зотан, покиза зотларнинг муҳаббатига эришиш учун инсоннинг ўзи пок бўлиши керак. Кўнгли тоза инсон покликнинг бардавом бўлишини истайди. “Маҳбуб ул-қулуб”да айтилгандек, хослар ишқининг асосий хусусияти ҳам “пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ” дир. Хослар ишқига мансуб, авом орасида йигитлар муҳаббати билан ном чиқарган тасаввуф шеърятининг буюк намояндаси Фахриддин Ироқий ҳам борлиги ҳисобга олинса, ғазалдан мақсад тасаввуфий ғоялар, яъни барча гўзалликларда Ҳақ таоло нуруни мушоҳада этиш ва унинг Буюк Яратувчилик Қудратига имон келтириш тараннуми экани ойдинлашади:

*Поклик пардасида тутсун ани Эзиди пок,
Ким эрур асру юзи поку ўзи пок йигит.*

Мақтаъдан олдинги байтда Навоий ўзига хос анъанага кўра, ахлоқий бир хулосани ўртага ташлайди. Мазкур хулоса Ибн Ямин Фарюмадийнинг бир қитъасида бошқача шаклда баён этилган. Ибн Яминнинг қитъасига кўра, нодоннинг суҳбати чарм пўстинга ўхшаб оғир бўлгани билан кўнгилда илиқлик пайдо қилмайди. Нодоннинг суҳбатидан кўра бойлик ва амал текканидан кейин ҳаёсизларча силаи раҳм ва биродарлик алоқаларини узган номард қариндошлар ва ошналарнинг нокаслиги кишига оғир ботади. Ҳаётда бу иккисидан ҳам оғирроқ ва аламлироқ нарса – золим ва мустабид подшоҳ замонида яшашдир. Буларнинг барчасидан ҳам кишига ёмон таъсир қилувчи иш – ўзини ёш йигитлардек тутадиган сатанг чолларнинг ҳаёсиз қилиқларидир, деб хулоса қилади Ибн Ямин:

*Чун жомаи чармин шумарам суҳбати нодон,
Зеро ки гарон бошаду тан гарм надорад.*

*Аз суҳбати нодон батарат низ бигўям –
Хеше, ки тавонгар шуду озарм надорад.*

*3-ин ҳарду батар дон ту шаҳеро, ки дар иқлим
Бо ханжари хунрез дили нарм надорад.*

*3-ин ҳар се батар дони, ки дар даҳр чи бошад? –
Пире, ки ҷавони кунаду шарм надорад.*

Навоий ғазалида Ибн Ямин қитъасининг хулосаси бошқача йўсинда ўз ифодасини топган. Шоирнинг фикрига кўра, қаригандан сўнг киши ўзига тенг бўлган қариялар суҳбатига етишиб, йигитлар базмидан ўзини четда тутмоғи керак. Қарининг яна бир маъноси пир, яъни донишманд, раҳнамо. Шу маънода, байтни ғазалнинг умумий руҳиясидан алоҳида таҳлил қиладиган бўлсак, қариган киши илму ҳикмат соҳибларининг суҳбатини танлагани афзалроқ, деган хулоса чиқариш учун асос бор:

*Қаридинг, ўзни қарилар сари солким, ярашур
Кирса чолок йигит базмиға чолок йигит.*

Ғазал мақтаъининг мазмунидан тараннум этилган йигит реал шахс эканлиги ойдинлашади. Бу йигитнинг таъби назми бор, идрок ва адабий дид соҳиби, Навоийнинг назмидаги нозик маъноларни англаш қобилиятига эга. Шоирнинг атрофида бундай йигитлар кўп бўлган. Жумладан, Мирзобек исмли шоиртаъб йигит Навоийнинг энг яқин одамларидан бўлганлиги шоирнинг ўзи томонидан “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида қайд қилинган. Кўнгилдошлик, дилмаҳрамлик туйғулари уларни бирлаштиришидан қувониб, шоир ёзади:

*Эй Навоий, йигитинг назминга майл этти, севун
Ким, насиб ўлди санга соҳиби идрок йигит.*

**“БУЙЛАКИМ СОЛДИ ДАМИМ ҒАМ
ДАШТИДА ҲАР ЁНҒА ЎТ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 82-ғазал

*Ёна солди ҳажр ҳам тан, ҳам кўнгул, ҳам жонға ўт,
Солди ўт ҳижрон манга, ё Рабки, сол ҳижронға ўт.*

*Айтқай киймиш жунун мулки шаҳи заркаш либос
Кўрган эл, бу навъким тушмиш мени урёнға ўт.*

*Гўйиё бўлди қуюн ғам даштида эскан самум,
Йўқса тушти мен киби мажнуни саргардонға ўт.*

*Манзилинг эрди кўзу кўнглум, вале сен борғали
Муни су қилди харобу тушти ул вайронға ўт.*

*Мен дағи куймай қутулмоқ, эй кўнгул, мумкин эмас,
Буйлаким солди дамим ғам даштида ҳар ёнға ўт.*

*Дуди оҳим дош дудидек муравзандин чиқар,
Ё солибтур фурқатинг бу кулбайи аҳзонға ўт.*

*Гар манга ўт солди даврон ҳажридин, бас айб эмас,
Мен дағи солсам дамодам оҳ ила давронға ўт.*

*Не учун ашжордин йиғмиш ўтун, эй боғбон,
Оташин гулдин агар урмас фалак бўстонға ўт.*

*Эй Навоий, тан қолиб жонимни олиб борди ёр,
Солди ул борғанға ўт, ҳижрон вале қолғонға ўт.*

ЛУҒАТ

Ёна – яна; ёниб
Заркаш либос – зарчопон; шоҳона тўн
Урён – яланғоч
Самум – иссиқ гармсел
Дағи – яна, ҳам
Дош – катта қозон
Равзан – туйнук
Фурқат – айрилиқ
Кулбайи аҳзон – ғамхона
Ашжор – дарахтлар

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V--- -V--- -V--- -V-
-V--- -V--- -V--- -V-
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Яна ҳижрон ёна-ёна кўнглим ва тану жонимга ўт солди. Ё Раб, ҳижрон қалбимга ўт солгани каби ҳижронга ўт сол!
- Урён ва яланғоч баданимга бу нав оташ тушиб, аланга олганимни кўрган эл “жунун мулкининг шоҳи зарчопон киймиш”, деб айтади.
- Ғам даштида эсган гармсел гўё куюнга айланди. Аслида мен каби бир саргардон мажнунга ўт тушганди.
- Кўнглим ва кўзимда эди манзилинг, аммо сен кетгач, кўзимни ашким сели хароб этиб, вайрона кўнглимга ўт тушди.
- Эй кўнгил, чеккан оҳларимдан ғам даштида ҳар ёнга ўт тушди. Энди мен бу оташдан куймай қутулмоғим имкони йўқ.
- Оҳим тутуни катта қозоннинг туйнугидан чиқяптими ёки айрилиқ оташи бу ғамхона кулбасига ўт солибдими, билиб бўлмайди.
- Даврон ҳижрон оташи билан вужудимга ўт солган экан, мен ҳам ҳар замон оҳим билан давронга ўт солиб куйдирсам, айб саналмайди.
- Эй боғбон, агар фалак қип-қизил атиргулли бўстонни гулханга айлантирган бўлмаса, нега дарахтлардан шунча ўтин йиғибди?!
- Эй Навоий, ёр танимни қолдириб, жонимни олиб кетди. Ёр билан кетган жонимга у ўт солган бўлса, ҳижрон жонсиз ва ёрсиз қолган баданимга ўт солди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу ғазалда ишқ оташи самандарининг ўртанишлари, муҳаббат оташи ичида ёниб, қайта туғилишлари тараннум этилган. Ҳижрон ва айрилиқ оташи ошиқнинг бутун вужудини ўз забтига олиб, унинг ўзини бир парча оловга айлантирганки, бу оташ ҳароратидан жону кўнгил ва бадан мулкининг асл ҳолидан нишон ҳам қолмаган. Темирчининг кўрасида тобланаётган темирдек жижғанак бўлаётган ошиқнинг ҳижронни ўтда ёқиб кулга айлантириш илтижоси Ҳақ таоло даргоҳига кўкларга ўрлайди:

*Ёна солди ҳажр ҳам тан, ҳам кўнгул, ҳам жонға ўт,
Солди ўт ҳижрон манга, ё Рабки, сол ҳижронға ўт.*

Шоир “ёна” сўздан ажойиб сўз ўйини ясаган: ҳам бадан ва ҳам жону кўнгил ҳижронда қолганидан бу оташ яна ва ёна-ёна ошиқдан нишон ҳам қолдирмайдиган даражада қийнагани, азобу машаққатларнинг ниҳоясизлиги ва шиддатли таъсири “ёна” сўзи орқали ифода этилган. Иккинчи ва учинчи байтларда лирик қаҳрамоннинг ишқ жунунига гирифторлиги ишқ ўтида ёниб, тирик гулханга айланганини тасвирлаш орқали намоён бўлади. Ўрта асрларда илоҳий жазба туфайли Ҳақ йўлида девонага айланган қаландарлар совуқ пайти ҳаммом гўлаҳларининг иссиқ кули атрофида жон сақланишгани тарихий ва адабий манбалардан маълум. “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида берилишича, Абулмажид Саной – Ғазнавийлар саройининг маддоҳ шоири гўлаҳда шароб лойини ичиб юргани учун Лойхўр лақаби билан шуҳрат топган бир мажнунсифат дарвешнинг танбеҳи сабабли ғафлат уйқусидан уйғониб, Ҳақ толиблари йўлига киради ва дунёга машҳур мутасаввиф шоирлардан бирига айланади. Навоийнинг ғазалида эса, одаму оламнинг бору йўғини фаромуш айлаб, бутун борлиги ишқ ўтида ёнаётгани сабабли зар иплар билан тикилган тўн кийган шоҳлар каби оловга айланган муҳаббат мулкининг султони васф этилади:

*Айтқай киймиш жунун мулки шаҳи заркаш либос
Кўрган эл, бу навъким тушмиш мени урэнға ўт.*

*Гўйиё бўлди қуюн ғам даштида эскан самум,
Йўқса тушти мен киби мажнуни саргардонға ўт.*

Тўртинчи байтда ташбиҳи киноят, тазод ҳамда жамъу тақсим санъатлари қоришиқ ҳолатда қўлланилган. Кўз ва кўнгил биринчи мисрада бир жойда келтирилиб, иккинчи мисрада яна ажратилиши (жамъ ва тақсим), айрилиқ оқибатида ашк селидан кўз уйи вайронага айланиб, вайрон кўнгил манзилига ўт тушиши (ташбиҳи киноят), шунингдек, сув ва ўт (тазод) тимсоллари биргаликда юксак бадий санъаткорлик намунасини вужудга келтирган:

*Манзилинг эрди кўзу кўнглум, вале сен борғали
Муни су қилди харобу тушти ул вайронға ўт.*

Кейинги байтда муболағали тасвир ранглари янада қуюқлашиб, ишқ оташининг қудрати янгидан-янги баён воситалари орқали намоён бўлади. Бу оташ давроннинг ситам ва жафоларидан ҳам кучлироқ, қудратлироқ. Ишқ дардига гирифтор ошиқнинг оҳи даврон ситамлари уйига ўт солиб, кулга айлантиради. Бошқача айтганда, муҳаббат оловининг самандарига айланган кишига даврнинг ўткинчи ва муваққат қайғу-ташвишлари писанд эмас. У кўнгилдан чиққан бир оҳи билан замон ситамларини йўқ қилиши ҳеч гапмас:

*Гар манга ўт солди даврон ҳажридин, бас айб эмас,
Мен дағи солсам дамодам оҳ ила давронға ўт.*

Ишқ оташи ошиқни шунчалик ўз забтига олганки, унинг кўзига гуллаган дов-дарахтлар, яшнаган гулшан ҳам ловиллаб ёнаётган гулхан, гуллар эса бозиллаб турган чўғ каби кўрилади. Мазкур ўхшатиш яна бир Қуръоний қиссани ёдга солади: ўзини Худо деб эълон қилган золим подшоҳ – Намруд алайҳиллаъна бутларни синдирган Иброҳим алайҳиссаломни гулханда ёқишни буюради. Парвардигори оламнинг амри билан олов Иброҳим алайҳиссалом учун “салқин ва омонлик”ка айланиб, гуриллаб ёнган гулхан гулшанга айланади. Ҳақ ризосини қўлга киритган Иброҳим алайҳиссалом учун гулхан гулшанга айланган бўлса, ўз ҳолига ташлаб қўйилган Ҳақ ошиғининг назарида гуллаган бўстон гуриллаб ёнаётган гулханга ўхшайди:

*Не учун ашжордин йиғмиш ўтун, эй боғбон,
Оташин гулдин агар урмас фалак бўстонға ўт.*

Мақтаъда ҳам сўз санъаткори жамъ ва тақсим имкониятларидан фойдаланади. Бунда ёрсиз қолган баданга ҳам, ёр билан бирга кетиб, баданни тарк этган жонга ҳам ўт тушади. Баданга тушган ҳижрон ўти фано манзилига элтган бўлса, жондаги ишқ оташи бақо – мангуликнинг абадий манзилларига етказилади. Бу ўхшатма орқали шоир фано ва бақо каби мураккаб фалсафий-ирфоний тушунчаларини бадий йўсинда ифода этиб, ҳақиқий ишқ солиқни мунаввар руҳият оламига юксалтиришига ишора қилади:

*Эй Навоий, тан қолиб жонимни олиб борди ёр,
Солди ул борғанға ўт, ҳижрон вале қолғонға ўт.*

**“БУ ЧАМАН ИЧРА ХАЗОН
САРСАРИДИН САРВ КИБИ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 83-ғазал

*Ваҳки, ҳажринда жаҳон бўлди кўзумга зулумот,
Ким борур ёйқалибу қайтмас ул оби ҳаёт.*

*Зулфи оллинда бинафшаки, бошин солди қуйи,
Ани кўрмакка ҳамоно мунга мониъдур уёт.*

*Ҳаракат қилса лабинг туз тўкулуб шаҳд оқар,
Тузлуқ эл қўп, бири йўқ сен киби ширин ҳаракот.*

*Терлаган лаъли гулоб ичрамудур гул барги
Йўқса усрук кўзиму солди арақ ичра набот.*

*Кўнглум ул гулга қилиб майл, фиғонким, булбул
Орият истадиму бермади бир лаҳза қанот.*

*Бу чаман ичра хазон сарсаридин сарв киби,
Ғами йўқ тузлук ила ким киши ор этти сабот.*

*Кўр Навоийники кўнгли уйидур бутлар ила
Уйла бутхонаки, анда тўладур Лоту Манот.*

ЛУҒАТ

Зулумот – қоронғулик мамлакати

Ёйқалмоқ – чайқалмоқ; хиром айламоқ

Ҳамоно – гўёки

Шаҳд – асал, ширинлик

Тузлуқ – малоҳатли

Ширинҳаракот – хатти-ҳаракати кўнгилга хуш ёқувчи

Орият – вақтинча фойдаланиш учун омонатга олинадиган нарса

Сарсар – совуқ шамол, изғирин

Тузлук – тўғрилиқ

Сабот – қатъият, барқарорлик; қунт

Лоту Манот – жоҳилият даврида араблар сиғинадиган бутларнинг номи

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани махбуни маҳзуф

-V-- VV-- VV-- VV-

-V-- VV-- VV-- VV-

Фоилотун файлотун файлотун файлун

НАСРИЙ БАЁН

- Эвоҳ, ёрим мангу тириклик чашмасидек ёйқалиб – хиром айлаб, қайтмайдиган бўлиб кетаётганини кўриб, жаҳон унинг ҳижронида зулматистонга айланди.
- Унинг жингалак зулфи олдида бинафша бошини эгиб турибди. Гўё бинафшага зулфни кўриши учун уят монелик қилмоқда.
- Лабинг сўзлашни бошлаганида туз тўкилиб, асалдек ширин сўзлар оқар. Малоҳатлилар кўп, аммо сен каби ҳаракатлари кўнгилга хуш ёқувчи дилбар йўқ.
- Лаълдек терлаган лаблари гулоб ичидаги гул баргимми, ёки маст кўзи арақ ичига новвот солдимми?!
- Кўнглим бу гулга майл этди, аммо булбулдан омонатга бир лаҳза қанот истаганимда бермаганига фиғоним ошди.
- Кимки бу гулшан ичида сарвдек тўғрилиқни шиор этиб, ўз маслагада қатъий турса, хазоннинг совуқ шамолидан ғам чекмагай.
- Навойга қара, унинг кўнгил уйи Лот ва Манотга манзил бўлган бутхона каби бутлар билан тўлибди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Рамал баҳрининг латиф вазнида ёзилган бу ғазалнинг матлаъида ёр абадий ҳаёт бағишловчи Хизр чашмасига ўхшатилади. Унингсиз ёруғ жаҳон ошиқнинг кўзига бир қатим ҳам нур топилмайдиган зулумот ўлкасига айланади. Ёр борлигида оламдаги барча ашёларида унинг мислсиз гўзаллигидан нишонлар топиб, хурсанд бўлиб юрган ошиқ ҳижронда, аниқроғи ҳижрон зулматида қолгач, андуҳ ва ғуссалар зулматининг қомига тушади:

*Ваҳки, ҳажринда жаҳон бўлди кўзумга зулумот,
Ким борур ёйқалибу қайтмас ул оби ҳаёт.*

Иккинчи байтда ташхис билан ташбиҳи музмар санъати биргаликда қўлланилиб, ёрнинг гажак зулфи бинафшадан ҳам чиройлироқ экани васф этилади. Бинафша қуйига қараб гуллашининг боиси аслида дилбар зулфини кўргач, уялганидан ерга қараб туради, деган ажойиб ўхшатма билан шоир васф этган гўзаллик мазҳари оламда тенги йўқлигини нозик билдириб ўтган:

*Зулфи оллинда бинафшаки, бошин солди қуйи,
Ани кўрмакка ҳамоно мунга мониъдур уёт.*

Ёр агар лабини қимирлатса ҳам туз тўкилади ҳам шакар – асал оқади, дейди шоир. Бу ўхшатма орқали мутафаккир шоир илоҳий каломнинг мўъжизасини васф этгани аён бўлади. Мустамлий Бухорий “Шарҳи Таъарруф” асарида қайд қилганидек, илоҳий калом имон аҳлига мужда-хушхабар бўлса, куфр аҳли учун ёмон оқибатларнинг башоратидир. Бир вақтнинг ўзида ҳам хушхабар, ҳам ёмон оқибат башорати ўлароқ янграйдиган калом фақат ягона Илоҳга хос мўъжизадир. Бундай каломни етказувчи зот ҳам хусну малоҳатда тенгсиз бўлади:

*Ҳаракат қилса лабинг туз тўкулуб шаҳд оқар,
Тузлуқ эл кўп, бири йўқ сен киби ширинҳаракот.*

Гўзал ташбиҳлар силсиласи кейинги байтда ҳам давом этади. Хиром айлашда тенгсиз ёрнинг лаби терлаш оқибатида гулоб ичидаги гул баргига ўхшаганини кўриб, ошиқ кўнгли бу гул томонга талпинади. Аммо унга етишиш учун булбулдан қанот сўраганида муддаоси ҳосил бўлмагач, фиғони ошади. Булбул – гул васлига етишган тимсол деб фараз қилсак, ошиқ бу гулга етишмоқ учун ҳимматдан қаноти ўсмагани, ҳали гулнинг васлига муносиб даражага кўтарилмагани унинг изтиробини оширади:

*Кўнглум ул гулга қилиб майл, фиғонким, булбул
Орият истадиму бермади бир лаҳза қанот.*

Олдинги байтларда гул, булбул, бинафша каби табиат унсурларидан фойдаланган мутафаккир шоир мавъиза оҳангидаги байтни яратишда ҳам шундай образлардан фойдаланади. Унинг талқинига кўра, сарв дарахти тўғрилиқ ва дунёга боғланмасликни одат қилгани боис хазон фасли эсадиган совуқ шамолларга парво қилмасдан, ҳамиша яшнаб тургани каби тўғрилиқ ва ҳалоллик йўлида собит инсоннинг юзи дунёнинг турли бало ва офатларидан сарғаймасдан, навқиронлик ва умрбоқийлик саодатига эришади:

*Бу чаман ичра хазон сарсаридин сарв киби,
Ғами йўқ тузлук ила кимки шиор этти сабот.*

Мақтаъда Навоий ўз кўнглини Лот ва Манот манзил тутган бутхонага ўхшатади. Ислом тарихидан маълумки, жоҳилият замонида Иброҳим Халилуллоҳ замонида бунёд этилган Каъба уйи Лот, Манот, Уззо каби бутларга сиғинадиган мушрикларнинг ибодатхонасига айланган. Охирзамон пайғамбари даврига келиб, Каъба уйи ўз аслига қайтиб, Лот ва Манот бутлари синдириб ташланади. Мўминнинг қалби – Ҳақ назаргоҳи, Аллоҳ таолонинг Арши аълоси. “Ҳайрат ул-аброр” да кўнгил таърифига бағишланган бобда кўнгил ҳаттоки Каъбадан ҳам устун қўйилади:

*Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоққи, кўнгул Каъбаси.*

Аммо мана шундай табаррук ва покиза маконни турли ҳою-ҳаваслар, ўткинчи нарсалар муҳаббатининг маконига айлантирган одамларнинг кўнгли Лот ва Манот манзилига айланган жоҳилият давридаги Каъбага ўхшаб қолади. Бундай кўнгилдаги бутларни синдириб, асл ҳолига, яъни Ҳақ нури жилва қилувчи муқаддас маконга айлантириш учун маънавий раҳнамо имдоди керак бўлади. Навоий ўз нуқсини исбот айлаган комил инсон сифатида кўнглини шундай ҳаваслардан пок туришини истаган ҳолда ғазални тугаллайди:

*Кўр Навоийники кўнгли уйдур бутлар ила
Уйла бутхонаки, анда тўладур Лоту Манот.*

**“КЎНГУЛ ОТЛИҒ ҲАЖР ВОДИЙСИДА
БАДНОМИМҒА АЙТ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 84-ғазал

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт.
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.
Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,
Базми айш ичра лаболаб бодашомимға айт.
Ком талху бода захру ашк рангин бўлғанин,
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимға айт.
Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди деб,
Сўрмағил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимға айт.
Ул парий ҳажрида нангу номким, тарк айладим,
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсида бадномимға айт.
Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,
Шама раҳмат партави еткайму анжомимға, айт.
Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини зинҳорким, кўрсанг, дилоромимға айт.*

ЛУҒАТ

*Сунбул – гуллари ҳалқа-ҳалқа бўлиб очиладиган бир нав ўсимлик
Бодашом – шароб ичувчи
Ком – оғиз, танглай
Худком – ўзбошимча
Рўзгор – ҳаёт
Тийра – қоронғу, зулмат
Нангу ном – обрў-эътибор
Кароматгўй – башоратчи, ғайб оламидан хабардор
Оғоз – ибтидо, бошланиш
Партав – ёғду
Анжом – охир, оқибат
Бедил – ошиқ*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

*Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V--
-V-- -V-- -V-- -V--
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

НАСРИЙ БАЁН

• Эй тонг насими, аҳволимни зулфи сунбулдек ҳалқа-ҳалқа, юзи гулдек чиройли, қомати сарвдек расо дилоромимға етказ.

- Лаъл каби чиройли лаби ҳижронида ҳар лаҳзада қон ютишимни шодлик базмида жомни тўлдириб май ичувчи ёримга айт.
- Оғзим – аччиқ, шаробим – заҳар, кўз ёшим қонли бўлганини лаби ширин, сўзлари ёқимли ўзбошимча шўхимга хабар бер.
- Мендан нега ҳаётингни ҳижрон шоми зулматга айлантирди деб сўрама, буни тонги йўқ шомимдан сўра.
- Ул пари ҳижронида обрў-эътибордан нега воз кечганимнинг сабабини ҳижрон водийсида саргардон кўнглимдан сўрагин.
- Эй кароматгўй, ишимнинг ибтидоси исён эди. Раҳмат шамъининг ёғдуси оқибатимни ёритадими, шундан гапир.
- Эй дўст, Навоий дилоромидан айро қолган бўлса ҳамки ғам ичра эмас. Зинҳор, агар дилоромимни кўрсанг, унинг аҳволидан хабар бер. Эй дўст, Навоий дилором ёрсиз қайғу-ғам ичра қолди. Башарти, ўша дилоромни кўрсанг, хароб аҳволимдан унга хабар бер.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

“Ҳазойин ул-маоний” лирик асарлар куллиётидаги ҳар бир девоннинг архитектуроникаси ҳам ғоят мустақкам бўлиб, девонлардаги ғазаллар адади, қофия ва радифдаги мутаносибликлар каби масалаларда ҳам намоён бўлади. Жумладан, “алиф” туркумидаги ғазаллар тўртала девонга 39 тадан тақсимланган. Шоир ягона вазн ва қофиялар туркумида бир нечта ғазал ёзиб, уларни турли девонларга жойлаштиргани ҳам кўзга ташланади. Ягона мавзуда бир хил вазн ва қофия қўллаган ҳолда бир нечта оригинал асар ярата олиш фақат улуг сўз санъаткорларининг қўлидан келади. Мазкур ғазалга ўхшаш яна иккита ғазал борки, улар “Наводир уш-шабоб” ҳамда “Фавоид ул-кибар” девонларидан ўрин олган бўлиб, қуйидаги матлаълар билан бошланади:

*Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.*

(“Наводир уш-шабоб”, 85-ғазал)

*Эй кўнгул, кўйда аҳволимни жононимға айт,
Ўлмакимни меҳнати ҳижронида жонимға айт.*

(“Фавоид ул-кибар”, 81-ғазал)

Кейинги девонлардаги ғазалларда сабо ва кўнгилга мурожаат қилинган бўлса, таҳлил қилаётганимиз ғазалда тонг насимига хитоб этилади. Тонг насими – қуёш чиқишидан олдин эсадиган енгил шабада, тун ва кун алмашиши пайтидаги талош палласи. Қоронғу кеча чекиниб, янги кун бошланишидан дарак берувчи бу насим асрлар давомида адабиётда мустақкам ўрин эгаллаган тимсоллардан ҳисобланади. Ҳижрон зулматида қолган ошиқ шу қадар бекасу бечораки, тонг насимидан ўзга ҳамдард ва мушфиқ дўсти қолмаган. Қолаверса, ишқ шарофати туфайли ошиқлар табиат билан сирдош ва марҳам бўлиши ҳам табиий. Сулаймон алайҳиссалом тахтини бир нафасда истаган жойига элтадиган шамол, Мусо алайҳиссалом қавмига йўл очиб берган ва Фиръавни ҳалок этган Нил дарёси, Фарҳоду Мажнунлар билан дўсту қадрдон жайронлар ва даррандалар... буларнинг барчаси ишқ қудратидан нишона. Ишқ инсонни шарафлайди, уни оламдаги барча мавжудот наздида азиз ва мукаррам этади. Бундай мақомга муҳаббат синовларига бардош бериб, кўнглини барча ёмонлик ва ёвузликлардан поклаган зотлар эришади.

Ана шундай покиза неъмат билан сийланган ошиқ тилидан тонг насимига мурожаат қилиб, шоир айтади:

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт.
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.*

Кейинги икки байтида шоир тазод ва муқобала санъатини қўллаган ҳолда ўзининг аҳволи ва дилоромининг сифатларини қаршилантиради. Маҳбубанинг ҳожатсизлиги, бепарволиги ва ноз-истиғноси қанчалик кўп бўлса, ошиқнинг аҳволи шунчалик забун ва афтода эканини ушбу тазодлардан билиш мумкин: ошиқ қон ютса – маъшуқа базмда шароб ичади; ошиқ ўлим талвасасига тушган кишидек оғзи аччиқ, шароб – заҳар, кўз ёшлари қонли бўлишига маъшуқанинг ширин лаби, чиройли сўзлари, ўзбошимчалиги сабабчи:

*Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,
Базми айш ичра лаболаб бодашомимға айт.*

*Ком – талху бода –заҳру ашк –рангин бўлганин,
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимға айт.*

Бундай қуюқ тасвирлар кейинги икки байтда ҳам давом эттирилиб, ҳижроннинг узун кечасида ошиқнинг чеккан азоб ва машаққатлари, кўнгилнинг раъйига қараб обрў-эътибор ва орият-номусдан воз кечгани сабаб бадном бўлишлари қаламга олинади. Ишқ йўлида амал ва мартаба, обрў-эътибор, иззат ва шухратнинг барчаси бекор. Булардан ёр ризоси йўлида воз кечмаган киши муҳаббат даъвосини қила олмайди. Аммо ақл эгалари насиҳат йўли билан ошиқларни бу йўлдан қайтармоқчи бўладилар. Ҳолбуки, муҳаббат гавҳари – руҳлар ўз Парвардигорига имон келтирган мисоқ кунда ҳар бир кишининг фитратига жойланган. Кимдир бу гавҳарни парваришлаб, камолга етказди, кимдир кўнглида шундай бебаҳо гавҳар борлигидан беҳабар ҳолда яшайверади.

Умидворлик ва илтижо оҳанги олтинчи байтда келиб хавотир ва хавфга эврилади. Ошиқ шунчалик забун ҳолга тушгани билан маҳбубаси унинг қилмишларидан мамнун бўлиб, раҳмат ва мағфират кўзи билан қарайдими-йўқми, бу ҳали қоронғу. Кундалик ҳаётда ҳам, охираш ишларида ҳам Ёрнинг фазлу марҳамати бўлмаса, барча интилиш ва иштиёқлар беҳуда кетиши ҳам мумкин. Қолаверса, амалларнинг оқибатига қараб баҳо берилади:

*Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,
Шами раҳмат партави еткайму анжомимға, айт.*

Ишқ дарди бошқа ғам-ғуссаларни йўқ қилиш қудратига эга. Ўз дилоромидан айро қолган бўлса ҳамки, ишқ дарди дардсизлик дардидан қутқаргани, ўзга ташвишлар чекингани сабабли ҳам ошиқнинг кўнглида сурур ва шукроналикни пайдо қилган. Шу сабабдан, рафиқ – дўстига айланган тонг насими ҳар қандай ҳолда ҳам ошиқ ўз ёридан рози ва хушнуд эканини етказишини сўраб, шоир ғазалини яқунлайди:

*Йўқ Навоий бедилороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини зинҳорким, кўрсанг дилоромимға айт.*

**“ЎТ АГАР ИТСА ЖАҲОНДИН, ОҲИМ ЎЛСА,
ҒАМ ЭМАС...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 85-ғазал

*Хирмани рухсориға солмиш майи гулнори ўт,
Ўйлаким, гул хирманиға оташин рухсори ўт.*

*Ҳажр шоми ғам сипоҳин кўрки, кўнглум даштида
Не ёқибдурлар черик тушган киби ҳар сори ўт.*

*Ўт агар итса жаҳондин, оҳим ўлса, ғам эмас,
Етқурай бир дамда юз аввалғи ўт миқдори ўт.*

*Ғар ҳарорат мужибии эрмас чучуклук, бас недур
Ҳар замон жонимға солмоқ лағли ширинкори ўт.*

*Фўтаи зарбафт эмас ул шўхи рағно бошида,
Ким аён қилди узори тобидин дастори ўт.*

*Май батининг кўр нишот афзолиғин ҳузн аҳлиға
Ким, сочар суҳбатни гарм айлар учун минқори ўт.*

*Ғар Навоий ўхшатур кўкни тутунга, айб эмас,
Чун булутқа урмиш онинг оҳи оташбори ўт.*

ЛУҒАТ

Гулнор – қизил, оловранг

Рухсор – юз, ёноқ

Сипоҳ – кўшин

Черик – кўшин

Итмоқ – йўқолмоқ

Мужиб – сабаб

Ширинкор – ўз ишига уста, моҳир

Фўта – салла

Зарбафт – зарбоф

Узор – қизилликка мойил ёноқ

Тоб – 1. Ҳарорат, иссиқлик; 2. Ўрам, эшилма

Дастор – салла

Май бати – ўрдак шаклидаги шароб қадаҳи

Нишотафзо – шодликни кўпайтирувчи

Ҳузн аҳли – ғамгин ва маҳзун кишилар

Гарм – иссиқ

Минқор – тумшуқ

Оташбор – ўт сочувчи

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Ёрнинг оташин рухсори гул чаманзорига ўт солгани каби, оловранг шароб ёр чехрасининг хирмонига ўт солди.
- Овга чиққан лашкар қамишзорга ўт қўйганидек ҳижрон шомиди қайғу қўшинини ҳам кўнглим даштини ҳар томондан қуршаб олиб, ўт қўйибди.
- Агар олов жаҳондан йўқолиб қолгудек бўлса ҳам, ҳечқиси йўқ. Оҳим билан бир дамда олдингидан ҳам юз карра кўпроқ ўт пайдо қиламан.
- Агар ширинлик ҳарорат ва иссиқлик сабаби бўлмаса, нега ўз ишига моҳир ширин лаби ҳар лаҳзада жонимга ўт солмоқда?
- Ул гўзал шўхнинг бошида зарбоф салла эмас, балки оловдай алвон чехрасининг ҳароратидан салласи олов ранг касб этган.
- Ўрдак шаклидаги қадаҳнинг қайғуга ботган кишиларнинг шодлигини оширувчи хосиятига қара. Суҳбатни қизитиш учун унинг тумшуғидан гўёки ўт сочилмоқда.
- Агар Навоий осмонни тутунга ўхшатса, айб эмас, чунки унинг олов сочувчи оҳи булутларга кучли таъсир қилган.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

“Ўт” радифли олдинги ғазалда ҳижрон оташининг шиддати ҳақида сўз юритилган бўлса, бу ғазал матлаъидан маҳбубанинг шаробдан қизарган чехраси васф этилади. Байтдаги талқинга кўра, ёрнинг ёноғи шароб таъсиридан шундай қизарганки, бўстондаги гуллар бу рангни кўриб, рашк ва ҳавасдан ёниб кетган:

*Хирмани рухсориға солмиш майи гулнори ўт,
Ўйлаким, гул хирманиға оташин рухсори ўт.*

Матлаъда шаробнинг оташи ҳақида сўз кетган бўлса, иккинчи байтда бошқа бир олов – ҳижрон ўти ҳақида сўз боради. Зиёфат базмида ичилган шароб ёрнинг хуснига хусн қўшиб, гулзор рашкини келтирадиган даражада гўзаллаштирган бўлса, ғам лашкари ошиқнинг кўнгил даштига от суриб, ҳар томонидан ўт солган. Ов пайти ўлжани ихоталаш учун тўқайзорга ўт қўйиб, сайдни ташқарига чиқишга мажбурлаш ҳийласи тасвирни янада жонли ва таъсирчан бўлишига хизмат қилган:

*Ҳажр шоми ғам сипоҳин кўрки, кўнглум даштида
Не ёқибдурлар черик тушган киби ҳар сори ўт.*

Ишқ оташи қалбимда муқим ўрнашиб, шу даражада алангалатганки, мабодо оламда олов унсури йўқ бўлиб қолгудек бўлса, кўнгилдан чиққан бир оҳим оламдаги жамий-

ки оловлардан ҳам ҳароратлироқ бўлиб чиқади, дейди шоир. Ушбу муболағали тасвир орқали олов унсурунинг асл манбаи ишқ аҳлининг кўнглида эканига ҳам нозик ишора бор:

*Ўт агар итса жаҳондин, оҳим ўлса, ғам эмас,
Етқурай бир дамда юз аввалғи ўт миқдори ўт.*

Тўртинчи байтда ширинлик ўз табиатига кўра иссиқ мижозда эканини инобатга олган ҳолда, шоир янги поэтик лавҳа чизади. Ёрнинг ширин лабидан чиққан ширин сўзлар унинг жонига ўт солиши беҳуда эмас. Хожа Абдуллоҳ Ансорийга кўра, оламлар Парвардигори Қуръони Каримда олти хил оловни зикр этган: 1) манфаатли олов; 2) хорлик оташи; 3) уқубат оташи; 4) каромат оташи; 5) тириклик ўти; 6) маърифат ва ҳидоят оташи.

Ансорийнинг талқинига кўра, барча одамлар манфаатли оловдан фойдаланадилар. Кофирлар уқубат ўти боис азобга учрадилар. Иблис хорлик оташидан лаънатга учради. Иброҳим каромат ўтидан омонлик топди. Зулқарнайн тириклик ўтидан валийлик мақомига эришди. Мусо эса маърифат ва ҳидоят оловидан яқинлик ва қурбатга етишди.

Мазкур таснифни байтда татбиқ этадиган бўлсак, ёрнинг ширин лаби туфайли ошиқнинг ичини ёндириб юборган ўт маърифат ва ҳидоят олови бўлиб чиқади:

*Ҳар ҳарорат мужиби эрмас чучуклук, бас недур
Ҳар замон жонимға солмоқ лаъли ширинкори ўт.*

Кейинги уч байтда ҳам олдинги байтларда васф этилган уч хил оташ – шароб оташи, хусн оташи ва ҳижрон оташи ҳақида сўз юритилади. Шароб оташи хуснни зиёда этса, хусн оташи иштиёқ ва беқарорликни, ҳижрон ўти эса ошиқнинг дардини оширади. Бир сўз билан айтганда, ишқ, ошиқ ва маъшуқ ўз моҳиятига кўра ягона экани ўт тимсоли орқали ифода этилган.

**“ЭЛГА ЎТ СОЛДИНГ,
ВАЛЕ МЕН НОТАВОНГА ТУШТИ ЎТ..”**

«Ғаройиб ус сиғар», 86-ғазал

*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонға тушти ўт,
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонға тушти ўт.*

*Дедилар: эл хонумонин ўртар ул рухсор ўти,
Бу сўз эшиткач мени бехонумонға тушти ўт.*

*Оразингнинг ламъаси куйдурди сабрим хайлини,
Барқи офат чоқилиб ул корвонға тушти ўт.*

*Ўқларинг кўнглумга тушкач куйди ҳам кўз, ҳам бадан
Ким, куюр ўлу қуруғ чун найситонға тушти ўт.*

*Совуруб гул хонумонинму қуюн рангин экин,
Ё фалак бедодидин сарви равонға тушти ўт?*

*Куйдум ул дамким, юз очдинг халқни куйдургали,
Элга ўт солдинг, вале мен нотапонға тушти ўт.*

*Эй Навоий, билки оҳе чекмишам беихтиёр,
Десаларким, бешайи Мозандаронға тушти ўт!*

ЛУҒАТ

*Шафақ – кун чиқиш ё кун ботиш пайтида уфқда ҳосил бўладиган қизиллик
Қироқ – чекка, чегара, ҳад
Бехонумон – дарбадар, бекас
Ораз – юз, чеҳра
Ламъа – порлаш
Хайл – гуруҳ, тўда; кўшин
Барқ – чақмоқ
Ўл – ҳўл
Найситон – қамишзор
Қуюн – қаттиқ уюрмали шамол
Бедод – зулм
Вале – аммо, лекин
Нотапон – бечора
Беша – ўрмон*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V--- -V--- -V--- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Бу алвон чаманзор лолазор эмас, балки оҳимдан жаҳонга ўт тушди. Уфқда кўринаётган қизиллик шафақ эмас, балки бир чеккадан осмонга ўт тушибди.
- Ул оловдек қизил чеҳра улуснинг уйини кўйдиради, дедилар. Бу сўзни эшитгач мен – дарбадар ва бенавонинг вужудига ўт тушди.
- Юзингнинг шуъласи сабрим кўшинини кўйдириб ҳалок этди. Гўёки офат чақини чақилиб, бу корвонга ўт тушди.
- Ишқинг ўқлари кўнглимга тушиб, ҳам кўзни, ҳам баданни кўйдирди. Зотан, қамишзорга ўт тушгач, хўлу қуруқ баравар ёнади.
- Қуюн қизил рангга кирибди. Гулларни совурдими, ёки фалакнинг жабру зулмидан сарвга ўт тушдими?
- Халқни кўйдириш учун юзингни очганинг пайтида куйиб адо бўлдим. Сен элга ўт солдинг, аммо мен бечора ёниб адо бўлдим.
- Эй Навоий, агар Мозандарон ўрмонига ўт тушди десалар, билки беихтиёр бир оташин оҳ чекмишмен.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

“Девони Фоний”нинг иккита ғазали “оташ” радифи билан тугалланган бўлиб, булардан 327-ғазалга “Мухтараъ” (оригинал) деб сарлавҳа қўйилган. Маълум бўладики, форс–тожик мумтоз адабиётининг Навоийгача бўлган даврида мазкур радифда ғазал яратилмаган. Шунингдек, сарлавҳасиз келган 318-рақамли ғазални ҳам мухтараъ ғазал сифатида баҳолаб, Навоий – Фонийнинг оригинал ғазалларининг умумий миқдори 95 тамас, балки 96 та деб ҳисоблаш тўғри бўлади.

Фонийнинг мазкур ғазалларида гулистон, он, осмон, ниҳон (327-ғазал), муғон, хонумон, ногаҳон (318-ғазал) каби сўзлар туркуми ёрдамида байтлар ўзаро қофияланган. “Ғаройиб ус-сиғар”даги қуйидаги ғазалда ҳам айнан шу қофиядош сўзлар туркумидан фойдаланилган:

*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушти ўт,
Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушти ўт.*

Матлаъда шоир муболаға ва ташбеҳ воситасида ҳаётини манзарани – шомга яқин пайтда осмондаги шафақ ва чўғдай ёниб турган лолазорни тасвирлай туриб, уни ўзига ўхшаш, лекин алоқаси бўлмаган ошиқнинг аҳволи билан қиёслайди ва шу орқали бадиий нутқни янада гўзал ва таъсирчан бўлишига эришади. Тасвир ва ифоданинг бундай усули зоҳиран хусни таълилга ўхшаш бўлса-да, бадиъ илмида алоҳида санъат – тафреъ санъати деб юритилади. Инкор воситасида муболағали ташбеҳни янада кучайтиришга асосланган мазкур маънавий санъат байтда маҳорат билан қўлланилиб, шоҳбайт даражасига кўтарилишига хизмат қилган.

Иккинчи байтда тазодунсурлари етакчилик қилса, (хонумон – бехонумон), учинчи байтда истиора ва ташбиҳи музмар тамсил санъати билан биргаликда қўлланилиб, маҳобатли тасвирлар шоирнинг тахайюл олами нақадар чексизлигини намоён этган. Тўртинчи байтда

эса, “ўрмонга ўт тушса, хўлу қуруқ баравар ёнади” мазмунидаги мақолдан маҳорат билан фойдаланиб, ижтимоий-ахлоқий мазмундаги мақолга ишқий-романтик маънони юклашга эришилган:

*Ўқларинг кўнглумга тушкач куйди ҳам кўз, ҳам бадан
Ким, куяр ўлу қуруғ чун найситонға тушти ўт.*

Матлаъда қўлланилган тафреъ санъатининг янги намунасини бешинчи байтда учратиш мумкин. Ишқ водийсидаги уюрма қизил рангда бўлганини кўриб, бу водийнинг саргардони қуюннинг қизиллиги чаман гулларининг шамолга совурилганиданми, ёки сарв дарахтининг ёниб кетганиданми, билолмай ҳайрон. Ўқувчи бундай муболағали тасвирдан ҳайратга тушиб, уни бадиият намунаси ўлароқ қабул қилади ҳамда муболағали ташбеҳнинг фавқулодда оҳорли ва гўзаллигидан завқланиб, шоирнинг беқиёс маҳоратига қойил қолади:

*Совуруб гул хонумонинму қуюн рангин экин,
Ё фалак бедодидин сарви равонға тушти ўт?*

Навоий мақтаъда Мозандароннинг қуюқ ўрмонзорига ўт тушгудек бўлса, бу ўтнинг сабаби беихтиёр чеккан оҳи эканлигини қайд этиб ғазалга якун ясайди. Мозандарон Астарободнинг музофоти эканини ҳисобга олсак, мазкур байт ҳасби ҳол йўсинида ёзилган бўлиб, шоир ғариблик ва айрилиқда чеккан азоблари ушбу ғазалнинг дунёга келишига сабаб бўлган, деб тахмин қилиш учун асос бўлади:

*Эй Навоий, билки оҳе чекмишам беихтиёр,
Десаларким, бешайи Мозандаронға тушти ўт!*

**“ДОМДИН ЙЎҚ ЧОРАСИ ҲАР ҚУШКИ,
БЎЛҒАЙ ДОНАДЎСТ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 87-ғазал

*Войким, душмандек ўлди аҳдидин бегона дўст,
Душманим ўлтурса, аҳд эттимки, тутмай ёна дўст.*

*Соғаримда захру саҳро узра пўям шиддатин
Билмас улким, бор анга ҳамкосаву ҳамхона дўст.*

*Жон қуши ўртанди севгач ёрнинг ўтлуғ юзин,
Найлагай куймай, чу бўлғай шамъ ила парвона дўст.*

*Водийи ҳижронда ағёриға ёр ўлдум, не тонг,
Гар бўлур ғули биёбоний била девона дўст.*

*Дўстлуқ жонондин истармен, манга олам эли
Душмани жон бўлса бўлсун, бор эса жонона дўст.*

*Аҳли дин паймоншикандур, қилса бўлмас дўстлуқ,
Бас манга муғ дайрида улким, тутар паймона, дўст.*

*Зулфиға тушса Навоий холи шавқидин, не тонг,
Домдин йўқ чораси ҳар қушки, бўлғай донадўст.*

ЛУҒАТ

Ёна – яна

Пўя – қадам

Ағёр – ўзга, ғайр, душман

Не тонг – не ажаб

Ғули биёбоний – саҳро жини

Паймоншикан – аҳдни бузувчи

Муғ дайри – зардуштийлар ибодатхонаси; маж.: маърифат майхонаси

Донадўст – донни яхши қўрувчи; очқўз

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Э воҳ, дўстим душманлар каби аҳдидан қайтди. Аҳд қилдимки, агар душманим ўлдирса ҳамки, бошқа дўст тутмагайман.
- Кимки дўсти билан улфат ва хонадош бўлса, менинг қадаҳимдаги заҳар ва саҳрода ёлғиз кезишимнинг шиддат ва машаққатини билмайди.
- Ёрнинг ўтли юзини севгач, жоним қуши куйиб-ўртанди. Ахир, парвона шамъ билан дўст тутингандан сўнг куймай нима қилсин?!
- Ҳижрон водийсида ундан бегоналарга ёр бўлдим. Зотан, девона саҳро жини билан дўст тутинса, ажаб эмас.
- Мен жонондан истайманки, агар у жонона дўст бўлса, бутун олам жоним душмани бўлишига ҳам розиман.
- Дин аҳли ўз аҳдини бузувчилардир, улар билан дўстлик қилиш даргумон, менга муғ дайрида ким жом тутса, ўша дўст бўлар.
- Навоий ёр холининг шавқидан унинг зулфи домига илинса ажабмас, негаки донга ўч кушнинг тузоққа тушишдан ўзга чораси йўқ.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоий ғазалларида фалак ғамхонаси ва даврон аҳлидан чеккан жабру жафолари энг қуюқ ранглар ва қалтис ташбихларда ифода этилган. Улуғ мутафаккир нозик ва ҳассос қалб соҳиби бўлгани сабабли, бошқалар учун одатий ҳолга айланиб бўлган бевафоликлар, сотқинликлар, субутсизликларни жуда оғир қабул қилган. Бинобарин, унинг деярли ҳар бир ғазалида қайғули сатрларни учратиш мумкин. Бошқача ҳам бўлиши мумкинмас. Ҳар лаҳзада турли қиёфага кирадиган фалакнинг буқаламунлиги, қора қуюндек босқин уюштириб турадиган ташвишлар лашкари, номард замона аҳлининг номардликларини кўра-била туриб, фақат шодлик ва тўқислик тараннум этиш маънавий шабкўрликдан бошқа нарса эмас.

Айни пайтда, Навоийнинг бундай “шикоят изҳори”да кўнгилларни яқинлаштирувчи назокат ва самимийлик борки, ўқиган одам беихтиёр шоир ва ўзи ўртасидаги замон ва макон фосилаларини унутиб, дардқашлик ҳиссини туяди, унинг ғуссаларига шерик бўлади. Жумладан, таҳлил этилаётган ғазалда ўз аҳдига содиқ қолмасдан, душман ишини қилган дўстдан ранжиган шоир энди душман қўлидан ҳалок бўлса ҳамки, дўст тутишни хаёлига келтирмаслигини қуйидагича ифодалаган:

*Войким, душмандек ўлди аҳдидин бегона дўст,
Душманим ўлтурса, аҳд эттимки, тутмай ёна дўст.*

Мумтоз адабиётда дўст тимсоли ўртоқ, севиқли ёр, пири комил, Аллоҳ таоло ва унинг расули маъноларини ифодалашга хизмат қилади. Мазкур ғазалда шоирнинг мухотаби – мурожаат қилган шахс мавжуд инсон бўлиб, бу байтлардан ирфоний маъноларни қидириш зўракилик ҳисобланади. Негаки, Аллоҳ ва унинг йўлидаги кимсаларга бевафолик ва сотқинликни нисбат бериб бўлмайди. Навоийга жафо қилаётган кимса – шунчаки таниш ёки кундалик муносабатдан нарига ўтмаган таниш эмас, балки у билан бир хонада яшаб, бир косада таом еган кишилардек яқин ва қарин бўлган азиз инсон. Шундай қалин дўстликни андиша қилмай, аҳдига вафо қилмаган кишидан узоқлашишни ихтиёр этган одамнинг ичгани заҳар, макони кимсасиз саҳро бўлади. Дўст хиёнати оғудан ҳам қаттол, нокасликлари бекаслиқдан ҳам оғир ва шиддатли:

*Соғаримда захру сахро узра пўям шиддатин
Билмас улким, бор анга ҳамкосаву ҳамхона дўст.*

Шоирга нисбатан ким ва қачон қаерда ноҳақлик қилгани маълум эмас. Аслида бунинг унчалик аҳамияти ҳам йўқ. Навоий учун дўстлик шартига риоя этмаганнинг кимлигини ошкор этишдан кўра, поклик ва тўғрилиқни истаган ҳолда ушбу ришта узилгандан кейин садоқатли инсонлар қалбидаги изтироб ва қийноқларни ифода этиш муҳимроқ. Шунинг учун кейинги байтда дўстнинг иссиқ юзини кўрганида жон қуши ўртангани, бу ҳолат шам билан парвона ўртасидаги иштиёққа ўхшаш эканлигини баён этади. Булар ҳижрон водийсида ёрнинг кимлигидан беҳабар, нодон ва саҳройи кимсалар билан дўст тутинган ошиқ айрилиқ отабини пасайтирмақ учун қилинган беҳуда ва девонавор уринишларидир. Инсон ҳаммадан қочиб кетиши мумкин, аммо ўзидан қочиб қаерга ҳам борарди?! Дўстдан ранжиб саҳрога юз тутган инсон ҳам барибир хаёлидан, фикру зикридан уни чиқариб ташлаёлмайди. Дўстни унутиш учун уриниш – жунуни қўзғаб, саҳро жинлари билан дўст тутинган девона каби иш қилмоқдир:

*Водийи ҳижронда ағёриға ёр ўлдум, не тонг,
Гар бўлур ғули биёбоний била девона дўст.*

Фоний оламдаги муносабатлар ҳам субутсиз, бебақо бўлади. Шу сабабли, олам аҳли билан қилинган дўстлик ҳам, душманлик ҳам – муваққат. Боқий дўстлик фақат жон ичидаги жонон – Ҳақ таоло ҳузурида. Аллоҳ шундай Дўстки, намрудлар ёққан гулханни яшнаб турган гулшанга айлантиради, унинг амри билан дарёлар дўстлари учун очиқ йўл, душманларига ҳалокат маскани бўлади, балиқнинг қорни севган бандаси учун саждагоҳга айланади... Бу дўстликка эришган инсон бутун олам душманлигига ҳам парво қилмайди. Мансур Ҳаллож айтишича, Ҳақ таоло агар кимнидир дўст тутса, гоҳида олам элини унинг душманига айлантиради. Аммо ҳақиқий дўстлик шаробидан сармаст одам бунга асло парво қилмайди:

*Дўстлуқ жонондин истармен, манга олам эли
Душмани жон бўлса бўлсун, бор эса жонона дўст.*

Олтинчи байтда дин аҳлининг “паймоншикан” лиги – ўз ваъдасида турмаслиги, уларни ёр тутиб бўлмаслигини таъкидлаб, муғ кўйида унга бир қадаҳ шароб тутган кишини ўзига дўст тутмоқчи эканлигини билдиради. Бу билан шоир нима демоқчи? Дин аҳли, яъни зуҳд ва тақвони шариат ҳукмига мос равишда маҳкам тутиб, унга амал қилувчилар нега ўз аҳдларида турмайдилар? Нега муғ дайрида май берувчилар, яъни сўфийлар мажлисида маърифат тутганларда вафо ва дўстлик бор?

Саъдий Шерозийнинг бир қитъасида шундай ҳикоят қилинади: кўнгли огоҳ бир зот мадрасани тарк этиб, хонақоҳ аҳлининг ҳалқасига қўшилади. Шайх Саъдий бунинг сабабини сўраганида, донишманд шундай жавоб беради:

Мадраса аҳли умр дарёсидан ўзлари эмин ўтиш фикридадирлар, хонақоҳ аҳли эса чўкаётган одамларни кутқаришни ҳаёт маслагига деб биладилар.

Фақат ўз омонлигини ўйламай, бошқа инсонлар тақдирига ҳам қайғуриб, уларни маърифат ва муҳаббат шаробидан баҳраманд қилиш, бошқаларнинг муроди ҳосил бўлишини ўз саодати калити деб ҳисоблаш, ўзига хуш келган нарсани бошқаларга ҳам беминнат ула-

шиш – дўстликнинг гўзал намунасидир. Бундай дўстликни Навоий ишқ ва ирфон аҳли орасидан топган:

*Аҳли дин паймоншикандур, қилса бўлмас дўстлуқ,
Бас манга муғ дайрида улким, тутар паймона, дўст.*

Мақтаъда ёр зулфини тузоққа, холини тузоқ ичидаги донга ўхшатиб, Навоий кўнгил қуши ёр зулфига қандай банди бўлишини шоирона лутф билан ифода этган. Шоир зулф – моддий дунё тимсоли, хол – илоҳий сир-асрор тимсоли эканлигини айтarkan, илоҳий сирларни англаш йўлида чуқурлашиб кетиш моддий дунё ташвишларига асир бўлиш, асл моҳиятдан узоқлашиш хавфи ҳар бир инсон йўлидаги тузоқ эканини ҳам таъкидлаб ўтади. Натижада, ҳам ишқий, ҳам тарбиявий мазмундаги байт ғазалга яқун ясаган:

*Зулфиға тушса Навоий холи шавқидин не тонг,
Домдин йўқ чораси ҳар қушки, бўлғай донадўст.*

Худди шу маъно Ҳофиз Шерозийнинг “дўст” радибли ғазалининг қуйидаги байтида ифода этилган:

*Зулфи ў дом асту холаш донаи он дому ман
Бар умеди донae афтодаам дар доми дўст.*

(Маъноси: Унинг зулфи тузоқ, холи эса ўша тузоқдаги дондир. Мен дон умиди ва илинжида унинг тузоғига тушганман).

Бинобарин, бу ғазалнинг яралишига Ҳофиз Шерозийнинг шу радифдаги шеъри илҳом манбаи ва тажриба мактаби бўлиб хизмат қилган. Бу икки ғазални қиёсий таҳлил қилиш кўплаб янги далиллар аниқланишига хизмат қилади, деган умиддамиз.

**“КИМ БУ ЯНГЛИҒ МЕНИ МАСТ ЭТГАН
ЭРУР ЖОМИ АЛАСТ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 88-ғазал

*Бош қўярмен куп аёғинда май ичсам пайваст,
Қани муғ дайрида мендек яна бир бодапараст?*

*Ҳажридин токи қўнгул синди оқар турмай қон,
Шишадекким, тўкулур бодаси чун топти шикаст.*

*Дин ҳавас айласам, ўлтурмангиз, эй муғбачалар,
Ким бурун тавба ушатқан куни бўлмишмен маст.*

*Мену майхонаки соқию муғанний қилмиш
Чанг зулфию тараб соғари бирла побаст.*

*Жоҳ базми аро саркашлик ила топма ғурур
Ким, бўлур буйла бийиклар яна бир жом ила паст.*

*Йўқ ҳарифеки, фано даштида қўллар тутушиб,
Бўлса йўл қатъида ҳампой мангаву ҳамдаст.*

*Мени усрук қўрубон жомим ушатма, эй шайх
Ким, бу янглиғ мени маст этган эрур жоми аласт.*

*Селдин томға нишаст ўлғанидек, дайр ичра
Бода селобидин ўлди мени вайронға нишаст.*

*Ғарқи май бўлди Навоию эрур уйла заиф
Ким, суроҳий қилидин солса бўлур бўғзиға шаст.*

ЛУҒАТ

Куп – кўза, хум

Пайваст – узлуксиз, доим

Шикаст – синиш

Муғанний – созанда

Тараб – шодлик

Соғар – қадаҳ

Побаст – оёғи боғланган, гирифтор

Жоҳ – мартаба, амал

Бийик – баланд

Ҳампой – сафардош

Ҳамдаст – маслакдош

Усрук – маст

Нишаст – ўриндиқ

Суроҳий – май шишаси
Шаст – қармоқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани махбуни мақсур

–V-- VV-- VV-- VV~

–V-- VV-- VV-- VV~

Фоилотун файлотун файлотун файлон

НАСРИЙ БАЁН

• Тинимсиз май ичганимдан шароб хуми пойига бошимни қўяман. Муғ дайрида мендек бодапараст яна бормикан?!

• Дарз кетган май шишасидан сизиб чиқаётган шароб каби кўнглим ёр ҳажрида синиб, тўхтамай қони оқмоқда.

• Эй муғбачалар, мени нега тавба қилдинг, деб ўлдирмангиз. Мен ўша тавба қилган кунимдаёқ маст эдим.

• Соқий ва созанда чанг зулфи ва шодлик жоми билан оёғимга тушов солгани сабабли, бундан буён майхонани макон қилдим.

• Жоҳ базмида саркашлик ва бўйсунмаслигинг билан мағрурланма, негаки бундай базмда яна бир жом билан не-не баланд бошлар ҳам бўлиб қолади.

• Фано даштида менга йўлдош ва маслакдош бўлиб, бу йўлда менга яқин ҳамроҳлик қиладиган бир инсон йўқ.

• Эй шайх, мени маст кўриб, жомимни ушатма, мен аласт куни – руҳлар Парвардигорга имон келтирган кундаёқ бу жом билан маст бўлганман.

• Селдан том чўкиб қолганидек, дайр ичида боданинг селидан мен ҳам масти хароб бўлиб қолдим.

• Навоий майга чўмиб, шунчалик заиф бўлдики, май шишаси оғзидаги қилдан бўйнига қармоқ солса бўлади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ўзбек мумтоз шеъриятида зуллисонайнлик анъанасининг асосчиларидан бири – Алишер Навоий форсий девонидаги ғазалларнинг учдан бир қисмини Хожа Ҳофиз Шерозий ғазалларига татаббулар ташкил этади. Ғазалнависликни авжи аълога чиқарган “Ринди Шероз”нинг ижодий тажрибалари Навоий томонидан форсий шеърият баробарида туркона ғазалларда ҳам ижодий ўзлаштирилиб, муваффақиятли қўлланилган. Жумладан, таҳлил қилаётганимиз ғазал ҳам ҳофизона услубда битилган бўлиб, қуйидаги матлаъ билан бошланадиган ғазалга ўзбекча жавобия ўлароқ вужудга келган:

*Маталаб тоату паймону салоҳ аз мани маст,
Ки ба паймонакашӣ шуҳра шудам рӯзи аласт¹.*

(Маъноси: Мендек бир масту аластдан тоат, аҳду паймонида собитлик ва ободлик талаб қилмагин, чунки руҳлар Парвардигорга имон келтирган кун(Азал-Ибтидо куни)да шароб сипқориш билан шуҳрат топганман).

¹ Ҳофизи Шерозӣ. Девон/ таҳиягар ва муаллифи луғоту тавзеҳот О.Давлатов. – Т.: Тамаддун, 2013. – Б.41.

Ҳофизнинг бу ғазалида риндлик унга азалдан қисмат бўлгани, ишқ булоғида таҳорат қилган куни бутун борлиққа тўрт такбир уриб, жанозасини ўқигани (воз кечгани), май ичган киши қазо ва қадар дафтаридаги битиклардан хабардор бўлиши, гуноҳкор банда тоғдай гуноҳ ва хатоларни чумоли белидан ҳам кичик ва арзимас ҳисоблайдиган илоҳий даргоҳ раҳматидан умидсиз бўлмаслиги ҳақида сўз юритилади.

Навоий ғазали ҳам шароб тавсифи билан бошлангани сабабли, асосий мавзусини хамрия деб белгилаш мумкин. Матлаъдаги муғ дайри ва куп сўзлари алоҳида изоҳни талаб қилади. Навоий яшаган даврда Ҳиротда муғ дайри – зардуштийлар ибодатхонаси бўлмаган. Бу тимсол ирфоний тилда орифлар мажлиси, пири комил ҳузури, маърифат даргоҳи маъносида қўлланилади. Шоир маърифат бодасига иштиёқи кучлилигидан, бу бодани муттасил ичиб сармаст ва беҳол куп аёғи – хум ёнида ётиб қолганини тимсоллар тилида шундай ифодалаган:

*Бош қўярмен куп аёғинда май ичсам пайваст,
Қани муғ дайрида мендек яна бир бодапараст?*

Кейинги уч байт ҳам айни шароб таърифига бағишланган. Бу майдан тавба қилган киши, яъни маърифат ва ўзликни англашдан воз кечган киши ўлимга маҳкум. Бу ўлим – маънавий ўлим, кўнгил мурдалигидир. Маърифат майдан бенасиб, ўзликни англамаган киши инсон сифатида ўлик ҳисобланиб, бошқа жонзотлар қатори фақат умргузаронлик қила олади, холос. Айнан “муғбача”лар – маъно оламининг ходимлари берадиган май – огоҳлик бодаси руҳни тирилтириб, ғофиллик “тавба”сини синдиришга сабабчи бўлади. Огоҳлик ва ўзлик лаззатини тотган киши ғафлат ва жаҳолат, билимсизлик ва нодонликни ортиқ орзу қилмайди, балки Ҳақ ва Ҳақиқатнинг янги-янги мақомларини ҳамиша кашф этиб боради:

*Мену майхонаки соқию муғанний қилмиш
Чанг зулфию тараб соғари бирла побаст.*

Шайх Абдуллоҳ Ансорий мастлик ва мастлар ҳақида шундай дейди: “Мастликларда тафовут бор ва маст ҳам ҳар хил бўлади. Бири бодадан маст бўлса, бошқаси масти ғафлат, бири мол-дунё кўплигидан маст бўлса, бошқа биров ўзига бино қўйган худбинлик майи мубталоси. Бу мастликлардан энг зарарлиси ва жамики қоронғуликларнинг асли – ўзига бино қўйган, такаббур кишининг мастлигидир... Хамр (ичкилик)дан маст бўлган киши қилмишидан пушаймон бўлиб, охират жазосидан қўрқиб яшайди, ёхуд Тангри марҳаматига умид боғлайдиким, шояд унинг гуноҳлари ҳам кечирилар. Аммо ўзига бино қўйиш ҳавосига маст бўлган кишининг иши (оқибати) хатарли ва Тангридан узилиш хавфи бир умрлидир...”¹

Такаббурлик – “жоҳ базми”даги мастликдан ҳосил бўлади. Муваққат муваффақиятлар, вақтинчалик лавозим ва амаллар, елдек бебақо машхурлик туфайли пайдо бўладиган ғурур ва кибр мастлиги одам бошига кўп балолар келтиради. Бекорга охирзамон пайғамбари қўлларини кўтариб, уч марта “ҳаддидан ошганлар ҳалок бўлурлар!” деб огоҳлантирмаганлар. Дунёдаги муваққат лавозим, бойлик ва мартабасидан мағрурланиб кетганларга жазо тариқасида даражасини яна бир поғона кўтариб, сўнгра ер билан яксон бўлганларни тарих кўп эслайди. Афсуски, ибрат назари билан қарашнинг ўрнига ўзини мумтоз билганлар бу синовлардан ўзларига керакли сабоқ чиқармайдилар. Навоий бу синовларни бошдан кечиргани ҳамда улардан бир неча марта муваффақиятли ўтгани сабабли, унинг бу борадаги

¹ Ҳ 1 ص ۳۲۲خواجه عبد الله انصاري‘كشف الاسرار’

ўгити амал ва мансаб балоси билан синалмаган бошқа ижодкорларнинг шу мазмундаги шеърларидан таъсирчанроқ янграйди:

*Жоҳ базми аро саркашлик ила топма ғурур
Ким, бўлур бўйла бийиклар яна бир жом ила наст.*

Кейинги байтда шоир фано даштида сафардош бўла оладиган бирор йўлдош йўқлиги ҳақида сўз юритади. Шоир бу билан унга тенг келадиган дарвешваш ва фонийсифат инсон ўз даврида йўқлигини айтиб мақтанмоқчи эмас, асло. Фано даштига сафар бошқа жисмоний ва руҳоний сафарлардан фарқли ўлароқ ёлғизликда амалга оширилади. Шихобиддин Сухравардий айтганидек, оламда нечта киши бўлса, Ҳаққа етказувчи йўллар сони ҳам шунчадир:

*Йўқ ҳарифеки, фано даштида қўллар тутушиб,
Бўлса йўл қатъида ҳампой мангаву ҳамдаст.*

Навбатдаги байт Ҳофиз Шерозий ғазали матлаъи билан маънан яқин. Навоий “Аъроф” сурасининг 172-ояти маъносига ишора қилган ҳолда, аласт куни, яъни руҳлар ўз Парвардигорига имон келтирган кунида мастлик унга насиб этгани ҳақида сўз юритади. Ирфон аҳлининг фикрига кўра, ҳали жисмлар олами яралмасдан бурун барча руҳлар яратилиб, ўз Парвардигорларини кўришлари ва Биру Борлигига гувоҳлик келтиришлари – муҳаббат ва дўстликнинг ибтидосидир. Руҳ одам жисмига киргач, ўша биринчи дийдор ва аҳд-паймон куни иштиёқида безовта бўлади ҳамда соҳибини Эгасига етишмоқ қунига қадар тинч қўймайди. Аласт куни илоҳий жамол дийдоридан маст бўлган руҳ Қиёматгача бу шаробнинг хуморидан қутулолмайди. Унинг жоми, яъни жисми тупроққа айланса-да, руҳ мастлиги тарқалмайди:

*Мени усрук кўрубон жомим ушатма, эй шайх
Ким, бу янглиғ мени маст этган эрур жоми аласт.*

Навоий васф этган шароб сел каби жисм уйини хароб айлаб, руҳ хазинасини ошкор этади. Тўртта ғиштни устма-уст қўйиб, баландпарвозлик ва бошқалардан устунлик даъвоси ўлароқ бунёд этилган биноларнинг томи сел келгач, асл ҳолига – тупроққа тенг бўлгани каби, аслида ибодатхона (дайр) бўлган оламда Яратганнинг кимлигини эслатувчи ва танитувчи шаробдан баҳраманд бўлган киши ҳам шон-шухрат, мансаб, куч-қувват, бойлик, гўзаллик каби бебақо нарсалар туфайли ботин оламида бўй тортган худбинлик, манманлик, такаббурлик, риёкорлик каби “қасру кошона”лар бода селобидан тупроққа тенг бўлиб, инсон аслида бир ҳовуч тупроқ эканини эслатиб, шунга мос равишда яшашга ўргатади. Инсонга инсонийлик мақомини эслатувчи “аласт жоми” нақадар муборак шароб!..

*Селдин томға нишаст ўлғанидек, дайр ичра
Бода селобидин ўлди мени вайронға нишаст.*

*Ғарқи май бўлди Навоию эрур уйла заиф
Ким, суроҳий қилидин солса бўлур бўғзиға шаст.*

**“НЕ ТОНГ, ЛИБОСИН АГАР МУШКФОМ
ҚИЛДИ ҲАДИС...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 89-ғазал

*Қачонки ул бути ширинкалом қилди ҳадис,
Хавоси шарбати юҳйил-изом қилди ҳадис.*

*Масиҳ дам ура олмас анга уруж тунни,
Магар бизинг маҳи улвийхиром қилди ҳадис.*

*Қаёнки ёзди ҳадис, ўлди сайд эл гўё
Нуқатни дона, хутутини дом қилди ҳадис.*

*Лабидин айру тушуб сўг учун китобатдин,
Не тонг, либосин агар мушкфом қилди ҳадис.*

*Чибинни шаҳд нечукким йиғар, такаллумдин
Рамидаларни нафас ичра ром қилди ҳадис.*

*Зиҳи такаллуми муъжиз низомким келгач,
Араб фасиҳлариға ҳаром қилди ҳадис.*

*Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла,
Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис.*

ЛУҒАТ

Ширинкалом – сўзи ширин

Хавос – хосият; каби, сингари

Юҳйил-ъизом – жаннат шарбати, сўнгақларни тирилтирувчи

Уруж тунни – меърож кечаси

Маҳ – ой

Улвийхиром – юксакларга хиром этувчи, олиймақом

Нуқат – нуқталар

Хутут – хатлар

Сўг – мотам

Китобат – ёзув

Мушкфом – қора ранг

Шаҳд – асал, ширинлик

Такаллум – сўзлаш

Рамида – хуркиган, ваҳший

Зиҳи – қандай яхши

Муъжизнизом – мўъжизага асосланган

Фасиҳ – чиройли сўзловчи, сўзамол

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф

V-V- VV-- V-V- VV-

V-V- VV-- V-V- VV-

Мафоилун файлотун мафоилун файлун

НАСРИЙ БАЁН

- Ширин сўзли ул санам қачонки сўзласа, унинг сўзларида ўликларни тирилтирувчи хо-сият бор эди.
- Меърож кечаси унга ҳатто Исо Масих сўзлай олмади. Оё, унга бизнинг олий мақомлар-ни сайр этувчи моҳимиз ҳадис айтдимиз?!
- Қаёнки сўзларини ёзиб юборса, эл унинг сўзларига сайд бўлди. Гўё ҳадисларининг нуқталари дона, хатлари тузоққа айланди.
- Ҳадис китобат чоғи – сиёҳ билан ёзилганда лабдан айри тушганидан мотам тутиб, қора либос кийганларга ўхшаса, ажабмас.
- Чивинлар асал атрофига йиғилгани каби, унинг ҳадиси сўзланганда, адашиб бошқа йўлга кирганларни яна ром этиб, тўғри йўлга солди.
- Унинг мўъжизадек каломи шунчалар яхшики, арабнинг энг фасоҳатлиларига ҳам ҳик-матли сўз айтишни ҳаром қилди.
- Навоий унинг сўзи шарофати билан бутун оламда машҳур бўлди. Гўёки унинг тилидан Расулulloҳ алайҳиссалом ҳадис айтди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

“Се” ҳарфи туркумини бошлаб берувчи ушбу ғазал наът мавзусида бўлиб, унда ҳадис сўзи радиф вазифасини бажаради. Ҳадис сўзи араб тилида сўз, гап (умумий маънода); ҳик-матли сўз (афоризм); охирзамон пайғамбарининг ҳаёт тарзи ва сўзларини ифода этувчи махсус истилоҳ маъноларини билдиради. Навоий ғазалида бу маънолар ўз ўрнида ишлати-либ, туркий радифларда қўлланган тажнис санъатини ҳосил қилиш тажрибаси мазкур ара-бий сўзга ҳам татбиқ этилган. Жумладан, матлаъда “ҳадис” умумий, яъни сўзлаш маъноси-да келтирилган. “Бути ширинкалом” ибораси васф этилаётган севикли оддий санамлардан ширинсўзлиги билан мумтоз эканлигини таъкидласа, иккинчи мисрада қўлланилган қуръоний иқтибос (“юҳйил-ъизом”) бу сўзларнинг сарчашмаси илоҳий манбалардан эка-нига ишора қилади:

*Қачонки ул бути ширинкалом қилди ҳадис,
Ҳавоси шарбати юҳйил-изом қилди ҳадис.*

Кейинги байтдаги “уруж туни”да Меърож мўъжизаси назарда тutilган. Имом ал-Бухо-рийнинг “Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ”ининг “Меърож ҳақида”ги бобида Молик ибн Саъсаа ривоят қилган ҳадисда келтирилишича, Муҳаммад пайғамбар осмоннинг ҳар бир қаватида бир ё бир неча пайғамбар билан кўришадилар. Фалакнинг биринчи қаватида Одам Сафияллоҳ, иккинчи қаватида Яҳё ва Исо Масих, учинчи қаватида Юсуф пайғамбар, тўртинчи қаватида Идрис пайғамбар, бешинчи қаватида Ҳорун пайғамбар, олтинчи қаватида Мусо пайғамбар,

еттинчи қаватида Иброҳим Халилуллоҳ билан мулоқот қиладилар¹. Ана шу мулоқотда Исо Масиҳ пайғамбаримизга бирор сўз қотиш имконига эга бўлмаганликларига сабаб қилиб, у зотнинг сафарлари бошқа пайғамбарларга насиб этмаган мақом – Аллоҳ таоло ҳузурига бўлганликлари кўрсатилади:

*Масиҳ дам ура олмас анга уруж тунни,
Магар бизинг маҳи улвийхиром қилди ҳадис.*

Кейинги байтда эса, меърож мўъжизаси содир бўлгандан кейин замон ҳукмдорлари ҳамда араб қабилалари сардорларига мактуб ёзиб, ҳақ динга даъват этилиш ҳодисаси қаламга олинади. Бу мактублар имон аҳлини ўзига ром этиб, бу муборак сўзлардаги нуқталар кўнгил қушининг донаси, хатлари эса тузоққа ўхшатилади:

*Қаёнки ёзди ҳадис, ўлди сайд эл гўё
Нуқатни дона, хутутини дом қилди ҳадис.*

Пайғамбаримизнинг сифатларидан бири – у киши уммий, яъни хат-саводсиз бўлганлар. Оятлар ҳам, ҳадислар ҳам у киши томонидан айтилган, котиблар томонидан ёзиб олинган. Ана шундай “саводсиз” кишининг лабларидан тўкилган маънавий дурдоналар байтда китобат пайтида мотам тутган кишидек қора кийгани табиий бир амрдек таърифланади:

*Лабидин айру тушуб сўз учун китобатдин,
Не тонг, либосин агар мушкфом қилди ҳадис.*

Ҳадисларнинг ёрқин жиҳатлардан бири – уларнинг бирортасида кўполлик нишонаси, бировнинг дилини ранжитадиган сўз йўқ. Пайғамбаримиз сўзлаганларида ёки у кишининг сўзлари ривоят қилинганда одамлар асал атрофидаги чивинлардек тўпланишиб, ҳидоят топганлари, маърифат сабоқлари бўлган ҳадислар туфайли жаҳолат ботқоғидан қутулганлари ҳақида ислом тарихида минглаб далиллар мавжуд. Қолаверса, ўз фитратига кўра мусулмон туғилиб, кейин ташқи омиллар туфайли бошқа йўлга кириб кетган “рамида”ларнинг яна тўғри йўлга кириб, имон ҳаловатини топганлар ҳидоятида ҳадисларнинг аҳамияти жуда катта:

*Чибинни шаҳд нечукким йиғар, такаллумдин
Рамидаларни нафас ичра ром қилди ҳадис.*

Абдураҳмон Жомийнинг “Шавоҳид ун-нубувват” (“Пайғамбарлик далиллари”) асарида қайд қилинишича, пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадислари аслиятда неча марта ўқиб-эшитилса, айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам чексиз ҳаловат бағишлайди. Фасоҳатли ва етук бўлишига қарамасдан бошқа одамларнинг сўзлари кўп такрорланган ҳолатларида сўзловчига ҳам, эшитувчига ҳам малол келади. Қолаверса, Қурайш аҳли арабларнинг энг фасоҳатлиси ҳисобланган. Пайғамбаримиз сўзлаганда эса, арабларнинг энг фасоҳатли сўзловчи ва билагонлари ҳам хомуш тортганлар. Чунки ул зотнинг каломи Аллоҳнинг амру наҳйига мувофиқ бўлиб, бошқа эгри маънога таъвил ва талқин қилиб бўлмасди:

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-саҳих, 2-жилд. –Т.: Комуслар Бош таҳририяти, 1992.-Б.576.

*Зиҳи такаллуми муъжиз низомким, келгач,
Араб фасихлариға ҳаром қилди ҳадис.*

“Сунани Термизий” да Аббос ибн Абдулмуталлибдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, бир куни саҳобалар пайғамбарни кутиб ўтирардилар. У зот чиқиб, саҳобаларга яқинлашганларида, улар Иброҳим Халилуллоҳ, Мусо Нажиюллоҳ¹, Исо Руҳуллоҳ, Одам Сафияллоҳ каби пайғамбарларни эслашиб, сифатлаётганларини эшитиб қоладилар. Салом бериб, суҳбатга қўшилган пайғамбар уларнинг сўзларини тасдиқлаб, илова қиладилар:

“Огоҳ бўлингким, мен Аллоҳнинг Ҳабибиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни ҳамд байроғини кўтарувчи ҳамда биринчи шафоат сўровчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни биринчи шафоат қилинувчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен жаннат ҳалқаларини биринчи ҳаракатга солувчиман. Бас, Аллоҳ уни (айнан) мен учун очар ҳамда мени ва менинг умматининг фақирларини унга киргизар. Мен аввалгилар ва охиригиларнинг энг мукарраман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ.”²

Бу ҳадис пайғамбаримиз шаънига айтилган сўзлар, юқорида келтирилган ҳадисларнинг хулосаси ва қаймоғидир. Шундай улуғ пайғамбарнинг уммати бўлган Навоийнинг:

*Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла
Магар расули алайҳиссалом қилди ҳадис.*³

– деганида ҳам ҳеч қандай ортиқча фахрланиш йўқ, балки воқеликнинг айни ўзидир.

¹ Мумтоз адабиётда Мусо (а.с.)ни одатда, Калимуллоҳ сифати билан эслашади. Ушбу ҳадис матнида бу пайғамбарнинг Нажиюллоҳ – Аллоҳ томонидан юборилган халоскор, деган сифатлари борлиги ойдинлашади.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Нубувват ва рисолат китоби. –Т.: Мовароуннаҳр, 2006. –Б.17.

³ Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Ғаройиб ус-сиғар. – Т.: Фан, 1988.-Б.92.

**“ҲАР НЕЧУК ҲУКМ ЭТСА, ТЕГМАС ЖОНҒА
ЖОНОН БИРЛА БАҲС...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 90-ғазал

*Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,
Рост Исодекки қилғай оби ҳайвон бирла баҳс.*

*Ёр дерким, баҳс қил эрним билаким, не учун
Кўнглунг олиб қасди жон этти, қилай жон бирла баҳс.*

*Эй кўнгул, гар ақл этар манъи жуңуним не жадал,
Айб эрурким, аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс.*

*Жонни жонон гар тилар, биллаҳки, миннат жонғадур,
Ҳар нечук ҳукм этса, тегмас жонға жонон бирла баҳс.*

*Носиҳо, қилма жадал, айрил кийиклардин дебон,
Олими шаҳр этмагай ғули биёбон бирла баҳс.*

*Фақр кўйида мусаллам тут не қилсанг истимоъ,
Ориф эрмас – ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.*

*Эй Навоий, ҳар нечук зулм этса, чек, дам урмағил
Ким, гадо ҳадди эмас ҳеч ишда султон бирла баҳс.*

ЛУҒАТ

Баҳс – изламоқ; талаб шиддати; эътироз билдирмоқ; тафтиш; сўзламоқ; мунозара; тор-тишув; калом илмининг асосий тушунчаларидан бири

Оби ҳайвон – ҳаёт суви

Эрн – лаб

Жадал – баҳслашмоқ

Носиҳ – насиҳатгўй

Ғули биёбон – саҳро жини

Мусаллам тутмоқ – муҳокамасиз қабул этмоқ

Истимоъ – эшитмоқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Ёрнинг нутқи хандон лаби билан жон бағишлаш бўйича мусобақалашишлари Исо Масиҳ билан Хизр чашмасининг баҳсига ўхшайди.
- Ёр айтади: Сенинг кўнглингни олиб, яна жонинг қасдига тушган лабим билан жанжаллашмайсанми?! Ахир, қандай қилиб, ўз жоним билан тортишаман?
- Эй кўнгил, агар ақл ишқ йўлида девона бўлишимга қарши чиқса, у билан тортишма. Доноларнинг нодон билан баҳслашмоғи айб саналади.
- Агар жонон жонимни тиласа, Худо ҳаққи, бундан жон миннатдор бўлади. Жонон нима ҳукм қилса ҳам, жон билан жонон ўртасида тортишув ва эътироз бўлмайди.
- Эй насиҳатгўй, кийиклардан айрил деб, мени қистовга олма. Шаҳар олими саҳро жини билан тиллашмайди.
- Фақр йўлига кирсанг, бу йўлдаги барча буйруқ ва кўрсатмаларга сўзсиз амал қил. Ирфон бобида баҳслашувчи одамни ориф деб бўлмас.
- Эй Навоий, сенга ҳар қанча зулм етса ҳамки, чида, эътироз билдирма. Султон билан баҳслашмоқ гадога ярашмайди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР:

Араб алифбосида “с” товуши учта ҳарф (“се-и мусаллас”, “син” ва “сод”) билан ифодаланади. “Се-и мусаллас” ҳарфи фақат арабча сўзлар таркибида келтирилгани сабабли, ғазалчилик тарихида ушбу ҳарф билан тугалланган шеърлар жуда кам. Жумладан, Навоийгача мумтоз лирик меросимизда мазкур туркумдаги ғазаллар учрамайди. Навоийнинг ушбу ҳарф билан тугалланган ғазаллар туркумини яратишининг ўзини ўзбек ғазалчилигидаги ихтироларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида келтирилишича, Навоий бошчилик қиладиган нафис мажлисларда қатнашувчи ёш шоирларга Мавлоно Котибий Нишопурийнинг “Шутур-хужра” қасидасига жавоб ёзиш вазифаси юкланаркан. Котибийнинг ушбу қасидасининг ҳар бир байтида бир-бири билан мутлақо алоқадор бўлмаган шутур (туя) ҳамда хужра сўзлари қўлланилган бўлиб, шоир бадий тахайюл ва мантиқий тафаккур ёрдамида янги-янги мазмун ва маъноларни яратган. Бундай мушкул вазифани удалаш шоирларда ҳар қандай сўз, нарса ё ҳодисани шеър мулкига айлантириш қобилиятини ривожлантирган. Ҳар бир сўз, ҳар бир лаҳза ва ҳар бир нарсага шоирона кўз билан қараш ва уларни ижодий ниятларга бўйсундириш малакаси бошқа улуғ шоирлар каби Навоийга ҳам янгидан-янги ижодий имкониятлар излаш ҳамда маҳоратини намоён этишда қўл келган. Жумладан, таҳлил қилаётганимиз ғазалда “баҳс” сўзини радиф сифатида танланиши ҳам шоирлик иқтидорининг намоёишидир. Арабча бу сўз ўзбекчада асосан тортишув ва мунозара маъноларини билдирса-да, аслида жуда кўп маъно товланишларига эга эканлигини луғатлар изоҳида келтириб ўтдик. Илмий мажлисларнинг асосий қуроли ҳисобланган баҳс сўзини радиф ўрнида қўллаш орқали кўнгил ва руҳиятнинг ранг-баранг оламини тасвир этиш ва тасаввур оламининг уфқларини кенгайтириш мутафаккир шоирнинг катта иқтидор ва салоҳиятидан дарак беради.

Матлаъда талмиҳ, ташбиҳ, таносуб ва тамсил шеърий санъатлари омухта келтирилган. Ёрнинг нутқи Исо Масиҳнинг дамига, лаблари – Хизр чашмасига ўхшатилиб, уларнинг жонбахшлиги борасидаги баҳс-тортишувлари воситаси ташбиҳ вазифасида келтирилган рост сўзи билан қувватлантирилган. Рост сўзи гўёки, ўхшаш маъносини англантиш баробарида,

асосий маъноси бу ўхшатиш ҳаққонийлиги, шунчаки ривоят ё муболаға эмаслигини таъкидлаш учун ҳам қўл келган:

*Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,
Рост Исодекки қилғай оби ҳайвон бирла баҳс.*

Ёрнинг “лаъли хандон”и – лаби Хизр чашмасидек мангу ҳаёт бағишлаш баробарида кўнгилни овлаш ва жон олиш қудратига ҳам эга. Жон олувчи ҳам, жон берувчи ҳам ёр бўлгач, у билан баҳслашиш-тортишиш бефойда. Негаки, жонон аллақачон жонга айланиб улгурган. Жон ва жонон фарқига бормай, ишқ жунуни ғалаён қилганда ақлнинг бундай ҳолат учун кўнгилга эътироз билдириши – нодон кишининг аҳли дониш билан баҳсга киришишидек уятли иш ҳисобланади. Инсоннинг ҳатти-ҳаракатини ақл ва қалб бошқаради. Ақлнинг луғавий маъноси – тушов, оёқдаги кишан бўлиб, тушунча сифатида инсонни тийиқсиз ҳаракатлардан сақлагувчи ички туйғуга нисбатан қўлланилади. Лекин бу “тушов» – ақл қалбни макон тутган муҳаббат мантиғини англашга ожизлик қилади ҳамда донишманд кишиларнинг ҳузурида алжираётган жоҳил кишиларга ўхшаб қолади. Унинг бу эътироз ва баҳсларига кўнгилнинг соқитлиги – донишманднинг жоҳилга жавоби янглиғдир:

*Эй кўнгул, гар ақл этар манъи жунуним не жадал,
Айб эрурким, аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс.*

Кўнгилнинг ақл эътирозларини жавобсиз қолдириши – фақат ўз шаънини асраш ёки жавоб беришда ожизлигидан эмас. Жонон жонни олмоқчи бўлиши – жон учун катта мукофот. Жалолиддин Румий шу маънода ажойиб бир ўхшатиш келтиради: она қорнидаги чақалоққа фаришталар: “энди бу тангу тор жойдан чиқ, она қорнидан анча кенг, гўзал ва меҳрибонларга тўла бир олам бор, тириклик оламига қадам қўй”, дейишса, чақалоқ бунга кўнмасдан, йиғларкан. Бинобарин, ўлим пайти “бу фоний дунёдан гўзалроқ, кенгроқ ва мангуликка дахлдор бошқа бир олам бор, энди бу дунёни тарк этиш пайтинг келди”, деб айтилса, кўпчилик чақалоқ каби Яратганнинг бу меҳрибонлигини англамасдан, бир лаҳза бўлса ҳам, умрни узайтиришга ҳаракат қилишади. Жонни берувчи ҳам, олувчи ҳам жонон экан, унинг барча ишлари айни ҳикмат бўлиб, баҳс ва эътирозга сабаб бўлмаслиги керак:

*Жонни жонон гар тилар, биллаҳки, миннат жонғадур,
Ҳар нечук ҳукм этса, тегмас жонға жонон бирла баҳс.*

Жонни жононга топширган ошиқ Фарҳод ва Мажнун каби саҳро кийиклари билан улфат тутинади. Ишқ гавҳарини қўлга киритган одамнинг кўнгли боланинг қалбидай пок ва беғубор бўлади. Унда қаҳру ғзаб, шаҳват оловлари сўнгани, ҳамма жойда ёрнинг нишонини ахтаргани сабабли ваҳший ҳайвонлар билан ҳам унсият топади. Меҳр ва шафқат булоғига айланган қалбларни шаҳардаги мавқе ва обрў учун курашиб яшайдиган кимсалар тушунмайди. Улар учун Мажнун – саҳро жини, Фарҳод – ўз қадрини билмаган девона. Ажабланарлиси, ўзларини шаҳарнинг энг донишманд уламози билган ҳолда мажнуншеваларни ўз ҳолига қўймай, насиҳат тўқиб, уларга озор етказишади:

*Носиҳо, қилма жадал, айрил кийиклардин дебон,
Олими шаҳр этмагай ғули биёбон бирла баҳс.*

“Олими шаҳр” ва “ғули биёбон” тасаввуф тарихидаги бир ҳикоятни ёдга солади: “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Абу Абдуллоҳ Бобуний деган бир курд йигити саҳродан Шерозга келиб, мадрасадаги толиби илмларнинг баҳсу мунозараларини кўриб, мафтун бўлиб, ўз она тилида улар билан сўзлашмоқчи бўлибди. Мадраса толиблари уни арабчада масхара қилиб, устидан кулишибди. Абу Абдуллоҳ улардан араб тилини ўрганиш сиррини сўрабди. Толиби илмлар айтишибди:

Агар оёғингдан осилиб, “усфура, казбура” деб ҳар кеча такрорласанг, албатта араб тилини ўрганасан.

Абу Абдуллоҳ Бобуний бу сўзга чин кўнгилдан ишониб, уйга бориб амал қилса, Ҳақ таолонинг инояти билан ҳам араб тилини мукамал билиб, ҳам барча илмлар эшиги унга очилибди. Ўзининг таъбири билан айтганда, курд бўлиб ухлаб, араб бўлиб уйғонибди. Қайси фандан бўлмасин, бу донишманд барча баҳсларда ғолиб чиқиши валийлик нишонасидан ўзга эмас, деб хулосалайди Навоий.

Кейинги байт Абу Абдуллоҳ Бобунийнинг маслаги нақадар тўғрилиги, фақр йўлидаги итоаткорлик саҳройи кишиларни ҳам шаҳар уламолари етмаган мақомларга етказиши мумкинлигига бир ишорадир:

*Фақр кўйида мусаллам тут не қилсанг истимоъ,
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.*

Кейинги байтда ўзини гадо, ёрни султон деб билиб, қанча зулм этса ҳам, чидаб, эътироз билдирмасликни тарғиб қиларкан, бу салтанат ва дарвешлик тариқат йўлидаги мақомлардан эканлигини илғаш қийин эмас. Зоҳир олами подшоҳи – Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурида ўн мартагача эътироз билдириб, у билан истаган масалада баҳсга кириш имтиёзига эга бўлган Навоий бу давлатни Ҳақ таоло ҳузурида ҳамиша ризо ва таслимият мақомида туриши, ҳақиқий шоҳ – Парвардигори олам эканини бир лаҳза ҳам эсдан чиқармаслик баракатидан ҳосил этган:

*Эй Навоий, ҳар нечук зулм этса, чек, дам урмағил
Ким гадо ҳадди эмас ҳеч ишда султон бирла баҳс.*

“ҲАЛОКИМА ҚАД ИЛА ПАЙКАРИ ЭРУР БОИС...”

«Ғаройиб ус сиғар», 91-ғазал

*Менинг жунунума гар ул пари эрур боис,
Ҳалокима қад ила пайкари эрур боис.*

*Дема недин қуясенким, анинг юзу лабидин
Бу ишга шуъла била ахгари эрур боис.*

*Қўнгул қуши туну кун мулки бохтар сори
Ҳаво қилурға маҳи ховарий эрур боис.*

*Мангаки, ғамзасидин ўлмишам, ҳаёти абад
Ҳаёлиға лаби жонпарвари эрур боис.*

*Чаманда булбул этар шавқ нуктасин такрор
Ки, гул варақларининг дафтари эрур боис.*

*Ул ой фироқида ашким оқарға шому саҳар,
Тулуъи Зуҳра била Муштарий эрур боис.*

*Қўнгулни чоқу бағирни шикоф истарима
Анинг қиличи била ханжари эрур боис.*

*Ҳамиша дайр ичида бўлмоғимға муғбачалар
Карашмасию фано соғари эрур боис.*

*Навоий ўлмасиға озими Ироқу Ҳижоз
Магар назоҳати мулки Ҳирий эрур боис.*

ЛУҒАТ

Пайкар – бадан, жисм

Ахгар – лахча, чўғ

Бохтар – кунботар, ғарб

Маҳ – ой

Ховар – кунчиқар, шарқ

Шикоф – тешик

Карашма – нозланиш

Соғар – қадаҳ

Озим – азм этувчи

Назоҳат – тароват, покизалик

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф

V-V- VV-- V-V- VV-

V-V- VV-- V-V- VV-

Мафоилун файлотун мафоилун файлун

НАСРИЙ БАЁН

- Агар ул пари менинг жунунимга боис бўлса, унинг қадди-қомати ҳалокатимга сабабчидир.
- Нега ёнмоқдасан дема, унинг юзи ва лаби ишқ оташининг шуъласи ва лаҳчасига боис бўлмиш.
- Кўнгил қуши кеча-ю кундуз кунботар томонга майл қилишига ўша шарқдан чиққан ой сабабдир.
- Мен ғамзасидан ҳалок бўлдим, мангу ҳаёт топиш хаёлига тушишим лабининг жонпарварлигидандир.
- Булбул чаманда шавқдан такрор-такрор сайрашига гул япроқлари – варақларида бу шавқ қиссаси ёзилгани сабабдир.
- Шому саҳар ул ой фироқида кўз ёшим оқиши Зухра билан Муштарий осмонда пайдо бўлгани боисидандир.
- Унинг қиличи билан ханжари сабабли, кўнглим чоку бағрим илма-тешик бўлишини истарман.
- Дайр ичини доим манзил тутишимга муғбачаларнинг ноз-карашмаси ва фано соғари иштиёқи боисдир.
- Навоий Ироқ ва Ҳижоз томонга йўл олмаслигига Ҳирот мулкининг покиза ва тароватли экани сабаб бўлса, ажаб эмас!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал ўз табиатига кўра икки турга – матбуъ ва маснуъга бўлинади. Матбуъ ғазалларда асосан туйғу ва тафаккур ҳосиласи бўлмиш янги фикр ва кечинмаларни табиий йўсинда, очик, содда ва самимий етказишга эътибор қилинса, маснуъ ғазалларда сўз қўллаш, бадиийлик ва санъаткорлик масаласи биринчи ўринда бўлади. Ахлоқий-дидактик мавзудаги ғазалларда асосий эътибор моҳиятти англатиш бўлса, ишқий-романтик мавзудаги шеърларда лафзий ва маънавий санъатларни қўллаш маҳорати ижодкор учун асосий вазифа бўлиб қолаверади.

“Боис” радифли ғазал – ўз табиатига кўра маснуъ ғазал ҳисобланади. Олдинги икки ғазал шарҳида қайд қилганимиздек, “сеи мусаллас” ҳарфи билан тугалланган ғазал ёзиш туркий ғазалнависликнинг Навоийгача даврида нодир ҳодиса ҳисобланган. Ғазалнинг радифи – боис сўзи ўз навбатида ташбеҳ воситаси вазифасини ҳам бажарган. Ғазалда ташбиҳлар силсиласини қўллаш услуги бошқа ғазаллардаги ўхшатмалардан фарқ қилади. Бунда икки мушаббих ва икки мушаббахун биҳи (ўхшатма ва ўхшатиладиган нарса) ёнма-ён келтирилиб, ўз навбатида жамъу тақсим ва лаффу нашр санъатлари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилади. Жумладан, матлаъда ёрнинг қадду қомати ошиқ ҳалокатига сабаб

тариқасида кўрсатилган бўлса, иккинчи байтда ишқ оташининг шуъласи ҳамда чўғ-лахчасига ёрнинг порлоқ юзи ва лаъли лаби боис бўлгани қаламга олинади:

*Менинг жунунума гар ул пари эрур боис,
Ҳалокима қад ила пайкари эрур боис.*

*Дема недин қуясенким, анинг юзу лабидин
Бу ишга шуъла била ахгари эрур боис.*

Ишқ ўтининг шуълаварлиги ва ҳарорати ёрдан экан, кўнгилнинг кеча-ю кундуз у томонга талпинишлари, ошиқнинг ёр ғамзасидан ўлиб, лабининг хаёлидан қайта тирилишлари ҳам ёр туфайлидир. Ҳар бир байтда икки нарсани ёнма-ён келтириб, бошқа икки нарсага ўхшатиш ва сабабчи қилиб кўрсатиш шоирдан жуда катта маҳорат талаб қилади. Жамъу тақсим ва лаффу нашр, ташбиҳи киноят каби муштарак санъатларнинг унсурлари қоришиқ ҳолда қўлланилгани янги бир номсиз бадий санъатни вужудга келтирган. Радиф ҳам икки сўздан (эрур боис) ташкил топгани, ҳар бир байтда икки тимсол ё тушунчани ёнма-ён келтирилишидан ташқари, байтларда макон ва миқёс ҳам ўзгариб туради. Учинчи байтда ўхшатмалар муҳаббат кўлами кайҳоний эканлигини билдирса, тўртинчи байтда маҳбубанинг қудрати инсон имкониятларидан хориж бўлган даражада экани таъкидланиб, карашмаси жон олувчи бўлса, лабларининг хаёли Хизр чашмаси шунчаки ривоят эмаслигига далил бўлиши таъкидланади:

*Кўнгул қуши туну кун мулки бохтар сори
Ҳаво қилурға маҳи ховарий эрур боис.*

*Мангаки, ғамзасидин ўлмишам, ҳаёти абад
Хаёлиға лаби жонпарвари эрур боис.*

Булбулнинг тароналари қайта-қайта такрорланиши гул варақларидаги ишқий битикларга боғлиқлиги, гул япроқларини дафтар варақларига ўхшатилиши Шайх Саъдийнинг бир байти тарихини эсга солади.

“Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Шероздаги улуғ зотлардан бири Саъдий Шерозийнинг тариқатдаги мақомини инкор этиб, унга нисбатан кўнглида бир нописандлик бўлган экан. Ўша шайх бир кеча тушида осмон эшиклари очилиб, фаришталар табақларда нур кўтариб, ерга нузул этганларини яққол кўрибди. Сўради: “Бу не нурдир?” Фаришталар дедилар: Бу нур Саъдий Шерозий учундирки, бир байт айтибдур ва ул байт Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳазратида қабул тушибди ва ул байт будир:

*Барги дарахтони сабз дар назари ҳушёр,
Ҳар варақе дафтар аст маърифати Кирдигор.*

(Мазмуни: Яшнаган дарахтлар барги ҳушёр киши назарида Яратувчи маърифати китобининг варақларидир).

Ул азиз уйқудан уйғонгач ўша заҳоти бу хушxabарни етказиш учун Шайх Саъдийнинг хонақоҳи эшигига борибди. Борса, ичкарида бир чироқ милтиллаб ёниб турибди ва хиргойи овози келиб турибди. Яхшилаб қулоқ тутса, тушида эшитган байтни Шайх Саъдий замзама қилаётган эмиш.

Навоий ҳам устози байтидан илҳомланиб, ҳам Ҳаққа, ҳам халққа хуш келадиган мана бундай байтни айтган:

*Чаманда булбул этар шавқ нуктасин такрор
Ки, гул варақларининг дафтари эрур боис.*

Кейинги байтда тасвир чаманзордан яна кайҳонга – кеча ва кундузни алмаштирувчи фалакдаги Муштарий ва Зухал фалакларига кўчади. Нужум илмига кўра, Зухра сайёраси кундузи, айниқса, тонг пайтида, Муштарий эса кечқурун, яъни шом пайтида яққол намоён бўлади. Зухра ва Муштарий ой кўринмайдиган кечаларда нур сочиб, аниқроқ намоён бўлиши билан ошиқнинг кеча-ю кундуз кўз ёш тўкиши орасида ажиб таносуб ҳосил қилиб, шоир ёзади:

*Ул ой фироқида ашким оқарға шому саҳар,
Тулуъи Зухра била Муштарий эрур боис.*

Мазкур ғазалнинг мақтаъи ҳам алоҳида мулоҳазани талаб қилади. Сабабаи, тахаллус байтида Ироқу Ҳижоз сўзларининг келиши шоирнинг бир умрлик орзуси – ҳаж сафари иштиёқи билан боғлиқ. Ҳажга бормасликка гўё Ҳиротнинг таровати ва хуш ҳавоси сабаб қилиб кўрсатилгандек:

*Навоий ўлмасиға озими Ироқу Ҳижоз
Магар назоҳати мулки Ҳирий эрур боис.*

Бу билан шоир ўз она юрти тупроғини муқаддас маконлар ва қадамжолардан ҳам устун кўйган, деган мазмундаги хулоса билан фикримизни яқунлашимиз мумкин эди. Лекин шоирнинг эътиқоди ва тарихий далиллар бу хулосага қарши гувоҳлик бериб турганида, байтни қайтадан ўқиб, чуқурроқ мулоҳаза қилишимиз керак.

Мумтоз бадиъ илмида ибҳом деган бадий санъат бор. Унга кўра, шоир мисрани шундай тузадик, уни ўқиганда бир-бирига зид икки хил маъно юзага келади. Алишер Навоий ҳаж сафарига чиққанида бир неча марта мамлакат нотинчлиги сабабли, бу муборак сафарни кейинроққа суришга мажбур бўлади. Бу нотинчликларнинг бош манбаи – пойтахтдаги сарой аҳли бўлгани сир эмас. Ана шу нопокликлар, хиёнат ва сотқинликларни билган Навоий киноя оҳангида Ҳирот сабабли Ироқу Ҳижозга йўл ололмаслигини баён этган.

**“ДЕСАНГКИ, ФАРД ЎЛАЙ ЭЛДИН КЎНГУЛНИ
ХОЛИЙ ТУТ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 92-ғазал

*Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж
Ки, ранж чекмаса ҳаргиз муяссар ўлмас ганж.*

*Агар кишига чекиб ранж, ганж бўлди насиб,
Деса бу ганжни асрай, йўқ андин ортуқ ранж.*

*Кишики нақдини вазн айлабон қилур мадфун,
Бу ғуссасанждур, олған киши-фароғатсанж.*

*Йилон киби, не ажаб, ганж асраған кишининг
Ҳамеша комида гар захр эрур, танида шиканж.*

*Замона жоҳи учун ҳар ғулулайи ташвиш
Ки, келса кўнглунг уйини анга қилурсен ханж.*

*Десангки, фард ўлай элдин кўнгулни холий тут
Ки, тоқ дерлар агар ханж сари этсанг ланж.*

*Боши қуйидурур озода савсан олинда,
Чу наргис ўлди чаман махзанида нақд-ул-фанж.*

*Тариқ киби сўюлур талхкомлиқ бирла,
Тариғ-тариғки, йиғиштурди олтунин норанж.*

*Итур кўнгул ҳарамидин хавотир асномин,
Навоий, ўлса мақоминг Мадина, гар Афранж.*

ЛУҒАТ

Ком – истак

Ранж – машаққат, азоб

Ганж – хазина

Нақд – бойлик, пул

Вазн айлаш – оғирлигини ўлчаш

Мадфун – кўмилган

Ғуссасанж – қайғуни сотиб олган

Шиканж – исканжа, машаққат

Жоҳ – обрў, мартаба, улуғлик

Ғулула – ғулғула

Ханж – ботил, зое

Ланж отмоқ – хиром айламоқ

Нақд ул-фанж – тўпланган бойлик

Талхкомлиқ – умидсизлик, аччиқ кўз ёш тўкиш

Норанж – апельсин

Асном – санамлар, бутлар

Афранж – Фаранг, Европа

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни мақсур

V-V- VV-- V-V- VV~

V-V- VV-- V-V- VV~

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилон

НАСРИЙ БАЁН

- Кўнгли вайрон киши агар фано мақомига эришишни истаса, ранжу азоб чексин, киши ранж чекмасдан роҳат ва хазинага эришолмайди.
- Агар кимдир заҳмат чекиб, ганж-хазинани кўлга киритса, бу ганжни сақлаб қолмоқчи бўлса, бундан ортиқроқ ранжу машаққат йўқ.
- Кимки олтинларини тарозида тортиб, ерга кўмиб қўйса, ўзига ғусса сотиб олибди. Топиб олган киши эса – роҳат ва фароғатда бўлади.
- Бойлик – хазина асраган одамнинг насибаси илондек заҳар бўлиб, ҳамиша бурилиб-эшилиб яшаганидан танасида исканжа бўлса, ажаб эмас.
- Замонда обрў-эътибор топиш учун кўнгилдаги ташвишлар ғулғуласи аслида беҳуда ва кетган нарсалардир.
- Фард – ягона бўлмоқни истасанг, кўнглинг уйини бошқалардан холи тут. Агар беҳуда нарсаларга берилсанг, сени ягона эмас, балки бекас – бенаво деб атайдилар.
- Наргис чаман махзанида олтин тўпловчи бўлганидан савсан олдида боши қуйи туради.
- Норанж-апельсин олтинларини тарикдай заррама-зарра тўплайди, аммо охирида тарикдек бағри ўйилади.
- Навоий, Мадинада ё Фарангда бўлсанг ҳам, Аллоҳ ёдидан ўзга хотирлар санамларини ҳамиша кўнглинг ҳарамидан йўқ қилиб яша.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал орифона мавзуда, мавъиза оҳангида ёзилган. Матлаъдан асосий мавзу – фано мақомига эришиш эканлигига урғу берилиб, “бузуғ кўнгил” – Худонинг ёдида дили вайрон бўлган киши фано мақомига эришиши учун риёзат чекиши уқтирилган. “Алишер Навоий қомусий луғати”да берилишича, фано – инсон ўзлиги ва бандалиги мақомини Ҳақ таоло баробарида йўқ деб билмоқ, барча майл-истак ва орзуларидан воз кечиб, бутун олам ва оламдагилар Худонинг олдида ҳеч нарса эмаслигини теран англамоқ, башарий сифатлардан қутулиб, илоҳий сифатлар билан ботин оламини безамоқ демақдир. Фано истилоҳ сифатида биринчи марта Зуннун Мисрийнинг муриди Абу Саид Харроз томонидан қўлланилган. У “Ал-Лумаъ” китобида фанога шундай таъриф беради: “Фано – бандалик ишларидан буткул узилмоқ ва бақо – илоҳий мушоҳадада боқий қолмоқ эрур... Баъзи кишилар муҳаққиқларнинг фано тўғрисидаги сўзларидан иштибоҳга тушиб, башарият фано емак-ичмакни тарк этмоқдан ҳосил бўлади, негаки жисм кучсизланганда башарий сифатлар ундан кетади ва инсон илоҳий сифатлар билан сифатланади, деб ўйлайдилар. Бу гумроҳлар башарийлик ва башарий ахлоқ ўртасида тафовутни билмабдилар. Оқ рангдан оқлик ва қора рангдан қоралик сифати кетмаганидек, башарий табиат инсондан кетмас. Ҳақиқат нурининг кудрати сабабидан табдил ва ўзгаришга дуч келадиган нарса – башарий ахлоқдир”.

“Рисолаи Қушайрия” муаллифи инсон табиатида ёмон хислатларнинг йўқ бўлишини фано ва уларнинг ўрнига гўзал хулқларнинг қарор топишини бақо, деб таърифлайди. Иззуддин Кошоний фанони сайр илаллоҳнинг ниҳояси, деб билган.

Башарий сифатлардан қутулиш деганда, ҳирс, ҳасад, риё, такаббурлик, очкўзлик, ёлғон, шаҳват... каби ёмонликка ундовчи хислатлардан покланиб, ризо, шукроналик, қаноат, таваккул, фақр, сабр, ҳаё... каби гўзал ахлоқий сифатлар билан зийнатланишни тушуниш керак. Бунинг учун инсон энг аввало, мол-дунёга ҳарислик хислатидан воз кечишни ўрганиши зарур. Бойликни бахтли яшаш учун восита эмас, балки мақсад деб билувчилар вайронада кўмилган хазина устида умргузаронлик қиладиган илондан фарқи қолмайди. Илон ҳеч қандай фойда бермайдиган хазина учун заҳар сочиб, ўзига фақат душман орттиргани каби, мол-дунё тўплаб, ўзи ҳам емай, бировга ҳам бермай, ерга кўмиб юрагини ҳовучлаб юрадиганлар ҳам жамиятнинг илонлари ҳисобланади. Энг ачинарлиси, ҳамиша ичи тўла заҳар-заққум, азоб-исканжада яшайдиган бундай зотларга ҳавас қилиб бўлмайди:

*Кишики нақдини вазн айлабон қилур мадфун,
Бу ғуссасанждур, олған киши – фароғатсанж.*

*Йилон киби, не ажаб, ганж асраған кишининг
Ҳамеша комида гар заҳр эрур, танида шиканж.*

Бойликдан ташқари яна бир маънавий офат, бу – шуҳратпарастлик ва амалга интилиш хислатидир. Инсон боласининг кўпгина интилиш ва ташвишлари, азоб ва машаққатлари ана шу хислати туфайли содир бўлади. Бошқалардан устунлигини билдириш, ўзининг истеъдоди, билими ва куч-қуввати, насл-насаби ва амали билан фахрланиш учун энг азиз неъмат – умрни сарфлаб, моҳият эътибори билан ҳеч нарсага арзимайдиган ташвишлар юкини тортиш кўпчиликнинг ҳаёт тарзига айланиб қолган. Фоний дунёда Ҳаққа ибодат қилган дамлардан ўзга барча ишлар пушаймонлик келтиришини билса-да, одам боласи мангу яшайдигандек, беҳуда ишлар билан банд бўлиб қолади. Беҳуда умргузаронлик қиладиганлардан фарқли ўлароқ, фард – якка-ю ягона бўлиб, тўғри йўлда яшамоқни истаган инсон кўнгил уйини Аллоҳдан ўзгалар ҳаёлидан поклаши керак. Акс ҳолда, у қанчалик узлатда тоат-ибодат қилмасин, ажал шарбатини бекасу бенаво ҳолида тотган кишилар билан тенг бўлиб қолади:

*Замона жоҳи учун ҳар ғулулайи ташвиш,
Ки, келса кўнглунг уйини анга қилурсен ханж.*

*Десанги, фард ўлай, элдин кўнгулни холий тут
Ки, тоқ дерлар агар ханж сари этсанг ланж.*

Кейинги икки байтда мазкур маънолар ташхис санъати ёрдамида бошқача рангда таъкидланади. Наргис гулининг уруғлари сариқ рангда бўлиб, гуллаган чоғида сариқ уруғлари (олтинлари) оғирлигидан боши ҳамиша қуйи бўлгани, савсан эса ҳамиша сарбаланд яшагани, норанж – апельсин дарахти зарра-зарра “олтин” (мева) тўплагани билан охири барчасидан Мосуво қолиши – дунё ҳаётида юки оғирлар юки енгилларга қараганда яшаши қийинроқ бўлишига далил сифатида келтирилган. Бинобарин, инсон қаерда яшашидан қатъи назар, ҳаёл ва хотирни чалғитувчи санамлар – шуҳратпарастлик, мол-дунёга очкўзлик, бахиллик каби хислатлардан пок тутиши керак. Ўшанда у хоҳ Мадина, хоҳ Фарангистонда бўлсин, Ҳақнинг йўлида фано бўлиш саодатига эришади:

*Итур кўнгул ҳарамидин хавотир асномин,
Навоий, ўлса мақоминг Мадина, гар Афранж.*

**“КИМ ГАДОЙИНГДУР, АНГА ЙЎҚ ТАХТ
ИЛА ТОЖ ЭҲТИЁЖ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 93-ғазал

*Эй гадойингнинг гадои барча аҳли тахту тож,
Ким гадойингдур, анга йўқ тахт ила тож эҳтиёж.
Кўзларинг оз журм учун қилса итоб эрмас ажаб,
Бор муайянким, бўлур беморлар нозукмизож.
Гар санавбар тузмамиш сарвинг хилофин кўнглида,
Ел чинор илги била невчун урар юзига кож.
Эйки, кўнглумни бузуб, дерсен, хаёлимни чиқар,
Ҳеч ким вайронадин ганж истамас ҳаргиз хирож.
Сен жафо қилғач, кўнгул жон бирла тарким туттилар,
Бўлса шаҳ золим, эл ичра зулмға эрмиш ривож.
Ҳажрдин дод истадим, дединг, сабур ўл, вой ким
Тоza доғимға ёнар ўт бирла айларсен илож.
Чун фано гарди ёпар, не суд тахти жоҳинга
Кўкнинг анжумдин мукалал атласин қилсанг дувож.
То гадойингдур Навоий тахт ила тож истамас,
Эй гадойингнинг гадои барча аҳли тахту тож.*

ЛУҒАТ

*Журм – гуноҳ, хато
Илик – қўл
Кож – шапалоқ
Ганж – хазина
Дод – адолат
Сабур – сабрли
Суд – фойда
Анжум – юлдузлар
Мукалал – зийнатланган
Дувож – соябон*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V-
-V-- -V-- -V-- -V-
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Эй, барча тахту тож аҳли гадоларингнинг гадосига айланган зот! Кимки сенинг гадойинг бўлса, тахту тожга эҳтиёжи йўқ.
- Кўзларинг арзимас хатойим учун койиб, ғазабга минса, ажабланмайман. Негаки беморлар аслида мижози нозик бўлади.

- Агар санавбарнинг кўнглида сарвингга қарши чиқиш бўлмаса, нега шамол чинор қўли билан унинг бетига бир шапалоқ туширди?!
- Кўнглимни бузиб, яна мени хаёлингдан чиқар дейсан. Киши вайронага айланган ўлкага бир хазина миқдорида хирож солмайди.
- Сен жафо қилгач, жону кўнглим мени тарк этди. Зотан, шоҳ золим бўлса, эл-улус ичра зулм ривож топади.
- Ҳижрон дастидан адолат истадим, сабрли бўл, деб айтдинг. Эвоҳ, янги ярамни оташ билан даволамоқчи бўляпсан.
- Жоҳу жалолнинг фано тахти ва ўткинчилик ғубори остида қолиб кетаркан, унга осмоннинг юлдузлар билан зийнатланган атласидан соябон яшадан нима фойда?!
- Навоий токи Сенинг гадойингдир, тахту тож истамас. Эй, барча тахту тож аҳли гадоларингнинг гадосига айланган зот!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоийнинг ижодий биографиясида мадҳ мавзуси салмоқли ўрин эгаллайди. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимият тепасига келгач, Ҳиротга қайтган Навоийнинг дастлабки асари – янги ҳукмдор мадҳидаги “Ҳилолия” қасидаси бўлди. Шунингдек, биографик тусдаги “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” ва “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларини ҳисобга олмаганда, мутафаккир шоирнинг барча асарлари Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган бўлиб, уларда “Шоҳи Ғозий” энг олий даражадаги таъриф тавсифлар билан эланган.

Навоийнинг мадҳ оҳангида битилган сатрлари, асарларидаги мадҳ мавзуси – алоҳида тадқиқот учун мавзу. Шўро замонида Навоийдек шоир замон ҳукмдорини мадҳ этиши хато ҳисобланган бўлса, янги даврда бу масалага дахл қилиш ва Навоийнинг мадҳнома (мадҳия сўзи муносиброқ бўлса-да, ҳозирги тилимизда гимн маъносини билдиргани сабабли қўлламадик)лари замонамиз маддоҳларига “адабий дастак” бўлиши мумкинлигининг хавотири билан ушбу мавзу “ёпиқ” лигича қолди.

Мумтоз адабиётда мадҳ мавзусида қалам тебратмаган шоир санокли. Жумладан, Алишер Навоий ғазалнависликда устоз деб билган шоирлар – Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийларнинг ижодида ҳам мадҳномалар салмоқли ўрин эгаллайди. Аммо буларнинг бағишловлари ва мадҳлари Фаррухий, Муиззий, Заҳир Форёбийларнинг қасидаларидан буткул фарқ қилади. Биргина мисол келтирайлик: Фаррухий Систоний Султон Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаган бир қасидасида шундай бир фикр баён этади: “Каҳф” сурасида унинг ҳақида оятлар нозил бўлган Искандар Зулқарнайнинг Маҳмуд Ғазнавийдан тафовути – охирзамон пайғамбаридан аввал яшаб ўтганидир, холос. Агар, дейди Фаррухий, ислом пайғамбаридан кейин ваҳй эшиклари ёпилмаганда, Қуръоннинг камида учдан бир қисми Маҳмуди Ғозийнинг қахрамонликлари ҳақида бўларди.

Алишер Навоий ва унинг салафлари эса, мадҳни тарбиявий қуролга айлантириб, султонни тавсиф ва мақташ орқали тўғри йўлга ҳидоят қилишни асосий мақсад қилиб олганлар. Навоий мадҳларининг бошқаларниқига ўхшамаган яна бир жиҳати бор: мадҳ йўсинида ёзилган шеърларда талаб қисми мавжуд бўлиб, унда шоир мамдуҳ, яъни мадҳ қилинган одамдан ўзига керакли нарсани нозик шоирона ишоралар орқали тилаб олади. Навоий шеърларининг бирор жойида шундай таъма ва тилак оҳангидаги сатрларни учратмаймиз. Унинг мадҳлари самимий ва чин юракдан, бирор ғараз ё таъмасиз ёзилган. Иккинчи жиҳати – унинг лирик жанрлардаги мадҳномаларида шундай услуб қўлланилганки, унда мамдуҳ реал шахс ёки тимсол эканлигини аниқлаш қийин кечади. Жумладан, таҳлил қилинаётган ғазалдаги биринчи байтда айнан кимга – Султон Ҳусайн Бойқаро, ёки севиқли маҳбуба ёхуд Аллоҳ таолога мурожаат қилинганини англаш қийин:

*Эй гадоингнинг гадои барча аҳли тахту тож,
Ким гадоингдур, анга йўқ тахт ила тож эҳтиёж.*

Иккинчи байтда манзурнинг хумор кўзлари арзимас гуноҳ учун ҳам итобга олиниши, учинчи байтда эса чамандаги санавбар ва чинор дарахтининг ёр қомати расолиги учун қилган муноқашалари тасвирга олингани бу ғазалга ошиқона руҳ бағишлаган бўлса, тўртинчи ва бешинчи байтдаги маънолар ошиқона бўлиш баробарида ижтимоийлик руҳи ҳам устувор. Айниқса, мазҳаби каломий (ўз матлабининг исботи учун латофат билан далил келтириш) санъати орқали иккинчи мисрада айтилган фикрлар – вайрона бўлган мулкка хирож солиб бўлмаслик (тўртинчи байт) ҳамда подшоҳи золим бўлган ўлкада бошқалар ҳам ҳукмдордан ўрнак олиб зулм ва ситам қилишлари (бешинчи байт) шунчаки ишқий матлабни далиллаштириш учун келтирилган оддий гаплар эмас. Навоий Султон Ҳусайн Бойқаронинг нозик таъби ҳамда шеърни англашдаги дақиқ заковатини биларди (бу ҳақда у ғазалнинг иккинчи байтида ишора ҳам қилган). Шунинг учун, у очиқ-ойдин насиҳатгўйликка киришмасдан, мулкнинг ободлиги хазина маъмурлигига сабаб бўлиши, бунинг учун эса одилона сиёсат юритилиши лозим эканлиги каби ҳақиқатларни шоирона лутф ва образли сўзлар ёрдамида айтишга эришган:

*Эйки, кўнглумни бузуб, дерсен, хаёлимни чиқар,
Ҳеч ким вайронадин ганж истамас ҳаргиз хирож.*

*Сен жафо қилғач, кўнгул жон бирла тарким туттилар,
Бўлса шах золим, эл ичра зулмға эрмиш ривож.*

Шоҳнинг энг содиқ маслаҳатгўйи ва беғараз дўстининг ҳижронда қолиши, яъни бево-сита жараёнда фаол аралашмасдан, четда назарда қолиши сабаб бўлган. Шундай адолат-сизликларнинг олдини олиш ва зулм ривожига барҳам бериш учун Навоий шоҳнинг ёнида бўлишни истаб мурожаат қилади. Подшоҳнинг ушбу масалага ижобий кўз билан қарамаслиги унинг дардини янада кучайтириб, тоқатини тоқ қилади. Чунки, ҳаёт – ўткинчи, бутун оламнинг якка ҳукмдорлари ҳам вақт-соати келиб бу фоний дунёни тарк этиши муқаррарлигини билган мутафаккир берилган умр ва фурсатдан тўғри фойдаланиб, султон кўмакчиси бўлиб адолатни барқарор этишда ўз ҳиссасини қўшмоқни истайди. Бир соатлик адолат икки олам аҳлининг бир йиллик ибодатидан афзаллигини англаган киши шоирнинг бу изтиробни нақадар улуғвор эканини жуда яхши ҳис этади:

*Ҳажрдин дод истадим, дединг, сабур ўл, вой ким
Тоза доғимға ёнар ўт бирла айларсен илож.*

*Чун фано гарди ёпар, не суд тахти жоҳинга
Кўкнинг анжумдин мукалал атласин қилсанг дувож.*

Навоийнинг бу ёниб-куйишлари мансаб ва мартаба илинжида эмас. Султон Ҳусайн салтанатининг ишончли одами бўлиш – у учун барча тожу тахтдан афзал. Адолатли султоннинг хизматида бўлмоқлик олам подшоҳлигидан улуғроқ саодат эканини таъкидлаб, шоир тантанавор оҳангда ғазалга яқун ясайди. У бу чақириқ ва даъватлар султон томонидан жавобсиз қолмаслигига ишонарди ва бунга ҳаёти давомида кўплаб маротаба гувоҳ бўлганди. Шу билан бирга, Навоийнинг ушбу мурожаатини Ҳақ таоло даргоҳига муножот ўлароқ талқин қилиш ҳам мумкин. Бу талқинлар бир-бирини рад этмасдан, балки моҳият эътибори ила бир-бирини тўлдиради. Чунки, ал-Адл сифатининг соҳиби бўлган Аллоҳ таоло одил подшоҳларнинг ёри ва мададкоридир:

*То гадоингдур Навоий тахт ила тожистамас,
Эй гадоингнинг гадои барча аҳли тахту тож.*

**“ЭЙ НАВОИЙ, МАЪРИФАТНИ ҚИЛМА
ҲАР НЕ БОР ХАРЖ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 94-ғазал

*Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж,
Жавҳар олмоқға ғаний қилған киби динор харж.*

*Сойиру собит нисоринг қилса тонг йўқким, бўлур
Кечқурун шоҳ ўлса меҳмон, кимсага бисёр харж.*

*Нақди раҳмат харжинг этса Ҳақ, не тонг, улким топар
Сен киби маҳбуб васлин, айлагай ночор харж.*

*Фош этиб нақди шафоат қилдинг умматни халос,
Айлагандек нақдини топқан қизиқ бозор харж.*

*Баҳри раҳматдинки, топтинг, халқ уза бир қатра бас,
Гарчи тенг авлодур этмак дахл ила изҳор харж.*

*Мағфират ганжи санга тамлик эрур, мониъ эмас,
Айласанг исёни кўп умматқа ҳар миқдор харж.*

*Сен кимунаътиндемак, тиласрағилкўпнуктадин,
Эй Навоий, маърифатни қилма ҳар не бор харж.*

ЛУҒАТ

Кавкаб – юлдуз

Жавҳар – гавҳар, дурдона

Ғаний – бой, бадавлат

Сойиру собит – сайёралар ва турғун буржлар

Нисор – сочиш

Тонг йўқ – ажабмас

Нақд – маблағ, олтин

Дахл – бу ерда: кирим

Ганж – хазина

Тамлик – мулкка эгалик

Нукта – ҳикматли сўз

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани мақсур

-V-- -V-- -V-- -V~

-V-- -V-- -V-- -V~

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

НАСРИЙ БАЁН

- Бадавлат киши дурру гавҳар сотиб олишга кўп олтин динор сарфлагани каби, фалак изингинг гардига кўп юлдузларни харж этди, яъни нисор қилди.
- Фалак сенинг қадамингга собиту сайёраларни сочган бўлса ҳам ажабмас. Зотан, агар кимнингдир уйига кечкурун тўсатдан шоҳ меҳмон бўлиб қадам ранжида қилса, кўп харажатга тушади.
- Ҳақ сен учун раҳмат хазинасини харж этса, ажабмас, чунки сен каби ким маҳбубининг васлига етишса, ночор харжи кўпаяди.
- Бозори бароридан келган одам бор маблағини сарфлагани каби шафоат хазинасини ошкор этиб, умматни халос этдинг.
- Сен топган раҳмат денгизи билан барча халқни кечириш учун бир томчиси етарлидир. Бинобарин, киримга тенг чиқим бўлиши афзалроқдир.
- Мағфират хазинаси сенга мулк қилиб берилгандир, шунинг учун исёни кўп умматга бу хазинадан қанча харж қилсанг, монелик қилинмайди.
- Эй Навоий, сен киму Расулulloҳнинг наътини айтиш қайда. Нимаики маърифат этган бўлсанг, харж этавермасдан, кўп ҳикматли сўзларни айтишдан тийил.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоий башарият аҳли ичида сарвари коинот Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) га алоҳида муҳаббат қўйган бўлиб, бу муҳаббат ва эътиқодини ҳамиша ҳар нафасида изҳор этиб турган. Мумтоз ғазалчилик тарихида Навоий наът мавзусида энг кўп ғазал ёзган шоирлардан ҳисобланади. Форс адабиётидаги соҳибдевон шоирларнинг ғазалларида пайғамбаримиз васфидаги байт ва мисралар кўп бўлгани билан, наът мавзусида яхлит асар яратиш ва бу турдаги ғазалларни тизимли равишда деярли ҳар бир ҳарф туркумида жойлаштириш анъанаси айнан Навоийдан бошланган.

Буюк Навоий қайси мавзуда қалам тебратмасин, биринчи галда бадийлик нуқтаи назардан шоирона ёндошган. Барча мавзуларга мутафаккирона нигоҳ ва шоирона қалб билан ёндашган шоир наът мавзусида янги-янги поэтик воситалар ва услубий тажрибаларни қўллайди. Жумладан, мазкур ғазалда “харж” радифини қўллаш баробарида соф исломий ғояларни сингдиришга эришган.

Харж – савдо-сотикқа алоқадор бу сўзни радиф сифатида танланишига, бизнингча, учта омил сабаб бўлган: биринчидан, пайғамбаримизнинг касби савдогарлик бўлгани сабабли, мазкур сўз орқали ушбу тарихий далилга ишора қилинган; иккинчидан, охиратни деб, дунёдан воз кечганлар – умр савдосида фойда кўрганлар, мазмунидаги қатор ҳадислар мавжуд бўлиб, “харж” сўзи ўша ҳадислар маъносига далолат қилади; учинчидан, Қуръони Каримда ўргимчак, асалари каби назар илмас ҳашаротлар мисол келтирилиб, катта маънолар ифодалангани ҳамда Аллоҳ учун аҳамиятсиз нарса ё сўзнинг ўзи бўлмаслигини таъкидловчи оятлар ҳам шоирнинг ижодий услубига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Матлаъ мазмунидан ғазал меърож ҳодисасига бағишлангани аёнлашади. Меърож мўъжизаси фақат инсоният учун эмас, балки Борлиқдаги барча мавжудот учун энг улуғ ҳодиса эди. Шунинг учун, фалак Ҳақ таоло ҳузурига сафарга чиққан пайғамбарнинг қадамидан чиққан гардини табаррук деб беҳисоб юлдузларни йўлига сочиши бадавлат одам олтин-кумушларидан воз кечиб, кичиккина гавҳарни сотиб олишига ўхшатишган. Иккинчи байтда қўлланилган мазҳаби каломий эса, талмиҳ унсурларини ҳам ўзида мужассам этган бўлиб, меърож ҳодисаси кечаси содир бўлганини билдиради:

*Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж,
Жавҳар олмоқға ғаний қилған киби динор харж.*

*Сойиру собит нисоринг қилса тонг йўқким, бўлур
Кечқурун шоҳ ўлса меҳмон, кимсага бисёр харж.*

Учинчи байтда қофия ўрнида келган “ночор” сўзини тўғри маънода Ҳақ таолога ҳам, унинг ҳабибига ҳам нисбат бериб бўлмайди. Мазкур сўзнинг вазифасини белгилашдан олдин “нақди раҳмат” истиорасининг тарихи билан танишайлик.

Ислом тарихидан маълумки, меърож кечасидан сўнг пайғамбаримиз (с.а.в.) бутун оламларга раҳмат қилиб юборилдилар. Оламларга раҳмат бўлган пайғамбарнинг шарофати билан у кишига зиён-заҳмат етказганлар ҳам, ўлдиришга қасд этганлар ҳам, мазах-масхара қилганлар ҳам илоҳий раҳматдан баҳраманд бўлдилар. Олдинги пайғамбарлар давридаги мушриклар илоҳий ғазаб туфайли турли бало ва офатларга йўлиққан бўлсалар, охирзамон мушриклари пайғамбаримизнинг шарофатлари билан бундай бало ва офатлардан омон қолдилар. Бу эса, Аллоҳ ва унинг ҳабиби ўртасидаги муҳаббат туфайлидир:

*Нақди раҳмат харжинг этса Ҳақ, не тонг, улким топар
Сен киби маҳбуб васлин, айлағай ночор харж.*

Пайғамбарларнинг мўъжизалари уларнинг вафотидан кейин тугайди. Илло, бизнинг пайғамбаримизга яна бир мўъжиза – шафоат мўъжизаси берилганки, бу мўъжиза қиёмат куни содир бўлади. Меърож мўъжизаси – куфр ва иймон аҳли ўртасидаги чегарани қатъий белгилаб қўйган бўлса, шафоат мўъжизаси нажот аҳли бўлганлар ҳамда адашган тоифалар ўртасидаги тафовутни белгиловчи асосий белгидир. Улуғ мутафаккир аҳли суннат ва жамоатнинг эътиқодига мувофиқ, шафоат мўъжизасига бўлган эътиқодини чиройли образлар ёрдамида ифодалаган:

*Фош этиб нақди шафоат қилдинг умматни халос,
Айлагандек нақдини топқан қизиқ бозор харж.*

Бешинчи ва олтинчи байтларда хотамуланбиё раҳмат денгизи ва мағфират хазинабони дея таърифланган. Навоий васфига кўра, Ҳақ таоло инояти билан сарвари коинотнинг раҳмати шу даражада кенгики, бутун умматнинг осийлигини кечирдиш – денгиздан бир томчидек гап. Мағфират хазинаси бу зотга мулк қилиб берилган экан, туганмас хазинадан қанча харж этилса ҳамки, Ҳақ таоло бунга монелик қилмайди. Бу ташбиҳлар шунчаки шоирона лутф ва муболағали тасвир эмас, балки ҳар бир ўхшатма, ҳар бир таъбирнинг асосида муборак оят ва ҳадисларнинг мазмуни бор. Жумладан, “Анбиё” сурасининг 107-оятда марҳамат қилинадиким: “Эй Муҳаммад алайҳиссалом, дарҳақиқат, Биз Сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни, Аллоҳнинг раҳмати-жаннатига етаклагувчи) қилиб юбордик”. Бундай оят ва ҳадислар, пайғамбаримиз сийрати ҳақидаги мўътабар манбаларни чуқур ўрганган Навоий бу беназир шахсиятнинг серқирра сифат ва фазилатларини турли тимсол ва образлар ёрдамида васф этган бўлса-да, бу мақтовлар қанчалик олий даражада бўлишига қарамасдан, барибир камлик қилишини айтиб, ғазалга якун ясайди:

*Сен киму наътин демак, тил асрағил қўп нуктадин,
Эй Навоий, маърифатни қилма ҳар не бор харж.*

“МАЙИ ЛАЪЛИНГ ЭРУР ЖОН БИРЛА МАМЗУЖ...”

«Ғаройиб ус сиғар», 95-ғазал

*Майи лаълинг эрур жон бирла мамзуж,
Йўқ эрса оби ҳайвон бирла мамзуж.*

*Жигаргундур сиришким, негаким бор
Бағир бу ашки ғалтон бирла мамзуж.*

*Жаҳонни бузди ашким оҳ иланким,
Эрур сарсар бу тўфон бирла мамзуж.*

*Қўшулди кўзларимнинг ашки, ваҳм эт
Ки, Қулзум бўлди Уммон бирла мамзуж.*

*Кўнгул қон бўлдию ишқинг ўтидин
Бу қон маҳлул пайкон бирла мамзуж.*

*Юзига тушти зулф, айланг назора
Ки, бўлди куфр иймон бирла мамзуж.*

*Манга ҳар майки, тутти соқийи давр,
Бурун қилди ани қон бирла мамзуж.*

*Майи васл истама қўп, эй кўнгулким,
Эрур ул заҳри ҳижрон бирла мамзуж.*

*Навоий сури мотам бўлдиким, бор
Суруди айши афғон бирла мамзуж.*

ЛУҒАТ

*Мамзуж – омухта, аралаш
Оби ҳайвон – ҳаёт суви
Жигаргун – жигарранг
Сиришк – кўз ёши
Ашки ғалтон – тўкилувчи кўз ёш
Сарсар – совуқ шамол, изғирин
Ваҳм этмоқ – қўрқмоқ
Маҳлул – заҳарли
Пайкон – ўқ
Сур – тўй
Суруд – қўшиқ
Афғон – фиғон, нола*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

*Ҳазажи мусаддаси маҳзуф
V --- V--- V--
V --- V--- V--
Мафойилун мафойилун фаўлун*

НАСРИЙ БАЁН

- Лаълинг майи – лабингдан чиқаётган шаробдек маст қилувчи сўзларинг ё жон билан, ё тириклик суви билан омухта бўлган.
- Кўз ёшларим жигаррангдир, негаки бу кўзёшларимга бағрим қони ҳам қўшилган.
- Кўз ёшим билан оҳларим оламни бузди. Булар тўфонга қўшилиб эсаётган изғиринга ўхшайди.
- Кўзларимнинг кўзёшлари оқиб, бир-бирига қўшилди, эҳтиёт бўлгинки, Қулзум ва Уммон денгизларининг сувлари жам бўлди.
- Ишқинг ўтидан кўнгил қон бўлиб, эриб заҳарли ўқ билан қўшилиб кетди.
- Юзига зулфи тушди, куфр билан имон аралашганига қаранглар.
- Даврон соқийси менга ҳар шаробким берди, уни қонимга қўшиб чиқариб олди.
- Эй кўнгил, висол бодасини талаб қилма, зотан бу бодага ҳижрон заҳари қўшилган.
- Навоийнинг байрами мотамга айланди, унинг қўшиқларига мотам ноласи омухта бўлди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

“Жим” ҳарфи туркумидаги жами тўртта ғазалдан иккитаси мураддаф – радифли ғазал. Олдинги ғазалдан фарқли тарзда бу ғазалда ўзбек тилида фаол қўлланилмаган “мамзуж” сўзи “бирла” қўшимчаси билан биргаликда радиф вазифасини бажарган.

Амир Хусрав Деҳлавий “Фуррат ул-камол” девонининг муқаддимасида таъкидлашича, сўзлар ҳам ўз табиатига кўра, тўрт унсурга монанд бўлади. Айрим сўзлар табиатида ҳаво унсури етакчилик қилса, баъзиларида олов, баъзисида тупроқ, айримларида сув унсурининг моҳияти намоён бўлади. Шоир қайси мавзуда қалам тебратса, ўша мавзуга мос сўзларни танлаб олиши ва бунда сўзларнинг унсурий моҳиятини ҳам ҳисобга олиши керак.

Мазкур талаб таҳлил қилинаётган ғазалда тўла-тўқис намоён бўлган. Ғазалда қаламда олинган май, оби ҳайвон, сиришк, ашк, оҳ, тўфон, сарсар, Қулзум, Уммон, қон, маҳлул, соқий, заҳр каби тимсоллар унсур табиатига кўра сув унсури моҳиятига мос тушади.

Радиф ғазалнинг мантиқий меҳвари бўлгани боис, мамзужнинг луғавий маъносига муносиб равишда байтларда икки ва ундан кўпроқ образ ва тимсоллар қўлланилган. Жумладан, матлаъда майи лаълинг истиорасининг ўзидаёқ ёрнинг лаби лаъл каби қизил ва гўзал, май каби ақлдан оздирувчи сифатлари борлиги таъкидланса-да, жон билан ёхуд ҳаёт суви билан омухталигини айтиш орқали бу сифатлар янада бўрттирилади. Байтда “оби ҳайвон” талмиҳи орқали Хизр чашмаси, яъни мангулик бағишловчи муҳаббат манбаига ишора қилинади:

*Майи лаълинг эрур жон бирла мамзуж,
Йўқ эрса оби ҳайвон бирла мамзуж.*

Иккинчи байтда Хизр чашмасидан сув ичганлиги сабабли кўз булоғидан ашк бағир қони билан қўшилиб, оқиши тасвирланган бўлса, учинчи байтда бу кўз ёшлар ошиқнинг оҳу фиғонлари билан бирга оламга тўфон солганидан хабар беради. Мангу ҳаёт бағишловчи оби ҳайвоннинг, яъни тириклик сувининг таъсиридан ошиқнинг кўз ёшидан оламда тўфон ҳосил қилиниши муҳаббатнинг тадрижини кўрсатади:

*Жаҳонни бузди ашким оҳ иланким,
Эрур сарсар бу тўфон бирла мамзуж.*

Бутун оламни бузган кўз ёшларнинг бир-бирига қўшилиши – Қулзум (Қизил) ва Уммон денгизларининг қўшилиб кетиши каби даҳшатли оқибатлар келтирувчи ҳодисадир. Ўрта асрга хос жуғрофий тасаввурларга кўра, оламни етти дарё ё етти денгиз (Ҳинд, Уммон, Қулз-

ум, Барбар, Уқёнус, Рум ва Қора) етти томондан ўраб олган. Мажмаъ ул-бахрайн – чучук ва шўр сувининг жам бўлган жойи эса Қулзум ва Уммон ўртасидадир. Бу икки денгизнинг ўртасида шундай бир жой борки, чучук ва шўр сувли денгизлар бир-бири билан қўшилмасдан туради. Бу ҳақда “Каҳф” сурасининг 60-оятда ҳам хабар берилган. Тафсир китобларда берилишича, “мажмаъ ул-бахрайн” – икки денгиз – Қулзум ва Уммон қўшилмай жам бўлган жойда Мусо алайҳиссалом ҳазрати Хизр билан учрашган. Бу денгизлар суви қиёматгача қўшилмайди. Қачонки, бу денгизлар суви қўшилиб кетса, қиёмат соати бошланади.

Навоий ушбу далиллардан “адабий фатво” сини чиқариш йўлида маҳорат билан фойдаланиб, икки кўзидан оқаётган кўз ёшлари қўшилиб оқаётганини қиёмат соати яқин қолганда Қулзум ва Уммон денгизлари сувининг аралашиб кетишига ўхшатади. Қулзум ва Уммон сувининг бириники чучук, бириники шўр эканини ошиқнинг кўз ёшларига татбиқ этсак, унинг ашклари ҳам бири чучук – умид ва бахт кўзёшлари бўлса, иккинчиси шўр – хавф ва ҳасрат кўзёшлари эканига далолат қилади. Кейинги байтда қон бўлган кўнгил ҳақида сўз юритилганини ҳисобга олсак, байтда “кўзларим” дейилганда икки кўз эмас, балки икки хил кўз – зоҳир оламини кўрувчи бир жуфт кўз ҳамда басират кўзи, қалб кўзи назарга тугилганини англаш мумкин. Зоҳир кўзи дийдор умидида Қулзум денгизига айланган бўлса, қалб кўзидан оқаётган кўз ёшлари Уммон денгизини ҳосил қилган. Икки денгизнинг қўшилиши – кўз ва қалб кўзёшларининг қўшилиб кетиши ошиқнинг фано бўлгани хабарини беради:

*Қўшулди кўзларимнинг ашки, ваҳм эт
Ки, Қулзум бўлди Уммон бирла мамзуж.*

Олтинчи байтда ташбиҳи музмар билан ҳусни таълил унсурлари мамзуж – қоришиқ шақлда қўлланилиб, гўзал поэтик тасвир ва чуқур фалсафий ҳикмат бир-бирини тўлдирган. Ёрнинг юзи – иймон нурига, зулфи – куфр зулматига ўхшатилиши мумтоз шеърятнинг бир неча асрлик анъанасидир. Мажозий муҳаббат мазҳари бўлмиш маҳбубанинг зулфу юзи – бу дунёда имон ва куфр, нур ва зулмат, ҳалол ва ҳаром ҳамиша ёнма-ён туриши, Муҳаммад (с.а.в.) бор жойда Абу Лаҳаблар ҳам бўлиши ҳаёт қонунияти эканини таъкидлайди. Ҳаёт ҳамиша бир хил ранг ва бир маромда кечмайди. Ёрнинг юзига соя солиб турган зулфи қанчалик кўрк бағишлаган бўлса, ғам ва шодлик, роҳат ва ташвиш, ютуқ ва мағлубият, маърифат ва жаҳолатнинг омухта, қоришиқ бўлиши имтиҳон майдони бўлган дунёдаги ҳаётга ҳам ранг ва мазмун, кўрк ва жило бағишлайди:

*Юзига тушти зулф, айланг назора
Ки, бўлди куфр иймон бирла мамзуж.*

Кейинги уч байт май тимсоли билан боғлиқ. Навоий ижодида май кўп маъноларни ифода этадиган тимсоллардан ҳисобланади. Давр соқийси қўлидан ичилган май қон билан чиқиши – даврон шодлиги қисқа муддатли бўлиб, албатта қайғу ва ташвишларга айланишини англатса, васл майдан умид узиш – фоний ва бебақо дунёда висолдан кўра айрилиқ, шодликдан кўра, қайғу, бахтли онлардан кўра мусибатли соатлар кўпроқ эканлигини англатади. Дунёга келган инсоннинг қисмати шундай – висол шарбатига ҳижрон захри қоришилган, шодлик ва хурсандчилик қайғу ва ғам-ғусса билан эгиз келишига кўниб, ғам ичра шод бўлиш ва шодлик ичра ҳасрат чекишга кўникиб яшаш керак. Навоий ҳам бундан мустасно эмасди:

*Навоий сури мотам бўлдиким, бор
Суруди айши афғон бирла мамзуж.*

**“ЮЗИН ЗУЛФ ИЧРА ТО КЎРДУМ ЎЛУБ
ВАСЛИҒА ЕТМАСМЕН...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 96-ғазал

*Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.*

*Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.*

*Кўзум қон ёш тўкар, нетиб кўнгул захмин яшурайким,
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон кўргач.*

*Бўёлған қон аро жон пардаси еткач ғами ҳажринг,
Кўнгул боғида баргедурки, ол ўлмиш, хазон кўргач.*

*Хадангинг захми ичиндин балоларни юған ёшим,
Эрур тифлеки, олғай қуш боласин ошён кўргач.*

*Кўнгуллар нақдини торож этарга ёпмоғинг бурқаъ
Анингдекдурки, юз боғлар қарақчи корвон кўргач.*

*Юзин зулф ичра то кўрдум ўлуб васлиға етмасмен,
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.*

*Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.*

*Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач.*

ЛУҒАТ

Каманд – арқон

Йилон – илон

Ол – қизил

Хаданг – ўқ

Тифл – гўдак

Ошён – уя, ин

Бурқаъ – ёпинчиқ, юзга тутган парда

Ком – ҳожат, истак

Комрон – мақсадига эришган, бахтиёр

Хурда – ширинлик; дурру гавҳар; ҳикматли сўз

Хурдадон – нозиктабъ, ингичка фикрловчи

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим

V --- V--- V--- V---

V --- V--- V--- V---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

НАСРИЙ БАЁН

- Зулфинг ришталарини ногаҳон кўрган кўнгилларнинг ноласи қушлар илонни кўргач қичқиришларига ўхшайди.
- Рангин ашким элга кўнглимдаги захмларни ошкор этди. Эл дарёда қон кўргач, баликлар ярадор бўлганини тушунадилар.
- Кўзим қон ёш тўкар, кўнгил захмини қандай яширайким, ерда қонли нишонини кўргач, одамлар овланаётган жониворни топадилар.
- Ҳажринг ғами еткач, қонга бўялган жоним пардаси хазон етганда қизил тусга кирган, кўнгил боғидаги бир япроқдир.
- Отган ўқинг захми ичидан балоларни ювган кўз ёшим қуш уясини кўриб, ичидан полапонларини олган ёш болага ўхшайди.
- Кўнгиллар хазинасини талон-торож этмоқ ниятида юзингни бурқаж – парда билан ёпишинг – қароқчи карвонни кўргач юзини боғлаб олишга менгзайди.
- Зулфи орасида юзини кўрдим, ўлиб ҳам васлига етмасман. Тунда дуч келган томонда ўтни кўриб юзланмоқ нотўғри ишдир.
- Бу оламда жоҳ, амал ва мансаб ўткинчи, яхши от эса боқий экан, бахту давлатга эришганинда элнинг ҳожатини ҳам раво айла.
- Эй Навоий, ширин назмингни маҳорат билан ёздингки, нозиктабъ султон уни кўрса, бошингдан дурру гавҳарлар сочади.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Олдинги ғазаллар шарҳида ғазаллар шакл ва мазмунига қараб матбуъ ва маснуъ турларига бўлинишини айтиб ўтгандик. “Чим” ҳарфи туркумини бошлаб берадиган ушбу ғазал ҳам матбуъ, ҳам маснуъ ғазаллар талабига тўлақонли жавоб беради. Ғазалда маънавий санъатлар ичида энг кўп қўлланиладиган поэтик ифоданинг бири – тамсил санъати етакчилик қилади. Шоир ўз фикр ва хулосалари, ички кечинмаларини ҳаётий деталлар ва шоирона тасвирлар асосида далиллаштириш жараёнида ташбиҳнинг турли унсурларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Жумладан, матлаъда ёрнинг сайёд арқонига ўхшаган бурама зулфини кўрганда кўнгилларнинг нола чекишини илон кўрган қушларнинг қичқиришига ўхшатилиши тасвирга олинаркан, тасвир жараёнида ташбиҳи музмар (пинҳона ўхшатиш) ва ташбиҳи мусалсал билан тамсил санъати имкониятларини баравар қўллаб, поэтик мантиқ ёрдамида фикрини далиллайди:

*Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,
Эрур андоққи, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.*

Матлаъда табиатда учраб турадиган ҳодиса – илоннинг қушлар уясига ҳужум қилиши далиллаш асосини ташкиллаштирган бўлса, иккинчи байтда инсон иштирокидаги бошқа ҳодиса – балиқ ови жараёни тамсил қилинган. Ошиқнинг кўзларидан қонли ёш дарёдек оқиши ҳамда ўқ ва бошқа ўткир нарсалар захмидан балиқларнинг қони сувнинг юзасига чиқиши мувозий – параллел тасвир қилиниб, табиий ва гўзал манзара яратган:

*Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.*

Кейинги байтларда ҳолат тасвири тадрижийлик касб этиб, тамсил қилинадиган далиллар ҳам шунга мувофиқ бир-бирини тўлдириб боради. Учинчи байтда энди тўкилган қон ёшлари мажруҳ сайддан ерда нишон бўлиб қолган қон излари каби кўнгилдаги ишқни ошқор этиши ҳақида сўз юритилса, тўртинчи байтда кўнгил захмидан қонли бўлиб қолган жон пардаси хазон пайтидаги қизил япроққа ўхшатилади.

Ишқнинг ошқор бўлишидан изтироб чекилишига сабаб бор: тасаввуф аҳлининг орасида машҳур бўлган ҳадисга кўра (баъзи манбаларда, бу сўз Абу Наср Саррожга ҳам нисбат берилади), кимки ошиқ бўлса ва ишқини пинҳон тутган ҳолда вафот этса, шаҳидлик мақомига эришади. Аммо “ким нимага муҳаббат қўйса, ўша ҳақида кўп сўзлайди” (ҳадис) деганларидек, ошиқнинг муҳаббат ўқидан жароҳатланган кўнглининг нолалари ва дард зарбидан тўкилаётган кўз ёшлари уни шаҳидлик мақомидан Мосуво қилиб, сиррини элга ошқор этган. Далил сифатида келтирилган тамсил унсурлари ҳам мантиқий тарзда бир-бирини тўлдириб борган: байтда илонни кўриб, қичқирган қушлар; юзасига балиқ қони қалқиган дарё; элдан қочиб, замин узра қонли излари қолган мажруҳ сайд; кузак фасли бошида қизил тусга кирган хазон барги; қуш уясидан полапонларини олмоқчи бўлган ёш бола, – буларнинг барчаси кўнгилнинг ишқ кўйидаги ҳол ва мақомлари билан уйғун ҳолда келтирилган.

Кўнгил мулкани торож айлашга чоғланган маҳбуба юзини парда билан ёпиши – қароқчининг карвонни кўрганда юзини қора рўмол билан боғлаб олишига ўхшайди:

*Кўнгуллар нақдини торож этарга ёпмоғинг бурқаъ
Анингдекдурки, юз боғлар қарақчи корвон кўргач.*

Бу ўхшатиш – маҳбубанинг юзини кўролмаслик ва бундан иштиёқнинг ортиши Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги байтини эсга солади:

*Маъшуқ аён мегузарад бар ту, валекин
Ағёр ҳамебинад, аз он баста ниқоб аст.*

(Мазмуни: Маъшуқ сенга юзини очиб ўтади, аммо бегоналарнинг кўзи тушмасин деб ниқобга бурканиб олган).

Ҳофиз Шерозийда Аллоҳ таолонинг жамолини бу дунёда кўрмаслик сабаби шоирона бир ўхшатиш орқали тушунтирилган бўлса, Навоий байтида умр карвони йўловчилари учун ишқ сирри ва тавҳид асрори очилмай қолиши ва айни пайтда, мана шу сирлилик тавҳид маърифатига иштиёқнинг ортишига сабаб бўлишини ифода этиш учун қароқчи ва карвон тимсоллари тазодидан фойдаланган.

Еттинчи байт олдинги байтнинг мантиқий давоми бўлиб, юздаги имон нури ва зулфда-

ги куфр зулмати тазоди тамсил унсурлари билан биргаликда янги мушоҳада ва хулосага ундайди. Тасвирга кўра, юзни ёпиб турган зулф ортидан ёрнинг жамоли қоронғу кечада ҳар томондан тириклик ва ҳаётдан нишона берувчи гулханлар каби ошиқнинг хаёлини шундай ўғирлаганки, кимсасиз биёбонда адашиб, бирданига турли томонларда олов шуъласини кўргач, қаёққа боришни билмай ҳайрат аросатида қолган йўловчига ўхшаб қолган.

Мазкур ташбиҳ Мусо алайҳиссаломнинг қиссасини ҳам ёдга солади: қоронғу кечада Айман водийсида адашиб қолган Мусо бирданига олов нишонасини кўради. Саноқсиз гулханлар нишони ичидан у Аллоҳ таоло ҳидояти билан мўлжални аниқ олиб, Тур водийсидаги Сино тоғига чиқиб, ёниб турган дарахт ёнида Аллоҳ таоло билан сўзлашади. Инсон аслий мақсадга эришиш учун ҳар томонга оғишмасдан, тўғри ҳаракат қилса, ғалат қилмасдан – адашмасдан муродига етади, дейди Навоий:

*Юзин зулф ичра то кўрдум ўлуб васлиға етмасмен,
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.*

Ҳидоят топган киши бу оламнинг мансаб-мартабаси, шон-шавкати, бойлик ва шухрати ўткинчи эканини билади. Инсоннинг умрини ҳақли равишда киприк устидаги томчи ёшга ўхшатган донишмандлар ҳамиша яхши ном қолдириш, элга бетаъма ва беминнат хизмат қилишни таъкидлаганлар. Оламда Ҳотами Тойдан бойроқ, Анушервон Одилдан қудратлироқ, Паҳлавон Маҳмуддан кучлироқ зотлар кўп ўтган. Аммо саховат, адолат ва жасорат бобида номи келтирилган зотлар барчага ўрнатилган бўлиб, ўткинчи ҳою ҳавасларни эл манфаатлари йўлида қурбон қилганликлари боис уларнинг номи бугунги кунгача тилларда дoston бўлиб келмоқда. Буюк Навоий ҳам бу шиорга амал қилгани сабаб беш асрдан буён донишманд вазир, беназир мутафаккир ва тенги йўқ шоир сифатида элнинг ардоғида, номи мангуликка дахлдор бўлиб келаётир:

*Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.*

**“БАС ЭҲСОН ҚИЛ САНГА ГАРДУНДИН АДНО
ЭЪТИБОР ЎЛҒАЧ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 97-ғазал

*Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гулғузур ўлғач,
Қуруқ шох уйлаким зоҳир қилур гуллар, баҳор ўлғач.*

*Қошин кўргач ҳасаддин истарам эл кўзи боғланғай,
Нечукким кўз тутарлар эл янги ой ошкор ўлғач.*

*Жунун эрмас кийиклар суҳбати дермен манга шояд,
Бир ўқ теккай ғалат, ул қоши ё гарми шикор ўлғач.*

*Ҳавас ишқ айлаган озода, кечкил бу хаёлингдин
Ки, чиқмас бу тикан кўнглунгда ногаҳ устувор ўлғач.*

*Дейолмас дард ила иттим, вале билгилки, чекмишмен,
Бир оҳе барча олам ғусса дуди бирла тор ўлғач.*

*Қилиб манғи жунунум ул парий қўйиға юзланган
Сўзи ҳашв эрканин фаҳм айлағай, беихтиёр ўлғач.*

*Қани Ҳотам, қани Қорун, қани Жамшиду Афридун?
Бас эҳсон қил санга гардундин адно эътибор ўлғач.*

*Ғуруру жаҳл жоми бирла маст ўлмаки, ўлмакдур,
Маозаллаҳ, бу майға чарх давридин хумор ўлғач.*

*Навоий шамъдек йиғлаб, куюб ҳолимни шарҳ айлай,
Ул ой базмида бир тун рост ошиқларға бор ўлғач.*

ЛУҒАТ

Гулғузур – гул юзли

Қоши ё – қайрилмақош, қошикамон

Гарми шикор – овга берилиб кетмоқ

Озода – эркин, ҳур инсон

Итмоқ – йўқ бўлиб кетмоқ

Тор – қоронғу, зимистон

Ҳашв – ортиқча

Қорун – хасислиги учун бойликлари билан ер қағрига кириб кетган инсон

Жамшид – шавкатли подшоҳ номи

Афридун – адолатли подшоҳ, Фаридун

Эҳсон – яхшилик

Гардун – фалак, осмон; маж.: Худо

Адно – энг яқин

Жаҳл – нодонлик

Маозаллаҳ – Аллоҳ сақласин

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим

V --- V--- V--- V---

V --- V--- V--- V---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

НАСРИЙ БАЁН

- Баҳор келганда қуруқ шохлар гуллагани каби, гул юзли нигорим мен билан ҳамдам бўлгач, фақат жамолини васф этарман.
- Қошини кўргач, ҳасаддан одамларнинг кўзи тушмаслигини истайман. Негаки янги ой чиққач ҳамма унга қарайди.
- Кийиклар суҳбатини истаганим жунундан эмас. Шоядки ул қоши камоним овга берилиб кетгач адашиб мен томон ҳам бир ўқ отса, деган умиддаман.
- Эрки ўз кўлида бўлган инсон, ишқни ҳавас айлабсан, бу хаёлингдан кечгил. Бу тикан мабодо кўнглингда жойлашса, қайтиб ҳеч қачон чиқмайди.
- Дард билан йўқ бўлиб кетдим дейолмасман, аммо бутун олам бир ғусса оҳи билан зулматга чўмса, билки, бу оҳни мен чекканман.
- Менга жунунни манъ этган киши ул парий кўйига юзланиб, ихтиёр кўлидан кетса, гапирган гаплари ортиқча эканлигини билади.
- Ҳотам қани, Қорун қани, Фаридун ва Жамшид қаёнга кетди? Тақдир илтифоти билан мўътабар киши бўлдингми, кўлингдан келганча яхшилиқ қилгил.
- Жаҳолат ва мағрурлик шароби билан маст бўлма. Бу май билан маст бўлсанг, Худо кўрсатмасину замона ўзгарса, ҳалок бўласан.
- Эй Навоий, агар ҳақиқий ошиқлар ул ой базмига қабул этилса, шамъдек йиғлаб, куйиб, ҳолимни унга шарҳ этарман.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазалдаги тасвирлардан баҳорий нафас уфуриб турибди. Қаҳратон қишдан чиққан дарахтлар кўкламнинг файзбахш насими эсганда ям-яшил япроқлар билан бурканиб, гулафшон бўлгани каби, айрилиқ зимистонида қуруқшаб қолган ишқ ва илҳом дарахти хизршева нигорнинг баҳорий ташрифи туфайли гўзаллик ва жамол васфини куйлашга тушмиш. Дарахтнинг мева тугиши учун куртак ёзиб, ғунча очиши қанчалик зарур бўлса, ошиқнинг сўзи ва амалидаги файзу баракат учун ёр жамолининг васфи шунчалик аҳамиятли:

*Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гулғузур ўлғач,
Қуруқ шох уйлаким зоҳир қилур гуллар, баҳор ўлғач.*

Иккинчи байтда халқимиз орасида ҳозир ҳам мавжуд удумга ишора қилинади. Одамлар янги ойни кўргач, бир-бирларига кўрсатиб, эсонлик ва омонлик тилайдилар, бир-бирларини табриклайдилар. Ҳайитларнинг белгиланиши ҳам янги ойнинг кўриниши билан боғлиқ. Ёрнинг қайрилма қошини кўрган эл унга янги ойдек тикилишини хоҳламаган ошиқнинг рашк ва ғаюрлиги жўш уриб, истагини қуйидагича баён этган:

*Қошин кўргач ҳасаддин истарам эл кўзи боғланғай,
Нечукким кўз тутарлар эл янги ой ошкор ўлғач.*

Ишқ изтиробидан одамлар орасига сиғмаган Қайслар тоғу тошга юзланиб, кийиклар билан дўсту улфат бўлгани боис Мажнун (девона) лақабини орттирганлар. Ғазал қаҳрамони бўлган ошиқ ҳам Қайс каби кийиклар билан дўст тутинишдан мақсади мажнунликда ном чиқариш эмас, балки овга чиққан ёрнинг хато кетган ўқи туфайли унга жонини топширмақ эканини баён этиб, бу “узр”и билан жунун водийсининг содиқ фуқароси эканини фош қилиб қўяди. Ишқ жунунига гирифтормоқ ошиқ бошқалардан фарқли равишда шунчалик безор ва ҳалим бўладики, ҳатто кийиклар улардан қочмайди. Бошқалар кўзидаги нотавонлик ва ожизлик аслида кишини бошқалар эпложидиган ишларга қодир этиб қўяди. Бу учун ишқ йўлидаги хорлик ва забунликка таслим бошини қўймоқ лозимдир. Ишқ шунчаки ҳавас эмас, балки умрнинг охиригача ҳамроҳлик қиладиган дард, ботин оламининг зийнати, ихтиёрсиз келиб, ихтиёрингни қўлингдан оладиган руҳий қувват эканини ўз нафсига қул кимсалар шунчаки орзу қилиб ўтажаклар. Бу дардга мубтало ошиқ агар бир оҳ чекса, бутун олам зулмат ичра қолиши мумкин. Ишқи кайҳоний миқёс касб этган ошиқнинг оху нолалари кимларгадир хуш келмай, насиҳат бозорини қизитиши табиий. Одамлар бошқача яшайдиганларни, ҳаётга ўзгача кўз билан қараганларни қабул қилишлари қийин. Ишқ “эл қатори яшаш” имтиёзидан маҳрум этган кишиларга панд-насиҳат кор қилмаслигини фақат бу туйғу билан ошно бўлган кимсалар англайдилар:

*Қилиб манъи жунунум ул парий қўйиға юзланган
Сўзи ҳашв эрканин фаҳм айлағай, беихтиёр ўлғач.*

Еттинчи байтда муҳаббат мавзуси маърифат талқинига алмашади. Шоир тўртта тарихий шахснинг тақдирига талмиҳ қилиб, умрнинг ўткинчилиги, Ҳотам ва Қоруннинг мол-давлатидан ҳам, Жамшид ва Фаридун мамлакатидан ҳам нишон қолмагани, фақат бу мол-дунёдан ким қандай фойдаланганлигига қараб, кимдир ибрат учун, кимдир сабоқ олиш учун тарихда қолгани, ҳар бир инсон бундан тўғри хулоса чиқариб, ё Ҳотам ва Фаридун каби саховат ва адолат билан, ё Жамшид ва Қорундек зиқналик ва гумроҳлик билан келажак авлод ёдида қолиши мумкинлигини англаган ҳолда тўғри яшашга ҳаракат қилиш кераклигини уқтиради. Айниқса, мол-давлат ва ўткинчи муваффақият билан ғурурланиб, оёғи ердан узилганлар ҳалокатга учраши муқаррарлиги, фалак тегирмони бир маромда айланмаслигини ҳисобга олмаган кишининг бошига кўп мусибатлар тушиши мумкинлиги “ғуруру жаҳл жоми”дан сархуш бўлишни истаган кишиларга бир эслатмадир:

*Қани Ҳотам, қани Қорун, қани Жамшиду Афридун?
Бас эҳсон қил санга гардундин адно эътибор ўлғач.*

*Ғуруру жаҳл жоми бирла маст ўлмаки, ўлмакдур,
Маозаллаҳ, бу майға чарх давридин хумор ўлғач.*

Алишер Навоий ўз айтганларига амал қилувчи зотлардан бўлган. “Макорим ул-ахлоқ”да келтирилишича, қачонки султондан бирор марҳамат ёки халқ томонидан бирор эътибор ва эҳтиром кўрса, кимсасиз бир бурчакка бориб, бошидан тупроқ сочгудек бўлиб, Ҳақ таолога тазарру қилиб, кўнглидан ғуруру ва манманлик зангини кетказишни сўрар экан. Синиқ қалб ва хоксор руҳ ҳосиласи бўлган ана шундай ўғитлар ҳамон таъсирчан ва тақдирларни ўзгартирувчи бўлиб қолмоқда.

**“ЎЛТУРУР МАҲРАМНИ СУЛТОН ГАНЖ
ПИНҲОН АЙЛАГАЧ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 98-ғазал

*Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шам равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.
Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?
Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,
Сув қуюб тухм эктинг, ул кишварни вайрон айлагач.
Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.
Ошкор айлаб юзин кўзумни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгул кўзумни ҳайрон айлагач.
Жонға қўйғач нақди ишқинг қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.
Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?!*

ЛУҒАТ

*Анбарафшон – ифор таратувчи
Пайкон – ўқ
Гулгун – қизил ранг
Ҳулла – ҳарир кўйлак
Хозин – хазинабон
Мақтул – қатл этилган
Нақд – гавҳар, олтин
Маҳрам – энг ишончли киши; содиқ хизматкор
Ганж – хазина
Афғон – фиғон, нола*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

*Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V--
-V-- -V-- -V-- -V--
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

НАСРИЙ БАЁН

- Юзига анбардек ифорли зулфини ёйганда хусни янада ортади. Зотан, шам пилиги кўтарилгач, яна равшанроқ нур таратади.
- Сен юзингни алвон гуллардан безаб бизни қурбон этдингми, ёки бизни қурбон қилганингдан кейин юзингга қонимиз сачрадими?

- Кўнгил хароб бўлгач, тиғ билан ўқларинг етиб, гўё бу мамлакатни вайрон қилгандан сўнг сув қўйиб, экин эккандай бўлдинг.
- Бу қон эмас, балки жаннат хазинабони ишқ йўлида шаҳид кетганни кафан ўрнига қизил рангдаги ҳарир кўйлак билан ўради.
- Гулдай юзини кўрсатиб, кўзимни ҳайрон этди. Кўзимни ҳайратда қолдириб, кўнглимни пинҳона ўғирлади.
- Жонимга ишқ гавҳарини қўйиб, кўнглимни ҳалок этдинг. Султон хазинасини пинҳон айлагач, маҳрамини ҳалок этади.
- Эй Навоий, агар ишқ кўнглингни мажруҳ этмаган бўлса, нега фиғон тортганинда оғзингдан қон келади?!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мазкур ғазал асосида халқимиз севиб тинглайдиган машҳур кўшиқ яратилган. Бу тарона Холхўжа Тўхтасинов басталаган куй асосида Саодат Қобулова, Муножот Йўлчиева каби хонандаларимиз томонидан ажойиб тарзда ижро этилган. Ғазал соддалиги, осон тушунилиши, Ҳазрат Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, туркона руҳи билан мафтун қилади. Дийдор лаззатидан ҳосил бўлган сатрлар руҳиятга ажиб фараҳ ва хушнудлик бағишлаб, тасвирлар гўзаллик ва яхшилик мушоҳадасидан завқу шавқ бахш этади.

Шамнинг пилиги кўтарилиб, ёйилганда яхшироқ нур таратгани каби, ёр ойдаи юзи узра зулфини паришон айлаганда ҳусни янада ортади, дейилган матлаъда. Байтда гўзал широна ташбиҳ орқали чуқур фалсафий-ирфоний ҳикмат ҳам мужассам. Зулф – дунёга, юз – илоҳий нур мазҳарига ўхшатилиши ҳақида айтиб ўтгандик. Тасаввуфий шеърият аҳли орасида қуйидаги мазмундаги қудсий ҳадис ҳам жуда машҳур бўлган.

Аллоҳ буюради: Мен махфий бир хазина эдим, сўнгра ўзимни ошкор этиб танилишни истадим ва оламларни яратдим. Демак, юзда зулфни паришон қилиш – Аллоҳ ўз жамолини намоён этиш мақсадида бу оламни яратгани ҳақидаги ушбу ҳадис мазмунига ҳам ишора бўлиши мумкин. Бу дунёдаги барча гўзалликларнинг асл сарчашмаси – Мутлақ Жамол ва Мутлақ Жалол соҳибининг Ўзи ҳам гўзалликни хуш кўради. Ҳадиси шарифдаги “Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни яхши кўради” ҳукмига биноан, мумтоз шеъриятимизнинг қасру равоқлари ҳам гўзаллик ҳақидаги гўзал сўзлардан бино бўлган:

*Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шам равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.*

“Насойим ул-муҳаббат” да келтирилишича, Фатҳ бин Али Мавсилиий деган бир авлиё қурбон ҳайитида кўрдиким, халойиқ қурбонлиқ қиладур. Деди:

–Илоҳий, билурсенки, Сенинг учун қурбон қиладиган бирор нарсам йўқдир. Жонимни сенга қурбон қилайин, – деб, бармоғини бўғзига тортди ва йиқилди. Бошига келсалар, жон берганди ва бўғзида яшил хат кўринарди.

Иккинчи байтда қурбон сўзини икки марта келтириш орқали Қурбон ҳайитидаги ҳолатга ишора қилинган. Ҳайит куни минглаб жонлиқлар қурбон келтирилади. Қассоб юзига сачраган қонларга парво қилмасдан, навбатдаги жонлиқни сўйишга чоғлангани каби, қизил юзли нигор ҳам ошиқларини навбатма-навбат қурбон айлашга тайёр. Ёрнинг дийдори ҳам қурбон ҳайитидек катта байрам. Фарқи шундаки, ошиқлар бунда жонлиқ эмас, ўз жонини қурбонликка келтиришади:

*Юзни гуллардин беабму бизни қурбон айладинг,
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?*

Учинчи байтда итоатсиз ва исёнкор ўлкаларда фотихлар томонидан қўлланиладиган жазо – бузилган ўлкага сув қўйиб, ғалла экиш удуми тамсил сифатида келтирилади. Бу жазо энг бўйсунмас ва саркаш улусларга қўлланилганини ҳисобга олсак, ёрнинг ошиқ бошига солган бало аслида айни раҳмат эканлиги, яъни кибру ҳаво ва худбинликка мубтало бўлган ошуфта кўнглини вайронага айлантириб, ўрнига меҳр-шафқат ва муҳаббат уруғини эчкини ойдинлашади:

*Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,
Сув қуюб тухм эктинг, ул кишварни вайрон айлагач.*

Ислом таълимотига кўра, шаҳидлар ювилмасдан, кафанланмасдан, ўз кийимлари билан дафн этилади. Ҳадислардан берилган башоратларга кўра, уларга жаннат фаришталари қизил рангдаги ҳарир кўйлак кийдириб қўйишади. Ишқ йўлида ҳалок бўлган, яъниким муҳаббат туфайли гўёки бутунлай янги одам бўлиб қайта туғилган кишининг кўнгли ҳам жаннат ичра сайр қилиб юрган шаҳидларнинг ҳаловатини туяди:

*Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.*

Бешинчи байтда ошкор ва ёшурун сўзларининг тазодидан фойдаланган ҳолда муҳаббат бутун вужудини қамраб олгани, зоҳир ҳам, ботин ҳам маҳбубанинг мулкига айлангани ҳақида сўз боради. Олтинчи байтни изоҳлаш учун “ганж” сўзига алоҳида изоҳ беришимизга тўғри келади. Ганжнинг луғавий маъноси хазина бўлса-да, аслида бошқалар кўзидан яширин ҳолда тоғда, дарахт ё девор остида кўмилган бойликка нисбатан қўлланилади. Бу бойликдан кундалик эҳтиёж учун эмас, балки энг зарур пайтда фойдаланилади. Шунингдек, мазкур хазинанинг жойини фақат бир киши – султоннинг ўзи билган. Хазинани яширишга кўмаклашган сирдош маҳрам ҳам ўлдирилган.

Ишқ гавҳари ошиқ жонида яширингандан кейин кўнгилинг ҳалок этилиши ана шу удумга ишора қилинади. Маълум бўладики, муҳаббат гавҳари, яъни имон ва эътиқоднинг макони жонда экан, буни султоннинг ўзи, яъни бу гавҳарнинг асл эгаси – Аллоҳ таоло бизга инъом этган экан:

*Жонға қўйғач нақди ишқинг қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.*

Бу ганжни пинҳон тутиш, ёмон кўздан асраш ҳамиша ҳамманинг кўлидан ҳам келавермайди. Ишқ шундай дардди, пинҳон тутганинг сари ошкор этувчи нишонлари кўпаяверади. Айниқса, кўнгилни ўз мулкига айлантирган муҳаббат ўтли нолалар, қонли кўз ёшларга сабаб бўлади. Ҳатто, Навоий келтирганидек, фиғон чекканда оғиздан қон келиш ҳам шунчаки муболағали тасвир эмас, балки айни ҳақиқат бўлиб қолаверади. Буни ишқ дардидан бохабар одамлар жуда яхши билишади. Шу сабабдан бўлса керак, мазкур ғазал билан айтадиган қўшиқ узоқ йиллардан бери ошиқлар кўнглига малҳам, севишганлар учун ёру ҳамдам бўлиб келмоқда:

*Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?!*

**“АГАР ДЕСАНГ, БЕРАЙ УЛ КЎЗГУГА ЖИЛО,
ҚАДАҲ ИЧ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 99-ғазал

*Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ич,
Нафас-нафас қуюбон май тўло-тўло, қадаҳ ич.*

*Мукаддар ўлса замиринг замона меҳнатидин,
Агар десанг, берай ул кўзгуга жило, қадаҳ ич.*

*Нишот базмида соқийи моҳваш сархуш
Бош урса доғи аёғ тутса, қўл сола қадаҳ ич.*

*Жаҳон ишида боқиб халқ ибтилолариға,
Алардек истамасанг ўзни мубтало, қадаҳ ич.*

*Десанг халоу малода бўлай нишот била,
Агар мало, қадаҳ ичқил, вагар хало, қадаҳ ич.*

*Риё ичинда неким ҳосил эттинг, эй зоҳид,
Десанг халос ўлай, эт раҳну ҳосило, қадаҳ ич.*

*Сангаки дайр элининг шоҳисен, Навоий, агар
Йулуқса дайрда махмур, уруб сало, қадаҳ ич.*

ЛУҒАТ

Меҳнат – азоб, машаққат

Мукаддар – кудуратли, ғубор қоплаган

Замир – ботин, кўнгил

Нишот – шодлик

Моҳваш – ой каби, гўзал

Доғи – яна, ҳамда

Аёғ – жом, қадаҳ

Ибтило – бало, азият

Халоу мало – бўшаган ва тўлган; ҳамиша

Раҳн – гаров

Ҳосило – қисқаси, алқисса

Махмур – маст, хумор

Сало урмоқ – чақирмоқ, жар солмоқ

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф

V-V- VV-- V-V- VV-

V-V- VV-- V-V- VV-

Мафоилун файлотун мафоилун файлун

НАСРИЙ БАЁН

• Ишқ аро юз бало ва меҳнат-машаққат етишса, шароб ич. Ҳар нафасда қадаҳни тўлдириб-тўлдириб шароб ич.

- Агар кўнглинга замона машаққатларидан ғубор кўнса, бу кўзгуга жило бермоқчи бўлсанг, шароб ич.
- Ойдайд чехрали соқий шодлик базмида сархуш бўлиб келса ва сенга бошини эгиб, жом тутса, қўл солибон шароб ич.
- Халқнинг дунё ташвишларига гирифтор бўлганларини кўриб турибсан. Агар улар каби мубтало бўлмоқчи бўлмасанг, шароб ич.
- Ҳамиша шоду хурсанд бўлай десанг, ғамга тўлган пайтингда ҳам, ғамдан қутулган пайтингда ҳам шароб ич.
- Эй зоҳид, риёкорликдан нима ҳосил этган бўлсанг, бирваракай қутулмоқчи бўлсанг, алҳосил, шароб ич.
- Сен – дайр элининг шоҳисан, агар Навоий дайрда май хумори тутган ҳолда учраб қолса, уни ҳам чақириб, бирга шароб ич.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мумтоз адабиётшунослигимизда мажознинг ўн бешдан ортиқ унсурларини ажратишган. Ана шундай мажозий ифоданинг унсурларидан бири “зикри зарф – иродаи мазруф” деб номланган. Унга кўра, ифодада “жом” ё “қадах” қўлланилгани билан сўзловчининг асл мақсади қадах эмас, балки қадахдаги шаробдир. Бинобарин, “қадах ич” радибли ғазалда шоир шароб ичишга тарғиб қилади.

Биламизки, Навоий шеъриятида май ё шароб иккала маъносида ҳам қўлланилган. Шароб маст қилувчи спиртли ичимлик маъносида келган пайтларда (бундай ҳолатларда кўпинча чоғир сўзи қўлланилади) шоир энг қалтис ўхшатмалар, энг кескин иборалар билан шаробхўрликни танқид қилади, майпарастликка нафратини очиқ-ошкор баён этади. Бундай фикрлар, айниқса, қитъаларда ва “Ҳамса” дostonларида кўп учрайди.

Лирик асарларда эса, девоннинг биринчи ғазалида баён этилганидек “ўзга жому май”-дан сўз юритилади. “Қадах ич” ғазали ана шу майнинг хосиятлари ҳақида битилган десак, адашмаган бўламиз.

Матлаъда бу қадахдаги шароб ишқ йўлида юзланадиган юз машаққат ва балоларга даво ва дармон бўлиши таъкидланган. Иккинчи мисрадаги нафас-нафас билан тўло-тўло иборалари тақрир санъатининг талабларини вужудга келтириш баробарида яна бир муҳим ирфоний масалани ҳам ифода этади.

“Ҳайрат ул-аброр”да нафас ҳақида қуйидаги сатрлар мавжуд:

*Борчани қўйдуқ муну-ўқ айту бас,
Ким бу нафаским, сангадур ҳамнафас,*

*Қирмаги бир неъмат эрур муғтанам,
Ўйлаки кирмаклиги чиқмоғи ҳам.*

*Бири эрур қути ҳаётинг сенинг,
Яна бири қуввати зотинг сенинг.*

*Бу икки неъматки намудордур,
Ҳар бирига шукр ери бордур.*

*Мумкин эмас жон агар этсанг фидо,
Икки нафас шукрини қилмоқ адо.*

Ўқувчига тушунарли бўлиши учун байтларнинг насрий баёнини ҳам келтиришни лозим деб топдик: Барчани, қўй, шу сенинг ҳаётингга сабаб бўлувчи нафаснинг баданингга киришининг ўзи ғанимат. Олинган нафас ўз вақтида чиққани ҳам яна бир ғанимат. Олган нафасинг – тириклигинг учун ғизо бўлса, чиқарган нафасинг зотинг қувватига сабабдир.

Бу икки неъматнинг ҳар бирига шукр қилмоқ лозим. Агар жонингни фидо этсанг ҳам ушбу икки неъмат – олинган ва чиқарган нафасларинг ҳаққини адо этолмайсан.

Маълум бўладики, ишқ аро етишган балолар учун ичилган қадаҳ – бу ҳар бир нафас учун қилиниши лозим бўлган шукроналик шароби экан:

*Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ич,
Нафас-нафас қуюбон май, тўло-тўло қадаҳ ич.*

Шоир васф этган қадаҳдаги шаробнинг сирли ва шифобахш хосиятлари шу қадар мўлки, у замона зайли билан қалбга инган гарду ғуборларни тозалаш, кўнгил кўзгусини сайқаллаб, пок тутиш учун ҳам энг зарур ва керакли воситадир. Бу шаробни ичган одам дунёнинг ташвишларидан буткул фориг бўлиб, нишот-шодлик базмида косагул – соқийнинг илтифотига сазовор бўлади. Дунё ишига шўнғиб кетган одамлар майда орзулар кетидан энг азиз нарса – умрни сарфлаб, ҳасрат ва надоматдан ўзга ҳеч нарсага эга бўлмайдилар. Маърифат шаробидан ичмагани боис кўпчиликнинг умри беҳуда ўтади. Басират, яъни қалб кўзини очиб, нарсалар ҳақиқатини кўра оладиган, моҳиятга етиш малакасини шакллантирувчи бу шароб маънавий сўқирлик балосига мубтало бўлишдан асрайди:

*Жаҳон ишида боқиб халқ ибтилолариға,
Алардек истамасанг ўзни мубтало, қадаҳ ич.*

Бешинчи байтда халоу мало ибораси орқали нақшбандийликнинг “хилват дар анжуман” гоёси талқин этилган. Навоий ихлос билан куйлаган бу тариқатнинг ақидасига кўра, инсон ҳамиша бир хил ҳолатда бўлиши, ёлғиз қолганда ҳам, одамлар ичида бўлганда ҳам кўнгли Ҳақ зикрида бардавом бўлиши керак. Ўшанда унинг олган нафаслари ғафлат пардаларини очиб, огоҳлик ва маърифатнинг нурли мақомларига ёвуқ боради:

*Десанг халоу-малода бўлай нишот била,
Агар мало, қадаҳ ичқил, вагар хало, қадаҳ ич.*

Риёкорлик билан амалга оширилган иш дунёда ҳам, охиратда ҳам обрў келтирмайди. Бекорга риёни кичик ширк деб атамаганлар. Икки дунё саодатига эришишнинг асосий ва энг қийин шартларидан бири риёдан қутулмоқдир. Риёкорлик – зуҳд ва тақво йўлидаги энг катта маънавий офатлардан. Муҳаббат ва маърифатсиз чекилган риёзат киши кўнглида Ҳақ ризосини топиш ўрнига одамларнинг олдида эътибор ва шуҳрат топишдек илинжларни қувватлантиради. Бунинг ягона чораси – кўнгилни ихлос ва итоат, муҳаббат ва маърифат маконига айлантирувчи, холис эътиқод ва маънавий нажотга сабаб бўлувчи муҳаббат дардига ошно бўлмоқ керакдир. Бу муҳаббат маърифатсиз ҳосил бўлмайди. Имом Ғаззолий айтганидек, киши маърифат боис ўзлаштирган нарсагагина муҳаббат қўя олади. Билмаган нарсаси уни доимо хавотир ва қўрқувга солади. Шунинг учун, зоҳидлик ва тақво йўлига қадам қўйган киши ҳам бу шаробдан баҳраманд бўлиши шарт:

*Риё ичинда неким ҳосил эттинг, эй зоҳид,
Десанг халос ўлай, эт раҳну ҳосило, қадаҳ ич.*

Ана шундай маънавий иршод ва раҳнамоликлар оҳангидаги байтлардан кейин Навоий маърифат дайрида бир махмур – май хумори тутган бечора эканини таъкидлаб, дайр элининг шоҳи – пири комилдан бу шаробдан уни ҳам баҳраманд қилишни сўраб ғазалга яқун ясайди:

*Сангаки дайр элининг шоҳисен, Навоий агар
Йўлуқса дайрда махмур, уруб сало, қадаҳ ич.*

“ТЕНГРИ ҚИЛМИШ МЕНИ САНГО МУҲТОЖ...”

«Ғаройиб ус сиғар», 100-ғазал

*Фақр аҳлиға подшо муҳтож,
Ўйлаким шоҳға гадо муҳтож.*

*Ёрға билгач эҳтиёжимни,
Бўлмадим кимсага яно муҳтож.*

*Иштиёқим кўп, эҳтиёжим ҳам,
Анга муштоқмен ва ё муҳтож.*

*Йўқ гадолиғда ихтиёримким,
Тенгри қилмиш мени санго муҳтож.*

*Кўйига кирганимда тавсан эдим,
Лек бўлдум туро-туро муҳтож.*

*Тенгри раззоқ келди рўзий учун,
Айлама ўзни халқ аро муҳтож.*

*Бенаводур Навоий оллингда,
Тонг эмас, бўлса бенаво муҳтож.*

ЛУҒАТ

Фақр аҳли – дарвешлар

Яно – яна

Тавсан – саркаш

Туро-туро – туриб-туриб

Раззоқ – ризқ бергувчи

Рўзий – ризқ-насиба

Бенаво – 1. Бечора. 2. Хомуш

Тонг эмас – ажабмас

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Хафифи махбуни мақтуи мусаббаъ

-V-- V-V- VV~

-V-- V-V- VV~

Фоилотун мафоилун файлон

НАСРИЙ БАЁН

- Гадо ва тиланчилар шоҳға қанчалик эҳтиёжманд бўлса, подшоҳ фақр аҳли – дарвешларга худди шундай муҳтождир.
- Ёрға эҳтиёжимни англаганимдан кейин бошқа кимсага ҳеч муҳтож бўлмадим.
- Унга шавқим ҳам, эҳтиёжим ҳам кўп. Ўзи унга муштоқманми ёки муҳтожманми?!

- Ўз ихтиёрим билан гадолик қилмаяпман. Мени сенга Тангрининг Ўзи муҳтож қилиб қўйди.
- Унинг кўйига кирганимда саркаш эдим. Лекин кута-кута аста-секин, муҳтож бўлиб қолдим.
- Ризқ берувчи Аллоҳдир. Бир бурда нон учун бошқаларга эҳтиёжингни айтиб овора бўлма.
- Навоий сенинг олдинда бенаво – фақирдир. Агар муҳтож киши хомуш бўлса, бундан ажабланмаслик керак.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Девон тузиш тартибига кўра, “муҳтож” радифли ушбу ғазал 94-рақам остида қайд этилиши керак эди. Анъанага хилоф равишда бу ғазал “жим” ва “чим” туркумидаги ғазалларнинг сўнгида жойлашганига сабаб – унинг мавъиза оҳангида битилганидир. “Чим” туркумидаги тўртта ғазалнинг бирортаси ҳамд, наът ва мавъиза бўлмагани сабабли, “муҳтож” ғазали билан мазкур “кемтик” ликни тўлдириш эҳтиёжи сезилган.

Матлаъда уч тоифа – фақр аҳли, подшоҳ ва гадонинг бир-бирига эҳтиёжи баён этилган. Аслини олганда, инсон боласи ҳаётининг асосини эҳтиёж ташкил қилади. Аллоҳ таоло қайси бандасига хайр ва яхшилиқни ирода қилса, одамларни унга ҳожатманд қилиб қўяди, дейилади ҳадиси шарифда. Маълум бўладики, хайру савоб амалларнинг энг афзали ҳам бировларнинг ҳожатини чиқариш ҳисобланади. Инсоният жамияти шундай тузилганки, ҳамманинг бир-бирига эҳтиёжи тушиб туради. Қолаверса, инсон ўзининг дунёга келиши, ҳаёт кечирishi, емак-ичмак, кийим-кечак ва шунга ўхшаш нарсаларга бўлган эҳтиёжини ўз ихтиёри билан қондиrolмайди. Бутун оламда Ҳақ таоло жалла жалолаҳудан ўзга жамики жонзотлар ўзгаларга эҳтиёж сезади. Вужуд оламида инсу жиндан тортиб, фаришталар, парий ва жинлар олами – барчанинг боқийлиги ва мавжудлиги Ҳақ таолога боғлиқдир ва барча мавжудот Ҳақ таолога муҳтождирлар. Демак, ҳақиқат юзасидан барча мавжудот фақирдирлар.

Мана шу сифатни касб этган ва ҳаётини шу асосда ташкил қилган кишиларни ирфон тилида фақирлар, фақр аҳли деб айтишган. Бунга Абу Зар Термизийнинг ҳаёти мисол бўла олади. “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, дарвешлар жамоасидаги бирор фақирга бир нима керак бўлиб қолса, Абу Зарр туриб намоз ўқиркан. Аллоҳ таоло ўша нарсани шу заҳоти етказарди.

Аллоҳ таоло истаганини ижобат қиладиган нафаси ўткир бундай дарвешлар ва фақирларнинг дуосига ҳукмдорлар ҳамиша эҳтиёж сезишган. Кўринишидан мазлум ва нотавонга ўхшаган бу тоифанинг Ҳақ таоло ҳузуридаги мақом ва мартабаси юксак эканлигини билган подшоҳлар уларни восита қилиб, давлатининг барқарор бўлишини сўраб туришган. Айниқса, сурати подшоҳ ва сийрати дарвеш Султон Ҳусайн Бойқародек ҳукмдорлар бу ҳақиқатни Навоий ўғит ва тарғиботлари шарофати билан теран англаган:

*Фақр аҳлиға подшо муҳтож,
Ўйлаким шоҳға гадо муҳтож.*

*Ёрға билгач эҳтиёжимни,
Бўлмадим кимсага яно муҳтож.*

Фақр аҳлининг эҳтиёжини фақат Ёри азал – Ҳақ таоло даргоҳидан сўраши – иложсизлик ва нотавонликдан эмас. Бошқа тоифадаги инсонлардан фарқли ўлароқ уларнинг арзи эҳтиёжида иштиёқ кучли. Иштиёқ эса – муҳаббатдан нишона.

Сулламийнинг “Табақот ус-сўфия”сида айтилганидек, “муҳаббат иштиёқни вожиб қилади, иштиёқ эса унсиятни. Кимдаки шавқ ва унсият бўлмаса, билсинким, у муҳаббат аҳлидан эрмас” (Абдурраҳмон Сулламий, “Табақот ус-сўфия”, 303-бет).

Навоий васф этган муҳтожлик ҳам ана шундай муштоқлик билан эгиз туйғудир:

*Иштиёқим кўп, эҳтиёжим ҳам,
Анга муштоқмен ва ё муҳтож.*

Иштиёқ туфайли фақр кўйига қадам кўйган киши дастлабки босқичда фақрнинг моҳиятини тўлиқ англаёлмайди. Фақр – бандага бандалик мақомини эслатиб турувчи ҳолдир. “Асрор ут-тавҳид”да қайд этилишича, кўнглида беш дирам миқдордаги бойликка эга бўлиш хаёли бор одам ҳам ўзини фақир деб айтолмас экан. Фақир – бутун дунёда ҳақиқий ғаний-бой деб фақат Аллоҳ таолонинг ўзи эканини тан олиш ва жамийки ҳожатларини ундан сўраш малакасини ҳосил қилган кишидир. Бунга эса, қаттиқ риёзат ва маҳрумликлар орқали эришилади:

*Кўйига кирганимда тавсан эдим,
Лек бўлдум туро-туро муҳтож.*

Тавсанлик, яъни саркашлик шайтон амалларидандир. Қолаверса, шайтон сўзининг ўзи ҳам тавсан сўзи билан маънодош, яъни бўйсунмасдир. Мусулмон банда бўйсунмаслик ва осийликдан буткул воз кечиб, инон-ихтиёрини Ҳақ таоло иродасига мувофиқлаштира, ризқи ҳам, умри ҳам баракали бўлади. Ўзгаларга муҳтож бўлиб ранги сарғаймайди:

*Тенгри раззоқ келди рўзий учун,
Айлама ўзни халқ аро муҳтож.*

Навоий бенаволик – фақирликнинг мазҳари ўлароқ ўз эҳтиёжини Ҳақ таолодан сўзсиз сўрайди. Қолаверса, муҳтож киши учун ўз эҳтиёжини изҳор қилишдан оғирроқ нарса йўқ. Негаки Ҳақ таоло бандасининг эҳтиёжларини унинг ўзидан яхшироқ билади ва сўрамаса ҳам бераверади. Муҳтожларнинг ҳожатини раво қилувчи Зот ҳамиша ғолиб!

*Бенаводур Навоий оллингда,
Тонг эмас, бўлса бенаво муҳтож.*

**“ҚАЮ ҲАДИСКИ, СЕНДИН БАЁНҒА
КЕЛДИ САҲИҲ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 101-ғазал

*Зиҳи тилинг «ана афсаҳ» такаллумида фасиҳ,
Сен амлаҳ ўлдунг, агар дилраболар ўлди малиҳ.*

*Тулуғи субҳи саодат юзунг сабоҳатидин,
Зиҳи камоли сабоҳат, зиҳи жамоли сабиҳ.*

*Хамирмойи жисмингдин ортқанни қазо
Ики баданда қилиб руҳ атади Хизру Масиҳ.*

*Фалакни чок қилиб ўтганингда гар баъзи
Таваҳҳум айлади, шаққул-қамарда бўлди сариҳ.*

*Қадам қуёш уза қўйдунг уруж шоми не тонг,
Кафингни гар яди байзоға қилсалар таржиҳ.*

*Эрур каломеким, анда ҳуруфи иллат йўқ,
Қаю ҳадиски, сендин баёнға келди саҳиҳ.*

*Эмас Навоюю мадҳинг демакка ҳад, басдур
Анга бу қадрки, модихларингға бўлса мадиҳ.*

ЛУҒАТ

“Ана афсаҳ” – “Қурайш аҳли ичида мен энг фасоҳатлисиман” мазмунидаги ҳадисдан иқти-
бос

Такаллум – сўзлаш

Фасиҳ – фасоҳатли, чиройли сўзлашувчи

Амлаҳ – малоҳатлироқ

Малиҳ – малоҳатли, истарали

Тулуғ – тонг отиши

Сабоҳат – поклик

Сабиҳ – пок, гўзал

Хамирмойя – хамиртуруш

Қазо – тақдир

Таваҳҳум – шубҳа, гумон

Шаққул-қамар – Ойнинг иккига бўлиниши

Сариҳ – ойдин

Уруж шоми – меърож кечаси

Яди байзо – Мусо (а.)нинг нур таратувчи мўъжизакор қўли

Таржиҳ – афзал билмоқ, устун қўймоқ

Ҳуруфи иллат – араб алифбосида ўзгаришга дуч келадиган ҳарфлар

Модиҳ – мадҳ қилувчилар

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф

V-V- VV-- V-V- VV-

V-V- VV-- V-V- VV-

Мафоилун файлотун мафоилун файлун

НАСРИЙ БАЁН

• Салламно, сен фасоҳат билан: “Мен Қурайш аҳли ичида энг фасоҳатлисиман”, деб айтдинг. Бошқа гўзаллар истарали, малоҳатли бўлсалар ҳамки, сен одамлар ичида энг малоҳатлисисан.

• Пок чеҳрангдан бахту саодат тонги отди. Бу бахт тонги, бу покиза ва гўзал чеҳра қандай яхши!

• Қисмат қўли жисминг хамиртурушидан ортиб қолганини икки баданга солиб, бирини Хизр, бирини Масиҳ деб атади.

• Осмонни меърож кечасида ёриб ўтганигда агар баъзилар шубҳаланган бўлсалар, Ойни иккига бўлиб, бу шубҳани бартараф қилдинг.

• Меърож кечаси Қуёш устига қадам қўйдинг. Агар кафтингни Мусонинг нур таратувчи қўли – яди байзодан афзал билсалар, ажабланарли эмас.

• Сендан саҳиҳ деб ривоят қилинган ҳадислар шундай каломки, уларда иллат ҳарфлари мавжуд эмас.

• Сени мадҳ қилишга Навоийнинг ҳадди йўқ. Сени мақтаганларнинг мақтовчиси бўлса ҳам, шу давлат унга кифоя.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

“Ҳойи хуттий” туркумини бошлаб берувчи ғазал наът мавзусида битилган. Матлаъда ҳадис матнидан иқтибос келтириб, арабча матндаги афсаҳ сўзи билан ўзақдош ҳисобланган фасиҳ сўзини келтириш орқали байтнинг қофияси таъминланган. Иккинчи мисрадаги амлаҳ ва малиҳ сўзлари ҳам ўзақдош бўлганлигини ҳисобга олсак, мазкур байтда иқтибос ҳамда иштиқоқ санъатлари қоришиқ ҳолда келганига гувоҳ бўламиз:

*Зиҳи тилинг «ана афсаҳ» такаллумида фасиҳ,
Сен амлаҳ ўлдунг, агар дилраболар ўлди малиҳ.*

“Амлаҳ” сўзи орқали бошқа бир ҳадис маъносига ишора қилинади. “Қисаси Рабғузий” да келтирилишича, бир куни Ойиша онамиз (р.а.) Пайғамбаримизга Юсуф (а.с.) чиройли бўлганми, Сизми, деган маънода савол беради. Пайғамбаримиз айтадилар: Биродарим Юсуф мендан гўзалроқ эди, аммо унинг ҳусни оламга фитна соларди. Мен ундан амлаҳ – малоҳатлироқман. Бинобарин, матлаъда икки ҳадиснинг маъноси сингдирилиб, сарвари коинотнинг икки муҳим жиҳати – гўзал нутқи ҳамда кўнгилларга таскин бериб, Худони ёдга соладиган малоҳати тилга олинган.

Кейинги байтдаги шоирона ўхшатма ҳам ислом тарихи ва ҳадиси шариф билан боғлиқ. Ислом дини келгунга қадар араблар жамияти башарият тарихидаги энг тубан, энг жоҳил жамият бўлган. Аллоҳ таоло томонидан охирзамон пайғамбари ана шу қавмдан танлангач, араблар энг олийнасаб қавм, ислом дини келиши асри башариятнинг энг саодатли асри сифатида тарихга кирди. Бу саодатли даврнинг бошланишини инсоният асрлар давомида интизорлик билан кутди. Саодат асри эса Расулulloҳ (с.а.в.)нинг туғилишлари замонидан бошланган:

*Тулуъи субҳи саодат юзунг сабоҳатидин,
Зиҳи камоли сабоҳат, зиҳи жамоли сабиҳ.*

Ўтган бир юз йигирма тўрт минг пайғамбарнинг иккитаси – Хизр ва Исо Масиҳ алайҳимоссаломга хосияти муштарак мўъжиза насиб қилган. Хизр тириклик чашмасидан сув ичиб, мангуликка дахлдор бўлган бўлса, Исо Масиҳ дуоси билан ўликлар тирилган. Аммо уларнинг мўъжизалари бошқа пайғамбарларники каби хотамуланбиёнинг нубувват чироғидан бир қатим нур даражасидаги баҳрамандлик туфайли, холос. Негаки, бу зот замон

нуқтаи назаридан бошқа пайғамбарлардан кейин туғилган бўлса-да, моҳият эътибори билан барчадан олдин яралган. Аллоҳ таоло илк яратган нарса нури муҳаммадий экан, демак, борлиқдаги барча гўзалликлар ва ажойиботлар, жумладан Хизр ва Масиҳ мўъжизалари аслида ушбу нурнинг ҳосиласидир:

*Хамирмойи жисмингдин ортқанни қазо
Ики баданда қилиб руҳ атади Хизру Масиҳ.*

Пайғамбаримизнинг энг улуғ мўъжизаларидан бири – Меърож кечасида осмонга кўтарилиб, Аллоҳ таоло билан бевосита дийдорлашганларидир. Меърож мўъжизаси содир бўлгандан кейин куфр ва имон чегараси аниқ бўлиб қолди. Бунга ишонмаган мушриклар у зотдан бошқа мўъжиза талаб қиладилар.. “...Шунда ул зот ойни иккига бўлиб кўрсатдилар, ҳатто одамлар Ҳироъ тоғини ойнанинг икки бўлаги орасида кўришди”¹. Ушбу ҳодисани Навоий қитъаларидан бирида ўзига хос маҳорат билан тасвирлаган. Навоий талқини бўйича, бу мўъжиза Аллоҳнинг инояти билан шунчалик осон амалга ошганки, ҳатто меҳмонсиз овқатланолмайдиган Иброҳим Халилуллоҳнинг дастурхонида ҳам нонни ушатиш бунчалик осонлик билан муяссар бўлган эмас:

*Муҳаммади арабий бармоғи ишорат ила
Сипеҳр хонида ой қурси ул сифат осон.*

*Ики ойирдики, бир нонни хони ичра Халил
Анингдек икки ушатмоқ эмастурур осон².*

Бу мўъжизаларни баён этишда мутафаккир шоир жуда назокат билан иш тутган. Ҳазалда пайғамбаримизнинг мўъжизалари ва муборак сийратларининг энг муҳим қирраларини ёритилишида фақат саҳиҳ ҳадисларга таянилган. Саҳиҳ ҳадисларнинг яна бир мўъжизавий хусусияти бор: араб тилида вов, ё, ҳамза каби иллатли – ўзгарувчан ҳарфлар негизида қурилган сўзларни турли маънода талқин қилиш мумкин. Фасоҳатли пайғамбаримиз араб тилининг ушбу нозик жиҳатини англаганлари учун ўз ҳикматларини баён этишда бирор марта ана шундай ихтилоф ва тушунмовчиликка сабаб бўладиган, негизида “хуруфи иллат” бўлган сўзларни қўлламаган эканлар. Бу ҳам сўз мўъжизасининг соҳиби томонидан намоён этилган яна бир мўъжизадир:

*Эрур каломеким, анда хуруфи иллат йўқ,
Қаю ҳадиски, сендин баёнға келди саҳиҳ.*

Умуман олганда, бутун бошли ғазалга саҳиҳ ҳадисларнинг маъно-моҳиятини сингдиришга ҳаракат қилган туркийгўй шоир учун Расулуллоҳ (с.а.в.) башариятни ҳақиқат ва саодатга ҳидоят қилувчи энг улуғ йўлбошчи, инсониятнинг энг мукаррам фарзанди бўлиши баробарида, сўз мулкида ҳам биринчи ва энг аъло муаллим, маънавий раҳнамо ва идеал ҳисобланган. Фасоҳат бобида пайғамбаримизга эргашган мутафаккир шоиримиз беш асрдан зиёд вақтдан буён ўзбекча фасоҳат бобида миллатимиз муаллими бўлиб келаётир.

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-саҳиҳ, 2-жилд.-Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.-Б.562.

² Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1987.-Б.511

**“ФИҒОНКИ, ТИЙРА КЎНГУЛ КУНЖИДА
НИҲОН РОЗИМ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 102-ғазал

*Баданға келмади то азми кўюнғ айлади рух
Ки, рух шахсини ул ғамза айлади мажрух,*

*Ҳаётбахш эса ул хур аксидин бода,
Маҳалли ҳайрат эмас, хур аксидиндур рух,*

*Қизарди лолаву сарғарди субҳ хижлатдин,
Бу лолаларки, узорингда очти жоми сабух,*

*Вафоға вағда қилиптур деб ўтма, эй қосид,
Худой учун, манга кайфиятин дегил машрух,*

*Ҳаёт ёр висолидур, эй кўнгул, йўқ эса,
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Рух,*

*Буюрма тавба яна, носихоки, муғбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида Насух,*

*Фиғонки, тийра кўнгул кунжида ниҳон розим
Пиёла шағшағасидин эл ичра топти вузух,*

*Басо кишики, иши масжид ичра банд ўлди,
Чу очти дайри фано эшигин, етишти футух,*

*Навоиё, недин ул ғамза тийғ тортибдур,
Гар истамаски, кўнгул сайдин айлагай мазбух,*

ЛУҒАТ

Ғамза – ишва, ноз билан қиё боқиш.

Хижлат – хижолат.

Узор – қизил ёноқ.

Жоми сабух – тонг чоғи ичиладиган шароб.

Қосид – элчи.

Машрух – батафсил шарҳлаш.

Носих – насиҳатгўй.

Ниҳон роз – яширин сир.

Шағшаға – порлаш.

Вузух – ошкор бўлмоқ, аёнлашмоқ.

Футух – кушойиш, очилиш.

Мазбух – сўйилган.

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф

V-V- VV-- V-V- VV-

V-V- VV-- V-V- VV-

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун

НАСРИЙ БАЁН

- Руҳим сенинг кўйинг томон йўл олгач, қайтиб танамга келмади. Ғамзаларинг руҳимнинг ўзига жароҳат етказди.
- Ўша хурнинг акси тушгани боис шароб ҳаётбахш бўлганидан ҳайратга тушмаслик керак, чунки хур сўзи тескари ўқилса, руҳ ҳосил бўлади.
- Сабухий – тонг пайти ичилган бода ҳамда гулдек ял-ял очилган қизил ёноқларингдан хижолат чекиб лолалар қизариб, тонглар сарғайди.
- Эй хабар келтирувчи, ёр вафо қилишга ваъда берди, деб шундай ўтиб кетма. Худо ҳаққи, бунинг кайфиятини менга батафсил шарҳлаб бер.
- Эй кўнгил, фироқда фариштага айлансанг ҳам, шуни билки, ҳақиқий ҳаёт – ёр висолдир.
- Эй насиҳатгўй, менга ортиқ тавба қил демагин. Мен тавбадан тавба қилишда Насух бўлганман.
- Фиғонки, пиёланинг порлаб туришидан кўнглим кунжида яширин бўлган сиррим эл ичра аён бўлиб қолди.
- Жуда кўп кишиларнинг иши масжидда чигаллашганди, фано дайри эшигини очганда эса, уларга кушойиш етди.
- Эй Навоий, агар кўнгли сайд этганини қатл этишни истамаса, унда нега ёрнинг ғамзаси тиғ тортибди?!

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазалда тараннум этилган муҳаббат жисм ва нафсга тааллуқли ҳодиса эмаслиги, бу муҳаббат шаҳват истакларидан холи, ҳол ва руҳият оламига дахлдор туйғу экани матлаънинг ўзидаёқ аниқ-равшан баён этилган. Муҳаббатга гирифтор руҳ, яъни жон бадан мулкини тарк этиб, ёр кўйини манзил тутиши мазмунидаги байтлар мумтоз адабиётимизда кўп учрайди. Жумладан, Саъдий Шерозийнинг машҳур “Эй сорбон...” ғазалида айни шу мазмундаги байтни учратамиз:

*Дар рафтани чон аз бадан гўянд ҳар навъе сухан,
Ман худ ба чашми хештан дидам, ки чонам меравад.*

Таржимаси:

*Тарк этса ногоҳ танни жон, бул ҳақда бор турфа гумон,
Мен ўз кўзим бирлан аён кўрдимки жоним борадур.*

Матлаъда “руҳ шахси” ибораси алоҳида изоҳ талаб қилади. Шахс сўзи бу ерда руҳнинг ўзи ҳамда жисм-бадан маъноларини ифода этган. Демак, руҳнинг танага қайтмаслиги сабабини икки хил – руҳнинг ўзи муҳаббат ўқидан жароҳат топган, ёхуд ёр ғамзаси руҳ та-

аллуқли бўлган жисми ҳам мажруҳ этган, деб талқин қилиш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам муҳаббат ошиқнинг жисму жонини қамраб олгани маъносини ифодалайди ва бу маънолар бир-бирини тўлдиради:

*Баданға келмади то азми кўюнғ айлади руҳ
Ки руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.*

Иккинчи байтда тарди акс (тескари ўқиш) санъатини қўллаган ҳолда “руҳ” ва “хур” сўзларидан сўз ўйини яратилган. Бу сўз ўйини шунчаки шаклдош бўлмасдан, балки хур ва руҳнинг ботиний боғлиқлиги асосига ҳам мустаҳкам қурилган. Шоир васф этган бода хурлик – эркинлик туйғусини кучайтирувчи хосиятга эга. Бандалик – ҳақиқий хожа, яъни Аллоҳ таолодан ўзгага бўйинсунмаслик, қултабиатлик, лаганбардорлик, очкўзлик, манфаатпарастлик, иззатталаблик, манманлик, риекорлик... каби хислатлардан, ўзига ўхшаган хом сут эмган банданинг истак-хоҳишларига мос яшашни шараф билиш иллатидан қутулиш демақдир. Нодон ва жоҳил киши ўзи хоҳламаса ҳам, бировнинг етовида яшашга маҳкум. Маърифатсиз, билимсиз кишилар ҳамиша ўзгалар томонидан бошқарилади, уларнинг мустақил фикри, дунёқарашини бўлмайди. Худони таниган одам эса, дунёнинг барча ишларига диёнат ва ҳалоллик кўзи билан қарайди ва табиийки, нафс қулига айланишдан ҳазар қилади. Буларнинг барчаси хур акси тушган бода, яъни илоҳий маърифат баракотидан ҳосил бўлиши мумкин:

*Ҳаётбахш эса ул хур аксидин бода,
Маҳалли ҳайрат эмас, хур аксидиндур руҳ.*

Учинчи байтда ташхис (табиат унсурларига инсонга хос бўлган хусусиятларни нисбат бериш усули) ва ташбиҳи музмар (яширин ташбиҳ) санъатларининг қоришиқ ҳолда қўлланилиши натижасида янги фикр ва тоза тасвир яратишга эришилган. Тонг пайтидаги асфар – сариқ шароб таъсиридан ёрнинг чеҳраси қизариб, очилишидан ҳаттоки тонг ва лолалар ҳам хижолатда. Жоми сабуҳ – тонг пайтидаги шаробни эрталабки ибодат маъносида ҳам тушуниш мумкин. Зеро, “Бани Исроил” сурасининг 78-оятда айтилгандек, “тонгдаги Қуръон қироати фаришталар ҳозир бўладиган вақтда содир бўлади”:

*Қизарди лолаву сарғарди субҳ хижлатдин,
Бу лолаларки, узорингда очти жоми сабуҳ.*

Тўртинчи байтда Навоийнинг ҳаёт ҳақидаги қатъий хулосаларидан бири ўз ифодасини топган. Инсон ёрдан айро тушган пайтида буткул покланиб, Руҳ – фариштага айланса ҳамки, ҳали ҳаёт нималигини билмаган бўлади. Кўнгил тириклиги – ёр висоли туфайлидир. Ёрнинг ризолигига эришиш, унинг муҳаббатига сазовор бўлиш, ҳузурда қурбат ва яқинлик ҳосил қилиш – тирикликнинг асл муддаоси шудир. Бунга ишқ гавҳаридан бенасиб фаришталар эришолмайди.

“Дуррат ул-воизин” асарида таъкидланишича, Одам Ато баданига энди жон ато қилинаётган пайтида акса уриб, ўрндан туради ва ҳали кўзини очмасдан “алҳамдулиллоҳ” деб айтади. Аллоҳ таоло фаришталарга нидо қиладики, кўринглар менинг суюкли бандамниким, ҳали мени кўрмасдан, менга ҳамд айтмоқда. Шу муҳаббати ва садоқати туфайли унинг мақоми менинг ҳузуримда улуғдир.

*Ҳаёт ёр висолидур, эй қўнгул, йўқ эса,
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Рух.*

Қуръони Каримнинг тафсирларида берилишича, Насуҳ исмли гўзал бир йигит аёллар қиёфасида шоҳнинг ҳарамига йўл топади. Узоқ йиллар унинг йигит эканидан кўпчилик беҳабар бўлиб, у ўзига хуш келадиган ишларни ҳарамда давом эттириб юраверади. Кунлардан бир куни маликанинг қимматбаҳо гавҳари йўқолиб қолади. Ҳарамдаги аёлларни саф тортириб, уларни навбат билан ечинтириб, гавҳарни қидиришга тушишганда, Насуҳ астойдил Аллоҳ таолога надомат чекиб тавба қилади. Аллоҳнинг қудрати билан сафда ундан олдин бўлган чўриларнинг биридан гавҳар топилиб, Насуҳ муқаррар ўлимдан омон қолади. Насуҳ тавбасига содиқ қолиб, умрининг охиригача бу йўлга қайтиб қадам босмайди. Ўшандан буён ҳақиқий тавба мақомини “Насуҳ тавбаси” деб ҳам юритишади.

Ишқ туфайли фаришталардан ҳам устунроқ мақомга эришган инсон ҳаётининг мазмуни ёр висоли экан, бу йўлда собит бўлиб, ҳеч қачон оғишмаслик ва тўхтамасликни ният қилган одам Насуҳга ўхшатилади:

*Буюрма тавба яна, носихоки, муғбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида Насуҳ.*

“Насойим ул-муҳаббат”да айтилишича, Абдурахмон Жомийнинг порлоқ келажани гўдаклигидаёқ башорат қилиб, дуолар қилган авлиё Мавлоно Фахриддин Луристоний дастлаб зоҳирий илмлар таҳсилига машғул эмиш. Доим хотирида ботин илми билан шуғулланиш ва тариқатга қадам қўйиш нияти бор эмиш. Бир куни китоб ўқишдан чарчаб, бирпас ёзилиш учун хужрасидан чиқиб сайр қилур чоғда бу фикр кўнглига келибдики, сен барибир бир кунмас-бир кун бу илми тарк этиб, тариқатга юз буришни кўнглингга тугиб қўйгансан, ўша кун бугун бўла қолсин, дея хужрасига қайтиб бормабди. Китоб ва бошқа анжомларини ўша ерда қолдириб, Мисрда толиблар иршодига машғул бўлган Шайхи Шайхуллоҳ ҳузурига бориб, мурид тушибди...

Мадраса ва масжид аҳли суҳбатидан тополмаганини хонақоҳ ва аҳли ирфон ҳузуридан топган бундай валийсифат зотлар кўп бўлган. Ана шундай ибратли қисматларга ишора қилиб, Навоий ёзади:

*Басо кишики, иши масжид ичра банд ўлди,
Чу очти дайри фано эшигин, этишти футуҳ.*

Мақтаъда шоир ишқ ва ихлос, пок ният ва шунга муносиб амаллар одамни асил мақсадга етказиши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда ғазалга якун ясайди. Бу фикр тасдиғини энг аввало мутафаккир шоир тимсолида кўришимиз мумкин.

**“ҲАЛОЛ БЎЛДИ ХАРОБОТИ
ИШҚ АҲЛИҒА МАЙ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 103-ғазал

*Кўнгулни муғбача олди, муғона тут ақдоҳ
Ки, йўқ салоҳ ила бўлмоғлиқ эмди бизга салоҳ,
Бир ой фироқида беҳудлуғ истарам, тўла тут,
Агар қилиб эсанг афлок жирмидин ақдоҳ,
Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлиға май,
Тутар биз аҳли вараъ, кимки они тутса мубоҳ.
Ҳаётбахш лабинг руҳ эмиштур, эй соқий,
Магарки вовини иълол этиб қилиб сен роҳ,
Йўқ эрса жисмда ул ҳосил айлаган қондин,
Ҳаким не учун ажзосини деди арвоҳ?!
Сабоҳ майкада боғлиғдуру хуморим тунд,
Таажжуб этманг, агар зикрим ўлса “ё, Фаттоҳ!”
Не эрди майкада ғавғоси, раз қизин гўё
Бу шом қилди Навоийға пири дайр никоҳ.*

ЛУҒАТ

*Ақдоҳ – қадаҳлар
Салоҳ – тўғрилиқ
Афлок – фалаклар, осмонлар
Жирм – осмондаги юлдуз ва сайёралар
Вараъ – тақво
Мубоҳ – раво, яхши
Иълол – араб тили сарфида унли ҳарфларни бир-бирига алмаштириш йўли билан турли
хил феъл шаклларини ясаш қондаси
Роҳ – шароб
Ажзо – жузлар, таркибий қисмлар
Сабоҳ – тонг
Раз қизи – ток қизи; май*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни мақсур
V-V- VV-- V-V- VV~
V-V- VV-- V-V- VV~
Мафоилун файлотун мафоилун файлон

НАСРИЙ БАЁН

• Муғбача кўнглимни олди, энди менга муғона қадаҳлардан қуй. Энди биз тўғри, рисоладаги одамлардек яшай олмаймиз.

- Бир ой юзлининг фироқида беҳуд бўлиб, эсдан чиқаришни истайман. Осмон жисмларини агар қадаҳ қилгудек бўлсанг ҳам, менга тўлдириб тут.
- Ишқ хароботининг аҳлига май ҳалол бўлди, агар кимки бу ҳукмни тўғри деб билса, уни тақволи инсон деб ҳисоблаймиз.
- Эй соқий, сенинг ҳаётбахш лабинг аслида руҳ эмиш, фақат вов ҳарфини эълол қилиб роҳ дебсан.
- Агар шундай бўлмаса, жисмда шароб ҳосил айлаган қондан бўлган қисмларни ҳаким нега арвоҳ – руҳлар деб айтди?!
- Майхона тонг пайти эшиги ёпиқлигидан хуморим кучайган. Бинобарин, зикрим тонг пайти “ё, Фаттоҳ” бўлса, ажабланманг.
- Кеча майхонада шоду хуррамлик бўлди, гўё пири дайр Навоийга раз қизи – шаробни никоҳлаб бермиш.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Бу ғазалда арабча сўзлар ва иборалар бошқа ғазалларга қараганда кўпроқ қўлланилган. Қофия тизими тўлиқ арабча сўзлардан таркиб топган. Сабаби – туркий ва форсий тилларда сўзлар ҳойи хуттий ҳарфи билан тугалланмайди. Араб тили туфайли эски ўзбек тили ва алифбосига кирган бу ҳарфда ғазал айтиш учун арабча қофия тизимидан фойдаланишга зарурат бор.

Ғазалда шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хослигини яққол намоён этувчи, туркона тафаккур ва яшаш тарзини ифодалайдиган, “Муҳокамат ул-луғатайн” да намуна тариқасида келтирилган от ва феъллар, мақол ва идоиматик таъбирлар қўлланилмаган. Балки бу ғазалда илм ва мадраса аҳли орасида кенг истеъмолда бўлган арабий сўзларни шеърят тилига айлантириш ҳаракатини кўришимиз мумкин.

Ғазалнинг яна бир хусусияти – Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги ғазалининг ўзбекча таври ўлароқ битилганидир:

*Агар ба мазҳаби ту хуни ошиқ аст мубоҳ,
Салоҳи мо ҳама он аст, к-он турост салоҳ.*

(Маъноси: Агар сенинг мазҳабингда ошиқ қони ҳалол қилинган бўлса, сен тўғри деб билганинг биз учун ҳам буткул раводир).

Энди Навоийнинг матлаъини кўриб чиқайлик:

*Кўнгулни муғбача олди, муғона тут ақдоҳ,
Ки йўқ салоҳ ила бўлмоғлиқ эмди бизга салоҳ.*

Ҳофиз ғазалида ҳам арабий ибора ва сўзлар бошқа ғазалларига қараганда кўпроқ қўлланилган. Навоий Ҳофизнинг ғазалидаги қофиядош сўзлардан фақат матлаъдаги қофияларни икки жойда қўллаган. Ҳофиз байтида ошиқ ўз иродасини ёрнинг иродасига мувофиқ тутиши муҳаббат қоидаси ўлароқ талқин қилинган бўлса, Навоийнинг матлаъида бидоят ҳоли, яъни муҳаббат дардига энди гирифтор бўлган ошиқ кайфияти қаламга олинган. “Муғбача”, “муғона ақдоҳ” каби таъбирлар Ҳофизнинг айни ғазалида мавжуд бўлмаса-да, ҳофизона услубда кенг қўлланилган.

Иккинчи байтда Навоий устозига издошлик қилган ҳолда раддул-қофия (шеърда бир қофияни икки марта келтириш) санъатини қўллаган ҳолда, матлаъдаги фикрни янада ривожлантиради. Ой тўлган кунларда девоналарнинг хасталиги кўзғайди. Аммо “бир ой”

ишқига мубтало бўлган ошиқ фироқда шундай бир ҳолга келганки, агар тўнкарилган қадаҳга ўхшаган фалакни тўлдириб май тутсанг ҳам, бу жунун оташини пасайтиролмайди:

*Бир ой фироқда беҳудлуғ истарам, тўла тут,
Агар қилиб эсанг афлок жирмидин ақдоҳ.*

Май ислом аҳли учун қатъий ҳаром қилинганини биламиз. Лекин Навоий байтида ишқ хароботи аҳлига май ҳалол қилингани ҳақида сўз боради. Мажоз тилида май – Илоҳни маърифат этиш малакаси, ишқ хароботи – кўнглини илоҳий муҳаббат макон тутган зотлар ҳалқаси эканини биламиз. Ҳар қандай эътиқод, ҳар қандай билим асосида илоҳий муҳаббат бўлмаса, ундай билим ва эътиқод инсонга зарар келтиради, таассуб ва гумроҳликни кучайтиради. Шу сабабдан, илоҳий маърифат тимсоли бўлган майдан ичишни мубоҳ – яхши амал деб билган ҳамда бунга амал қиладиганлар ишқ аҳли наздида ҳақиқий тақводорлардир. Зотан, тақво ҳамда муҳаббатнинг шартлари бир хил – Парвардигорнинг розилигини қўлга киритиш, унинг буюрганига мувофиқ яшаш ва эътиқод қилиш демакдир:

*Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлига май,
Тутар биз аҳли вараъ, кимки они тутса мубоҳ.*

Кейинги байтда араб морфологиясининг бир қоидасини усталик билан шеърда қўллаб, янги поэтик маъно яратишга эришилган. Араб сарфида иллат ҳарфлари(вов, ё, алиф, ҳамза)га ўхшаш ҳарфлар ўрнини алмаштириб ўқиш қоидаси эълол деб айтилади. Соқийнинг ҳаётбахш лаби аслида руҳ (жон) бўлиб, эълол қоидаси билан уни роҳ (май) дейиши – соқий, яъни илоҳий каломни етказувчи табаррук инсоннинг лабидан чиққан калом шароб каби сармаст ва жонбахш экани таъкидланган:

*Ҳаётбахш лабинг руҳ эмиштур, эй соқий,
Магарки вовини иълол этиб қилиб сен роҳ.*

Олтинчи байт Хўжа Ҳофизнинг қуйидаги байти таъсирида битилган:

*Дари майхона бастаанд дигар,
Ифтиҳ, ё муфтиҳ ул-абвоб!*

Навоий Шероз ринди - Ҳофиздан ижодий ўзлаштирган маънога қуюқроқ тасвир ҳамда онг остига таъсир қилувчи жиҳатларни кўпайтирган ҳолда шундай бадий либос кийдирадими, энди уни фақат Навоийнинг маънавий мулки дейишимизга тўла асос беради:

*Сабоҳ майкада боғлиғдуру хуморим тунд,
Таажжуб этманг, агар зикрим ўлса “ё, Фаттоҳ!”*

**“ГУЛДЕК ЎЛ РОКИЪ КЕЧА,
БУЛБУЛ КИБИ БЕДОР СУБҲ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 104-ғазал

*Нега кўргузди совуғ оҳу сариғ рухсор субҳ,
Ғар ниҳоний меҳридин мендек эмас бемор субҳ?!*

*Ғар ҳавойи бўлмаса мен телба янглиғ, бас недур,
Кўнглакин чок айлабон тоғ узра мажнунвор субҳ?!*

*Меҳридин мендек ниҳоний тоза доғи бўлмаса,
Юзда невчун кавкаби ашкин қилур изҳор субҳ?!*

*Дема шингарфий булут ҳар ён эрур қонлиғ момуқ,
Тоза доғидин эрур мендек магар хунбор субҳ.*

*Ғам туни оҳим шароридин туташти кўкка ўт
Ким, анинг отин қўюптур гунбади даввор субҳ.*

*Кун шуоий хатлари эрмаски тутмиш мотамим,
Юзни анжум тирноғи бирла қилиб афгор субҳ.*

*Соқиё, тутқил сабуҳий бодаким, бу дайрдин,
Биз кетиб бу навъ толиъ бўлғуси бисёр субҳ.*

*Эй Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро,
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул киби бедор субҳ.*

ЛУҒАТ

Ниҳоний – яширин, пинҳона

Меҳр – қуёш

Мажнунвор – телбаларча, девоналар каби

Кавкаб – юлдуз

Шингарфий – қизил

Момуқ – пахта

Шарор – учкун

Гунбади даввор – айлана фалак

Кун – қуёш

Шуоий – нурли

Анжум – юлдузлар

Афгор – мажруҳ

Сабуҳий – тонгги

Толиъ – қуёшнинг уфқдан кўриниши, тонг отиши пайти

Баргу наво – йўл озиғи

Рокиъ – намозда эгилиб сажда қилган киши

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V--- -V--- -V--- -V-

-V--- -V--- -V--- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Қуёш пинҳон бўлганидан мендек бемор бўлмаса, нега субҳ совуқ оҳ чекиб, ранги сарғайиб қолди?!
- Агар мен телба янглиғ ишқ дардига йўлиқмаган бўлса, нега тоғ устида мажнунлардек кўйлагини чок этиб турибди?!
- Қуёшининг меҳридан мен каби яширин жароҳат доғлари кўпаймаган бўлса, нега субҳнинг юзида юлдузлардан кўз ёшлари зоҳир бўлибди?!
- Осмоннинг ҳар томонида қизил булут дема, улар аслида субҳнинг жароҳатлари устидаги қонли момиқ малҳамларидир.
- Ғам туни оҳим учкунлари уфққа ўт қўйди, фалак эса бунинг отини субҳ деб қўйибмиш.
- Қуёш нурлари эмас, балки менинг мотамимда тонг юзининг тирнагани изларидир.
- 7. Эй соқий, тонгги бодани келтирким, бу дунёдан биз кетгач, ҳал кўп тонглар отади.
- Эй Навоий, бу боғдан агар ўзингга керакли озиқ истасанг, кечаси гулдек бошинг саждага эгилган, тонгда эса булбул каби бедор бўл.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазалда ошиқнинг кайфияти, ташвишли талпинишлари ва азобу изтироблари ташхис санъати ёрдамида субҳ – тонг манзарасига ўхшатиш қолда ифода этилган. Навоий бу ғазалда ҳам ўз маслағига содиқ қолиб, ошиқона ва орифона маъноларни мазмундор байтлар замирига маҳорат билан сингдирган.

Матлаъда тонг чоғи еладиган сарин шабада ҳамда куннинг ёришиб, ёруғликнинг заррин нурлари борлиқни музайян этгани билан ошиқнинг оҳ чекиб, ранги сарғайиб қолгани ўртасида мутаносибликни кўриб, бунга сабаб қилиб, тонг Қуёшнинг, ошиқ қуёш талъатли ёрининг ҳижронида шундай ҳолга келган, деган хулосани яратади. Қуёш оламга чиққач, осмондаги Ой ва беҳисоб юлдузлар кўринмай қолиши, тунда нур таратаётган барча собиту сайёраларнинг асл маншаи битта экани аён бўлганидек, ошиқ ҳам бу дунёдаги барча гўзалликларнинг асл моҳиятини ўзида жамлаган, кўнгилни муҳаббат ва маърифат нурлари билан мунаввар этадиган қуёшининг пинҳон бўлиб қолганидан тонг каби оҳ чекиб, ранги сарғайган:

*Нега кўргузди совуғ оҳу сариғ рухсор субҳ,
Гар ниҳоний меҳридин мендек эмас бемор субҳ?!*

Ёр ҳажрида девона ошиқнинг жунун шиддати ўз забтига олгач, нафаси танглик қилиб, ҳаво етишмаётгандек бўлади. Натижада ғайришуурий тарзда кўйлагини йиртиб, кўнгил сиқилишини гўёки сал бўлса-да, камайтиргандек бўлади. Тонг ҳам гўёки тун пардасини

йиртганидан тоғларнинг чўққиларида ёруғлик кўришиб, бу ҳолат мажнуншева ошиқнинг ёқавайронлигига ўхшашдир:

*Гар ҳавойи бўлмаса мен телба янглиғ, бас недур,
Кўнглакин чок айлабон тоғ узра мажнунвор субҳ?!*

Куюшнинг яна бир номи меҳрдир. Куюш оламга қандай нуру сафо бағишласа, яқин кишининг меҳри кўнгилларга худди шундай илиқлик, нуру зиё келтиради. Инсон ҳамиша яқинларнинг меҳрига ташна бўлиб яшайди. Айниқса, меҳрибонидан айрилган кўнгил ҳаётнинг турли синовларидан мажруҳ ва зада бўлганида меҳр малҳамига катта эҳтиёж сезади ва унинг ёдида юлдузлардек беҳисоб кўз ёши тўкади. Энг ажабланарлиси, кўпинча худди тонг чоғи осмондаги барча беҳисоб юлдузлар ўчмагунча куюш кўринмаганидек, ҳижронда қолган кўзларнинг ашки қуриб битмагунча висол муяссар бўлмайди:

*Меҳридин мендек ниҳоний тоза доғи бўлмаса,
Юзда невчун кавкаби ашкин қилур изҳор субҳ?!*

Тонг ёришини тасвирлаш тадрижига мувофиқ, ошиқнинг руҳий ҳолати ва кайфиятининг тавсифи ҳам қуюқлашиб бораверади. Уфқда кўринган қизғишранг булутлар тонгнинг янги, ҳали битмаган жароҳатларига пахтадан қўйилган малҳамга ўхшатилиши ишқ тонгининг бўсағасида турган ошиқнинг қийноқларини таъкидлаш учундир. Ошиқлар сафини шунчаки ҳавасмандлар аҳлидан пок тутиш учун муҳаббат кўйининг дастлабки босқичларида турли синовлар, имтиҳон ва риёзатлар рўпара келади. Бу синовларга дош бермасдан, осонгина воз кечадиган ҳавасмандлар ёлғончи тонг каби юзиқора бўлиб қолишади. Ҳақиқий ошиқлар эса субҳи содиқ каби муҳаббатнинг барча дарду доғини чекишга тайёр туришади:

*Дема шингарфий булут ҳар ён эрур қонлиғ момуқ,
Тоза доғидин эрур мендек магар хунбор субҳ.*

Ғазалнинг шу еригача тонг отиши жараёни билан ошиқ руҳияти ва кайфиятидаги ўзгаришлар мувозий – параллел равишда тасвирланган бўлса, энди ишқ ғалаёни сабабли, ошиқнинг аҳволини ифодалашда тонг ҳам “ожизлик” қилади. Ҳижрон ғуссаси дастидан кўнгил зимистон тундан қоронғу бўлган чоғда чекилган ўтли оҳларнинг кўкларга ўрлаб, бир учқунидан тонглар отиб кетгандек гўё.

Одатда, кўп дард чеккан беморлар тонгга яқин, тун билан кун алмашган пайтларда жони узилади. “Ғам туни” да кўп машаққатлар чеккан ишқ бемори ҳам тонгга яқин субҳнинг насими липиллаб турган шамларни ўчирганидек, ҳаёт билан видолашган. Шу сабабли, куюшнинг илк нурлари уфқни ёритгани аслида ўз дардкашининг мотамида тонгнинг аза тутиб, юзини тирнаганидан нишона:

*Ғам туни оҳим шароридин туташти кўкка ўт,
Ким анинг отин кўюптур гунбади даввор субҳ.*

*Кун шуоий хатлари эрмаски тутмиш мотамим,
Юзни анжум тирноғи бирла қилиб афғор субҳ.*

Шоир соқийга мурожаат қилинган байтда тонг отиши – умрнинг бебақолигини таъкидлаш ҳамда ҳар лаҳзани ғанимат билиш учун бир эслатма эканини таъкидлаб, мақтаъда ғазалнинг ранг ва оҳангини бутунлай ўзгартирадиган бир маънони сингдирган:

*Эй Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро,
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул киби бедор субҳ.*

Мазкур байтдаги боғ, барг, наво, гул, булбул, субҳ сўзлари лирик асарларда кенг қўлланилади. Фақат рокиъ сўзи бадий адабиётда кам учрагани, аслида диний адабиётга мансублиги боис, биринчи қарашда юқоридаги сўзлар силсиласига мутаносиб кўринмайди (рокиъ сўзи арабча “ракаъа” феълидан олинган бўлиб, намозда эгилган кишига нисбатан айтилади). Ва ана шу “номутаносиблик” ўқувчини байтда яширинган маънони излаб топишга ундайдиган ишорадир. Демак, “рокиъ” сўзи ушбу байтда ишора-белги вазифасини ўтайди.

Барг–япроқ, наво–куй, оҳанг; бу сўзлар ягона ибора (баргу наво) шаклида келганда кўчма маънода йўл озиғи маъносини билдиради. Боғ – дунё рамзи. “Бу” кўрсатиш олмоши орқали шоир маънони янада кучайтирган. Навоий айтмоқчики, боғ – дунёдан ўзинг билан бирор нарса олиб кетмоқчи бўлсанг, кечалари қуёшни кўмсаб, эгилиб турган гул каби рокиъ–намозхон, тонгда эса, ҳақиқий матлубинг висолига эришмоқ учун булбул каби уйғоқ ва навосоз бўлишинг керак. Зеро, “тонгги ўқиш (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир”. (“Ал-Исро” сураси, 78-оят). Шоирнинг диний-фалсафий маънони ифода этиш учун табиий рамзлардан фойдаланиши бежиз эмас. Гулнинг рокиъ бўлиши ва эрталабки Қуръон қироатининг булбул навосига ўхшашлиги фақат зоҳирий жиҳатдан мувофиқ бўлмай, балки бу унсурлар ўртасида ички муносабат, ботиний уйғунлик ҳам мавжуд. “Ҳаж” сурасининг 18-оятида шундай дейилган: “(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), Сиз осмонлардаги ва Ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов-дарахтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўпдан-кўп инсонлар (Ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми?” “Ал-Исро” сурасининг 44-ояти ҳам шу мазмунда: “Етти осмон, Ер ва ундаги бор жонзот Унга тасбиҳ айтур. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамд билан Унга тасбеҳ айтур. Лекин сиз уларнинг тасбеҳларини англамайсизлар...”. Бу ҳолни, яъни бутун Борлиқ ўзининг Парвардигорига саждада эканлиги, ҳамиша унинг ҳамди ва тасбиҳида бўлганлигини мушоҳада этиш учун қалб кўзи очилган бўлиши керак. Ҳазрат Навоий басират, яъни қалб кўзи билан табиатга назар солиб, ундаги муайян бир манзара билан инсоннинг руҳий кечинмалари ўртасидаги уйғунлик, мутаносиблик, ўхшашликни кўради ва юқоридаги табиий манзара тасвири орқали чуқур фалсафий-ирфоний маъноларни баён этади.

**“ЧУН ФАНО ДАЙРИҒА КИРДИМ БОДА ТУТ,
ЭЙ ПИРИ ДАЙР...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 105-ғазал

*Рўзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун қадаҳ,
Не кўнгулхушлуқ била тортай мени маҳзун қадаҳ.
Ё мени маҳрумға хунобайи ҳижрон бериб,
Ўзга маҳрамлар била ул ой чекар гулгун қадаҳ.
Боре ҳар тақдир илаким, бор мени лабташнаға
Тутмас эрмиш захри ғамдин ўзга даҳри дун қадаҳ.
Соқиё, бу ғусса дафъи масту беҳудлуғдурур,
Тут шафақгун май тўла гар худ эрур гардун қадаҳ.
Рўза ойин кўрмай илгингдин қадаҳни солмағил,
Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун қадаҳ.
Жом эрур мен телбага қонлиғ кўзумнинг косаси,
Лолалар саҳрода бас, гар истаса Мажнун қадаҳ.
Чун фано дайриға кирдим бода тут, эй пири дайр,
Зарф хоҳ эски сафол ўлсун, ва гар олтун қадаҳ.
Юз қадаҳ қилғил мурассаъким чекарсен жоми марг,
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун қадаҳ.
Эй Навоий, бизни ёд эткайму барқандон куни
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афридун қадаҳ.*

ЛУҒАТ

*Гулгун – қизил, атиргул ранги
Хуноба – қонли ёш
Лабташна – чанқоқ
Даҳри дун – нокас дунё
Шафақгун – шафақ рангида, қизил
Илик – кўл
Ҳилол – янги ой
Вагар – ва агарнинг қисқартмаси
Мурассаъ – зийнатланган
Марг – ўлим
Афзун – ортиқ, кўп
Барқандон куни – рўза ойи кириш куни
Сонийи Афридун – иккинчи Фаридун*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

*Рамали мусаммани маҳзуф
-V-- -V-- -V-- -V--
-V-- -V-- -V-- -V--
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*

НАСРИЙ БАЁН

- Баҳор айёмида рамазон ойи келди, лекин ул ой гулранг қадаҳни ичмаяпти. Қандай қилиб мендай маҳзун хурсанд бўлиб, шароб ичайин?!
- Ё мени маҳрум қилиб, ҳижрон кўз ёшлари билан сийлаб, бошқа яқинлари билан майхўрлик қилмоқдами?
- Нима бўлмасин, шуниси аниқки, бу нокас дунё қўлимга ғусса захрига тўла бўлган қадаҳдан ўзгасини тутмас.
- Эй соқий, бу ғуссани даф қилишнинг чораси – ҳушини йўқотгунча маст бўлишдир. Шунинг учун менга фалак косасини қадаҳ қилсанг ҳам, қизил шаробга тўлдириб бер.
- Рўза ойини кўрмай туриб, қўлингдаги қадаҳни қўйма, шунингдек, ҳайит кечаси янги ой кўринганда ҳам қадаҳни қўлингга ол.
- Мен телбага қонли кўзимнинг косаси жомдир. Зотан, Мажнун агар истаса, саҳродаги лолалар унга қадаҳ бўлади.
- Эй пири дайр, мен фано дайрига кирсам, эски сафолдами ёки олтин қадаҳдами – фарқи йўқ, менга бода тут.
- Агар юзта қадаҳни олтин ва жавоҳир билан зийнатласанг ҳам, охир-оқибат ўлим шарбатини тотгайсан. Бу дунёда ҳеч ким Жамшиддан ўтиб жом ясатмаган эди. Аммо шу жом ҳам Жамшидни ўлимдан кутқармади.
- Эй Навоий, барқандон кунида шавкатидан иккинчи Фаридун ҳисобланган султон кўлига Жамшид жомини олганда бизни ҳам ёд этармикан?!..

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазал “сонийи Афридун” – Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳида битилган. Дастлабки уч байт мазмунидан шоир ўз султони билан анчадан бери мулоқот қилмаётгани ва бундан маҳзун ва мушавваш эканлиги ойдинлашади. Кези келганда бир нуктага эътибор қаратишни лозим деб топдик: Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасидаги муносабат ҳақида шўролар замонидаги нотўғри қараш, яъни улар ўртасидаги гоҳи ошкор, гоҳи пинҳона зиддият ва ихтилоф борлиги ҳақидаги афсонасимон гапларга барҳам беришда ҳаддан ошиб, бошқа бир хатога йўл қўймоқдамиз. Охирги йиллардаги тадқиқотларда бу икки зотнинг муносабатларини ҳаддан зиёд идеаллаштириб, икки авлиё ўртасидаги бирдамлик ва якдиллик даражасига чиқариб қўйганмиз. Ҳолбуки, қайси давр ва қайси тузумда бўлмасин, агар ҳукмдор кимнингдир раъйига қараб иш тутадиган инсонга айланса, унинг ҳокимияти албатта таназзулга учрайди. Қолаверса, сиёсий ҳаёт талаблари бундай ҳолатга йўл қўймайди. Бу хулосалар қайсидир назариётчи ва сиёсатшуноснинг китобларидан олинган эмас, балки донишманд вазир ва мутафаккир шоиримизнинг ўзи безавол “Хамса” ва бошқа шеърӣ, насрий асарларида бу ҳақда жуда кўп таъкидлаб ўтган. Масалан, “Бадоеъ ул-васат”даги қитъаларнинг бирида шоҳни қуёшга ўхшатилиш сабабларини бирма-бир санаб, охирги байтда подшоҳ ўз мулозимларини гоҳида яқин олиб, гоҳида ўзидан узоқлаштиришини Ерга баъзида яқин келиб, бедарӣғ нур сочса, баъзида олам аҳлини дийдорига зор қиладиган қуёшга ўхшатади:

*Чун қуёшқа будурур ҳолат, ажаб йўқ, шоҳ ҳам
Бўлса ўз тобиъларидин гаҳ рамида, гоҳ ром.*

Иккинчи мулоҳаза – мазкур ғазал-мадҳия “қадаҳ” радифида битилган. Султон Ҳусайн Бойқаро кўп тебурийзода мирзолар каби шаробга муккасидан кетгани, бу ҳолат эса Навоийни доимо ташвишга қўйгани, саройдаги шаробхўрликка имкони борича қарши курашгани манбаларда қайд қилинган. Айниқса, “Муншаот”даги мактубларида бир неча марта тур-

ли шакл ва оҳангларда султонни шаробхўрликдан қайтариш, жиллакурса, бу нохуш одатни камайтиришни илтимос қилганига шоҳид бўламиз.

Чоғирни барча ёмонликларнинг боши эканлигига амин бўлган ва ҳамиша майхўрликни ўткир ташбиҳлар билан танқид қилган шоир рўза айёми етганида ой каби бечораларнинг тунларини мунаввар этувчи ёри май ичмаётганидан маҳзун ва малул. Ҳижронда қолганидан “ул ой” уни ҳамдамликдан маҳрум қилган бўлса-да, бошқа маҳрамлари билан шароб ичаётгани мумкинлиги ҳақидаги гумон ҳам унинг ич-этини кемираётган бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам лирик қаҳрамонга осон тутиб бўлмайди – подшоҳнинг дийдоридан бенаиблик бир ғам бўлса, унинг сарой аҳли билан майхўрлик қилиши дард устига дарддир. Дўст дийдорининг обиҳаётидан баҳраманд қилиш ўрнига фалак унга ғусса тўла жом тутган:

*Боре ҳар тақдир илаким, бор мени лабташнаға
Тутмас эрмиш захри ғамдин ўзга даҳри дун қадаҳ.*

Бу ғуссадан қутулмоқлик, салтанат ва раиятнинг ташвишларидан халос бўлиш учун “масту беҳудлуғ керак”. Бу мастликка чоғир ичиш билан эришиб бўлмайди, балки фалак жомига тўлдириб турган шаробдан ичиш, яъни олам тузилишининг ҳикматини англаш лозим. Илоҳий ҳикматни мантиқ тарозиси билан ўлчаб бўлмайди. Шу сабабли, ўткинчи ишларнинг ташвишини тортиб, қайғуга банди бўлиш ўрнига ҳикмат ва маърифат бодасидан сархуш бўлмоқлик авло:

*Соқиё, бу ғусса дафъи масту беҳудлуғдурур,
Тут шафақгун май тўла гар худ эрур гардун қадаҳ.*

Кейинги байтларда рамазоннинг кириши ҳамда ҳайит кунини албатта шароб билан нишонлаш, кўз косасини шароб жомига айлантириш орзуси, фано дайрида дайр пирининг қўлидан қадаҳ олиш нияти – буларнинг барчаси шоир васф этган қадаҳда спиртли ичимлик эмаслигидан далолат беради. Маърифат ва фано бодаси – инсоннинг инсонийлик мақомини эслатувчи, бошқа ғам-ташвишлардан фориф этувчи, кўнгилни юмшатиб, дунё молига безътибор бўлишни ўргатувчи, муҳаббат оташини кучайтирувчи маънавий бода. Энг асосийси, бу қадаҳдаги шароб албатта ўлим шарбатини тотгувчи инсон умр деган бебаҳо неъматни Жамшиддек айшу ишратга сарф этмасдан, охират тадоригини кўриши кераклигини эслатади:

*Юз қадаҳ қилғил мурассаъким чекарсен жоми марг,
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун қадаҳ.*

Матлаъда қайд қилинган “барқандон куни” алоҳида изоҳни талаб қилади. “Тарихи Байҳақий”га кўра, ўрта асрлар Хуросонида Рамазон ойи киришидан бир кун олдин, яъни шаъбоннинг сўнгги кунинда барқандон байрамини нишонлаш удуми бўлган. Мазкур байрамнинг асл негизи маълум эмас. Ушбу кунда мусулмонлар барча гуноҳлардан тавба қилган ҳолда рамазонни ноз-неъматга тўла дастурхон билан кутиб олишаркан. Мусулмон мамлакатларда яшайдиган ғайридинлар эса, ушбу кунни шаробхўрлик билан ўтказиб, кейин бир ой давомида рамазон ойининг ҳурмати учун улар ҳам шароб ичмас экан. Кейинчалик бу одат саройга ҳам йўл топиб, кўп султон ва амирлар ўз даргоҳида барқандон куни шундай шаробхўрлик мажлисларини ўтказишган. Алишер Навоий ана шундай хунук одатлар ва бидъатларнинг олдини олиш мақсадида шоирона лутф билан мадҳ этилган шоиртабиат дўстидан қабул ижозатини сўраган бўлса, ажабмас:

*Эй Навоий, бизни ёд эткайму барқандон куни
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афридун қадаҳ.*

**“ФАЙЗ ШАҲРИСТОНИ САЙРИҒА ТОПАР
ДАРВОЗА РУҲ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 106-ғазал

*Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза руҳ,
Тоза-тоза ҳар бири шавқин солиб овоза руҳ,*

*Руҳи маҳз ул тозаву тар сарви раънодек қадинг,
Не ажаб бўлса равон бўлғанда элга тоза руҳ,*

*Кўйи гардиндин ўлук жон топса тонг йўқ, негаким
Туфроғ ўлди кўйида беҳадду беандоза руҳ,*

*Бўлғуси жонон киби бўлса мужассам суврати,
Ҳулла кийса суртубон жаннат гулидин ғоза руҳ,*

*Чиқти жондин пайкар айлаб нозу ҳусн изҳор этиб,
Зор ул пайкарга жон, волиҳ бу ҳусну ноза руҳ,*

*Шавқ тийғи бирла солик айласа кўнглини чок,
Файз шаҳристони сайриға топар дарвоза руҳ,*

*Эй Навоий, шукрим, йўл топти жонон кўйига
Ҳажр шоми зулматида йўлни оза-оза руҳ,*

ЛУҒАТ

Тоза-тоза – янги-янги, хилма-хил

Тонг йўқ – ажабмас

Ҳулла – ҳарир кўйлак

Ғоза – юзга суртадиган қизиллик

Пайкар – жисм

Волиҳ – шайдо, мафтун

Солик – тариқат йўловчиси

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

• Янги очилган гул япроғидек гўзал ва жон бағишловчи лабларингдан руҳим тозаради. Лабларинг шавқидан жоним янги-янги овозалар солмоқда.

- Сарви раънодек қаддинг тоза ва бегуборликда айна руҳнинг ўзидир. Бу сарвнинг қадди равонлигидан элга янги жон кирса, не ажаб?!
- Кўйининг гардидан ўлик жон топса ажабмас, негаки унинг кўйида ҳад-ҳисобсиз жонлар тупроқ бўлди.
- Агар руҳ жаннат гулидан юзига қизиллик суртиб, ҳарир кўйлак кийиб сурати жисм шаклига кирса, жононга ўхшаб қолади.
- Ёр жондан ўзига жисм – пайкар ясаб, ўз ҳусни ва нозини изҳор этиб чиққани боис бу пайкарга жоним зор бўлиб, унинг бу ҳусн ва нозига шайдо бўлибди.
- Агар солиқ шавқ тиғи билан кўнглини чок этса, руҳ файз шаҳристонига олиб борувчи дарвозани топади.
- Эй Навоий, шукрлар бўлсинки, руҳ ҳижрон шоми зулматида адаша-адаша оқибат жонон кўйига йўл топди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Руҳият олами, жон, руҳ, қалб, сир... инсоннинг ботиний оламига тегишли бўлган бу тунчалар ҳамиша ақл соҳиблари диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Мана шу оддий кўз билан кўринмас ва ҳар бир қадамда борлигидан хабар берувчи бу синоат тўғрисидаги қарашлар ва ақидалар борасида дунёдаги жамийки таълимотлар, ғоя ва қарашлар ихтилофга борганлар. Худосизлар руҳни инкор этиб, художўйлар руҳ борлигини эътироф этар экан, улар руҳ ҳақида турлича қарашларга эгадирлар.

Руҳ араб тилида жон, раҳмат ва мағфират, Қуръони Карим, Жибрил алайҳиссалом, ғайб оламига тегишли маъноларни идрок этувчи ва раббоний илмларни ўрганувчи инсоний руҳ маъноларини англатади. Истилоҳ сифатида айниқса, исломгача нозил бўлган динлар доирасида турлича талқин қилинган руҳ ҳақида Қуръони Каримнинг “Исро” сурасидаги 85-оятда мусулмонларга аниқ кўрсатма нозил бўлди: (“Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Руҳ Ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир”.

Ана шу ҳукмга амал қилган ҳолда бу масалада чуқурлашмасдан, руҳнинг Навоий ғазалидаги шоирона талқинларига диққат қаратамиз.

Матлаъда ёрнинг “гулбарги тари” – лабидан чиқаётган сўзлардан ошиқнинг руҳи тоза-риб, покланиб олиши ҳақида сўз боради. Бу сўзлар илоҳий калом, пайғамбаримиз ҳадислари, пир – комил инсон талқин қилган ҳикматлар, ёхуд ёрнинг сўzlари бўлиши мумкин. Мазкур калом ўзида жон бағишловчи, руҳни қайта тирилтирувчи хосиятга эга. Кимнинг лабидан тўкилганидан қатъи назар, бу калом асл манба – Парвардигорнинг “Бўл!” деган амрининг хосиятидан файзиёб бўлган. Шунинг учун, Илоҳий амр туфайли яралган руҳ ёрнинг жонбахшлик хосиятини асраб қолган сўзларидан шавқи янада кучаяди:

*Эй манга жонбахш гул барги тарингдин тоза руҳ,
Тоза-тоза ҳар бири шавқин солиб овоза руҳ.*

Унсу улфат топиш ҳам – руҳга боғлиқ ҳодиса. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, руҳлар жисмлар олами яралишидан олдин айримлари ўзаро улфат ва яқин бўлишган. Жисм оламига нозил бўлган руҳлар азалда ошно тутинган руҳларни топгунга қадар эгасига тинчлик бермайди. Мажнуннинг ишқи айнан Лайлига тушиши, Чин шаҳзодаси Фарҳод қалбини минглаб чақирим узоқликдаги армани малика – Ширин забт этиши ҳам шунчаки тасодиф

ё тақдир ўйини эмас. Бу ишқ, бу унсу улфат азалий ҳодиса бўлгани сабабли, руҳий яқинлик, ботиний висол пайдо бўлганда дийдор чоғи руҳ яйрайди, покланиб, тозаради, яшнайти:

*Руҳи маҳз ул тозаву тар сарви раънодек қадинг,
Не ажаб бўлса равон бўлганда элга тоза руҳ.*

Жононнинг кўйида сон-саноксиз жонлар тупроққа айланганлиги сабабли, гарди ҳам марҳумларга жон бағишлаш хосиятига эга. Тарихга назар ташласак, энг катта хунрезликлар, энг беҳисоб қурбонлар Худонинг номидан амалга оширилади. Ҳақ ҳам, ноҳақ ҳам ўзини Худонинг амрини бажараётган қилич деб ҳисоблайди ва энг ажабланарлиси, қайсидир маънода иккала томон ҳам тўғри фикр юритади. Худонинг изн-ихтиёрисиз бир япроқ ҳам дарахт шохидан узилмас экан, бу хунрезликлар унинг ихтиёридан ташқарида бўлармиди?!.. Шунинг учун, Унинг иродасига мувофиқ кўйидаги биргина гардидан яралган Исо алайҳиссалом кўршапалакка жон бағишлай олади, Сомирий каби сеҳргарларнинг бузоғи тирик жондек овоз чиқаради, бир томчи манийга руҳ ато этилгач, энг мукаррам зот – ҳазрати Инсон бунёд бўлади:

*Кўйи гардидин ўлук жон топса тонг йўқ, негаким
Тупроғ ўлди кўйида беҳадду беандоза руҳ.*

“Кашф ул-маҳжуб”да келтирилишича, тасаввуф шайхларидан руҳ ҳақида энг кўп сўзлаган Абубакр Воситий бўлиб, жумладан, шундай деган экан:

“Руҳлар ўнта мақомда қоимдурлар. Биринчиси, ихлос аҳлининг жонларидирким, зулматда қолиб, нима қилишларини билолмайдилар; иккинчиси – тақводорлар руҳи дунё осмонларида ўз яхши аъмоллари ва тоатларининг қуввати билан юксалтганлар; учинчиси, муридларнинг руҳи тўртинчи фалакда сидқу садоқат лаззати ва ўз амалларининг соясида фаришталар билан биргадирлар; тўртинчиси, ҳадис ва суннат тобеларининг руҳи Арш қандилларининг нурларига чулғаниб, емаклари – илоҳий раҳмат ва ичмаклари – илоҳий лутф ва қурбат (яқинлик)дир; бешинчиси – вафо аҳлининг руҳидирким, сафо пардаси ва истифо (танланган) мақомида тараб ва шодликдадирлар; олтинчи мақом – шаҳидларнинг руҳидирким, жаннат боғларидаги қушларнинг қаноти узра ҳар ён ки истасалар учиб юрадилар; еттинчи мақом – муштоқларнинг руҳидирким, сифатлар пардасида адаб бисоти узра юксалмишлар; саккизинчиси – орифлар руҳларидирким, қудсийлик ҳазратида кеча-кундуз Аллоҳнинг сўзларини эшитгайлар ва жаннат-у дунёдаги маконларини кўриб тургайлар; тўққизинчиси – дўстларнинг жамол мушоҳадаси ва кашф мақомида масту мустағрақ бўлмишлар. Улар Ундан бошқани билмаслар ва бошқа ҳеч нарса билан ором топмаслар. Ўнинчи мақом – ул дарвешларнинг мақомидирким, фано кўйида қарор топмишлар ва ёмон сифатлари яхшига табдил бўлиб, ҳоллари ҳамиша яхши томонга ўзгариб, тараққий топмиш. Машойихнинг кўпларига бу руҳлар турли сурат ва сиймода намоён бўлмиш” (“Кашф ул-маҳжуб”, 340-бет). Воситийнинг ушбу таснифини ғазалга татбиқ этадиган бўлсак, тўртинчи байтда жононнинг кўйи тупроғига айланган руҳлар, яъни ишқ шаҳидининг дийдор жаннатидаги кайфияти образли тасвир этилган. Навоий талқинига кўра, ишқ кўйида шаҳид кетган ошиқнинг руҳи жононнинг сувратига ўхшаш бўлади. Бошқача айтганда, ёрнинг сифатлари ошиқнинг руҳиятини буткул ўзгартириб, ўзига мувофиқ айлаганидан кейингина ишқ шаҳиди мақомига эришиш мумкин:

*Бўлғуси жонон киби бўлса мужассам суврати,
Хўлла кийса суртубон жаннат гулидин ғоза руҳ.*

Одатда руҳ ва жонни бир нарса деб тасаввур қилишга ўрганганмиз. Жумладан, “ҳикмат аҳли (файласуфлар) руҳ ва жоннинг ўртасида фарқ қўймайдилар ва иккаласини “нафси но-тиқа” деб атайдилар” (“Истилоҳот”, 70-бет). Лекин қуйидаги байтда жон бошқа, руҳ бошқа нарса экани маълум бўлади:

*Чиқти жондин пайкар айлаб нозу хусн изҳор этиб,
Зор ул пайкарга жон, волиҳ бу хусну ноза руҳ.*

Азизиддин Насафийнинг ақидасига кўра, “Агар ушбу руҳий мартабалар касбий – ўзлаштирма бўлганида эди, кимки кўпроқ ўзлаштира, унинг мақоми олийроқ бўларди. Ориф валийлар мақомини эгалларди, валий ўзлаштириш орқали набийлар мақомини эгалларди. Бошқа мақомларни ҳам шундай деб ҳисобла. Аммо бу мақомлар ўзлаштирадиган эмас, балки белгилаб берилган мақомлардир”. Шунинг учун ҳам, юқоридаги байтда руҳи олийроқ мақомда бўлган кишининг мартабаси ва Ҳақ олдидаги мақоми бошқа жонлар ва руҳларнинг зорлиги ва волиҳлигига сабаб эканлиги образли тилда баён этилган.

Абдураҳмон Суллабий айтганидек, “муҳаббат шавқни вожиб этади, шавқ эса унсни, кимдаки шавқ ва унсият бўлмаса, билсинким, ул муҳаббат аҳлидан эмас”. Шавқ кўнгилнинг илоҳий файздан баҳраманд бўлишига, руҳоний сулукда жононга етишишга, адашмасликка сабаб бўлади. Жонон кўйига етишиш эса, яшашдан асосий муроддир. Бу неъмат учун ҳар қанча шукрона айтсанг, арзийди:

*Шавқ тийғи бирла солик айласакўнглини чок,
Файз шаҳристонни сайриға топар дарвоза руҳ.*

*Эй Навоий, шукрим, йўл топти жонон кўйига
Ҳажр шони зулматида йўлни оза-оза руҳ.*

**“АДАБ ЭРМАСДУРУР ҚИЛМОҚ ҲАР ИШНИ
МУДДАО ГУСТОХ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 107-ғазал

*Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густох,
Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густох.
Не қувват бирла шаҳ густох сўзлашгай анинг бирла
Ки, ваҳм этгай бошиға соя солмоқтин ҳумо густох.
Уруж истар эсанг бу дайр ичиндафоний ўлғилким,
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох.
Бало ичра далер урма қадам то ошиқ ўлмайсен,
Самандар бўлмағунча кирса бўлмас ўт аро густох.
Не муҳриқ водий эрмиш ишқ кўйи даштиким, улён
Ўта олмас самум ўлмоқ ҳаросидин сабо густох.
Шужоат бирла кирмак кулбайи фақр ичра бўлмаским,
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густох.
Чу топмас ҳар неким, тақдирдур, бу дайр аро тағйир,
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.
Не нозук хўйи бор ул дилрабонингким, ниёз аҳли,
Шикоятқа не етгайким, дейолмаслар дуо густох.
Навоий ишқ истиғносини то англади ваҳким,
Қила олмас фиғон фориғ, чека олмас наво густох.*

ЛУҒАТ

*Гадойи фақр – дарвеш, тариқатдаги киши
Густох – адабсиз, андишасиз, бетакаллуф; қўрқмас
Ваҳм этмоқ – қўрқмоқ
Ҳумо – афсонавий қуш; давлат қуши
Уруж – юксалиш
Малак – фаришта
Далер – қўрқмас, ботир
Самандар – ўтда ёнмас афсонавий махлуқ
Муҳриқ – алангали
Самум – иссиқ шамол, гармсел
Сабо – тонгги эпкин
Шужоат – ботирлик, жасорат
Тағйир – ўзгариш
Ниёз – эҳтиёж
Истиғно – ҳожатсизлик
Фориғ – бемалол, эркин*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Ҳазажи мусаммани солим

V --- V--- V--- V---

V --- V--- V--- V---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

НАСРИЙ БАЁН

- Тиланчи гадо шоҳ олдида бемалол сўзлай олмаслиги каби, подшоҳ ҳам фақр йўлидаги дарвешнинг ҳузурида бетакаллуф гапиролмайди.
- Бошига давлат куши – ҳумо соя солишдан кўрқиб турган одамнинг ҳузурида шоҳ қайси қувват билан бемалол гаплаша олади?!
- Бу дайр – дунё ичра юксалишни истар эсанг, фоний бўлгил. Фано аҳли фаришталар устидан ҳам хотиржам ўтиб бораверадилар.
- Ошиқ бўлмагунча балолар гирдобига ботирлик билан қадам қўйма. Самандар бўлмагунча олов ичига бемалол кириб бўлмайди.
- Ишқ дашти қандайин алангали водий эмишки, тонгги сабо самум – гармсел бўлиб қолишидан кўрқиб, у томонга ўтолмайди.
- Фақр кулбасига шижоат – ботирлик билан кириб бўлмас. Бу вайронани дуч келган ҳар аждаҳо ўйламасдан ватан қилолмайди..
- Бу дунёда нимаики тақдир қилинган бўлса, ўзгартириб бўлмайди, шунинг учун ҳамма нарсани ҳам дуо қилиб сўрайвериш одобдан эмас.
- Ул дилрабонинг феъл-хўйи шу қадар нозикки, муҳтожлар шикоят қилиш у ёқда турсин, такаллуфсиз дуо ҳам қила олмайдилар.
- Навоий ишқ ундан эҳтиёжсизлигини англагач, бемалол фиғон ҳам қилолмас, густоҳлик билан нола ҳам чекмас.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мазкур ғазалда ҳам дарвешона маънолар шоирона кайфият билан омукта ҳолатда берилган. Девоннинг юзинчи рақамли ғазалида шоҳларнинг дарвешларга муҳтожлиги (Фақр аҳлига подшо муҳтож...) баён этилган бўлса, бунда шоҳлар дарвешлар ҳузурида бошқалар билан бўлгани каби муомала ва муносабатда бўлолмаслиги очиқланган. Тасаввуф намоянадалари ҳаётдан ҳикоя қилувчи маноқиб ва тазкираларда бу фикрни қувватлантирувчи мисоллар талайгина. Жумладан, “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Бобо Ҳасан Турк номили мажзуб (илоҳий ишқ жазбаси етганидан девонасифат бўлган) дарвеш ҳаётдан ажиб бир воқеа келтирилган. Бобо Ҳасан Турк қишнинг бир кечаси жазба етган ҳолида ҳаммонинг гўлаҳида исиниши учун гўлаҳчидан рухсат сўрайди. Гўлаҳчи кўнмай уни ҳайдаб солади. Бобо Ҳасан уни бир мушт уриб, ўлдириб қўяди. Хабар давр подшоҳи – Шоҳрух Мирзога етиб боради. “Шоҳрух Мирзо сўрубдурки, Бобо, сени дейдурларки, биравни ўлдурубсен? Андоқмудур? Дебдурки, ҳов, андоқдур. Мирзо сўрубдурки, не учун ўлдурдунг? Дебдурки, мунчани сен ўлдурдунг, биравни дағи мен ўлдурдум”. Шоҳрух Мирзо бу гапдан кейин хо муш тортиб, даъвогарларни дият (қон пули) олишга кўндириб, ўз ҳисобидан тўлаб юборади. Бобо Ҳасанни эса ўз ҳолига қўяди.

Манбаларга кўра, Шоҳрух Мирзо тасаввуф аҳлини унчалик хуш кўрмасди. Ҳатто Шайх Сойиниддин Турка деган бир тасаввуф назариётчиси ўзи ёзган китобдан тониб, бу китобни Шоҳрух Мирзо замонидан анча олдин ёзгани мазмунида раддия берган экан. Маълум

бўладики, бу даврда тасаввуф мавзусида китоб ёзиш расман манъ этилган. Шундай қалтис пайтда ҳам қўрқмасдан гапирган Бобо Ҳасан султонни ҳақ гаплари билан навбатдаги ҳарбий юришдан қайтариб, ноҳақ қон тўкилишининг олдини олган.

Султон Ҳусайн Бойқаро замонига келиб, вазият тубдан ўзгаради. Устозимиз Нажмиддин Комилов таъкидлаганларидек, “Ҳиротда тасаввуфнинг турли тоифадаги тариқати амал қилган, кишилар хоҳлаган, кўнгли чопган шайхга мурид тушган. Бундай эркин танлаш Ҳирот маънавиятининг икки буюк пешвоси – Жомий ва Навоийда ҳам кўзга ташланади”. Султон Ҳусайннинг табиатан дарвешликка мойиллиги ҳам бундай эркин муҳит яралишида муҳим омил ўйнаганини алоҳида таъкидлаш керак. Шунинг учун, Навоийнинг қуйидаги сатрларини шунчаки муболағали тавсиф эмас, балки воқеликнинг бадиий ифодаси ўлароқ қабул қилиш мақсадга мувофиқ:

*Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густох,
Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густох.*

*Не қувват бирла шаҳ густох сўзлашгай анинг бирла,
Ки ваҳм этгай бошиға соя солмоқтин ҳумо густох.*

Учинчи байтда уруж – юксалиш ҳақида сўз боради. Уруж – Меърож сўзи билан ўзакдош. Сўфийлар талқинига кўра, Меърожда охирзамон пайғамбари ҳам жисман, ҳам руҳан Ҳақ таоло ҳузурига юксалган бўлса, чин ихлос билан адо этилган ҳар бир намоз ва ибодат мўминнинг руҳий меърожидир (“Кашф ул-маҳжуб”, 339-бет). Инсонни фаришталардан ҳам юксакроқ мақомга эриштирадиган нарса – Аллоҳ таолонинг ўзини кўрмасдан, қудрати ва нишонларини мушоҳада этиб, Унга чин ихлос ва муҳаббат билан қўйган эътиқодидир:

*Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох.*

Бу мақом ва мартабага эришиш учун фақат эътиқод ва билимнинг ўзи камлик қилади. Муҳаббат ва иштиёқ оловида тобланган маърифат, синовлардан ўтган чин ихлос соҳиби бўлган кишигина намоз пайтидаги қалб ҳузурига эриша олади. Жомийнинг “Силсилат уз-заҳаб” достонида келтирилишича, тариқат йўлига энди кирган мурид намоз пайтидаги хушуъ ва хузуъ (кўнгилда Ҳақ таолонинг қўрқуви ва муҳаббатидан бошқа нарса йўл топмаслик ҳолати)ни тополмай, бир неча марта намозини бузиб, қайта ўқишга киришади. Пири буни сезиб, танбеҳ беради ва айтадики, йўлнинг охирида ҳосил бўладиган нарсани аввал-бошда талаб қилиш ақлсизликдир. Ишқ даштидаги ўз имконидан ортиқ бўлган балоларни талаб қилиш - самандарлик хислатини касб этмай туриб, оловга оёқ қўйиш билан баробар:

*Бало ичра далер урма қадам то ошиқ ўлмайсен,
Самандар бўлмағунча кирса бўлмас ўт аро густох.*

Ишқ водийсининг оташи шунчалик шиддатлики, тонг чоғи эсадиган сабо ҳам у томонга ўтса, самум – гармселга айланиши хавфи бор. Мажоз тилида сабо – хушхабар, ёрнинг лутфу марҳаматидан мужда, самум эса ёрнинг итоблари ва ишқ балоларини англатади. Демак, сабодек ёқимли ва жонга ҳузур бағишловчи бир хушхабар ҳам ишқ ўтининг шиддатидан самумдек ҳалокатли бўлиши мумкинлигини андиша қилиб, ёр ўз ошиғига хабар жўнатмаяпти экан. Ишқ даштида ёрдан бир мужда келмаслиги ҳам меҳрибонликнинг бир кўриниши эмиш:

*Не муҳриқ водий эрмиш ишқ кўйи даштиким, ул ён
Ўта олмас самум ўлмоқ ҳаросидин сабо густох.*

Ганж – хазинани одатда ҳеч ким яшамайдиган вайроналарда кўмилиши ҳақида олдинги шарҳларда айтиб ўтгандик. Олтиннинг яна бир хосияти – илонлар кўмилган хазиналарни тез топиб, уни қўриқлаб ётишаркан. Хазинани қўлга киритмоқчи бўлган одам жасорат кўрсатиб, олдин бу қўриқчи, яъни аждаҳога айланган илонни ўлдириши лозим бўлади. Аммо фақр кулбасида яширинган хазинани жасорат ва ботирлик билан эмас, балки қалби синиқлик, ризо, қаноат ва шукроналик, тавозе ва адаб билан қўлга киритиш мумкин. Бу кулбага густохлик билан қадам қўйиб бўлмас. Машойих айтганларидек, тасаввуф – жумла одобдир:

*Шужоат бирла кирмак кулбайи фақр ичра бўлмаским,
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густох.*

Кейинги байтларда “гадойи фақр”ларга хос бўлган хислатлар – ҳар неки келса, тақдирдан рози бўлиш ҳамда инон-ихтиёрини буткул Ҳақ таоло иродасига мувофиқ этиш ҳақида сўз боради.

“Насойим ул муҳаббат”да берилишича, бир куни Хожаи жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳузурида бир дарвеш деди:

– Агар Худованд таоло менга жаннат ва дўзахдан қайси бирини танлаш имконини берса, мен дўзахни ихтиёр қиламан. Чунки мен ҳеч қачон нафсим муроди билан яшамагаймен. Бу ҳолда жаннат нафс муродидир ва дўзах – Ҳақ муроди.

Ҳазрат Хожа дарвешнинг сўзини рад қилиб, дедилар:

– Бандага ихтиёр билан нима иши бор, ҳар қаён бор деса, борурмиз ва қаёнда бўл, деса, бўлурмиз. Бандаликнинг шартини ушбурдир, сен айтганингча эмас.

Мазкур байтларни Абдулхолиқ Ғиждувоний ғояларининг шоирона ифодаси десак, адашмаймиз. Зотан, орифона ғазалларда Алишер Навоий энг аввало, нақшбандийлик ғояларидан илҳомланган ва ўз ирфоний қарашларини шу таълимот асосида қурганига ушбу байтлар ҳам асос бўла олади:

*Чу топмас ҳар неким, тақдирдур, бу дайр аро тағйир,
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.*

*Не нозук хўйи бор ул дилрабонингким, ниёз аҳли,
Шикоятқа не етгайким, дей олмаслар дуо густох.*

*Навоий ишқ истиғносини то англади ваҳким,
Қила олмас фиғон фориғ, чека олмас наво густох.*

**КҮНГУЛ ФАНО КУЧИДИН ЗҰРИ БОЗУ
ИСТАРКИМ..”**

«Ғаройиб ус сиғар», 108-ғазал

*Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах,
Қизил гул анда ўту оқ шукуфалар дур ях.*

*Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса, эрур дўзах.*

*Хаёли хайли қўзумга келургадур гўё,
Юзумки йўл-йўл ўлуптур сиришкдин рах-рах.*

*Ғариб келмади ширин лабингға аччиғ сўз,
Эмас ғариб чучук мева бўлса хоста талх.*

*Кўнгул фано кучидин зўри бозу истарким,
Вужуд панжасини англамиш бағоят шах.*

*Навоий эгни ялангдур демангки, бордур анга
Фано ҳасири, бало хораси насиж ила нах.*

*Магар шаҳ ашҳаби оллинда пайк бўлди сипеҳр
Ки, қилмиш ўн кечалик ойни эгнида ночах.*

ЛУҒАТ

*Шукуфа – дарахт гули
Биҳишт – жаннат
Лиқо – дийдор
Хайл – қўшин
Сиришк – қўз ёши
Рах-рах – тарам-тарам, ажинлар
Хоста – данак
Зўри бозу – биллак қучи
Шах – қотган
Ҳасир – бўйра
Хора – харсанг тош
Насиж – тўқилган матоҳ
Нах – нозик мато
Ашҳаб – от
Пайк – элчи
Сипеҳр – фалак, осмон
Ночах – ойболта*

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Мужтасси мусаммани махбуни маҳзуф

V-V- VV-- V-V- VV-

V-V- VV-- V-V- VV-

Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун

НАСРИЙ БАЁН

- Сенсиз менга баҳор ажаб бир дўзахга айланибди – гуллари ўтдек ёндирса, оқ ғунчалари муздек совуқ забтига олдиради.
- Баҳор сенсиз дўзахга ўхшаса, ажаб эмас, зотан жаннатда ҳам висолинг бўлмаса, дўзахнинг айни ўзидир.
- Кўз ёшларимнинг излари юзимда йўл-йўл бўлиб, гўё хаёлинг қўшини кўзимга келишига йўл очди.
- Ширин лабингдан аччиқ сўз чиқиши ажабланарли эмас. Зотан, ширин меванинг данаги одатда аччиқ бўлади.
- Кўнгил вужуд панжасининг қотиб қолган, нотавонлигини билгач, фано кучидан мадад истамоқда.
- Навоийни эгни яланг (кийимсиз) деманг, унга фано бўйраси палос, бало харсанг тоши эса юмшоқ ёстиқдек бўлган.
- Фалак бу кеча гўё шоҳнинг оти олдидан ўн кечалик ойни қўлида болтадек ушлаб пўшт-пўшт айтиб келувчи хабарчи бўлди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Алишер Навоийнинг “Муншаот” асаридаги мактубларнинг асосий қисми Султон Ҳусайн Бойқарога юборилганини биламиз. Бу мактублар ўзбек мумтоз насрининг энг сара намуналари бўлиш баробарида, икки маслакдош дўст, икки давлат таянчи, икки ижодкорнинг муносабатлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

“Муншаот”нинг дастлабки тўрт мактуби тўрт фаслнинг тасвирига бағишланган. Жумладан, биринчи мактубда муаллиф Наврўз айёмида бошига тоғ сайри ҳавоси тушиб, у ерда гўзал бир масканни топгани, аммо бу хушҳаво маскан дўст дийдорисиз дўзахнинг айни ўзи эканини қайд қилиб, дийдор умидида қуйидаги сатрлар билан шоҳни таклиф қилади: “Ва лекин ул баҳори ҳаёт суҳбатидин айру лола аҳбоб жониға доғ ўртагали шуълае ва ҳар қатра асҳоб ҳаёти шамъини ўчургали Дажлае эрди. Густохлик юзидин фалонни қуллуққа йиборилди, агар кўҳнавард ашҳабни қулла азиматиға сурулса ва анинг хоро шикоф тувоғидин секриган ўт била барқ ламъасидек мунтазирлар кўзларин ёрутулса, тоғдин куёш чиққондек бўлғай ва баҳордин гул очилғондек кўрунғай”.

Таҳлил қилинаётган ғазал ҳам худди шу муносабат билан ёзилгани сабабли, мазкур мактубнинг шеърий давомига ўхшайди. Чунки бунда ҳам баҳор фасли дўст дийдорисиз дўзахдан нишон беради, очилган атиргуллар бозиллаб турган чўғдек қалбини ўртаса, оппоқ гуллаган дарахтлар музтоғлардек кўнгилни бу манзара томошасидан совутади. Қолаверса, қиёмат куни ҳам мўминларнинг умиди – Ҳақ таоло жамолини кўриш. Агар илоҳий жамол жаннатда ҳам кўриниш бермаса, жаннатнинг дўзахдан фарқи қолмайди. Соғинч ва муштоқлик, ҳижрон ва айрилиқ азоби ҳар қандай жаҳаннам қийноқларидан ҳам аламли:

*Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах,
Қизил гул анда ўту оқ шукуфалардур ях.*

*Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса, эрур дўзах.*

Учинчи байтда гўзал шоирона тасвирга дуч келамиз: дийдорга муштоқ ва интизор бўлган лирик қаҳрамон дўстининг хаёлини кўз ўнгида жонлантириш учун ҳаракат қилмоқда. Тинмай оқаётган кўз ёшлари эса тарам-тарам бўлган ажинлардан оқиб тушиб, гўёки унинг хаёли келиши учун йўл очмоқда:

*Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,
Юзумки йўл-йўл ўлуптур сиришкдин рах-рах.*

Тўртинчи байт ширин лаб ва аччиқ сўз тазоди асосида қурилган. Бу тазод мумтоз адабиётда жуда кўп қўлланилган. Жумладан, Ҳофиз Шерозий машҳур “Агар он турки шерозий...” ғазалида бу маънони қуйидагича ифодалаган:

*Агар дашном фармой в-агар нафрин, дуо гўям,
Чавоби талх мезебад лаби лаъли шакархоро.*

(Таржимаси:

*Агар дашном берарсан ёки қарғарсан, дуо қилгум,
Ширин лабларга аччиқ сўз берар пардозу орони.)*

Шерозлик ринддан илҳомланган ҳиротлик турк айни шу маънога янги тасвир воситалари, янги маънавий санъатлар ёрдамида бутунлай бошқача ранг ва тус берган. Кўклам тасвирига мос ҳолат ва кайфиятни вужудга келтириб, анъанавий тимсоллар замирида бадиъ – нодир бир манзарани чиза олган. Икки марта қўлланилган “ғариб” сўзи биз ўрганиб қолган мусофир маъносидамас, балки янги, ажиб, нодир каби маъноларни ифодалаб, тажнис ҳодисасини вужудга келтирган. Аччиқ данакли мева ширин бўлиши ҳақидаги далил (ҳусни таълил санъати) орқали бу аччиқ сўзлар ёрнинг лабини янада ширинроқ қилишига нозик ишора қилинганки, бу ҳам шоирнинг маҳоратидан дарак беради:

*Ғариб келмади ширин лабингға аччиғ сўз,
Эмас ғариб чучук мева бўлса хоста талх.*

Кейинги икки байтда шоир ўзи энг яхши кўрган мавзу – фано бўлиш ҳақида сўз юритади. Кўнгилнинг маънавий сулуки ва руҳоният оламидаги юксалишларида жисмоний қувват етарли эмас. Нафсни поклаш йўлидаги риёзатларни чекиш учун жисмоний қувватдан кўра руҳий қувват кўпроқ асқотади. Бунинг учун инсон ўзидаги такаббурлик, манманлик, ёлғон, риёкорлик, ҳасад, ширк, лаганбардорлик, ғофиллик... каби ёмон хислатлардан холи бўлиб, тавозе, садоқат, муҳаббат, қаноат, маърифат, раҳмдиллик, бағрикенглик каби хислатларни тарбиялаши керак. Худони бир лаҳза ҳам ёддан чиқаришга йўл қўймайдиган ҳамда Аллоҳдан ўзга кишидан таъма умидини узган, ўзини тупроқдан ҳам паст ҳисоблаб, хокисорликдан олам босиб ўтадиган ерга айланган зотлар ўзгаларнинг мол-дунёси, куч-қувват, амал

ва мансаб-мартабаси ҳам эпллмаган эътибор ва эътиромга сазовор бўлади. Қолаверса, одил султонлар ҳам кўпроқ бечора ва мискинларга шафқат ва мурувват кўрсатадилар. Бинобарин, Навоий ёрнинг дийдорига фақат ўзининг фонийсифатлиги ва балокашлиги туфайли ҳақли эканини таъкидлайди:

*Навоий эгни ялангдур деманги, бордур анга
Фано ҳасири, бало хораси насиж ила нах.*

Тахаллусдан кейинги байтда баҳорни байрамга айлантирган, дийдорига муштоқ этган зот – Султон Ҳусайн дўстининг даъватини ижобат қилиб, кечаси қадам ранжида қилгани тасвирланади. “Ночах” – ўзбек тилида ойболта дегани. Ўн кунлик ойни султоннинг йўлини бўшатиб бораётган тун ясовули қўлидаги ойболтага ўхшатиб, ҳам ташбиҳи музмар (яширин ташбиҳ) ва ҳам ийҳом санъатининг гўзал намунасини яратган:

*Магар шаҳ ашҳаби оллинда пайк бўлди сипеҳр
Ки, қилмиш ўн кечалик ойни эгнида ночах.*

Умуман, Навоий қайси мавзуда қалам тебратмасин, бадиият масаласи ҳамиша бирламчи мезон бўлиб қолаверган. Мазмунига кўра ғазал-даъватнома бўлган ушбу асар ҳам шунчаки ёзилган эмас. Бундаги фалсафий-ирфоний маънолар, руҳий-психологик кечинмалар, автобиографик унсурлар шундай қоришиқ келтирилганки, истаган маънода таҳлил ва таъвил қилиш мумкин. Энг муҳими, бу ғазал бадий-эстетик завқни ошириб, дидни нозиклаштиради. Бадий асар яратишдан ҳам асосий мақсад шу.

**“ЭЙ НАВОИЙ, ПАНД ЭШИТ,
ЁР ИСТАМА БИСЁР ШЎХ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 109-ғазал

*Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парирухсор шўх,
Лек эрур сарви парирўюм менинг бисёр шўх.*

*Ғар менинг шўхи ситамкорим паризод ўлмаса,
Мумкин эрмас одабий бўлмоғлиғ ул миқдор шўх.*

*Турмаса қон бу кеча қўксум шикофидин, не тонг
Ким, эрур қўнглумга кирган чобуки айёр шўх.*

*Ваҳ, не тонг ҳар лаҳза бетоқатлиғимким, дилбарим
Бовужуди ҳусн, ҳам ширин эрур, ҳам бор шўх.*

*То етишгай жонға етқурган қўнгулга юз бало,
Шукр этарменким, насиб ўлмиш манга дилдор шўх.*

*Шўхлардин туз қадам қўймоқ чу келмас, воқиф ўл
Ким, ситамгар чобукедур чархи кажрафтор шўх.*

*Ғар десангким, жонға етмай ҳар замон бир жаврдин,
Эй Навоий, панд эшит, ёр истама бисёр шўх.*

ЛУҒАТ

Парирухсор – соҳибжамол, чеҳраси париларникидек гўзал

Ул миқдор – унчалик

Шикоф – тешик

Не тонг – не ажаб

Туз – тўғри

Воқиф – огоҳ

Чобук – чаққон

Панд – ўғит, насиҳат

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Сарвиқомат паричеҳралар шўх бўлишса, ажабмас, аммо менинг гўзалим жуда ҳам шўх.
- Менинг золим шўхим паризод экани шубҳасиз, чунки одам боласи бунчалик шўх бўлиши мумкин эмас.

- Бу кеча кўксим жароҳатидан қон тўхтамай оқса ажабмас. Негаки кўнглимга кирган ул чобуки айёр жуда шўхдир.
- Ҳар лаҳзада бетоқат бўлишимга ажабланманг. Менинг ёрим ҳам гўзал, ҳам ширинсўз ва ҳам жуда шўх бир дилбар.
- Жону кўнглимни юз балога гирифтор этса ҳам менга шўх бир дилдор насиб этмиш деб шукр қиламан.
- Шўхлар ҳеч қачон тўғри қадам қўймайдилар, эгриқадам фалақдан огоҳ бўлким, аслида, золим ва ситамгар бир чобукдир.
- Эй Навоий, ҳар замон етажак жабру жафолар дастидан жонингдан тўймоқни истамасанг, ўгитимга кулоқ солиб, жуда шўх бўлган ёринг бўлишини орзу қилма.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Ғазални мажозий муҳаббат тараннуми сифатида баҳолаш мумкин. Унда маҳбуба сарви парирўй, шўхи ситамкор, чобуки айёр, ширин ва шўх дилбар, дилдор каби истиоралар билан сифатланади. Бу истиоралар радиф вазифасини бажарган шўх сифатининг турли қирраларини очишга хизмат қилган.

Алишер Навоий кундалик ҳаётда табъи ҳазил-мутойибага мойил шахс сифатида танилган. Замондошлари Хондамир, Зайниддин Маҳмуд Восифий, Мирзо Бобур асарларида Навоийнинг мутойибаларига алоҳида ўрин ажратишган. Қолаверса, шоирнинг ўзи ҳам суҳбатдошларидаги юмор ва кулгуга мойил хислатларини қадрлаб, буни алоҳида таъкидлаган. Жумладан, энг яқин кишилари ҳақида ёзган учта хотира- биографик асарнинг иккитасида (“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”) мутойибаларга алоҳида ўрин берилган. “Мажолис ун-нафоис”да замондош шоирлар зикрига бағишланган бобларда шўхтабълик хислати алоҳида таъкидланган: “Мавлоно Ховарий – самарқандлиғдур ва дарзигарликка (тикувчилик) мансуб эрди. Бадиҳани равон айтур эрди ва табъи хейли шўх эрди”.

Шу билан бирга Навоий ҳазил-мутойибада ҳаддан ошмаслик, мутойибалар ҳамиша одоб доирасида бўлиши тарафдори бўлган¹. Аммо ғазалда шоир ўзининг ёрини васф этаркан, уни “бисёр шўх” экани, бу даражадаги шўхлик одам боласи қўлидан келмаслигини мамнун ва мафтун ўлароқ алоҳида қайд этади:

*Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парирухсор шўх,
Лек эрур сарви парирўюм менинг бисёр шўх.*

*Ғар менинг шўхи ситамкорим паризод ўлмаса,
Мумкин эрмас одамий бўлмоғлиғ ул миқдор шўх.*

Маълум бўладики, бу “шўх” лик, аслида, паризод наслидан бўлган, ғайб оламига тегишли илоҳий бир хилқатнинг сифати экан. Ирфоний манбаларда шўхлик сифати одатда илоҳий жазба ғалабаси ҳамда ғайбий илтифотларга нисбатан қўлланилган. Хўш, жазбанинг ўзи нима? Устозимиз Нажмиддин Комилов жазбани сўфийлик истеъдоди сифатида баҳолаб, жумладан, шундай деганлар: “Жазба – бу инсондаги алоҳида илоҳсеварлик майли, руҳий ва тафаккурий-шуурий бир таважжухдир... Жазба – тортиш, Ҳақнинг бандаларига ва бандаларнинг Ҳаққа интилиши, иродани Илоҳга боғлайдиган дард. У кўнгилни бетоқат этиб,

¹ Ушбу масала бўйича батафсил маълумот олишни хоҳловчилар таниқли олим А.Абдуғафуровнинг “Навоий сатираси” (“Фан”, 1996) китобига мурожаат қилишлари мумкин.

фақру фано йўлига етаклайверади. Жазба қанча кучли бўлса, солик шунча тез тариқат одобини ўзлаштириб, қалб кўзи очилади, ҳолга киради” (Н.Комилов, “Тасаввуф”, 33-бет).

Бу таърифдан маълум бўладики, ғазалда таърифланган маҳбубанинг шўхликлари илоҳий муҳаббат дардини кучайтириш ва кўнгилни поклаш учун бир восита. Бу шўхнинг кўнгилни макон тутиши ҳамда чок бўлган сийнадан қон оқшининг тўхтамаслиги ҳам шу дарднинг ғалаёни, иштиёқнинг зўрайишидан нишона:

*Турмаса қон бу кеча қўксум шикофидин не тонг
Ким, эрур кўнглумга кирган чобуки айёр шўх.*

Кейинги икки байтда шўхтабъ ёрга дилбар ва дилдор истиоралари нисбат берилган. Бу сифатлар сиртдан бир-бирига яқин бўлса-да, ирфоний тилда бошқа-бошқа маъноларни ифодалайди. Фахриддин Ироқий талқинига кўра, дилбарлик – кўнгилда муҳаббат дарди, андуҳ ва ғуссани кўпайтирувчи, бепарволиги, истиғноси билан соликни қабз ҳолига тушириш бўлса, дилдорлик – ошиқ кўнглида сурур, умид ва муҳаббат туйғуларини кучайтирувчи, меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги билан соликни баст ҳолига тушириш демакдир. Шунинг учун ошиқ ўз шўхининг дилбарлигидан бетоқатлиги ошиб кетса, дилдорлиги юз тутган чоғларда кўнгилга юз бало юзланса-да, бу балоларни шукроналик билан қабул қилади:

*Ваҳ, не тонг ҳар лаҳза бетоқатлиғимким, дилбарим
Бовужуди хусн, ҳам ширин эрур, ҳам бор шўх.*

*То етишгай жонға етқурган кўнгулга юз бало,
Шукр этарменким, насиб ўлмиш манга дилдор шўх.*

Мавъиза оҳангидаги олтинчи байтда шўх сифати салбий оҳанг касб этади. Бу байтда шўх сўзи бетайинлик, тутуриқсизлик, алдоқчилик каби хусусиятларни ҳам ўзида жамлаши мумкинлиги билвосита кўрсатиб ўтилган. Шу орқали шоир бир сўзнинг ҳам ижобий, ҳам ирфоний-фалсафий, ҳам салбий маъноларини бир ғазалда ифодалаш маҳоратини намоён этган:

*Шўхлардин туз қадам қўймоқ чу келмас, воқиф ўл
Ким, ситамгар чобукедур чархи кажрафтор шўх.*

Хулоса қилувчи мақтаъда шоир ўзига “ёр истама бисёр шўх” деб ўғит беради. Шўхни қайси маънода қабул қилсак ҳам бу ўғит айни ҳақиқат бўлиб чиқаверади: ахлоқ нуқтаи назаридан шўхтабълик ҳаддан ошса, эътибор ва эҳтиром, виқор йўқолади; ирфон нуқтаи назаридан шўхлик – илоҳий жазба кучайса, солик мажнунсифат бўлиб, жамият уни қабул қилмай қолади:

*Гар десангким жонға етмай ҳар замон бир жаврдин,
Эй Навоий, панд эшит, ёр истама бисёр шўх.*

**“ВАҲКИ, ҲИЖРОН ШАРБАТИДИН
БИЗГА БЎЛДИ КОМ ТАЛХ...”**

«Ғаройиб ус сиғар», 110-ғазал

*Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
Ҳар киши заҳр ичса бўлғай ком анга ноком талх.*

*Ҳажр етса май била дедим овунғаймен, валеқ
Ёрсиз бор эрмиш ичмақ бодайи гулфом талх.*

*Шоми ҳажримдин не оғаҳ улқи ҳижрон тунлари
Тонгға тегру тўқмади шўробани бир шом талх.*

*Шарбати сабр отини тутмангқи, бир ой ҳажридин
Оғзима ҳайвон зулолин айламиш айём талх.*

*Оғзидин аччиғ сўз айтиб зоҳир этса заҳри чаши,
Айб эмастур писта шўру тонг эмас бодом талх.*

*Жоми ҳижрон чеккали билдимқи, жавринг саъб эмас,
Май неча талх ўлса, кўрмас они заҳр ошом талх.*

*Носабур ўлмас кўнгулға етса хуноби фироқ,
Не учунқим талх май ичкандин ўлмас жом талх.*

*Умр шаҳди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марг заҳри бирла они даҳри нофаржом талх.*

*Васл жомидин Навоий элга бўлди баҳра нўш,
Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх.*

ЛУҒАТ

Ком – ҳалқум

Ноком – ноилож

Гулфом – қизил, гул рангида

Тегру – -гача

Шўроба – шўр сув; маж.:йиғи

Ҳайвон зулоли – ҳаёт суви

Саъб – қийин

Заҳрошом – заҳар ютувчи

Носабур – сабрсиз

Хуноб – қонли ёш

Шаҳд – асал, ширинлик

Даҳр – дунё

Нофаржом – фоний

Баҳра – насиб

Нўш – ҳаёт суви

ҒАЗАЛ ВАЗНИ

Рамали мусаммани маҳзуф

-V-- -V-- -V-- -V-

-V-- -V-- -V-- -V-

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

НАСРИЙ БАЁН

- Э воҳ, ҳижрон шарбатидан бизнинг оғзимиз аччиқ бўлди. Кимки заҳар ичса, унинг оғзи истаса-истамаса аччиқ бўлади.
- Ҳижрон пайти май билан овунгайман дегандим. Аммо ёрсиз ичилган қизил шароб ҳам аччиқ бўларкан.
- Ҳижрон кечалари шомдан тонггача аччиқ кўз ёш тўкмаганлар менинг ҳижрон шомидани ҳолимдан қандай огоҳ бўлсин?!
- Сабр шарбатини зинҳор тилга олмангки, бу фурсатда бир ой ҳижронида оғзимга ҳатто ҳаёт суви аччиқ таъм бермоқда.
- Оғзидан аччиқ сўз чиқиб, заҳарли нигоҳ ташлашлари айб эмас. Ахир, кўпинча писта – шўр, бодом- аччиқ бўладику?!
- Ҳижрон бодасини ичиб, шуни билдимки, жавру жафоларингни чекиш унча қийин эмас экан. Заҳар ичиб юрган кишига шаробнинг аччиқлиги билинмайди.
- Кўнгилга фироқда тўкилган қонли ёшлар етиб боргач, ортиқ тоқатсизланмайди. Чунки аччиқ май ичгангандан сўнг кейинги жомлар аччиқлиги билинмайди.
- Умр – асалдек ширин, лекин уни барибир бу фоний дунё ажал заҳри билан аччиқ қилади.
- Эй Навоий, эл висол шаробидан баҳраманд бўлиб, гўё қайта тирилди. Эвоҳ, ҳижрон шарбатидан бизнинг оғзимиз аччиқ бўлди.

ШАРҲ ВА ИЗОҲЛАР

Мавлоно Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб” девонидан куйидаги матлаъ билан бошланган “талх” радифли ғазал жой олган:

*Эй бе лаби туам ба даҳон қанди ноб талх,
Дар коми чом бе лаби лаълат шароб талх.*

Таржимаси:

*Эй, қанд лабларингсиз эрур комда тахир
Ҳам лаъл лабларингсиз у май жомда тахир.*

Устозининг ушбу ғазалига жавоб ёзган Навоий ғазал вазни ва қофиясини ўзгартиради: Жомийнинг ғазали музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида бўлса, Навоийнинг жавобияси рамали мусаммани маҳзуфда битилган. Равий ҳарфи Жомий ғазалида “бе” ҳарфи бўлса, Навоий ғазалида “мим” ҳарфи равий ҳарфи вазифасини бажарган. Шунинг баробарида, Навоий томонидан ғазалнинг умумий руҳи ҳамда радифни сақланган ҳолда “талх” ғазалининг “туркона тавр”и яратилган:

*Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
Ҳар киши заҳр ичса бўлғай ком анга ноком талх.*

Жомийнинг ғазалида тазод санъати унсурлари етакчилик қилади. Жумладан, унинг ғазали матлаъида қанд билан ёрнинг лаби қарама-қарши қўйилиб, талх сифатига урғу берилган ҳолда ёр лабининг ширинлигига ишора қилинади. Навоий ғазалида эса, барча маъно ва мазмунлар, тасвир ва ўхшатишлар радиф вазифасини бажараётган талх сўзининг маъно меҳвари атрофида айланади. Матлаъда ҳусни таълил ёрдамида ҳижрон “шарбат”и заҳардек қаттол эканлиги айтилган бўлса, кейинги байтда ёрнинг ҳижронида ичилган ширин шароб ҳам аччиқ туюлиши таъкидланган:

*Ҳажр етса май била дедим овунгаймен, валеқ
Ёрсиз бор эрмиш ичмақ бодайи гулфом талх.*

Ҳижроннинг аччиқ азобларини ҳамма ҳам ҳис этавермайди. Ҳижрон – шунчаки айрилиқ, кимнидир бир муддат кўролмаё қолиш, оддий соғинч эмас. Ҳолбуки, соғинч ва дийдор талбабининг ҳам ўзига яраша қийноқ ва азоблари бор. Ҳаётдаги таянч нуқтасини йўқотган, яшашга мазмун бағишлаб турган умидидан мосуво бўлган, бутун вужуди билан талпиниб турган жойида рад этилган инсонгина ҳижрон азобини билади, айрилиқнинг ниҳоясиз шомлари кўнглидаги орзу ва умид чироқларини сўндиргач, аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкишдан бошқа чораси қолмаган бечоралар бу дардни жондан ҳис қилишади:

*Шоми ҳажримдин не огаҳ улқи ҳижрон тунлари
Тонга тегру тўкмади шўробани бир шом талх.*

Ҳижрон шарбатини тотган кишига сабрнинг аччиқ шарбати ҳам фойда бермайди. Сабр, “Маҳбуб ул-қулуб” да зикр этилганидек, “ошиқларга маразедур қотил ва беморларга захредур ҳалоҳил... Йўли бодиясида зулумоти офат, Хизрдек ани қатъ қилғонга баҳра зулоли ҳаёт”. Ишқ аҳли учун қаттол дардга ўхшаган сабр шарбатини тотган киши оқибат Ҳизр чашмасига етмоғи мумкин, аммо ойдаё гўзал ёрнинг ҳижронида ҳатто оби ҳаёт ҳам ошиқнинг оғзига ўлим шарбатидек аччиқ таъм бермоқда. Қолаверса, ҳижронда ўтадиган абадий ҳаётдан не наф?! Бундай ҳаётдан ўлим афзал эмасми?!

*Шарбати сабр отини тутмангки, бир ой ҳажридин
Оғзима ҳайвон зулолин айламиш айём талх.*

Ёр висолисиз яшашдан кўра ўлимни афзал билган шоир бу ғояни янада ривожлантириб, қуйидаги байтда ҳаёт ва ўлим ҳақидаги фалсафий қарашларини баён этади:

*Умр шаҳди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марғ захри бирла они даҳри нофаржом талх.*

Бу маънолар Шайх Саъдийнинг ғазалида қуйидагича баён этилган:

*Бечора одамий, ки агар худ ҳазор сол
Муҳлат биёбад аз ажалу комрон шавад..*

*Ҳам оқибат чу навбати рафтан ба вай расад,
Бо сад ҳазор ҳасрат аз ин жо равон шавад.*

(Мазмуни: Шўрлик одамий зот минг йил яшаб, ўз мақсадига эришган чоғда ҳам, бир куни кетиш навбати етганда, юз минг ҳасрат билан бу дунёни тарк этади).

Мақтаъда Навоий раддул-матлаъ санъатини қўллаб, матлаъдаги биринчи мисрани ғазалнинг сўнгида айнан келтирган. Биринчи байтда ҳижрон шарбатидан тотган ошиқ ўлим талвасасига тушган кишидек оғзи аччиқ бўлгани баён этилганлигини қайд этиб ўтдик. Мазкур ҳолат ва кайфият ғазалда байтма-байт тадрижий равишда кучайтирилиб, мақтаъда бу ҳолат ишқ аҳли ичра фақат Навоийга хос эканлиги таъкидланади. Навоий ҳам эл қатори висол жомидан баҳраманд бўлиши мумкин эди, аммо унга бошқа шарбат – ҳижрон шарбати насиб этган. “Риёз ус-солиҳин” да келтирилишича, фаришталар Ҳақ таолодан Одам болаларининг азиз ва мукаррам эканлигининг сабабини сўраганида Аллоҳ таоло “бу бандаларимнинг тотган ҳижрон шарбати уларни бу мақомга кўтарди”, деб жавоб берган экан. Шу сабабдан бўлса керак, Навоий элнинг висол шарбатидан кўра, оғзини аччиқ қилган ҳижрон шарбатини афзал билиб, фикрини қуйидагича хулосалайди:

*Васл жомидин Навоий элга бўлди баҳра нўш,
Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх.*

МУНДАРИЖА

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ ВА ҲАДИСЛАР

Кириш7

БИРИНЧИ БОБ

Навоий шеъриятида оят ва ҳадислар матнини келтириш усуллари..... 10
Иқтибос санъати : таъриф ва талқин 11
Шакли ўзгартирилган оят ва ҳадисларнинг Навоий шеъриятидаги ўрни25
Насрий асарлардаги шеърий парчаларда илоҳий ва набавий ҳикматлар..... 32
Басмала боби – исломий ғояларнинг шоирона талқини36

ИККИНЧИ БОБ

Қуръон оятлари ва ҳадислар мазмунини шеърда ифодалаш усуллари.....44
Талмиҳ санъати ва қуръоний тимсоллар..... 44
Навоий шеъриятида оят ва ҳадисларнинг шоирона таржима ва талқини 55
Сўфиёна ҳикоятларда оят ва ҳадислар.....63
Қуръон оятлари ва ҳадислар талқинида ишора санъатининг ўрни 66

УЧИНЧИ БОБ

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) сиймосининг бадий талқини 74
Қуръонда зикр этилган ва ўзгаришсиз келган исм ва сифатлар 74
Ҳадислар асосида пайдо бўлган ва Навоий шеъриятида
қўлланилган исм ва сифатлар 78
“Ҳамса” дostonларида меърож ҳодисасининг бадий талқини 84
ХУЛОСА 97
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 101

МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ

Биринчи китоб

Бебаҳо хазина кашфиёти	108
Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо	111
Зиҳи ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо	115
Эй, сафҳайи рухсоринг азал хаттидин иншо	118
Эй, ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга	122
Илоҳо, Подшоҳо, Кирдигоро	125
Эй, нубувват хайлиға хотам бани Одам аро	129
Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»	132
Ҳар гадоким, бўрөйи фақр эрур кисват анга	136
Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга	140
Ул парипайкарки, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга	143
Ваҳки, ишқинг зоҳир этсам, ваҳм эрур ўлмак манга	146
Гарчи ҳажрингдин эрур юз ғаму озор манга	150
Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга	154
Шаҳр бир ой фурқатидин байт ул-аҳзондур манга	157
Менмудурменким сенинг васлинг муяссардур манга	160
Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга	164
Қаҳринг ўлса, барча ишимдин малолатдур санга	166
Эй, алифдек қоматинг мийли бузулған жон аро	169
Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро	173
Заврақ ичра ул қуёш сайр айламак Жайхун аро	176
Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро	179
Икки бармоғ бирла туттум лаълин ул рухсор аро	182
Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа	186
Эрур ишқ аҳли гўристоню юз минг мазор анда,	190
Доғларким, кўйдум ул ой фурқати озорида	193
Эй кўнгул, гар кимса аҳволим демас ёр оллида	196
Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса	199
Не хуш бўлғай иковлан маст бўлсақ васл боғинда	202
Ер тутар кўнглумда гардундин жудо бўлған бало	205
Хилъатин айлабмудур ул шўхи сийминбар қаро	208
Ҳам рамад теккан кўзунгга чашми бедорим фидо	211
Давр эл соғарини қилди майи ноб тўла	214
Онча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо	217
Гул узра хатти мушкин бирла то қилдинг рақам пайдо	220
Бўлса икимизнинг юзи акси суда пайдо	223
Май бирла юзунг тим-тим аҳмарму экин оё	226
Зор жисмимға хадангинг захмидин ортар наво	229
Не наво соз айлағай булбул гулистондин жудо	232
Маҳвашо, сарвқадо, лоларухо, сиймтано!	235
Зиҳи, висолингга толиб тутуб ўзин матлуб	238

Икки ўтлуғ наргисингким, қилдилар бағрим кабоб	242
Қошу юзунгни мунажжим чунки кўрди бениқоб	245
Чобукеким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб	248
Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб	251
Юз сўзумдин бирига бермас жавоб ул нўшлаб	254
Субҳи давлат юзунг, эй тавсани гардун санга ашҳаб	257
Неча бўлғай манга ҳажр ичра тазаллум, ё Раб?	261
Эй, санга юз хўбу лаб хўбу лабингдин кулгу хўб	264
Сен лабинг сўрған сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб	267
Ишқдин ёнса таним сўрма сабаб	271
Оғзининг сирри манга маълум агар эрмас не айб	274
Бовужудиким адам бўлдум ғамидин қайғуруб	277
Хоки пойи бўлди жони хоксорим қон ютуб	280
Ваҳ, не қотилдур келур ойини қатлу кин солиб	283
Ханжаринг жонимға етти кўкрагимга санчилиб	286

МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ

Иккинчи китоб

Сўзи ҳажринг ичра ҳар дам заъфлиғ жисмим ёниб	290
Хаста жоним заъфин англа, кўнглум афғонин кўруб	293
Кўз ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб	297
Ўлукни тиргузур лаълинг Масиҳосо калом айлаб	300
Қон ёшим йўлунгда томмайдур кўзум гирён бўлуб	304
Кимса ёри бирла хуштур ғам дейишиб мунграшиб	307
Кезармен кўйида йиллар назар ҳолимға солғай деб	311
Дам-бадам жоми тараб ғайр ила ул моҳ чекиб	314
Не махласим бор анинг ишқидин канора қилиб	317
Ул ой қасдима тийғи буррон чекиб	320
Чобукум рахш уза ҳижрон йўлида пўя қилиб	323
Мендин ул чобукнинг, эй пайки сабо, майдонин ўп	326
Зулфу юздин сунбулунгни гул уза тарқатма кўп	329
Қасри жоҳингға сипеҳр авжида айвон бўлди тут	333
Эй кўнгул, ул аҳди ёлғон меҳр шартин қилди тут	337
Келгил, эй қурбон кўнгул, ул қоши ё меҳрин унут	340
Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат	343
Жаҳдим андоқдур етишгайменму деб васлингға бот	347
Тийра кулбамга кириб, жоно, ўлумдин бер нажот	350
Кўзум учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот	353
Эй кўнгул, ёр ўзгалар домиға бўлди пойбаст	356
Субҳ эрур соқию мен махмурмен, сен – майпараст	360
Жунун тоши уруб ҳар ён янги доғимни афгор эт	363
Вужудум ўртадинг, эй ишқ, эмди тарким тут	366
Кўнглум олди бир парипайкар, малаксиймо йигит	369
Маст чиқти яна ул қотили бебок йигит	372
Ёна солди ҳажр ҳам тан, ҳам кўнгул, ҳам жонға ўт	375
Ваҳки, ҳажринда жаҳон бўлди кўзумга зулумот	378
Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт	381
Хирмани рухсориға солмиш майи гулнори ўт	384
Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонға тушти ўт	387
Войким, душмандек ўлди аҳидин бегона дўст	390
Бош қўярмен куп аёғинда май ичсам пайваст	394
Қачонки ул бути ширинкалом қилди ҳадис	398
Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс	402
Менинг жунунума гар ул пари эрур боис	406
Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж	410
Эй гадойингнинг гадойи барча аҳди тахту тож	413
Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж	416
Майи лаълинг эрур жон бирла мамзуж	419
Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач	422

Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гулъузор ўлғач	426
Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач	429
Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадаҳ ич	432
Фақр аҳлиға подшо муҳтож	435
Зиҳи тилинг «ана афсаҳ» такаллумида фасих	438
Баданға келмади то азми кўюнг айлади руҳ	441
Кўнгулни муғбача олди, муғона тут ақдоҳ	445
Нега кўргузди совуғ оҳу сариғ рухсор субҳ	448
Рўзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун қадаҳ	452
Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза руҳ	455
Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густох	459
Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах	463
Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парирухсор шўх	467
Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх	470

УЎК 821.512.133.06(091)

КБК 83.3(5Ў)

И 28

Истиқлол даври ўзбекнавоий шунослиги: 30 жилдлик / Олим Давлатов: Алишер Навоий шеъриясида Қуръон оятлари ва ҳадислар; Маънолар хазинаси; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2022. – 480 бет.

Ж.28: Олим Давлатов: Алишер Навоий шеъриясида Қуръон оятлари ва ҳадислар; Маънолар хазинаси. 480 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123-5

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2022

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

Йигирма саккизинчи жилд

Олимжон ДАВЛАТОВ

АЛИШЕР НАВОЙ ШЕЪРИЯТИДА
ҚУРЪОН ОЯТЛАРИ ВА ҲАДИСЛАР

МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ

(1-2- китоблар)

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Иқром*
Мусахҳиҳ: *Шоҳрӯз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“ТАМАДДУН” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Наввий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами АІ №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108^{1/16}.
Cambria гарнитураси. 30 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.